

Жек ЛОНДОН

ОЙДИН ВОДИЙ

Роман



The function of man is to live, not to exist.
I shall not waste my days in trying to prolong them.
I shall use my time.

Jack London.

195
Жек ЛОНДОН

ОЙДИН ВОДИЙ

Роман



Тошкент – 2018

УЎК: 821.111(73)-31

КБК: 84(7)

Л 75

Лондон, Жек.

Ойдин водий: роман / Жек Лондон; таржимон: Мухаббат Исмоилова. – Тошкент: “Yurist media markazi” нашриёти, 2018. – 672 б.

Америкалик машхур ёзувчи Жек Лондон (1876–1916) оз фурсатли ёзувчилик фаолияти давомида қиркка яқин ажойиб асарлар яратишга мушарраф бўлган.

Бошланғич мактабни тугатган 14 ёшли Жек консерва фабрикасига ишчи бўлиб ёлланган. 1893 йилда илк бор у Япония соҳилларига денгиз сафарига оддий матрос бўлиб борган. 1894 йилда ишсизларнинг Вашингтонга кўчишида катнашган, дайдиларча ҳаёт тарзи учун қамоққа олинган, сиёсий ҳаракатларга кўшилган. Кейинроқ Калифорния университетига ўқишга киради ва кўп ўтмай ўқишни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

1897 йилнинг баҳорида Аляскага ишлашга кетади ва тақдир унга олтин ўрнига, ўз қаҳрамонлари билан “учрашиш” бахтини тухфа этади. Аляскадан қайтганидан сўнг ижодий фаолиятга жиддий киришади ва 1899 йилда шимол ҳақидаги дастлабки ҳикоялари, 1900 йилда эса илк китоби – “Бўри боласи” ҳикоялар тўплами чоп этилади. Унинг “Денгиз бўриси”, “Мартин Иден”, “Уч қалб” романлари машхур.

ISBN 978-9943-4966-3-7

© Жек Лондон

© “Yurist-media markazi” нашриёти

*Ушбу меҳнатим маҳсулини
ҳаётининг мазмунини ҳалолликда
деб билган инсон – фарзандларим
отасига бағишлайман.*

Таржимон

1 ҚИСМ БИРИНЧИ БОБ

– Саксон, менга қара, юр, бирга кетамиз! Балки “Қурувчилар клуби”га борармиз? Нимаси ёмон? У ерда менинг таниш йигитларим бор, сеникилар ҳам. Кейин Ол Вистнинг оркестрини айтмайсанми... Унинг қандай зўр чалишини биласан-ку. Ахир сен ҳам рақс тушишни ёқтирасан...

Нарироқда ишлаётган тўладан келган кекса аёлнинг инграши қизнинг гапини бўлиб юборди. Аёл кизларга тескари турган бўлиб, унинг букчайган, кўпол гавдаси бирдан титрай бошлаганди.

– Худойим-ей! – ингради аёл. – Вой Худойим-ей! – У атрофга худди кўзи қонга тўлган ёввойи каби, ғазаб билан назар ташлади.

Худди печнинг ҳароратидек иссиқ бўлган катта хонада анча-мунча дазмолчи кизлар ишлашар, улар дазмол ураётган ҳўл кийим-кечаклардан чиқаётган буғ қалин нам қатлам бўлиб, хонанинг оқланган деворларини қоплаб оларди. Инграётган аёл билан ёнма-ён ишлаётган хотин-қизлар ишларини бир дақиқага ҳам тўхтатмай, дазмолларини тез-тез юргизишарди; шерикларининг овозини эшитгач, ўзлари сезмаган ҳолда уларнинг ҳам ҳаракатлари секинлашди; бу эса ишбай

шарти билан ишлаганлари учун уларнинг фаолият-ларига таъсир қилмай қолмасди.

Аёл, ниҳоят, ўзини босиб олиб, дазмолини қўлига олди-да, ғайриихтиёрий ҳаракатлар билан олдидаги стол устида ётган тўрли юпқа матодан тикилган блузка устида юргиза бошлади.

– Мен эндигина яна касали бошланаяпти, деб ўйлай бошлаган эдим... – деди қиз.

– Шунақаси ҳам бўладими! Шу ёшида, шундай оила билан... – қўлидаги кўйлакнинг чиройли тўрларини иссиқ дазмол билан текислар экан, жавоб берди Саксон. Бу қизнинг эҳтиётлик билан тез-тез қилаётган чиройли ҳаракатларидан кўз узиш қийин эди. Ўта иссиқ ва чарчоқдан юзлари оқариб турган бўлса-да, унинг ҳаракатлари аниқ ва чаққон эди.

– Бечоранинг еттита боласи бор, яна уларнинг иккитаси ахлоқ тузатиш мактабида, – овозида шафқат оҳанги билан деди дугонаси. – Лекин, Саксон, сен эртага Визелпаркка, албатта келгин, – суҳбатлари мавзусига яна қайтиб, деди қиз. – “Курувчилар”да доим қизиқ бўлади: арқон тортиш, бақалоқларнинг югуриши, ҳақиқий ирландча жига ва... яна бошқа кўп нарсалар. У ердаги рақс зали ҳам ажойиб.

Бироқ шу пайт қизнинг гапини яна ҳалиги кекса аёл бўлиб кўйди: унинг қўлидаги дазмол шундоққина қўли остидаги блузканинг устига тушди, аёл устида дазмол қилинадиган тахтани ушлаб қолмокчи бўлди, бироқ тиззалари бўшашиб, худди бўш қопдек, полга кулади. Дим хонада чинқирик овози янграб, шу заҳоти хонани куйган мато ҳиди тутиб кетди. Ён-атрофдагилар блузкани қутқариб қолиш учун аввал дазмолга қараб югуришди ва шундан кейингина йиқилиб тушган аёлнинг ёнига келишди. Кираверишда воқеа содир

бўлган жойга жаҳл билан шошиб келаётган бошлиқ аёл кўринди. Нарироқда турган аёллар ишлашда давом этаётган бўлишса-да, бироқ ҳаракатлари сустлашган эди. Ҳаммаси бўлиб улар ниҳояти бир дақиқага яқин вақт йўқотган бўлишлари мумкин эди.

– Бундай ҳаётдан ит ҳам ҳаром ўлади, – кўлидаги дазмолни жаҳл билан жойига кўя туриб, минғирлади биринчи қиз. – Қиз боланинг эса ўзини ўзи осиб кўйишдан бошқа иложи йўқ. Бўлди, етар, бу ердан кетаман!

– Мери! – Саксон дугонасининг исмини шундай гина билан айтди-ки, ҳатто ўзи ҳам дазмолини кўйиб, бир қанча вақтгача ҳаракатсиз туриб қолди.

Мери кўрқиб кетиб, шеригига қараб кўйди.

– Мен бундай демоқчи эмасдим, Саксон, – шивирлади у. – Чин сўзим, мен ҳеч ҳам ёмон йўлга юрмоқчи эмасман. Бироқ, ўзинг кўриб турибсан: ахир бугунгидек кунга бардош бераверишга одамнинг асаби чидамайди-ку! Йўқ, сен қулоқ солгин!

Йиқилиб тушган аёл ерда ётганча тинмай оёқлари билан полни тепиб, худди завод сиренаси каби бир хил товушда чинқирар эди. Иккита ишчи аёл унинг кўлтигидан олиб, ташқарига судрашар, у эса оёғини типирчилатганча, чинқирешда давом этарди. Эшик очилиб, ташқаридан кирган шовкин-сурон ва машиналарнинг тарақ-туруғи эшик яна қайтиб ёпилгунча хонадаги шовкин ва қичқириқ товушларини босиб кетди. Бўлиб ўтган ҳодисадан хонада куйган матонинг исигина қолди.

– Одамнинг нафаси қайтиб кетяпти, – деди Мери.

Яна дазмоллар у ёқдан бу ёққа бориб келишда давом этди, дазмолчи аёллар эса ортиқ тезликни сусайтиришмади. Бошлиқ аёл дазмол тахталари орасида юриб,

яна бирортаси йиқилиб қолмайдими, яна бирортасининг мазаси қочиб қолмайдими деб, хўмрайганча кузатишда давом этди. Фақатгина баъзи-баъзида гоҳ у аёл, гоҳ бошқа аёл пешонасидаги терни артиш ва нафасини ростлаб олиш учун тўхтар, сўнгра йўқотган вақтини тиклаб олиш учун яна шахд билан ишида давом этар эди.

Узун ёз куни тугаётган бўлса-да, бироқ хали иссик қайтмаган, хонадаги иш эса чарақлаган электр чироғи ёруғи остида давом этарди.

Фақат соат тўққизларга келибгина ишчи аёллар уй-уйларига тарқала бошлашди. Крахмалланган тўрли ичкийимларнинг тоғдек уюми деярли тугаган бўлиб, фақат хали ишланган давом этаётган аёлларнинг тахталари устида бир нечтасигина қолган эди.

Саксон ишини Меридан олдинроқ тугатган бўлиб, ҳозир дугонасини кутиб ушланиб қолаётган эди.

– Мана, шанба ҳам келди, яна бир ҳафта ўтди, – ғамгинлик билан деди Мери; кизнинг оқарган юзлари ич-ичига кириб кетган, чарчаган қора кўзларининг атрофи кўкариб кетган эди. – Саксон, сенингча қанча пул ишладим деб ўйлайсан?

– Ўн икки доллар чорак цент, – ғурур билан жавоб берди Саксон. – Агар ана у крахмаллайдиганлар бўлмаганда кўпроқ топган бўлардим.

– Қойил! Табриклайман, – деб қўйди Мери. – Сенга етиб бўлмайди, сенинг кўлингда иш қайнайди. Мен эса ниҳоятини ўн ярим ишладим, ҳафта жуда оғир келди... Демак, соат тўққиздан қирқ дақиқа ўтганда станцияда бўласан. Кеч қолиб ўтирма. Рақс бошлангунча айланнишга ҳам улгураамиз. Кеча бошлангунча у ерда анчамунча танишлар йиғилишади.

Икки квартални босиб ўтгач, Саксон бурчакда чироқ ёруғида бир тўда безори йигитлар турганини кўриб, қадамини тезлаштирди. Уларнинг ёнларидан ўтиб кетаётиб, қиз беихтиёр хўмрайди. Унинг орқасидан нималар дейишганини тушунмади, бироқ уятсизларча кулишларидан нима деган бўлишларига ақли етиб, юзларига кон тепиб, ғазабдан қип-қизариб кетди. Яна уч квартал ўтиб, у аввал чапга, сўнгра ўнга қайрилди. Тунгги совуқ туша бошлаган эди. Кўчанинг икки томони бўйлаб, ишчилар япайдиган уйлар – сувоқлари кўчиб кетган, лиқиллаб зўрға турган ёғоч уйлар чўзилган эди. Бу уйлар ўзларининг ўта бечораҳоллиги ва арзонлиги билан бошқалардан ажралиб турарди.

Кўча жуда қоронғи бўлса-да, Саксон қийшайиб ётган таниш дарвозани дарров топди. Дарвоза гичирлаб, доимгидек, қизни саломлашиб кутиб олгандек бўлди. Қиз торгина йўлкадан юриб бориб, орқа эшиккача келди ва кўрмасдан туриб ҳам, тушиб кетган зина пиллапоясидан сакраб ўтиб, биттагина газ чироқ хира ёниб турган ошхонага кирди. У чироқни имкон борича баландлатди. Хона кичкинагина бўлса-да, ҳаммаёқ батартиб эди: тартибсиз бўлиши учун бу ерда нарса жуда кам эди. Деворнинг сувоғи ўтган баҳорда юз берган ер силкинишидан бутунлай кўчиб тушган эди. Пол ҳам қинғир-қийшиқ бўлиб, ёғочларининг оралари очилиб кетган, печканинг олди эса куйиб кетган бўлиб, куйган жойга керосиндан бўшаган бидонни текислаб, икки қават қилиб қоқиб ташлашган эди. Хонанинг бор-йўқ жиҳози ёғоч челақ, қозикда осиглик турган кир сочиқ, ёғоч стол ва бир нечта стулгина эди, холос.

Қиз стол олдида стулни суриб кўяр экан, оёғининг остида ётган тишлаб ташланган олма ғирчиллаб кетди.

Стол устида уни кечки овқати кутиб турарди. Саксон ёғи қотиб, совиб қолган ловияли овқатдан озгина татиб кўргач, нари суриб қўйиб, бир бўлак нонга сарёғ суриб ея бошлади.

Оғир қадам товушларидан омонат пол кимирлаб кетиб, ошхонага сочлари тўзғиб кетган, доимий муаммолар натижасида юзларини вақтлигина ажин босиб, кўкраклари осилиб кетган, аини вақтда жаҳли чиққани кўриниб турган ўрта ёшлардаги аёл — Сара кириб келди.

— Ҳа, сенмидинг... — саломлашиш ўрнига минғирлаб қўйди у. — Овқат совиб қолган, иситишнинг иложи йўқ. Кунни қарагин-а! Иссиқдан ўлиб қолай дедим. Бунинг устига, Гарри ҳам лабини йиртиб келибди. Доктор тўртта чок солди.

Сара яқинроқ келиб, столга суянди.

— Нега ловияни емаяпсан? — кишининг гашига тегадиган оҳангда сўради у.

— Ўзим, шундай... — Саксон томоғига тикилиб келаётган йиғини зўрға босиб, жавоб берди. — Егим келмаяпти. Кун жуда иссиқ бўлди; кирхонада нафас олишнинг ўзи бўлмаяпти.

Саксон айниб қолишга улгурган совуқ чойни зўрға хўшлар экан, келинойиси ўзига тикилиб турганини ҳис қилиб, финжондаги бор чойни бир амаллаб ичиб тугатди. Оғзини дастрўмоли билан артиб, ўрнидан турди.

— Мен ёта қолай.

— Бугун рақсга бормаётганингга ҳайрон қоляпман, — захархандалик билан деди Сара. — Ҳар куни чарчаганингдан йиқилгудек бўлиб келишингга қарамай, туни билан рақсга тушишга тайёр бўлишинг галати.

Саксон жавоб қайтармоқчи бўлди, бироқ фикридан қайтиб, лабларини қаттиқ қимтиб олди; бироқ яна ўзини тута олмай, шартта гапириб юборди:

– Сен, афтидан, ҳеч қачон ёш бўлмагансан, шекилли! – Қиз жавоб ҳам кутмай, ошхона ёнидаги ўз ётоғига кириб кетди. Бу узунасига беш метр, энига уч метр бўлган торгина хона бўлиб, зилзила бу ерда ҳам ўз изини қолдирган эди. Хонанинг бутун жиҳози қарағайдан ясалган арзон каравот, стул ва жуда ҳам эски комоддангина иборат эди. Саксон бу комодни жуда ҳам кичкиналик пайтидан бери билар, унинг кўп хотиралари шу комод билан боғлиқ эди. Бу комод унинг ота-боболари билан аравада прерия бўйлаб саёҳат қилган эди. У яхлит қизил дарахтдан ишланган бўлиб, аравалари Рок-Кэньонга ағанаб тушганда бир бурчаги дарз кетган эди; юқори тортмасидаги ўқнинг ўрни эса Литтл Мэдоу яқинида хиндулар билан бўлган тўқнашувдан қолган эсдалик эди. Бу саргузаштлар ҳақида Саксонга онаси айтиб берган бўлиб, у яна бу комод унинг ота-боболари томонидан бир пайтлар – ҳали Жорж Вашингтон туғилмасидан ҳам бурун Англиядан келтирилганини айтиб берган эди.

Комоднинг тепасида кичкинагина ойна осилиб турарди. Унинг рамкасига ёш-ёш йигит қизлар, пикникда расмга тушган бир тўда ёшларнинг расмлари қистириб қўйилган эди; ёш йигитчалар шўхлик билан шляпаларини энсаларига суриб қўйиб, ўзларига тегишли қизларни кучоқлаб туришарди. Ойнанинг ёнида расмли календарь ва ҳар хил журналлардан қирқиб олинган рангли реклама ва расмлар осилган эди. Расмларнинг кўпида отлар тасвирланган эди.

Саксон шляпасини еча туриб, бирдан каравотига ўтирди-да, товушини чиқармасликка ҳаракат қилиб,

йиғлаб юборди. Бироқ бирдан тахтадан ясалган эшик овозсиз очилиб, қиз келинойисининг овозидан чўчиб тушди:

– Яна нима? Агар сенга ловия ёкмайдиган бўлса...

– Йўк, йўк, – уни тинчитишга уринди Саксон. – Жуда чарчаганман, холос. Оёқларим ҳам оғрияпти. Сара, қорним оч эмас, фақат жуда чарчаб кетдим.

– Агар рўзғор юритганингда, пишир-куйдир, яна кир юв, хуллас, мен қиладиган ишларни қилганингда, чарчаш нималигини билган бўлардинг. Худди маликалардек яшайсан. Бироқ, ҳали қараб тур, – Сара алам билан кулди, – бошқа қизларга ўхшаб, сенинг ҳам бошингни айлантиришади, сен ҳам турмушга чиқасан: кетма-кет болалар туғилади, кейин рақс тушишга вақтинг ҳам бўлмайди, ипак пайпоқларинг ҳам, бирданига уч жуфт туфлинг ҳам бўлмайди. Ҳозир нима ғаминг бор? Фақат ёлғиз ўзинг ҳақингда ва сенга кўзини ўйнатиб қараб, чиройли кўзларинг ҳақида ашула айтадиган такасалтанглар тўғрисида ўйлайсан, холос. Ҳали шошмай тур! Бир кун келиб шундайлардан бири билан ҳаётингни боғлайсан ва у сени шундай безайдики, ўшанда сенга “ассалому алайкум” дейман!

– Сара, нега менга бундай гапларни гапиряпсан? – гина килди Саксон. – Акам сенга бармоғининг учини ҳам теккизмаган-ку, ахир?! Ўзинг ҳам буни жуда яхши биласан!

– Бўлмасам-чи! Унга йўл бўлсин! Бироқ у чиндан ҳам хотинига биттада уч жуфт бошмоқ сотиб олиб бера олмаса-да, ҳар ҳолда сен учрашиб юрадиган такасалтанглардан тузукроқ. Ҳа, сенинг безориларингдан яхшироқ – улар ўзига тўғри аёлнинг тупурган тупугига ҳам арзимаيدди. Сен шу пайтгача улар билан бир

фалокатга йўлиқмаганингга ҳайронман. Билмадим, ҳозирги ёшлар бу масалада анча ақллироқ, шекилли. Билганим, агар ёшгина қизнинг уч жуфт бошмоғи бўладиган бўлса, демак, у ўз хурсандчилигидан бошқа нарса тўғрисида ўйламайди ва албатта, бир фалокатга учрайди, менга ишонавер. Биз ёшлигимизда бундай нарсалардан узоқроқ юрардик. Агар мен ўзимни сендек тугадиган бўлсам, онам теримга сомон тикқан бўларди! Ва у ҳақ эди. Ҳозир эса ҳамма нарса телбатескари. Масалан, акангни оладиган бўлсак: намоёйишма-намоёйиш юради, қизишади, бўлар-бўлмас гапларни гапиради, иш ташловчилар фондига взнос тўлайди ва хўжайини билан келишиш ўрнига ўз болаларининг оғзидаги охирги тишлам нонини ҳам тортиб олади. Мен аканг тўлаган бу взносларга ўзимга ўн етти жуфт бошмоқ сотиб олган бўлардим! Фақат мен бундай олифтагарчилик қиладиган даражада тентак эмасман. Билиб кўй, менинг гапларим ёдингда турсин – бу ҳаммаси яхшилик билан тугамайди. У ҳолда бизга нима бўлади? Мендаги бешта оғизни боқадиган одам бўлмаса, унда мен нима қиламан?

Сара нафасини ростлаб олиш учун гапиришдан тўхтади, бироқ унинг ғазаби ошиб-тошаётган бўлиб, у жанжалини яна бошидан бошлашга тайёр эди.

– Сара, илтимос, эшикни ёпиб юбор, – илтимос қилди Саксон.

Эшик шарақлаб ёпилди ва янгитдан йиғлашни бошлашдан олдин Саксон Саранинг ошхонада нималарнидир тарақлатиб, ўз-ўзи билан гаплашаётганини эшитди.

ИККИНЧИ БОБ

Иккала дугона Визел-паркка кираверишда ўзларига чипта сотиб олишди. Улар пулларини чиқаришар экан, ҳар бири ушбу суммани топиш учун нечта кийимни дазмол қилишлари кераклигини яққол кўз олдиларига келтиришаётганди.

Ҳали вақтли эди, бироқ овқат солинган саватларини кўтариб олган қурувчилар қўлларида болалари билан аллақачон паркда айланиб юришарди – ҳаммаси бақувват, ўзига тўқ, ойлиги яхши йигитлар эди. Уларнинг ёнларида майда қадам ташлаб ўғилларидан кўра пастроқ бўйли ва озгинроқ бобо ва бувилари ҳам юришарди; эгниларидаги америкача чиройли кийим-бошларига қарамай, улар қарилиқдан эмас, балки ёшлиқларидаги оғир меҳнат ва тўйиб овқат емасликдан қуриб-қакшаб кетганликлари кўриниб турарди: уларнинг кўпчилиги Ирландияда туғилиб ўсганлар эди. Ва ҳозир улар ўзларига нисбатан яхши шароитда, қорни тўйиб нон еб катта бўлган бола-чақаларининг кетидан судралиб юришар экан, юзлари ғурурдан чарақлаб турарди.

Мери ва Саксон бу одамлар орасида бегонасираб юришарди: улар бу одамларни билишмас, уларни танишмасди. Улар учун ирландларми, немисларми ёки словакларми – ким байрам қияпти; қурувчиларми, отбоқарларми ёки темирчиларми – ким буни ташкил қилган, бари бир эди. Улар байрамларда кириш чипталари бир неча баробарга ошиб кетса ҳам, рақсга тушишни яхши кўрадиганлар сирасига киришарди.

Қизлар бирмунча вақт сотувчилар жўхори донлари ва ерёнғоқларни қовураётган чодирлар орасида санғиб юришди, кейин рақс тушиш учун мўлжалланган ай-

вонга киришди. Саксон тасавуридаги шеригига ёпишган каби, вальснинг оҳиста бажарилувчи бир нечта ҳаракатларини кўрсатди. Мери чапак чалиб юборди.

– Зўр! – хитоб қилди у. – Бирам чиройлисан-ки! Пайпоғинг ҳам жуда ажойиб!

Саксон дугонасига миннатдорлик билан қараб, жилмайиб кўйди ва французча баланд пошнали туфли кийган оёғини олдинга чўзди, чиройли оёқларини кўрсатиб, қора рангдаги тор юбкасини бир оз юқорига кўтариб кўйди. Бир жуфтини эллик центга сотиб олиш мумкин бўлган юпка қора ипак пайпоқ остидан кизнинг оппоқ оёқлари кўриниб турарди. Унинг унча баланд бўлмаса-да, келишган гавдасида аёллик жозибаси сезилиб турарди. Эғнидаги оқ блузкага арзон тўрдан плиссе қилинган жабо ўрнатилиб, унга сунъий маржондан ясалган катта тўғнағич қадалган эди. Блузканинг устидан эса ўзига жуда ярашиб турган калта англи жакетка кийиб олган эди. Сунъий чармдан тикилган қўлқопи тирсагигача беркитиб турарди. Бироқ сочлари атай жингалак қилинмаган, табиатан шундай бўлиб, пешонасигача бостириб кийиб олган қора духоба шляпаси остидан бир нечта соч тутами чиқиб турарди.

Мерининг қоп-қора кўзлари ҳайратдан ялтираб кетди; у югуриб келиб, дугонасини кучоқлаб олди, кучи борича қаттикроқ қисиб, ўпиб кўйди ва шу заҳотиёқ ўзининг қилиғидан уялиб кетиб, дугонасини кўйиб юборди.

– Сен менга жуда ёқасан! – ўзини оқлагандек, хитоб қилди у. – Агар эркак киши бўлганимда сендан кўзимни уза олмаган бўлардим. Сени еб кўйган бўлардим, чин сўзим!

Дугоналар айвондан чиқишгач, бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб, силкиганча, бир ҳафталик оғир меҳнатдан кейинги ҳордиқдан завқланиб, йўлка бўйлаб юриб кетишди. Улар айиқ яшаётган чуқурлик олдида тўхтаб, юраклари орқага тортганча тўсиқдан энгашиб бу жойнинг эгасини томоша қилишди, сўнг маймунлар турган қафас олдига келиб, у ерда хахолаб кулишганча нақ ўн дақиқа туриб қолишди. Бутун паркни айланиб чиқиб, юқоридан туриб тушдан кейин ўйинлар бошланиши керак бўлган табиий амфитеатрнинг қуйи томонидаги югуриш йўлагини томоша қилишди; сўнгра эса пана-панадаги аллақачон банд қилинган яшил стол ва ўриндиқлар қўйилган жойга олиб чиқадиган сўқмоқлар бўйлаб айлана бошлашди. Ва ниҳоят, дарахтлар ўсиб ётган қияликка келиб, калта қилиб қирқилган, Калифорния қуёши остида аллақачон сарғайиб кетган ўт устига газета ёзиб ўтиришди. Улар бир ҳафталик қаттиқ ишдан кейин маза қилиб, олдинда кутилаётган рақслар учун кучларини аяб, дам олгилари келаётган эди.

– Берт Уонхоп албатта келса керак, – тинмай гапирарди Мери. – У дўстлари “Катта Билл” деб аташадиган Билл Робертсни албатта олиб келишини айтган эди. – У баҳайбат катта бола, фақат манманроқ. У йигит боксёр, ҳамма қизлар унинг кетидан югуришади. Мен эса ундан жуда ҳам кўрқаман. Тили жуда ҳам ўткир эмас – ҳозиргина кўрганимиз анави каттакон айиққа ўхшайди. Вуй-й-й! – ҳозир бошингни чайнаб ташлайдиганга ўхшайди. Аслида у боксёр эмас, аравакаш ва уюшмага аъзо. У Корберли ва Моррисонларга хизмат қилади. Клублар бокс бўйича матчлар ўтказишганда, баъзан ўйинларда қатнашиб туради. Унинг олдида ҳамма титрайди: табиати жуда

ёмон – унга овқат эмас, бирортасини уришга қўйиб берса бўлди. Сенга у ёкмаса ҳам керак, бироқ у жуда яхши рақсга тушади. Шундай баҳайбат бўлса ҳам, жуда енгил рақс тушади – худди учаётганга ўхшайди. Сен у билан бир марта бўлса ҳам рақсга тушиб кўришинг керак. У яна хасис ҳам эмас, жуда қўли очиқ. Бироқ табиати – Худо асрасин!

Сухбат, тўғрироғи Мерининг монологи одатдагидек Берт Уонхошга кўчди.

– Афтидан, сизлар жуда яқин дўстсизлар шекилли, а? – секингина сўради Саксон.

– Мен унга эртагаёқ турмушга чиққан бўлардим, – қизишиб деди Мери; унинг юзини бир дақиқага ғам қоплаб олгандек бўлди. – Бироқ у индамаяпти. У... – Қиз бирдан қизишиб гапира кетди: – Саксон, агар сенинг кетингдан юргудек бўлса, ундан эҳтиёт бўл! Берт жуда енгилтак йигит... Шундай бўлса ҳам мен бари бир эртанинг ўзидаёқ унга турмушга чиққан бўлардим. Бошқачасига эса у менга эриша олмайди. – Қизнинг лаблари очилди, бироқ ҳеч нарса демай, хўрсиниб қўйди. – Бу дунё ажойиб-а? Ва қандай аҳмоқона! Юлдузлар ҳам алоҳида бир дунё. Мен Худо қаерда эканлигини билишни истардим. Берт Уонхоп айтадики, ҳеч қандай Худо йўқ эмиш. Бироқ у кўркинчли одам, доим кўркинчли гапларни гапиради. Мен Худога ишонаман. Сен-чи? Саксон, сен бу ҳақда нима деб ўйлайсан?

Саксон елкасини қисиб, кулиб юборди.

– Ахир бир ёмон иш қиладиган бўлсак, бизни жазолашади-ку, тўғрими? – Мери гапида давом этди. – Бертдан бошқа ҳамма шундай дейди. У эса айтадики, унга ўзини қандай тутишнинг фарқи йўқ, чунки ўлган одамга ҳамма нарса бари бир экан. Айтадики “Мен

ўлган бўлсам, мени қандай қилиб уйғотишларини кўришни истардим!”. Чиндан ҳам, ярамас одам эмасми-а? Бироқ булар ҳаммаси шундай кўрқинчли... Баъзан Худо мени доим кўриб турганини ўйласам, кўрқиб кетаман. Нима деб ўйлайсан, мен ҳозир сенга гапираётганларимни у эшитаётганмикин? Ҳеч бўлмаса, сенингча, унинг кўриниши қанақа экан-а?

– Билмадим, – жавоб берди Саксон. – Менимча, Худони атай ўйлаб чиқаришган бўлса керак, уни ҳар ким ўзича тасаввур қилади.

– Вой! – деб юборди Мери.

– Бироқ, ҳамма у ҳақда гапирганига қараганда, ҳар ҳолда у бўлса керак, – қатъий қилиб, гапида давом этди Саксон. – Акам уни Авраам Линкольнга ўхшайди, деб ҳисоблайди. Сара айтадики, унинг бакенбардлари бор эмиш.

– Мен эса унинг фарқи очилганини ҳеч ҳам тасаввур қила олмайман, – шундай дадил фикрни овозини чиқариб айтганидан ўзи чўчиб кетиб, бўйнига олди Мери. – Унинг фарқи бўлиши мумкин эмас, бу жуда галати кўринган бўларди.

– Ҳар хил ўйинчоқлар сотиб юрадиган паст бўйли қари мексикаликни танийсанми? – сўради Саксон. – Менимча Худо худди ўшанга ўхшаса керак.

Мери кулиб юборди.

– Жуда ажойиб гапларни гапирасан-да. Бу нарса ҳеч қачон менинг хаёлимга ҳам келган эмасди. Нимаси ўхшайди?

– Менга шундай туюладики, у ҳам ўша паст бўйли мексикаликка ўхшаб ҳаммага донишмандона бошқотирмалар беради, одамлар эса бир умр уни ечишга уриниб ётадилар. Бироқ буни ҳеч ким удалай олмайди. Мен ҳам ўзимнинг бошқотирмамни еча

олмаяпман. Нимадан бошлашни ҳам билмайман. Сарага қандай бошқотирма бериб қўйганини қарагин. Сара эса Томнинг бошқотирмаларидан бирининг ўзгинаси. Ва улар ҳаммаси – мен биладиганларимнинг бари, шу жумладан сен ҳам, мендаги бошқотирмаларнинг бир қисмисизлар.

– Чиндан ҳам, бошқотирма деганинг тўғри бўлса керак, – дугонасининг гапига қўшилди Мери. – Бирок Худо бу кекса мексикаликка ўхшамайди. Мен бу гапингга қўшилмайман. Худо ҳеч кимга ўхшамайди. Кутқарув Армияси биносига кираверишдаги “Худо – бу рухдир” деган ёзув эсингдами?

– Бу ҳам унинг топишмоқларидан бири: ахир рух қандай кўринишда эканлигини ҳам ҳеч ким билмайди-ку.

– Бу ҳам тўғри... – Дахшатли нимадир ёдига тушиб кетган Мери сесканиб кетди. – Мен Худо рух эканлигини тасаввур қилишга уринсам, Хэн Миллер ёдимга тушади. Бир куни у оппоқ чойшабга ўраниб олиб биз, қизларнинг устимизга қараб югурганди. Биз эса бу нарса Хэн эканлигини билмай, ўлгудек кўрқиб кетганмиз. Кичкина Мэгги Мэрфи ёмон бўлиб қолган, Бетриса Перальта эса йиқилиб тушиб, юзини ёрган эди. Мен рухлар ҳақида ўйлайдиган бўлсам кўз олдимга фақат қоронғида югураётган оппоқ чойшаб келади, холос. Бирок нима бўлганда ҳам, Худо мексикаликка ўхшамайди ва унинг сочида фарқ ҳам очилмаган.

Рақс залидан эшитилган мусиқа товуши қизларни сакраб туришга мажбур қилди.

– Биз тушликкача бир нечта рақсга тушишга улгурамиз, – таклиф қилди Мери. – Тушдан кейин эса ҳамма йигитлар йиғилишади. Уларнинг кўпчилиги хасис ва қизларни тушликка таклиф қилмаслик учун

кечроқ келишади. Бироқ Берт ундайлардан эмас, Билл ҳам. Агар олдинроқ бирортаси дуч келиб қолмаса, улар бизни, албатта ресторанга таклиф қилишади. Саксон, тезроқ юргин.

Қизлар айвонга кириб келишганда у ерда ниҳояти бир нечтагина жуфтлик ракс тушаётган эди, улар ҳам биринчи вальсни бирга ўйнашди.

– Ана, Берт ҳам келди, – иккинчи вальсни тугатишаётганда, шивирлади Саксон.

– Уларга қарама, – унга жавобан шивирлади Мери. – Олдингидек давом этаверамиз. Биз уларнинг кетидан юрамиз, деб ўйлашмасин.

Бироқ Саксон дугонасининг юзи қип-қизариб кетгани ва юраги дукурлаётганини сизди.

– Сен унинг дўстига эътибор бердингми? – вальс фигурасига кўра Саксонни залнинг нариги бошига тортиб кетар экан, сўради Мери. – Билл Робертс ана шу йигит. Берт уни олиб келишини айтган эди. Сени у тушликка таклиф қилади, мени эса – Берт. Мана кўрасан, бугун зўр бўлади. Залнинг нариги бошига боргунимизча куй тугаб қолмаса эди.

Ва иккала қиз ҳам йигитлар ва тушлик ҳақида ўйлаб, вальсга айланишда давом этишди. Ёш ва келишган, икковлари ҳам берилиб ўйнашар эди; мусиқа тугаб йигитлар уларнинг рўпарасида пайдо бўлишганда, ўзларини худди ажабланганга солишди.

Берт ва Мери бир-бирларини исмлари билан аташар, бироқ йигит Саксонни оддийгина қилиб исми билан атаса-да, у Бертни “мистер Уонхон” деб айтарди. Энди қизни Билл Робертс билан таништириш қолганди. Мери ясама бефарқлик билан уларни бир-бирларига таништирди.

– Мистер Робертс – мисс Браун! Бу менинг энг яқин дугонам. Исми Саксон. Чиндан ҳам ажойиб исм, а?

– Менга жуда ёқди, – шляпасини ечиб, кўлини узатар экан, деди Билл. – Мисс Браун, сиз билан танишганимдан хурсандман!

Саксон ҳам кўлини узатар экан, аравакашнинг кўлларидаги қадокларни ҳис қилди; аслида, бир қарашнинг ўзидаёқ у яна кўп нарсаларни билиб олганди. Йигит қизнинг кўзларинигина кўрди: аввалига қизнинг кўзи унга ҳаворанг бўлиб туюлди, анча кейин эса кулранг эканлигига амин бўлди. Қиз эса йигитнинг кўзлари катта-катта, тўқ кўк рангда, чиройли, қарашларида эса ўғил болаларга хос ўжар ифода борлигини дарров сезди.

Қизга йигитнинг самимий кўз қарашлари, кўлини сиқиб қўйиши ёқди. Қиз яна, – тўғри, жуда ҳам аниқ кўргани йўқ, – йигитнинг чиройли бурни, юзларидаги қизиллик ва юқори лабидаги қатъийлик сезилиб турган чизиқларни ҳам кўра олди; у айниқса йигитнинг орқасидан оппоқ тишлари кўриниб, жилмайиб турган лаблари ва каттароқ бўлса-да чиройли оғзининг тузилишини диққат билан кузатди.

“Бола, баҳайбат, катта ёшли бола”, ўйлади у. Улар бир-бирларига қараб жилмайишди ва кўлларини қўйиб юборишганда, қиз унинг қалта қирқилган, жингалак, олтин каби товланаётган сочининг рангига ўзича ажабланиб қўйди.

Йигит шунчалик малларанг эдики, қизнинг ёдига саҳнада кўрганлари Оле Ольсон ва Ион Ионсонлар тушиб кетди; бироқ ўхшашлик шу билан тугарди. Йигитнинг қош ва киприклари тўқроқ, қарашлари ёш болаларники каби эмас, эркакларникидек қатъий ва ифодали эди. Эгнидаги қимматбаҳо тўқранг мовут

костюмини эса яхши тикувчи тиккани кўриниб турарди. Саксонга йигитнинг кийими жуда ёқди, у камида эллик доллар туришини чамалади. Бундан ташқари, бошқа скандинавияликларга хос бўлганидек, Биллнинг ҳаракатлари асло кўпол эмас эди. Аксинча, у ҳатто замонавий тикилган кўпол костюм остидан ҳам кучли қадди-қомати сезилиб турадиган озчилик йигитлар қаторига кирарди. Унинг ҳар бир ҳаракатида бир хил маром, ўзига ишонч сезилиб турарди. Албатта, Саксон буларнинг барини бирданига кўриб, бирданига ҳис қилгани йўқ. У ўз олдида фақат чиройли кийинган йигитни, унинг чиройли ҳаракатларини ва келишган гавдасинигина кўрди, яна тинмай бир ҳафта давомида крахмалланган нозик ичкийимларни дазмоллагандан кейин бу йигит билан бемалол дам олиши мумкинлигини ҳам ҳис қилди. Ва йигитнинг кўли тегиши биланоқ кўнглида ажиб ҳислар уйғонган бўлса, ҳозир у бутун борлиғи билан – ҳам бутун вужуди билан, ҳам руҳан қизга ижобий таъсир қилаётган эди.

Билл қизнинг карточкасини олиб, бошқа йигитлардек у билан ҳазиллашиб, гап отаётганда Саксон йигитнинг ўзига жуда ёқиб кетаётганини дарров тушунди. У ҳали умри давомида бирорта ҳам йигитдан шунчалик ҳайратланмаган эди. У ҳайрон бўлганча ўз-ўзидан сўрай бошлади: “Наҳотки бу ... ?”

Билл жуда яхши рақс тушарди ва қиз аста-секин одатда яхши раққослар шериклари кучли бўлганда туядиган завқни ҳис қила бошлади. Йигитнинг бир маромдаги чиройли ҳаракатлари куй оҳанглари билан мос тушаётган эди. На иккиланади, на тўхтаб қолади. Саксон Бертга қаради: у Мери билан берилиб рақсга тушар, туриб-туриб борган сари кўпайиб бораётган жуфтликларга урилиб кетишарди. Баланд бўйли, ке-

лишган, чакқон Берт ҳам яхши раққос ҳисобланарди. Бироқ Саксон у билан рақсга тушганда жуда завқланганини эслай олмайди. Йигитнинг қандайдир кескин ҳаракатлари рақс тушишига ҳалал берарди – доим эмас, лекин истаган пайтда шундай ҳолга тушиб қолиши мумкин эди. Бертнинг табиатида қандайдир шовша-шошарлик, кескинлик бор эди. У салга ловуллаб кетадиган бўлиб, истаган пайтда бирорта қутилмаган ҳаракат қилиб қўйиши мумкин эди. Худди доим қаергадир кечикиб қолишдан қўрқаётганга ўхшарди. Ўзининг доимий бесаранжомлиги билан асабга тегарди.

– Сиз жуда чиройли рақс тушар экансиз, – деди Билл Робертс. – Мен буни кўпчиликдан эшитдим.

– Мен рақс тушишни яхши кўраман, – жавоб берди Саксон.

Қизнинг жавоб оҳангидан йигит у рақс давомида гапирмасликни афзал кўришини ҳис қилди ва индамай рақс тушишда давом этди, қизнинг эса руҳи кўтарилди: йигитнинг эътиборидан хурсанд бўлган эди. Улар яшайдиган муҳитда аёл кишига бўлган зийрак муносабатни учратиш камёб ҳодиса эди. “Наҳотки бу йигит чиндан ҳам ўша?”. Саксон дугонасининг Берт ҳақидаги “Мен эртагаёқ унга турмушга чиққан бўлар эдим” деган гапларини эслади ва агар Билл Робертс унга таклиф қиладиган бўлса ўзи ҳам эртагаёқ унга турмушга чиқишга тайёрлигини ҳис қилди.

Йигитнинг кучли, бақувват қўллари уни айлантитарар экан, қиз орзуларга берилиб, кўзини юмиб олгиси келди. Боксчи! Агар ҳозир Сара ўзини шу ҳолда кўриб қолса нима деган бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиб, Саксон ичида кулиб қўйди. Бироқ Билл профессионал боксчи эмас, аравакаш...

Бирдан рақс тушаётганларнинг ҳаракатлари тезлашди, Билл қизни кучоғига қаттиқроқ босди, туфли кийган оёқлари полдан кўтарилмаса-да, Саксонга гўё уни кўтариб кетишаётганга ўхшаб туюлди. Сўнг рақснинг тезлиги яна ўзгарди, Саксоннинг шериги қизни аста бўшатди ва улар бир-бирларининг кўзларига қараб, бу рақс ҳаракатлари ўзларида жуда яхши чиқаётганидан хурсанд бўлиб кулиб юборишди.

Мусиқанинг охириги тактларида оркестр темпни секинлаштирди ва ёшлар худди мусиқа билан бирга жим бўлишаётгандек, залда секин айлана бошлашди ва фақат охириги товуш тингандагина улар ҳам тўхташди.

Оломон орасида Мери билан Бертни қидиришар экан, йигит Саксонга деди:

– Рақс тушишга келадиган бўлсак, иккаламизнинг жуфтлигимиз ёмон эмас!..

– Худди тушга ўхшайди, – жавоб берди қиз.

Қиз буни шунчалик секин айтдики, унинг нима деяётганини эшитиш учун Билл энгашишига тўғри келди ва у қизнинг юзлари олов бўлиб ёнаётганини, бу олов унинг кўзларида ҳам акс этаётганини кўрди. У қизнинг қўлидан карточкасини олиб, унга катта-катта қилиб ўз исмини ёзди.

– Энди эса, – ғурур билан деди у, – буни ташлаб юбориш мумкин. Ортиқ кераги йўқ.

Шундай деб, йигит қоғозни йиртиб ташлади.

– Саксон, энди кейинги вальс мен билан, – яқинроқ келишганида деди Берт. – Билл, сен эса Мери билан тушасан.

– Берт, бунинг ҳеч иложи йўқ. Биз Саксон билан бутун кун бўйи бирга рақс тушишга келишиб олдик.

– Саксон, эҳтиёт бўл, – кулиб деди Мери, – Билл яна сени яхши кўриб қолиб ўтирмасин!

– Нима бўлибди, назаримда мен яхши нарсани битта кўришда баҳолай оламан.

– Мен ҳам, – йигитнинг гапини маъқуллади Саксон.

– Мен ҳатто кўзим юмук ҳолда ҳам сизни таниган бўлардим, – кўшиб қўйди Билл.

Мери уларга ясама даҳшат билан қараб қўйди, Берт эса кўнгилчанлик билан деди:

– Бир гап билан айтадиган бўлсак, сизлар вақтни бекор ўтказмабсизлар. Нима бўлганда ҳам рақсдан кейин бизлар учун бир неча дақиқа вақтларингизни аямасангиз, мен ва Мери сизлар билан бирга овқатланишдан хурсанд бўлардик.

– Тўппа-тўғри! – йигитининг гапини маъқуллади Мери.

– Ўзинглар ҳам яхшисизлар-ку! – ҳазиллашди Билл ва ўгирилиб, Саксоннинг кўзларига қаради. – Уларга қулоқ солманг. Улар бирга рақс тушишларига тўғри келаётгани учун жаҳллари чиқаяпти. Берт – рақсга жуда ёмон тушади, Мери ҳам зўр эмас. Майли, кетдик, мусиқа ҳам бошланди. Иккита ўйиндан кейин кўришамиз.

УЧИНЧИ БОБ

Улар дарахтлар девор вазифасини ўтаётган ресторанда, очиқ ҳавода овқатланишди. Саксон тўрттовлари учун пулни Билл тўлаётганини сезиб қолди. Бошқа стол атрофида ўтирган ёш йигит ва қизлар ичида ҳам кўп танишлар чиқиб қолди ва бу иккала жуфтлик улар билан саломлашиб, бир-бирларига гап отишиб, ҳазил-хузул қилишди. Берт ҳар бир хатти-ҳаракати билан Мерига эгалик ҳуқуқини бўрттириб кўрсатар, унинг қўлларини ушлаб олиб сиқар экан, ҳатто қизнинг

иккита узугини олиб, анчагача бермай ўтирди. Вақти-вақти билан қизнинг белидан кучоклар экан, Мери гоҳ уни итариб юборса, гоҳ – бу билан ҳеч кимни алдай олмайётган бўлса-да, – ўзини худди йигитнинг ҳаракатларини пайқамаётганга соларди.

Кам гапириб, кўпроқ диққат билан шеригини ўрганишга уринаётган Саксон, Билл, умуман бошқа йигитларга ўхшамаслигини ҳис қилди. Ҳар ҳолда, у ҳеч қачон қиз болага Берт, умуман кўпгина бошқа йигитлардек суйкалмаса керак. Қиз ўзи сезмаган ҳолда шеригининг бақувват елкаларига қараб қўйди.

– Нега сизни “Катта Билл” деб аташади? – сўради у.
– Ахир бўйингиз у даражада баланд эмас-ку.

– Афсуски, ҳа, – жавоб берди йигит. – Бўйим ниҳоятти беш фут саккиз-у чорак дюймгина, холос. Оғирлигим учун бўлса керак.

– Рингда унинг оғирлиги бир юз саксон фунт ҳисобланади, – гапга аралашди Берт.

– Бўлди, етар, – Билл дўстининг гапини бўлди. – Мен умуман боксёр эмасман. Мана, ўйнамаётганимга ҳам ярим йил бўлди. Жонга тегди. Ўйнаганга арзимади.

– Бироқ фрисколик Слэшерни йиқитган кунинг икки юз доллар олган эдинг, – фахр билан деди Берт.

– Бўлди, дедим! Жим! Саксон, биласизми, ахир сиз ҳам ундай катта эмассиз-ку, а? Ҳаммаси жой-жойида: дум-думалок ва келишган. Баҳс бойлашаман: сизнинг оғирлигингиз қанчалигини ҳам айтиб бера оламан.

– Айта олмасангиз керак. Кўплар ҳаракат қилишган, лекин ҳеч нарса чиқмаган, – деди Саксон; у йигит боксни ташлаганига хурсанд бўлиши керакми ёки ачинишими – бида олмай ҳайрон эди.

– Фақат мен эмас, – кулди йигит. – Мен бу ишнинг пири бўлиб кетганман. Шошмай туринг, – Билл қизни бошдан-оёқ кўздан кечира бошлади: у қизнинг оғирлигини чамалабгина қолмай, ундан завқланаётгани ҳам кўриниб турарди. – Бир дақиқа шошманг!

Йигит қиз томонга энгашиб, унинг қўлларини ушлаб кўрди. Қиз ўзининг мушакларини сиқаётган қўллар бақувват ва ҳалол эканлигини хис этиб турарди. У сесканиб кетди. Қўлларини қисаётган бу ярим эркак, ярим ёш болада одамни ўзига тортадиган нимадир бор эди. Агар кўлини Бертми ёки бошқа бир йигит шундай сиқадиган бўлса, унинг жаҳли чиқиб кетган бўларди. Бироқ Билл!.. “Балки бу йигит чиндан ҳам ўшадир?” – ўз-ўзидан сўрарди қиз. Бироқ шу пайт қизнинг хаёлларини бўлиб, йигит деди:

– Устингиздаги кийимларингиз етти фунтдан кўп эмас, тахминан бир юз йигирма учлардан еттини айирадиган бўлсак, демак, сизнинг оғирлигингиз кийимларсиз бир юз олтмиш фунт бўлади.

Мери гина қилди:

– Билл Робертс, менга қаранг! Бундай гапларни гапириш ярамайди, яхши эмас.

Йигит ҳайрон бўлганча Мерига қараб қолди.

– Қандай гапларни? – ниҳоят сўради у.

– Мана, яна! Уятсиз! Қаранг, Саксонни ҳам уялишга мажбур қилдингиз.

– Ҳеч ҳам-да! – алам билан деди Саксон.

– Мери, агар сиз шу тарзда гапиришда давом этадиган бўлсангиз, ҳозир мен қизариб кетаман, – деди Билл. – Менимча, нима яхши, нима ёмон эканлигини мен жуда яхши биламан! Гап йигит кишининг нималарни гапираётганида эмас, унинг нималарни ўйлашида! Мен эса ҳеч ҳам ёмон нарса тўғрисида

ўйлаётганим йўқ, Саксон ҳам буни билиб турибди. Сиз ўйлаётган нарсалар на унинг ва на менинг хаёлимда ҳам йўқ.

– Вой, вой! – хитоб қилди Мери. – Борган сари багтар бўлаяпти. Мен ҳеч қачон ифлос нарсалар ҳақида ўйламайман.

– Бўлди, Мери! Жим! – Берт жаҳл билан Мерининг гапини бўлди. – Нималар деяпсан? Билл ҳеч қачон бундай нарсаларнинг яқинига ҳам бормайди.

– У ҳолда бунақа кўпол гапларни гапириш керак эмас эди, – Мери гапида туриб олди.

– Хўп, майли, Мери, бўлди қилинг. Етар, жаҳлингиз чиқавермасин, – гапни кесди Билл ва Саксонга ўгирилди. – Хўш, қалай, тўғри топдимми?

– Бир юз йигирма икки, – ўйчанлик билан Мерига қараб, деди Саксон.

Билл хаҳолаб кулиб юборди, Берт ҳам қўшилди.

– Қўйинглар-ей, – деди Мери, – ажойиб экансизлар-а! Иккалангиз ҳам, Саксон, сен ҳам. Сен тўғрингда ҳеч шунақа деб ўйламаган эдим.

Мери ёлғондакам жаҳл билан йигитини қаттиқ итариб юборди, бироқ, унинг аразлаб қолиши мумкинлигини ўйлаб қолиб, яна унинг ғашига тега бошлади. Қизнинг кайфияти яна яхшиланиб, йигитнинг қўли яна аввалги жойига қайтди ва улар бошларини энгаштирганча, шивирлаша бошлашди.

Билл ҳам Саксон билан оҳиста гаплашишда давом этди.

– Саксон, биласизми, исмингиз жуда ажойиб экан. Мен бундай исмни ҳеч эшитмагандим. Яхши исм экан, менга ёқди.

– Бу исмни менга онам қўйган. У ўқимишли эди ва жуда донишмандона гапларни биларди. Доим китоб

Ўқиб ўтирарди, дунёдан кўз юмгунича шундай бўлган. Қанча нарсаларни ёзган! Мен унинг бир пайтлар Сан-Хоседа чиққан газетада босилган шеърларини топиб олганман. Онам кичкиналигимда менга сакслар – шундай халқлар бўлган – ҳақида кўп гапириб берарди. Улар худди ҳиндулар каби ёввойи, бироқ оқ танли бўлишган экан. Уларнинг кўзлари ҳаворанг, сочлари малларанг бўлиб, ўзлари жуда жанговар бўлишган экан.

Билл қизнинг гапларини диққат билан берилиб тинглар экан, қиздан кўзларини узмаётганди.

– Мен улар ҳақида ҳеч эшитмаган эканман, – тан олди у. – Улар шу яқин атрофларда яшашганми?

Қиз кулиб юборди.

– Йўк, Улар Англияда яшашган. Улар биринчи инглизлар бўлишган – америкаликлар инглизлардан чиққанини ўзингиз ҳам биласиз-ку. Биз ахир – сиз, мен, Берт, Мери – ҳаммамиз сакслармиз. Бир сўз билан чин америкалик деб ҳисобланадиган ҳамма – агар у қандайдир дагоми ёки япон бўлмайдиган бўлса – саксдир.

– Менинг ота-боболарим қадимдан Америкада яшашган, – қиздан эшитган янги нарсалар ҳақида ўйлар экан, гап бошлади Билл. – Ҳар ҳолда онамнинг авлодлари аниқ яшашган. Улар юз йилларча бурун Мэнга келиб қолишган.

– Менинг отам ҳам Мэндан, – хурсанд бўлиб йигитнинг гапини бўлди Саксон. – Онам эса Огайога, тўғрироғи ҳозир Огайо жойлашган ерда туғилган. Онам бу ерни Буюк Жанубий Резервация деб атарди. Сизнинг отангиз ким бўлган?

– Билмайман, – Билл елкасини қисди. – У ўзи ҳам қаерданлигини билмасди, отам асли америкалик бўлса-да, унинг теги қаерданлигини ҳеч ким билмасди.

– Сизнинг фамилиянгиз ҳақиқий қадимги америкаликларники каби экан, – деди Саксон. – Ҳозир ҳам Англияда Робертс фамилиялик машҳур генерал бор. Мен бу ҳақда газетада ўқигандим.

– Бироқ отамнинг фамилияси Робертс эмас. У ўз ота-онасини билмасди. Робертс отамни асраб олган олтин қидирувчининг фамилияси бўлган. Ҳинду қабилалари билан бўлган жангда кўплаб олтин қидирувчи ва кўчманчилар қатнашишган экан. Шундай отрядлардан бирига Робертс исмли одам кўмондонлик қилган экан. Мана шундай жангларнинг биридан сўнг кўплаб асирлар қўлга олинган бўлиб, улар орасида аёллар, болалар ва ҳатто эмизикли чақалоқлар ҳам бўлишган, менинг отам ана шундайлардан бири бўлган экан. Ўша пайтда у афтидан, беш ёшларда бўлган шекилли, фақат Ҳинду тилида гапиришни билган экан:

Саксон чапак чалиб юборди, кўзлари ялтираб кетди:

– Ҳиндулар уни асирликда сақлашган экан-да?

– Шундай деб фараз қилишади. Кейинчалик кўпчилик ўша қabila одамлари ундан тўрт йиллар бурун орегонлик кўчманчиларнинг бутун бир тўдасини йўқ қилиб ташлашганини эслаганди. Робертс ўша болани асраб олган, мана шунинг учун ҳам мен отамнинг асли фамилиясини билмайман. Бироқ, ишончингиз комил бўлаверсинки, отам прерия¹ни кесиб ўтган!

– Менинг отам ҳам, – гурур билан деди Саксон.

– Менинг онам ҳам, – кўшиб кўяр экан Биллнинг товуши титраб кетди. – Ҳар ҳолда у ота-онаси прерияни кесиб ўтишаётганда Платт дарёси ёнида аравада туғилган экан.

¹ Прерия – Шимолий Америкадаги катта чўл.

– Менинг онам эса ўша пайтда саккиз ёш бўлган экан, – деди Саксон. – Ҳўкизлар жуда чарчаб кетган бўлиб, йўлнинг кўп қисмини яёв юришларига тўғри келган экан.

Билл қизга қўлини чўзди.

– Қани, болажон, қўлингизни беринг, – деди Билл. – Ота-оналаримизнинг тақдирида ўхшашликлар жуда кўп экан, демак, биз эски дўстлармиз.

Саксон кўзлари чарақлаб, йигитга қўлини чўзди ва улар тантанали равишда бир-бирларининг қўлларини сиқиб қўйишди.

– Ахир бу ажойиб эмасми? – шивирлади қиз. – Биз иккаламиз ҳам бир хил кўхна америкаликлар авлодиданмиз ва энди агар сиз ўз кўзларингиз, терингиз ва сочингизнинг ранги билан сакс эмас экансиз, унди кимларни сакс деб аташни ҳам билмайман!

– Агар шундай бўлса, мен бизларнинг авлодларимиз жуда чиниққан бўлишлари керак, деб ўйлайман. Бу, албатта, табиий, чунки улар курашишга мажбур эдилар, акс ҳолда ҳалок бўлишарди!

– Нима ҳақда шунчалик берилиб гаплашаяпсизлар? – уларнинг суҳбатига аралашди Мери.

– Дўстлашишга ҳам улгуришди, – уларга тегажоғлик қилди Берт. – Улар худди танишганларига аллақачон, камида бир ҳафта бўлганга ўхшайди.

– Эҳ, биз бир биримизни анча илгаридан бери биламиз, – эътироз қилди Саксон. – Биз ҳали дунёга келмай туриб, бизнинг аجدодларимиз биргаликда прерияни кесиб ўтишган экан.

– Сизларнинг аجدодларингиз эса, Калифорнияга келиш учун уларга темир йўл қуриб беришлари ва бутун ҳиндуларни йўқ қилиб беришларини кутиб ўтиришган экан, – ўзининг Саксон билан яқинлигини

бўрттириб кўрсатиш учун, Мерига қарата деди Билл. – Йўк! Биз – Саксон ва мен – теги шу ерликлармиз; биров бир нарса дейдиган бўлса шундай деб айтиб кўйинглар.

– Қайдам, билмадим, – ичида асабийлашганча, олифтагарчилик билан деди Мери.

– Менинг отам эса Шарқий штатларда қолишни афзал кўрган – у граждандар урушида қатнашишни истаган экан. У барабанчи бўлган. Мана шунинг учун ҳам у Калифорнияга кейин келган.

– Менинг отам эса граждандар урушида қатнашиш учун қайтиб келган экан, – деди Саксон.

– Менинг отам ҳам, – деди Билл.

Улар бир-бирларига қувонч билан қараб туришарди: бу нарсалар уларни яна ҳам яқинлаштиргандек эди.

– Хўп, яхши, бироқ улар ҳаммаси ўлиб кетишган-ку, тўғрими? – захархандалик билан деди Берт. – Қаерда ўлиш – жангдами ёки ғарибхонадами, барибир эмасми? Гап шундаки, улар ҳозир тирик эмас. Менга деса отамни осиб юборишмайдими, менга барибир. Минг йилдан кейин ким буларни сўраб ўтиради? Авлодларингиз билан мақтаниш етар, жонга тегди! Менинг отам у пайтда жангда қатнаша олмасди ҳам: у урушдан кейин икки йил ўтиб туғилган. Бироқ менинг иккита амакимни Геттисбергда ўлдиришган. Менимча, етарли шекилли!

– Бўлмаса-чи, – йигитни қувватлади Мери.

Берт яна қизни кучоқлади.

– Биз эса тирикмиз. Тўғрими? Мана шу асосийси. Ўлганлар – ўлик ва баҳс бойлашаман – ўлик бўлиб қолаверяшади.

Мери кафти билан Бертнинг оғзини ёпиб, шундай ёмон гапларни гапираётгани учун уни уриша бошлади,

Берт эса кизнинг кафтини ўпиб қўйиб, унга янада яқинроқ сурилди.

Ресторан борган сари одамлар билан тўлар экан, идиш-товокларнинг овози ҳам қаттиқроқ жаранглай бошлади. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда шовкин-сурон орасида ашула овози, аёлларнинг кичкириқлари ва эркакларнинг йўғон овозда кулганлари эшитиларди: ёш йигитлар ўзларининг аёл шериклари билан ҳазил-хузул қилишаётган эди. Кўпгина эркакларнинг ичиб олгани сезилиб турарди. Қўшни стол атрофида ўтирган қандайдир қизлар Биллни чақира бошлашганда Саксон кўнглида уйғона бошлаган рашк туйғуси билан Биллни бу ерда ҳамма яхши кўришини ва қизлар унга эга чиқишни жуда ҳам хошлашларини ҳис қилди.

– Дахшат! – Мерининг жаҳли чиқиб кетди. – Уятсизлар! Ўзини ҳурмат қиладиган бирорта ҳам қиз бундай қилмаган бўларди! Йўқ, уларнинг гапига қаранглар!

– Билл! Билл! – қизлардан бири – қорачадан келган, дўмбоққина ёшгина қиз йигитни чақирди. – Билл, мени танияпсанми?

– Албатта, жўжагинам, – жавоб берди Билл.

Бироқ Саксон йигит афтини буриштирганини сезиб қолди; уни чақирган қизни жуда ёқтирмай кетди.

– Рақсга тушамизми? – кичкирди қорачадан келган қиз.

– Балки, – жавоб берди йигит ва шу заҳоти Саксонга ўгирилиб, гапира бошлади:

– Биз, кўҳна америкаликлар, бир-биримизни маҳкам ушлашимиз керак, тўғрими? Сиз нима деб ўйлайсиз? Ахир бизлар шунчалик кам қолганмиз. Бизнинг бу жойларимизга турли чет элликлар тинмай оқиб келаяпти...

Йигит хотиржамлик билан, ярим овозда, Саксон томонга бошини энгаштирганча, ўзини чақирган кизга у бандлигини билдириб кўймоқчидек оҳангда гапирарди.

Рўпарадаги стол олдида ўтирган йигит эса Саксонга эътибор бера бошлади. У искиртгина кийинган бўлиб, кўполлиги кўриниб турар, унинг ёнидагилар – эркак ва аёл ҳам худди шундай кўринишарди. Йигитнинг юзлари кизариб, кўзлари ёввойиларча чакнаб кетди.

– Ҳой, сизлар! – бакирди у. – Ҳой, духоба туфли кийганлар, саломлар бўлсин!

Йигитнинг ёнида ўтирган киз унинг бўйнидан кучоклаб, тинчитмоқчи бўлди, бироқ йигит унинг кўллари орасидан тўнғиллади:

– Мана буни жонон деса бўлади. Мана кўрасан... мен уларнинг олдига бориб уни бу аблахлардан тортиб оламан!

– Қассобхонадаги ярамаслар, – нафратланиб, қарғанди Мери.

Саксоннинг кўзи ўзига нафрат билан қараб турган кизнинг кўзига тушди. Сўнг Биллга қараб, унинг ҳам кўзларидаги ғазаб учқунларини кўрди. Йигитнинг ҳаворанг кўзлари ҳозир айниқса чиройли ва ўйчан бўлиб, гоҳ қораяр, гоҳ хиралашар, гоҳ чакнар, гоҳ яна рангсиз бўлиб қоларди. Бориб-бориб улар Саксонга худди тубсизга ўкшаб кўрина бошлади. Йигит жим бўлиб қолган, афтидан гапиргиси келмаётгандек эди.

– Жанжал бошлама! – деб кўйди Берт. – Гап шундаки, улар нариги соҳилдан ва сени танишмайди.

Бирдан Берт ўрнидан туриб, кўшни стол олдида ўтирган-ларнинг ёнига бориб пичирлаб нимадир дедида, қайтиб жойига келиб ўтирди. Ўтирганлар учалови ўтирилишиб, Биллга қарашди. Саксонга гап отган йи-

гит ўрнидан туриб, уни ушлаб қолмоқчи бўлган қизнинг қўлини силтаб ташлади-да, гандираклаганча Биллнинг ёнига яқинлашди. Бу юзлари захил, кўзлари ўткир, елкалари кенг йиғит, афтидан, тинчиб қолгандек эди.

– Демак, бу сизмисиз, катта Билл Робертс? – тили тутилганча сўради у ва гандираклаб кетиб, столи ушлаб қолди. – У ҳолда мен чекинаман... Кечирим сўрайман... Қиз танлай билишингизга қойилман... Бу соҳада мен билимдонман! Мен сизнинг кимлигингизни тасаввур ҳам қилмагандим, акс ҳолда сизлар томонга қарамаган ҳам бўлардим... Тушундингизми? Яна бир марта узр сўрайман... Кўлингизни беринг...

– Майли энди, – сўниқ товушда деди Билл. – Ҳаммаси жойида. Бу тушунмовчиликни эсдан чиқарамиз. – У хўмрайган кўйи йиғитнинг қўлини қисди ва секингина ўз столи томонга итариб юборди.

Саксоннинг ёноқлари ёнарди. Мана бу эркак, бу ҳимоячи, унга ишонса бўлади. Унинг исмини айтишлари билан мана шундоқ безори ҳам тинчиб қолди!

ТЎРТИНЧИ БОБ

Тушлиқдан сўнг оркестр яна иккита куй чалиб, сўнгра мусиқачилар спорт майдонига кўчишди. Рақсга тушаётганлар, стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси ва парқда айланиб юрганлар ҳам уларнинг кетидан юришди. Беш минг одам табиий амфитеатр ёнбағрида ўсган ўтлар устига жойлашди, томошабинларнинг бир қисми эса спорт майдонига кўчди. Биринчи томоша мусобақа ўйини бўлиб, арқон тортиш эълон қилинди. Мусобақа Окленд ва Сан-Франциско қурувчилари ўртасида бўлиб, елкадор, бақувват ўйин қатнашчилари

аллақачон арқон ёнидан ўз жойларини эгаллаб олишган эди. Улар тиралиш учун пошналари билан ерда чуқур казишар, қўлларига тупроқ суришар, бир бирларига ҳазил-ҳузул қилишарди.

Ҳакамлар ва кузатувчилар мусобақа қатнашчиларининг бостириб келаётган қариндош-уруғ ва дўстларини ушлаб қолиш учун бекорга уринишарди – кельтларнинг қони жўш уриб, кельтча мусобақа руҳи ғалаба қилишга муштоқ эди. Ҳаддан ташқари шовкин-сурон ҳукмронлик қиларди: ҳамма қичқирар, мусобақа қатнашчиларини қўллаб-қувватлар, маслаҳат берар, кўр-қитарди. Бир команда қатнашчиларидан бир нечтаси бошқа команда олдига бориб, ноҳақ ўйин тўғрисида огоҳлантириб қўймоқчи бўлишди. Қизишиб кетган томошабинлар орасида аёллар ҳам эркаклардан кам эмасди. Тапиллаётган оёқлар остидан чиқаётган чанг ҳавони босиб кетган эди. Мерининг нафаси оғзига тикилиб, йўтала бошлади ва Бертдан уни бу ердан олиб кетишни сўради. Бироқ бўлажак олишувга худди ўсмир йигитчалардек қизиқиб кетган Берт яқинроқ келишга ҳаракат қилди. Саксон эса тирсаги билан елкаларини ишга солиб қиз учун йўл очаётган Биллнинг елкасига суяниб олган эди.

– Ахир бу ер қиз болалар учунми, – ўзининг бўйи баробар тепадан қизга қарар экан, тўнғиллади йигит ва бақувват тирсаги билан қандайдир ирландияликнинг кўкрак қафасига туртар экан, у шу заҳотиёқ нари чекинди.

– Ўйин бошланиши билан эҳтирослар, албатта, жўшиб кетади, – деди у. – Йигитлар яхшигина ичиб олишган, бундай пайтларда эса бунақа тўполончилар ўзларини қандай қўйиб юборишларини тасаввур қила олмайсиз.

Ўзини ўраб олган бақувват эркак ва аёллар орасида Саксон ўзини жуда ноқулай сеза бошлаганди. У атрофидагилар орасида ўзини нозик, ёшгина, нимжон қизчадек, худди бошқа табиатли жонзотдек ҳис қилаётганди. Фақат Биллнинг кучи ва эпчиллигигина уни оёқ остида қолиб кетишдан қутқараётганди. Йигитнинг назари дамба-дам бошқа аёлларнинг юзида тўхтаб, сўнг яна Саксонга қайтарди — бу таққослаш кимнинг фойдасига эканлигини Саксон жуда яхши сезиб турарди.

Улардан бир неча кадам нарида қандайдир ишқаллик юз берди шекилли, бирдан бақир-чақир эшитилиб, ур-сур бошланди. Оломон ваҳима билан ғимирлаб қолди. Бу тикилинчда қандайдир бақувват эркак ёнбоши билан Саксонга урилиб кетиб, уни Биллга қисиб қўйди, йигит эса эркакнинг елкасидан ушлаб, одатдагидан қаттиқроқ итариб юборди. Эркак беихтиёр ихраб юборди ва ўгирилиб қаради: у кўзлари жаҳл билан чақнаётган, қуёшда қорайган малласоч ирландиялик эди.

— Менга қара, сени... — сўқинди эркак.

— Нега турибсан, мен сени ушлаб турганим йўқ, — нафрат билан секин жавоб берди Билл ва эркакни аввалгидан ҳам қаттиқроқ туртди.

Ирландиялик яна хириллаганча, ўгирилишга ҳаракат қилди, бироқ икки томондан сиқилиб қолгани учун қимирлай ҳам олмади.

— Ҳозир башарангни ёриб ташлайман, — қутургудек бўлиб бақирди у; бироқ бирдан юз ифодаси ўзгарди — жилмайиб, кўзларида қувонч ифодаси кўринди.

— Мана бу ким экан! — деди у. — Мен итараётган сиз эканлигингизни билмабман ҳам. Мен ўшанда унинг

фойдасига ҳал бўлса-да, сизнинг “Ёвуз Швед”ни бошлаб дўппослаганингизни кўрганман.

– Йўқ, дўстим, кўрмагансиз, – ҳазил оҳангида деди Билл. – Сиз ўша кунни мени қандай дўппослашганини кўргансиз. Ва ҳакамлар чиқарган хулоса тўппа-тўғри эди.

Ирландиялик бутунлай очилиб кетди. У ўз ёлғони билан Биллга хушомат қилмоқчи эди, бироқ йигит шундай қизикқонлик билан унинг гапини қайтардики, бу нарса эркакнинг ёш боксчига бўлган ҳурматини баттар кучайтирди.

– Чиндан ҳам, кураш жуда қаттиқ бўлган эди, – кўшилди у, – бироқ сиз ҳам қарздор бўлиб қолмадингиз. Мен ҳозир кўлимни бўшатиб олай, кўлингизни қисиб кўяман ва хонимингиз бемалолроқ юришига ёрдам бериб юбораман.

Оломонни нарироқ итаришга бўлган умидини узган ҳакам револьверидан ҳавога қараб отди – бу сигнал эди. Шундан сўнг ҳақиқий дўзах бошланди. Икки томонидан бақувват эркак билан ҳимояланган Саксон ўйинчиларни кўра оладиган даражада уларга яқин турарди. Мусобақалашаётган икки команданинг аъзолари бор кучлари билан арқонни тортишар, юзлари қизариб кетган, суяклари қисирларди. Арқон янги бўлиб, мусобақалашаётганларнинг қўллари сирпаниб кетаётган, уларнинг хотин ва қизлари олдинга ўтиб олиб, ҳовучлаб тупроқ олиб эркаклар маҳкамроқ ушлай олишлари учун арқонга сепишарди.

Ўрта ёшлардаги бақалоқ аёл қизик устида арқонни ушлаб олганча, баланд товушда эрини қўллаб-қўлтиқлаб, у билан бирга арқонни тортиша бошлади. Иккинчи команданинг кузатувчиси бақалоқ аёлнинг қаршилиқ қилиб қичқиришларига қарамай, уни нарига

тортиб кетар экан, аёл тарафидагиларнинг бири кулоғига қўйган шапалокдан ерга йиқилиб тушди. Уларнинг рақиблари ҳам ўзини тутиб тура олмади: кучли аёллар ўз эрларига ёрдамга шошилишди. Ҳакам ва кузатувчиларнинг илтимослари, бақир-чақирлари, муштларини кўрсатиб дағдаға қилишларининг фойдаси бўлмади. Оломон орасидан эркак ва аёллар чиқиб арқонга ёпишишди ва тортишга ёрдам бера бошлашди. Энди команда билан команда эмас, Окленд Сан-Франциско билан мусобақалашаётган бўлиб, бу ҳамманинг ҳамма билан кураши эди. Қўллар уч қават бўлиб кетган, қандай бўлса-да, арқонни ушлашга ҳаракат қилишарди. Арқонни ушлай олмаётганлар эса бегоналарни арқон олдидан итариб юборишга уринаётган кузатувчиларнинг лунжларига туширишарди.

Берт маза қилиб қийқирар, Мери эса даҳшатга тушиб, йиғитга маҳкам ёпишиб олган эди. Одамлар тинмай йиқилишар, қолганлар эса йиқилганларнинг устидан тепкилаб ўтишарди. Худди булут каби ҳамма ёқни чанг қоплаган, атрофни арқонни ушлашга уринишлари бесамар кетаётган эркак ва аёлларнинг бақир-чақир шовқинлари босиб кетган эди.

— Бемаънилик, қандай бемаънилик, — дамба-дам тўнғилларди Билл ва атрофда нималар бўлаётганини кўриб турган бўлса-да, ирландиялик билан бирга оломон орасидан Саксонни аста олиб чиқиб кетишга уринарди.

Ниҳоят, командалардан бири ғалаба қозонди. Ютқизганларни арқон ва кўнгиллилар билан бирга ерда судраб кетишар экан, улар устиларига ёпирилган оломоннинг оёқлари остида кўринмай кетишди.

Саксонни ур-сурдан олиб чиққач, Билл уни ирландиялик йиғит ҳимоясида хавфсизроқ жойда қолдириб,

яна талатўп ичига кириб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг у ердан Берт ва Мери билан чиқиб келди: Берт илгаригидек кувноқ кайфиятда бўлса-да, кулоғига теккан зарба натижасида қонга беланган, ҳамма ёғи эзилиб кетган Мерини эса тутқаноқ тутғудек эди.

– Ахир шу ҳам спортми? – қайта-қайта дерди у. – Бу ахир уят, уят, шармандалик!

– Келинглар, бу ердан тезроқ кетамиз, – деди Билл. – Ҳамма тўполон энди бошланади.

– Эй, тўхтагин, – ялинди Берт, – мен бундай томоша учун саккиз доллар беришга ҳам розиман! Саккиз доллар эмас, нима истасанг шуни бераман. Мен қачондан бери шунчалик кўқарган ва пачақланган башараларни кўрмаган эдим!

– Майли, орқага қайтиб боргин-да, завқланавер, – жавоб берди Билл. – Мен эса қизларни ҳов анави томонга, тепалик устига олиб чиқаман, ўша ердан ҳамма нарса аниқ кўринади. Фақат эҳтиёт бўл, агар кўлларига тушиб қоладиган бўлсанг, бу шайтонлар яна юзингни бежаб қўйишмасин.

Ур-тўполон кутилмаганда бирдан тўхтади: кимдир спорт майдонининг бир чеккасида жойлашган трибунадан йигитлар учун югуриш бошланишини эълон қилди. Кайфияти тушиб кетган Берт тепаликка чиқишдаги қияликда жойлашиб олган Билл ва қизларга кўшилди.

Йигитлар ва қизлар, ёш аёллар ва қариялар, бақалоклар учун югуриш, қоп кийиб, уч оёқлаб югуришлар бошланди. Югурувчилар чапак чалаётган томошабинлар қийқириғи остида югуриш йўлағи бўйлаб чопишарди. Яқиндагина бўлиб ўтган ур-йикит эсдан чиққан бўлиб, оломон яна хуш кайфиятда эди.

Бешта йигит тиззасига ўтирганча, бармоқларининг учини ерга теккизиб, стартни бошлашга шай бўлиб, сигнални кутиб туришарди. Уларнинг учтаси пайпоқда бўлиб, қолган иккитаси эса махсус оёқ кийимида эди.

– “Йигитлар учун югуриш, – Берт программани ўқиди. – Фақат битта мукофот – йигирма беш доллар”.

– Анави, охиридан иккинчи, махсус бошмоқ кийган сарик йигитга қаранглар. Сан-Франциско ўша йигит тарафида. Бу уларнинг севимли ўйинчиси, бутун халқ ўша томонда.

– Билл, сизнингча, ким ютади? – йигитнинг атлетика ва спорт бўйича ҳамма нарсани билишига ишончи комил бўлган Мери сўради.

– Мен қаёқдан биламан? Уларни биринчи марта кўриб турибман. Менимча, ҳаммаси кучли. Арзийдигани ютаверсин, асосийси шу.

Ўқ овози янграб, бешта югурувчининг бари олдинга қараб интилди. Улардан учтаси бошиданок орқада қолишди. Биринчи бўлиб сарик йигит югураётган, унинг орқасидан қора сочли йигит кетаётган, гап энди фақат шу иккаласи тўғрисида бўлиши мумкин эди.

Бироқ қора сочли йигит сарик йигитдан ошиб ўтиб, олдинга чиқиб олди: у энди охиригача биринчи ўринда бўлиши кўриниб турарди. У рақибидан ўн қадам олдинга ўтиб кетган бўлиб, нариги йигит бу масофани бир дюймга ҳам қисқартира олмаётган эди.

– Баракалла! – қувониб кетди Билл. – У ҳали ҳам тетик, наригиси эса чарчаб қолди.

Қора сочли йигит ҳали ҳам орадаги ўн қадамни ушлаганча финишга биринчи бўлиб етиб келди ва одамларнинг гулдурос олқиш садолари остида кўкраги лентага тегди. Айни пайтда дарғазаб товушлар ҳам эшитилиб турарди.

Берт жуда хурсанд эди.

– Аха! – бакирди у, ғолибни кўзлари билан еб кўйгудек бўлиб. – Фрискони бопладингларми? Ана энди қизиқ бўлади! Қаранглар! Унинг ютуғини йўққа чиқаришмоқчи! Ҳакамлар пул беришмаяпти. Ана, унинг бутун одамлари кетидан кетишяпти. Оҳо-о! Мен қачонлардан бери шунчалик хурсанд бўлмаган эдим!

– Билл, нега энди унга пулини беришмаяпти? – сўради Саксон.

– Фрисконинг одамлари уни профессионал, деб айблашяпти, – тушунтирди Билл. – Шунинг учун баҳслашишяпти. Бироқ бу адолатдан эмас. Уларнинг ҳар бири ҳам пул учун югурди – демак, ҳаммалари ҳам профессионал.

Ҳакам трибунаси олдида оломон ҳаяжонланиб, баҳслашар ва шовқин соларди. Трибуна ликиллаб турган икки қаватли иншоот бўлиб, иккинчи яруснинг олд девори йўқ, шу сабаб у ердаги ҳакамлар ҳам бир-бирлари билан худди пастдаги оломон каби қизишиб жанжаллашаётгани кўриниб турарди.

– Бошланяпти! – қичқирди Берт. – Вой ярамасларей!

Қорасоч йигит ўнлаб тарафдорлари кузатувида ташқаридаги нарвондан трибуна айвонига чиқиб борди.

– У ғазначи билан дўст, – деди Билл, – кўряписизларми, унга пулини беряпти; ҳакамларнинг баъзилари бунга рози, баъзилари эса қаршилик қилишяпти. Ана, сариқ йигитнинг одамлари ҳам келишяпти. – Йигит Саксонга ўтирилиб, уни тинчитди: – Бу сафар биз у ердан вақтида қочиб қолдик. Бир неча дақиқадан сўнг у ерда, пастда тоза қизиб кетади!

– Ҳакамлар қорасоч йигит пулни қайтиб беришини талаб қилишяпти, – тушунтирди Берт. – Агар қайтиб бермаса, рақиб томон тортиб олади. Қаранглар, улар етиб қолишди.

Ғолиб йигит йигирма беш доллар миқдоридаги кумуш пул солинган қоғоз ўрамини баланд кўтариб, ушлаб турарди. Унинг тарафдорлари йигитнинг агрофини ўраб олиб, ким пулни олишга ҳаракат қилса, ўшани иткитиб ташлашаётганди. Ҳали муштлашиш бошланмаган, бироқ шовкин-сурон борган сари авж олаётган бўлиб, зўрға турган иншоот, ниҳоят, тебрана бошлади.

– Ит, пулни қайтар!

– Тим, пулларни ушла!

– Тим, сен уларни ўз меҳнатинг билан ютиб олдинг!

– Қайтар пулни, ифлос ўғри!

Дўстона маслаҳатлар сўкишлар билан аралашиб кетганди. Тўқнашув ур-тўполонга айланиб кетиш хавфи бор эди. Тимнинг тарафдорлари йигит кўлидаги пулга чўзилган кўллар ета олмаслиги учун уни баландга кўтариб, бутунлай ҳолдан тойишди. Йигит кўлини бир сониягагина пастга тушириб, яна кўтарди, бироқ қоғоз ўрами барибир йиртилиб, унинг ичидаги пуллар кумуш ёмғирдек пастдаги одамларнинг устига ёғила бошлади.

– Тезроқ тугатишса эди, бир марта бўлса ҳам яна рақсга тушган бўлардик. Бу ерда ҳеч ҳам қизик бўлмаяпти, – деди Мери.

Трибунани бир амаллаб одамлардан бўшатиб, бошчилик қилаётган одам балконнинг четига келиб, кўлини кўтарди ва одамларни тинчлантиришга ундади. Ғала-ғовур дарров тинди.

– Ҳакамлар бугунги кун дўстлик ва оға-инилик куни бўлади, деб қарор қилишди...

– Тўхтанглар! Тўхтанглар!

Ақллироклар чапак чалиб юборишди:

– Мана бу тўғри иш бўлибди!

– Йўқолсин муштлашиш!

– Йўқолсин кўполлик!

– ... шунинг учун, – яна бошлиқнинг товуши эшитилди, – ҳакамлар яна йигирма беш долларлик мукофот тайинлашди – югуриш мусобақаси такрорланади.

– Тим-чи? – бақирган товушлар эшитилди. – Тим нима бўлади? Уни шилишди! Йўқолсин ҳакамлар!

Бошлиқ кўл ҳаракати билан оломонни тинчитди:

– Томошабинларнинг хоҳишини ҳисобга олишга тайёр ҳакамлар қарор қилишди: Тимоти Мак-Манус ҳам чопсин. Ғалаба қилса – мукофот уники.

– Ахир шу адолатданми? – алам билан тўнғиллади Билл. – Агар Тимга ҳозир рухсат бериладиган бўлса, биринчи сафар ҳам унга рухсат берилган бўлиши мумкин эди. Агар биринчи сафар рухсат берилган бўладиган бўлса, бу ҳолда пул сўзсиз уники бўлиши керак.

– Бу сафар сариқ йигит энди бор кучини ишга солади! – завқ билан деди Берт.

– Тим ҳам, – кўшиб қўйди Билл. – Унга алам қилиб ётган бўлса керак, энди ўзини аямайди.

Югуриш йўлкасини ҳаяжонланиб турган оломондан бўшатиш учун ярим соат вақт кетди ва бу сафар энди старт чизиғи олдида Тим билан сариқ йигит қолишди. Қолган уч йигит мусобақадан чиқиб кетишди.

– Мен Тимнинг профессионал эканлигига ишонаман, жуда кучли, – деди Билл. – Унинг югуришига қаранглар!

Югуриш майдончасининг ярмини босиб ўтишганда, Тим эллик қадам олдинга ўтиб ояди ва шу масофани саклаб, енгиллик билан чиройли қилиб финишга қараб югуришда давом этди. Бироқ у бизнинг дўстларимизга яқинлашганда бирдан кутилмаган ҳол рўй берди. Югуриш йўлкасининг ичкари томонида кўлида хишчинга ўхшаган ингичка таёқча ушлаб олган, башанг кийинган йигит турарди. Кўриниши унинг ишчи синфига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини таъкидлаб турар ва бу жойга тасодифан келиб қолгандек эди. Кейинчалик Берт уни рақс ўқитувчисига ўхшати, Билл эса уни шайтон, деб атади.

Бироқ, ҳозир гап Тимоти Мак-Манус ҳақида кетаётган бўлиб, бу йигит ушбу воқеада машъум роль ўйнади: Тим у билан ёнма-ён келган пайтда у олифта ўта хотиржамлик билан кўлидаги ингичка таёқчасини Тимнинг оёғига қараб отди. Тим ҳавода ўмбалок ошиб, чанг-тўзон кўтарганча, ерга юзтубан йиқилди.

Бир сонияга ҳамма ёқни ўлик сукунат қоплаб олди, ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Ҳатто олифтанинг ўзи ҳам қилган ифлослигидан ҳайратда қолгандек эди. Унинг ўзи ҳам, томошабинлар ҳам нима бўлганини тушуниб етгунларича анча вақт керак бўлди. Бироқ, мана, улар ўзларига келиб, минглаб ирландияликларнинг оғизларидан даҳшатли ҳайкирик товушлари эшитилди.

Сариқ йигит финишга етиб келганда, бирорта ҳам қарсак товуши эшитилмади. Олифтанинг бошига ғазаб тўла сўкишлар ёғилди. Бақир-чақирни эшитиб, у бир дақиқа иккиланиб турди-да, сўнг ўгирилиб югуриш йўлкаси бўйлаб чопиб кетди.

– Чоп, йигит! – шляпасини силкитиб, унинг кетидан кичқирди Берт. – Гап йўқ! Зўр! Нима ўйлаб топибди, а!

Йўқ, буни қаранглар, нима ўйлаб топибди! Бу нимаси, а? Бу нимаси? – тинмай қайтарарди Берт.

– Баракалла! Бундай уддабуронни топа билиш керак! – мазах қилиб деди Билл. – Фақат, бу унга нега керак бўлиб қолибди экан? У қурувчи эмас-ку.

Одамларнинг қутурғудек бақир-чақирлари остида йигит, худди таъқиб қилинаётган қуёндек, югуриш йўлкаси тепасидаги очик жойга қараб югураётганди. Ўша ерда у тепага тирмашиб чиқиб, дарахтлар орасида кўздан йўқолди. Унинг орқасидан қасос ўтида ёнаётган юзлаб томошабинлар нафаслари оғизларига тикилганча югуришаётган эди.

– Афсус, бу ҳаммаси нима билан тугадини у кўра олмайди-да, – деди Билл. – Анави одамларга қарагин.

Бертнинг хурсандлигининг чеки йўқ эди. У сакраганча, қичкирарди:

– Кара! Кара! Қарагин!

Окленд партияси ҳақорат қилинганди: уларнинг суюқлисини икки марта ютукдан мосуво қилишди. Ҳозиргина рўй берган воқеа ҳам, шубҳасиз, Фриско партиясининг пасткашларча қилган иши эди. Шунинг учун ҳам Окленд Сан-Францискога қараб муштини дўлайтириб, олишишга тайёр эди. Аслида бошқа томоннинг виждони тоза бўлса-да, рақиб томон билан куч синашиб кўришга қарши эмас эди.

Бундан ташқари ирландияликлар шундоқ ҳам бир неча соат давомида ўзларини босиб туришган бўлиб, энди эса беш мингта эркак завқ билан муштлашиш учун югураётганди. Уларга аёллар ҳам қўшилиб кетишди. Бутун амфитеатр эътиборини шу жанжалга жалб қилганди. Кимлардир қочиб, кимлардир бостириб, одамлар ҳужумга ва қарши ҳужумга ўтишаётган эди. Кучсизроқ бўлган отрядлар тепаликка қисиб бо-

рилганди. Бошқа гуруҳлар эса айёрлик қилиб, дарахтлар оралаб ёйилиб кетишган, эсанкираб қолган рақиблари устига ёпирилиб, партизан урушини олиб боришарди. Иккала томон ҳам кучи борича Визелпарк бошқармаси томонидан махсус жалб қилинган ўнлаб полисменларнинг гарданига туширишарди.

– Полиция кимга ҳам ёқарди? – ҳали ҳам қон сизиб чиқиб турган лат еган қулоғига дастрўмолини босар экан, кулди Берт.

Уларнинг орқасида бугалар орасида тасир-тусир эшитилиб, йигит четга отилди ва уларнинг олдиларига бир-бирларига тирмашиб олган икки йигит думалаб чиқилди – уларнинг тепадагиси остидагини муштлар, уларнинг изларидан бир аёл бақирганча чопиб келаётган бўлиб, у ҳам ўз уруғ-аймоғига тегишли бўлмаган рақибга мушт ёғдирадди.

Иккинчи мукофот учун бўлган воқеа давомида ҳакамлар лиқиллаб турган иншоот ниҳоят бузилиб тушмагунча, ўз жойларидан туриб мардонавор қаршилиқ кўрсатдилар.

– Анави кампир нима қилмоқчи? – пастда йўлкадаги кекса кампирни йигитларга кўрсатиб сўради Саксон: кампир ерга ўтириб олиб, оёғидан каттагина ўлчамдаги резина бошмоқларини еча бошлаганди.

– Афтидан, чўмилмоқчи шекилли, – кампир бошмоғи кетидан пайпоғини ҳам ечишга бошлаганда, кулди Берт.

Таажужубда қолган ёшлар аёлни кузатишда давом этишди. Аёл бошмоғини яна оёғига илиб олди: бу сафар яланг оёкка. Сўнгра ечган пайпоғининг ичига муштум катталигидаги тошни солиб, бу қадимий ва даҳшатли қуролни кўлида кўтарган ҳолда кўпол ҳаракатлар билан ур-сур ичига кириб кетди.

– Эҳе! Эҳе! – аёлнинг ҳар бир ҳаракатига Берт кичқириб турди. – Зўр-ку! Кўрдингларми? Яшасин кампир! Унинг олишишига қаранглар! Эҳтиёт бўл, онажон!.. О... о... ох!..

Бошқа амазонка орқа томондан келиб пайпоқ кўтарган аёлнинг сочларидан ушлаб, судрай бошлаганда Бертнинг кайфияти тушиб, жим бўлиб қолди. Мери йигитнинг қўлларига осилиб, уни силкитиб уришишлари бекор кетди.

– Наҳотки сен ҳеч тинчий олмайсан? – кичқирди киз. – Ахир бу даҳшат-ку! Сенга айтаяпман: бу даҳшат!

Бироқ Бертга гап таъсир қилмасди.

– Бопла уни! Худди шундай! – у аёлни рағбатлантириб турарди. – Сен ғалаба қозонасан! Мен сен тарафдаман! Ухлама, омадинг келиб турибди! О! Зўр! Ажойиб! Ажойиб!

– Мен шу пайтгача ҳали бундай даҳшатли муштлашувни кўрган эмасман, – Саксонга қараб, деди Билл. – Фақат ирландияликларгина бунга қодир. Фақат нега энди бу йигит айни бугун шундай қилиқ қилгиси келиб қолди – шуни ҳеч тушуна олмаяпман! Ҳар ҳолда у қурувчи эмас, ҳатто ишчи ҳам эмас – ҳақиқий шайтоннинг ўзгинаси; бироқ, агар унинг мақсади жанжал чиқариш бўлган бўлса – мақсадига эришди. Қаранглар, ҳамма муштлашиб ётибди.

Йигит бирдан шунчалик юракдан кулиб юбордики, ҳатто кўзларидан ёш ҳам чиқиб кетди.

– Нега кулаяпсиз? – бирор нарсани ўтказиб юборишдан кўрққан Саксон сўради.

– Ҳа мана шу олифтани деб-да! – кулги орасида деди Билл. – Йўқ, буни қаранг, нега у бирдан таёкча-

сини ташлагиси келиб қолди? Мана менга нима тинчлик бермаяпти! Нега?

Буталар орасида яна шитирлаш эшитилиб, у ердан икки аёл чиқиб келди – бири қочаётган, иккинчиси қувлаётган эди.

Кичкина компания бутун дунёни бўлмаса-да, паркнинг катта қисмини эгаллаб олган бу олишувга аралашиб кетганини сезмай ҳам қолди.

Боғдаги ўриндиқни айланиб ўта туриб, қочаётган аёл ёшларга урилиб кетди ва, албатта қўлга тушган бўларди, бироқ у мувозанатини сақлаб қолиш учун Мерининг қўлларидан маҳкам ушлаб олиб, қизни бор кучи билан ўзини қувлаб келаётган аёлга қараб итариб юборди; жаҳли чиқиб кетганидан нима қилаётганини ҳам ўйламаётган нариги бақувватгина кекса аёл эса бир қўли билан Мерининг сочларига ёпишиб, иккинчисини эса зарба бериш учун кўтарди. Бироқ уришга улгурмади, чунки Билл аёлнинг қўлини ушлаб қолганди.

– Бўлди, буви, етар, – хотиржам товушда деди. – Сиз янглишяпсиз, унинг ҳеч қандай айби йўқ.

Шунда аёл ўзини ғалати тута бошлади: қаршилиқ ҳам кўрсатмай, бироқ Мерининг сочини ҳам қўйиб юбормай, тўхтаб, чинқира бошлади. Бу чинқирикқа унинг кўрқуви ҳам, кўрқитиш истаги ҳам қўшилиб кетган эди. Бироқ юзидаги ифодада на униси, на буниси акс этаётганди. У афтидан, бу йигит унинг ўз уруғ-аймоғини ёрдамга чақирриш учун қичқираётганига қандай муносабатда эканлигини билмоқчи бўлгандек, совуққонлик билан Биллни кўздан кечирарди.

– Ҳой, жим бўл ахир! Ҳаддингдан ошдинг! – аёлни елкасидан ушлаб олганча, Меридадан нари олиб кетишга уриниб, бақирди Берт.

бошлади. Унинг юраги кўркувдан так-пука бўлаётган бўлса-да, кўриш қобилияти аниқ-гиник бўлиб, борган сари ҳайратга туша бошлаганди: йигитнинг кўзларида энди ҳеч қандай теранлик, ифода йўқ эди, улар – катъий ялтирар, жиддий, худди шишадек қотиб қолган эди. Бертнинг кўзлари худди эсидан оғган кишиники каби ялтирар эди. Ирландияликларнинг кўзлари ҳам қаҳр-ғазабга тўла бўлиб, бироқ қаердадир ортикча муштлашиб олишдан завқланиш ҳисси ҳам сезилиб турарди. Билнинг кўзларида севинч ифодаси йўқ эди. У, худди қийин бир вазифани бажараётиб, бу ишни охиригача етказишга аҳд қилганга ўхшаб туюларди, – йигитнинг кўзларида қиз кун бўйи кўрганига асло ўхшамайдиган ифода бор эди: ундаги ёш болаларга ўхшаш ифода бутунлай йўқолган эди. Энди у етилган, ҳеч қандай ёш бериб бўлмайдиган етук эркак эди. Унинг юзида қаҳр йўқ эди, шафқатсиз деб ҳам айтиб бўлмасди – унинг юзида худди кўзларидаги каби одамнинг этини жунжиқтириб юборадиган хотиржамлик бор эди. Қизнинг ёдига онасининг қадимий сакслар ҳақидаги ҳикоялари тушиб кетди ва Бил худди ўша одамлардан бирига ўхшаб туюлди; қаердадир онгининг ич-ичкарасида узун қора қайиқнинг сояси кўрингандек бўлди – унинг тумшук томони йиртқич қушнинг тумшугига ўхшар, қайиқда эса баланд бўйли ярим-яланғоч эркаклар бўлиб, биттасининг юзи Билга жуда ўхшар эди. Қиз бу нарсани ўйлаб топмаётганди, у ҳис қилаётган, қандайдир тушунтириб бўлмайдиган бир ҳиссиёт натижасида шу нарсани аниқ кўраётган эди... ва шу заҳоти кураш тугаганини кўриб, ажабланди. Бу кураш ниҳоятти бир неча сониягина давом этди. Берт сирпанчиқ қияликнинг четида туриб олиб, ўйинга тушар ва бу мушт-

лашгудда юткизиб, ўзларини тўхтата олмай пастга қараб думалаб кетаётганларни мазах қиларди. Бироқ Билл шу заҳоти ҳаммани тартибга чақирди.

– Қани, қизлар, кетдик, – деди у. – Берт, сен эса эҳушингни йиғиб ол. Бу ердан кетиб қолиш керак. Биз бутун бир тўда билан кураша олмаймиз.

Билл Саксоннинг кўлидан ушлаб олиб, орқага чекина бошлади; унинг орқасидан қувониб ишшайганча Берт ва йигитига ғазабини сочаётган Мери ҳам кета бошлашди.

Улар дарахтлар оралаб юз ярдча масофани югуриб ўтишди, сўнг орқаларидан ҳеч ким қувламаётганига амин бўлишгач, худди айланиб юрган одамлардек секинроқ кета бошлашди. Бироқ қачон қарама саргузаштгалаб бўлган Берт қулоғини динг қилди – буталар орқасидан ҳар хил товушлар эшитилиб, у нима гаплигини билиш учун ўша ёққа қараб югуриб кетди.

– Эй! Тезроқ бу ёққа келинглар! – бошқаларни ҳам чақирди у.

Улар Бертни қуриб қолган зовур ёнида қувиб етиб, пастга қарашди. Пастда, зовур тубида, умумий муштлашувдан четда қолган иккитаси бир-бирларини маҳкам ушлаганча, курашиб ётишарди. Юзларидан тўхтамай ёш оқар, бир-бирларига вақти-вақти билан тушириб қўяётган муштлари бўшашиб қолган ва кучсиз эди.

– Эй, оғайни, кўзига кум сепиб юборсанг-чи, – маслаҳат берди Берт. – Кўзи кўрмай қолади, сен эса болайсан!

– Тўхта, бундай қила кўрма! – йигитлардан бири Бертнинг маслаҳатига амал қилмоқчи бўлаётганини кўриб, бақирди Билл. – Акс ҳолда ўзим тушиб, дабдалангни чиқараман! Ҳаммаси тугади, ҳамма бир-

бири билан ярашиб олди. Бир-бирларингизнинг қўлингизни сиқиб қўйинглар. Ювиш иккалангиздан. Мана шундай! Ана энди келинлар, мен сизларни тортиб оламан.

Улар кетишгач, рақиблар ярашиб олиб, бир-бирларининг кийимларини тозалашга тушишди.

– Ҳозир ҳаммаси тугайди, – кулиб, Саксонга деди Билл. – Мен уларни биламан. Муштлашиш уларнинг энг яхши кўрган машғулотлари. Бугунги кун улар учун айниқса омадли кун бўлди. Мен нима дегандим? Ҳов анави столга қаранглар.

Сал нарида ҳали ўзларига келиб олмаган, оғир-оғир нафас олаётган бир нечта эркак ва аёллар бир-бирларининг қўлларини сиқишарди.

– Юринглар, кетдик, рақсга тушайлик, – шерикларини павильон томонга тортганча, илтимос қилди Мери.

Бутун парк бўйлаб одамлар ёйилиб кетган, яқингинада бир-бирлари билан ит-мушук бўлганлар қўл сиқишишар, очик осмон остида ичкилик сотаётган барлар атрофида эса ичишга чанқоқ бўлган оломон тўдалашиб турарди.

Саксон Билл билан ёнма-ён кетар экан, йигит билан фахрланиб кетаётган эди. Билл муштлашишни билар, бироқ бундан қоча билиш ҳам ҳам қўлидан келар экан. Бутун бугунги кун воқеалари давомида у шунга ҳаракат қилиб келди. Саксон йигитнинг авваламбор ўзи ва Мери учун шундай йўл тутганини жуда яхши тушуниб турар эди.

– Сиз довжурак экансиз, – деди у йигитга.

– Қанақа довжураклик! Бу худди ёш боланинг ширинлигини тортиб олгандек гап, – эътироз қилди йигит. – Улар шунчаки уришқоқлар. Бирортаси ҳам

бокс ҳақида тасаввурга эга эмас. Улар ҳимояланишни ҳам билишмайди, бу ҳолда эса уларни фақат уришгина қолади, холос. Биласизми, бу ҳақиқий муштлашув эмас.

Йигит қонга бўялган қўлларига худди ёш боладек, ғамгин қараб қўйди.

– Мен эса эртага ана шу қўлларим билан ишлашим керак, – шикоятмуз деди у. – Яхши бўлмади, агар улар шишиб чиқадиган бўлса, сизга айтаман.

БЕШИНЧИ БОБ

Соат саккизда оркестр “Хонадоним менинг, хонадоним”ни чалди ва қоронғида поездга етиб олишга шошаётганларнинг орқасидан иккала жуфтлик ҳам вагонга чиқиб, рўпарама-рўпара жой топа олишга эришишди. Поезддаги ҳар бир бўш жой лиқ тўлгандан сўнг поезд Оклендга қараб жўнади. Йўловчилар ким нимани хоҳласа, ўша қўшиқни айта бошлашди, бошини уни кучоклаб олган Мерининг кўкрагига қўйиб олган Берт ҳам ўзининг яхши кўрган қўшиғи “Уобэш қирғоқларида”ни бошлаб, охиригача куйлади. У поездни кузатиб бораётган полисменлар аёлларнинг қичқириклари ва синган ойналар жаранги остида вагон майдончаларида рўй бераётган тўполонни тўхтатма-гунларича, ҳеч қандай хижолатпазликни сезмай, қўшиғини куйлашда давом этди.

Билл ковбойлар ҳақидаги ғамгин балладани куйлади; баллада жуда узун бўлиб, ҳар бир банди “Мени чўл-биёбонга кўминглар” нақорати билан тугарди.

– Сиз бу қўшиқни ҳеч қачон эшитмагансиз; менинг отам уни тез-тез айтиб турарди, – ашула тугаганидан хурсанд бўлган Саксонга тушунтирди йигит.

Ниҳоят, Саксон йигитнинг камчилигини топа олди: унинг мусиқага ҳеч ҳам укуви йўқ экан: бирорга нотани тўғри олгани йўқ.

– Мен жуда камдан кам ҳолларда кўшиқ айтаман, – кўшиб кўйди йигит.

– Бўлмасам-чи! – хитоб қилди Берт. – Акс ҳолда дўстлари уни турган жойида ўлдириб кўя қолган бўлишарди.

– Улар ҳаммаси менинг кўшиқ айтишим устидан кулишади, – Саксонга қараб деди йигит. – Мана, сиз очигини айтинг: наҳотки шунчалик ёмон айтаётган бўлсам?

– Сиз... сиз... балки бир оз..., – нима дейишни ҳам билмай, қиз дудукланиб қолди.

– Менга эса унчалик ёмон бўлиб туюлмайди, – эътироз билдирди йигит. – Зўр. Ҳамманглар келишиб олгансизлар, шекилли. Баҳс бойлашаманки, сиз ўзингиз зўр айтсангиз керак! Юзингиздан кўриниб турибди.

Қиз “Ўрим-йиғим тугаганда”ни айта бошлади, Берт ва Мери ҳам унга кўшилишди. Бироқ Билл ҳам уларга кўшилмоқчи бўлганда, Берт оёғига бир туртиб, жим бўлишига тўғри келди. Саксон тоза сопрано билан айтаётган, овози жуда ҳам баланд эмас, бироқ ёқимли бўлиб, унинг ўзи ҳам ҳозир кўшиқни Билл учун айтаётганини ҳис қилиб айтарди.

– Мана бу ашула, – қиз ашуласини тугатганда, деди йигит. – Яна битта айтинг. Қани, бошланг! Жуда ажойиб айтяпсиз, гап йўқ!

Йигит қўлини чўзиб, қизнинг қўлларини ўз қўллари орасига олди ва Саксон яна ашула айта бошлаганда йигитнинг қўлларидан ўзининг қўлларига илиқ бир куч қуйилаётганини ҳис қилди.

– Вой, қаранглар, улар бир-бирларининг кўлини ушлашяпти! – мазах оҳангида деди Берт. – Нимадан кўрқаяпсизлар? Биздан ўргансангиз-чи! Бир-бирларингга яқинроқ сурилсаларинг-чи, имиллаганлар! Бўл-маса... ниманидир яширяпсизлар, деб ўйлаб қоламиз!..

Бертнинг шамаси жуда очикдан-очик эди. Саксон кизариб кетганини ҳис қилди.

– Ҳой, оғзингга қараб гапир, – Бертга қараб таъна қилди Билл.

– Жим бўлинглар, – Мерининг ҳам жаҳди чиқди. – Берт Уонхоп, сиз жуда ҳам кўполсиз. Мен сизни билишни ҳам истамайман!

Қиз кучоғини очиб, Бертни итариб юборгандек бўлди, бироқ бир дақиқа ҳам ўтмай унинг гуноҳидан ўтиб, иккалалари яна илгаригидек ўтиришда давом этишди.

– Кетдик, тўрталамиз яна бирор жойга борамиз, – Берт жим бўлай демасди. – Ахир эндигина болалар вақти бўлди-ку. Зиёфатми, зиёфат! Олдин Пабстуга кафега борайлик, у ёғи бир гап бўлар. Сен нима дейсан, Билл? Сиз-чи, Саксон? Мери боради.

Саксон яқингинада танишгани ёнида ўтирган йигитнинг жавобини ҳаяжон билан кута бошлади.

– Йўқ, – чўзиб жавоб берди йигит. – Эртага оғир иш куни, мен вақтли туришим керак; менимча, қизлар ҳам шундай.

Саксон йигитнинг мусиқани тушунмаслигини ҳам кечириб юборди. У дунёда шундай одамларнинг борлигини билар, ҳис қилар эди. Ва худди шундай одамни кутаётган эди. Ҳозир унинг ёши йигирма иккида; биринчи марта ундан турмушга чиқишларини сўрашганда қиз ўн олтига тўлганди, охириги марта эса – ниҳоятти бир ой олдин, кирхонанинг катта мастери,

юмшоқкўнгил, ақли, бироқ ёши каттароқ эркак сўраган эди. Бу йигит эса кучли, кўнгилчан ва ёш. Қизнинг ўзи ҳали ёш, шунинг учун ёшга интилиши табиий. Тўғри, кирхонадаги йигит билан у тинчгина, бир умр дазмол уришдан қутулиб яшаган бўларди... Бироқ бу ҳеч қандай қувончсиз ҳаёт! Мана бу билан эса... Саксон ҳали ҳам кўллларини ушлаб турган йигитнинг кўллларини қисаётганини сезиб қолди.

– Берт, бўлди қил, Билл тўғри айтяпти, – деди Мери. – Ухлаб олиш ҳам керак. Эртага яна шу оҳорланган кийимлар ва кечгача тик оёқда туриш бошланади.

Бирдан Саксоннинг хаёлига, балки унинг ёши йигитдан катта бўлиши мумкин-ку, деган фикр келди. У секингина билдирмай йигитнинг териси йилтиллаб турган юзига қаради ва кун бўйи унга ёқиб келган йигитдан уфуриб турган ёшлик бирдан энди унинг ғашини келтирди. Албатта, у ўзидан ва Саксондан ҳам ёшроқ бўлган қизга уйланади. Қизик, ёши нечада бўлиши мумкин? Наҳотки, Саксон учун чиндан ҳам жуда ёш бўлса? Эришиш қийин бўла борган сари, йигит қизга баттар ёқиб кета бошлади. У қанчалик кучли бўлса, шунчалик юмшоқтабиат ҳам эди. Қиз кун бўйи у билан бирга ўтказган дамларини эслади. Йигит бирорта ҳам ҳаракатни нотўғри қилгани йўқ, Саксон ва Мерига нисбатан ўта хурматда бўлди, Саксоннинг дастурини йиртиб ташлаб, фақат у билан рақс тушди. Агар қиз унга ёқмаганда, бундай қилмаган бўларди.

Қиз бармоқларини қимирлатиб, йигитнинг қадоқ билан қопланган қаттиқ кафтини ҳис қилди. Бу жуда ёқимли эди. Йигит ҳам қизнинг ҳаракатини сезиб, кўллларини унинг ҳаракатига мослади. Саксон, энди нима бўлар экан деб, ҳаяжон билан кута бошлади. У йигитнинг бошқа эркаклар одатда шундай пайтда

килишадиган ишни — қизнинг бу қилиғидан фойдаланиб, белидан кучоқлаб олишини ҳеч ҳам истамаётган, агар у шундай қиладиган бўлса ундан нафратланган бўларди. Бироқ йигит ундай қилмади ва Саксоннинг қалбида йигитга нисбатан илиқ ҳислар уйғонди. Демак, у Бертга ўхшаб эзма, қиз учратган бошқа эркаклардек кўпол эмас, хушмуомала, ақлли йигит! Қиз илгари учратган йигитларда ўзи олижаноблик деб атайдиган хислатларнинг (аслида бу нималигини ўзи жуда ҳам яхши тушунмаса-да) йўқлигидан кўнгли озор топарди.

Бундан ташқари Билл бокчи эди. Шу фикрнинг ўзиданоқ қизнинг юраги гурсиллаб кетаётган эди. Тўғри, у қизнинг тасавуридаги боксчиларга ҳеч ҳам ўхшамасди. Аслида, у боксчи эмас-ку. Ахир ўзи шундай дедик-ку. Саксон, агар йигит уни яна учрашувга таклиф қиладиган бўлса, ундан аниқроқ қилиб сўраб олишга қарор қилди. Ҳа, ҳар ҳолда, йигит қиз билан бутун кун давомида рақс тушгандан сўнг, уни шу заҳоти унутиб юбормаса керак. Қиз негадир бирдан Билл чиндан ҳам боксчи бўлишини хоҳлаб кетди. Унда одамни ўзига тортадиган нимадир бор эди. Боксчилар — довюрак, сирли инсонлар! Улар дурадгорми, кир ювувчими — оддий ишчи сирасига кирмагандан кейин, албатта романтик одамлар бўлишади. Улар хўжайинлар учун эмас, халқ учун ишлашади, қаҳрамонона яккама-якка курашда жуда ҳам сахий бўлмаган бу дунёдан ажойиб ҳаётни ютиб олишади. Уларнинг баъзиларида ҳатто ўзларининг автомобиллари ҳам бор бўлиб, улар бутун бир гуруҳ тренерлар ва хизматкорлари билан саёҳатларга боришади. Билл, балки, камтарлик қилиб, боксни ташлаганман, деяётгандир? Бироқ қўлида қадоклари бор-ку, тўғриси айтиётган бўлса керак.

ОЛТИНЧИ БОБ

Улар дарвоза олдида хайрлашишаётган пайтда Билл хижолат бўлгандек эди, бу ҳам Саксонга ёкиб кетди. У, афтидан, ўзини кизлар билан бемалол тутишга ҳақи бор, деб ҳисоблайдиганлар сирасига кирмасди. Тўхташгач, иккалалари жим бўлиб қолишди, киз ўзини уйга кириб кетмоқчига солди, аслида эса ўзи йигитдан эшитишни истаётган сўзларни ички бир ҳаяжон билан кутаётган эди.

– Сизни энди яна қачон кўраман? – кизнинг кўлини кўйиб юбормай, сўради йигит.

Саксон қувонч билан кулиб юборди.

– Мен Окленднинг шарқий қисмида яшайман, – гапида давом этди йигит. – Отхоналаримиз жойлашган ерда; кўпинча ўша ёқларда ишлаймиз, шу сабаб мен бу ёқларга жуда кам келаман. Ва, – гапида давом эта туриб, йигит Саксоннинг кўлини қаттиқ қисди, – биз иккимиз яна албатта рақс тушишимиз керак. Мен сизга мана нимани таклиф қилмоқчиман: чоршанба кунлари Ориндор клубида рақс кечалари уюштирилади. Агар ўша кунни банд бўлмасангиз... Ёки бандмисиз?

– Йўқ...

– Демак, чоршанба кунини. Сизни олиб кетиш учун соат нечада келай?

Улар ҳамма нарсани келишиб олишгандан сўнг йигит Саксоннинг бир нечта рақсни бошқа йигитлар билан тушишига рози бўлгач, улар яна бир марта бир-бирларига хайрли кеч тилашди ва йигит кизни ўзига тортди. Қиз енгилгина, бироқ қатъийлик билан қаршилиқ қилди: одат шундай эди, бундан ташқари Билл кизнинг розилигини нотўғри тушуниши мумкин эди. Бироқ, нима бўлганда ҳам киз ҳозир йигитни шу пайтгача бирорта эркакни ўпмагандек ўпгиси ҳам

келаётганди. Саксон юзини йигитга тутганда унинг ўпичи тозалигини ҳис қилди. Бу ўпичда ҳеч қандай яширин маъно йўқ бўлиб, тўғрироғи бир тозалик ва йигитнинг ўзи каби назокат бордек эди. Бу ўпич Биллнинг қизлар билан хайрлашишда тажрибасизлигини ҳам айтиб турарди. “Афтидан, ҳамма йигитлар ҳам молдек эмас”, ўйлади қиз.

– Хайрли тун, – шивирлади Саксон; эшик гичирлади ва қиз уйга олиб борадиган торгина йўлкадан югуриб кетди.

– Демак чоршанбагачами? – паст товушда қизнинг кетидан сўради Билл.

– Чоршанбагача, – жавоб берди қиз.

Бироқ қиз иккита уй орасидаги нимқоронғиликда тўхтаб, асфальт йўлка бўйлаб кетаётган йигитнинг қадам товушларига кулоқ солиб турди ва унинг қадам товушлари тингандан кейингина уйга кирди. Зинадан тепага кўтарилиб, опхона орқали ўз хонасига киргач, Сара уйғониб кетмагани учун Худога шукур қилди.

Қиз чирокни ёқиб, бошидаги духоба шляпасини ечар экан, лабларида ҳали ҳам йигитнинг лабларини ҳис қилаётгандек эди. Бироқ, бу ўпич ҳеч нарсани исбот қилмайди-ку! Ёшлар шундай қилишади. Ҳаммаси шундай қилади. Бироқ уларнинг хайралашаётгандаги бўсалари ҳеч қачон бундай куйдирмаган эди, Биллнинг ўпичи қизнинг нафақат лаблари, миясини ҳам қиздиргандек бўлаётганди. Нима бўлди? Қиз кўзгу олдига яқинлашди. Унинг кўзлари бахтдан чарақларди; одатда озгина нимранг бўёқ суриб юрадиган ёноқлари ҳозир ёнаётган эди. Кўзгудан унга жуда чиройли қиз қараб турарди. Ўзининг кўринишидан хурсанд бўлган қиз жилмайди; кўзгуда бир қатор текис оппоқ тишлари акс этганда у баттарроқ жилмайди. “Нега энди шундай

юз Биллга ёқмас экан?” – ўзига ўзи савол берди қиз. Ахир у бошқа эркакларга ёқади-ку! Ҳатто дугоналари ҳам унинг кўринишини мақташади. Чарли Лонгдек йигит унинг изидан юриб, унга йўл бермаслигига қараганда, бу йигит уни чиройли деб ҳисоблайди, деб ишонса бўлса керак, ахир.

Саксон кўзгу четига қистириб қўйилган Чарлининг расмига кўзи тушиб, сесканиб кетди ва нафрат билан лабларини қимтиди. Расмдаги йигитнинг кўзларида қатъий ва ҳайвоний бир қараш бор эди. У чиндан ҳам ҳайвоннинг ўзгинаси. У қўймай Саксоннинг кетидан юраётганига мана, бир йил бўляпти. Бошқа йигитлар қизнинг олдига яқинлаша ҳам олмайдилар: ҳаммани кўрқитиб қўйган. Қиз кирхонада ишлайдиган ёшгина ҳисобчи йигитни эслади – у оддий ишчи эмас, овозлари майин, қўллари нозик ҳақиқий жентлмен эди; у Саксонни театрга таклиф қилгани учун Чарли уни бир чеккага чақириб, уриб дабдаласини чиқарибди. Ахир Саксоннинг айби нима? Бу ҳисобчи йигитга ачинганидан қиз унинг таклифларини қабул қилишдан ҳам кўрқади.

Мана, энди чоршанба куни кечкурун у Билл билан боради. Билли! Қизнинг юраги уриб кетди. Албатта жанжал бўлади, лекин Билл уни Чарлидан ҳимоя қила олади. У Билл Чарлини калтаклаётганини кўргиси келиб кетди! Қиз бир ҳаракат билан йигитнинг расмини олиб, юзини пастга қилиб комод устига ташлади. Расм қора чарм қопланган кичкинагина эски қутининг ёнига тушди. Расм худди ўзининг устидан кулгандек бўлаётганидан жаҳли чиққан қиз уни олиб, бир бурчакка қараб отди ва қўлига ҳалиги қутичани олди. Пружинасига босиб, уни очди ва ичидаги дагерротипга узоқ тикилди: у ерда ақлли кўзлари билан боқаётган,

лаблари чизилгандек чиройли, юзлари эса чарчагандек кўринаётган аёлниг расми бор эди; қутичанинг ичидаги духоба ёстиқчага олтин ҳарфлар билан “Карлтонга – Дээидан” деб ёзилган эди. Қиз бу ёзувни ҳаяжон билан ўқиди: бу қиз ҳеч қачон кўрмаган отаси ва ўзи жуда ҳам кам кўрган, бироқ ақли ва ғамгин кўзларини бир умрга эслаб қолгани онасининг исмлари эди.

Болалигидан ҳеч қандай диний маросимларни билмаган Саксон табиатан чуқур диний ақидаларга эга инсон эди. Бироқ унинг яратган ҳақидаги фикрлари ғира-шира, ноаниқ бўлиб, у ўзининг бу борада кучсизлигини яхши биларди. У Худони кўз олдига келтира олмасди. Дагерротипда эса у аниқ образни кўрарди; бу расм қизга кўп нарса берар ва келажакда кўп нарсалар ваъда қиларди! Саксон черковга қатнамасди: унинг меҳроби, авлиёлар авлиёси шу ерда эди. Бошига ғам соя солганда, ёки ёлғизлик қийнаётган дамларда қиз шу расмга қарар, ундан маслаҳат ва ёрдам сўрар, шундан таскин топарди. У ўзининг кўп нарсаларда бошқа қизларга ўхшамаслигини сезар, бу азиз расмга тикилиб ундан маънан ўзига ўхшаш изларни топишга уринарди. Ахир унинг онаси ҳам, Саксон каби бошқаларга ўхшаманган эди. Онаси чиндан ҳам қиз учун бошқалар Худо деб талпинадигани кимсанинг ўрнини босарди. У ўзининг бу сиғинадиган кимсасига вафодор бўлиб қолишга, уни ерга урмасликка, хафа қилиб қўймасликка онт ичган эди. Саксон аслида ўз онасини жуда ҳам кам билишини, бу фикрларнинг барини йиллар давомида ўзи тўқиб чиқаргани ҳақида ўйлаб ўтирмасди. Онаси ҳақидаги бу эртакни кўп йиллар давомида ўзи тўқиган эди.

Бирок, нахотки, бу образ ҳақидаги ҳамма гаплар тўқима эди?

Қиз қатъият билан ҳамма шубҳаларни ўзидан нари суриб, комоднинг пастки тортмасини очиб, у ердан эскириб кетган портфель олди. У ердан йиллар ўтган сайин сарғайиб кетган қўлёмалар чиқди; ўтмишнинг энгил, нозик бўйлари келиб кетди. Қўлёманинг ёзуви ярим юз йиллар бурун урф бўлгандек нозик, гажак-гажак эди. Қиз муаллифнинг ўз-ўзига мурожаат қилиб айтаётган мисраларини ўқиди:

Эолнинг нозик арфаси каби

Борган сари нозикроқ куйлар

Илҳом париси...

Акс садо-ла жавоб қайтарар унга

Калифорния водийси...

Қиз айна пайтда минг биринчи марта Эол арфаси нима эканлигини ўйлаб, ажабланди; нима бўлганда ҳам бошқаларга ўхшамаган онаси ҳақидаги хира хотиралари унда тасвирлаб бўлмайдиган ажойиб ҳисларни уйғотди. Саксон бир мунча вақт ўйланиб туриб, сўнг яна бошқа қўлёмани очди. “К.Б.га бағишланади” – ўқиди қиз. Бу онасининг эри, Карлтон Браунга атаб ёзган муҳаббат шеърлари эди. Саксон бу шеърларни ўқир экан, ундаги мисралар қизга умуман тушунарсиз бўлса-да, бироқ у ушбу мисраларнинг ажойиб гўзаллигини ҳис қилаётгандек бўларди. Вакх, Пандора, Психея – бу номлар унинг учун худди сеҳрли сўзларга ўхшарди! Бирок, бу топишмоқнинг калити фақат онасида эди. Маъносиз, ғалати ва айна пайтда чуқур маъноли сеҳрли сўзлар! Унинг сеҳргар онаси бу мисралар нимани англатишини жуда яхши тушунган. Саксон ҳозир ҳам уларни аста ҳарфлаб, биттама-битта ўқий бошлади, чунки уларнинг қандай талаффуз

қилинишини билмагани учун биттада ўқий олмасди. Қизнинг онгида бу сўзларнинг етиб бўлмас чуқур ва гўзал маъноси акс этгандек бўлди. У бирдан фикрлашдан тўхтаб, унинг тафаккури юлдуз каби чараклаётган бошқа бир дунёнинг чегарасида тўхтагандек бўлди. Саксоннинг назарида онаси бу ерда ўзини қизи яшайдиган бу дунёдан кўра озодроқ ва бахтиёрроқ ҳис қиларди. Қиз юқоридаги тўрт қатор шеърни ўйга ботганча қайта ва қайта ўқиди. Ва унга ўзи ҳам ва хавотирда қийналиб яшаётган бу ҳақиқий дунё билан солиштирганда онаси яшаган дунё нур ва орзуларга тўла бўлганга ўхшаб туюлди. Мана бу сирли, кўшиқдек туюлаётган мисраларда ҳамма нарсани тушуна билишга олиб борадиган йўл яширингандек эди, гўё. Агар Саксон ана шуни топа олганда эди – ҳамма нарса аниқ бўлиб қоларди. Унинг бунга ишончи комил эди. Ана шунда у Саранинг заҳар тўла гапларини, акасининг бахтсизлиги сабабларини, Чарли Лонгнинг шафқатсизлигини, бу йигит нима учун ҳисобчини калтаклаганини, нима учун Саксон дазмол тахтаси тепасида туриб, қаддини кўтармасдан кунлар, ойлар, йиллар ишлаши кераклигини тушунган бўларди.

Қиз баъзи мисраларни ўтказиб юбориб – ўзи учун хос бўлмаган нарса – бошқа шеърни ўқишда давом этар экан, тинмай “Ажойиб, қандай ажойиб” деб хўрсинарди. Шеърнинг узунлигидан юраги хижил тортиб, кўлёмани ёпиб, яшириб қўйди; сўнгра у ерда сақланаётган эсдалик нарсалар унга онасининг ўзига хос бўлган ички дунёсининг калитини беради, деган умидда яна комодни титкилай бошлади.

Бу сафар у тасма билан боғланган ингичка қоғоз ўрамини олди. Меҳроб олдида турган руҳоний каби, ўта жиддийлик ва эҳтиётлик билан қоғоз ўрамини оча

бошлади. У ерда қизил атласдан тикилган испанча корсаж бор эди – бир пайтлар бундай корсажлар прериядан биринчи бўлиб ўтган аёлларнинг одатий безаклари бўлган эди. Бу корсаж қўл меҳнати бўлиб, қадимий испан-калифорнияча услубда тикилган бўлиб, афтидан, чарм ва денгиз ҳайвонларининг эритилган мойи билан савдо қилувчи кит овловчи кемадан сотиб олинган мато билан ишлов берилган эди. Корсаж онаси томондан қора тўр билан сирилган бўлиб, уч қатор духоба ҳошия кўйиб тикилган чоклари ҳам онасиники эди.

Саксон корсаж устида ўйланиб қолди. Унинг хаёлида бир-бири билан боғлиқ бўлмаган фикрлар гужғон ўйнарди. Унинг кўз олдидagi нарса ҳозир ҳақиқатда бор нарса эди. Қиз буни жуда яхши тушуниб турарди. У бу нарсага одамлар ўзлари яратган Худога қандай сиғинсалар, у ҳам шундай сиғинарди.

Корсаж айланасининг узунлиги йигирма икки дюйм эди: Саксон бунга кўп бора амин бўлганди. У ўрnidан туриб корсажни ўзида ўлчаб кўрди. Бу қизнинг одатий ритуалларнинг бир қисми эди. Корсаж унга деярли тўғри келарди. Бели лоппа-лойиқ эди. Агар кўйлагини ечадиган бўлса, қизга лоппа-лойиқ келарди. Онаси тўғрисидаги хотираларни ўзида акс эттирган бу корсаж доим Саксонни ҳаяжонга соларди: у гўё онаси қоматининг изларини сақлаб қолгандек эди. Демак, ташқи кўринишидан Саксон онасига ўхшар экан-да! Ўзининг метиндек иродасини, одатда ҳаммани ҳайратга соладиган ўз ишини осонлик билан бажара олиш қобилияти унга онасидан ўтган экан-да! Олдинги авлод вакиллари ҳам унинг онасига – прерияни бирга кечиб ўтаётган атрофидаги баланд бўйли сайёҳлар ичида кичкинагина бўлган онасига қараб ҳайратланишган бўлса керак? Ҳамма, ҳатто онасидан ўн ёш катта

бўлган ака-опалари ҳам унинг оғзига қарашган. Айнан онаси, Дези, ўз йўлдошларига безгак билан касалланган Колюз ерларини Вентур тоғларининг соғлом ҳавосига алмаштиришни таклиф қилган; айнан онаси ҳиндулар учун даҳшатли шахс ҳисобланган кекса отасига қарши бош кўтариб, холаси Вилланинг ўз хоҳлаганига турмушга чиқиши учун бутун оиласига қарши курашган; айнан у, ўзининг бутун оиласи ва ҳамма бўйсунадиган одатларга қарши чиқиб, Лаура ўзининг иродаси сушт, жиноятчи эри билан ажралишини талаб қилган; бошқа томондан эса ўзаро тушунмовчиликлар ва инсон иродасизликлари туфайли оилалар бузилиб кетай деганда у, айнан у оилаларнинг сақланиб қолишига эришган.

Онаси чиндан ҳам, жангчи ва айни пайтда тинчлик ўрнатувчи ҳам эди! Саксоннинг кўз олдида ёдидан чиқиб кетган хотиралар жонланди. Бу хотиралар жонли тафсилотлар билан тўла эди, чунки қиз ҳатто ўзи кўрмаган нарсаларни ҳам тез-тез ўзича тасаввур қилиб, кўз олдида келтиришга ҳаракат қиларди. Бу тафсилотлар, албатта, қиз фантазиясининг маҳсули эди: ахир у ҳеч қачон на ёввойи ҳиндуларни, на ҳўкизни ва на чўлда юрадиган аравани кўрмаган. Нима бўлганда ҳам унинг кўз олдида бу ерга интилаётган англосаксларнинг галаси гавдаланар, улар материкни кесиб ўтиб шарқдан ғарбга томон кетишаётган бўлиб, улар минглаб туёқлар остидан кўтарилган, қуёш қиздирган чанг орасида ғимирлаб кўринишар ва яшапга иштиёқ билан ёнишарди. Улар Саксонга худди қиз ҳаётининг бир қисмидек бўлиб туюлишарди. Бу қадимги хотиралар ва чиндан ҳам бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақидаги ҳикояларни у тирик гувоҳлар оғзидан эшитган эди. Қизнинг кўз олдида араваларнинг узун

карвони аниқ гавдаланар эди: карвоннинг бошида ориқлаб кетган, куёшда қорайган эркаклар кетишяпти, йигитлар чарчаганидан йиқилиб тушаётган ва яна йиқилиш учун ўрнидан туришга ҳаракат қилиб ўкираётган хўкизларни олдинга қараб ҳайдашяпти. Ва бу тасвирларнинг барида Саксон онасининг образи — унинг эндигина саккиз ё тўққиз ёшларга чиққан бўйсунмас кичкинагина онасининг — сеҳргар ва ҳар бир нарсада ўз қарашларига эга бўлган онасининг (бунинг устига унинг ҳар бир қиладиган иши ва қарори доим тўғри бўларди) образи элас-элас кўринарди.

Саксон кичкинагина, юнглари қаттиқ, қарашлари вафодор скайтерьер — Панчни, кўп ойлар давомида саёҳатчилар билан бирга уларнинг кетидан юрган, ниҳоят чўлоқланиб қолгандан кейин ташлаб кетишгани Панчни кўз олдига келтирди; қиз яна бу миттидек Дэзининг Панчни аравага яшириб қўйганини; унинг кучдан қолган, ёввойилашиб кетган кекса отаси хўкизлар шундоқ ҳам ҳолдан тойган вақтда бу ортиқча юкни кўриб қолгани, сўнгра ғазабга минганча Панчнинг бўғзидан олганини ҳам кўргандек бўлди. Сўнгра яна Дэзи отасининг қўлидаги узун кўндоқли милтиқнинг оғзи билан кучукча ўртасида турганини ва кейинчалик қизчанинг қўлида касал кучукчани худди кичкина боладек кўтариб олганча аравалар ортидан кўтарилаётган чангда иссиқда, шўрхоқ ерда қоқилиб-суқилиб кетаётганини ҳам кўргандек бўлди.

Бироқ Саксоннинг кўзига энг аниқ кўринадиган нарса Литтл Мэдоу остоналаридаги жанг эди. Мана, Дэзи худди байрамга ясаниб олгандек белига тасма ўтказилган оппоқ қўйлак кийиб, сочларига лента тақиб, думалоқ тароқ қадаб олган, қўлида эса кичкина челак; мана қизча ярадорлар додлаб ётган ярим доира қилиб

тўсиб қўйилган пана жойдан чиқиб келиб қурооланган хиндуларни ҳайратда қолдириб, куёш қиздираётган гуллар ўсиб ётган майсазор орқали юз ярдлар наридаги ҳовузга сув учун бориб, орқага қайтиб келяпти...

Саксон испанча корсажни қизгинлик билан қаттиқ ўпди ва шоша-пиша ўраб, ҳали ҳам ёш тўла кўзлари билан энди севимли онаси ҳақида ҳам, ҳаётнинг ғалати-ғалати топишмоқлари ҳақида ҳам ўйламасликка қарор қилди.

Шундай бўлса-да, ўринда ёта туриб, у яна бола ёдида қолган унча кўп ҳам эмас, бироқ ўзи учун муҳим, онаси иштирок этган воқеаларни кўз олдига келтира бошлади. Қиз айнан шу ҳолда – онасининг сурати кўз олдига ҳолда уйқуга кетишни яхши кўрарди. Бироқ бу прериядаги Дэзи эмас, дагерротипдаги Дэзи ҳам эмас эди. У Дэзи Саксонгача яшаган Дэзи эди. У суратини кўз олдига келтириб уйқуга кетадиган Дэзи эса анча катта – уйқусизлик қийнаган, мардонавор, ранги кетган, фақат ирода кучи билангина ўзини тутиб турган, иродасининг кучи билангина ақлдан озиб қолмасликка қурби етаётган, бироқ иродаси билан уйқусизликни енголмаган – бирорта ҳам шифокор унинг бу касалини даволай олмаганди – нозикниҳол ва сокин инсон эди. У тимирскиланиб уйда у ёқдан бу ёққа юрар, узоқ давом этган азобли кунлар ва ойлар давомида доим жилмайиб турган лаблари оғриқдан қийшайиб, ўриндан креслога, сўнг яна ўринга ўтар экан, ҳеч қачон шикоят қилмасди. Унинг кулранг ақлли кўзлари – ҳали ҳам кулранг, ҳали ҳам ақлли – ич-ичига кириб кетган эди.

Бу кеча Саксоннинг уйқуга кетиши жуда қийин кечди; уйда тимирскиланиб юрган онаси гоҳ пайдо бўлар, гоҳ йўқолар, бунинг орасида кўз қарашлари

чиройли ва ғамгин Билл пайдо бўлиб, қизнинг кўзларини ачиштирарди; ниҳоят, кўзлари уйқуга тортар экан, у яна ўз-ўзига “Балки бу ўшадир?” деди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Кирхонада иш ўз навбати билан кетаётган бўлса-да, бироқ чоршанбагача бўлган бу уч кун Саксонга жуда узоқ бўлиб туюлди. У чакқонлик билан оҳорланган нозик кийимларга дазмол босар экан, паст овозда қандайдир кўшиқни куйларди.

– Қанақа қилиб шундай ишлай олишингни ҳеч ҳам тушунмайман, ўлай агар! – ҳайрон бўларди Мери. – Бунақада сен ҳафтанинг охиригача ўн уч, балки ўн тўрт доллар ҳам ишлаб оласан!

Саксон кулиб қўйди: дазмол остидан чиқаётган буғда унинг кўз олдида олтинранг ҳарфлар билан ёзилган “чоршанба” сўзи пайдо бўлгандек эди.

– Билл ҳақида сенинг фикринг қандай? – сўради Мери.

– У менга ёқяпти, – очикчасига бўйнига олди Саксон.

– Фақат кўзингга қара: берилиб кетмагин.

– Хохласам, бериламан ҳам, – гурур билан деди Саксон.

– Яхшиси, кераги йўқ, – дугонасини огоҳлантираётгандек деди Мери. – Фақат кўнгилсизлик орттириб оласан. У уйланмайди. Кўп қизлар бунга аллақачон амин бўлишган. Ахир қизлар ўзлари унинг бўйнига осилишади-ку.

– Мен на унинг, на бошқасининг бўйнига осилмоқчи эмасман...

– Мен сени огоҳлантириб қўйдим, холос, – деди Мери, – қолганини ўзинг ҳал қил.

Саксон ўйланиб қолди.

– Унинг ... йўқми? – киз сўз топа олмай, кўзлари билан сўради.

– Вой, йўқ. Гап бўлиши мумкин эмас! Аслида, унга нима халал беради, мен тушунмайман. Ҳамманинг ҳаваси келадиган йигитлиги бор гап. Шунчаки у аёлларнинг кетидан югурадиганлардан эмас. Рақс тушади, сайр қилади, хурсандчилик қилади, бироқ ундан нарига ўтмайди! Кўп қизлар уни деб ақлдан озишади. Бахс бойлашаман – ҳозир ҳам камида ўнтача киз уни севади. У эса ҳаммасини рад этган. Жуда бўлмаганда Лили Сэндерсонни олсак. Сен уни танийсан – ўтган йили ёзда Шеллмаундда бўлган сайлда кўрган эдинг – баланд бўйли, келишган малласоч киз, кун бўйи Бэтч Виллоу билан юрган эди.

– Ҳа, эсимда, хўш, ўша кизга нима бўлибди?

– Ўша киз Бэтч билан дўстлашиб юарди, ҳаммаси жойида эди, Билл қизнинг яхши рақс тушишини билиб қолиб, у билан кечаларда рақс туша бошлади. Бироқ Бэтчнинг қизиққонлигини биласан-ку. У Биллнинг олдига келиб, ҳамманинг олдида танбеҳ бериб, огоҳлантирган. Билл эса унинг гапларини жимгина, уйқусираётгандек тингларкан, Бэтч борган сари авжига чиқаверган – ҳамма ана ҳозир жанжал бўлади, мана ҳозир жанжал бўлади, деб кутган. Билл эса “Бўлдими?” деб сўраган. – “Ҳа, – дебди Бэтч. – Мен-ку, ҳамма нарсани айтдим. Сен энди нима дейсан?” Саксон, сен нима деб ўйлайсан, Бэтчнинг кўзлари қонгалашиб кетган, ҳамма Биллга қараб турганда у нима деб жавоб берган экан? “Ҳеч нима”, – дебди Билл... Бэтч қанчалик ажабланганини тасаввур ҳам қила олмайсан. “У билан энди ҳеч ҳам рақс тушмайсанми?” сўрабди

Бэтч. “Сен йўқ дейдиган бўлсанг, албатта йўқ”, деб жавоб берибди Билл. Худди шундай дебди!

Саксон, сен тушунаяпсанми, агар бошқа бирортаси Бэтчдан кўрққанда, албатта, ҳамма ундан нафратланган бўларди, Биллга эса ҳамма нарса мумкин. У боксёр сифатида шуҳрат қозонган, агар у бировга йўл бериб, четга чиққан бўлса, ҳеч ким унинг тўғрисида кўрқиб кетганидан қочди, деб ўйламайди. Шунчаки, Лили Сэндерсон уни қизиқтирмасди. Шундан сўнг ҳаммага қизнинг ўзи унга мушукдек суйкалгани маълум бўлиб қолди.

Мерининг ҳикояси Саксонни қаттиқ хавотирга солиб қўйди. Тўғри, унинг ўзича ғурури бор эди, бироқ йигитларнинг кўнглини олиш масаласида унинг жуда ҳам ўзига ишончи йўқ эди. Билл у билан маза қилиб рақс тушди, балки шу билан ҳаммаси тугагандир? Агар Чарли Лонг йигитга жанжал қиладиган бўлса, Билл Лили Сэндерсондан кечгандек, Саксондан ҳам воз кечса-чи? Уни ҳали бери уйланмоқчи эмас, дейишяпти, — Саксон йигитнинг куёвликка ҳавас қилгудеклигини жуда яхши тушуниб турарди. Қизлар унинг кетидан югуриб юришлари бежиз эмас. У эркакларни ҳам аёллар каби осонлик билан бўйсундиради. Эркаклар уни яхши кўришади. Берт Уонхоп ҳам уни жуда ёқтиради. Қиз ресторанда овқатланишаётганда уларнинг столи олдига келиб узр сўраган қассоб йигитни, тикилинчда олдида ким турганини тушунган заҳотиёқ муштлашиш фикридан қайтган ирландиялик йигитни эслади.

“Афтидан, тоза эркатой йигит бўлса керак”, деган фикр бир неча марта Саксоннинг хаёлидан ўтар экан, у дарров бу фикрни ўзидан нари итаришга ҳаракат қиларди. Йигит жуда юмшоқтабиат ва назокатли эди. Жуда кучли эканлигига қарамай, у ҳеч кимга тегишмас

ва хафа қилмасди. Саксон Лили Сэндерсон ҳақидаги гапларни эсидан чиқара олмай, қайта-қайта шу ҳақида ўйларди. Демак, йигит қизга нисбатан бефарқ бўлган ва шунинг учун Бэтч ва унинг ўртасига тушмай, дарров ўзини нари олган. Берт эса, масалан, алам қилганидан дарров муштлашган ва ўзига душман орттириб олган бўларди. Лили бундан ҳеч нарса ютмасди. Билл эса, ақл билан иш тутиб, қатъият билан ҳаракат қилган ва бу билан ҳеч кимни хафа ҳам қилиб қўймаган. Барча шу гаплар сабаб Билл қизга борган сари азизроқ ва аини пайтда қўл етмас бир орзуга айланиб бораётган эди.

Шулар натижасида у анча иккиланиб бўлса-да, яна бир жуфт ипак пайпоқ сотиб олди, чоршанбага ўтар кечаси эса туни билан, Саранинг қиз ўйламай газни кетказаётгани учун минғирлашлари остида янги блузка тикиб чиқди.

Саксон чоршанба куни кечқурунги балдан ўзи кутганчалик қониқиш ҳосил қила олмади. Қизлар уялмай-нетмай Биллга суйкалишар, йигитнинг уларга нисбатан илтифотли муомаласи эса Саксоннинг жон-понини чиқараётганди. Қизлар Биллдан улар билан бирга ракс тушишни ялингудек бўлиб сўрашар ва уларнинг бу ёпишқоқликлари Саксоннинг кўз олдидан кетмаётганди. Саксон ўзи ҳеч қачон йигитнинг бўйнига осилиб олмасликка аҳд қилди. Шунинг учун у рақслардан бирини бошқа йигит билан ўйнади ва тезда ўзининг тутган йўли тўғри эканлигини тушунди. Агар йигит ўзи билмаган ҳолда бошқа қизлар олдида обрў орттирган бўлса, Саксон ўзи ҳам бошқа йигитларга ёқишини унга англатиб қўйган эди.

Бу иши натижасида у тақдирланди: Билл қизнинг рад жавобига эътибор ҳам қилмай, ундан ваъда

килинган иккита рақсни бирга тушишни талаб қилди. Консерва заводида ишлайдиган иккита қизнинг ўзи тасодифан эшитиб қолган гапларидан хурсанд бўлиб кетди ва айни пайтда, гаши ҳам келди. “Бу жилпанг-лаган қиз уни ўзига қаратиб олаётганини кўриш алам қиляпти!” деди улардан бири. Иккинчиси эса “Инсоф юзасидан ҳали оғзидан она сути кетмаган йигитчаларнинг эмас, ўзи тенги йигитнинг кетидан югурса бўларди. Ахир бу ёш болани йўлдан уриш-ку!” деб жавоб берди. Айтилган охириги сўзлар қизнинг юрагига тигдек санчилди, қизлар эса уларнинг гапларини эшитиб қолишгандан хабарлари ҳам бўлмай, жўнаб қолишди

Билл қизни яна кўча эшиги олдиғача кузатиб бориб, унинг йигит билан жума куни “Германия” залида бирга рақс тушиш учун розилигини олгач, ўпиб кўйди.

– Очиғи, мен у ерга бормоқчи эмасдим, – деди у, – бироқ, агар сиз рози бўлсангиз... Берт ҳам ўша ерда бўлади.

Эртаси куни, дазмол тахтасининг олдида ишлашар экан, Мери дугонасига жума куни улар Берт билан зиёфатга боришмоқчи эканликларини айтди.

– Сен ҳам борасанми?

Саксон бошини силкиди.

– Билл Робертс биланми?

Қиз яна бош силкиди. Мери дазмолини кўлидан кўймай туриб, дугонасининг юзига қизиқиб тикилди:

– Агар у ерга Чарли Лонг ҳам келиб қолса-чи?

Саксон елкасини учирди.

Чорак соатча қизлар индамай, тез-тез ишлашди.

– Нима бўлибди, агар у бурнини тикадиган бўлса, бурнидан калтак ейди-да, – деди ниҳоят Мери. – Мен

эса шуни жуда ҳам кўргим келяпти! Ҳамма гап Билли сенга қандай муносабатда эканлигида, яъни...

– Мен Лили Сэндерсон эмасман, – жаҳл билан эътироз қилди Саксон, – ва кўпчиликнинг ичида менинг жавобимни бериб юбориш учун Биллида ҳам ҳеч қачон асос бўлмайти.

– Агар Чарли Лонг аралашса, албатта бўлади. Саксон, менга ишонавер, ахир у жуда ифлос одам. Бечора Мудини қанақа қилгани эсингдами? Чалажон бўлгунча урган эди!.. Мистер Муди нима бўлибди? Пашшага ҳам озор бермайдиган юмшоққина одам... Билл Робертс эса бундай қилишларига жимгина қараб турмайди!

Ўша куни кечкуруннинг ўзида Саксон кирхонанинг эшиги тагида уни кутиб турган Чарли Лонгни кўрди. Йигит саломлашиш учун яқин келиб, қиз билан ёнма-ён кета бошлаганда, қиз ҳар сафар уни кўрганда бўладигандек, юраги тўхтаб қолаётганини сизди. У кўркувдан оппоқ оқариб кетган эди. Саксон бу баланд бўйли, букадек кучли кўпол йигитдан кўрқарди, унинг оғир кўз қарашларидан, худди темирчиларники каби панжалари юнгли катта қўлларидан сесканарди. Йигитнинг кўриниши жуда ёқимсиз бўлиб, у қизни маънан ҳам ўзига тортмасди. Бироқ қиз унинг ёнида ўзини ҳақоратлангандек ҳис қилишининг сабаби йигитнинг кучи эмас, балки бу кучнинг табиати ва у бу кучини нималарга ишлатиши эди. Қиз кейинчалик анча вақтгача мўмингина Мудининг калтакланганини унута олмаганди; Чарлини кўриши билан у доим шу ҳодисани эслаб, ичига титроқ турарди.

Ахир яқингинада Саксон Визел-паркда Биллнинг ҳам уришганини кўрди, бироқ бу бутунлай бошқача эди. Айнан нима бошқачалигини қиз айтиб бера

олмасди, бироқ Билл билан Лонгнинг ўртасидаги фарқни ҳис қилиб турарди: Лонгнинг қўллари ҳам, қалби ҳам ҳайвондек кўпол эди.

– Бугун рангингиз кетгандек, жуда чарчаган кўриняпсиз, – саломлашаётиб, деди йигит. – Нега шу ишни ташлагингиз келмайди? Ахир бир куни келиб бу ердан кетишингизга тўғри келади-ку! Мендан кутула олмайсиз, кичкинтой!

– Агар шундай бўладиган бўлса, жуда афсусдаман, – эътироз билдирди қиз.

Йигит манманлик билан кулиб юборди.

– Йўқ, Саксон, ўзингизни уринтирмай кўя қолинг. Сиз менга хотин бўлиш учун яралгансиз. Ва бўласиз ҳам.

– Мен ҳам сиз каби ўзимга ишончим қатъий бўлишини хоҳлардим, – истехзо билан деди қиз, бироқ йигит унинг оҳангидаги пичингни сезмади ҳам.

– Мен сизга қайтариб айтаманки, бир нарсага аниқ ишонаверинг: мен доим ўз гапимнинг устидан чиқаман, – ўзининг гапи ўзига наша қилиб, йигит хахолаб кулди. – Мен бирор нарсани хоҳласам, унга албатта эришаман! Яхшиси менинг йўлимга тўғанок бўлманглар, акс ҳолда соғ қўймайман. Тушунарлими? Биз иккаламиз бир-биримизга мосмиз – гап тамом! Шунинг учун пайсалга солмай кирхонани ташлаб, менинг уйимга кўчиб ўтаверинг. Ҳеч қандай иш ҳам йўқ! Меникида қандай иш бўлиши мумкин? Мен етарлича пул топаман, ҳамма нарсангиз бўлади. Мен ҳозир ҳам ишдан қочиб, шу гапларни яна бир марта ёдингизга солиб қўйиш учун бу ерга келдим, акс ҳолда, сиз буни унутиб қўяпсиз. Мен бугун ҳали овқатланганим ҳам йўқ – кўрдингизми, кеча-кундуз хаёлимда фақат сиз!

– Йўк, яхшиси сиз бориб овқатланиб олинг, – ўз тажрибасидан йигитдан кутулиш осон эмаслигини билса-да, маслаҳат берди қиз.

Саксон йигитнинг гапларини зўрға эшитаётган эди. У бирдан бу пахлавон олдида ўзини жуда кичкина, кучсиз ва чарчаб кетгандек ҳис қилди. “Наҳотки у ҳеч қачон мени тинч қўймаса?” – алам билан ўйлади у ва бир дақиқага кўз олдига ўзининг келажаги – гўё ўзининг мана шу йигит билан узун йўлдан биргаликда кетаётгани келди.

– Хўш, қани, миттивой, ҳал қилинг, – гапида давом этди йигит. – Ҳозир ёз фасли – тўй қилишнинг айни вақти.

– Бироқ мен сизга турмушга чиқмоқчи эмасман! – алам билан эътироз билдирди Саксон. – Бу ҳақда мен сизга минг марта айтдим!

– Қўйсангизчи! Бу гапларни миянгиздан чиқариб ташланг! Сиз менга албатта турмушга чиқасиз! Бу ҳал қилиб бўлинган. Яна бир гап: жума куни иккаламиз Фрискога жўнаб кетамиз: у ерда темирчилар катта зиёфат беришяпти.

– Йўк, мен бормайман, – қатъий қилиб деди Саксон.

– Борасиз! – мурасасиз оҳангда деди йигит. – Охирги кема билан қайтиб келамиз, у ерда маза қилиб ўйнаб келасиз. Сизни энг зўр раққослар билан таништириб қўяман... Ахир мен хасис эмасман-ку. Сиз рақсга тушишни яхши кўришингизни биламан.

– Бироқ мен сизга у ерга бора олмаслигимни айтяпман, – қайтарди қиз.

Йигит ўртасидан туташиб кетган ўсиқ қора қошлари остидан қизга шубҳа билан қараб қўйди.

– Нега бора олмайсиз?

– Мен ваъда бериб қўйганман...

– Кимга-ваъда бериб қўйгансиз?

– Чарли Лонг, сизга нима? Ваъда берганман, бўлди, тамом вассалом...

– Менинг ишим эмас? Йўқ, агар истасам, меники бўлади! Анави хушторингиз, ҳисобчи йигит эсингиздами? У билан нима бўлганини эсингиздан чиқармасликни маслаҳат бераман!

– Илтимос, мени тинч қўйинг! – аразлаган кўйи деди киз. – Ҳеч бўлмаса шу сафар эзманг!

Темирчи истехзо билан кулди.

– Агар бирорта мишиқи иккаламизнинг ўртамизга сукилмоқчи бўлса... мен унинг миясининг қатигини чиқариб қўяман... Демак, жума куни кечкурун, а? Шундайми? Қаерда?

– Айтмайман.

– Қаерда? – Саволини қайтарди йигит.

Қизнинг лаблари қаттиқ қимтилган бўлиб, жабдан юзлари кизариб кетган эди.

– Буни қаранг-а! Худди мен топа олмайдигандек! Албатта “Германия” залида! Майли, мен ўша ерда бўлиб, сўнгра сизларни уйгача кузатиб қўяман? Тушундингизми? Ва агар соғ-омон кетишини истасангиз, яхшиси анави мишиқингизни огоҳлантириб қўйинг.

Юрагига яқин бўлиб қолган йигитнинг шундай ҳақоратлар билан таҳқирланиши аёллик ғурурига теккан Саксон йигитнинг юзига ўзининг янги ҳимоячисининг кимлиги ва унинг ғалабалари ҳақида айтиб ташлагиси келди. Бироқ шу заҳоти кўркиб кетди: ахир Чарли – кап-катта эркак, у билан солиштирганда эса Билл – ёш бола. Ҳар ҳолда кизга шундай туюлаётган эди. У Биллнинг қўллари ҳақидаги ўзининг биринчи таассуротини эслади ва олдидаги йигитнинг қўлларига қаради. Бу қўллар кизга икки баробар каттадек туюлиб,

ундаги ўсиқ юнглир эса бу қўлларнинг нақадар кучли-лигидан дарак бераётгандек эди. Йўк, Билл бу баҳайбат ҳайвон билан муштлаша олмайди! Шу билан бирга қизда умид ҳам уйғонди: балки тилларда дoston боксчилар ажойиб жанг санъатига эга бўлишади, деган гаплар рост бўлса, Билл бу йигитнинг адабини бериб қўйиб, қизни унинг хираликларидан қутқара олар? Бироқ қиз яна бир бор темирчининг баҳайбат гавдасига қараб, иккиланиб қолди.

– Агар сиз менинг дўстларимдан бирортасига яна бармоғингизнинг учини теккизсангиз... – гап бошлади қиз.

– Албатта, унга ёмон бўлади, – оғзининг таноби қочиб, деди темирчи. – Ва тўғри бўлади. Йигит билан унинг қизининг ўртасига тушадиган ҳамманинг адабини бериш керак.

– Мен сизнинг қизингиз эмасман ва нима десангиз ҳам, ҳеч қачон бундай бўлмайди.

– Майли, жаҳлингиз чиқаверсин, – деди йигит. – Сизнинг бундай қизикқонлигингиз менга ёқади. Хотин дегани олов бўлиши керак, акс ҳолда бу семириб кетган сигирлардан нима наф! Сиз ҳар ҳолда оловсиз, заҳар!

Қиз уйининг олдида тўхтаб, эшик тутқичини ушлади.

– Яхши қолинг, – деди у. – Мен энди кетишим керак.

– Кечроқ чиқинг, Андор паркида айланамиз, – таклиф қилди йигит.

– Йўк, менинг мазам бўлмапти, Овқатланиб бўлиб, ётаман.

– Тушунарли, – киноя билан кулиб, деди йигит. – Демак, эртанги кунга куч йиғяпсиз? Шундайми?

Қиз сабрсизлик билан эшикни итариб, ичкарига кирди.

– Мен сизни огоҳлантириб қўйдим, – гапида давом этди йигит. – Агар эртага менинг кўзимни шамғалат қиладиган бўлсангиз, кимгадир жуда ёмон бўлади.

– Умид қиламанки, сизга ёмон бўлади! – дарров жавоб берди қиз.

Йигит хахолаб кулди, бошини орқага ташлаб, метиндек кўкрагини олдинга чиқариб, оғир қўлларини кўтарди. Шу пайтда у Саксоннинг кўзига қиз қачонлардир циркда кўрган каттакон маймунга ўхшаб кетди.

– Майли, хайр! – қизнинг ортидан кичкирди йигит. – Эртага кечкурун “Германия”да кўришамиз.

– Мен сизга айнан ўша ерда бўлишимни айтганим йўқ.

– Рад ҳам қилмадингиз. Мен барибир келаман. Ва сизни уйингизгача кузатиб қўяман. Менга қаранг: менга кўпроқ вальс қолдиринг, а! Истаганингизча ўйнаб-кулинг – бу сизга ярашади!

САККИЗИНЧИ БОБ

Вальс тугаб, мусиқа овози тинганда Билл ва Саксон ракс залига олиб кирадиган асосий кириш жойида туришарди. Қизнинг қўллари билинар-билинимас йигитнинг қўлларига тегиб турар, улар ўтириш мумкин бўлган жой қидириб юришганди. Уларнинг шундай олдиларида, афтидан эндигина келган шекилли, Чарли Лонг пайдо бўлди.

– Қизларни тортиб оладиган бу сенми ҳали? – даҳшат билан сўради йигит. Унинг юзи чексиз аламдан қийшайиб кетган эди.

– Ким? Менми? – хотиржамлик билан сўради Билл. – Янглишяпсиз, мен ҳеч қачон бундай қилмайман.

– Сен ҳозирнинг ўзидаёқ жўнаб қолмасанг, каллангни оламан!

– Қадлам билан хайрлашишни асло истамайман. Майли, Саксон, кетдик бу ердан. Бу ер бизларга мос жой эмас.

Йиғит қиз билан нари кетишмоқчи бўлганда Лонг уларнинг йўлини тўсди.

– Сен жуда ҳаддингдан ошиб кетибсан, йиғит, – хириллаб деди Лонг. – Сени ўқитиб қўйиш керак экан! Тушундингми?

Билл бошини қашиб, юзида хайронлик ифодаси билан Лонгга қаради.

– Йўқ, тушунмадим, – деди у. – Нима дедингиз, яна қайтариб юборинг?

Бироқ баҳайбат темирчи нафрат билан ундан юзини ўгириб, Саксонга деди:

– Бу ёққа келинг-чи. Менга карточкангизни беринг.

– Сиз у билан рақс тушишни истайсизми? – қиздан сўради Билл.

Қиз бошини чайқади.

– Жуда афсусдаман, дўстим, нима ҳам қиламиз, – Билл яна нарига кетишга ҳаракат қилди.

Бироқ темирчи учинчи марта яна унинг устига бостириб келди.

– Бу ердан кета қолинглар, – деди Билл, – мен сизларни ушлаб турганим йўқ.

Лонг ўзини унинг устига отай деди; унинг қўллари мушт бўлиб тутилган эди. У мушт тушириш учун бир қўлини орқага қилиб, елка ва кўкракларини тўғрилади. Бироқ Биллнинг хотиржамлиги ва кўзларида ҳеч қандай кўрқув ифодаси йўқлигини кўриб, беихтиёр тўхтаб қолди. Биллнинг юзида бирорта чизик, танасида бирор мушаги қимирламаётган эди. Афтидан, уни

калтаклашмоқчи эканлигига унинг ақли етмаётгандек эди гўё. Булар ҳаммаси темирчи учун янгилик эди.

– Сен менинг кимлигимни билмайсан, шекилли? – шахд билан сўради Лонг.

– Жуда яхши биламан, – боягидек хотиржамлик билан давом этди Билл. – Сен шу атрофдаги энг таниқли муттаҳамсан (Лонгнинг юзида ўзидан қониқиш ифодаси пайдо бўлди). Ёш болаларни калтаклаш бўйича мутахассис. Полиция газетаси сенга олмос жетон бериши керак эди. Ҳеч кимдан кўркмаслигинг юзингдан кўриниб турибди.

– Чарли, кўйсангчи, – атрофларини ўраб турган йигитлардан бири деди. – Ахир бу Билл Робертс-ку, боксер. Биласан-ку... Катта Билл...

– Менга деса Жим Жеффис бўлмайдими! Мен ҳеч кимга йўлимга тўғаноқ бўлишига йўл қўймайман!

Бироқ ҳатто Саксон ҳам йигитнинг шиддати сўниб қолганини сизди. Афтидан, Биллнинг исмининг ўзиёқ энг катта жанжалкашларга ҳам тинчлантирувчи таъсир қилади шекилли.

– Сиз у билан танишмисиз? – қизга мурожаат қилди Билл.

Қиз бор овози билан ўзини таъқиб қилиб юрадиган бу йигитнинг барча хунарлари ҳақида бақириб айтиб бергиси келаётган бўлса ҳам, фақат кўз қараши билангина жавоб берди. Билл темирчига ўтирилди:

– Дўстим, эҳтиёт бўл, мен билан жанжаллашишнинг кераги йўқ. Баттароқ бўлади. Сирасини айтганда, нимани деб? Бундай ишларда қиз бола ҳал қилади, биз эмас.

– Йўқ, у эмас, биз ҳал қиламиз.

Билл аста бошини чайқади.

– Йўқ, нотўғри гапиряпсан. У ҳал қилади.

– Хўш, айтинг унда! – Саксонга қараб гижинди Лонг. – Ким билан кетасиз? У биланми ёки мен биланми? Келинг, шуни ҳозироқ ҳал қилайлик!

Саксон жавоб ўрнига иккинчи қўлини ҳам Биллнинг қўлига қўйди.

– Мана, айтди, – деб қўйди Билл.

Лонг алам билан Саксонга, кейин унинг химоячисига қараб қўйди.

– Мен барибир бир куни сен билан ҳисоблашаман.

Саксон ва Билл нари кетишар экан, кизни қувонч чулғаб олганди: йўқ, унинг тақдирини Лили Сэндерсоннинг тақдирига ўхшамади; бу хотиржам, шошилмайдиган эркак-бола қўлини ҳам теккизмай, дўк ҳам қилмай бу даҳшатли темирчини бўйсундирди.

– У менга ҳеч йўл бермайди, – Биллга шивирлади у. – Қачон қарама орқамдан юради ва олдимга ким яқинлашмоқчи бўлса, ўшанинг адабини беради. Мен ортиқ уни кўришни хоҳламайман! Ҳеч қачон!

Билл бирдан юришдан тўхтади. Уларнинг олдиларидан истамайгина узоклашаётган Чарли ҳам тўхтади.

– У ортиқ сени кўришни истамаяпти, – унга қараб деди Билл. – Унинг сўзи эса муқаддас. Агар сен яна унинг ғашига тегаётганингни эшитсам, у ҳолда мен сен билан чинакамига гаплашиб қўяман. Тушундингми?

Лонг Биллга нафрат билан қараб, индамади.

– Тушундингми? – яна ҳам қатъийроқ оҳангда сўради Билл.

Темирчи тасдиқ маъносида нималардир деб тўнғиллади.

– Унда ҳаммаси жойида. Менга қара – бу гапларимни қулоғингга қуйиб ол! Қани энди жўна бу ердан, акс ҳолда дабдалангни чиқараман.

Лонг нималардир деб сўкинганча, кўздан йўқолди, Саксон эса худди туш кўраётгандек эди. Демак, Чарли Лонг нари кетди. У бу кўзлари кўк, териси нозик ёш боладан кўрқиб кетди! Билл қизни бу хирадан озод қилди; у шу пайтгача ҳеч ким қила олмаган нарсани қилди. Ва... ва у Саксонга Лили Сэндерсондан бутунлай бошқача муносабатда бўлди!

Саксон ўз ҳимоячисига ўзининг Лонг билан танишлигининг тарихини икки марта айтиб беришга бошлар экан, йигит ҳар сафар уни тўхтатиб қолди.

– Ҳадеб эслайверишни бас қилинг! Ҳаммаси арзимаган гаплар, – иккинчи сафар деди у. – Асосийси – сиз шу ердасиз.

Бироқ Саксон ўз гапида туриб олиб, ҳаяжонланганча ҳикоясини тугатганда, йигит унинг қўлларини эркалатиб силаб қўйди.

– Арзимаган гаплар, Саксон. У шунчаки безбет. Мен унга кўзим тушиши билан қандай одам эканлигини тушундим. У сизга ортиқ қўлини ҳам теккизмайди. Мен бундайларни жуда яхши биламан: улар кўрқоқ итлардир. Урушқоқми? Ҳа, кичкина болаларга нисбатан довжорак, юзтасини ҳам думалатиши мумкин.

– Бироқ сиз буни қандай уддалайсиз? – сўради қиз ҳайрат билан. – Нега ҳамма эркаклар сиздан кўрқишади? Йўқ, чиндан ҳам сиз жуда ажойиб экансиз.

Йигит хижолатлик билан жилмайиб, гап мавзусини ўзгартирди.

– Биласизми, – деди у, – менга сизнинг тишларингиз жуда ёқади. Улар шунақанги оппоқ, бир текис, бироқ кичкина болаларникидек жуда ҳам майда эмас. Ва... ва улар сизга жуда ярашади. Мен шу пайтгача ҳеч қайси қизда бундай тишларни кўрмаган эдим. Чин сўзим, мен

тишларингизга хотиржам қараб тура олмайман! Еб қўйгим келяпти.

Ярим кечада, тинмай ракс тушаётган Берт ва Мериани қолдириб, Билл ва Саксон уйга жўнашди. Вақтли кетишни айнан Билл таклиф қилгани учун, йўлда бунинг сабабини тушунтириб кетишни жоиз топди.

– Бокс менга жуда муҳим бир нарсани тушунишга мажбур қилган, – деди у. – Одам ўзини эҳтиёт қилиши керак. Бугун кун бўйи ишлаб, кейин кечаси билан ракс тушиб, ҳар доим бир хил бўлиб юриш мумкин эмас. Ичкилик билан ҳам шундай. Мен ҳам фаришта эмасман. Мен ҳам тўйиб ичганман, бу нималигини жуда яхши биламан. Ҳозир ҳам пивони яхши кўраман, ҳўплаб-ҳўплаб эмас, катта кружкада ичишни истайман. Бироқ мен ҳеч қачон қанча хоҳласам, ўшанча ичмайман. Ичиб кўрганман, бироқ шарт эмаслигига амин бўлганман. Масалан, мана шу бугунги сизга йўл бермаган муттаҳамни олайлик. Мен бемалол унинг таъзирини бериб қўйишим мумкин эди. У шундок ҳам тўполоңчи, бунинг устига пиво ичиб олган эди. Мен буни битта қарашда тушундим, шунинг учун уни бемалол калтаклай олишим мумкин эди. Ҳамма нарса одамнинг қандай аҳволдалигига боғлиқ.

– Бироқ у шунақанги катта! – эътироз қилди қиз. – Муштуми ҳам сизникидан икки барабар катта.

– Бунинг аҳамияти йўқ. Муштум эмас, муштумнинг орқасида нима борлиги муҳим. У менга ҳайвондек ташланиши мумкин эди. Агар мен уни дарров тинчитишга эриша олмасам, у ҳолда ўзимни ҳимоя қилиб, пайт пойлаган бўлар эдим. Кейин у бирдан ҳолдан тойиб қоларди, юрагим, нафаси – ҳаммаси. Ана ундан кейин мен нима хоҳласам қилардим. Асосийси – буни ўзи ҳам яхши тушунади.

– Мен ҳали ҳеч қачон боксёр йигитлар билан учрашмаган эдим, – бир оз жим туриб, деди қиз.

– Ахир мен ортиқ боксёр эмасман, – шоша-пиша эътироз билдирди Билл. – Бокс мени яна бир нарсага ўргатган: яъни бу нарсани ташлаш кераклигини. Ярамайди. Одам шу даражагача шугулланадики – соппа-соғ, териси ипақдек майин – бир сўз билан айтганда юз йил яшаши мумкин ва бирдан – канат тагидан ўтади ва ўзига ўхшаган йигит билан қандайдир йигирма раунд курашдан сўнг унинг ҳамма майинлиги – тамом ва яна бир йиллик соғлиғини йўқотади! Бир йил нима, баъзан беш йил, баъзан ярим ҳаёти... хатто шундай бўладики, бутунлай ётган жойида қолади. Мен бундайларнинг кўпини кўрганман. Кўп боксчиларни учратганман. Баъзилари ҳўкиздек соғлом, бир йил ўтмай, кўрибсизки, силданми, буйрак касалими ёки бошқа бирор касалликдан вафот этишади. Бунинг нимаси яхши? У йўқотган нарсасини ҳеч қандай пулга сотиб ола олмайди. Мен ана шунинг учун ҳам бу ишни ташлаб, яна аравакаш бўлиб олдим. Соғлигимдан шикоят қилмайман ва шундай қолмоқчиман. Мана, бор гап шу.

– Сиз ўзингизнинг одамлар устидан ҳукмронлигингиздан фахрлансангиз керак-а? – аста сўради Саксон, ўзи ҳам йигитнинг куччилигидан фахрланаётганини ҳис қилиб.

– Балки, – очиғини бўйнига олди йигит. – Мен бир пайтлар рингга чиққанимдан хурсанд эдим, ҳозир эса рингдан кетганимдан хурсандман... Ҳа, мен чиндан ҳам у ерда кўп нарсага ўргандим: эҳтиёт бўлишни ва ўзимни қўлга ола билишни ўргандим. Олдин менинг табиатим қанақа эдики! Қизиққон эдим! Баъзан ўзим ҳам кўрқиб кетардим. Сал нарсага тутакиб кетардим.

Бокс эса мени дарров қизишиб кетмасликка ва кейин афсусланиб юрадиган нарсаларни қилмасликка ўргатди.

– Етар! – йигитнинг гапани бўлди киз. – Мен бундай юмшоқтабиатли, майин одамни ҳали учратмаганман.

– Сиз бунга ишонманг. Мени яқиндан билганингиздан кейин, қанақалигимни кўрасиз. Баъзан шунақанги қизишиб кетаманки, кейин ҳеч нарсани эслай олмайман. Йўқ, агар менинг бошвоғимни кўйиб юборгудек бўлса, мен ўлгудек бебошман!

Бу гапи билан йигит гўёки қиз билан танишликни давом эттириш истагини билдиргандек бўлди ва Саксоннинг эти жимирлаб кетди.

– Менга қаранг, – қизнинг уйига яқинлашганларида сўради йигит, – келаси якшанба куни нима қиласиз? Бирорта режангиз борми?

– Йўқ, ҳеч қандай режам йўқ.

– У ҳолда... Истайсизми, экипаж олиб бутун кунга тоққа чиқамиз?

Қиз дарров жавоб бермади – унинг ёдига охири марта темирчи билан саёҳатга борганидаги даҳшатли хотиралар: ундан қандай кўркқанлари, охири бориб экипаждан тушиб, қоронғида қоқилиб-суқилганча енгил оёқ кийимида оёқлари тошларга урилиб кўп мил югурганлари ёдига тушди. Шундан сўнг қиз қувониб кетди: ахир энди унинг шериги Лонгга умуман ўхшамайдиган бутунлай бошқа одам.

– Мен отларни жуда яхши кўраман, – деди у. – Ҳатто рақс тушишдан ҳам кўпроқ яхши кўраман, фақат улар ҳақида деярли ҳеч нарса билмайман. Менинг отам катта холдор кавелерия отида юарди: ахир у кавалерия полкининг капитани бўлган-ку. Мен отамни ҳеч қачон кўрмаганман, бироқ уни доим баланд отда қилич

ва португея тақиб олган ҳолда тасаввур қиламан. Ҳозир бу қилич акам Жоржда, бироқ иккинчи акам, Том, айтадики, қилич меники экан, чунки биз ҳар хил отадан эканмиз. Ахир улар менга ўтай-ку. Онамнинг иккинчи турмушидан фақат мен туғилган эканман. Бу унинг ҳақиқий турмуши бўлган экан... айтмоқчиманки, севиб-севилиб оила қурган турмуши экан.

Саксон бирдан кўп гапириб юборганидан уялиб, жим бўлиб қолди, бироқ у бу йигитга ўзи ҳақида кўп нарсаларни айтиб бергиси келаётганди – чунки бу хотиралар унинг борлиғи эди.

– Давом этаверинг! Гапириб беринг! – талаб қилди Билл. – Мен ўтмиш ва ўша пайтдаги одамлар ҳақида тинглашни яхши кўраман. Менинг ота-онам ҳам ахир бу нарсаларни ҳис қилишган, бироқ менга шундай туюладики, ўша пайтларда ҳозиргига нисбатан яхшироқ яшашган бўлса керак. Ҳамма нарса оддий ва табиий бўлган. Буни қандай тушунтиришни билолмаяпман... Хуллас, мен ҳозирги ҳаётни – бу касаба союзлар, кампаниялар, иш ташлашлар, кризислар, ишсизлик ва бошқа нарсаларни тушунмайман; ўтмишда бу нарсаларни билишмаган. Ҳамма ўз ерида яшаган, овчилик билан шуғулланишган, ўзига етарли озиқ-овқат топишган, қариялар тўғрисида ғамхўрлик қилишган ва бори ҳаммага етган. Ҳозир эса ҳамма нарса оёғи осмондан бўлиб кетган, ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. Балки, мен тентақдирман – билмадим. Сиз гапингизда давом этаверинг, менга онангиз ҳақида гапириб беринг.

– Биласизми, капитан Браун билан бир-бирларини севиб қолишганда онам жуда ҳам ёш бўлган экан. Капитан ўша пайтда, урушдан олдин, ҳарбий бўлган экан. Уруш бошланганда уни Шарқий штатларга

юборишади, онам эса касал опаси Лорага қараш учун кетади. Кейин капитаннинг Шайлоуда вафот этгани ҳақида хабар келгандан сўнг, онам анча йиллардан бери уни севиб келган одамга турмушга чиқади. У онам бўлган тўдада бўлиб, у билан бирга прерияни кесиб ўтган. Онам у эрини ҳурмат қилган, бироқ севамаган экан. Кейин маълум бўлишича, отам тирик экан. Онам ғамга ботган, бироқ ҳаёти заҳарланишига йўл қўймаган. У яхши она ва яхши хотин бўлган, маъсума, юмшоқ, бироқ доим ғамгин эди, овози эса, менинг назаримда, дунёдаги энг ажойиб овоз эди.

– Демак, ўзини жуда яхши тута билган, – деди Билл.

– Отам эса уйланмаган экан. У доим онамни севишда давом этган. Менда онамнинг унга атаб ёзган шеъри бор, жуда чиройли, худди мусиқага ўхшайди. Фақат кўп йиллар ўтибгина, онам эрининг вафотидан сўнг, отам билан турмуш қуришган. Бу бир минг саккиз юз саксон иккинчи йилда бўлиб, онам у билан жуда бахтли яшаган.

Уй эшигининг олдида туриб ҳам Саксон йигитга кўп нарсаларни айтиб берди ва кейинчалик унга шундай туюлдики, бу сафар йигитнинг ўпичи одатдагидан узоқроқ давом этгандек эди.

– Соат тўққиз вақтли эмасми? – қиздан сўради Билл.
– Нонушта ва бошқа нарсалар ҳақида бош котирманг. Ўзим ҳаммасини ташкил қиламан. Фақат соат тўққизда тайёр бўлинг.

ТЎҶҚИЗИНЧИ БОБ

Якшанба кунин эрталаб Саксон ҳатто соат тўққиз бўлмаи турибоқ кетишга тайёр эди. У экипаж келмадимикан деб деразага қараш учун иккинчи марта ошхонага кирганда, Сара одатдагидек унга ташланди.

– Уят! Шарманда! Баъзи бировлар ипак пайпоксиз яшай олишмайди... – бошлади у. – Менга қаранглар: кеча-ю кундуз тиним билмайман, бирор марта ҳам менинг на ипак пайпоғим ёки на бир йўла уч жуфт оёқ кийимим бўлганми? Лекин битта нарсани айтаман: Худо бор, вақти келиб баъзи одамлар жазоларини олишади.

Айни пайтда трубка чекиб, тиззасида кичкина ўғлини кўтариб ўтирган Том, “Сараники яна тутиб турибди” дегандек, синглисига қараб, кўзини қисиб қўйди. Саксон эса қизлардан бирининг сочини тасма билан боғлаб қўяётган бўлиб, худди шу нарса билан жуда банддек кўринарди. Сара нонуштадан сўнг ошхонада идиш-товоқларни ювиб, жой-жойига қўйиб судралиб юрарди. Ниҳоят, у ихраганча гавдасини тўғрилади ва раковина олдидан нари кетиб, яна Саксонга қараб захарини соча бошлади.

– Нима? Индамайсан-да, а? Нега индамаяпсан? Чунки, жуда ҳам уятингни еб қўймагансан цекилли-да, а? Жуда яхши? Боксёр билан топишиб қолибди! Бу Робертс деганлари билан килиб юрган ишларингни эшитдик. У ҳам ажойиб! Жонгинам, шошмай тур, Чарли Лонгнинг қулоғига етиб борсин-чи! Ўшанда кўрасан!

– Билмадим, – гапга аралашди Том. – Айтишларича, Билл Робертс жуда яхши йигит эмиш.

Саксон босиқлик билан жилмайиб кўйди, бироқ Сара буни кўриб, бутунлай жаҳли чиқиб кетди.

– Нега энди Чарли Лонгга турмушга чиқишни истамайсан? У сени деб ақлидан озай деяпти, ичмайди...

– Мен билишимча, у керагидан ҳам ортик ичади, – эътироз қилди Саксон.

– Чиндан ҳам, – синглисининг гапини таъкидлади Том. – Бундан ташқари мен унинг уйида ҳам бир бочка пиво сақлашини биламан.

– Қаердан биласан, сен ўзинг ичиб кўрганмидинг? – кесатди Сара.

– Балки ичиб кўргандирман, – хотиржамлик билан деди Том, ўзи сезмаган ҳолда лабини қўли билан артиб кўяр экан.

– Агар истаса уйида бир бочка пиво ушласа нима қилибди? – энди эрига қараб нишини сука бошлади Сара. – У бировникини олмайди, ўзи яхши топади, ҳар ҳолда бошқалардан кўра кўпроқ топади.

– Ҳа, бироқ унинг қарамоғида хотини ва болалари йўқ-да, – деди Том.

– Ва у бўлар-бўлмас тўловлар ҳам тўламайди.

– Бекор гап. У ҳам тўловлар тўлайди, – эътироз билдирди Том. – Агар темирчилар уюшмаси билан яхши алоқада бўлмаса, у бу корхонада ўла қолса ҳам ишлай олмасди. Сара, ахир сен қасаба уюшмалари тўғрисида ҳеч нарса тушунмайсан-ку. Агар одам очликдан ўлишни истамаса, бирорта уюшмага аъзо бўлиши керак.

– Бўлмаса-чи, – нафрат билан деди Сара. – Мен ҳеч қачон ҳеч нарса тушунмайман! Менга ким қўйибди! Мен ўлгудек тентакман-ку! Сен шу гапларни менга болаларнинг олдида гапиряпсанми? – Аёл жаҳл билан ёнида турган катта ўғлига ўтирилди. Бола кўрқиб

кегиб, нари сурилди. – Билли, эшитялсанми? Сенинг онанг тентак экан! Тушунялсанми? Отанг буни унинг юзига, сизлар – болаларининг олдида айтяпти! Онанглар – гирт тентак! Яқинда у мени ақлдан озиб қолди, деб жиннихонага юборади. Сен бунга нима дейсан, Билли? Агар онангни битга халатда, қуёш тегмайдиган, ёруғ тушмайдиган хонада қулфлаб, бир пайтлар негрларни уришганидек, қул каби уришса сенга ёқадими, Билли? Худди ҳақиқий қоратанлиларни уришгандек? Мана, сенинг отанг қанақа! Ўйлаб кўргин-а, Билли! Сени тукқан онангни жиннилар ичида, уларнинг ашаддийлари орасида тасаввур қилгин! Улар бақириб-чақиришяпти, атрофда эса қоровулар уриб ўлдириб қўйган касалларнинг ўликлари ётибди!..

Аёл тўхтамасдан эри унга тайёрлаётган даҳшатли келажакни тасвирлашда давом этди, юрагига кўркув тушган бола бечора эса овоз чиқармай, лаблари титраб, йиғлай бошлади.

Нихоят, Саксоннинг тоқати тоқ бўлди.

– Худо ҳақи! – кизишди у. – Уруш қилмасдан беш дақиқа ҳам ўтира олмаймиз-а!

Сара шу заҳотиёқ жиннихонани эсдан чиқариб, яна Саксонга ташланди:

– Ким жанжал қияпти? Мен оғзимни ҳам очишга улгурмай иккалангиз менга ташланасизлар!

Саксон алам билан елкасини учириб қўйди, Сара эса энди эрига қараб гап бошлади:

– Агар синглинг хотинингдан ҳам азизроқ бўлса, унда нега менга уйландинг? Мен сенга болалар туғиб бердим, худди сургундагидек сен учун меҳнат қилдим! Сен эса ҳатто раҳмат дейишни ҳам билмайсан... болаларнинг олдида ҳақорат қиласан, мени тентак деб кичкирасан! Сен ўзинг мен учун нимадир қилган-

мисан? Сен шунга жавоб бергин?! Мен сенинг сасиган кирларингни ювдим, пайпоқларингни ямадим, болаларинг касал бўлганда кечалари билан олдида ўтириб чиқдим! Мана, қараб қўй! – Аёл юбкасининг остидан йиртилиб кетган, кир бошмоқ кийиб олган шишиб кетган оёқларини кўрсатди. – Мана, кўр! Хурсанд бўл! – Аёлнинг кичкириғи аста-секин чинқириққа ўта бошлади. – Ахир менинг бошқа бошмоғим йўқ! Сенинг хотинингнинг ҳеч нарсаи йўқ! Сен ўзинг бундан уялмайсанми? Пайпоғим-чи? Кўряпсанми?

Бирдан унинг овози ўчиб, чидаб бўлмас алам ва нафратдан нафаси бўғилиб, стол олдида турган стулга тап этиб ўтириб қолди. Бироқ шу заҳотиёқ сакраб ўрнидан турди ва тарс-турс қилиб совиб қолган қахвани финжонга қуйиб яна стулларни тарақлатиб ўтирди ва хиссиз кўзлари билан олдинга қараб ўтиришда давом этди. Унинг кўкраги тез-тез кўтарилиб тушарди.

– Бўлди, Сара, етар, ўзингни бос! Илтимос, ўзингни босгин! – хавотирланиб, илтимос қила бошлади Том.

Жавоб ўрнига аёл секин, худди бугун бир давлатнинг тақдирини шу билан боғлиқдек, эҳтиётлик билан, кўлидаги идишни столга ташлади, сўнгра ўнг кўлини секин кўтариб кучи борича Томнинг юзига шопалоқ тортиб юборди ва шу заҳотиёқ эсидан оғандек бор овози билан кичкириб, полга ўтириб олди ва орқа-олдига тебрана бошлади.

Жимгина пиқиллаб йиғлаётган Билли энди бақириб йиғлай бошлади; сочларига лента тақилган икки қиз ҳам унга қўшилишди.

Томнинг ёноқлари ҳали ҳам ловуллаб турган бўлса-да, юзи оқариб кетганди. Саксон жуда ҳам акасини кучоқлаб, овуғтиси келиб кетди, бироқ юраги дов бермади.

Том хотини устига энгашиб, деди:

– Сара, сенинг мазанг йўқ, кел, мен сени ўринга ётқизиб кўяман. Бу ерни эса ўзим йиғиштириб оламан.

– Тегма! Тегма менга! – эрининг қўлларидан юлқиниб чиқишга уриниб, кичкирди аёл.

– Том, болаларни ҳовлига олиб чиқиб, улар билан айланиб келгин. Нима қилсанг ҳам уларни бу ердан олиб чиқиб кетгин, – деди Саксон. Унинг юраги тортишиб, ранги оқариб кетган, ўзи эса титрарди.

– Бор, Том, бора қолгин! Мана шляпанг. Мен уни тинчитаман. Нима қилиш кераклигини биламан.

Ёлғиз ўзи қолгач, Саксон шоша-пиша ишга киришди. У бу ақлдан озиб, ҳали ҳам полда типирчилаб ётган аёлни тинчитиш мақсадида хотиржам кўриниш учун бор кучи билан ҳаракат қиларди. Уйнинг ингичка деворларидан салгина товуш ҳам ташқарига эшитилиб, Саксон бу жанжалнинг овози фақат кўшни уйларга эмас, балки кўчага, ҳатто кўчанинг нариги томонига ҳам эшитилганига амин эди. Ҳаммадан ҳам қиз Биллнинг айна шу пайтда келиб қолишидан кўрқаётган эди. У ўзини ҳақоратлангандек, ерга урилгандек ҳис қилаётган, ҳар бир асаб толаси титрар, Саранинг кўринишидан кўнгли айнаиб кетаётган эди. Шундай бўлса-да, қиз ўзини қўлга олиб, секин-секин эркаловчи ҳаракатлар билан аёлнинг сочларини силади, сўнг секин бағрига олди – бир оздан сўнг Саранинг даҳшатли кичқириғи тина бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг эса у бошига ҳўл сочиқ танғилган ҳолда, кўзлари ҳам бойланган, ҳикиллаганча ўринда ётарди.

– Бу бош оғриғини қолдиради, – деди Саксон.

Кўчада от туёқларининг овози эшитилиб, эшик олдига келиб тинганда, Сара уни қолдириб кетиш

мумкин бўлган аҳволда эди, у эшик олдига чиқиб, Биллга қўлини силкиди. Ошхонада энди нима бўлишини хавотирланиб кутиб турган акасини кўрди.

– Ҳаммаси жойида, – деди қиз. – Билл Робертс мени олиб кетгани келди, энди кетишим керак. Сен эса, бориб у билан ўтириб тур – балки ухлаб қолар. Фақат унинг жигига тегмагин, ноз қилса қилаверсин. Агар қўлини ушлашингга қўйса, қўлини ушлаб ўтир – ҳар ҳолда ҳаракат қилиб кўр. Бирок, аввал ҳеч нарса демасдан сочиқни яна ҳўллаб бошига қўйиб кўр – нима қиларкин.

Том юмшоққўнгил ва меҳрибон йигит эди. Бирок ҳамма ғарбликларга ўхшаб, у ҳам ўз ҳиссиётларини ифода қилишга ўрганмаган эди. У ҳозир бошини силкиб, эшик томонга юрар экан, секин тўхтади. Унинг Саксонга қарашида миннатдорлик туйғуси ва акалик меҳри мужассамлашган эди. Қиз шундоқ ҳам бунини ҳис қилиб турарди; у акасига интилди.

– Бўлди, бўлди! Ҳаммаси яхши! – акасини овутишга шошилди қиз.

Том бошини чайқади:

– Йўқ, яхши эмас! Уят, шарманда, лекин яхши эмас! Менга ўзим учун эмас, сен учун алам қияпти... Ахир сен эндигина яшашни бошлаяпсан. Ёшлик йилларинг жуда тез ўтиб кетади – эс-хушингни йиғиб олишга ҳам улгурмайсан. Мана бугун ҳам бутун кунинг расво бўлди. Бу ердан тезроқ кета қол, дўстинг билан яхшилаб ўйнаб кел, бу ерда бўлган гапларни тезроқ ёдингдан чиқар. – Эшик тутқичини ушлаб туриб, у яна тўхтади. Юзи тундлашди. – Жин урсин! Бу қандай гап! Ахир бир пайтлар биз ҳам Сара билан кун бўйи айланиб келиш учун қаерларгадир кетиб қолардик! Унинг ҳам

ўша пайтларда уч жуфт туфлиси бўлган бўлса керак!
Одам ишонгиси ҳам келмайди!

Саксон ўз хонасида кийинишни тугатар экан, эгнидаги юбкаси қандай турганини кўриш учун девордаги ойнага қараш мақсадида стулга чиқди; бу юбка ва жакетканинг тайёрини сотиб олган, қайтадан тузатган ва ҳатто бу кийимлар эндигина тикувчининг кўлидан чиққандек кўриниши учун яна чок солиб чиққан эди. Ҳали ҳам стулда турганча, қиз чакқон ҳаракат билан юбкасининг бурмаларини тўғрилади. Ҳа, мана энди ҳаммаси яхши.

Стулдан сакраб тушиб, у белбоғи билан бир хил ранг – жигарранг тасмали оқ похол шляпасини кийиб, тўғнағич билан маҳкамлади, сўнгра Сара билан бўлган воқеа натижасида оқариб кетган ёноқларини сал қизартириш учун қаттиқ ишқалади ва яна бир дақиқа тин олиб, кўлига кўлқопини ҳам кийди: газетанинг якшанба кунлари чиқадиган кўшимчасида қиз ўзини ҳурмат қиладиган аёл ҳеч қачон кўлқопини кўчада киймаслиги ҳақида ўқиган эди.

Қатъийлик билан бир силкиниб олди-да, қиз Саранинг ётоғи ёнидаги меҳмонхонадан ўтар экан, юпқа тўсик орқали Саранинг ётоғидан эшитилаётган оғир хўрсинишлар ва пиқиллаган йиғлаш товушини эшитиб, яна юзлари оқариб, кўзларидан нур кетиб қолишидан кўржиб, зўрға ўзини кўлга олишга ҳаракат қилди. Ва бунга эришди. Бу ярақлаган ёш мавжудотнинг хушчақчақлик билан унинг олдига қараб келаётганини кўрган Билл қизнинг ҳозиргина мияси ярим айниган аёлнинг жазавага тушганида иштирок этганига асло ишонмасди. Қиз эса йигитнинг қуёш ёритиб турган оқмалларанг гўзаллигидан ҳайратда эди: қизболаларникидек текис ёноқлари бир оз қизарган; кўзларининг

кўм-кўклиги одатдагидан тўқроқ, калта жингалак сочлари эса оқиш тиллани эслатарди. Йигит ҳали шу пайтгача қизга шунчалик келишган бўлиб туюлмаган эди. Қиз билан саломлаша туриб, Билл жилмайди: қипқизил лаблари орасидан унинг оппоқ тишлари ярақлаб кетди – қиз яна бу жилмайишда ўзига хотиржамлик ва яхши дам ваъда қилинаётганини хис қилди. У ҳали ҳам келинойисининг бемаъни қичқириклари таъсири остида бўлиб, Биллнинг ўта хотиржамлиги унга айниқса яхши таъсир қилаётганди; у йигитнинг табнатим ўтакетган сержаҳл, дегани эсига тушиб, ўзича жилмайиб қўйди.

Қиз илгарилари ҳам аравада бундай саёҳатларга чиққан эди, бироқ улар биргина от қўшилган аравалар бўлиб, у қадар қулай ҳам эмас эди. Ҳозир эса у бошларини силкитиб, жойида зўрға тик турган иккита чиройли отни кўрди. Уларнинг ипакдек ёллари бу отлар ўзларининг ёш ва ажойиб умрлари давомида ҳали бирор марта ҳам ижарага берилмаганини айтаётгандек бўларди. Билл эса худди бу бугун бир экипажнинг бир қисмидек, қизни илгари бесўнақай отлар қўшилган эски араваларда айланишга олиб чиққан йигитларга ҳеч ҳам ўхшамайдиган шундай кучли ва эпчил йигит, баланд гилдирақли, ярақлатиб артилган чиройли аравада ўтирарди. У бир қўлида узангини ушлаб олганча, ҳам эркалатиш, ҳам қатъият сезилиб турган хотиржам сокин овозда гижинглаб турган тойларни тинчителишга уринар эди; улар ҳам йигитнинг иродаси ва кучига бўйсунушаётган эди.

Бироқ вақтни бой беришнинг ҳожати йўқ эди. Ўзининг аёлларча ўткир кўзлари билан Саксон кўчани бир қур кўздан кечирди: сезгирлиги уни алдамаган эди: у тўрт тарафдан фақат қизикқан болалар югуриб

келдигина эмас – балки эшик ва деразалардан катталарнинг ҳам юзлари пайдо бўлганини кўрди. Билл бир кўли билан Саксоннинг аравага чиқиб, ёнига ўтириб олишига ёрдам берди. Суянчиқлари баланд қора чарм қопланган ўриндиклар жуда қулай бўлиб, ўтириш ёқимли эди; бироқ ёнидаги йўлдоши билан ўтириш ундан ҳам ёқимлироқ эди.

– Қалай, отлар сизга ёқяптими? – отларнинг жиловини кўлига олиб, уларни юришга даъват қилар экан, сўради Билл. – Бу хўжайиннинг отлари. Бундай отларни ижарага олишнинг иложи йўқ. Хўжайиним гоҳида улардан фойдаланиб туришимга рухсат беради. Уларни гоҳ-гоҳ чоптириб турмаса, ишдан чиқиб қолади. Қиролга қаранг, ана унисига. Зўр, а? Бироқ наригиси зўрроқ. Унинг оти Шахзода. Кўрдингизми, Саксон? Мана буларни от деса бўлади.

Оркаларидан кўшни болаларнинг хайрат билан бақиринганлари эшитилар экан, Саксон чуқур хўрсинганча, ниҳоят бахтли куним бошланди, деб ўйлади.

ЎНИНЧИ БОБ

– Мен отлар тўғрисида ҳеч нарса билмайман, – деди Саксон. – Умримда бирор марта ҳам от минмаганман, тўғри келганда ҳам, мен минган отлар оёғини зўрға босадиган қари, чўлоқ отлар бўлган эди. Бироқ мен отлардан кўркмайман. Мен уларни жуда яхши кўраман – бу менда туғма бўлса керак.

Билл қиздан кўнгли тўлганча, унга хайрат билан қаради.

– Бу жуда яхши. Мен аёллардаги айни ана шу хислатни – довуракликни яхши кўраман. Мен шундай

қизларни олиб юрган пайтларим бўлган, ипонасизми, кўнглим кетиб қоларди. Эҳ, қанчалик жаҳлимни чиқаришарди! Асабийлашишади, титрашади, гингшиб, йиғлашади!.. Тўғри, улар отда юриш учун эмас, мен билан бўлиш учун чиқишарди. Менга эса отдан кўрқадиган эмас, уларни яхши кўрадиган қизлар ёқади... Мен аминманки, Саксон, сиз шунақасиз. Мен сиз билан соатлаб гаплашишим мумкин. Бонқалар билан эса шунақанги зерикарли... Оғзимга сув олгандек, жим кетаман. Улар ҳеч нарса билишмайди, ҳеч нарса тушунишмайди, қачон қарама кўрқишади... Нима демокчилигимни тушунаётгандирсиз...

– Менимча, отларга меҳр туғма бўлиши лозим бўлса керак. Балки бу менга, мен доим отамни ўзининг катта отида ўтирганини эслаганимдан бўлса керак. Хуллас, мен отларни жуда яхши кўраман. Болалигимда доим отларнинг суратини чизардим. Онам ҳам мени доим шунга ундарди. Менинг бир дафтар ўша расмларим сақланиб қолган. Ва яна, биласизми, Билли, кўпинча тушларимда менинг ўз отим борлигини кўраман. От миниб кетаётганимни неча марта кўрганман!

– Озгина вақт ўтсин, улар ўзига келиб олгандан кейин мен сизга ҳайдагани бераман; ҳозир сиз уларни эплай олмайсиз. Олдимга ўтиб жиловни ушлаб олинг, маҳкам ушланг. Сезяпсизми? Албатта сезяпсиз! Сезмай ҳам кўринг-чи! Мен жиловни ёлғиз ўзингизга бериб қўйишга кўрқаяпман – жуда енгилсиз!

Қиз қаттиқ тортилган жиловда бу ажойиб ҳайвонларнинг кучини ҳис қилганда кўзлари чарақлаб кетди. Унга қараётган Билл ҳам қизнинг ҳайратланаётганидан хурсанд бўлиб, кўзлари порлаб кетди.

– Агар аёл киши эри учун дўст бўла олмаса ундан нима наф? – хитоб қилди йигит.

– Одатда нимани ёқтирсак, ўша нарсани яхши кўрадиган инсонларни биз ҳам яхши кўрамиз, – ичида иккаловларининг ўртасида кўп умумий нарсалар борлигидан хурсанд бўлар экан, ўйламоқчи жавоб берди киз.

– Биласизми, Саксон, мен неча марталаб ичиб олган, чекиб олган, оёғида зўрға турган томошабинлар олдида ғалаба қозониш учун ўзимни аямай, виждонан курашишимга тўғри келган! Уларнинг кўринишининг ўзиданок кўнглим кетарди! Ва ана шу, тумшугидами, курагимга туширилган битта муштни ҳам кўтара олмайдиган қандайдир мараз мени гиж-гижлаб, қон тўкишимни талаб қиларди. Эътибор беринг-а – қон тўкишимни, – ўзининг томирларида эса ҳатто балиқни-кичалик ҳам қони бўлмаса керак! Чин сўзим, мен яхшиси биттагина томошабин олдида – масалан, сизнинг олдингизда, кураш тушган бўлардим. Фақат ўша томошабин менга ёкса бўлди. Ана ўшанда мен ғурурланган бўлардим. Бироқ ана шу тентак, ландавурларнинг олдида улар менга қарсак чалишлари учун кураш тушиш?! Мен?.. Наҳотки мен бу ишга нуқта қўйганим учун сиз мени гуноҳкор санаётган бўлсангиз?

– Мен... мен бокс... ана шунақа нарса деб ўйламасдим, – нафаси ичига тушиб, деди Саксон ва беихтиёр жиловни қўйиб юбориб, ўриндикқа ўтирди.

– Бокс эмас, уни томоша қилаётган одамлар, – алам билан эътироз қилди йигит. – Албатта, бокс йигит кишининг соғлиғига таъсир қилиши мумкин, аста-секин унинг бутун кучини суғуриб олади. Бироқ ҳаммадан ҳам ана шу ландавур томошабинлар менинг асабимга тегади. Ҳатто уларнинг ҳайрат ва мактовлари ҳам одамни ерга ургандек бўлади. Тушунапсизми? Бу мени ерга уради. Ҳа-ҳа-ҳа! Анавини қаранг, нима қилаяпти! Ўх сен, муттаҳам!

Кўчани аста кесиб ўтаётган катта бульдог ит, шундоқ Шаҳзоданинг яқинидан ўтиб кетди. Шаҳзода бирдан тишларини кўрсатиб, бошини эгди ва итни ушлаб олиш учун жиловни тортди.

– Мана у – бизнинг Шаҳзода – ҳақиқий кўркмас ва унинг ҳамма нарсаси табиий. Унинг итни тишламоқчи бўлаётгани қандайдир бир безори уни итга қарши гиж-гижлаганидан эмас, балки ўзининг табиатидан келиб чиқиб шундай қилаётти. Ва бу тўғри. Бу яхши. Чунки бу табиий. Бироқ, Саксон, рингда, томошабинлар олдида ундай эмас!..

Ён томонидан йигитга қараганча, унинг отларни ишонч билан ҳайдаб кетаётгани, йўлда иккита бола дуч келиб қолганда отларни эҳтиёткорлик билан тўхтатганини кузатиб кетаётган Саксон бирдан йигитнинг табиатидаги кучли қизиққонлик билан маъсумликни; бўриларда бўладигандек мардонавор ёввойилик билан зотдор отларда бўладиган битмас-туганмас ўт-оловни ҳис қилди. Қиз кўрқиб кетган ва айни пайтда ҳайратда эди, ушбу бутун жарликлар оша йигитга томон интилар, унинг қалби ва кучоқлари унга интиқ эди ва у беихтиёр, ўзининг бу ҳиссиётларига жавобан бутун вужуди билан “Азизим... азизим!” деяётганди.

– Ва яна биласизми, Саксон, – узилиб қолган гапида давом этди йигит, – баъзи пайтларда мен уларни шунчалик ёмон кўриб кетардимки, арқон устидан сакраб ўтиб, ўша оломоннинг олдига бориб елкасига туширгим келарди. Уларга бокс нималигини кўрсатиб кўйган бўлардим! Бир куни Билл Мэрфи билан курашаётгандим. Эҳ, унинг қанақалигини билсангиз эди! У менинг дўстим. Қачонлардир рингга чиққанлар ичидаги энг ажойиб ва қувноқ йигитлардан! Биз мактабда бирга ўқиб, бирга катта бўлганмиз. Доим

унинг ғалабаси менинг ғалабам эди. Унинг омад-сизлиги – менинг омадсизлигим эди. Иккаламиз боксга кизиқардик. Бизларни бир-биримизга қарши қилиб рингга чиқаришарди ва бир марта эмас. Икки марта дуранг билан тугатганмиз; бошқа бир сафар у ютди, кейинги сафар эса мен ютдим. Мана, ниҳоят, бешинчи сафар рингга чиқдик. Сиз тушунапсизми – бир-бирини яхши кўрадиган иккита одам бешинчи марта бир-бирига қарши курашиши керак. У мендан уч ёш катта. Унинг хотини ва икки-учта боласи бор, мен уларни ҳам танийман. Ва у менинг дўстим. Тасаввур қиляпсизми?

Мен ундан ўн фунт оғирроқман, бироқ оғир вазн-лилар учун бу муҳим эмас. Мен вақтни ва масофани яхши сезаман. Хужумни ҳам яхши олиб бораман. Бироқ дўстим мендан чакқонроқ ва идроклироқ. Мен эса ҳеч қачон чакқонликда ажралиб турмаганман. Иккаламиз чап қўл билан ҳам, ўнг қўл билан ҳам яхши ишлаймиз, иккаламизнинг ҳам зарбаларимиз кучли. У менинг зарбамни билади, мен униқини биламан ва иккаламиз бир биримизни хурмат қиламиз. Иккаламизнинг имкониятларимиз бир хил: иккита дуранг ва биттадан ғалаба. Чин дилимдан айтадиган бўлсам, ким ғалаба қилиши мумкин, деган ҳеч қандай олдиндан ҳис қилиш йўқ, – хуллас, иккаламиз тенгимиз!

Мана... ўйин бошланди... Сиз кўрқоқ эмасмисиз?

– Йўқ, йўқ! – хитоб қилди қиз. – Гапираверинг! Менинг эшитгим келяпти! Сиз жуда ажойибсиз!

Йигит чакноқ кўзларини Саксондан узмасдан, унинг бу мақтовини хотиржам қабул қилди.

– Шундай қилиб, биз курашни бошладик. Олти раунд, етти, саккиз, на унда, на менда илгарилаш йўқ. Унинг хужумларига чап қўлим билан жавоб қайтариб, мен унга ўнг қўлим билан қисқа апперкот уришга

эришдим. Бироқ у ҳам менинг жағимга ва қулоғимга туширди, шунчалик кучли туширдик, кулоқларим шанғиллаб, бошим гувиллаб кетди. Бир гап билан айтганда, ҳаммаси яхши кетаётган ва ўйинимиз яна дуранг билан тугайдиганга ўхшарди. Матч йигирма раунддан иборатлигини яхши биласиз...

Кейин эса бахтсизлик юз берди. Биз энди клинчга киришган эдик, у чап мушти билан юзимни мўлжалга олди. Агар иягимга тегса, мен ағанаган бўлардим. Мен эса олдинга энгашиб қолдим, бироқ тезлик етарли бўлмай, унинг зарбаси ёноғимга тегди. Саксон, чин сўзим, бу зарбадан кўзларимдан олов чиқиб кетгандек бўлди. Бироқ, бунинг ҳам менга унча зарари йўқ эди, чунки бу ердаги суяклар мустаҳкам. У эса бу билан ўзини тамом қилди: дўстим ҳали болалигида Уоттс-Тракт қумликларида бокс тушиб юрган пайтларида синдирган бош бармоғини яна каттиқ синдириб олди. У ана шу бармоғи билан менинг ёноғимга туширди – менинг ёноғим тошдек-ку ахир, – ва яна ўша пайларини жароҳатлаб олди, ахир у жойи нозик бўлиб қолган эди-да: Бироқ мен буни истамагандим. Одатда мусобақаларда қўлланилса-да, бу маккорона усул, мазмуни шуки, рақибингиз қўлини сизнинг бошингизга уриб олади. Бироқ бу дўстлар орасида эмас. Мен Биллга нисбатан бу нарсани ҳеч қандай пулга ҳам қилмаган бўлардим. Фалокат фақат менинг сусткашлигим туфайлигина содир бўлди.

Саксон, уриб олиш нима эканлигини сиз билмайсиз! Буни фақат лат еган жойингизни уриб олганингиздагина тушунасиз. Билл Мэрфи энди нима қилиши керак эди? У энди иккала қўли билан ҳам зарба бера олмас эди. Ва буни жуда яхши билиб турарди. Мен ҳам билардим. Ҳакам ҳам биларди. Бироқ бошқа ҳеч ким

билмасди. Ва Билл ўзини худди чап кўлига ҳеч нарса қилмагандек тута бошлади. Бироқ аслида бундай эмас эди-ку. Ҳар бир текканда кўли шундай оғрирди, худди баданига пичоқ тикқандек бўларди. У чап кўли билан бирорта ҳам тузук зарба бера олмаётганди: оғриқ жуда кучли эди. Кўлини ишлатяптими, ишлатмаяптими – бари бир оғриқ кучли эди. Мен орқасидан ҳеч нарса бўлмаслигини билиб турганим учун ўзимни олиб қочишни ҳам ўйламаётганим ҳар бир чап кўли билан уриши унинг юрагига ботиб, қаттиқ азоб берар, борган сари баттарроқ бўлиб борарди.

Энди ўзингиз тасаввур қилинг: биз у билан қаердадир кўчада, ўйин қилиб муштлашяпмиз ва у кўлини жароҳатлаб олди. Биз дарров кўлқопни ечардик, мен бу бечора бармоқни бойлаб, заха бўлмаслиги учун совуқ компресс кўярдим. Йў-ўк! Бу ҳозир қонни кўриш учун пул тўлаб томошага кирган оломон учун кўрсатилган мусобақа эди ва у оломон шуни истарди! Ахир улар одамми? Улар бўрилар-ку!

Энди дўстим курашни давом эттириши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, мен ҳам унинг устига бостириб бормаётгандим. Ичимда ғалаён бўлаётган, энди нима қилишни билмасдим. Томошабинлар эса буни сезиб қолиб “Тугат! Ғирром! Ёлғон! Дабдаласини чиқар! Билл Робертс, мен сен билан!” ва яна нималардир деб бакиришарди.

“Ур, – газаби қайнаб дейди менга ҳакам – акс ҳолда сени курашмаяпти деб, ўйиндан маҳрум қиламан. Билл, эшитяпсанми?” У менга шу гапларни айтиб, кимни кўзда тутаётганини тушуниб олишим учун елкамга туртди.

Ахир шу яхшими? Ахир шу виждонанми? Биз нима-ни деб курашганимизни биласизми? Юз долларни деб!

Буни қаранг-а! Ва энди ўйинни охиригача етказиш ва томошабинлар талаб қилгани учун ўз дўстингни тамом қилишинг керак! Зўр, а? Шундан сўнг бу менинг охирги матчим бўлиб қолди! Етар!

“Ўйиндан чиқ, – деб Мэрфига шивирладим мен клинч пайтида, – Худо ҳақи, чиқ!” У эса менга жавобан: “Йўқ, Билл, бундай қила олмаслигимни ўзинг биласан”.

Шу пайт ҳакам бизни ажратиб қўйди, томошабинлар эса бақариб, ҳуштак чала бошлашди.

“Қани, жин урсин сени, Билл Робертс, тугат уни”, деяпти менга ҳакам. Мен эса уни шайтонга рўпара қилдим ва яна Мэрфи билан клинчга кирдик. Ва у яна бармоғини уриб олди, кўриб турибман – оғриқдан юзлари қийшайиб кетяпти. Бу спортми? Ўйинми? Ахир шу спортми? Яхши кўрган одамингнинг кўзларида азобни кўриб туриб, у сени яхши кўришини биласан ва бари бир унга азоб берасан! Мен бунга чидаб тура олмадим. Бироқ томошабинлар бизга пул тикишган! Бизнинг ҳисларимизни ҳисобга олишмайди. Биз ўзимизни юз долларга сотганмиз ва энди истайсанми, йўқми, ишни охиригача етказиш керак.

Саксон, ўша пайтда, чин сўзим, арқоннинг тагидан ўтиб, қон талаб қилаётган бу бақирокларнинг дабдаласини чиқариб, қон нима эканлигини кўрсатиб қўйгим келиб кетганди.

“Худо ҳақи, Билл, – клинч пайтида сўради дўстим, – мени тугатиб қўя қол. Ўзим қўлимни кўтара олмайман...”

– Биласизми, Саксон, мен ўша ерда, рингнинг ўзида клинч пайтида йиғлаб юбордим. “Билл, бундай қила олмайман”, дедим ва уни худди акамдек, кучоклаб олдим. Ҳакам эса ириллаб, бизни итариб ётибди,

томошабинлар эса “Сол! Сол уни! Тугат! Нега қараб турибсан? Тишига қараб сол, йиқит уни!” деб бақириб ётишибди.

“Билл, сен мажбурсан, тентаклик қилмагин”, деб Мэрфи кўзларимга ялингудек бўлиб қараяпти, ҳакам эса бизни яна ажратяпти.

Бўрилар эса ҳали ҳам: “Айёрлик! Айёрлик! Ёлғон!” деб бақириб, тинчий дейишмаяпти.

Нима ҳам қила олардим, мен уларнинг талабларини бажардим. Бошқа иложим ҳам йўқ эди. Мен ёлғондака трюк қилдим. Дўстим бу трюкни яхши биларди. Ўзи ҳам юз маротабалаб бундан фойдаланган ва елкаси билан ҳимояланарди. Бироқ ўша пайтда у ўзини ҳимоя қилмаётганди. У ўзини зарбага қўйиб берган эди. Бу тамом дегани эди. Дўстим ёнбошига ағанаб, худди бўйни сингандек, бошини ичига тортиб, қотиб қолди. Ва мен буни юз доллар учун, менинг туфлаган тупугимга ҳам арзимайдиган одамларни деб қилдим! Шундан сўнг мен Мэрфининг қўлидан ушлаб, олиб чиқиб кетдим ва хушига келтиришга ҳаракат қилдим. Анави тентаклар эса хурсанд эдилар: ахир улар пул тўлаб қўйганлари учун қонни, нокаутни кўришган эди!

Унинг тирноғининг учига ҳам арзимайдиган, мен яхши кўрган одам эса матнинг устида юзи ёрилиб, беҳуш ҳолда ётарди...

Билл олдинга, отларга қараганча, жим қолди. Унинг юзида қатъийлик, алам акс ётарди. Сўнгра у хўрсиниб қўйиб, Саксонга қаради ва жилмайиб қўйди.

– Мен ўшандан бери ортиқ боксда қатнашмайман. Мэрфи эса устимдан кулади. У матчларда қатнашиб туради, шунчаки, гоҳ-гоҳда. Унинг яхши хунари бор. Вақти-вақти билан, пул керак бўлиб қолганда – томни бўйяшми, врачга боришми ёки катта ўғлига велосипед

олиб беришми – шундай пайтларда у юзми, эллик долларми топиш учун клубларда ўйнаб туради. Иложи бўлиб қолса, мен сизни у билан танишиб олишингизни истардим. Мен сизга унинг тилла йигит эканлигини айтдим. Бироқ ўша кун бу ҳодисадан энг кўп менга ёмон бўлганди.

Билнинг юзи яна қатъийлашди, Саксон эса беихтиёр, одатда бундай пайтларда жамиятнинг юқори поғонасида турадиган аёллар қилишадиган сунъий ҳаракатни қилди: кўлини йигитнинг кўлига қўйиб, маҳкам қисиб қўйди. Бунинг мукофоти бўлиб эса йигит унга ўтирилганда кўзлари ва лабларида жилмайиш бор эди.

– Қандай ажойиб! – хитоб қилди у. – Мен шу пайтгача ҳеч ким билан шунчалик гаплашмаган эдим. Одатда мен кўпроқ жим тураман, ҳадеб миямдагиларни гапиравермайман. Бироқ сиз билан эса бошқача – мен негадир сиз мени билиб, тушунишингизни истаяпман; рақс тушишни эса ҳамма ҳам эплай олади.

Улар шаҳар кўчаларидан кетишар экан, шаҳар бошқармаси, кўп қаватли уйлар солинган Ўн тўртинчи кўча ва Бродвейдан ўтиб, Маунтэн-Вьюга томон йўналишди. Қабристондан ўнг томонга ўтирилиб, Пьемонт тепаликлари орқали Блэрпаркка чиқишди ва Жэкхей дарасининг салқин ўрмон ичкарисига кириб кетишди. Саксон ўзининг ҳамма нарсадан ҳайратланиб, завқланаётганини яширмаётганди:

– Қандай чиройли отлар! – деди у. – Мен бундай отларда юришни ҳатто тушимда ҳам кўрмагандим. Уйғониб кетиб, булар ҳаммаси туш бўлиб чиқиши мумкинлигидан кўрқиб ҳам кетяпман. Мен отларни қанчалик яхши кўришимни сизга айтдим-ку. Агар қачонлардир ўзимнинг отим бўладиган бўлса, бор нарсамни берган бўлардим.

– Чиндан ҳам кизик-а: ахир мен ҳам отларни шундай яхши кўраман. Хўжайинимнинг айтишига кўра, мен отларни жуда яхши тушунар эмишман. Унинг ўзи бўлса тентак: отлар борасида ҳеч нарсани тушунмайди. Бироқ шунга қарамай бу икки отдан ташқари унинг икки юзга оти бор, менда эса битта ҳам йўқ.

– Бироқ отларни Худойим яратган, – деди Саксон.

– Ҳа-да, албатта, менинг хўжайиним яратган эмас. У ҳолда нега унда шунча бор? Икки юзга, деяпман сизга! У ўзини от ишқибози қилиб кўрсатади. Мен эса, Саксон, онт ичиб айтаманки, унинг гаплари ҳаммаси ёлғон; мана, масалан, мен учун унинг отхонасидаги энг бечора от ҳам азиз. Отлар эса уники! Ахир бунга хайрон бўлмай бўладими?

Саксон йигитнинг нима демокчилигини тушуниб, кулиб юборди:

– Бўлмаса-чи! Мен, масалан, чиройли блузкаларни жуда яхши кўраман ва кун бўйи бири-биридан чиройли энг қимматбаҳо блузкаларни дазмоллаш билан шуғулланаман – бироқ улар бировники! Ҳам кулгили – ҳам адолатдан эмас!

Биллнинг яна ғазаби қайнаб, тишларини гижирлатди.

– Бошқа баъзи аёллар бундай кийимларни қайси йўл билан топишади? Сиз уларни тик турганча дазмол уришингиз менга алам қилиб кетяпти. Саксон, мен нима демокчи бўлаётганимни ўзингиз жуда яхши тушуниб турибсиз. Кўзбойлоғич ўйнашимизнинг ҳожати йўқ. Ўзингиз биласиз. Мен ҳам биламан. Ҳамма биледи. Дунё эса шундай тузилганки, эркаклар баъзан аёллар билан бу ҳақда гаплашгани юраклари дов бермайди. – Йигитнинг оҳангида хижолатлик сезилиб турган бўлса-да, унинг ўзининг ҳақлигига ишончи

комиллиги сезилиб турарди. – Мен бошқа қизлар билан бу мавзуда гаплашмайман: улар дарров бу бежизга эмас, мендан ниманидир кутяпти, деб ўйлаб қолишади. Уларнинг ҳамма нарсада фақат ёмонликни кўришлари одамга алам қилади. Бироқ сиз ундай эмассиз. Мен сиз билан ҳамма нарса тўғрисида гаплашишим мумкин. Буни биламан. Сиз худди Билл Мэрфи кабисиз, бир сўз билан айтганда – худди эркак кишилардек!

Қиз ўз бахтидан тўлқинланиб кетиб, хўрсиниб қўйди ва беихтиёр йигитга севги тўла кўзлари билан қараб қўйди.

– Мен ҳам худди шу нарсани ҳис қиляпман. Мен таниш йигитлар билан ҳеч қачон бундай нарсалар тўғрисида гаплашишга ботина олмасдим, чунки улар шу заҳотиёқ бундан фойдаланишга ҳаракат қилишарди. Улар билан бўлганимда, менга доим биз бир-бирларимизни алдаётганга, ёлғон гапираётганга ўхшаб туюлади... яъни худди маскарада каби бир-биримизнинг бошларимизни қотирамиз... – Саксон бирмунча вақт жим бўлиб қолди ва яна секин гапида давом этди:

– Ахир мен ҳам индамай қараб ўтирмаганман. Мен ҳам кўп нарсаларни кўрганман ва эшитганман; кирхона жонимга тегиб, чарчаб кетган пайтларимда менинг ҳам йўлдан тойишимга оз қолган. Менинг ҳам чиройли блузкаларим ва бошқа нарсаларим... бўлиши мумкин эди ва ҳатто отим ҳам... Банкда ишлайдиган бир кассир бор эди... оиласи бор. У менга очикчасига... Ахир мен билан борди-келди қилиб ўтирмайди-ку! Ахир у мени ҳар бир инсонга хос бўлган ҳиссиётларга эга қиз деб эмас, пасткаш бир нарса, деб қарарди. Иккаламизнинг ўртамизда бўлиб ўтган музокара фақат иш юзасидан эди. Мен ана ўшанда эркакларнинг қандайлигини

билгандим. У менга нималар қилишини аниқ тушунтириб берганди. Мен...

Қизнинг товуши жимиб қолди, у бу сукунат ичида Биллнинг тишлари ғичирлаб кетганини эшитди.

– Айтмасангиз ҳам бўлади! – хитоб қилди йигит. – Мен биламан! Ҳаёт ифлос, адолатсиз, даҳшатли! Нахотки одамлар шундай яшай олишади? Ахир бунда ҳеч қандай маъно йўқ-ку? Ажойиб, яхши аёлларни худди отлар каби сотишади ва сотиб олишади. Мен аёлларни ҳам тушунмайман. Бироқ эркакларни ҳам тушунмайман. Агар эркак аёлни сотиб оладиган бўлса, аёл уни албатта алдаб кетади.. Ахир бу кулгили-ку! Масалан, менинг хўжайинимни олинг, отлари билан. Ахир унинг бошқа аёллари ҳам бор. У балки сизни ҳам сотиб олишга қурби етар, чунки яхши тўлайди. Эҳ, Саксон, чиройли блузкалар ва бошқа ҳар хил чиройли нарсалар албатта сизга жуда ярашади, бироқ булар эвазига сиз нима билан тўлашингизни мен ҳатто хаёлимга ҳам келтира олмайман. Ахир, бу жиноят бўлган бўларди...

Йигит бирдан жим бўлиб қолиб, жиловни қаттиқ тортди. Йўл қайрилиб кетган жойда тез келаётган автомобиль кўринди. Ҳайдовчи машинага бирдан тормоз бериб, унинг ичида ўтирган йўловчилар экипажлари уларнинг ўтиб кетишларига ҳалал бераётган йигит ва кизга қизиқиш билан тикилиб қолишди. Билл қўлини кўтарди.

– Дўстим, сиз ташқари тарафдан бизни айланиб ўтинг, – деди у ҳайдовчига.

– Гап ҳам бўлиши мумкин эмас, – тажрибали назари билан сирпанчик йўлнинг четини ва қияликнинг тиклигини кўздан кечирар экан, жавоб берди ҳайдовчи.

– Унда тураверамиз, – кулганча деди Билл. – Мен йўл қоидасини яхши биламан. Бу отлар машинани

биринчи марта кўриб туришибди, агар сиз мени отлар коляскани тортиб кетиб, тиккаликда уни ағдариб юборишларига йўл қўйиб беради, деб ўйлаётган бўлсангиз, каттик янглишасиз.

Автомобилда ўтирганлар қаршилиқ кўрсатиб, шовкин солиб юборишди.

– Қишлоқи бўлсанг ҳам, бунчалик сурбет бўлмагин, – деди хайдовчи, – отларингга ҳеч нима қилмайди. Жой бўшат, биз ўтиб кетамиз. Агар бўшатмайдиган бўлсанг...

– Буни сен қиласан, оғайни, – деди Билл. – Ахир дўсти билан шундай гаплашадими? Мен билан баҳслашиш бефойда. Орқага қараб кетинглар, тамом вассалом. Кенгроқ жойга чиққанинглاردан сўнг бизлар шундок ёнингиздан ўтиб кетамиз. Шундай бўлиб қолгандан сўнг нима қиламиз энди. Қани, орқага юр.

Асабийлаша бошлаган йўловчилар билан маслахатлашиб олгач, хайдовчи ниҳоят Биллнинг гапига кулоқ солиб, орқага юра бошлади. Тез орада қайрилишда кўздан йўқолди.

– Вой ярамаслар-ей! – Саксонга қараб кулди Билл. – Автомобили билан озгина бензини бориға дарров сиз ва менинг ота-буваларимиз қурган йўлга эга чикиб қолишибди.

– Нима, энди кечгача иммилайсизларми? – қайрилишдан хайдовчининг овози эшитилди. – Юринглар. Ўтиб кетишларинг мумкин.

– Ўчир овозингни! – нафрат билан деди Билл. – Қачон ўтсам, шунда ўтаман. Агар етарли йўл қолдирмаган бўлсанглар мен ўзингнинг устингдан ўтаман.

Йигит жиловни енгилгина тортиб қўйди ва бошларини кимирлатиб турган отлар тик қияликдан мотори

хали ҳам ёниқ турган машина олдидан осонлик билан ўтиб кетишди.

– Шундай қилиб, нимада тўхтаган эдик? – яна бўш йўлга чиқиб олганларидан сўнг сўради Билл. – Жуда бўлмаса менинг хўжайинимни олайлик. Нега энди унинг икки юзта оти, қанча истаса шунча хотини ва бошқа нарсалари бўлиши мумкин-у, бизларда эса ҳеч нарса?

– Билли, сизнинг чиройингиз ва соғлиғингиз бор, – юмшоқ оҳангда деди Саксон.

– Сизнинг ҳам. Бироқ биз бу молимизни худди пештахта олдида матонинг метри шунча-шунчадан сотилгандек, пулга сотамиз. Сиз бу кирхонада бир неча йилдан сўнг қай аҳволга тушишингизни ўзингиз жуда яхши биласиз. Менга бир қаранг! Мен қунига оз-оздан ўз кучимни сотаман. Мана бу жимжилоғимга қаранг. – Йигит жиловни бошқа кўлига олиб, кўлини кўрсатди. – Мен уни бошқа бармоқларимга ўхшаб бука олмайман, борган сари баттар бўла борапти. Уни бокс тушаётганимда синдириб олмаганман – бу менинг ишимнинг натижаси. Мен пештахта ортида туриб ўз кучимни сотганман. Сиз бирор марта тўртта от қўшилган арава ҳайдайдиган извошчининг кўлини кўрганмисиз? Улар худди чангалга ўхшайди – букилиб, қийшайиб кетган.

– Ўтмишда, ота-буваларимиз прериядан ўтишганда ҳамма нарса бошқача эди, – деб қўйди Саксон. – Тўғри, балки улар ҳам иш билан кўлларидан жароҳатлар олгандирлар, бироқ улар ҳеч нарсага зорикмаганлар – уларнинг отлари ҳам, бошқа нарсалари ҳам бўлган.

– Албатта, ахир улар ўзлари учун ишлаганлар. Мен эса хўжайинни деб яримта бўляпман. Биласизми, Саксон, унинг кўли худди ҳеч қачон оғир меҳнат қилмаган аёлларнинг кўлига ўхшаб юмшоқ. Ахир унинг

отлари ҳам, отхонаси ҳам бор, бироқ у қўлини совук сувга урмайди. Мен эса ейиш-ичиш ва кийим-кечак учун қийинчилик билан пул топаман. Ва дунёнинг ана шундай тузилганлиги менга алам қилади. Ва ким уни шундай яратган? Яхши, ҳозир замон бошқача. Бироқ замонни ким бошқача қилди?

– Албатта, Худо эмас.

– Бошимни гаровга қўйиб айтаманки, у эмас! Мени яна битта нарса қизиқтиради: ахир унинг ўзи чиндан ҳам борми? Агар у дунёни бошқариши керак бўлса-да – бошқармаса, унинг нима кераги бор – у ҳолда нега у менинг хўжайиним ёки анави сизнинг кассирингизга ўхшаганларнинг отлари бўлиши ва фақат ўз эрларини севиб, унга бола туғиб бериб, ва бундан уялмай ўзлари истаганча бахтли бўлишлари керак бўлган чиройли қизларни сотиб олишларига йўл қўйиб беради?

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Мораги водийсига олиб борадиган эски тикка йўлдан тепага кўтарилганларидан сўнг, Билл уларга тез-тез нафас ростлаб олишларига қўйиб берганига карамай, отлар терлаб-пишиб кетган эди; Контра-Коста тепаликларидан ошиб ўтгач, экипаж яна ўшандай тикка қияликдан ям-яшил, сокин, куёш нурига кўмилган Редвуд дарасига пастлай бошлади.

– Жуда ажойиб-а? – қўли билан бир тўп тагида сув жимираётган дарахтлар ва ғувиллаётган арилар тўдасини кўрсатиб, деди Билл.

– Менга бу ерлар жуда ёқяпти, – деди Саксон. – Қишлоқда қолгим келяпти, ахир бутун умр шаҳарда яшаганман.

– Мен ҳам, гарчи бутун авлод-аждодларим умрини кишлоқда ўтказишган бўлса-да, бутун умрим шаҳарда ўтган.

– Ахир илгари шаҳарлар бўлмаган-ку. Ҳамма кишлоқда яшаган.

– Ҳа, сиз ҳақсиз, – бошини силкиб, кизнинг гапларини тасдиқлади Билл. – Улар ўз-ўзидан кишлоқда яшашга мажбур бўлишган.

Экипажнинг тормози бўлмагани сабаб Билл бутун диққатини тикка йўлдан тушиб келаётган отларга қаратди. Саксон кўзларини юмиб олиб, ўриндиққа суянганча, мисли йўқ оромга берилди. Йигит ўқтин-ўқтин кизнинг юзи ва юмук кўзларига қараб-қараб қўярди.

– Сизга нима қилди? – ниҳоят енгил хавотир билан сўради у. – Мазангиз йўқми?

– Йўқ, – деди қиз, – бироқ шунчалик мазаки, мен кўзларимни очгани ҳам кўрқяпман. Ҳаддан ташқари яхши. Ҳаммаси ростакам...

– Ростакам? Ажойиб-ку!

– Шундай эмасми? Ҳар ҳолда менга шундай – ростакам бўлиб туюляпти. Шаҳарда эса уйлар, кўчалар – ҳамма нарса – қалбаки, юзакига ўхшайди. Бу ерда эса бошқача. Нега бу сўзни айтдим – билмадим. Лекин шу сўз тўғри келади.

– Бироқ сиз ҳақсиз! – хитоб қилди йигит. – Сиз айтганингиздан кейин ўзим ҳам кўряпман. Бу ерда сунъийлик, ёлғон, алдаб кетишлар йўқ. Дарахтлар қандай ўсган бўлса шундай турибди – тоза, худди рингга эндигина чиққан ва ҳали унинг ҳамма ифлосликларини, виждонсизларча махфий тил бириктиришларни, фитна ва томошабинларни алдаш учун ким кўпроқ пул тиккан бўлса, ўшаларнинг айёрликларини билмайдиган ёш йигитлардек кучли. Ҳа, чиндан ҳам бу

ерда ҳамма нарса рўйирост. Ва сиз буларнинг ҳаммасини тушуниб турибсиз-а, Саксон?

Йигит жим бўлиб, анчагача қизга эркаловчи назар билан қараб қолар экан, унинг бу қараши қизнинг қалбида ширин хаяжон уйғотди.

– Биласизми, Саксон, мен бирор кун сизнинг олдингизда кураш тушишни хоҳлаяпман ва бу ўйин ҳалол бўлиб, ҳар дақиқада ҳушёрлик талаб қилинса, мен бундан тоза фахрланган бўлардим. Ва агар сиз менга қараётганингизни сезсам, балки албатта ютар эдим; аниқ айтаманки, бу ҳалол кураш бўларди. Ва яна қизиги шундаки, мен умримда бирор марта ҳам аёл кишининг олдида курашишни хоҳламагандим. Чийиллашади, пишиллашади ва ҳеч нарса тушунишмайди. Бироқ сиз тушунган бўлардингиз. Хоҳлаган нарсангиздан баҳс бойлашаман, ҳаммасини тушунардингиз.

Бир оз ўтиб, улар водийда жойлашган фермерларнинг пишиб етилган буғдой бошоқлари қуёшда ялтираётган ерларидан отларини чоптирганча кетиб боришар экан, Билл яна Саксонга гапира бошлади:

– Саксон, сиз бирортасини севиб қолганингиз албатта, бир марта юз бермаган бўлса керак? Айтиб беринг. Севги нима дегани?

Қиз секин бошини чайқади:

– Мен севиб қолдим, деб ҳаёл қилгандим холос, ва жуда ҳам кўп марта эмас.

– Демак, бари бир бўлган экан-да? – хитоб қилди йигит.

– Жиддий олиб қараладиган бўлса, бирор марта ҳам эмас, – йигит ўзи билмаган ҳолда рашкини сездириб қўйганига ичида суюниб, жавоб берди қиз. – Чинакамига мен ҳеч қачон севиб қолмаганман. Агар

бирортасини чиндан севсанг, ягона қилиниши керак бўлган нарса – унга турмушга чиқиш.

– Агар йигит сизни севмаса-чи – у ҳолда нима бўлади?

– У ҳолда билмадим, – ҳазил ва айна пайтда мағрурлик билан жилмайиб жавоб берди қиз. – Менимча, йигит мени севиб қолишига эришардим.

– Мажбур қила олган бўлишингизга аминман! – кизикқонлик билан жавоб берди Билл.

– Ёмони шундаки, – гапида давом этди қиз, – шу пайтгача мени севиб қолган йигитларга мен ҳеч қачон ўзаро кўнгил яқинлиги билан жавоб бермаганман... Вой, қаранг!

Ўз изидан чанг-тўзон қолдириб, йўлни ёввойи қуён кесиб ўтди. Кейинги қайрилишда шундоққина отларнинг оёғи остидан беданалар тўдаси ҳавога кўтарилди. Билл ҳам, Саксон ҳам ҳайратдан беихтиёр қичқириб юборишди.

– Эҳ, афсус, фермер бўлиб туғилмаганман-да! Одамлар шаҳарларда яшаш учун яралишмаган.

– Ҳар ҳолда бизга ўхшаганлар эмас, – чуқур хўрсиниб, кўшиб кўйди қиз ва бир оздан сўнг яна давом этди: – Бу ерда ҳамма нарса ажойиб! Бутун ҳаётингни табиат кўйнида ўтказиш – ажойиб туш бўлса керак. Мен баъзан ҳинду бўлиб туғилмаганимга афсусланиб кетаман.

Билл бир неча маротаба нимадир демоқчи бўлди, бироқ индамай кўя қолди.

– Сиз севиб қолгандим, деб ўйлаганингиз анави йигитлар ҳақида гапингизни тугатмадингиз... – деди ниҳоят, йигит.

– Жуда ҳам билгингиз келяптими? – сўради қиз. – Очиғи, гапиришга арзимаيدди.

– Албатта, билгим келаятти. Қани! Бошланг!

– Биринчисининг исми Ол Стэнли эди...

– У нима иш қиларди? – худди шундай савол беришга ҳақи бордек оҳангда сўради Билл.

– У қиморбоз эди.

Шу заҳотиёқ Биллнинг юзи тундлашиб, кўзлари хиралашиб кетди, Саксон унинг ўзига тикилган кўзларида иккиланиш сезди.

– Э-э, бу кўркинчли эмас, – кулиб юборди Саксон, – мен у пайтда эндигина саккиз ёшда эдим. Кўрдингизми, мен сизга бошидан айтиб беряпман. Мен уни биринчи марта онамнинг вафотидан сўнг Кэди деган одам мени тарбиясига олган пайтда кўрган эдим. Бу Кэди деганларининг Лос Анжелосда меҳмонхона ва бари бор эди. Меҳмонхона кичкина эди; у ерда асосан ишчилар, ҳатто қора ишчилар, темирўл хизматчилари тўхташарди ва мен энди тушунимча, Ол Стэнли уларнинг ойликларининг кўп қисмини ўз кармонига уриб қоларди. У шундай келишган, камгап одам эди; овози майин, кўзлари чиройли, кўллари топ-тоза ва юмшоқ эди. Мен уларни ҳозир ҳам кўриб тургандекман. Тушлиқдан сўнг у мен билан ўйнар, конфетлар билан сийлар ва кичкина совғалар берарди. У куннинг кўп қисмини ухлаб ўтказарди. Мен ўша пайтда нега шундайлигини тушунмасдим. У менга кийимини ўзгартириб олган сеҳрли шахзодага ўхшаб туюларди. Уни ўша ер – барнинг ўзида ўлдириб кетишган, бироқ у ўлишдан олдин ўзига зарба берганларни ўлдиришга улгурган. Менинг биринчи севгим ана шундай ниҳоясига етган.

Кейинги сафар мен етимхонадан сўнг акамникида яшаётганимда – мен ҳануз уникида яшайман, ўн ёшга тўлганимда севиб қолдим. Менинг қахрамоним булка-

чи йигит бўлиб, у булкалар таркатарди. Мен деярли ҳар куни, мактабга кетаётганимда уни учратардим. У Вуд-стрит бўйлаб пастга кетиб, сўнг Ўн иккинчи кўчага қайрилар эди. Унга эътибор берганимнинг сабаби унинг от ҳайдагани бўлса керак. Ҳар ҳолда менинг унга бўлган севгим икки ойча давом этди; сўнгра у ишини йўқотдим ёки у билан бирор ҳодиса содир бўлдими, булкаларни бошқа йигит таший бошлади. Шундай қилиб, биз бир-биримизга бир оғиз ҳам сўз айта олмаганмиз.

Кейин, мен ўн олти ёшга тўлганимда, ҳисобчи йигит пайдо бўлди. Менинг ҳисобчилардан омадим келган! Ахир Чарли Лонг кирхонамиздаги ҳисобчига мени рашк қилиб, уриб дабдаласини чиқарган. Буниси билан эса мен Хикмейрнинг консерва заводида ишлаётганимда танишгандим. Унинг ҳам қўллари ғалати эди. Бироқ у тезда менинг жонимга текканди. У... нима десам экан... сизнинг хўжайинингизга ўхшаганлардан эди. Ва, Билли, чин сўзим, мен уни ҳеч қачон чинакамига ёқтирмаганман. Қалин қоғоз қутилар фабрикасида ишлаганимда эса мен “Эмпориум”да – сиз биласиз, Ўн биринчи ва Вашингтон-стритда жойлашган, ишлайдиган сотувчини севиб қолганимга ўхшаб туюлди. Шунака келишган эди! Ўта келишган! Бироқ юрагида ҳеч ўти, шижоати йўқ эди! У менга уйланмоқчи бўлганди. Бироқ бу мени ҳеч кизиқтирмасди. Уни севмаслигим аниқ эди: шунақанги орик, қўллари доим муздек, терлаган бўларди. Бироқ шунака кийиниб кўярди – худди сурат дердингиз. У ўзимни сувга ташлайман, ундай қиламан, бундай қиламан деб мени кўрқитди, бироқ мен у билан алоқамни уздим.

– Кейин эса... кейин ҳеч нарса бўлгани йўқ. Мен одам танлайдиган бўлиб қолдим шекилли, менга ҳамма

одамлар севишга арзимайдиганга ўхшаб туюладиган бўлиб қолди. Менинг эркаклар билан муносабатларим тўғрироғи ўйин ёки курашга ўхшарди. Бироқ биз очиқчасига ва ҳалол курашардик. Доим биз бир-биримиздан қарталаримизни яширадиганга ўхшардик. Ҳеч қачон очиқ гапни гапирмасдик, ҳар биримиз алдашда бир-биримиздан ўтишга ҳаракат қилардик. Чарли Лонг эса ҳар ҳолда алдашга уринмади, ўзини виждонли тутди. Банкдаги кассир ҳам шундай эди. Бироқ уларнинг муносабатлари ҳам менда душманлик ҳиссини уйғотарди. Менда доим, эркаклар билан эҳтиёт бўлиш керак, деган ҳиссиёт бўларди. Шароит бўлди дегунча улар мени аяб ўтиришмайди – мен буни аниқ билардим.

Саксон жим бўлиб қолганча, диққат билан отларни ҳайдаб кетаётган Биллга ён томонидан қаради. Йигит қизга савол аломати билан қараб, унинг жилмайиб турганини кўрди. Қиз чарчагандек, керишди.

– Мана, бори шу! Мен сизга – ҳаётимда биринчи марта эркак кишига, ҳаммасини айтиб бердим. Энди сизнинг навбатингиз.

– Менинг ҳам айтишга арзайдиганларим жуда кўп эмас. Мен кизларга жуда кўп ҳам қизикмаганман – уйланишни хошлаш даражасида, демоқчиман. Мен кўпроқ эркаклар, Билл Мэрфи каби йигитлар билан дўстлашардим. Ундан ташқари мен доим жуда банд эдим – аввал машғулотлар, кейин бокс ва аёллар билан борди-келди қилишга вақтим йўқ эди. Саксон, балки мен доим ҳам оппоқ бўлмагандирман – нима деяётганимни ўзингиз тушуниб турибсиз – бироқ шу пайтгача мен бирорта қизга севги изҳор қилмаганман. Бунга асос бўлмаган.

– Бироқ қизлар бари бир сизни севаверишган, – йигитнинг бу гапидан юраги қувончга тўлган бўлса-да, қиз унинг гашига тега бошлади.

Йигит отларга ўгирилиб олди.

– Ва битта эмас, иккита ҳам эмас, жуда-жуда кўшлар, – гапида туриб олди қиз.

Йигит ҳали ҳам жавоб бермасди.

– Ахир шундай эмасми?

– Балки тўғридир, бироқ бу менинг айбим эмас, – аста деди йигит. – Агар улар менга кўзларини сузгилари келаётган бўлса, менда нима гуноҳ? Менинг ҳам улардан ўзимни олиб қочишга ҳақим бор, тўғри-ми? Саксон, сиз аёлларнинг боксёрлар кетидан қандай югуришларини тасаввур ҳам қила олмайсиз. Баъзан менга шундай туюладики, уларнинг барида – аёлларда ҳам, ёш қизларда ҳам, уят деган нарса, оддий аёлларча уялиш йўқ. Мен улардан қочмаган эмасман, йўқ, мен уларнинг кетидан қувмаганман. Уларни деб азоб чекадиган эркак – тентақдир.

– Балки, сиз, шунчаки, севишга қодир эмасдирсиз? – сўради қиз.

– Бўлиши мумкин, – қизни доғда қолдириб, жавоб берди йигит. – Ҳар ҳолда ўзи менинг бўйнимга осилдиган қизни севиб қолишни тасаввур қила олмайман. Бу ёш йигитчалар учун яхши, бироқ ҳақиқий эркакка аёл унинг кетидан юриши ёқмайди.

– Менинг онам доим ҳаётда севгидан юқори нарса йўқ, деб айтарди, – деди Саксон. – Ва у севги тўғри-сида шеърлар ҳам ёзган. Улардан баъзилари Сан-Хоседаги “Меркурий” газетасида босилиб чиққан.

– Сиз ўзингиз севгига қандай қарайсиз?

– Билмадим... – йигитнинг кўзларига бир оз истехзо билан қараб, тўғри жавобдан қочди қиз. – Бироқ

бугунгидек кунда бу дунёда яшаш менга жуда яхшидек туюляпти.

– Албатта, – шоша-пиша кўшиб кўйди йигит. – Ва яна шундай сайр бўлаётган чоғда...

Соат бирда Билл қайрилиб, ўрмон олдидаги майдонда тўхтади.

– Энди бирор нарса еб оламиз, – деди у. – Мен бирорта қишлоқ қовоқхонасига киргандан кўра ўрмонда очик ҳавода овқатланиб олганимиз яхши деб ўйладим. Мана шу ерда кулай ва хотиржам ўрнашиб олишимиз мумкин. Мен аввал отларни қантариб кўяман. Шөшадиган жойимиз йўқ. Сиз эса саватдан нарсаларни олиб, экипаждаги фартук устига нонушта тайёрлайверинг.

Саксон саватдаги егуликларни ола туриб Билл қилган харажатларидан даҳшатга тушди. У ерда турли туман егуликлар: чўчка гўштидан тайёрланган сэндвич ва жўжалар, қисқичбақа салати, қайнатилган тухум, зайтун, Швейцария пишлоғи, тузланган бодом, апельсин, банан ва бир неча шиша пиво ҳам бор эди. Овқатларнинг тури ва кўплигидан қиз хижолат тортди; афтидан Билл бутун бир озик-овқат магазинини бўшатишни мақсад қилган, шекилли.

– Нега шунча пул сарфладингиз, ахир? – йигит ёнига келиб, ўт устига ўтирганда уни уришди Саксон. – Бу билан бутун бир қурувчилар тўдасини боқиш мумкин.

– Ҳаммаси жуда мазали нарсалар-а?

– Албатта, – йигитни юпатди қиз, – фақат, гап шундаки, жуда кўп.

– Унда ҳаммаси жойида, – деди йигит. – Етмай қолганини ёмон кўраман. Озгина пиво олинг, йўлдан кейин томоғимизни хўллаб оламиз. Айтганча, стаканларга эҳтиёт бўлинг – қайтариб беришимиз керак.

Овқатланиб олишгандан кейин Билл ёнбошлаб олиб папирос тутатди ва Саксонга унинг болалиги ва ўсмирлик даври тўғрисида саволлар бера бошлади. Қиз унга ўзининг акасиникидаги ҳаёти тўғрисида гапириб берди: қиз уникида яшаётгани учун акасига ҳафтасига тўрт ярим доллар тўлайди. Ўн беш ёшида мактабни тугатиб, ҳафтасига тўрт доллар ишлаб топиш учун каноф фабрикасига ишга кириб, ундан уч долларини Сарага берган.

– Анави қовокхона эгаси-чи, эсингиздами? – сўради Билл. – У нега сизни тарбиясига олган?

Саксон елкасини қисди.

– Очиғи, билмайман. Балки менинг ҳамма қариндошларим ёмон яшашгани учундир. Топганлари яшашга зўрға етарди. Қовокхоначи Кэди отамнинг ротасида солдат бўлган, “капитан Кит” номи билан қасам ичарди – уни шундай деб аташарди. Кэди урушда ярадор бўлганда, отам хирурглар унинг оёғини кесишларига йўл қўймаган экан ва у бир умр ўз командиридан миннатдор бўлиб ўтган. Меҳмонхона ва бар унга яхши даромад келтирган ва мен кейинчалик у бизга жуда кўп ёрдам бергани, онамни кўмишларида отамнинг ёнида турганини биламан. Мен онамнинг хошиши бўйича Вилл амакимникига боришим керак бўлган, бироқ унинг ранчоси жойлашган Вентур тоғларида ўша пайтларда тартибсизликлар рўй бераётган бўлиб, ҳатто ўлганлар ҳам бор эди. Амаким қамоқда узоқ вақт ўтириб чиққан, чиққанида эса унинг ранчоси адвокатлар қарорига биноан аукционда сотилиб кетган эди. У энди кексайиб қолган бўлиб, камбағал, кўлида касал хотини бор эди. У ойига қирқ доллар маош билан тунги қоровул бўлиб ишлашига тўғри келганди.

Шунинг учун у энди менга ҳеч қандай ёрдам бера олмаслиги сабаб, Кэди мени ўз қарамоғига олган эди.

Кэди ковокхоначи бўлса-да, жуда яхши одам эди. Унинг хотини баланд бўйли, чиройли аёл эди... Тўғри, ахлоқи жуда ҳам яхши эмасди... Мен буни кейинчалик эшитганман. Бироқ унинг менга муносабати жуда яхши эди, шунинг учун унинг тўғрисида нима деганлари, агар бу гаплар чин бўлган тақдирда ҳам, мен учун бари бир. Мен ундан фақат яхшилик кўрганман. Эрининг ўлиmidан кейин у бутунлай йўлдан тойиб кетди ва шу сабаб мен етимхонага бориб қолганман. У ерда жуда ёмон қийналганман. Бироқ у ерда уч йилгина бўлдим. Шу орада Том уйланиб, доимий иш топди ва мени ўзи билан олиб кетди. Шундан бери уникидаман ва деярли бутун вақтим ишда ўтади.

Қиз ғамгин назар билан узоқларга боқар экан, нигоҳи очилиб ётган лолақизғалдоқлар орасида баланд ўсган қандайдир бутада тўхтади. Билл ҳали ҳам ўт устида ётганча, завқ билан қизнинг сал чўзиқроқ нозик юзини кўздан кечирарди; ниҳоят у қизни аста туртиб, шивирлади:

– Бечорагина!

Шундай дер экан, йигит қизнинг тирсагигача очик бўлган билагидан юмшоқлик билан секин ушлади; қиз кўзларини пастга олиб унга қарар экан, йигитнинг кўзларида ажабланиш ва қувонч ифодасини кўрди.

– Терингиз муздеккина-я, – деб қўйди йигит. – Мен эса доим қайноқман. Ушлаб кўринг.

Йигитнинг қўли илиқ ва нам эди, қиз унинг пешонаси ва яхшилаб қирилган юқори лаби устида худди маржондек тер томчиларини кўрди.

– Вой, бутунлай ҳўл бўлиб кетибсиз-ку!

Қиз энгашиб, дастрўмоли билан аввал унинг пешона ва лабларини, сўнгра кафтларини артиб қўйди.

– Мен чиндан ҳам терим орқали нафас оламан, – кулди йигит. – Гимнастика мактаблари ва тренировка залларидаги ақллиларнинг айтишларича бу – саломатлик белгиси экан. Бироқ мен бугун одатдагидан кўпроқ терляяпман. Ажойиб-а?

Йигитнинг кафтларини артиб қўйиш учун қиз унинг қўлини ўз қўлидан ажратишига тўғри келди, бироқ у бу ишни тугатиши билан Биллнинг бармоқлари илгариги жойига қайтди.

– Йўк, чиндан ҳам сизнинг терингиз муздек, – яна ажабланганча бояги гапини қайтарди йигит. – Худди духобадек ва ипакка ўхшаб майин ҳамда... жуда ёқимли.

Йигитнинг қўли эҳтиёткорлик билан қизнинг панжаларидан тирсаги томон ҳаракат қилиб, орқага қайтар экан, ярмида тўхтаб қолди. Қалбини ширин ҳислар чулғаб олган ва куннинг иссиғидан толиққан қиз ичида ўзи йигитнинг қўлларидан ҳаяжонга тушаётганини тан олди ва кўзи илингудек бўлиб ўтирар экан, бу йигитни – унинг қўлларини, ўзини севиб қолган бўлиши мумкинлигига иқроп бўлди.

– Мана, ҳамма салқинингизни мен ўзимга олиб олдим, – қизга қарамай деди йигит, бироқ қиз йигитнинг кулимсираётганини кўриб турарди. – Энди кафтимни иситиб оламан.

Йигит майинлик билан қизнинг қўлини силади, у эса пастга, йигитнинг лабларига қараб беихтиёр, йигит ўзини биринчи марта ўпгандаги ҳаяжонли ҳолатини эслади.

– Қани, гапираверинг, давом этинг, – бир неча дақиқалик ажойиб сукунатдан сўнг сўради йигит. –

Мен сиз гапирәйтганингизда лабларингизга қараб ўтиришни яхши кўраман; бу жуда кулгили, аммо лабларингизнинг ҳар бир қимирлаши енгилгина ўпиб қўйганга ўхшайди.

Қиз бу ажойиб кайфиятни ҳеч бузгиси келмаса-да, деди:

– Ҳозир мен айтадиган нарса сизга ёқмайди, деб кўрқаман.

– Айтинг, – талаб қилди йигит, – сиз менга ёқмайдиган нарса айтишингиз мумкин эмас.

– Унда эшитинг. Ҳов анави бутанинг тагида полақизғалдоқ бор экан, ўшани жуда узгим келяпти. Кейин... кетадиган вақт ҳам бўлди.

– Мен ютқиздим, – кулди йигит. – Бироқ нима бўлганда ҳам сиз ҳавога йигирма бешта бўса юбордингиз. Мен санаб турдим. Энди, биласизми, нима? “Ўрим тугаганда”ни айтиб беринг... Қўшиқ айтаётганингизда иккинчи муздек қўлингизни менга бериб турунг. Ана шундан кейин кетамиз.

Қиз йигитнинг қўзларига қараб қўшиқни бошлади, у эса кизнинг лабларига қараб ўтирди. Қўшиқни тугатгач, аста йигитнинг қўлини ўз қўли устидан олиб, ўрнидан турди. Йигит отларга қараб юрмоқчи бўлганда, киз унга кофтасини узатди. Қиз ўзи учун ўзи пул топадиган ҳамма кизлардек мустақиллигига қарамай, эркак кишининг эътиборли бўлганини ёқтирарди; бундан ташқари у болалигида биринчи америкалик пионерларнинг хотинларидан эшитган ҳикояларидаги йигитларнинг аёлларга нисбатан назокатли бўлганликлари тўғрисида эшитган эди.

Улар жануби-шарқ томонга катта айланиш қилиб Контра-Коста тепаликларидан ошиб ўтишди ва аста Фрутвэйлга туша бошлашди. Пастда шахмат тахтаси

каби денгизгача чўзилиб кетган далалар ва Элм-Хэрст, Сан-Леандро, Хейуордс шаҳарчалари бор эди. Ғарбда Окленднинг тутунлари горизонтни чойшабдек ўраб олган бўлса, нарироқда, кўрфазнинг нариги томонида Сан-Францискодаги биринчи чироқлар ёна бошлаган эди.

Бирок, коронги тушиб, Билл ғалати алфозда жим бўлиб қолди. У деярли ярим соатча худди Саксонни бутунлай унутиб қўйганга ўхшаб, фақат кечкурунги совуқ шамол эсгандагина ўзи билан қизнинг оёғини қаттиқроқ ўраб қўйиш учун ўзига келди. Саксон ўртадаги сукунатни бузиш ва йигитдан “Нимани ўйлаяпсиз?” деб сўраш учун ўн маротаба тайёрланди, бироқ ҳадди сиғмади. У йигитга жуда яқин, деярли ёпишиб ўтирарди. Уларнинг таналари бир-бирини иситаётган бўлиб, қиз ғоят маъсуд ором ҳиссини туюётган эди.

– Саксон, менга қаранг, – бирдан гап бошлади йигит. – Ортиқ жим туришнинг хожати йўқ. Эрта-лабдан бери, бутун кун бўйи бу гап менинг тилимда айланяпти. Иккаламиз турмуш курсак-чи?

Ич-ичидан қувонганча, Саксон йигитнинг жиддий гапираётганини тушунди. Бироқ ички бир сезгиси унга яхшиси шопилмасликни, дарров рози бўлмасликни айтиб турарди. Яхшиси йигит унга интилсин, ўзи унга яна ҳам кадрлироқ, яна ҳам исталганроқ бўлсин. Бундан ташқари, йигит бир оз унинг аёллик ҳамиятига теккандек ҳам эди: қиз ҳеч қачон у ўзини бахш этадиган инсон бундай таклифни шунчалик хотиржам ва ақл-идроқ билан қилади, деб тасаввур қилмаган эди. Йигитнинг бу содда ва рўй-ростлиги қизни деярли ҳақоратлагандек бўлди. Бошқа томондан эса, ҳозирда,

Йигит ўзи учун кўл етар бўлган онда, унинг ўзи учун қанчалик азиз бўлиб қолганини ҳам тушунди.

– Саксон, бирор нима десангиз-чи. Ҳа ёки йўқ – менга ҳозир жавоб беришингиз керак. Билиб қўйинг – мен сизни севаман. Қанчалик қаттиқ севишимни ёлғиз Худо биледи. Менга турмушга чиқишингизни сўраётган эканман, шундай бўлса керак, чунки мен ҳали бирорта қизга бундай таклиф қилмаганман.

Яна жимлик чўкди ва Саксон ўзининг фартук остидаги тиззалари йигитникига тегиб кетаётганидан пайдо бўлган одамни ҳаяжонлантирувчи ҳиссиётга берилгудек аҳволда эди. Бу фикрлар нимага олиб бориши мумкинлигини тушуниб, қиз қоронғида қизариб кетди.

– Билли, ёшингиз нечада? – йигит унга турмушга чиқишни таклиф қилганидаги каби совуққон оҳангда сўради қиз.

– Йигирма икки, – жавоб берди йигит.

– Мен эса йигирма тўрт ёшдаман.

– Мени билмайди, деяпсизми? Сиз етимхонадан чиққанингизда неча ёшда бўлганингизни, фабрикаларда, консерва заводида, қирхонада неча йил ишлаганингизни айтиб бердингиз... Нима, сизнингча, мен санашни билмайманми? Албатта, сизнинг неча ёшда эканлигингизни, ҳатто туғилган кунингизгача ақл югуртириб билиб олишим мумкин эди.

– Нима бўлганда ҳам мен сиздан икки ёш катта эканлигим бор гап.

– Нима қилибди? Агар бунинг бирор аҳамияти бўлган тақдирда мен сизни севамаган бўлардим, тўғрими? Сизнинг онангиз чиндан ҳам ҳақ бўлган: ҳаётда севгининг аҳамияти жуда катта. Ҳамма гап ана шунда. Ахир ўзингиз кўрмаяпсизми? Мен сизни севаман ва сиз меники бўлишингизни хоҳлайман. Ахир бу

табий-ку. Мен отлар билан, итлар билан ва одамлар билан ҳам ишлаганимда ҳамма табий бўлган нарсалар тўғри ва яхши эканлигига амин бўламан. Бу ерда эса ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Саксон, сиз менга кераксиз ва умид қиламанки, мен ҳам сизга керакман. Балки менинг қўлларим анави ҳисобчиларингизникига ўхшаб майин эмасдир, бироқ бу қўллар сиз учун ишлайди ва сизни ҳимоя қилади. Асосийси, Саксон, улар сизни доимо севади.

Саксон одатда эркакларга нисбатан ҳис қиладиган эҳтиёткорлик ҳисси бу сафар қаёққадир йўқолгандек эди: у ўзини ҳимоя қилиш эҳтиёжини сезмаётган эди. Ҳозир энди бу ўйин эмас эди. Бу — у ўзи орзу қилган, ўзи истаган нарса эди. Биллнинг олдида у ўзини ҳимоя-сиздек сезар ва бу ҳиссиёт унга қувонч бахш этаётган эди. У йигит ўзини бошқа эркаклардек тутган тақдирда ҳам, йигитга ҳеч нарсани рад қила олмасди. Ўзини ҳайрон қолдирган бу фикрдан бошқа хулоса ҳам келиб чиқди: йигит ўзини бошқача тутмаётган ҳам эди.

Қиз сукут сақлашда давом этди. Ниҳоят, бутун борлигини эгаллаб олган ҳислар оғушида қиз жавоб ўрнига қўлини чўзиб, йигитнинг қўлини от жиловидан ажратмоқчи бўлди. Йигит у нима қилмоқчи бўлаётганини тушунмади, бироқ қиз қатъий турганини сезиб, жиловни ўнг қўлига олиб, унга чап қўлини тутди. Қиз энгашиб, йигитнинг кафтидаги қадоқларга лабларини босди.

Йигит бир дақиқа қотиб қолди.

— Сен ... чиндан ҳам? — ёлдилди у.

Қиз яна йигитнинг қўлларини ўпиб, шивирлади:

— Билли, мен сенинг қўлларингни яхши кўраман. Улар мен учун дунёдаги энг ажойиб қўллар ва менинг

уларга муносабатим тўғрисида гапиришим учун жуда кўп вақт керак бўлади.

– Тўхта! – бирдан отларни тўхтатди йигит.

Йигит отларни тинчлантириб, жиловни хомутга ўраб қўйди, сўнгра Саксонга ўгирилиб, уни кучоклади ва лабини қизнинг лабларига босди.

– Билли, мен сенга яхши хотин бўламан, – деди қиз ва йигит уни кучоғидан қўйиб юборганда, йиғлаб юборди.

Йигит қизнинг ёшли кўзларини ўпиб қўйди ва яна унинг лабларини топди.

– Энди мен эрталаб овқат пайтида нималарни ўйлаганимни ва нима учун тер босганини биласан. Ортик жим юришга тоқатим қолмаган эди. Ахир, мен сени биринчи кўрган кунимданок ёктириб қолганман-ку!

– Билли, мен ҳам сени ўша биринчи учрашувда, эсингдами, ўшанда ёктириб қолганман. Ўша куни бутун кун бўйи сен билан фахрланиб юрганман: сен шундай сезгир, эътиборли ва айни пайтда кучли эдинг. Мен ҳамма эркаклар сени ҳурмат қилишларини, қизлар эса кетингдан юришларини кўрдим. Кейин сен анави учта ирландиялик билан зўр муштлашдинг. Мен ўзим фахрланадиган инсонни севмаслигим ёки унга турмушга чиқмаслигим мумкин эмас; сен билан эса шундай фахрланаман, шундай фахрланаман!

– Ҳозир мен ўзимдан фахрланаётганимдан камроқ бўлса керак, – кулди йигит, – ахир мен ўз мақсадимга эришдим – сенга етишдим. Ва бу шунчалик яхшики, одамнинг ишониши ҳам кийин. Бирдан будильник жиринглаб қолиб, уйғониб кетсам-да – ҳаммаси туш бўлиб қолса... Жиринглаб қолса ҳам, мен ўша икки-уч дақиқадан фойдаланиб қоламан. Эҳтиёт бўл, сени еб қўяман. Сени шунчалик соғинганман!

Йигит қизни яна кучоғига олиб, оғритгудек қилиб бағрига босди. Қизга йиллар давомида роҳатлангандек туюлган шу дақиқалардан сўнг йигит уни зўрға бағридан бўшатди.

– Будильник ҳали жирингламаяпти-ку, – ёноғини қизнинг ёноқларига босиб, шивирлади у, – атрофимизда эса қоп-қора тун, пастда эса Фрутвэйл чироклари чарақлаб турибди. Ва қара: Шаҳзода билан Қирол йўлнинг ўртасида жимгина туришибди. Бир куни келиб жиловни кўлимга олиб, шундай иккита отни хайдагим келмай қолади, деб ҳеч қачон ўйламагандим. Ва шундай пайт етиб келди! Мен сендан ажралгим келмаяпти, бироқ бу керак. Ҳеч ҳам кетгим келмаяпти, бироқ энди кетишимиз керак.

Йигит қизни яна жойига ўтказиб, оёқларини ўраб қўйди ва аллақачон сабрсизлана бошлаган отларга қараб, ҳуштак чалди.

Ярим соатдан сўнг йигит яна отларни тўхтатди.

– Ухламаётганимни энди яхши биламан, бироқ бу туш эмаслигини яна бир марта текшириб кўришим керак.

Яна жиловни кўлига ўраб, қизни кучоқлади.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Саксон кунларнинг учиб кетаётганини сезмаётган эди. У кирхонада берилиб ишлар, одатдагидан ҳам кўпроқ ишлар, бутун бўш вақтини эса Билл ва яқинда ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга бераётган эди. Йигит жуда қизикқон чикиб қолиб, севги изҳор қилган куннинг эртасигаёқ унаштириш маросимини ўтказишни сўраб қолди; уни бир ҳафта кутиб туришга зўрға кўндиришди.

– Кутишнинг нима кераги бор? – сўради у. – Бу бизга ёш кўшиб бермайди, ўзинг ўйлаб кўр – ҳар куни қанча вақтни йўқотяпмиз!

Ахири у бир ҳафта кутишга рози бўлди ва бу жуда яхши бўлган экан, чунки икки ҳафтадан сўнг уни шериклари билан Окленднинг ғарбий қисмидаги Корберли ва Моррисонларнинг отхонасига юборишди. Шаҳарнинг бошқа қисмидан квартира излашлар тугаб, ёш жуфтлик Тўртинчи ва Бешинчи кўчалар ўртасидаги Пайн-стритда, шундай Жанубий Океан темир йўл вокзалининг ёнгинасида ойига ўн доллар тўланадиган тўрт хонали шинамгина уйни ижарага олишга муваффақ бўлишди.

– Агар менинг илгариги бошпаналаримга солиштирадиган бўлса бу жуда арзон, – деди Билл. – Менинг ҳозирги хонам бу квартиранинг энг кичкина хонасидан катта эмас, мендан ўша хона учун олти доллар шилиб олишади.

– Аммо у хонангда мебель бор, – йигитнинг ёдига солиб қўйди Саксон, – шунинг учун фарқи шунақа.

Бироқ Билл кулоқ солишни ҳам истамади.

– Саксон, мен ўқимаган бўлсам-да, арифметикани яхши биламан. Қийин пайтларда мен соатимни гаровга қўйиб, фоизларини жуда яхши ҳисоблардим. Нима деб ўйлайсан, бутун уйни безатиш – шолчалар, ошхонага линолеум ва бошқалар қанчага тушаркин?

– Менимча, шу ҳаммасини уч юз долларга бемалол қилса бўлади, – деди Саксон. – Мен ҳаммасини ўйлаб кўрдим, менимча, шунча пул етади.

– Уч юз! – қошларини чимирганча, берилиб ичида ҳисоблади йигит. – Олти фоиздан уч юз... Демак бир доллардан олти цент, ўн доллардан олтмиш цент, юздан олти доллар, уч юздан ўн саккиз доллар. Мен

ўнга кўпайтириш бўйича кучлиман! Энди ўн саккизни ўн иккига бўл: ойига бир ярим фоиз чиқади.

Масалани яхши ечганидан хурсанд бўлиб кетган йигит тўхтаб қолди. Бирдан хаёлига келган янги фикрдан юзи ёришиб кетди:

– Тўхта! Ахир бу ҳаммаси эмас! Ахир бу тўрт хонадаги мебель учун фоиз. Энди тўртга бўл. Бир ярим долларни тўртга бўлса неча бўлади?

– Ўн бешни тўртга – уч ва уч қолдиқда, – тез-тез ҳисоблай бошлади Саксон. – Ўттизни тўртга – етти, йигирма саккиз ва икки қолдиқда; иккита чорак ярим бўлади. Бўлди!

– Баракалла! Зўр кўпайтирар экансан. – Бир дақиқалик иккиланишдан сўнг йигит давом этди: – Эътибор қилмаётгандим... қанча чикди дединг?

– Ўттиз етти ярим цент.

– Аҳа! Энди менинг ижарадаги хонам учун мендан қанча ортиқча шилиб олишларини ҳисоблаймиз. Агар тўртга хона ойига ўн доллар турадиган бўлса, унда бир хона икки ярим доллар туради. Энди мебель учун ўттиз етти ярим центни кўш – икки доллар саксон етти ярим цент чикяпти. Олти доллардан айириб ташлаш керак...

– Уч доллар ўн икки ярим цент қолади, – шу заҳоти ҳисоблаб чикди Саксон.

– Кўряпсанми, демак, мен хона учун ортиқча уч доллар ўн икки ярим цент тўлаётган эканман. Ана холос! Демак, уйланиш – пул тўплаш дегани экан-да!

– Бироқ, Билл, мебель эскиради.

– Эҳ, жин урсин! Мен буни ўйламабман. Буни ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Нима бўлганда ҳам уйимиз – биз учун топилма! Сен келаси шанба куни кирхонадан вақтлироқ кетасан ва иккаламиз уйга жиҳоз сотиб олгани борамиз. Мен кеча Сэлингер-

никига киргандим. Мен уларга эллик доллар аванс бераман, қолганини эса ойнага ўн доллардан тўлаб бораман. Икки йил ва бир ойдан кейин жиҳоз бизники бўлиб қолади. Ва, Саксон, билиб қўй, неча пул турса ҳам ўзингга керак ҳамма нарсани ол. Эшитяпсанми?

Қиз ҳисобсиз жамғармалар борасида ўйлаб қўйган режалари тўғрисида индамай, бошини силкиб қўйди. Унинг кўзлари намланди.

– Сен шундай кўнгилянсанки, – йигитнинг пинжигга кирар экан, шивирлади Саксон ва шу заҳоти ўзини йигитнинг кучоғида кўрди.

– Сени табрикласа бўлади шекилли, турмушга чиқишга қарор қилдингми? – Бир куни эрталаб кирхонада учрашишар экан, сўради Мери. Улар ҳали ўн дақиқа ҳам ишлашга улгурмасларидан Мери дугонасининг ўрта бармоғида топаз тошли узукни кўриб қолди. – У бахтли йигит ким экан? Чарли Лонгми ёки Билли Робертсми?

– Билли, – жавоб берди Саксон.

– Ҳм-м, ёш болани тарбиянга оляпсанми? – Саксоннинг юзидан саволи унинг оғриқли нуқтасига тегиб кетганини сезган Мери шу заҳоти айтган гапига пушаймон еди.

– Энди ҳазиллашиб ҳам бўлмайдими? Унга турмушга чиқаётганинг зўр бўлибди. Билли ажойиб йигит ва мен сен учун жуда хурсандман. Унақа йигитларни топиш осон эмас, топганда ҳам ундайларнинг уйланиши осон эмас. Икковингизнинг ҳам омадингиз келибди. Сизлар жуда кам учрайдиган бир-бирига мос жуфтликсизлар ва у ҳам сендан яхшироғини топа олмайди. Тўй қачон?

Бир неча кун ўтгач, кирхонадан қайтаётиб, Саксон Чарли Лонг билан учрашиб қолди. У қизнинг йўлини тўсиб, уни суҳбатга чорлади.

– Демак, сиз энди боксёр билан чақчақлашиб юрган экансиз-да? – истехзо билан сўради йигит. – Фақат кўр одамгина бу нима билан тугашини кўрмайди.

Саксон энди биринчи марта бу олдида турган қошлари қалин, бармоқлари юнгли баҳайбат йигитдан кўркмади. У йигитга ўзининг чап қўлини кўрсатди.

– Кўряпсизми? Сиз кучли бўлганингиз билан менинг бармоғимга никоҳ узуги тақишга кучингиз етмади. Билли Робертс эса буни бир ҳафтада уддалади. У ҳам сиздан кўркмади, Чарли Лонг, ҳам менинг кўнглимга йўл топа олди.

Қизнинг сўзларига жавобан йигит сўкиниб қўйди.

– Сиз унга тенг эмассиз, – давом этди Саксон. – У ҳақиқий эркак, виждонли ва тоза йигит.

– Сизни тоза лаққилатибди-ку! – хириллаб деди йигит.

– Керак бўлса сизни ҳам боплайди, – унинг гапини кесди қиз.

– Саксон, мен сизга у ҳақида бир нарса айтиб беришим мумкин... Иккимизнинг ўртамизда қолсин: у яхшигина ёлғончи. Агар мен бўлмасам...

– Биласизми, нима? Мени тинч қўйинг, – унинг гапини кесди қиз. – Акс ҳолда мен Биллга айтиб бераман ва нима бўлишини ўзингиз жуда яхши биласиз, мақтанчок, сурбет...

Лонг хижолатлик билан туриб қолди, бир оздан кейин эса хоҳламайгина нари кетди.

– Мана, сиз қанақа-экансиз, – хайрат аралаш оҳанг билан деди у, кета туриб.

– Билли Робертс ҳам шунақа... – кулди киз ва ўз йўлидан кетди. Бирок, бир неча қадам юргач, тўхтаб кичкирди: – Ҳой, менга қаранг!

Баҳайбат темирчи шу заҳоти ўгирилиб кизга қаради.

– Мен анави ерда бир чўлок одамни кўргандим. Жуда муштлашгингиз келаётган бўлса бориб, ўшани дўппосланг.

Бутун унаштириш даврида Саксон фақат бир мартагина катта харажат қилишга ҳадди сиға олди: бутун бир кунлик маошини расмга тушишга ишлатди. Билл агар ҳар куни кечкурун ётишдан олдин ва эрталаб уйғониши билан қизнинг расмига тўймаса, ҳаёт унинг учун тўхтаб қолишига уни ишонтирди. Бунинг ўрнига эса қиз йигитнинг иккита расмини олди. Расмларнинг бирида йигит спорт кийимида, иккинчисида эса костюмда эди. Қиз бу расмлар билан ойнасининг атрофини безатди. Биринчи расм қизга негадир онасининг қадимги саклар ва Англиянинг кирғоқларига ҳужум қилган денгиз викинглари ҳақидаги хикояларини ёдига солди. Қиз бутун прерия бўйлаб йўл босган эски комод ичидан яна бир муқаддас реликвия – Калифорниядаги пионерлар ҳаёти ҳақидаги шеърлар босилган газета кийкимлари ва эски расмлар ёпиштирилган онасининг альбомини олди. У таниш бетларни варақлаб, тезда кидираётган нарсасини топди. Суратда соҳилолди қоялари ва булутлар сузиб юрган кулранг осмон фонида қайрилган бурунлари уларни ғаройиб қушга ўхшатиб қўйган бир нечта узун, тор қайиқлар тасвирланган бўлиб, улар оппок кўпикланиб ётган кирғоқ ёнида туришарди. Бу қайиқлар қанотли шлем кийган малладан келган яланғоч кучли ҳарбийлар билан тўла эди. Уларнинг кўлларида қилич ва найзалар бўлиб, баъзилари

белларидан келадиган сувга сакрашар, бошқалари эса аллақачон сувдан кумга чикиб келишаётган эди. Қирғоқда эса атрофни кўриклаб, хиндуларга асло ўхшамаган яланғоч ёввойи одамлар кўриниб турарди. Улар тўда-тўда бўлишиб, баъзилари тиззасигача сувда турарди. Ерли халқ келганлар билан жанг қилишиб улгуришган бўлиб, ўлганлар ва ярадорларнинг танасини сув ювиб турарди. Малларанг истилочилардан бири қайиқда кўндалангига ётган бўлиб, унинг кўксига санчилиб турган камон ўқи унинг ўлими сабабини кўрсатиб турарди. Қўлида қилич билан унинг устидан сувга сакраётган бошқаси худди Биллнинг ўзи эди. Шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас: худди ўшаварникидек малларанг сочлар, ўшандоқ юз, кўз ва лаблар. Ҳатто юзидаги ифода ҳам худди Билл учта ирландиялик билан муштлашган кундаги каби эди.

Мана шу иккита жанговор қабила бағридан унинг халқи, Саксон ва Биллнинг аждодлари келиб чиққан, ўйлади Саксон. Худди шу хаёл билан альбомни ёпиб, қайтиб жойига қўйиб қўяр экан, қиз хўрсинди. Ҳа, шундай бақувват, меҳнатсевар аждодларга эга бўлиш ёмон эмас. Агар у хитойликми ёки италияликми бўлиб туғилганда унинг ҳаёти қандай бўларди? Қиз бундай аёлларни кўчаларда кўп учратарди: паст бўйли, кўполгина, қорачадан келган, рўмол ўраб олишган бўлиб, доим бошларида соҳилдан териб олишгани тўлқин келтириб ташлаган пайрахаларнинг оғир боғламини кўтариб келишарди. Саксон шу ерда ўз хаёлларидан кулиб юборди, Биллни, ўзларининг Пайн-стритдаги тўрт хонали уйларини эслади ва уйларининг жихозини эҳтимол юзинчи мартадир, энг майда-чўйдасигача кўз олдига келтириб, кўзи уйкуга кетди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

– Энди ортиқ мол-ҳолимиз йўқ эди, – ҳикоя қиларди Саксон, – киш яқинлашаётган бўлиб, Буюк Америка саҳросини кесиб ўтишга юрагимиз дов бермаётган эди, шунинг учун карвонимиз Солт-Лейк-ситида ўрнашди. У пайтларда мормонлар ёмон яшашмасди. Улар бизни яхши кутиб олишди.

– Худди ўзингиз ҳам ўша ерда иштирок этгандек гапириб бераяпсиз, – деб кўйди Билл.

– Менинг онам ўша ерда эди, – фахр билан деди Саксон. – Ўша йили қишда у тўққиз ёшга тўлган эди.

Улар ўзларининг Пайн-стритдаги ижара уйларида думалок ошхона столи атрофида ўтириб сэндвич еб, шишада пиво ичиб нонушта қилишарди. Яқпанба бўлгани учун улар тўргови ҳам бўш бўлишиб, эрта-лабдан бу ерга тўпланишган, чунки уларни бу ерда ҳар кунгидан ҳам оғирроқ иш кутиб турарди: деворларни ва ойналарни ювиш, полни кириб чиқиш, шолчалар ва линолеумни солиш, пардаларни осиш, плитани сошлаш, жиҳозларни ўрнатиш, ошхона ва емакхона идиш-товокларини жой-жойига қўйиш керак эди.

– Қани, Саксон, давом эт-чи, – деди Мери. – Роса сенинг ҳикоянгни эшитгим келаяпти. Сен эса, Берт, жим ўтир ва халал берма.

– Хў-ўш... Ўша йили қишда бизнинг олдимизда Дэл Хэнкок пайдо бўлди. У асли Кентуккидан бўлиб, кўп вақтини гарбда ўтказган эди. У ҳам Кит Карсон каби разведкачи бўлиб, Карсонни яхши танирди. Улар Кит иккаласи кўп маротаба бирга бўлишган экан. Икковлари ҳам генерал Фремонт билан Калифорния ва Орегонда бирга бўлишган. Хуллас, Дэл Хэнкок Солт-Лейк-ситидан ўтиб кетаётган эди, чунки у трапперлар

гуруҳини сув кундузи овлаш учун қандайдир янги жойга олиб кетаётган эди. У чиройли йигит эди: сочлари узун, худди Калифорниядаги испанлар каби курткасининг устидан ипак белбоғ тақиб юрарди. Ҳамма аёллар бир қарашда уни яхши кўриб қолишган эди. У онамнинг опаси Сэдини кўриб, уни ёқтириб қолади шекилли, чунки Солт-Лейк-ситида қолиб, кейин у ердан бир қадам ҳам жилмайди. У ҳиндулар билан кўп ва муваффақиятли курашади, мен ҳали жуда кичкиналигимда Вилла холамдан унинг кўзлари ажабланарли даражада қора чакноқ бўлиб, қарашлари бургутники каби эканлигини жуда кўп эшитган эдим. Ўша пайтлардаги одатлар бўйича у жуда кўп марта дуэлда кураш тушган ва дунёда ҳеч нарсадан кўркмас экан.

Сэди ҳақиқий гўзал эди, у Дэл Хэнкокка ғамзалар қилганда, йигит бутунлай ўзини йўқотиб кўярди. Балки, Сэди ўзининг севгисига жуда ҳам имони комил бўлмагандир, нима бўлганда ҳам у мен Биллига қилгандек, йигитга осонлик билан розилик бермаган. Ниҳоят, йигит ўз шароитининг ноаниқлигидан тоқати тоқ бўлиб, бир куни кечкурун отда холамнинг олдига худди ақлдан озгандек кириб келади.

“Сэди, — дейди у, — агар эртага мен билан унаштирилишга ваъда бермасангиз, мен бугун кечаси шу ернинг ўзида, молхонанинг орқасида ўзимни ўзим отиб кўяман”.

У шундай қилган ҳам бўларди. Сэди эса буни яхши биларди, шунинг учун розилик беради. Кўряпсизларми, у пайтларда севги ишлари қандай тез ҳал бўлган.

— Билмадим, — киноя билан деди Мери. — Сен ҳам Биллга уни биринчи марта кўрганингдан кейин бир ҳафта ўтиши билан ваъда бердинг. Агар рад жавоби

берадиган бўлсанг кирхонанинг орқасида ўзини отиб кўйишига Билл сени ишонтирдими?

– Мен уни бу даражагача олиб бормадим, – бўйнига олди Саксон. – Нима бўлганда ҳам Дэл Хэнкок ва Сэди холам эртаси кунёқ турмуш қуришган. Кейин улар жуда бахтли яшашган. Бироқ тез орада холам вафот этиб, эрини эса хиндулар генерал Костер ва бошқа қолганлар билан бирга ўлдиришади. У пайтда Хэнкок аллақачон қариб қолган эди, бироқ хиндулар ўлдиришгунча унинг ўзи уларнинг кўпини йўқ қилган. Унга ўхшаган одамлар доим курашиб туриб ўлишади ва ўз ўлимларини жуда қимматга сотишади. Мен болалигимда Ол Стэнли деганларини билардим. Қиморбоз, бироқ ажойиб эди. Бир куни, у стол олдида ўтириб ўйнаётганда, битта темирйўлчи уни орқасидан отади; бу отишдан у бир неча сония ичида вафот этади, бироқ унғача ўлими олдидан милтиқни кўтариб ўз қотилига қараб уч марта отишга улгуради.

– Мен муштлашишларни ҳам, отишларни ҳам ёқтирмайман, – деди Мери. – Бу менинг асабимга тегади. Берт тоза менинг ғашимга тегади: қачон қараса муштлашиш учун сабаб қидириб юради. Менимча, бу нарсаларнинг ҳеч кераги йўқ.

– Мен учун эса тескариси – шижоатсиз инсон ҳеч нарсага арзимади, – деди Саксон. – Агар аждодларимизнинг мардлиги бўлмаганда биз ҳозир шу ерда ўтирган бўлармидик?

– Билга келсак, у туғма жангчи, – гап қотди Берт. – Ҳамма томондан ажойиб йиғит. У могиқанлар қабиласидан, бош терисининг ҳақиқий овчиси, агар жажли чиқса – эҳтиёт бўл!

– Худди шундай, – таъкидлади Мери.

Уларнинг суҳбатларида иштирок этмаётган Билл ошхона ортидаги кичкина хонага кўз ташлади, кейин мехмонхона, ётоқхонага қараб, қайтиб шу кичкина хонага келди-да, эшик олдида тўхтаб, хўмрайди.

– Сенга нима бўлди, дўстим, – сўради Берт. – Кўринишингдан худди ниманидир йўқотиб қўйганга ўхшайсан. Нима қилди? Қани, айт-чи.

– Мен ҳайронман: жин урсин, бу хона учун каравот ва бошқа нарсалар қани?

– Ахир бу хона учун жиҳозлар буюртирмадик, – унга тушунтирди Саксон.

– Унда мен эртагаёқ буюртираман.

– Сизларга яна каравот нега керак? – сўради Берт. – Иккалангизга битта каравот камлик қиладими?

– Жим бўл, Берт! – хитоб қилди Мери. – Ўзингни тутсанг-чи.

– Вой, вой! – кулди Берт. – Қачон қараса ўргатганинг ўргатган.

– Бу хонамиз ортиқча, – деди Саксон Биллга қараб, – шунинг учун бу ерга жиҳоз буюртирмай, унинг ўрнига шолча ва плитанинг яхшироғини олдим.

Билл кизнинг олдига келиб, стулдан турғизди-да, уни кучоқлади.

– Тўппа-тўттри, кизи! Сен шундай қилганингдан жуда хурсандман. Бизда доим ҳамма нарсанинг энг яхшиси бўлиши керак. Бари бир эртага кечқурун иккаламиз Сэлингернинг олдига бориб гилам ва бу ётоқхона учун ҳам энг яхши жиҳозни танлаймиз! Тамом вассалом!

– Бироқ бу эллик доллар туради! – эътироз билдирди киз.

– Жуда яхши! Эллик доллар турса тураверсин, бир цент ҳам арзон бўлмасин. Бироқ яхши жиҳоз бўлади. Бўш хонанинг нима кераги бор? Бу бутун уйга

камбағалона тус беради. Биз бу уйни олиб, пулини тўлаб, калитни кўлимизга олганимдан бери, шу уй ҳақида, унинг борган сари чиройли ва шинам бўлиб бораётгани ҳақида ўйлайман. Ишончим комилки, турмуш курганимиздан кейин ҳам шундай бўлади. Шунинг учун ҳам ҳамма хоналар яхши жиҳозланган бўлиши керак. Агар ана шу хона бўм-бўш, очиқ пол билан қоладиган бўлса мен фақат ана шу файзсиз хонани кўраман. Ва ёлғон очилиб қолади. Бизнинг уйимизда ёлғон бўлиши керак эмас. Ана уни қара, Саксон, сен парда осиб кўйдинг-а – кўшнилари хоналар жиҳозланган деб ўйласин, деб. Бу пардалар алдаяпти, чиндан ҳам ҳамма аслида бу ерда йўқ нарсалар борлигига ишонади. Бироқ бизда бундай бўлиши керак эмас. Мен пардалар рост гапни гапиришини хоҳлайман.

– Сизлар бу хонани ижарага беришларинг мумкин, – таклиф қилди Берт. – Сизлар темирйўл устахоналари қатор жойлашган ерда яшайсизлар. Ресторан ҳам икки кадам нарида.

– Ҳеч ҳам! Мен Саксонга ижарага одам кўйиш учун уйланаётганим йўқ! Агар унинг ҳаётини чиройли қилиб бера олмасам, биласанми, нима қиламан? Узоқ соҳилбўйига бориб, бўйнимга тош бойлайман-да, “Ўйин тамом” деб сувга сакрайман. Тўғрими, Саксон?

Ортиқча жиҳоз сотиб олиш ақлсизликдек туюлаётган бўлса-да, Саксон Биллнинг гапларидан хурсанд бўлди. У кўллари билан йигитнинг бўйнидан кучоклаб, ўпиб кўйишдан олдин шундай деди:

– Билли, сен хўжайинсан. Сен нимани хоҳласанг, шундай бўлади. Ҳозир ҳам ва ҳар доим.

– Эшитдингми? – киноя билан Мерига қараб, деди Берт. – Мана, аёл киши қандай ўйлаши керак! Саксон ўзининг ўрнини билади.

– Мен эса биз бирор нимани ҳал қилишдан олдин бир биримиз билан маслаҳатлашиб оламиз, деб ўйлайман, – Саксоннинг гапига жавобан деди Билл.

– Эшитдингми? – тантана билан қайтарди Мери. – Билиб қўй, менга уйланмоқчи бўлган йигит ҳам мен билан ҳамма нарсани маслаҳатлашиши керак!

– Билл шунчаки Саксоннинг кулоғига лағмон осяпти! – эътироз қилди Берт. – Ҳамма йигитлар уйланиб олгунча шундай дейди.

Мери алам билан тўнғиллади:

– Мен эса баҳс бойлашаманки, Саксон кейин ҳам уни ўйнатади. Менга келсак, ҳамманинг олдида эпиттириб айтаман – мен эримнинг устидан юришни хоҳлайман ва юраман ҳам.

– Агар сен уни севсанг, бундай бўлмайди, – деб қўйди Саксон.

– Аксинча, – гапида туриб олди Мери.

Берт юзига ғамгин тус берди.

– Мана кўряпсизларми, шунинг учун ҳам биз Мери билан шу пайтгача турмуш қурмадик, – деди у. – Мен анави ўжар ҳиндуга ўхшайман: жин урсин, мен ўзимга вигвам қурадиган бўлсам, у ерда ўзим хўжайин бўла олмас эканман!

– Мен эса ҳинду аёл эмасман, – эътироз қилди Мери, – агар дунёда битта ҳам эркак қолмаган тақдирда ҳам, мен ўша ўжар ҳиндуга турмушга чиқмайман.

– Ўша ўжар ҳинду, ҳали сизга турмушга чиқишни таклиф қилмаган шекилли!

– Чунки у қандай жавоб олишини билади.

– Шунинг учун ҳам таклиф қилишдан олдин у ўн марта ўйлаб кўради.

Сухбатни ёқимлироқ мавзуга буриб юбориш учун Саксон қўлини бир-бирига уриб, хитоб қилди:

– Ёдимдан чиқиб кетибди-ку! Сизларга бир нарса кўрсатмоқчи эдим. – Қиз ҳамёнидан олгин узук олди ва ўтирганлар уни бир-бирларига узатиб, томоша қилишди. – Бу менинг онамнинг никоҳ узуги. Мен уни доим худди медальон каби бўйнимга тақиб юрардим. Етим-хонада роса йиғлаб ялинганим учун, бошлиқ уни менга тақиб юришга рухсат берганди. Тасаввур қилинглари-а! – келаси сешанба куни бу узук менинг бармоғимда бўлади! Билли, қарагин, ичида нима ўйиб ёзилган:

– “Д.га К.дан, 1879”, -- ўқиди йигит.

– Дзэига Карлтондан. Карлтон – отамнинг исми. Энди эса, Билли, бу узукка сен бизларнинг исмимизни ўйиб ёзишинг керак.

Мери хайратда эди.

– Ажойиб! -- хитоб қилди у. “С.га Б.дан. 1907”.

Билл бир дақиқа ўйланиб қолди.

– Йўқ, яхши эмас, ахир Саксонга бу узукни мен тортиқ қилаётганим йўқ-ку.

– Биласанми, нима? – таклиф қилди Саксон. – Унинг устида фақат “Б. ва С.” бўла қолсин.

– Йўқ, – Билл бошини тебратди, – “С. ва Б.”, чунки сен менинг учун биринчи ўриндасан.

– Агар мен сен учун биринчи ўринда бўлсам, сен ҳам мен учун биринчи ўриндасан. Билл, азизим, “Б. ва С.” бўла қолсин.

– Кўряпсанми, – деди Мери Бертга, – у Биллнинг бурнидан ип ўтказяпти.

Саксон Мерининг сўзларида таъна оҳангини хис қилди.

– Яна ўзинг биласан, Билли, – деб қўйди у Биллга.

Йигит қизни кучоқлади:

– Буни ҳали яна гаплашамиз.

ҮН ТҮРТИНЧИ БОБ

Сара эскилликка қаттиқ ёпишиб оладиган аёллардан эди. У севадиган пайти ўтиб, биринчи ўғли туғилгандан сўнг худди бир жойда тўхтаб қолгандек эди гўё. Унинг руҳи маълум бир шаклни олиб, худди шу тарзда қотиб қолганга ўхшарди. Унинг борлиғида ҳали ҳам ўзи туғилиб ўсган шароитдаги қондалар яшарди. Кундалик турмуш тарзидаги энг кичкина ўзгариш ҳам унга катта бир тўнгарилишдек бўлиб-кўринарди. Том бундай тўнгарилишларнинг кўпини кўрди. Улардан учтаси квартира алмаштиришганда бўлган эди. Учинчиси Томни бугунлай ҳолдан тойдирган бўлиб, у энди ҳеч ҳам бошқа ёққа кўчмасликка қарор қилганди.

Шунинг учун ҳам Саксон ўзининг тўйи тўғрисида энди ортиқ яшириб бўлмаётганча яндамай юрди. У катта жанжал бўлишини кутиб янглишмаган эди.

– Нима? Боксёр? Урушқоқ? Тўполончи? – ўзи ва болаларини ҳар ҳафта Саксон тўлайдиган тўрт ярим долларсиз яшашларини кўз олдига келтирар экан, алам билан деди Сара. – Билмадим, агар онанг сени шу Билл Робертсга ўхшаган йигит билан топишгунингча яшаган бўлганда нималар деган бўларди. У ҳеч қачон исми Билл бўлган одамга турмушга чиқмаган бўларди, чунки у жуда тарбияли эди. Сенга битта нарсани аниқ айтаман: сен энди ипак пайпоқларинг билан ҳам, уч жуфт туфлиларинг билан ҳам хайрлашинингга тўғри келади.

– О!.. Мен хоҳлаган бошмоқни олиб бериш учун Биллнинг маблағи етарли эканига менинг ишончим комил, – бошини мағрурлик билан орқага ташлаб, эътироз билдирди Саксон.

– Сен нималар деяётганигни тушунмаяпсан... --
Сара захархандалик билан хахолади. – Ҳали шошмай
тургин, болалар туғила бошласин... улар эса маош
кўтарилишидан кўра тезроқ кўпайишади.

– Бироқ биз ҳали бери болали бўлмоқчи эмасмиз...
яъни ҳозирча. Ҳар ҳолда, ҳамма жиҳозлар учун қарзла-
римизни тўлаб бўлмагунимизча бу ҳақда ўйламаймиз.

– Мана ҳозиргилар қандай ақлли бўлиб кетибди!
Бизнинг вақтимизда қизлар камтарроқ бўлишган ва
бундай уятсиз нарсалар тўғрисида ҳеч нарса билмас
эдик.

– Бу болалар ҳақидами? – айёрлик билан кулиб деди
Саксон.

– Ҳа, болалар ҳақида.

– Болалар уят эканлиги ҳақида биринчи марта
эпителишим. Сенинг эса, Сара, бешта боланг бор. Демак,
сен ўзингни уятсизларча тутибсан-да! Биз Билл билан
камтарроқ бўлишга келишдик – бизнинг фақат бир қиз
ва бир ўғлимиз бўлади.

Том кулгидан ўзидан кетиб қолай деди, бироқ ёниб
турган оловга мой қуймаслик учун юзини қаҳва турган
финжон орқасига яширди. Сара аввалига ўзининг
қуроли ўзига қаратилганидан ўзини йўқотиб қўйди,
бироқ у бундай шароитларда уста бўлиб кетган эди:
бошқа томондан ҳужумга ўтди:

– Нега энди бирдан тўй қилишга шошиб қолдинг-
лар? Негадир жуда, жуда шубҳали... Сиз ёш қизлар
нималар қилмайсизлар! Уят! Шарманда! Ҳаммаси ана
шу дам олиш кунларидаги ўйин-кулгилар натижаси.
Ҳозирги ёш аёллар ҳайвондан баттар бўлиб кетишган.
Бундай бузуқчиликни ҳеч қачон кўрмагандим.

Саксон ғазабланганидан ўзини йўқотиб қўяй деди,
бироқ Сара ҳозирги ёшларнинг ахлоқини қоралаб ётар

экан, Том синглисига қараб хотинидан жаҳли чиқмаслигини сўраб, ишора қилди.

– Синглим, ҳечқиси йўқ, – ёлғиз қолишганда Саксонни овутиди йигит. – Сара билан олишип бефойда. Билл Робертс эса яхши йигит. Мен у ҳақда кўп эшитганман. Сен бундай эр билан бемалол фахрланишинг мумкин. Худо хоҳласа сен у билан бахтли бўласан. – Том жим бўлиб қолди, унинг юзи бирдан қартайиб кетгандек эди. У хавотир билан гапида давом этди: – Фақат сен Сарадан ўрناق олма. Уни ҳадеб эзаверма ҳам. Нима бўлганда ҳам уни эзма. Унга ҳадеб насихат қилавермагин. Унга ҳам баъзан ўз фикрини айтишга изн бергин. Сара бунга ҳеч ишонмаса-да, эркакларнинг ҳам ўз қарашлари бор. Нима бўлганда ҳам, ташқаридан бундай кўринмаса-да у мени яхши кўради. Сен эса эрингни фақат ўзинг севибгина юрмагин, у буни кўрсин, ҳис қилсин. Ва шунда у сен нима хоҳласанг, шуни қилади. Баъзан у нимадир қилишни хоҳлаб қолса ўшани қилсин, ана шунда, менга ишон, у сенга ҳам эркинлик беради. Асосийси, уни сев ва унинг фикри билан ҳисоблаш – ахир у тентак эмас-ку. Ана шунда ҳаётингиз зўр бўлади. Сара ҳамма нарсага менга мажбуран қилдиргиси келади, ахир шуларни эркалатиб сўраса ҳам бўлади...

– Том, ҳаммасини сен айтгандек қилишга ваъда бераман, – акасининг гапларидан ҳаяжонланган Саксон кўз ёшлари орасидан жилмайиб, деди. – Бироқ мен энг аввал бошқа нарсага интилоқчиман: Билл мени доим севишига, севишдан тўхтамаслигига ҳаракат қиламан. Ана шунда бу айёрликларнинг кераги бўлмайди. Тушуняпсанми? Мени севгани учун у мен истаган ҳамма нарсага қилади.

– Тўғри ўйлабсан, синглим! Шу гапингда тур ва шунда жуда яхши бўлади.

Бир оз вақт ўтиб Саксон шляпасини кийиб кирхонага кетаётганда, акаси уни бурчакда кутиб турган экан.

– Саксон, менга қара, – шошилиб, тугилганча деди у, – мен Сара ҳақида гапирганларимга яна... бирор ёмон нарсани ёки мени унга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлади, деб ўйлаб ўтирмагин... У вафодор, виждонли аёл. Очиғи, унинг ҳаёти осон бўлгани йўқ. Мен у ҳақида бирор ёмон гап айтгандан кўра тилимни кесиб ташлайман. Ҳамманинг ўз муаммоси бор. Ҳаммасига лаънати камбағалчилик сабаб. Тўғрими?

– Том, сен менга ҳар доим яхши муносабатда бўлгансан. Мен буни ҳеч қачон унутмайман. Ва, ҳеч нарсага қарамай, Саранинг кўнглида кири йўқ.

– Мен сенга ҳеч қандай тўй совғаси қила олмаяпман, – айбдорона оҳангда давом этди Том. – Сара эшитишни ҳам хохламаяпти. Айтадики, биз турмуш қурганимизда қариндошларимиз бизга ҳеч қандай совға қилишмаган экан. Бироқ, бари бир менинг сенга совғам бор. Сен нима эканлигини ҳеч ҳам топа олмайсан.

Саксон акасига савол аломати билан қаради.

– Сен турмушга чиқишингни айтганингда хаёлимга бир фикр келганди. Мен акамиз Жоржга хат ёзиб, ўша нарсани сен учун юборишини сўраган эдим. Ва у юборибди. Мен сенга ҳеч нарса айтмаганимнинг сабаби у ўша нарсани сотиб юбормаганимнинг сабаби у ўша нарсани сотиб юборган экан – афтидан пул керак бўлган шекилли. Бу нарсани эса мен Саранинг гапига тегмаслик учун устахонага юборишни сўрагандим. Кеча кечқурун секин уйга олиб келиб ўтинхонага яшириб қўйдим.

– Отамга тегишли нарсами? Шундайми? Шундай-а? Тезроқ айтгин, нима?

– Унинг қиличи.

– У бурул отида юрганда ўзи билан олиб юрган қиличими? Ох, Том! Бундан ортиқроқ совға ҳам бўладими! Орқага қайтдик. Мен уни ҳозироқ кўрмоқчиман. Секин орқа томондан борамиз. Сара опхонада кир ювяпти ва бир соатсиз кирни остани ҳовлига чиқмайди.

– Мен Сара билан сенга онамизнинг эски комодини беришни гаплашгандим, – Саксон билан уйлар орасидаги ингичка йўлқадан ўтишар экан, шивирлади Том, – бироқ у оёғини тираб туриб олди; оталаримиз бошқа-бошқа бўлса-да Дэзи фақат сенинг эмас, менинг ҳам онамлигини, комод капитан Китнинг эмас, онамизнинг авлодига тегишли эканлиги, демак у меники эканлиги, меники бўлгандан кейин эса...

– Хотиржам бўл, – ақасини тинчитди Саксон. – Кеча кечкурун у комодни менга сотди. Ишдан келсам, мени кутиб турган экан, жуда ҳаяжонланган эди.

– Қизиқ. Мен унга бу ҳақда гапирганимдан сўнг бутун кун менга жаҳл қилиб юрган эди. Унга неча пул тўлади?

– Олти доллар.

– Ўғирлик! Ахир шунча пул турадими? – Томнинг аччиғи чиқиб кетди. – У жуда эски ва бир томони синиб кетган-ку!

– Мен ўн доллар беришга ҳам тайёр эдим. Унинг учун нималарни бермаган бўлардим, Том. Ахир у онамизники, ўзинг биласан. Онамиз тирик бўлган пайтларда комод онамнинг хонасида турганини мен шу пайтгача эслайман.

Ўтинхонада Том ўтинлар орасига яшириб қўйган бойликни олиб, у ўраб қўйилган қоғозни очди. Улар-

нинг кўз олдиларида Гражданлар уруши даврида одатда отлик зобитлар тутган эски урфдаги занглаб кетган оғир қилич пайдо бўлди.

Саксон бесабрлик билан қилични акасининг қўлидан деярли юлиб олди, ғилофидан чиқариб лабларини совук пўлатга босди.

Саксоннинг кирхонадаги охирги иш куни етиб келди. Саксон кечқурун ишхонасидагилар билан бутунлай хайрлашадиган эди. Эртаси куни эса Билл иккаласи ҳакамнинг олдига боришади ва у ёшларни никоҳлаб қўяди. Берт ва Мери гувоҳ бўлишади, сўнгра эса тўртовлон Барнумнинг ресторанига боришади ва ўша ерда, алоҳида хонада тўй зиёфати бўлади. Шундан сўнг Берт ва Мери Миртл залидаги кечага, Билл билан Саксон эса трамвайда Пайн-стритга кетишади. Ишчиларда асал ойна бўлмагани сабаб Билл эртаси куниёқ одатдаги вақтда ишга бориши керак эди.

Оҳорланган нозик ичкийимларни дазмоллайдиган бўлимда ҳамма аёллар Саксон бугун улар билан охирги кун бирга эканлигини билишарди. Кўплар Саксон учун хурсанд бўлишаётган бўлса, баъзи бировлар эса унинг ўзига эр топиб бу ердаги сургундагидек меҳнатдан озод бўлаётганига ҳасад қилишаётган эди. Қизнинг ўзи ҳам ўзига қарата айтилаётган ҳар хил ҳазилларни кўтаришга мажбур бўлаётган эди – кирхонадаги турмушга чиқаётган қизларнинг ҳаммасининг тақдири шундай эди. Бундан ташқари киз ўзини шунчалик бахтиёр ҳис қилаётган эдики, шерикларининг қўпол бўлса-да, самимий ҳазилларидан хафа бўлмаётган эди.

Кўллари остида дазмолланаётган юмшоқ батист ва докалардан чиқаётган буғлар орасида кизнинг кўз олдида бирин-кетин Пайн-стритдаги уйда ўтадиган келажак ҳаёти ўтаётганди. Ва у тинмай ўша пайтда урф

бўлган таниқли ашуланинг нақоратини ўзича ўзгартириб, паст товушда куйларди:

Меҳнат қилар эканман,

Меҳнат қилар эканман,

Биллини деб ишлайман.

Соат учга бориб бу дим ва зах хонадаги ишбай ишлайдиган аёлларнинг чарчови энг чўққисига чиқарди. Кекса аёллар оғир хўрсинишар, ёшларининг ранги оқарар, юзлари чўзилиб, кўзларининг ости кўкариб кетар, бироқ ҳаммалари зиғирча ҳам бўшашмаган ҳолда дазмолларини юрғизишарди. Бошлиқ аёлнинг ўткир кўзлари бирорта аёл ўзини ташлаб юборишининг олдини олиш учун диққат билан кузатарди. Бир сафар у сезиб қолиши билан букуррок ёшгина қиз шу заҳоти хонадан олиб чиқиб кетилди.

Саксон бирдан инсон овозига ўхшамаган ёввойи кичкириқдан сесканиб кетди. Тортилган асаблар дош беролмай, ўнларча аёл бараварига ишдан тўхтади — баъзилар кўлида дазмол билан қотиб қолишди, бошқа бировларнинг кўлидан дазмол тушиб кетди. Бу даҳшатли кичкириқ Мериники эди: Саксон унинг елкасида катта қайрилган қанотлари бор кичкина ҳайвон турганини кўрди. Мери бақирганча ўтириб олди ва ғалати ҳайвон унинг устидан учиб, кўшни аёлнинг тўғри юзига қараб урилди. У аёл ҳам чинқирганча, ҳушидан кетди. Учаётган жонзот гоҳ у ёкка, гоҳ бу ёкка урилар, аёллар чинқиришар, кўлларини силкитишар, ташқарига югуришар ёки дазмол тахтасининг остига беркинишга уринишарди.

— Ахир бу кўршапалак-ку! — кутургудек бўлиб кичкирди бошлиқ аёл. — Нима, ҳеч қачон кўршапалак кўрмаганмисизлар? Нима, у сизларни еб қўядими?

Бирок булар ҳаммаси оддий халкдан чиққан аёллар бўлиб, уларни тинчитиб осон иш эмас эди. Тўполоннинг сабабчисини кўрмасалар-да, бошқалар каби ҳаяжонланганлар ҳам ваҳимага тушиб “Ёнгин!” деб бакиришди. Эшик олдидаги тикилинич кучайди.

Аёллар ҳаммаси бир овозда кичқиришарди. Саксон аввалига шунчаки кўрқди, кейин эса уни ҳам ваҳима босди. Тўғри, у кичқиргани йўқ, бирок ҳамма билан баравар ташқарига қараб чопишга тушди. Бошқа бинодаги ишлаётганлар ҳам уларга қўшилиб, номаълум хавфдан қоча бошлашди. Ўн дақиқадан сўнг кирхона бўшаб, у ерда фақат кўлларида кўл гранатаси билан бу тўполоннинг сабабини қидираётган бир нечта эркаклар қолишди, холос.

Жуда ҳам кўримли бўлмаса-да, табиатан қатъий бўлган катта мастер ёрдамчиси аввалига оломон билан ташқарига югурди, бирок тезда орқасига қайтиб тинчликни бузган айбдорни кийим-кечак солинадиган сават билан устини ёпиб, тутиб олди.

– Худонинг кўриниши қанақалигини билмайман, бирок энди шайтонни кўрдим, – ҳаяжонланган Мери ҳам йиғлаб, ҳам кулиб, деди.

Саксон шунчалик кўрқиб кетгани ва ҳаммага қўшилиб кирхонадан қочиб чиққани учун ўзидан жуда жаҳли чиқди.

– Қандай тентакмиз! – деди у. – Ахир бу оддий кўршапалак-ку. Мен улар ҳақида эшитганман. Улар ўрмонда яшашади, уларни жуда беозор дейишади, улар кундуз куни кўрмайди. Мана шунинг учун шундай бўлди. Шунчаки кичкина кўршапалак!

– Йўқ, менинг фикримни ўзгартира олмайсан, – деди Мери. – Бу, шубҳасиз, шайтон эди. – Қиз бир неча дақиқа пиқиллаб турди, кейин яна асабийлик билан ку-

либ юборди. – Кўрдингми – миссис Бергстром ҳушидан кетиб қолди. Ахир ўша нарса унинг юзига тегиб кетди! Нимадир елкамга қўнди, кейин бўйнимда нимадир – худди ўликнинг қўлига ўхшайди, ҳис қилдим. Бироқ мен йиқилмадим. – Қиз яна кулди. – Балки мен шунчалик кўрқиб кетганимдан, беҳуш бўлишга ҳам ҳолим қолмадим...

– Қайтамиз, – таклиф қилди Саксон. – Шундоқ ҳам ярим соат йўқотдик.

– Ҳеч ҳам! Ўлдиришса ҳам бормайман! Мен уйга кетаман. Ахир ҳозир дазмоллай оламанми? Ҳалигача титраб кетяпман.

Аёллардан бири қўлини синдириб олибди, бошқаси – оёғини, кўпчилик аёлларнинг ҳам бирор ери шилинган, урилган эди. Бошлиқ аёлнинг ҳеч қандай дўк-пўписаси ва тушунтиришлари кўрқиб кетган аёлларни иш жойларига қайтара олмади. Улар ҳаддан ташқари ҳаяжонланиб, асабийлашиб кетишган эди, улардан фақат баъзиларигина кирхона биносига кириб, ўзлари ва бошқаларнинг пляпа ва халталарини олиб чиқишга куч топа олишди. Фақат бир нечта кизгина яна қўлига дазмол олишди. Улар орасида Саксон ҳам бўлиб, у соат олтигача ишлади.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

– Эҳ, Берг! Нега энди шунчалик ичиб олдинг? – таъна қилди Мери.

Улар тўртовлон Барнумникида алоҳида хонада ўтиришарди. Саксонга жуда бой бўлиб туюлган камтаргина тўй зиёфати тугаган эди. Қўлига бу ерда шишаси эллик цент турадиган қизил Калифорния виноси солинган стаканни кўтарган Берг ўрнидан туриб, нутқ

айтмоқчи бўлди. Унинг юзлари кип-қизариб, қора кўзлари ҳаяжондан йилтилларди.

– Сен менинг олдимга келишдан олдин ичиб олгандинг, – гапида давом этди Мери. – Шундоқ кўриб турибман.

– Янглишяпсиз, азизам, кўзингизни очинг, – эътироз билдирди йигит. – Бертрамнинг кўриниши бугун жуда зўр, – йигит кадрдон дўстининг кўлини сиқиб кўйиш учун ўрнидан турди. – Билл! Дўстим! Кўлингни бер! Иккаламиз хайрлашишимизга тўғри келади! Салом ва хайр! Билл, сен энди уйланган эркаксан ва уйда ўтирасан. Йигитлар билан айланишга ҳам бормайсан. Сен энди ўзингни асрашинг керак, ўз ҳаётингни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиб кўйишинг керак... қурилиш кооперативига киришинг... ўзаро ёрдам кассасига ва кўмиш бюросига аъзо бўлишинг ва...

– Берт, бўлди қил, – йигитнинг гапини бўлди Мери, – Ахир тўйда ҳам ўлим ҳақида гапирадимиз? Уят эмасми?

– Бўлди! Мери, тўхта! Мен бундай демоқчи эмас эдим... Мен ҳозир нима ўйлаганимни айтаман... Ҳеч ҳам Мери айтаётган нарса эмас... Тўхташлар... Мен “кўмиш бюроси” дедимми? Шундайми? Ахир мен сизларнинг кайфиятларингизни туширмоқчи эмасдим... Аксинча...

Берт гапидан бира тўла чалғиб кетди. Мери бошини чайқаб кўйди. Қизнинг бу ҳаракати йигитни яна хезлади.

– Тўхташлар, мен нега... шундай деганимни айтгани беринглар. Чунки, дўстим, сен шундай гўзал, шундай қувноқ қизни илинтирдинг. Ҳамма йигитлар уни деб ақлдан озишган, агар улар ҳаммаси хотинингни кетидан юрадиган бўлса, сен нима қиласан, Билл? Ишинг

кўп бўлади. Уларни кўмиш учун сенга кўмиш бюроси керак бўлмайдами? Менимча – ҳа, керак бўлади. Мен сени аёллар хусусида дидингни мақтамоқчи бўлаётганим, Мери менга халал берди.

Йигитнинг кўзлари истехзо билан Мерида тўхтади.

– Ким мени ичиб олган деяпти? Мен-а? Ҳеч ҳам-да! Мен ҳамма нарсани бугунлай аниқ, худди кундуз кунидагидек кўряпман. Мен яқин дўстим Биллни кўряпман, ва – эътибор беринг, иккита эмас, битта Биллни кўряпман. Билл туғилганидан бери ҳеч қачон иккиюзлама бўлган эмас. Билл! Дўстим! Мен сени ҳозир никоҳ занжирида кўрар эканман, хафа бўлиб кетяпман, ҳа, хафа бўлиб кетяпман! – Йигит гапидан тўхтаб, Мерига қаради: – Кампир, қизишма! Мен нима деяётганимни яхши биламан. Менинг бобом ўз штатида сенатор бўлган ва эрталабдан кечгача чиройли суҳбатлар олиб бора олган. Менинг ҳам кўлимдан келади... Шундай қилиб, Билл, сенга қарасам мени ғам босяпти. Ҳа, шундай. – Йигит Мерига қараб қўйди. – Сен қанчалик бахтга эришганингни мен ўзим кўрмаяпманми? Менга ишон: сен – ақлли йигитсан, ҳамма аёлларни жин урсин! Сен яхши бошладинг, шундай давом эттир. Уйланавер, дўстим, керак бўлса ҳаммага уйлан! Билл, уриштирайлик! Сен моғикан ва жасурсан! Сизларнинг соғлигингиз учун, иккалангиз учун ва сизларнинг бўлгуси бақирокларингиз учун ичаман. Сизларни Худонинг ўзи қўлласин!

Йигит бир кўтаришда стаканини бўшатди ва стулга ўтириб, ёшларга тикилди. Унинг кўзларидан секин томчилар думалай бошлади. Мери секин унинг қўлини силар экан, у биратўла бўшашиб кетди.

– Худойим, йиғлашга ҳақим бор-ку, – пиқиллади у. – Энг яқин дўстимдан айриляпман! Ўтмишни қайтариб

бўлмайди, йўк... ҳеч қачон... Мен Билл билан бирга ўтказган қувноқ кунларимни, қилган ишларимиз ҳақида ўйласам ва Саксон, сиз ҳозир у билан ёнма-ён қўл ушлашиб ўтиришингизни кўрар эканман – сиздан нафратланишга тайёрман.

– Хафа бўлманг, Берт, – йигитга қараб жилмайди Саксон. – Мана сиз ҳам Мери билан қўл ушлашиб ўтирибсиз.

– Эй, у йиғи-сиғи қилишни яхши кўради, – жаҳл қилди Мери, айна пайтда қўллари билан йигитнинг сочларини тарар экан. – Ғам чекма, Берт. Ана энди Билл сенинг гапларингга жавоб берсин.

Берт яна бир стакан вино ичиб олди.

– Қани, Билл, – хитоб қилди у. – Энди сенинг навбатинг.

– Мен гапиришга уста эмасман, – тўнғиллади Билл. – Саксон, мен уларга нима дей? Қандай бахтиёр эканимизни айттайми? Буни улар шундай ҳам билишади.

– Яхши ниятлари учун миннатдорчилик билдир ва биздан уларга ҳам шу тилакларни тила. Уларга биз доим бахтли бўлишимизни айт. Ва тўрталамиз илгаригидек дўст бўлиб қолишимизни, уларни келаси яқшанба куни бизникига тушликка таклиф қилишимизни айт. Пайн-стрит, беш юз етти. Сен эса, Мери, агар шанба куни кечқурунлари келишни истасанг, меҳмонлар учун хонада тунайсан.

– Сен мендан кўра яхшироқ айтдинг! – Билл чапак чалиб юборди. – Баракалла, Саксон! Сенинг гапингга мен яна нима қўшишим мумкин? Жуда кам, бироқ икки оғиз гап қўшмоқчиман.

Йигит ўрнидан туриб, қўлига стаканни олди. Қуюқ қора қошлари ва киприклари остида унинг ҳаворанг кўзлари кўк бўлиб кўринар ва малларанг сочи ва оқиш

терисини ажратиб кўрсатарди; юмшоқ ёноқлари кизариб кетган, бироқ бу винодан эмас эди – у ниҳоят икки стакангина ичган эди – соғломлик ва бахтиёрликдан эди. Саксон йигитнинг яхши кийингани, шундай кучли экани, чиройли ва покиза эканлигидан фахрланиб унга қараб ўтирарди. Шу йигит – унинг эри, киз ўзидан, шундай йигитни ўзига қарата олган хислати – ўзининг аёллик назокатидан фахрланди.

– Демак, Берт ва Мери, – гап бошлади йигит, – сизлар бизнинг тўй дастурхонимиз устида ўтирибсизлар. Биз сизларнинг ҳамма яхши тилакларингизни бажонидил қабул қилдик ва сизларга ҳам ушбу тилакларни тилаймиз ва буни гапира туриб бизлар сиз ўйлагандан ҳам юқориқ нарсаларни кўзда тутяпмиз. Биз Саксон билан сизларнинг ҳам тўй дастурхонингиз тепасида меҳмон бўладиган куннинг келишини истаймиз! Агар якшанба куни бизникига тушликка келадиган бўлсангиз иккалангиз бўш ётоқхонада тунаб қолишларингиз мумкин. Ахир мен уни бекорга жиҳозладимми? Нима дейсизлар-а?

– Буни сиздан ҳеч ҳам кутмагандим, Билли! – хитоб қилди Мери. – Сиз Бертдан ҳам ёмон экансиз-ку... Шундай бўлса ҳам...

Кутилмаганда кизнинг кўзларидан ёш чикиб кетди. Овози титраб, жим бўлиб қолди; сўнгра жилмайиб, Бертга ўгириллар экан, йигит уни кучоқлаб, ёнига ўтказди.

Ресторандан чикиб тўртовлон Саккизинчи ва Бродвей кўчалари туташган жойдаги трамвай тўхташ жойига боришди.

Берт ва Билл бирдан ўрталарида пайдо бўлган бегоналик ҳиссидан ўнғайсизланиб, жим бўлиб қолишган

эди. Бирок Мери ғамхўрлик билан Саксонни кучоклаб кўйди.

– Ҳечкиси йўк, дугонажон, – шивирлади у. – Кўркма, ҳаммаси яхши бўлади. Дунёдаги бошқа барча аёллар ҳақида ўйла.

Трамвай кўзгалиб, иккала жуфтлик шоша-пиша хайрлашиб, ажралишди.

– Эҳ сен, могикан, – трамвай юриб кетганда қичқирди Берт. – Сиз ҳам, могиканша!

– Мен сенга нима деганимни эсингдан чиқарма, – Саксон билан хайрлашар экан, Мери эслатиб кўйди.

Трамвай Еттинчи ва Пайн-стрит бурчагида тўхтади: бу охириги тўхташ жойи эди. Бу ердан уларнинг уйларигача икки кварталча йўл бор эди. Эшик олдида Билл чўнтагидан калит чиқарди.

– Чиндан ҳам ажойиб-а? – калитни кулф ичида айлантирар экан деди у. – Сен ва мен ва бошқа ҳеч ким. Иккаламиз!

Йигит меҳмонхонадаги чирокни ёқар экан Саксон шляпасини еча бошлади. Шундан сўнг йигит ётоқхонага ўтиб у ерда ҳам чирокни ёқди ва қайтиб эшик олдига келди. Уялганча ҳали ҳам соч тўғнағичлари билан тими-мирскиланаётган Саксон йигитга ўғринча қараб кўйди. Йигит унга кўлини чўзди.

– Қани, – деди у.

Қиз унга яқинлашди ва йигит қиз унинг кучоғида титраб кетганини сизди.

2 ҚИСМ БИРИНЧИ БОБ

Тўйнинг эртаси куни Билл уйга қайтганда эшик олдида уни Саксон кутиб олди. Бир-бирларини ўпиб кўйишгач, икковлари қўл ушлашиб меҳмонхона орқали ошхонага ўтишар экан, Билл ярим йўлда тўхтаб, ҳавони ҳидлади.

– Саксон, менга қара, уйимиздан ажойиб ҳид келяпти! Бу фақат қаҳванинг ҳиди эмас, мен уни ҳам ажрата олсам-да... Ҳамма хоналардан келяпти, нималигини билмадим, жуда ҳам яхши ҳид келяпти!

Йигит раковина олдида ювинаётганда, қиз товани олов устига кўйди. Қўлини артар экан, хотини нима қилаётганини кузатаётиб унинг товага бифштекс солганини кўрган йигит ҳайратланди:

– Қиздирилган товада ёғ солмай бифштекс пиширишни қаерда ўргангансан? Бу энг зўр нарса, фақат аёллар нимагадир буни ёктиришмайди.

Қиз қандайдир аломат овқатни аралаштириш учун иккинчи тованинг қопқоғини очганда, йигит орқадан келиб Саксонни кучоқлади ва бошини унинг елкасига кўйди:

– М-м-м!.. Бир пайтлар онам тайёрлайдиган пиёз билан қовурилган картошка. Ажойиб нарса! Ҳиди шунақа зўр чиқяпти!

У хотинини бағридан чиқарар экан, ёноғини кизнинг ёноғига ишқалаб кўйди. Кейин уни яна кучоғига олди; қиз сочлари орасида унинг лабларини ҳис қилиб, у сочларини ҳидлаётганини сизди.

– М-м-м!.. Сенинг ўзингдан-чи, қандай ажойиб ҳид келяпти? Аввалари аёллар ҳақида гапиришганда улар оромбахш бўлишади, дейишганда мен ҳеч тушунмас

эдим. Энди эса тушуняпман. Бироқ сендек лаззат-бахшини мен ҳали учратмаганман.

Йигит бахтидан сармаст эди. Ётоқхонада тараниб олгач, у қўлига пичоқ ва санчки олиб, қизнинг қарши-сига ўтирди:

– Биласанми, оилали бўлиш жуда ёқимли, бироқ кўпчилик уйланган эркакларнинг гапини эшитсанг... Саксон, чин сўзим, биз иккаламиз уларни яхши бир нарсага ўқитиб қўйсақ бўлади. Биз уларга олдиндан анчагина очко бериб қўйиб, ниҳоясида бари бир ютган бўлардик. Мен фақат битта нарсадан хафаман.

Бирдан қизнинг юзида пайдо бўлган кўрқувни кўриб, Билл кулиб юборди.

– Нега биз аввалроқ турмуш қурмаганимиздан хафаман. Ўзинг ўйлаб кўргин: мен неча кун йўқотдим!

Қизнинг кўзлари бахтдан ва миннатдорликдан чарақлаб кетди: у ичида ўзларининг бутун эр-хотинлик ҳаётлари давомида доим шундай бўлишига онг ичди.

Улар овқатланиб бўлишгач, Саксон столи йиғиштириб, идиш-товокларни ювишга тушди. Билл уларни артишга ёрдам бермоқчи бўлганда у эрининг костюми этагидан тортиб, стули томон итарди.

– Ўтиргин-да, дам олишинг мумкинлигидан хурсанд бўлгин. Йўқ, менга кулоқ сол! Сигарета чек. Мен нима қилаётганимга қараб ўтиришнинг кераги йўқ. Мана сенга бугунги газета. Агар тезроқ ўқишга шошилмасанг, мен ишларимни тугатгунимча улгурмайсан.

Эри газета ўқиб, сигарет чекар экан, Саксон дамбадам билдирмай унга қараб кўярди. Бу ўтиришлари бутунлай файзли бўлиши учун битта нарса – шиппак етишмаётган эди.

Бир неча дақиқадан сўнг Билл хўрсиниб, газетани ўзидан нари суриб қўйди.

демайди; у овозлар менга сийқаси чиққан граммафон пластинкасига ўхшайди. Сенинг овозинг эса шундай юрагимга қуйилгандек бўлади, мен унинг мусаффолигидан ҳатто тиграй бошлайман. Шундай роҳат. Менга, агар фаришталар борлиги чиндан ҳам рост бўлса, овозлари шундай эканга ўхшаб туюлади.

Бир неча дақиқа жимликда ўтди; қиз сўз билан ифодалаб бўлмайдиган бахтни ҳис қилаётган бўлиб, ҳеч нарса дея олмай йигитнинг сочларини силади-да, унинг бағрига қаттиқроқ суқилди. Билл яна гапида давом этди.

– Биласанми, сен менга кимни эслатасан? Сен жуни ипакдек ялтираган, териси шунчалик нозикки, сал хивич тегиши билан қабариб чиқадиган зотли ёш байтални ҳеч кўрганмисан? У шунчалик зийрак, асабий бўлади, бироқ чидамлилиқда энг бақувват асов.отдан ҳам ўтиб тушади – ана шу байтал бир сония ичида пайларини узиб ташлаши ёки тунни ёпинғичсиз ўтказган бўлса ўлгудек шамоллаб қолиши мумкин. Бундай отлар дунёдаги энг ажойиб жонзотлардир; улар келишган, кучли бўлади ва улар билан жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Биласанми, худди шиша идишга қарагандек: “Эҳтиёт бўлинг, синади, ўтирилмасин, ерга урилмасин!” Сен менга ана шундай отни эслатасан. Ва менинг вазифам сенга яхшилаб қараб юриш. Зотли бия ишчи қирчанғиларга ҳеч ҳам ўхшамагандек сен ҳам бошқа аёлларга ҳеч ўхшамайсан. Биласанми, сен кимсан? Сен зотлисан. Сенинг кўркемлигинг ҳам бошқача, ўзига хос... Қоматинг-чи... Қоматинг қандайлигини биласанми? Ҳа, ҳа, Анетте Келлерман сенга етишига йўл бўлсин. У австралиялик, сен эса америкаликсан. Бироқ ҳамма америкаликлар шундайми?.. Сен бошқачасан. Сен – биринчи тоифага мансуб-

сан... Йўк, қандай тушунтиришни билмаяпман... Сен бошқа аёлларга ўхшамайсан. Сен худди бошқа мамлакатдан келганга ўхшайсан. Француз аёлларига ўхшайсан. Қоматинг ҳам, юришларинг, ўтириб-туришинг, ҳеч нарса қилмаётганингда ҳам — ҳамма нарсада французларга ўхшайсан, ҳатто яхшироқсан...

Ҳеч қачон Калифорниядан четга чиқмаган, ўзининг Оклендидан ташқарида бирор марта ҳам тунамаган Билл янглишмаётган эди. Англосаксон шажара дарахтида Саксон ажойиб гул эди: оёқ-қўллари кичкина, суяклари нозик, қомати эгилувчан ва ҳаракатчан — киздаги ҳар бир белги узок ўтмишда француз-нормандларнинг бакуват сакс қабилалари билан чатишганидан келиб чиққан узок ўтмишдаги аёллардан бирини ёдга соларди.

— Этнингдаги кўйлагинг сенга қанчалик ярашиб турганини-чи! Худди шу кўйлақда туғилганга ўхшайсан. У ҳам овозинг ва теринг каби сенинг бир қисмингга ўхшайди. Ҳар доим чиройли кийинасан, худди бундан ортиғи бўлмайдигандек. Ахир ўзинг яхши биласан: эркак киши аёл худди суратдаги каби чиройли кийинганда у билан кўчада кўрнинини ва бошқа йигитларнинг: “Билл бу ким? Чиндан ажойибку! Мен ҳам бундай қиз билан бўлишни рад қилмасдим”, дейишини ёқтиради.

Саксон йигитнинг пинжига кирганча ўтираркан, ўзи ҳар куни дазмоллайдиган чиройли кийимларнинг бичимини хаёлида тиклаб олиш учун азобли иш кунидан кейин уйқусидан кечиб кечалари тикиш устида ўтирганлари мукофотланганини ҳис қилиб турарди.

— Биласанми, Саксон? Мен сенга бошқа исм топдим. Сен менинг ҳаёт Эликсиримсан. Мана, сен кимсан!

– Мен ҳеч қачон жонингга тегмайманми? – сўради киз.

– Жонимга тегасан? Ахир биз бир-биримиз учун яралганмиз!

– Билли, иккаламиз учрашиб қолганимиз жуда ажабланарли-а? Ахир биз учрашмаслигимиз ҳам мумкин эди-ку. Бу ғирт тасодиф...

– Демак, биз шунчалик омадлимиз! – хитоб қилди йигит. – Бизнинг пешонамизга шундай деб ёзиб қўйилган экан!

– Балки бизнинг учрашувимиз тасодифдан ҳам юкорирок нарсадир? – ўйламоқчи, деди киз.

– Балки. Биз учрашишимиз керак эди. Биз бир-биримизни топмаслигимиз мумкин эмас эди.

Улар жим бўлишди ва вақтни ҳам сезмай, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган муҳаббатга берилганча, сукунатда ўтиришди. Сўнгра киз йигит ўзига яқин сурилганини сезар экан, шундай қулоғи остида йигитнинг шивирлаганини эшитди:

– Ухлашга ётадиган вақт бўлмадимми?

Улар кўп кечаларни ана шу тарзда бирга ўтказишди; баъзан эса бу одатларига ўзгартиш ҳам киритишарди – рақс тушгани боришар, кинога тушишар, Орфей ёки Белла театрига боришар ёки жума кунлари шаҳар паркида бўладиган мусиқа кечаларида иштирок этишарди.

Баъзан яқшанба кунлари ўзлари билан тушлик тайёрлаб олишарди-да, Биллнинг хўжайини унга бемалол бериб турадиган отлар – Шаҳзода ва Қирол қўшилган экипажда тоққа қараб жўнашар эди.

Саксон ҳар куни эрталаб будильник кўнғироғидан уйғонарди. Биргаликда бошлаган ҳаётларининг биринчи куни Билл киз билан барабар туриб плитага бирга

олов ёкишмоқчи бўлди. Саксон шу куни бунга рози бўлди, бироқ кейинги кунлари ўтинларни кечкурундан тахлаб қўядиган бўлди: шундай гугурт чакса бўлди эди. Ва у йигитни нонушта тайёр бўлгунча яна бир оз мизғиб олишга ҳам кўндирарди. Биринчи кунлари у фақат нонушта тайёрлади, бир ҳафталар ўтиб эса йигит тушликка ҳам уйга келадиган бўлди. Кейин эса ўзи билан бирор нима олиб кетишига тўғри келди. Уйга келиш-келмаслиги у шаҳарнинг қайси қисмида ишлаётганига боғлиқ эди.

– Сен эринга нисбатан нотўғри сиёсат қила бошладинг, – деди бир куни Мери. – Унга шунчалик яхши қараяпсанки, яқинда уни бутунлай эркалитиб юборасан. У сенга қараши керак, сен унга эмас...

– Ахир у ишлаб пул топяпти, – эътироз билдирди Саксон. – Унинг меҳнати меникидан оғирроқ, менинг эса бўш вақтим тикилиб ётибди. Бундан ташқари... мен унга хизмат қилгим келади, чунки уни севаман... Ва... шунчаки, шуни истайман.

ИККИНЧИ БОБ

Саксон рўзгорни жуда аниқ олиб боришига қарамай, тез кунда – ўзининг ҳамма вазифаларини бўлиб чиққандан сўнг маълум бўлишича, бўш вақти жуда кўп бўлар экан. Айниқса, Билл нонуштасини ўзи билан олиб кетган кунлари унга тушлик тайёрлашнинг ҳожати қолмай, ихтиёрида бир неча соат бўш вақти бўларди. Йиллар давомида фабрика ва кирхонада тинмай ишлагани учун бу бекорчиликдан у кийналаётган эди. Кун бўйи ишсиз ўтириш оғир эди, дугоналарининг олдига меҳмонга боришнинг ҳам иложи йўқ, чунки улар бутун кун ишда бўлишарди. Кўшнилари билан эса

– ёнгинасида яшайдиган бир кекса аёлдан ташқари, у ҳали ҳеч ким билан танишишга улгурмаган эди. Саксон гоҳо ҳовлиларини тўсиб турган девор орқали бу кампир билан бир неча оғиз гаплашиб қоларди.

Қизнинг энг яхши кўрган машғулотларидан бири чўмилиш бўлиб, у бундан чексиз роҳат қиларди. Етимхонада ва Сараникида ҳафтасига фақат бир мартагина ваннада чўмилиш имкони бўларди. Катта бўлгани сари, у тез-тез ювинишни ёқтирарди. Бирок унинг бу хоҳиши аввалига Саранинг кулгисини қистатди, кейин эса газабини кўзгади. Сара улғайган даврда эса фақат шанба кунлари чўмилиш одат бўлган бўлиб, Саксоннинг ҳафтада бир мартадан кўп чўмилишида у қандайдир мағрурликни ва ўзининг озодагарчилигига нисбатан ҳақоратни ҳис қиларди. Унинг фикрича, бу ўтинни бекорга сарфлаш ва кирга ортиқча сочиқ қўшиш билан тенг эди. Бирок энди Саксоннинг ўз плитаси, ваннаси, сочиқ ва совуни бўлиб, ҳеч ким ҳеч нарсани ман қила олмасди, шунинг учун у ҳар куни чўмилишдан завкланаётганди. Тўғри, ванна бўлиб шунчаки кир ювадиган катта бак хизмат қилаётган эди; қиз бакни ошхонага ерга қўйиб, челакда сув билан тўлғазар эди. Бирок ҳар ҳолда, бу дабдаба бўлиб, қиз бунга йигирма тўрт ёшида эришган эди. Кампир қўшнисини бир куни суҳбат чоғида Саксонга бундай чўмилиш завқининг сирини очди: жуда оддий нарса – сувга бир неча томчи новшадил спирти солса кифоя экан. Саксон олдин бу ҳақда ҳеч эшитмаган эди.

Саксоннинг пешонасида бу ғалати аёлдан ҳали жуда кўп нарсаларни ўрганиш бор эди. Бир куни Саксон ҳовлида ўзининг ювилган жуда нозик матодан тикилган ичкийимларини осайтган маҳал улар яқиндан танишиб олишди. Кампир ўз эшигининг олдида панжа-

рага суянганча турарди. У қизнинг қараётганини сезиб, бошини қимирлатиб қўйди. Унинг бу қилиғи Саксонга бу бош қимирлатиш ўзига эмас, осилган кийимларга қаратилгандек бўлиб туюлди.

– Сиз турмушга яқиндагина чиққансиз-а? Шундай-ми? – сўради аёл. – Менинг исмим миссис Хиггинс. Бирок ўзим мени Мерседес деб аташларини ёқтираман.

– Мен эса миссис Робертсман, – янги фамилиясини айтаётганидан қувонч ҳиссини туйиб, жавоб берди Саксон. – Исмим Саксон.

– Янки учун ғаройиб исм, – деб қўйди суҳбатдоши.

– Мен янки эмасман, мен Калифорнияликман, – хитоб қилди Саксон.

– Вой, вой! – кулди миссис Хиггинс. – Мен биз Америкада эканлигимизни унутибман. Бошқа мамлакатларда ҳамма америкаликларни янки деб аташади. Демак, сиз яқингинада турмушга чиқдингизми?

Саксон енгил хўрсиниб, бошини силкиди. Мерседес ҳам хўрсинди.

– Эҳ, сиз бахтиёр, нозик ёш аёл!.. Мен сизга ҳасад қилишга тайёрман! Бутун ҳаётингиз олдинда ва сиз истаган эркакни истаган кўйингизга сола олишингиз мумкин. Бирок сиз ўз бахтингизни ҳатто тушунмайсиз ҳам. Бирорта аёл буни тушунмайди, кейин эса жуда кеч бўлади.

Саксон бу гаплардан ҳам уялиб, ҳам ҳайрон қолаётган бўлса-да, ҳозиржавоблик билан деди:

– Мен жуда ҳам бахтиёрлигимни яхши биламан. Менинг эрим дунёдаги энг яхши инсон.

Мерседес Хиггинс яна хўрсинди ва гапни бошқа ёққа бурди. У кўзи билан имлаб, қизнинг ички-ийимларини кўрсатди:

– Тушунишимча, сиз чиройли нарсаларни яхши кўрасиз. Бу мақтовга сазовор, чунки ёш аёл шундай бўлиши керак. Бу эркаклар учун жуда яхши тузоқ – ишнинг ярми шу латта-путталар билан битади. Шундай нарсалар билан аввал эркакларнинг юраги забт этилади, кейин эса уларни ушлаб қолинади... Сиз ҳам эрингизни ушлаб қолишни, у доим сиз билан бирга бўлишни истайсиз-ку, ахир, тўғрими?

– Албатта. Ва мен шундай киламанки, у мени доим севади.

Бегона аёл олдида кутилмаганда очикчасига гапириб юборганидан Саксон уялиб, жим бўлиб қолди.

– Эркакларнинг севгиси – ғаройиб нарса, – гапида давом этди Мерседес. – Ва ҳамма аёлларнинг хатоси шундаки, улар эркак киши ўзлари учун – очик турган китоб деб хисоблашади. Айнан эркакларни билмаганлари учун ҳам кўплаб аёллар бахтсиз бўлиб қолишади-да, бари бир мен эркакларни жуда яхши биламан, деб ўйлашда давом этишади. Эҳ, тентаклар, тентаклар! Демак, сиз, кичкина аёл, эрингизни бир умр сизни севишга мажбур қила олишингизга умид қиляпсиз? Ҳамма аёллар ҳам эркакнинг ўзини ва унинг қалби ғаройиблигини жуда яхши биламан, деб ўйлаб, шундай дейишади. Бироқ, сизни ишонтириб айтаманки, бунга эришишдан кўра “Литтл Луизиана” лотереясининг асосий ютуғига эришиш осонроқ. Ва бечора ёш аёллар ўз хатоларини жуда кеч тушунадилар. Шундай бўлса-да – сиз яхши бошлагансиз. Ўзингизга қараб юрасиз ва ажойиб ичкийимлар киясиз. Эрингизни нима билан бўйсундирган бўлсангиз – шу нарса билан ушлаб қоласиз. Бироқ бу етарли эмас. Биз бирор кун бирга ўтириб суҳбатлашамиз, ана ўшанда мен сизга кўп аёллар билишни истайдиган, бироқ, афсуски, санокли

аёлларгина била оладиган нарсаларни айтиб бераман. САКСОН! Қандай чиройли ва фусункор исм. Бирок бу исм сизга тўғри келмайди. Мен сизни кузатдим, сиз тўғрироғи французсиз. Ҳа, чиндан ҳам сизда французлардан нимадир бор. Мистер Робертсга айтиб кўйинг – бундай ажойиб танлови билан уни табриклайман. – Кампир жим бўлиб қолди, сўнгра ошхона эшигининг туткичини тортди. – Бирор кун меникига кириш. Афсус қилмайсиз. Мен сизга кўп нарсаларни ўргатишим мумкин. Кечкурунлари келинг. Эрим вокзалда кечки қоровул бўлиб ишлайди, кундуз кунлари эса ухлаб олади. Мана, ҳозир ҳам ухлаб ётибди.

Саксон уйига кириб келганда ўйчан бўлиб, кампирнинг гапларига қизиқиб қолган эди. Катта-катта қора кўзлари гўё ички бир алангадан ёниб турган, ориқ, қорачадан келган бу аёл унга ҳеч кимга ўхшамайдигандек туюлаётганди. У албатта қари – эллик-етмиш ёшлар атрофида. Унинг бир пайтлар қарганинг қанотидек қоп-қора бўлган сочларида кўпгина оқ толалар ажралиб турибди. Саксонни энг ажаблантирган нарса унинг нутқининг тозалиги эди. Мерседеснинг нутқи Саксон атрофида эшитиб ўрганган одамларнинг нутқларидан анча яхши эди. Бирок Мерседес америкалик эмас. Бошқа томондан эса, у ҳеч қандай акцентсиз гапираётти. Унинг нутқидаги чет элликниқига ўхшаган нимадир шунчалик сезиларсиз эдики, у нима эканлигини аниқлаш жуда қийин эди.

– Аҳа, – деди Билл, хотини кечкурун унга ўзининг янги таниши ҳақида гапириб берганда. – Мана бу миссис Хиггинс деганлари қанақа экан! Ҳа, унинг эри – тунги қоровул. Унинг қўли йўқ. Иккаласи ҳам ғалати одамлар! Баъзилар бу аёлдан кўркишади ҳам. Баъзи кекса ирландиялик аёллар ва даго уни жодугар деб

билишади ва у билан бор-келди қилишни хоҳлашмайди. Менга Берт айтиб берган эди. Шундай одамлар ҳам борки, бу аёлнинг бировдан жажли чикса, ёки кимдир ёқмаса ўша одамга шундай қараса – тамом, шу заҳоти ерга таппа ташлаб, ўлиб қолишига ишонишади. Бизнинг отбоқарларимиздан бири – сен уни кўргансан, Бешинчи кўчада, шундай бурчакда яшайдиган Гендерсон, бу аёлнинг жуда ҳам ақли жойида эмас, дейди.

– Нима дейишни ҳам билмайман, – янги танишини ҳимоя қилгиси келиб, деди Саксон. – Балки у чиндан ҳам тентакдир, бироқ у ҳам худди сен гапирган гапларни айтаяпти: мен америкаликка эмас, французларга ўхшар эканман.

– У ҳолда мен ҳам бу аёлни ҳурмат қилишга бошляяпман, – деди Билл. – Демак, унинг калласи яхши ишлайди.

– Ва у яна инглиз тилида шунақа чиройли гапирар экан, Билли, худди мактаб ўқитувчисига ўхшайди... менимча, онам ҳам худди шундай гапирарди. Бу аёл ўқимишли бўлса керак.

– Агар у сенга шунчалик ёқиб қолган бўлса, тентак бўлмаса керак.

– У сен мени танлаганинг учун сени табриклаб кўйишимни сўради. “Эрингизнинг диди яхши экан” деди... – кулди Саксон.

– Шундайми? Унда бу аёлга менинг номимдан чин дилдан салом айтиб кўй; афтидан у яхши нарсани кўра оларкан; бу ҳолда шундай яхши эрни танлаганинг учун сени ҳам табриклаб кўйиши керак эди!

Бир неча кундан кейин Саксон кўшнисини яна учратиб қолди ва Мерседес Хиггинс яна ёш аёлгами ёки у ёяётган ичкиймларгами қараб, бошини силкиб кўйди.

– Мен сизнинг кир юваётганингизга қараб турман, – гап бошлади у. – Қараб туриб хафа бўкетьпман.

– Нималар деяпсиз! Мен тўрт йил кирхонада ишлаганман, – шоша-пиша жавоб берди Саксон.

Мерседес истехзо билан кулди:

– Буғли кирхонами? Шу ҳам кир ювишми!.. Аҳмокона иш. Буғли кирхонада энг оддий ичкийимлар ювилиши керак. Бироқ нозик, тўрли ичкийимлар алоҳида ювишни талаб қилади, ха-ха, азизам, бу алоҳида санъат! Бу ерда одамдан ақл, идрок, иктидор, эҳтиёткорлик ва шу нозик нарсаларнинг ўзи каби нозик муомала талаб қилинади. Мен сизга уйда тайёрланадиган совуннинг рецептини бераман. У матонинг оҳорини тўкмайди, уни майин, оппоқ қилиб, унга жон киргизади. Бундай нарсаларни узоқ кийишингиз мумкин, ахир оқ нарса жонга тегмайди-ку. Ҳа, кир ювиш – нозик иш, чинакам санъат! Кирни худди расм чизаётгандек ёки шеър ёзаётгандек – меҳр билан, берилиб ювиш керак, бу худди муқаддас бир ишни бажараётган каби.

Азизам, мен сизга бу янкилар ҳатто тушида ҳам кўрмаган қизиқ-қизиқ нарсаларни ўргатаман. Мен сизни гўзалликка ўргатаман! – Аёл яна арқонда осиглиқ турган кийимларга ишора қилди. – Сиз тўр тўқишни биласизми? Мен тўрларнинг барча турини, энг ҳайратланарли турларини тўқишни биламан! Мен сизга осонроқларини тўқишни ўргатаман, токи сиз ўзингизга ўзингиз тўқиб кийиб юринг-да, эрингиз-сизни доим севишда давом этсин.

Кекса Хиггинснинг уйига биринчи боришда Саксон ундан уйда тайёрланадиган совуннинг рецептини ва нозик ичкийимларни ювиш тўғрисида маслаҳатлар

олди. Бундан ташқари Саксон гапираётган гапларидан узоқ мамлакатлар ва нотаниш денгизларнинг иси келаётган бу аёлда яширинган ғайриоддийликдан, унинг ҳикояларидан ҳаяжонга тушди.

– Сиз испанияликмисиз? – ниҳоят сўрашга аҳд қилди Саксон.

– Ҳа ҳам, йўқ ҳам, на униси, на буниси дегандек. Менинг отам – ирландиялик, онам эса – Перулик испанка. Мен онамга юришим ва юзимнинг ранги билан ўхшайман, бироқ отамга ҳам қаеримдир ўхшайди: оғзида доим кўшиқ, хаёлпараст, кўккўз кельт – юриб чарчамайдиган ва саёҳатсиз туролмайдиган одам – уни шу қизиқиши хароб қилган эди. Отамнинг бу қизиқиши менга ҳам ўтган ва уни бир вақтлар узоқларга олиб кетгани каби, бу қизиқиш мени ҳам шундай жойларга олиб келиб қўйган.

Саксон мактабдаги география дарсини эсга олди: унинг кўз олдига материклар ва уларнинг чегаралари туширилган географик харита келди.

– Вой! – хитоб қилди у. – Демак, сиз Жанубий Америкадансиз!

Мерседес елкасини учириб қўйди.

– Одам ахир қаердадир туғилади-ку. Онамнинг баҳайбат ранчоси бўларди. Унинг энг кичик яйловига бутун Оклендни жойлаштиради бўларди.

Кампир жилмайганча хўрсиниб қўйди ва бир мунча вақт ўз хотираларига берилди. Саксон афтидан ўз ёшлигини бир пайтлар испан Калифорниясида яшаган халқлардек ўтказган бу аёл ҳақида иложи борича кўпроқ нарса билгиси келаётганди.

– Сиз яхши таълим олган бўлсангиз керак-а? – сўрай бошлади Саксон. – Инглиз тилида жуда тоза гапирар экансиз.

– Ҳа, инглиз тилими? Мен уни мактабда эмас, кейин ўрганганман. Ҳа, мен яхши таълим олганман ва кўп нарсани билардим, фақат энг асосий нарсани – эркакларни билмасдим. Буни ҳам кейин ўргандим. Онам – у жуда ҳам бой эди, сизлар бундайларни “яйловлар қироличаси” деб атайсизлар, мен билимли бўлишимга қарамай бир куни келиб тунги қоровулнинг хотини бўлишимни, албатта, тушида ҳам кўрмаган бўлса керак. – Бу эҳтимолнинг нақадар аҳмоқона эканлигидан аёл кулиб юборди. – Бизнинг юзлаб уйлари-миз, минглаб қоровул ва ишчиларимиз бор эди, улар ҳаммаси биз учун ишлашарди. Пеонларимиз – бу ерда куллар дейишади, ранчонинг у бошидан бу бошига етиб бориш учун отда икки юз мил юрадиган қовбойларимиз бор эди. Уй ичидаги хизматкорларни-ку, санаб санаб етишнинг ҳам иложи йўқ эди. Ҳа, онамникида улар беҳисоб эди.

Худди грек аёлларидек эзма бўлган Мерседес Хаггинс ўз хотираларини Саксон билан бўлишида давом этди.

– Бироқ уларнинг ҳаммаси искирт ва дангаса эди. Одатда, хитойликлар ажойиб хизматкор бўлишарди. Агар ишончлисиз тушиб қолса, японлар ҳам – яхши эди. Хизматкор япон аёллари – яхши, қувноқ бўлишарди, бироқ истаган пайтда сизни ташлаб, кетиб қолиши мумкин эди. Ҳиндлар нимжон, бироқ гапга кулоқ соладиган бўлишарди. Соҳиб ва мэмсоҳибалар улар учун эъзозга лойиқ одамлар эди! Мен аёл киши бўлганим сабабли улар учун мэмсоҳиба эдим. Бир пайтлар менинг рус ошпазим ҳам бўлганди – доим плитага қараб “яхшиликка бўлсин!” деб туфларди. Жуда кулгили. Бироқ биз бунга кўникиб кетгандик. Одат шундай эди.

– Шунчалик кўп ғалати хизматкорларингиз бўлган бўлса, сиз кўп саёҳат қилган бўлсангиз керак? – кампир хикоясини давом эттиришини хоҳлаб, сўради Саксон.

Мерседес кулиб, бошини ирғаб қўйди.

– Лекин энг ажойиби – Океаниядаги қоратанли куллар эди: кичкина, сочлари жингалак, бурунларини тешиб суякдан қилинган безаклар тақиб олишарди. Улар данғасалик қилишса ёки ўғирлик қилишганда уларни кокос пальмаси устунига боғлаб қўйиб, қаркидон терисидан қилинган хивчин билан савалашар эди. Улар одамхўрлар оролидан бўлишиб, уларни калтаклашаётганда бир оғиз ҳам товуш чиқармасдилар: уларнинг мағрурлиги шуни талаб қиларди. Мен шу пайтгача кичкина Вибини эслайман: менинг хизматкорим – у ниҳоятини ўн икки ёшда эди. Уни калтаклаб, бутун орқасини моматалок қилиб ташлашганда мен унинг тепасида йиғлаб ўтиргандим. У эса фақат кулиб “Озгина кутиб тургин, мен катта оқтанли хўжайиннинг калласини оламан” деганди. У ўзини калтаклаган инглиз Брюс Анстейни кўзда тутганди. Бироқ кичкина Виби хўжайиннинг калласига етиша олмади. У қочиб кетиб, ёввойилар унинг ўзининг калласини олиб, бутунлай еб қўйишди.

Саксоннинг эти музлаб, юзлари қорайиб кетди, Мерседес Хаггинс эса шақиллашда давом этарди:

– Эҳ, қандай қувнок, ажойиб пайтлар эди! Азизам, айтсам ишонмайсиз: плантациядаги бу инглизлар уч йил ичида бутун бир денгизга тўғри келадиган шампан виноси ва шотланд вискисини ичиб, ўттиз минг фунт пулни йўқ қилишди. Эътибор қилинг, доллар эмас, фунт – бу дегани, эллик минг доллар. Бироқ сарф қиладиган нарсалари бор экан, улар кирооллардек

яшашди. Бу эртақлардагидек ажойиб ва бутунлай телбанамо ҳаёт эди.

Жўнаб кетиш учун мен Янги Зеландияда ўзимнинг тенги йўқ қимматбаҳо буюмларимнинг ярмини сотишимга тўғри келди. Ахири бориб Брюс Анстей ўзини отиб қўйди. Рожер эса ойига саккиз фунт маошга савдо кemasига штурман бўлиб ишга кирди. Уларнинг ичида энг ажойиби Жэк Гилбрайт эди. Унинг келиб чиқиши бой ва таниқли онладан эди. Англияга қайтиб келгандан сўнг у ўз қасрининг атроф кишлоқларида мушуклар учун гўшт сотиб юрди ва қариндошлари унга каучук плантацияси сотиб олиш учун пул беришмагунча бу ишени давом эттирди. Шундан сўнг у Ҳиндистонми, Суматрами, балки Янги Гвинеягами... ёдимда йўқ, жўнаб кетди.

Уйига қайтиб, ошхонада овқат тайёрлар экан, Саксон анча вақтгача юзларини куёш куйдирган бу кекса кампирни шунчалик узоқ йўлни – Перудаги ажойиб ранчодан Оклендгача ва Барри Хиггинсгача босиб ўтишга мажбур қилган истак ва қизиқишлар тўғрисида ўйлади. Кекса Хиггинс пулини шампан виносига сарфлайдиганлар сирасига кирмасди ва ҳатто, унинг бунга шароити ҳам бўлмаган бўлса керак. Аёл ўз ҳикояларида кўпгина эркақларнинг номини ёдга олди, бироқ эрининг эмас.

Мерседес Саксон билан бўлган суҳбатларда яна кўп марта хотираларига берилди; у кўп нарсалар ҳақида қисман, шама қилиб гапирарди. Афтидан, Эски ва Янги Дунёда бу аёл бормаган бирорта ҳам катта шаҳар қолмаган шекилли. Ўн йил бурун у ҳатто Клондайкка ҳам борган экан. Аёл ўз тингловчисига қизиқарли қилиб, камида бир неча минг доллар турадиган олтин кумларни барда сочадиган, мўйналарга бурканиб, оёқ-

ларига мокарина кийиб олган олгин кидирувчиларни тасвирлаб берди. Афтидан миссис Хиггинс доим шундай – пул улар учун сувдек бўлган эркаклар билан иш кўрган шекилли.

УЧИНЧИ БОБ

Биллнинг севгисини сақлаб қолиш, ўзаро муносабатларини доимо софлигича ушлаб қолиш ва ҳозир икковлари эришган чўққидан ҳеч қачон тушиб қолмасликни олдига мақсад қилиб олган Саксон миссис Хиггинснинг олдига бориб, унинг ҳикояларини бажонидил эшитарди. Ахир бу аёл абадий севгининг сирини биларди, билиши керак эди. Ахир Мерседеснинг ўзи бежизга у бошқа оддий аёллардан кўра бу тўғрида кўпроқ нарсаларни билишига шама қилмади.

Яқин ўтган ҳафталар ичида ёш аёл кампирниқига тез-тез кириб турди, бироқ кампир ҳамма нарса тўғрисида гапирса гапирардики, Саксонни кизиқтирган мавзу тўғрисида оғиз очмасди. У Саксонга тўр тўқишни, нозик ичкийимларни ювишни ва озиқ-овқат сотиб олишни ўргатди. Бир куни Саксон кампирни одатдагидан жўшқинроқ ҳолда кўрди. У тинмай шошиб гапирарди. Кўзлари ҳам, ёноқлари ҳам ёнарди. Хонада спирт ҳиди келаётган бўлиб, Саксон Мерседеснинг ичиб олганини тушунди. Кўрқиб кетиб, жим бўлиб қолган киз шундай бўлса-да, кампирнинг ёнига ўтириб Билл учун дастрўмол тўқир экан, унинг палапартиш гапларига қулоқ сола бошлади.

– Шунақа гаплар, жонгинам. Мен сизга эркаклар ҳақида гапириб бераман. Сиз ҳам мени ақлдан озган, жодугар, кўзи тегади, деб ҳисоблайдиганларга ўхшаб тентак бўлманг. Ҳа-ҳа! Анави тентак Мэгги Донэхью-

ни ўйлайдиган бўлсам, кулгим қистайди – у кўчада мени кўриши билан боласининг юзини рўмол билан тўсиб олади. Ҳа, мен жодугар эдим, бироқ мен эркакларни жоду қилардим. Ҳа, мен донишмандман, жуда, жуда ақллиман, азизам! Мен сизга аёллар эркакларни қандай севишларини ва эркаклар, улар яхши бўладими, тентак бўладими – аёлларни қандай севишлари тўғрисида айтиб бераман. Ҳар бир эркакнинг ичида қандай хайвон ўтириши, улар табиатидаги аёллар тушунишлари керак бўлган, бироқ тентакликлари сабаб тушуна олмайдиган нарсаларни билмайдиган аёлларнинг юраklarини адо қиладиган ғалатликлар ҳақида гапириб бераман. Бироқ мен тентак эмасман. Ҳа, кулоқ солинг.

Мен ҳозир қариб қолдим; аёл сифатида ёшим нечадалигини мен сизга айтмайман – бироқ мен шу пайтгача эркаклар устидан ҳукмронлик қила оламан. Ва мен юз ёшга кириб, тишсиз қолимда ҳам бу қобилиятимни сақлаб қола оламан. Ёш йигитлар устидан эмас, албатта, йўк, қариялар, ёшимга муносиблар тўғрисида гапириятман. Яхши ҳам шундай қобилиятим бор. Менинг пулим ҳам, қариндошларим ҳам йўк, бу ёруғ дунёда ҳеч кимим йўк; менда фақат менинг ақлим ва хотираларим бор; фақат кулгина қолган, бироқ шоҳона ва қимматбаҳо кул. Мен сингари кампирлар одатда бир пулсиз қолиб, очликдан ўлишади ёки ғарибхонага боришади – бироқ мен эмас! Мен ўзимга эр топганман. Тўғри, бу ниҳоятти Барри Хиггинс..., худди хўкиз каби бесўнақай; бироқ, нима бўлганда ҳам эркак киши ва ҳамма эркакларга ўхшаб қизиқ-қизиқ одатлари бор. Тўғри, унинг қўли битта, – кампир елкасини учуриб қўйди, – бироқ у мени кал-

таклай олмайди, ахир қариганинг сайин этинг куриб, суякларинг сезгир бўлиб қоларкан.

Бироқ мен ўзимнинг ёш, қони қайноқ хушторларимни доим эслайман. Ҳа мен чиндан ҳам “яшаганман”! Энди етар! Мен ҳеч нарсадан афсусланмайман. Қария Барри билан эса мен хотиржамман – ётишга бошпанам, ейишга бир бурда ноним, ўчоғимда оловим бор. Хўш, қандай қилиб? Чунки мен эркаклар билан муоамала қилишни биламан ва ҳеч қачон буни унутмайман. Бундай билим ҳам аччиқ, ҳам ширин, – йўқ, тўғрироғи ширин. Эҳ, эркаклар, эркаклар!

Сизни, кичкина хоним, мен донишмандликка ўргатмоқчиман! Хилма-хиллик – мана бу сеҳрнинг сиринимада, мана унинг олтин калити, мана эркакларга ёқадиган ўйинчоқ! Агар эркак ўз хотинида буларни топа олмаса, у ўзини туркдек тута бошлайди; агар топса-чи – у ҳолда бу эркак аёлнинг кули, вафодор кули. Агар сиз эрингиз сизни доим севишини истасангиз сиз ўзингизда дунёдаги ҳамма аёлларни мужассам қила билишингиз керак. Доим янги, бошқача бўлинг. Доим тонгги шудрингдек ялтираб туринг, доим тўлиқ очилмайдиган, шуниг учун ҳеч сўлимайдиган ёрқин гулдек бўлинг. Доим янги, узилмаган, доим ҳеч кутилмаган гуллар билан тўла боғдек бўлинг-ки, эрингиз бу боғда охирги гулни узганман, деб ўйлаб ўтирмасин.

Менга қаранг, кичкина хоним! Муҳаббат боғида илон яшайди. Унинг номи – фиску-фасод! Сиз унинг бошини янчиб ташланг, акс ҳолда у сизнинг боғингизни адо қилади. Бу сўзни эслаб қолинг: фиску-фасод. Ҳеч қачон кўнглингиздаги ҳамма гапни очик айтманг. Эркаклар фақат кўринишидангина кўпол. Аслида аёллар кўполроқ... Йўқ, азизам, мен билан баҳслаш-

манг, сиз ҳали ёш боласиз. Аёллар эркакларга нисбатан камроқ назокатлидир. Мен билмайманми? Улар бир-бирларига ўзларининг эркаклари билан муносабатларининг энг нозик томонларини ҳам айтиб беришади; эркаклар эса ҳеч қачон бу тўғрида гапиришмайди. Бундай очикликни қандай тушунтирса бўлади? Менимча, фақат битта нарса билан: аёллар эркакларчалик назокатли эмас. Уларнинг хатоси ҳам ана шунда. Барча ярамасликларнинг бошланиши ана шунда. Севгини емирадиган нарса ҳам пасткашлиқдир.

Доим назокатли бўлинг, азизам! Доим кўплаб чойшаб остида бўлинг. Қимматбаҳо дурлар билан ясатилган ажойиб матоларга ўраниб олинг. Ҳеч қачон сизнинг устингиздаги нарсаларни охиригача ечиб олишларига йўл қўйманг. Ҳар сафар устингизга янги ва янги нарсалар ташланг, бироқ эрингизга бу нарсаларни сездирманг. Сизга чанқоқ бўлиб турган сеvgилингиз иккинги ўртангизда биттагина кийим қолди деб, ва у охиргисини ечаётганига амин бўлаверсин. Аслида эса бошқача бўлади: эртаси куни эрталаб у янглишганини билиб қолади.

Эсингиздан чиқмасин: ҳар бир чойшабингиз унга охиргиси бўлиб туюлиши керак. У сиз охирги чойшабни унинг кўлида қолдирдингиз, деб ўйлайверсин; янгисини эртаси кунга қолдиринг. Ана шунда сиз эрингизга ҳар куни янги ва кутилмаган бўлиб туюлаверасиз ва у янгиликни ташқарида бошқалардан эмас, сиздан қидиради.

Эркакка эришиб бўлгач тўлиқ ғалаба қозондим, деб ўйлайдиган аёллар – аслида уларнинг ҳаммаси тентак, – тентаклардир. Эришиб бўлишганидан сўнг улар семириб кетишади, сўлиб қолишади, сўлиб, кейин бахтсиз бўлиб қолишади. Эсиз, улар чиндан ҳам жуда

тентакдирлар. Бирок, сиз, кичкина хоним, сизнинг муҳаббат бобидаги биринчи ғалабангиз қатор ғалабаларга айлансин. Сиз ҳар куни эрингизни қайта-қайтадан бўйсундиришингиз керак. Сиз охириги жангда ғолиб чиқиб, энди бўйсундирадиган нарса қолмаганини кўрганингизда – севги ўлади. Ниҳоя муқаррар етиб келади, – бирок у ҳали келмаган экан, эрингиз сеҳрли боғда сайр қилаверсин. Муҳаббатга тўйиб бўлмаслигини эслаб қолинг. У пичоқнинг қири каби ўткир очликни уйғотаверсин, уни ҳеч қачон охиригача тўйдириш керак эмас. Севгилингизни яхшилаб тўйдириш керак; бирок кетаётиб у бутунлай тўйган бўлиши керак эмас, ана шунда у сизнинг олдингизга аввалгидан ҳам очроқ бўлиб қайтиб келади.

Миссис Хиггинс бирдан ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди. Саксон унинг озиб кетган, қари гавдасидаги енгиллик ва назокатни сезмай қолмади.

Кампир хонага қайтиб кирганда Саксон унга яна бир марта диққат билан тикилди: йўқ, кампирнинг ҳаракатларидаги енгиллик ва назокат унга шунчаки кўринмаганди.

– Мен сизга муҳаббат алифбосидаги биринчи ҳарфларнигина кўрсатдим, – ўтираётиб, деди миссис Хиггинс.

Унинг қўлида унча катта бўлмаган гитарани эслагувчи ажойиб ишлов берилган, қимматбаҳо ёғочдан ишланган тўрт торли мусиқа асбоби бор эди.

Аёл қўлидаги мусиқа асбобининг торларини бир маромда чертиб нозик ва ёқимли товушда бегона тилда қандайдир кўшиқни қуйлай бошлади. Аёлнинг товушида ҳам, торнинг оҳангларида ҳам қандайдир сеҳрли титроқ сезилиб турарди; бу оҳанглар гоҳ бирдан кучаяр, гоҳ эркалатаётган каби шивирлашга айланарди.

Бу кўшиқ Саксонга шунчалик ёкиб кетдики, бир оз ўтиб у ўзини берилиб куйлаётган мусика созидек ҳис қила бошлади. Унга булар ҳаммаси тушдек туюла бошлади. Мерседес кўшиғини тугатганда унинг боши айланиб кетаётган эди.

– Агар эрингиз сиздан совиб қолса ва сиздаги бор нарсалар унга эски таниш ҳикоядек бўлиб кўринадиган бўлса, сиз ана шу ашулани мен айтгандек қилиб айтиб беринг ва унинг кучоғи сизга яна очилади ва кўзларида аввалги учкунлар чакнай бошлайди. Кўрдингизми, азизам, гап нимада? Тушуняпсизми?

Саксон фақат индамай бошини тебратди. Унинг лаблари қуриб кетиб, бир оғиз ҳам сўз айта олмаётган эди.

– Бу олтин коа, ўрмонлар қироли, – мусика асбобига энгашиб, деди Мерседес. – Бу асбобни Гавайяда Укулеле деб аташади; бу “сакраётган бурга” деган маънони билдиради.

Аёл яна торларни чертиб, Саксонга нотаниш тилда ашула бошлади. Саксон бу ашула француз тилида бўлса керак, деб ўйлади. Ашула кувнок, ўйноқи, жизиллатадиган эди. Мерседеснинг кўзлари катта очилиб чарақлай бошлади, сўнг эса йиртқич ҳайвоннинг кўзлари каби қисилиб, маккорона тусга кирди. Ашуласини тугатгач, аёл мактов кутиб Саксонга ўтирилди.

– Менга бу ашула камроқ ёкди, – деди Саксон.

Мерседес елкасини қисиб кўйди.

– Уларнинг ҳар бири ўзича яхши, кичкина хоним, – сиз ҳали кўп нарсага ўрганишингиз керак. Эркакларни баъзан вино билан забт этадилар, баъзан эса уларни сархуш қиладиган ашулалар билан эритиш мумкин. Мана, улар қандай ғаройиб. Ҳа, бунинг йўллари кўп, жуда кўп. Бу ерда бизнинг ташқи кўринишимиз, бизнинг кийимларимиз ҳам катта аҳамиятга эга. Бу сеҳрли

тузок. Бирорта ҳам балиқчи денгизда ўз тўрлари билан биз ўзимизнинг мана бу майда-чуйда безакларимиз билан эркакларни овлаганимизчалик муваффақият билан балиқ овлай олмайди. Сиз тўғри йўлдасиз. Мен мана бу сизнинг арқонда осилиб турган ичкийимларингиздек кийимлар орқали забт қилинган эркакларни ҳам кўрганман – у кийимлар булардан кўра нозик ва ажойиброқ эмасди.

Мен сизга нозик ичкийимларни ювиш ҳам бир санъат деб айтдим. Бироқ бу унчалик муҳим эмас. Дунёдаги энг буюк санъат – бу эркакларни бош эга олдириш санъатидир. Ҳамма санъатларнинг асосий мақсади – Севги ва ҳамма нарсанинг асоси ҳам шудир.

Кулоқ солинг: ҳамма даврда ҳам буюк донишманд аёллар яшаб ўтган. Уларнинг гўзал бўлишлари шарт бўлмаган – уларнинг оқилаликлари ҳар қандай гўзалликдан юқори турган. Подшоҳлар ва шахзодалар уларнинг олдида бошларини эгтанлар, улар учун бутун бир халқлар курашганлар, уларни деб бутун-бутун ҳокимиятлар йўқ бўлиб кетганлар, улар учун динлар пайдо бўлган... Мен ҳозир сизга, кичик хоним, бутун бир мамлакатнинг эркакларини бўйсундирган буюк аёллар ҳақида гапириб бераман.

Миссис Хиггинснинг сирлидек туюлган ҳикоясини Саксон ҳаяжон билан тинглади. Аёлнинг нутқи ўз йўлида ҳамма нарсани ёндириб, кул қилиб оқадиган лава каби қуйилиб келарди. Саксоннинг кўз олдидан даҳшат ва жиноятларни ўз ичига олган ақлга сиғмайдиган воқеалар ўта бошлади. Унинг юзи қизиқ кетган бўлиб, пешонаси, ёноқлари ва бўйни борган сари оловдек ёнаётган эди. У кўрқувдан титрар, борган сари кўнгли озиб борар, миясида ҳар хил нарсалар аралашиб кетгани учун ҳозир ҳушидан кетиб қоладиганга ўхшар-

ди. Бирок бу хикоялардан кулоқ узиб кетолмаётган ва тиззасидаги тикишини ҳам унутиб, бутун вужуди билан тинглашга берилган эди. Бир пайт, қиз ортиқ чидай олмаслигини ҳис этиб, Мерседесни тўхтатишни хоҳлаётганда, аёл бирдан жим бўлиб қолди.

– Шу билан мен биринчи дарсимни тугатаман, – хиркирок товушда деди у ва қандайдир шайтон кулгисига ўхшаш оҳангда кулиб юборди. – Сизга нима бўлди? Ҳайрон қолдингизми?

– Мен кўрқиб кетяпман, – пичирлади Саксон ва пиқиллаб йиғлаб юборди. – Сиз мени кўрқитиб юбордингиз. Мен шунчалик тентакман, ҳеч нарса билмайман. Мен ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдим...

Мерседес бошини қимирлатди:

– Ҳа, чиндан ҳам кўрқиб кетиш мумкин, – деди у. – Бу даҳшатли, бу буюк, бу ажойиб!

ТҲРТИНЧИ БОБ

Дунёқараши анчагина тор бўлса ҳам, Саксон ҳаётга ёпик кўз билан қарамасди. Кэди ва унинг жуда ҳам художўй бўлмаса-да, кўнгилчан бўлган хотининикида ўтказган болалик даврида у жуда кўп нарсаларни кўрган, эркак ва аёл муносабатларини кузатган ва ўсмирлик даврида ҳам бундай муносабатлардан керакли хулосалар қилган эди. Қандай тоифага тегишли бўлмасин, фақат жуда озчилик аёлларгина эрларининг муҳаббатини ушлаб қолиш масаласига шу даражада жиддийлик билан қарар эдилар, ишчилар синфига тегишли қизларнинг ҳам жуда озчилигигина ўзига мос келадиган эр танлашга шунчалик катта эътибор билан қарашарди.

Саксон ўзи учун жуда ақлли муҳаббат фалсафасини яратган эди. У доим тушуниб, тушунмай нозик нарсаларга интилар, ҳар қандай ифлослик ва сийқаси чиққан нарсалардан нари қочарди. У ўзини ерга урадиган бўлса бу билан бирга муҳаббатини ҳам ерга уришини жуда яхши тушунарди. Бирга турмуш кечиришаётгани шу ойлар давомида Билл уни бирор марта ҳам дидсиз кийинган, жаҳли чиққан ва бўшапган ҳолда кўрмади. Қиз бутун уйда унинг ўзига хос бўлган мусаффолик, хотиржамлик ва сабрлилик муҳитини яратганди. Қиз яна кутилмаган кўнгилли ходисалар, совғалар ва ёқимли майда-чуйдаларнинг аҳамиятини ҳам яхши тушунарди. Унинг тасаввури бой бўлиб, ақл-фаросати жойида эди. У Билл ўзи учун топилма эканлигини жуда яхши тушунарди; йигитнинг эркак сифатида жўшқин эканлигининг қадрига етар ва бу билан фахрланарди. Йигитнинг сахийлиги, унинг ўзларида ҳамма нарсанинг энг яхшиси бўлишини хоҳлаши, тозаликни севиши ва тозалikka интилиши уни кизнинг кўз олдида бошқа кўпчилик эркаклардан юқорига чиқариб қўйган эди. У ҳеч қачон ўзининг кўпол бўлишига йўл қўймас, мулойимликка мулойимлик билан жавоб берар ва қиз ҳам бу муносабат ўзидан чиқаётганини ва ҳар доим ҳам ўзидан чиқиши кераклигини тушунар эди. Билл кўпинча нима учунлигини ўзи ҳам тушунмаган ҳолда, ғайриихтиёрий равишда ҳаракат қиларди. Бироқ қиз эса ҳамма нарса ҳақида аниқ хулоса чиқарар ва йигитни мукамал эр деб ҳисоблаётган эди.

Мерседес Хиггинс билан бўлган суҳбатлар Саксонни унинг асосий вазифаси нафақат Биллнинг муҳаббатини сақлаб қола билиш эканлигини аниқлатди, унинг билим ва тажрибаларини бойитди, балки қизнинг

ҳаётга бўлган дунёқарашини ҳам бойитди. Кампир Саксонга ўз хулосаларини текширишга ёрдам берди, унда янги фикрлар уйғотди, аввалгиларининг мустаҳкамланишига ёрдам берди, никоҳ масаласининг жуда муҳим нарса эканлигини таъкидлади. Саксоннинг девоналарча гапларининг кўпини эслаб қолди, бу гапларнинг кўпини қиз аввалдан билар ва ҳис қиларди, кўпини эса бари бир тушунмаганча қолаверди. Бироқ кўрпалар ва гулларнинг маъносини ва ўзини бағишлай туриб, доим ниманидир яшириб қолиш кераклигини у жуда яхши ўзлаштириб олди; қизга муҳаббатда бундан ортиқ чуқур ва донишмандларча фалсафа йўқдек туюлди. У ҳамма нарсага энди бошқача назар билан қарай бошлади. У ўзи билган-кўрган омадсиз чиққан ҳамма никоҳларни ҳаёлига келтириб, улар нима учун омадсиз бўлгани сабабини энди яққол кўрди.

Саксон энди рўзгор ишларига, кийим-кечак ва ўзининг кўринишига аввалгидан ҳам ортиқроқ эътибор бера бошлади. Тежаш кераклигини унутмаган ҳолда у озиқ-овқатнинг энг яхшисини сотиб оларди. Яқин атрофдаги кироатхонада яқшанба куни чиқадиган аёллар журналларидан ўзини парваришлаш усуллари тўғрисида кўп фойдали маслаҳатларни олди. У тинмай гимнастика билан шуғулланар, мушакларининг таранглигини, териси соғломлигини сақлаб қолиш учун массаж қилишни ҳам қанда қилмасди. Биллнинг эса булардан хабари ҳам йўқ эди. Унинг билиши ҳам шарт эмасди. Унга тегиллиси бу ишларнинг натижаси эди. Карнеги кутубхонасидан қиз физиология ва гигиена тўғрисида китоб олиб, ундан аёллар соғлиғи ҳақида унга на Сара, на етимхонадаги тарбиячилар ва на миссис Кэди айтмаган нарсаларни билиб олди.

Узоқ муҳокамадан сўнг Саксон ниҳоят андоза ва маслаҳатлари унинг диди ва ҳамёнига жавоб берадиган аёллар журнаliga ёзилди. Бопқа журналларни эса кироатхонадан олиб, улардан кашта ва тўрларнинг гулларини кўчириб олиб кетарди. Зиғирдан тўқилган матолар сотиладиган магазинларнинг витриналари олдида узоқ туриб, у ерда кўйилган намуналарни ўрганар, майда-чуйдалар сотиб ола туриб эса, аёллар ичкийимлари бўлимидаги шу пайтда урф бўлган кашталарни томоша қилмай кета олмасди. Ҳатто бир куни расмлари кўлда чизилган чиройли чой сервизини сотиб олгиси келди, бироқ нархи жуда қимматлиги сабаб, бу фикридан воз кечишига тўғри келди.

Саксон аста-секин ўзининг оддийгина тикилган кизлик ичкийимларини соддагина бўлса-да, ажойиб французча кашталар, бурмалар билан безатилган ичкийимларга алмаштирди. Қишда киядиган арзонгина трикотаж ичкийимига ҳам тўр тикиб чикди. Жуда ҳам қиммат бўлмаган нозик матодан сийнабанд тикиб олди, чиройли қилиб тикилган гуллари ва сифатли ювилиши натижасида унинг тунги кўйлаклари доим яраклаб турарди. Бир журналда у Парижда эрталабки нонушта пайтида четлари гофре қилинган чепчиклар кийиш урф бўлганини ўқиб қолди. Бу нонуштани унинг шароитида ўзи тайёрлаши кераклиги Саксонни зиғирча ҳам хижолатга солгани йўқ. Шу заҳотиёқ оқ нўхот гулли батист матоси сотиб олиб, чепчик учун фасон танлаб, безак учун ҳар хил тўр қийқимларини қарашга тушиб кетди. Ўзига тикиб олгани чиройли чепчикни Мерседес Хиггинс жуда мақтади.

Уйда кийиб юриш учун Саксон ўзига яхши читдан оддийгина қилиб чиройли бўйнини очиб турган қайтарма ёқали капот тикиб олди. У яна ўзларининг

чойшаблари учун тўрлар тўкиди, овқатланадиган столлари ва шифоньерлари учун анча-мунча салфетка ва дастурхонлар тўкиб қўйди. Билл, айникса, хотини ўринлари устига солиш учун сотиб олгани афғон чойшабига хурсанд бўлди. Саксон ҳатто каравотлари олдига курокдан тикилган гиламча ҳам солиб қўйди, чунки қандайдир бир аёллар журналида шундай гиламлар яна урфдалиги ҳақида ўкиганди. Бундан ташқари у яна ҳамма дастурхон, сочик ва чойшабларини қурби етганча энг яхши матолардан тикиб, четларига безак бериб чиқарди.

Оилавий ҳаётларининг ана шу бахтли ойлари давомида қиз бир дақиқа ҳам қўл ковуштириб ўтирмади. У Биллни ҳам ёдидан чиқармади. Қиз бошланиши билан эрига билакбоғ тўкиб берди ва йигит ҳар куни уйдан чиқиб кетар экан, уларни меҳр билан қўлига тақар, кейин эса қайрилишга етиб боргач, секин ечиб олиб чўнтагига солиб қўяр эди. Қиз унга тўкиб берган иккита свитери ва у Билл кечқурунлари уйда қолганда кийишга мажбур қиладигани шиппакнинг тақдири бундан яхшироқ бўлди.

Мерседес Хиггинс бозор қилиш борасида ҳам ўз тажрибалари билан қизга катта ёрдам берди: Саксон энг яхши маҳсулотларни топа оладиган ва айна пайтда пул ҳам тежай оладиган бўлди. Ана шу ерда у иш ҳақидан кўра нарх-наво тезроқ ўсадиган ижтимоий тузумда рўзғор юритишдаги иктисодий ва молиявий муаммоларга дуч келди. Бироқ Мерседес Саксонга маҳсулотларни қаердан арзон ва қандай сотиб олишни ўргатди.

Ҳар шанба куни Билл хотинининг чўнтагига бир ҳафталик маошини солиб қўярди. У хотинидан бирор марта ҳам у сарф қилаётган пулларнинг ҳисобини

сўрамас ва доим у аввал ҳеч қачон бундай яхши овқатланмаганини таъкидларди. Қиз ҳам ҳали пулга кўлини теккизмай туриб, эридан ўзининг бир ҳафталик харажати учун пул олиб қолишини сўрарди. Нафақат бу, у эри истаган маҳал, бирдан керак бўлиб қолганда қанча керак бўлса, шунча олишини талаб қиларди. Бу пул нима учун кераклигини тушунтириб ўтиришнинг ҳам хожати йўқ, дерди Саксон.

– Ахир сен доим ёнингда пул билан юриб ўргангансан, – дерди Саксон. – Энди уйланиб, нима учун ўзингни сиқипнинг керак? Йўқ, у ҳолда мен сенга турмушга чиққанимга пушаймон ея бошлайман. Мен йигитлар йиғилишганда бир-бирларини меҳмон қилишни ёқтиришларини билмайманми, ахир? Аввал биттаси, кейин бошқаси... ва ана шунда пул керак бўлади. Агар сен улардек бемалол сарфлай олмасанг – ахир мен буни биламанку, – ўзингни четга ола бошлайсан. Менимча, бунақаси кетмайди. Мен дўстларинг кўп бўлишини хоҳлайман – эркак кишининг дўсти бўлиши керак.

Шундай пайтларда Билл хотинини бағрига босиб, у дунёдаги энг ажойиб аёллигини таъкидларди.

– Ўйлаб кўргин-а! – қувоч билан хитоб қиларди у. – Мен нафақат яхши еб, яхши жойда яшайман ва дўстларимни ҳам меҳмон қилишим мумкин, мен энди ҳатто пул ҳам тўплайман – тўғрироғи сен! Жихозлар учун ҳам вақтида пул тўлай олаяман, хотиним ҳам шундай ажойибки, мен уни деб ақлдан озай деяман ва шуларнинг ҳаммасининг устига жамғарма кассасида пулимиз ҳам бор. Ҳозир қанча бўлди?

– Олтмиш икки доллар, – жавоб берди Саксон. – Қора кун учун ёмон эмас! Касал бўлиб қолишинг, йиқилиб тушишинг мумкин, билиб бўладими...

Бир куни, қишнинг ўртасида Билл хижолатлик билан пул тўғрисида оғиз очди. Унинг қадрдон дўсти Билл Мэрфи грип билан касалланиб қолибди, ўғилларидан бири эса кўчада ўйнаб туриб, араванинг остига кириб кетиб, оғир жароҳат олибди. Билл Мэрфи икки ҳафталик касалликдан сўнг ҳали ўзига келмаган бўлиб, Биллдан эллик доллар қарз сўрабди.

– Биз бу ерда ҳеч қандай таваккал қилмаяпмиз, у қайтиб беради, – хотинини ишонтирди Билл. – Мен уни болалигидан бери биламан, мактабга бирга борганмиз. У ишонса бўладиган йигит.

– Гап бунда эмас, – деди Саксон, – агар бўйдоқ бўлганингда сен бу пулларни шу заҳотиёқ берган бўлардинг, тўғрими?

Билл бошини силкиди.

– Сен уйланганинг билан ҳеч нарса ўзгармади. Пуллар ахир сеники-ку.

– Ҳеч ҳам ундай эмас, жин урсин! – хитоб қилди йигит. – Фақат меники эмас. Бизники! Сен билан маслаҳатлашмай туриб, ҳеч кимга қарз бермаган бўлардим.

– Сен ўртоғингга бундай демагандирсан? – саросимада сўради Саксон.

– Йўғ-а, – кулиб юборди Билл. – Сенинг жаҳлинг чиққан бўлишини биламан-ку. Мен унга топишга ҳаракат қиламан, дедим. Ичимда эса пул бўлгач, сен албатта рози бўлишингга ишонаётган эдим.

– Билли, – меҳр сезилиб турган товуш билан шивирлади Саксон, – балки ўзинг бунга тушунмаётгандирсан, бироқ бу сен тўйимиздан бери айтган гапларингнинг ичида энг ёқимлиси.

Саксон Мерседес Хиггинсни қанча кўп кўргани сари шунча кам тушуна бошлади. Кампирнинг жуда

хасислигини у дарров тушунган эди ва унинг бу хислати ўзи айтиб берган – бир вақтларда пулни сочгани ҳақидаги ҳикоялари билан мос келмасди. Бошқа томондан эса, Мерседес ўзи учун ҳеч нарсани аямаслиги ҳам Саксонни ҳайратга соларди. Унинг қўлда кашта тикилган ичкийими жуда киммат турарди. Эрини яхши боқар, бироқ ўзи эса жуда яхши овқатланарди. Улар эр-хотин бирга овқатланишар, бироқ Баррига бир бўлак гўшт етарли бўлса, кампирнинг ўзи энг юмшоқ оқ гўшт ер, Баррининг ликопчасига катта бўлак қўй гўшти қўйилса, Мерседес юмшоқ котлетларни ер эди. Ҳатто чой ва қаҳва ҳам ҳар бири учун алоҳида тайёрланар эди: Барри катта қўпол финжонидан йигирма беш цент турадиган чойдан ичса, Мерседес тухум пўчоғидек юпқа, нозик, кичкинагина очпуштиранг финжонидан уч доллар турадиган ичимликни ичарди. Қаҳва ҳам шундай эди: Барри учун йигирма беш центлик қаҳва сут билан, Мерседес учун саксон центлик қаҳва қаймоқ билан тайёрланар эди.

– Чол шунга ҳам хурсанд, – дерди кампир Саксонга.
– У бари бир ҳаётида бундан яхшисини кўрмаган, унга бундан ортиғини бериш гуноҳ бўлади.

Иккала аёл ўртасида мол айирбошлашга ўхшаш савдо бошланди. Саксонга укулелени чалишни ўргатиб қўйгач, энди бундай асбобни чалиш унинг ёшига ярашмаслигини айтиб, кампир уни Саксон яқинда тиккани чиройли чиққан чепчикка алмаштиришни сўради.

– Укулеле бир неча доллар туради. Тўғри, бир пайтлар мен унинг учун йигирма доллар тўлаган эдим. Бироқ ҳозир чепчикка алмаштиришга арзийди. Менинг ёшимда укулеле чалиш – енгилтаклик.

– Чепчик кийиш енгилтаклик эмасми? – кўшнисининг таклифи ёкиб кетган бўлса ҳам, сўради Саксон.

– У менинг оқ сочларимга ярашмайди, – очиқчасига тан олди Мерседес. – Мен уни сотаман. Ревматизм касалим авжига чиқмаган ҳолларда тўқийдиган кўп нарсаларимни мен сотиб юбораман. Азизам, наҳотки сиз чолим олиб келадиган эллик доллар менинг эҳтиёжларим учун етади, деб ўйласангиз? Етмайдиган қисмини мен ўзим ишлаб топаман. Қарияларга ёшлардан кўра кўпроқ нарса керак. Бир куни келиб сиз ўзингиз буни ҳис қиласиз.

– Сизнинг таклифингиз менга жуда ёқди, деди Саксон. – Мен мато учун пул тўплаб бўлишим билан, ўзимга янгисини тикиб оламан.

– Биласизми нима, бир нечта тикинг, – маслаҳат берди кампир. – Мен уларни сизга сотиб бераман. Албатта, ўзимнинг улушимни олиб қоламан. Сиз учун эса донасига олти доллардан бераман. Бичимларини бирга танлаймиз. Ва ўзингизга чепчик учун матога пул керагидан ортиқроқ ҳам қолади.

БЕШИНЧИ БОБ

Бу киш давомида тўртта воқеа содир бўлди: Берт ва Мери турмуш қуришиб, уларнинг ёнгиналаридан уй ижарага олишди. Окленддаги барча аравакашлар каби, Биллнинг ҳам маоши қисқарди; Билл соқол-мўйловини хавфсиз устарада ола бошлади; ва, ниҳоят, Саранинг айтганлари бўлди: Саксон келажак ҳақидаги ўз режаларида янглишди.

Саксон ўзида рўй берган катта янгиликни ҳеч қандай шубҳаси қолмагандан кейингина айтди. Боши-

да, ўзидаги ўзгаришни биринчи бор сезганида, юраги орқасига тортиб кетди ва ўзи учун янги ва нотаниш бўлган холдан кўркув уйғонди. Бунинг устига бўлажак сарф-харажатлар ҳам кўрқитарди. Бироқ вақт ўтиб, ўзининг шубҳалари ростга айлангач, қувонч ҳисси ҳамма кўркувларни сиқиб чиқазди. “Мен ва Билли – иккимизники!” тинмай қайтарарди у ўзича ва ҳар сафар бу фикр унинг юрагида деярли жисмоний ширин оғрик уйғотарди.

Бу янгиликни у Биллига биринчи марта айтган куни кечқурун, йигит ўзининг маоши ҳақидаги янгиликни хотинидан яширди ва уларнинг боласи бўлиши ҳақидаги хабардан хотини билан биргаликда севинди.

– Бу ҳодисани қандай байрам қиламиз? Театрга борамизми? – хотини гапира олиши учун уни кучоғидан бўшатар экан, сўради йигит. – Ёки иккаламиз... йўқ, учовимиз уйда ўтирамизми?

– Яхшиси уйда ўтирамиз, – деди хотини. – Мен фақат битта нарсани: сен мени доим шундай кучоқлаб туришингни хоҳлайман.

– Мен ҳам уйда қолишни хоҳлаётгандим, бироқ сен шундоқ ҳам бутун кун бўйи уйдасан, айланиб келсак сенга ёқади, деб ўйлагандим.

Кўча совуқ эди. Билли креслони ошхонага олиб келиб, шундоқ олов ёнига қўйиб берди. Саксон эрининг кучоғида жойлашиб ўтириб олиб, бошини унинг елкасига қўйди: унинг сочлари йигитнинг юзларини китиклар эди.

– Танишганимиздан кейин дарров турмуш куриб яхши килдик, – хаёлидагиларни айта бошлади йигит. – Ахир мен чиндан ҳам шу пайтгача куёв келинга карагандек, сенга қараб тўймайман. Энди эса бу янгилик! Худойим! Саксон, булар ҳаммаси шундай

яхшики, одамнинг ишонгиси ҳам келмайди. Ўйлаб кўргин-а! Ўзингники! Энди учта бўламиз! Баҳс бойлашаман: ўғил бўлади. Кўрасан, мен уни бир зумда муштлари билан ҳаракат қилиб, ҳимояланишга ўргатаман. Сузишни ҳам ўргатаман. Мен бу мен эмасман, агар олти ёшгача у мана буларни ...

– Агар қиз бўлса-чи?

– Йўқ, у ўғил бўлади, – Саксоннинг ҳазилини давом эттирди йигит.

Улар бахтларидан энтикиб, кулиб, ўпиша кетишди.

– Энди мен зиква бўлишни бошлайман, – бирпас жим тургач, эълон қилди йигит. – Энди дўстларим билан ортиқ ичишмайман! Сувга ўтаман. Чекишни ҳам камайтираман. Ҳм-м! Папиросни ўзим ўраб чекадиган бўлсам-чи? Тайёрни олгандан кўра бу ўн баробар арзонга тушади. Кейин мен соқолимни ўстириб юборишим мумкин. Сартарошлар йилига биздан шилиб оладиган пулга болани боқиш мумкин.

– Мистер Робертс, агар сиз соқолингизни ўстирадиган бўлсангиз, мен сиз билан ажрашаман, – кўркитди Саксон. – Сен соқолсиз жуда чиройли ва ёшсан. Мен юзингни жуда яхши кўраман, сен эса соқол билан ёпиб олмоқчисан! Эҳ, Билли, азизим! Мен сенга турмушга чиққунимча бахт нималигини тушунмасдим ҳам!

– Мен ҳам.

– Доим шундай бўлади, а?

– Мен бунга аминман, – жавоб берди йигит.

– Тўғри, мен ҳам нима учундир доим турмуш қургач бахтли бўлишимга ишонардим, – гапида давом этди қиз. – Бироқ шунчалик яхши бўлиши тушимга ҳам кирмаган эди.

Қиз бошини ўгириб йигитнинг юзидан ўпиб қўйди.

– Билл, буни ҳатто бахт деб ҳам атаб бўлмайди, бу – роҳат!

Билл маоши қисқаргани тўғрисидаги янгиликни ҳозирча айтмасликка қарор қилди. Фақат икки ҳафтадан кейингина – қарор чиқиб ва у одатдагидан камроқ пул олиб келгандан сўнггина у бу ҳақда хотинига айтиб берди. Эртаси куни тушлик пайтида турмуш қурганларига бир ой бўлган Берт ва Мери ҳам уларникига келишди ва ҳаммалари учун оғриқ нуқта бўлган масала устида суҳбат кетди. Берт бу ҳодисаларга айниқса умидсизлик билан қараб, темирйўл устахоналарида кутилаётган ишгашлаларга шама қилди.

– Сизлар ҳаммангиз тинч ўтирганингизда яхшироқ бўларди, – деди Мери. – Бу касоба уюшмалари ташвиқотчилари – сувни лойқалатишяпти. Улар ҳамма нарсага аралашиб, ишчиларни қиздиришаётганини кўрганимда жоним чиқиб кетяпти. Агар мен хўжайин бўлсам, ким уларнинг гапига қулоқ солаётган бўлса, ўшанинг маошини қирқиб ташлаган бўлардим.

– Бироқ сен ўзинг ҳам кирхоналар уюшмасига аъзо бўлган эдинг, – юмшоқлик билан эътироз билдирди Саксон.

– Чунки, акс ҳолда мен иш топа олмаган бўлардим. Бу уюшманг менга нима берди?

– Мана, Биллга қара, – эътироз қилди Берт. – Аравакашлар жим ўтиришганди, оғзини ҳам очишмаётган эди, ҳеч қаерда иштирок ҳам этишмасди. Ва бирдан – мана! Марҳамат! Кўкқисдан бошига мушт тушгандек бўлди! Ўн фоиз қирқиб ташлашди. Бу ҳали ҳаммаси эмас! Бизнинг ота-оналаримиз яратган бу мамлакатда биз учун ҳеч нарса қолмади. Бизга фақат суяк-саёғи қолди. Ва яқинда биз ҳаммамиз – Англияни ташлаб шу ерларга келган, қулларни озод қилган,

ҳиндулар билан курашган, Ғарбни яратган одамларнинг авлодлари – тамом бўламиз. Биз қаёққа қараб кетаётганимизни ҳамма кўриб турибди!

– Биз энди нима қилишимиз керак? – хавотир билан сўради Саксон.

– Курашишимиз! Фақат битта нарса қолди! Мамлакат қароқчилар тўдаси кўлида! Ҳеч йўқса Жанубий Тинч океани йўлини олинг: ахир Калифорнияни ўшалар бошқармаяптими?

– Берт, бўлмаган гап, – дўстининг гапини бўлди Билл. – Сен бўлмаган гапларни гапиряпсан. Темир йўл Калифорнияни бошқара олмайди.

– Эҳ, сен, соддасан-да! – мазах қилиб кулди Берт. – Шошмагин, вақти келиб сиз тентаклар ҳаммангиз бунга амин бўласиз, бироқ унда кеч бўлади! Ҳамма нарса чириб кетган! Сасияпти! Эй, Худо! Наҳотки қонун чиқарувчилар мажлисида қатнаша оладиган, Сан-Францискога бориб, Жанубий Тинч океани йўллари бошқармасидаги керакли одамга куллуқ қилиб келадиган бирорта ҳам одам бўлмаса? Нима учун Калифорния губернаторлигига фақат собиқ йўллар директорларигина сайланишади? Ҳа, биз тамом бўлдик! Сен бизлар кимлигимизни биласанми? Биз – жанг майдонларида курашган, ер чопган, атрофимиздаги ҳамма нарсани яратганлармиз. Биз – охириги могокандлармиз.

– Мен ундан кўрқиб кетяпман, у ўзини йўқотиб қўйгудек бўляпти, – деди Мери: унинг гап оҳангида адоват сезиларди. – Агар жим бўлмаса, уни устахонадан ҳайдаб юборишса керак. Унда нима қиламиз? Мен ҳақимда ўйламаяпти ҳам. Мен битта нарсани сизларга айтиб қўяй: мен кирхонага қайтиб бормаيمان! – Мери

қўлини кўтариб, худди қасам ичаётгандек, қайтарди: —
Ҳеч қачон қайтиб бормаيمان!

— Нимани кўзда тутаётганингни жуда яхши билиб турибман, — ғазаб билан хотинига қараб, деди Берт. — Мен тирикманми, ўликманми, уришаманми ёки йўқми, — бари бир, агар сен ёмон йўлга киришни истасанг — кириб кетасан; мен биланми, менсизми — муҳим эмас.

— Сен билан учрашгунимча ўзимни яхши тутганман шекилли, — эътироз қилди Мери, — ва ҳозир ҳам мен тўғримда ҳеч ким ёмон гап айтмайди.

Берт жаҳл билан хотинига нимадир демоқчи бўлаётганда Саксон араллашиб, тинчлик ўрнатди. У дўстларининг оиласидан жуда хавотирда эди. Иккаласи ҳам қизиққон, жиззаки эдилар, уларнинг доимий жанжаллари яхшилиқдан дарак бермасди.

* * *

Хавфсиз устара сотиб олиш Саксон учун жуда жиддий қадам бўлди. У аввал Пирс магазинидаги сотувчи таниши билан маслаҳатлашиб, шундан кейингина сотиб олишга қарор қилди. Якшанба кунларидан бирида эрталабки нонуштадан сўнг Билл сартарошхонага отланганида у эрини ётоқхонага чақирди ва сочикни кўтариб, тагида тайёрлаб қўйгани устара, совун, чўтка ва бошқа соқол олиш учун керакли нарсаларни кўрсатди. Ажабланган Билл аввалига оёғини тираб туриб олди, сўнгра яқинлашиб, сотиб олинган нарсаларни битталаб қараб чиқишга тушди. Хавфсиз устарага афсусланиб қараб қолди:

— Бу эркак киши учун эмас!

— Бундай устара ўз ишини яхши билади, — деди Саксон. — Юзлаб одамлар ҳар куни шунда соқол олишади.

Билл инкор қилгандек бошини чайқади.

– Ахир ўзинг сартарошхонага ҳар ҳафтада уч марта борасан ва ҳар бир боришинг қирқ беш центга тушади. Ҳисобла – ярим доллар, бир йилда эса эллик икки ҳафта. Бир йилда соқол олишга йигирма олти доллар! Ажабланма, азизим, ишлатиб кўргин. Ахир қанча эркаклар соқолини шу йўл билан олишади!

Йигит яна бошини чайқади ва хўмрайиб кўйди. Саксон эрининг уни ёш боладек чиройли қилиб кўядиган ана шундай хўмрайган ҳолатини жуда яхши кўрарди. У кулиб, эрини кучоклади ва стулга ўтказиб, устидан костюмини ечди, кўйлаги ёқасининг тугмасини ҳам ечиб, ёқасини қайириб кўйди.

– Агар уришмоқчи бўлсанг, – эрининг юзига совун кўпигини сураб экан, деди аёл – оғзингга мана буни солиб кўяман.

– Бир дақиқа тўхтагин, – эри устарани олмоқчи бўлаётганини кўриб, деди у. – Мен сартарошларнинг ишлаётганини кўрганман. Улар кўпик сингигандан кейингина киришни бошлашади.

Шундай деб, қиз эрининг юзига совун кўпигини ишқалай бошлади.

– Мана, бўлди, – эрининг юзига иккинчи марта совун кўпигини суриб бўлиб, деди у. – Энди бошлашинг мумкин. Фақат эсингда турсин: мен ҳар доим ҳам бу ишни сенинг ўрнингга қилмайман. Ўрганиб олгунингча ёрдам бериб тураман.

Ҳазиллашиб жаҳли чиққанини ҳар қанақасига билдириб, Билл бир неча марта устарани юзида юргизишга ҳаракат қилди, кейин, юзини ушлаб, жаҳл билан деди:

– Вой, жин урсин! – У ойнадаги аксига қараб совун кўпиги орасида қизариб турган қонни кўриб қолди.

– Кесиб олдим! Хавфсиз устара билан! Жин урсин! Эркаклар бу устараларни тоза сўкишса керак. Улар ҳақ! Кесиб олдим-а! Хўп ҳам х а в ф с и з экан-да!

– Бир дақиқагина шопмагин, – эрини тинчита бошлади Саксон. – Олдин уни тўғрилаб бураб олиш керак. Сотувчи менга айтганди... Мана қарагин, мана бу ерида кичкина винтлари бор. Шуни бурагин... мана бундай...

Билл яна соқолини олишга бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг у ойнада ўзига диққат билан қаради, кулимсираб яна олишда давом этди, сўнг тезгина юзидаги совун кўпигини қириб ташлади. Саксон чапак чалиб юборди.

– Зўр! – деди Билл. – Ажойиб! Қўлингни бер. Қара, қандай зўр бўлди.

У хотинининг қўлини юзига ишқади. Саксон бирдан вой-войлаб, эрининг юзига диққат билан қарай бошлади.

– Ҳеч ҳам олмабди-ку.

– Хуллас, кўзбўямачилик! Устаранг терини кесар экан, соқолини эмас. Мен яхшиси сартарошга бораман.

Бироқ Саксон гапида туриб олди.

– Ҳали қўлинг етарли келишмаяпти. Жуда қаттиқ бураб юбординг. Мен қилиб кўрай. Мана бундай! Жуда ҳам қаттиқ эмас, юмшоқ ҳам эмас. Яна бир марта кўпиртиргин, қилиб кўрамиз.

Бу сафар устаранинг сочни қираётгани эшитилди.

– Қалай? – хавотирланиб, сўради киз.

– Юляпти, вой...! Сочимни юляпти... – юзини буриштириб додлади Билл, – Юляпти... вой, тортяпти... вой!..

– Қани, қани, давом этавер, – йигитни қўллаб-қўлтиклаб турди Саксон. – Бўш келма! Берт нима дегани ёдингдами?

Чорак соатдан сўнг йигит юзини ювиб, артиб қуритди ва енгил тортиб, хўрсинди.

– Албатта, бунақа қилиб бир амаллаб соқолни олса бўлади, бироқ бу менга унча ёкмади. Қийнаб юборди.

Бирдан нимадир ёдига тушиб, йигит инграб юборди.

– Яна нима қилди? – сўради хотини.

– Гарданим-чи? Гарданимни қандай қилиб қираман? Бари бир сартарошга боришимга тўғри келади.

Саксоннинг юзида бир дақиқага саросима пайдо бўлди. У қўлига чўткани олди.

– Билли, ўтир!

– Нима? Ўзинг олмоқчимисан? – ҳайратланиб, сўради Билл.

– Ҳа-да! Буни сартарош қила олар экан, у ҳолда мен ҳам қила оламан.

Билл вой-войлаб, тўнғиллаб, ўзини камситилгандек ҳис қилиб, бари бир кўнишига тўғри келди.

– Кўрдингми, қандай текис, – деди Саксон. – Бундан осони йўқ. Бундан ташқари йилига йигирма олти доллар чўнтакка қолади. Сен у пулларга беланчак ҳам, арава ҳам, тагликлар ва яна қанча майда-чуйда сотиб олишинг мумкин. Энди эса яна бир оз чидаб тур. – У эрининг гарданини ювиб, артиб, упа суриб қўйди. – Энди, Билли болажон, сен ҳақиқий болакайдек топ-тоза ва ширингинасан!

Йигит бу ишлардан норози бўлиб турган бўлсада, хотинининг кутилмаганда қилган “совғаси” – бўйнидан узок ўпиб қўйгани унга ёқимли эди.

Билл бу устарани энди қўлимга ҳам олмайман, деб ахд қилган бўлса-да, барибир икки кундан кейин яна Саксоннинг ўзига қарашиб юборишига йўл қўйиб берди.

Бу сафар олдингисидан яхшироқ бўлди.

– Аслида, жуда ҳам ёмон эмас экан, – илтифот юзасидан деб кўйди у. – Мен энди тушуна бошладим: ҳамма гап уни йўналтиришда экан. Ана ўшанда кесиб олмасдан, бемалол олиш мумкин экан. Сартарошлар ҳам шундай қилиша олмайди, баъзан улар ҳам кесиб олишади.

Учинчи марта олишлари жуда муваффақиятли бўлиб, бунинг устига Саксон эрига бир шиша квас келтириб бериши йиғитни хурсанд қилиб юборди. У хавфсиз устара тарафдори бўлиб олиб, Бертнинг келишини кутиб ҳам ўтирмай, хотини олиб келган нарсани кўрсатиш учун уни олиб, ўзи дўстининг олдига борди ва ишлатилишини кўрсатди.

– Ахир шунақа ҳам тентак бўладими одам – ҳар сафар сартарошга югуриб, пулни бекорга сарфлаш! Мана бу нарсага қарагин! Қанақа олишини кўргин! Енгил, худди текис жойдан юраётганга ўхшайди. Соатга қарагин – олти дақиқагина кетади. Қалай? Қўлим келишиб қолгандан кейин уч дақиқа ҳам етадиган бўлади! Бу устара билан қоронғида ҳам, сув остида ҳам бемалол олиш мумкин. Кесиб олишни хоҳласанг ҳам кеса олмайсан. Ва асосийси – йилига йигирма олти доллар тежаб қоласан. Буни Саксон ўйлаб топди. Биласанми, у – гений!

ОЛТИНЧИ БОБ

Саксон ва Мерседес ўрталаридаги савдо ривожлана борди. Мерседес Саксон тикиб берган чиройли нарсаларни шу заҳотиёқ сотар, Саксон эса берилиб ишлашда давом этарди. Бўлғуси фарзанд ва эрининг маошининг қисқариши аёлни ҳаётнинг моддий томонига олдингидан кўра жиддийроқ ёндошишга

мажбур килди. Жамғарма кассасидаги пуллари аслида жуда ҳам арзимаган бўлиб, Саксон энди ўзи учун арзимаган нарсаларга ва уй учун кўп сарф қиляпман, деб ўзини ўзи койиб ётган эди. У энди ҳаётида биринчи марта бировнинг маошини ишлатаётган эди – ахир жуда ёшлигидан ўзи топган пулга яшаб ўрганган эди; бахтига, Мерседес сабаб у яна пул топа бошлаган ва яна янги, аввалгидан ҳам қимматроқ ичкийимларга бемалол пул сарфлай бошлаган эди.

Мерседес унга ўргатар, Саксон эса унга кулок солиб, баъзан ўзидан ҳам кўшиб жуда чиройли кийимлар – чоклари жимжимали гофре қилинган, елкаси ва кўкрагида французча кашта тикилган батист кўйлақлар, нафис матодан ирландча тўрлар билан безатилган чиройли комбинациялар, ўргимчак тўрига ўхшаш носик тунги кўйлақлар тикар ва тўкир эди. Мерседеснинг кўрсатмаси билан қиз ажойиб чепчик тикди, кампир эса ўз ҳақини олиб қолиб, қизга ўн икки доллар тўлади.

Саксон қорнидагини ҳам унутмаган ҳолда хурсандчилик билан бу ишларга бутун бўш вақтини сарф қилаётганди.

У сотиб олган ягона нарса учта чиройли тўкилган фуфайка эди. Қолган ҳамма нарсани, энг майда-чуйдасигача: кашталар тикилган тагликлар, илгак билан тўкилган кофта ва капор, кўлпайпок, тўкилган чепчик, жижжигина пинетка, чўкинтириш учун узун кўйлақчалар, худди кўғирчоқникидек кичкина боғичли кўйлақлар, ипак билан безатилган юбкачалар пайпоқча ва тўкилган этикчалар, ҳаммасини ўзи тайёрлади. Аммо ҳаммасининг чўққиси бўлган нарса жажжигина оқ ипакдан кашталар билан тикилган пальточа эди. Тикилган ҳар бир нарсага, ҳар бир чокка Саксон бутун

меҳрини берган эди. Бироқ у ўз қалбида борган сарин улғайиб бораётган бу меҳр тўғрисида ўйлаганда, у бу меҳр хали қандайлигини тасаввур ҳам қила олмаётган вужудидаги бу нарсага эмас, тўғрироғи Билга қаратилганлигига иқроор бўлмай иложи йўқ эди.

– Ҳм-м... – бу кичкина гардеробни кўриб, фуфайкачани кўлига оларкан, деди Билл. – Бу майда-чуйдаларингдан кўра мана бу нарса менга кичкинтойимизни кўз олдимга келтира олишимга ёрдам беряпти. Мен уни мана шу эркакларнинг ҳақиқий фуфайкасида яққол кўряпман.

Бахтиёрлик ҳиссидан бирдан тўлқинланиб кетиб, кўзларидан ёш чиқиб кетган Саксон фуфайкалардан бирини эрининг лабларига босди. Йигит хотинидан кўз узмай, кийимни тантана билан ўпиб кўяр экан, деди:

– Бу боламизга, лекин кўпроқ сенга.

Бироқ Саксоннинг топаётган пули кутилмаган тарзда фожа билан тугади. Бир кун арзонлаштирилган моллар сотилаётгани ҳақида эшитиб, у паромда Сан-Францискога борди. Сатер-стритдан кета туриб, кичкина магазинчининг витринасида осиб қўйилган кийимларга кўзи тушди. Аввалига у кўзларига ишонмади – энг кўзга кўринадиган жойда Мерседес унга ниҳоятини ўн икки доллар берган ажойиб чепчик остига нархи йигирма доллар ёзилган ҳолда турарди. Саксон магазинга кириб, афтидан чет эллик бўлган кўзлари ўткир ориқ кекса аёлга мурожаат қилди.

– Мен ҳеч нарса сотиб олмақчи эмасман, – деди у. – Мен ўзим манави сизнинг нарсаларингизга ўхшаш нарсаларни тикаман, мен фақат ҳов анави витринага қўйилган чепчикка ўхшаган нарсаларга қанча тўлашингизни билмоқчи эдим.

Аёл аввал Саксоннинг нина тешиб ташлаган бош ва кўрсаткич бармоқларига тикилиб қаради, кейин унга бошдан оёқ қараб чиқди.

– Сиз шундай нарсаларни тика оласизми?

Саксон бошини қимирлатди.

– Бу нарсаларни келтирган аёлга мен йигирма доллар тўладим.

Саксон ҳайратдан қичқириб юборишдан ўзини зўрға тутиб, бирпас ўйланиб қолди. Мерседес унга фақатгина ўн икки доллар тўлаган экан – демак, Саксон бу нарсаларга ҳам мато, ҳам ўз меҳнатини сарф қилган бўлса, у ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ саккиз долларни чўнтагига урган.

– Илтимос, менга яна бошқа қўлда тикилган нарсаларингизни – тунги кўйлак ва бошқа ичкўйлақларингизни кўрсатиб, улар учун неча пул берганингизни айта оласизми?

– Демак, сиз шундай нарсаларни тика оласизми?

– Ҳа, қўлимдан келади.

– Менга сотишга розимисиз?

– Албатта, – деди Саксон. – Мен шунинг учун ҳам бу ерга кирдим.

– Биз устига жуда кам қўямиз, – гапида давом этди аёл. – Ахир ўзингиз тушунасиз – бино учун, электр ва бошқа нарсалар учун, кейин ўзингиз тушунасиз, озгина қолиши ҳам керак. Бусиз биз савдо қила олмасдик.

– Бу тушунарли, – деб қўйди Саксон.

Саксон бу ерда ўзининг анча нарсаларини топди. Битта тунги кўйлак учун Мерседес унга саккиз доллар тўлаган эди – бу ерда у ўн саккизга сотилаётган экан, магазин эгаси ўн тўрт доллар берган экан; иккинчи кўйлак учун Саксон олти доллар олган эди – бу ерда у

ўн беш доллар бўлиб, Мерседесга ўн бир доллар берилган экан.

– Раҳмат сизга, – кўлқопини кияр экан, деди Саксон.
– Мен бажонидил ўз нарсаларимни шу нархга сизга олиб келаман.

– Мен эса бажонидил сотиб оламан... агар шундай чиройли тикилган бўлса. – Аёл Саксонга тикилиб қаради. – Билиб кўйинг: сифати бундан ёмон бўлиши керак эмас. Мен кўпинча махсус буюртмалар оламан, агар менга ишингиз ёқса, у ҳолда менда сиз учун иш топилади.

Саксон гина килиб Мерседесга ёпирилганда, аёлниг юзи қилт этмади:

– Ахир сиз фақат комиссия учун оламан деган эдингиз!

– Ҳа, дегандим. Шундай қилганман ҳам.

– Ахир бутун керакли нарсани мен сотиб олганман, меҳнатни мен қилганман, сиз эса нарсалар сотилган пулниг энг катта қисмини олибсиз.

– Ахир, азизам, нима учун олишим керак эмас экан? Ахир мен ўртада турдим. Ўртада турганлар одатда энг кўп қисмини олишади. Ҳамма шундай қилади.

– Менимча, бу жуда адолатсизлик, – жаҳли чиқишдан ҳам бурун хафа бўлиб, деди Саксон.

– Азизам, бунинг учун сиз ҳаётдан хафа бўлинг, мендан эмас, – истехзо билан деди Мерседес, бироқ бирдан гап оҳанги юмшади, – унинг кайфияти жуда тез ўзгарарди. – Жонгинам, жанжаллашишнинг нима кераги бор? Ахир мен сизни жуда яхши кўраман. Сизнинг ёшлигингиз, соғломлигингиз ва яна шундай кучли ёш эрингиз олдида булар арзимаган нарса. Мен эса қариман, чолим ҳам мен учун кўп нарса қила олмайди – ўзи ҳам бу дунёда зўрға юрибди. Ахир унинг оёк

оғриги бор, уни кўмиш ҳам менинг бўйнимда. Ўлганда ҳам у менинг ёнимда ётади! Тўғри, у тентак, эси паст кўпол одам, бироқ кўнглида ҳеч кири йўқ. Мен аллақачон мазордан жой сотиб олиб кўйдим — бир қисмини сиздан олган пуллардан тўладим. Бироқ ҳали кўмиш маросимлари бор. Ҳаммаси рисоладагидек бўлиши керак. Мен ҳали жуда кўп пул йиғишим керак, Барри эса истаган маҳалда ўлиб бериши мумкин.

Саксон секин ҳавони хидлаб кўриб, кампирнинг кайфи борлигини сезди.

— Юринг, азизам, мен сизга бир нарса кўрсатаман. — Кампир қизни ётоқхонасига олиб кириб, катта сандикнинг қопқоғини очди. Саксоннинг димоғига атиргулнинг нозик ҳиди урилди. — Қаранг, мана булар менинг ўлимликларим. Мени мана бу кўйлақда қабрга кўйишади.

Кампир унга энг бой келинга ҳам мос келиши мумкин бўлган бири-бирдан чиройли, нафис, қимматбаҳо кийимларни битта-битта кўрсатар экан, Саксоннинг ажабланиши ортгандан орта бораётганди. Мерседес охирида фил суягидан ясалган елпигични олди.

— Азизам, мана буни менга Венецияда совға қилишган. Мана буни қаранг: тошбақа косасидан қилинган тароқ; буни менга Брюс Анстей ўзининг охириги бокалини ичиб, ўзининг тентак калласига кольтдан ўқ отишидан бир ҳафта бурун буюртирган эди. Мана бу шарф-чи! Ҳа, ҳа, бу шарф...

— Булар ҳаммаси сиз билан қабрга кўйиладими? — хитоб қилди Саксон. — Қандай тентаклик!

Мерседес кулиб юборди:

— Нима учун йўқ? Қандай яшаган бўлсам, шундай ўламан. Менинг қувончим ана шунда. Мен қабрга келин бўлиб қираман. Мен тор ва совуқ тобутда ёта

олмайман, мен бунинг ўрнига чиройли юмшоқ матолар тўшалган ва бир тўп ёстиклар қўйилган кенг ўринни афзал кўраман.

– Бироқ сизнинг бу сепингиз ўрнига йигирмата мотам маросими ўтказиб, йигирмата жой сотиб олишингиз мумкин! – деди кампирнинг ўлим ҳақидаги куфрона гапларидан ларзага келган Саксон.

– Меннинг ўлимим ҳам ҳаётим каби бўлаверсин, – ўзидан мамнун ҳолда деди Мерседес. – Қария Барри бой келинчак билан бирга ётади! – У кўзини юмиб, хўрсиниб қўйди. – Бироқ ёнимда Брюс Анстейми ёки мен севган йигитлардан бошқа бирортаси ётиб, мен билан бирга кулга айланишини истардим, чунки ҳақиқий ўлим – ана шу. – Кампир Саксонга қаради: унинг кўзларида мастона ялтираш билан бирга совуқ нафрат бор эди. – Қадимда буюк одамларни кўмишаётганда уларнинг куллари ҳам тириклайин кўмишган. Мен эса, азизам, ўзим билан фақат латта-путта олиб кетяпман!

– Демак, сиз... сиз ўлимдан ҳеч ҳам кўркмайсизми? Ҳеч ҳам-а?

Мерседес бошини чайқатиб, тантана билан деди:

– Ўлим ҳалол, кўнгилчан ва адолатли. Мен ўлимдан кўркмайман. Мен одамлардан ва улар ўлганимдан кейин мени нима қилишларидан кўрқаман. Шунинг учун олдиндан ҳамма нарсани тайёрлаб қўяпман. Йўқ, мен ўлганимдан кейин улар менга тегиша олмайди.

Саксон хижолат бўлди.

– Уларга нима учун керак бўласиз?

– Уларга кўп ўликлар керак, – жавоб берди кампир. – Биров кўмишга қурби етмайдиган чол ва кампирларнинг ўликларини нима қилишади, биласизми? Уларни умуман кўмишмайди. Мана, кулоқ солинг. Бир

куни биз баланд дарахтларнинг ёнида турган эдик. Мен билан бирга профессор бор эди – ғалати одам эди: унга лекция ўқиш эмас, қароқчи бўлиш, шаҳарларни забт этиш ёки банкларни ўмариш ярашган бўларди. Худди Дон Жуанга ўхшаб келишган, қўллари пўлатдек эди... Рухан ҳам жуда кучли эди. Ва бошқа ҳамма хушторларимга ўхшаб ярим тентак эди. “Мерседес, юр мен билан, – деди у. – Яқинларимизни кўриб чиқамиз. Уларга ўхшамаслигимизга, ҳозирча ўхшамаслигимизга шукроналар айтамыз. Кейин эса зўр иштаҳа билан ўша кўрганларимиздан кейин кўзимизга яна ҳам ялтираб кўринадиган винодан уларнинг соғлиғи учун ичиб, овқатланамиз”.

У эшикни очди ва қўлимдан ушлаб, ичкарига киришга мажбур қилди. Биз ғалати одамлар ичида эдик. Мармар столлар устида йнгирмата одамнинг гавдаси ётар, баъзилари суянчикларга суянганча ёнбошлаб ётишар, бу столлар устида эса қўлларида ялтироқ пичок ушлаган анчагина ёш йнгитлар кўзлари ёниб туришарди. Биз пайдо бўлганимизда улар бошларини кўтариб, бизни қизиқиб томоша қила бошлашди.

– У гавдалар ўликларникимиди? – ҳаяжон билан сўради Саксон.

– Бу камбағалларнинг мурдалари эди, азизам. “Кетдик, Мерседес, – деб яна чақирди у мени. – Мен сизга бир нарса кўрсатмоқчиман, бундан биз тирик эканлигимиз кувончи кучлироқ бўлади”. Шундай деб у мени пастга – бочкалар – тузланган нарсалар солинган бочкалар турган жойга бошлади. Бу бочкаларда худди чўчка гўшти тузлангани каби мурдалар ётарди. Шунда пайтда юқоридан аёл кишининг мурдасини, айнан кампир талаб қилиб қолишди. Ва бочкаларга қараб турган хизматчи бочкадан кампир мурдасини ушлашга

бошлади. У аввалига эркак кишининг мурдасини тутди... тими́рскиланиб — яна эркак кишини тутди... Кейин шошилиб, тўнғиллай бошлади. Ниҳоят у бочкадан, афтидан кампирга ўхшаган мурдани тутди.

— Ёлғон! Бундай бўлиши мумкин эмас!

— Мен буларни мана шу иккала кўзим билан кўрганман, азизам, ва нима деяётганимни жуда яхши биламан. Мен сизга яна қайтариб айтаман: Худонинг қарғишидан кўркманг — мана шундай мурдалар солинган бочкалардан кўркинг! Мен ўша ерда туриб мени у ерга олиб кирган одамга қараб турардим, у эса менга сеҳрли кўзлари билан жилмайганча қараб турарди. Мен шунда бундай тақдир мен учун эмас, деб қарор қилдим... Йўқ, йўқ, тузлама солинган бочкалар канчалаб бўсаларни татиган менинг лабларим, шунча муҳаббат улашган менинг танам учун эмас.

Мерседес сандиғининг қопқоғини кўтариб, ўзининг мотам сепларига яна бир марта қувонч билан қараб кўйди.

— Мен мана шундай қилиб мангу уйқу учун тайёргарликларимни кўриб кўйдим. Ўлганимда ана шу кийимларда ётаман. Баъзи файласуфларнинг айтишича: “Одамлар ўлишларини билишади, бироқ барибир бунга ишонишмайди”. Бироқ қариялар ишонишади. Мен ҳам ишонаман.

— Азизам, тузламалар солинган бочкаларни эслаб қолинг ва ўртада турганим учун ўзимга кўп олиб қолганимга жаҳлингиз чиқмасин. Мен ана шундай ҳолга тушмаслик учун ҳеч нарсадан тоймайман!

— Сиз Худо борлигига ишонасизми? — кўркув босаётганига қарамай, ўзини ушлашга ҳаракат қилиб, сўради Саксон.

Мерседес кўзини олиб, елкасини қисди.

– Борми ёки йўқми – ким билади? Нима бўлганда ҳам, мен тинчгина дам оламан.

– Жазо-чи? – ўзига кўрқинчли бир эртақдек туюлган Мерседеснинг ҳаёти ёдига тушиб, сўради Саксон.

– Азизам, ҳеч қандай жазо бўлмайди. Қадимги шоирлардан бирининг айтишича, Худо “аслида кўнгилчан”. Бирор кун сиз билан Худо ҳақида суҳбатлашамиз. Бироқ сиз ундан кўркманг. Тузламалар солинган бочкалардан ва сиз вафот этгандан кейин сизнинг ажойиб танангизни нима қилишларидан кўрқинг.

ЕТТИНЧИ БОБ

Ўзларининг турмуш тарзлари Биллни хижолатга сола бошлади. Унга ўзининг келтираётган маошига ҳозир улар Саксон билан бирга яшаётганларидек яшаш мумкин эмасга ўхшаб туюла бошлади. Ахир улар жамғарма кассасига ҳам қолдиришяпти, жиҳозлар учун фоизларни тўлашяпти, яхши овқатланишяпти; ўзининг чўнтагида доим кўчада бирор нарсага сарфлаш учун етарли пул ва шунча сарф-харажат ичида Саксон ўзининг тикиш-бичиши учун нарсалар ҳам сотиб олишга қурби етаяпти.

– Қандай қилиб рўзгорга пул етказа олаётганингга ақлим етмаяпти, – бир куни гап бошлади йигит.

У гапини давом эттирмоқчи бўлаётиб, бирдан жим бўлиб қолди. Беш дақиқа ўтиб, сўради:

– Менга қара-чи, шунча меҳнат сарф қилиб тиккан чепчигинг қани? Ахир бирор марта ҳам уни кийганингни кўрганим йўқ. Кичкинтой учун у албатта, қатта келса керак.

Саксон, афтидан жавоб бериш учун иккиланиб қолди. Лабларини чўччайтирганча, ғурур билан эрига тикилди.

Саксон асли ёлғон гапиришга ўрганмаган бўлиб, Биллга эса умуман ёлғон гапиришга кучи етмаётганди. Эрининг кўз қараши ва хўмрайган юзидан унинг хотини жим турганидан жахли чиқаётганини сезди.

– Саксон, менга қара, сен... сен... тиккан нарсаларингни сотаётганинг йўқми?

Шунда Саксон ўзини тута олмай, бор гапни айтиб берди. У Мерседеснинг ўртада турганини ҳам, кампирнинг мотам сепи тўғрисида ҳам айтиб берди. Бироқ Билл уни ўзи учун муҳим бўлган нарсадан чалғитишларига йўл қўймади. У қатъий оҳангда хотинига энди буёғига пул учун ишлашни бас қилишни буюрди.

– Билли, азизим, бироқ менинг бўш вақтим жуда кўп-ку! – ялинди аёл.

Йигит бошини тебратди.

– Хўш, нима бўлибди. Эшитишни ҳам истамайман! Сенга уйланганимдан кейин мен сенинг тўғрингда ғамхўрлик қилишим керак. Бирортаси Билл Робертснинг хотини ишлашга мажбур бўляпти, дея олмасин. Мен буни истамайман. Ҳожати ҳам йўқ.

– Билли, бироқ... – гап бошлади Саксон.

– Йўқ. Саксон, ҳеч ҳам рози бўлмайман. Мен қўлда тикилган нарсаларни ёқтирмаганим учун эмас. Аксинча, жуда яхши кўраман. Сен қиладиган ҳар бир арзимаган иш ҳам менга жуда ёқади; бироқ мен ўзинг тиккан нарсаларингни ўзинг кийишингни истайман, қанча истасанг шунча, матолар учун мен тўлайман. Мен ишда кечгача кайфиятим яхши – хуштак чалиб боламиз ҳақида ўйлайман, сен бу ерда ўтириб мана бу чиройли нарсаларни тикаётганингни кўз олдимга

келтираман. Биламанки, буларни тикиш сенга ёқади. Бирок, Саксон, чин сўзим, агар сен сотиш учун тикаётган бўлсанг, менинг ҳамма қувончларим бир пул бўлади. Билл Робертснинг хотини ишлаб пул топишига зарурият йўк. Албатта, ўзимча, мен бундан фахрланаман. Бундан ташқари, булар ҳаммаси ортикча.

– Азизим менинг, – эрининг ман қилишидан кайфияти бузилган бўлса-да, бахтидан масрур бўлиб деди Саксон.

– Мен сен истаган ҳамма нарсанг бўлишини хоҳлайман, – гапида давом этди Билл. – Ва менинг соғлигим, қўлларим бор экан, сенинг ҳамма нарсанг бўлади. Ахир сен доимо чиройли кийиниб юришингни кўраман-ку, бу менга ҳам ёқади. Мен энди ёш бола эмасман ва сен билан танишгунча, балки билишим керак бўлмаган нарсаларни билиб олганман. Бирок сени ишонтириб айтаманки, бирор марта нафақат ўз кўйлақларига, балки ичкиймларига ҳам шунчалик эътибор берадиган аёлни кўрмаганман.

Йигит ўйлаётган ва ҳис қилаётган, бирок айтишга сўз топа олмаётган нарсаларни ифода қилиш учун қўлини кўтарди ва гапида давом этди:

– Гап фақат озодагарчиликда эмас, аслида бу ҳам муҳим бўлса-да. Кўп аёллар озодаликни хуш кўришадди. Гап бунда эмас... Гап шундаки, сенинг эгингдаги ҳар бир нарса одамнинг кўзини қувонтиради... ҳаммаси оппок, чиройли, дид билан тикилган. Бу одамнинг тасаввурига таъсир қилади, бу нарсаларни сен ҳақингдаги фикрлардан ажратиб бўлмайди. Ечинганида одам карагиси ҳам келмайдиган эркаклар бор, аёллар ҳам бор... Бирок сен – сен мўъжизасан, ҳа, шундай! Сенинг кийимларинг ҳеч қачон менинг жонимга тегмайди ва фақат чиройли нарсаларни кийиб

юришингни истайман. Гапнинг сирасини айтганда, ўзингни пулдан сиқишингнинг ҳожати йўқ. Қанча истасанг, шунча пул топиш муаммо эмас. Мана ўтган ҳафта Билл Мэрфи лақаби “Шимол фаҳри” бўлган йигитни енгиб, кўп эмас, кам эмас етмиш доллар ишлади. Ана ўша пуллардан у қарзини қайтарди.

Бу сафар энди Саксон рад қила бошлади, бироқ Билл қизнинг гапини бўлди.

– Тўхта, деди у. – Карл Гансен деган одам ҳам бор – у ҳақда жиддий спорт журналларида “Иккинчи Шарки” дейишади; у ўзини америка флотининг чемпиони деб ҳисоблайди. Унинг аслида нима эканлигини мен жуда яхши биламан: шунчаки тўнка! Мен уни рингда кўрганман: ўзим бемалол йиқитишим мумкин. Спорт клубининг секретари менга ўшани жангга чақиришни таклиф қилди. Голиб юз доллар олар экан. Мен ўша пулнинг ҳаммасини сенга бераман: нима хоҳласанг ўшанга сарф қилсан. Бунга нима дейсан?

– Агар мен тикиш билан шуғулланишимни хоҳламасанг, унда сен ҳам матчда иштирок этмайсан, – катъий қилиб деди Саксон. – Лекин бу билан иккаламиз келишиб олдик демоқчи эмасман. Сен менга рухсат берган тақдирингда ҳам, мен сенинг рингга чиқишингга бутунлай қаршиман. Бокс ҳақида ўзинг айтиб берган хикояларни, боксёрлар ўз соғлиқларини хавф остига қўйишларини ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Мен эса сен соғлигингни гаровга қўйишингни асло истамайман. Сенинг соғлигинг – менинг соғлиғим демак. Сен матчда қатнашишни рад қилсанг, мен ҳам бу ишни қилмайман ва умуман, ҳеч қачон сенга ёқмайдиган ишни қилмайман.

– Хўп, майли, – рози бўлди Билл, – очигини айтсам, ўзи шу қовоқбош Гансенни ўлгудек савалагим

келаётган эди. – Буни тасаввур қила туриб, йигит кулимсираб қўйди. – Кел, қўй шу гапларни. Яхшиси менга манави, оти нима эди... тинғир-тинғирингни чалиб. “Йигим-терим тугаганда”ни айтиб бергин...

Саксон укулеле жўрлигида эри сўраган қўшиқни айтиб бериб, ўз навбатида унинг ўзидан “Ковбойнинг шикоят”ни айтиб беришни сўради. Эрига бўлган севгиси ҳурмати у айта оладиган биргина шу қўшиқни у яхши кўриб қолган эди. Бу қўшиқни айнан Билл айтгани учун ҳам қўшиқнинг бир маромдаги зерикарли оҳанги ҳам, йигитнинг ҳар бир қаторда хато айтаётгани ҳам унга ёқарди. Қиз ҳатто эрига қўшилиб хато айтишга ҳам ўрганди. У эрига қўшиқ айтиш сенинг ишинг эмас, деб айтишни хаёлига ҳам келтирмасди.

– Мен энди Берт ва бошқа йигитлар мени шунчаки жинни қилишганини кўриб турибман, – деди йигит қўшиқ тугагандан кейин.

– Иккаламиз зўр айтдик! – бундай пайтларда ёлгон гапириш айб эмас, деб ҳисоблайдиган Саксон эрини мақтаб қўйди.

Баҳорда темирйўл устахоналарида иш ташлашлар бошланди. Шунинг арафасида, якшанба куни Билл ва Саксон Бертникига тушликка келишди. Саксоннинг акаси ҳам хотини Сарасиз – аёлнинг одатдагидек уйида иши тикилиб ётган эди – келган эди. Бертнинг кайфияти жуда чаток бўлиб, истехзо билан қўшиқ айтарди:

Кўп пул топган миллионер

Биз-чун жуда ҳам жирканч:

Атрофга ёмон ўрнат

Бўлгувчи бир алдамчи!

Ахир-чи, зикналик ҳам,

Ўғирликнинг бир тури!

Пул-чи, жуда оғир юк!

*Уни совуриш керак,
Ҳозир ана шундай пайт!*

Бугун хатти-ҳаракатидан норозилиги кўриниб турган Мери ошхонада овқат тайёрларди. Саксон унга қарашмоқчи бўлиб, енгини қайириб, фартук кийиб олди-да, нонуштадан қолган идиш-товокларни юва бошлади. Берт кўшни хонадан кўпикланиб турган пиво солинган кўза олиб чиқди ва эркаклар учаласи чекишиб, бўлаётган воқеаларни муҳокама қила кетишди.

– Бундай ишгашлашни аллақачон, кўп йиллар илгари қилиш керак эди, – дерди Берт. – Ва ҳозир энди чўзиш керак эмас, қанча тез бўлса, шунча яхши; бироқ, аслида, биз кечикдик. Биз ютқизишимизни олдиндан айтса бўлади. Мана қачон сўнгги могиқанларнинг калласига туширишади! Бироқ, ажаб бўлибди!

– Билмадим, билмадим, – трубкасини чўзиб тортар экан, чўзиб деди Том. – Ташкилот ишчилари кундан-кунга кучли бўлиб боришяпти. Мен Калифорнияда ҳеч қандай уюшма бўлмаган пайтларни яхши эслайман. Энди эса, қаранг – белгиланган иш ҳақи, иш куни ва бошқалар...

– Сен худди касаба уюшмаси ташкилотчиси каби фикр юритяпсан, – истехзо билан деди Берт, – ҳадеб битта нарсани қайтараверасан. Бироқ биз тентак эмасмиз-ку: гап нимадалигини жуда яхши биламиз. Эндиги пайтда белгиланган иш ҳақига илгари белгиланмаган иш ҳақи бўлгандаги каби ҳамма нарсани сотиб ола олмайсан. Касаба уюшмаси бошлиқларингиз сизларни бошлаб алдашди. Фрискода нималар бўлаётганига қарагин. Ишчи бошлиқлар эски партия вакилларидан ҳам кўра ифлосроқ сиёсат олиб боришяпти; баҳслашишяпти, жанжаллашишяпти, лекин ҳеч қанақасига пораларни бўлиша олишмаяпти ва бири олиб,

бири кўйиб қамоққа тушишяпти. Фрискода дурадгорларнинг аҳволи қандай? Том Браун, албатта сен бунақа қилиб қулоғингни қимирлатиб ўтираверадиган бўлсанг, албатта у ердаги ҳар бир дурадгор касаба уюшмаси аъзоси ва у маошини уюшма талаб қилгандек тўлиқ оляпти, деб сени ишонтиришади. Сен, балки бу гапларга ишонарсан. Бироқ булар ҳаммаси ёлгон! Шанба куни кечкурун маошининг бир қисмини пудратчига бермайдиган бирорта ҳам дурадгор йўқ. Мана сенга Сан-Францисконинг мақталган курувчи ишчилар уюшмаси! Уларнинг бошлиқлари эса кўнгилочар жойларидан тушадиган пулларга Европа бўйлаб сайр қилишяпти ёки қамокдан қутулиб қолиш учун бу пулларни юристларнинг қўлларига тикишяпти.

– Тўғри, – унинг фикрига қўшилди Том. – Ҳеч ким буни ман қилмайди. Бироқ гап шундаки, ишчилар ҳали тўлиқ етилишмаган. Касаба уюшмалари сиёсат билан шуғулланиши керак, бироқ сиёсат адолатли бўлиши керак.

– Социализм? Ҳа! – мазах билан гапни илиб кетди Берт. – Улар бизни Рузвельт ва Шмидтларга ўхшаб сотиб кетишмайдими?

– Виждонли одамларни сайлаш керак, – деди Билл. – Ҳамма гап ана шунда. Мен социализм тарафдориман, демокчи эмасман. Йўқ, йўқ. Бизнинг аجدодларимиз Америкада жуда қадимдан бери яшашади ва мен инглиз тилида икки оғиз гапни ҳам айта олмайдиган қандайдир қорни катта немис ёки жулдурвоки рус жуҳуди менга ватанни қандай бошқариш кераклигини ўргатишини асло истамайман.

– Сенинг ватанинг! – хитоб қилди Берт. – Тентак, ахир сенинг ҳеч қандай ватанинг йўқ! Бу порахўрлар

хар сафар сени тунашмоқчи бўлишганда шу эртақ билан бошингни котиришади.

– Унда сен порахўрлар учун овоз берма! – деди Билл. – Агар биз ҳалол одамларни сайлайдиган бўлсак, у ҳолда бизларга ҳам виждонан муносабатда бўлишади.

– Билл, афсуски сен ҳеч қачон бизнинг йиғилишларимизга бормайсан, – афсусланиб, деди Том. – Борсанг кўзинг очилган бўларди ва кейинги сайловларда социалистлар учун овоз берган бўлардинг.

– Бундай бўлмайди! – хитоб қилди Билл. – Улар одамга ўхшаб гаплаша оладиган бўлган ҳолдагина сен мени у ерга олиб бора олишинг мумкин.

Берт яна димоғида ашуласини айта бошлади:

*Пул бу оғир бир юк,
Уни совуриш керак!*

Мери эри иш ташловчиларга хайрихоҳлиги учун, гапирётган гаплари учун эридан шунчалик жаҳли чикиб кетаётган эдики, Саксон билан гаплашгиси ҳам келмаётган, хижолат бўлиб қолган Саксон эса индамай, эркакларнинг суҳбатларига кулоқ солиб ўтирарди.

– Хўш, ишлар қалай? – ўз хавотирини кўрсатмасликка уриниб, бардам оҳангда сўради киз.

– Ҳеч қандай! – кескин жавоб берди Берт. – Бизлар тамом бўлдик!

– Гўшт билан ёғнинг нархи яна кўтарилибди, – ҳаяжонланиб, давом этди Саксон. – Биллнинг маошини ҳам қискартириб ташлашди, темирўлчиларникини эса ўтган йили қискартиришган эди. Нимадир қилиш керак-ку, ахир!

– Фақат битта нарса қилиш мумкин – курашиш ва бу курашда ҳалок бўлиш керак. Шу, холос. Бизни ер

билан яксон қилишади – бу аниқ, бироқ сўнги нафасда маза қилиб олиш керак.

– Шундай ҳам дейдими одам! – уни тўхтатди Том.

– Энди гаплашишга вақт йўқ, оғайни, энди курашиш керак.

– Доимий жангчилар ва пулемётларга қарши кўп нарса қила олмайсан! – гапга аралашди Билл.

– Мен бунга айтмаяпман! – эътироз қилди Берт. – Бироқ анави калта таёқчалар бор-ку, қаттиқ портлаб катта ўралар ҳосил қиладиган; кукун холидагилар ҳам...

– Ҳали шунақами! – икки қўлини белига қўйганча эрига ташланди Мери. – Мана, гап нимада экан! Мана чўнтагингдан қандай нарсани топиб олган эканман!

Берт ўзини хотинининг гапларини эшитмаётганга солди. Том паришонхотирлик билан сигарет тутатди. Биллнинг юзида хавотир бор эди.

– Бироқ Берт, сен бундай нарсалар билан шуғулланмайсан, а? – дўстидан рад жавоби эшитишни умид қилиб сўради у.

– Агар билишни истасанг, шуғуллансам керак. Ўлишдан олдин мен ўзим уларни дўзахга равона қилган бўлардим!

– У ҳақиқий қонхўр анархист! – хахолаб кулди Мери. – Мак-кинли, Гарфилд ва... бошқаларни мана шундайлар ўлдиришган. Уни дорга осишади, мана кўрасизлар. Гапим ёдингиздан чикмасин! Яхши ҳам ҳали-бери боламиз йўқ!

– У шунчаки гапиряпти-да, – Мерини хотиржам қилишга уринди Билл.

– Берт шунчаки жаҳлингни чиқармоқчи, – деди Саксон. – Ахир у шундай ҳазилларни яхши кўради-ку. Мери бошини чайқади.

– Ўзим биламан-ку, ахир. Тушида гапирганларини эшитаман. Уришади, сўкади, тишини ғижирлатади. Мана яна!

Берт юзида чапанича ифода билан стулини тебратганча яна ашула айта бошлади:

Миллионер биз учун жирканч...

Том яна ақл билан иш қилиш ва адолат ҳақида гапира бошлар экан, Берт шу заҳоти ашуласини тўхтатиб, яна Томга ташланди:

– Адолат? Навбатдаги аҳмоқона гап! Ишчи синфи учун қандай адолат ҳукм суришини мен сизларга айтиб бераман. Форбсни эслайсизларми? Калифорния Альта-трестини ҳали инкирозга дучор қилмай туриб, роппароса икки миллионни беҳижолат чўнтагига солиб олган Аллистон Форбсни? Гап шундаки, мен кеча ўшани зўр автомобилда кетаётганини кўрдим. Ахир у судланган ва саккиз йилга кесилиб кетган эди. Неча йил ўтирди? Икки йилдан ҳам кам ва соғлиғи ёмонлашгани учун афв қилинди. Соғлиғи ёмонлиги учунмиш! У ўлгунча биз ўлиб, чириб бўламиз! Манави деразадан қаранглар. Зинасининг ушлагичлари синган ҳов анави уйнинг орқа томонига қаранглар, кўряписизларми? Ўша ерда миссис Дэнэкер деган аёл яшайди, кир ювувчи бўлиб ишлайди. Эрини поезд мажаклаб кетган, темирўлдан эса ҳеч қандай ёрдам бўлгани йўқ! Шунақасига айлантиришдики, унинг ўзи айбдор бўлган эмиш – бепарво бўлган экан ва ҳоказо. Суд худди шундай қарор қилди. Ўғли ўн олти ёшда эди, бутунлай қўлдан чиқиб кетди – Фрезнога қочиб кетиб, маст одамни тунаган экан. Биласизларми, қанча ўғирлаган экан? Икки доллар-у саксон цент! Тушуняписизларми? Икки доллар ва саксон цент! Ҳакам унга қанча берибди денглар? Эълик йил Сен-Квинтенда

саккиз йилни ўтказибди. Ўлмагунича энди ўтираве-
ради. Миссис Дэнкернинг айтишича, ўгли тез ривож-
ланадиган сил билан касалланган эмиш. Бирок
уларнинг таниши йўқ бўлгани учун бола озодликка
чиқа олмаяпти. Арчи, ёш бола пиёнистанинг икки
доллар саксон центини ўғирлагани учун эллик йил
олибди, Аллистон Форбс эса. Альта-трестни икки
миллионга тушириб икки йилдан кам ўтирди! Хўш,
кани, айтинглари-чи, бу она Ватан кимни деяпти?
Сизлар ва болакай Арчиними? Йўқ, кечирасизлар! У
Аллистон Форбс учун она, биз учун эса – ўгай она!
Ҳа!..

Саксон идиш-товоқларни ювиб бўлай деганда Мэри
раковина олдига бориб унинг фартугини ечди ва ҳар
бир фарзанд кутаётган аёлга нисбатан бўладиган меҳр
билан дугонасини ўпиб қўйди.

– Бўлди, дугонажон, энди ўтириб тур, сенга чарчаб
қолиш мумкин эмас: улар ҳали бери тугатишмайди.
Мен сенга ишингни келтириб бераман, тикиб,
уларнинг гапларига кулоқ солиб ўтиришинг мумкин.
Фақат Бертга кулоқ солма. У – тентак.

Саксон уларнинг гапларига кулоқ солганча тика
бошлади. Унинг тиззасидаги болалар кийимини кўрган
Бертнинг юзида алам пайдо бўлди.

– Мана, сизлар фарзанд кутяпсизлар, уни қандай
боқа олишингиз эса номаълум!

– Сен кеча афтидан, тоза олгансан шекилли, а? –
деди Том.

Берт бошини тебратди.

– Етар, ҳадеб эзмаланаверма, – кўнгилчанлик билан
деди Билл. – Ҳар ҳолда Америка – яхши мамлакат.

– Эди, – эътироз қилди Билл, – ва биз ҳаммамиз
могикан бўлганимизда. Энди-чи? Улар бизни

бўйсундиришди, бизни сотиб, бир бурчакка тиқиб қўйишди. Менинг аждодларим, сизларники ҳам, бу ўлка учун қўлларида қурол билан курашганлар, қоратанлиларни озод қилишган, ҳиндуларни тор-мор қилишган, оч қолишган, музлашган, жанг қилишган. Бу жойлар бизга ёқиб қолган. Биз уни ўрмонлардан тозалоганмиз, ер ҳайдаганмиз, йўллар ўтказиб, шаҳарлар қурганмиз. Ҳаммага ортиғи билан етарди. Биз бу ер учун жанг қилишда давом этдик. Геттисберг остоналарида менинг икки амакимни отиб ўлдиришган; ҳаммамиз ҳам қайсидир бир маънода шу урушда иштирок этганмиз. Саксоннинг ўз аждодлари ҳақидаги ҳикояларига қулоқ солинглар: уй-жой қилиб, мол-ҳол қилгунларича қандай қийинчиликлардан ўтишган. Ва шу нарсаларнинг ҳаммасига эришишган. Менинг аждодларим ҳам, Мериники ҳам...

– Агар ақллироқ бўлишганда ўз ер-жойларини ҳам, бошқа нарсаларини ҳам қўлларида ушлаб қола олишган бўлишарди, – гап қўшди Мери.

– Шубҳасиз, – давом этди Берт, – ҳамма гап ана шунда. Биз эса ҳамма нарсани қўлдан чиқардик, бизни тунашларига йўл қўйиб бердик. Биз бошқалар қилганидек белгилаб қўйилган қарталар билан ўйнашни билмадик. Биз ўзларини алдашларига йўл қўйиб бериб, ҳеч вақосиз қолган оқтанлилармиз. Давр ҳам ўзгарган. Одамлар шерлар ва қирчанғиларга бўлинишди. Қирчанғилар меҳнат қилиб, шерлар фақат ея бошлашди. Улар фермаларни, фабрика, заводларни эгаллаб олишганди, энди ҳукуматни ҳам қўлга киритишди. Бизлар ўзларининг зарарига ҳалоллигича қолган оқтанлиларнинг авлодларимиз. Ва биз ютқиздик. Бизнинг теримизни шилиб олишган. Тушуяпсизларми?

– Агар бир хил қилиқларинг бўлмаганда сен митингларда жуда яхши гапирган бўлардинг, – деб қўйди Том.

– Чиндан ҳам худди шундайга ўхшайди, Берт, бироқ жуда ҳам эмас. Ҳозир ҳар бир одам бой бўла олиши мумкин.

– Ва Қўшма Штатларнинг президенти ҳам! – мазах қилди Берт. – Сўзсиз, агар у уста бўлса. Фақат негадир сенинг миллионер бўлишинг ёки президент бўлишинг тўғрисида гапиришмаяпти Нимага? Чунки сен уста эмассан! Сен тентаксан. Сен қирчанғисан. Сени ер ютсин! Ҳаммамиз ўша ёққа борамиз!

Тушлик қилишаётганда Том ёшлигидан ёдида қолган қишлоқ ҳаётининг қувончлари ҳақида гапириб берди ва ўзининг битта орзуси ҳақида – бир пайтлар ўзининг ота-боболари қилгандек, бирор қишлоқда ер олгиси келаётганини гапириб берди. Бироқ, йигитнинг айтишича, Сара бунга қарши бўлгани учун унинг орзуси орзулигича қолаётган экан.

– Биз ҳаёт деб атайдиган ўйинимизнинг номи шундай, –хўрсиниб қўйди Билл. – Унинг ўз қоидалари бор: кимдир албатта ютқизиши керак.

Бир оз ўтгандан сўнг Берт яна ўзининг нутқини бошлади, Билл эса беихтиёр бу уйда ўзи ҳамма нарсани солиштириб ўтирганини сезиб қолди. Бу уй унинг уйига ўхшамасди: бу ерда у ўзининг уйида ўргангани илиқ муҳит йўқ эди. Бу ерда ҳаммаси жойида эмасга ўхшарди. Йигит бу ерга келганларида нонуштадан тушган идишлар ҳали ҳам ювилмаганини эслади. Эркак сифатида у албатта, кўп майда-чуйдаларни сезгани йўқ, бироқ келишгандан бери у кўп нарсаларни солиштириб, Мери Саксончалик эҳши уй бекаси эмаслигини сизди. Хотинига фахр билан қараб қўйди,

Ўрнидан туриб бориб уни кучоқлаб олгиси келди. Ҳа, мана бу ҳақиқий хотин! У хотинининг чиройли кўйлагини эслади. Бироқ Билл хаёлан хотинидан завқланиб ўтирганда Бертнинг кўпол овози унинг хаёлини бўлди.

– Билл, афтидан, сен менинг шунчаки жаҳлим чиқяпти деб ўйлаяпсан, шекилли. Чиндан ҳам шундай. Менинг жаҳлим чиқяпти. Сен мен кўрган нарсаларни кўрмагансан. Сен фақат отларининг бошқаришни ва бокс орқали енгил пул топишни билгансан, холос. Сен ишсизлик нималигини билмайсан, катта иш тапшларда қатнашмагансан. Сенинг кампир онанг бўлмаган, сенга қараб тупуришганда онангини деб индамай туришга мажбур бўлмагансан. Мен фақат онамнинг ўлимидан кейингина қаддимни ростлаб, ўзимни эркин ҳис қилдим.

Мисол учун, электр компаниясида менга қандай муомала қилганларини айтиб берай. Мен бошқарувчининг олдига бордим, у мени бошдан оёқ кузатиб чиқди, аҳмоқона саволлар берди ва ниҳоят, ариза ёзиш учун бланк берди. Мен уни тўлдириб, соғлиғим ҳақида маълумот олиш учун докторга бир доллар сарф қилдим. Сўнгра фотографнинг олдига бориб уларнинг портрет галереялари учун башарамни суратга олдирдим. Яна бир доллар тўладим. Кейин бошқарувчи менинг аризамни, соғлиғим ҳақидаги маълумотни, расмимни олиб, яна саволлар берди. Аввалига, бирорта ишчилар уюшмасига аъзо эмасмисан, деб сўради. Мен-а! Албатта, унга ростини айта олмасдим – иш жуда керак, дўконларда менга ортиқ насияга беришмаётган эди, бу ёқда онам...

“Мана, ниҳоят, омадим келди, – деб ўйладим. – Энди мен вагон бошлиғиман. Олдинги эшик олдида туриб олиб чиройли қизлар билан кўз қисишавер”.

Бирок, қаёқда! Яна икки доллар тўладим – арзимаган мис тўгнағич учун! Кейин форма учун, – ўн тўққиз ярим доллар тўлашимга тўғри келди; бошқа ёқда ўша кийимни ўн беш долларга олган бўлардим. Тўғри, улар биринчи маошгача кутиб туришга рози бўлишди... Бундан ташқари яна чўнтагингда майда беш долларнинг бўлиши керак экан. Таниш полисменим Том Доновандан қарз олиб турдим. Кейин-чи? Кейин мен иш ўргангунимча улар мени икки ҳафта текин ишлашга мажбур қилишди.

– Ҳеч бўлмаса учраган қизлар чиройли эканми? – кулиб, сўради Саксон.

Берт бошини чайқади.

– Мен у ерда бир ойгина ишладим, холос. Уюшма ташкил қилганимиздан сўнг ҳаммамизни кўчага ҳайдашди.

– Устахоналарда иш ташлаш эълон қиладиган бўлсанглар, у ерда ҳам худди шундай қилишади, – гапга аралашди Мери.

– Мана шу нарсани мен сенга доим таъкидлаб келяпман-да, – жавоб берди Берт. – Бизнинг муваффақият қозонишимизга ҳеч қандай умид йўқ.

– Унда бу нарсаларнинг нима кераги бор? – ажабланди Саксон.

Йигит бир неча дақиқагача Саксонга сўниқ назар билан қараб туриб, сўради:

– Нега менинг амакиларим Геттисберг оstonасида ўлдирилган?

САККИЗИНЧИ БОБ

Саксон энди рўзгорни юрагида оғир юк билан олиб бораётган эди. У энди чиройли нарсалар тикмаётган эди: матолар қимматлашган бўлиб, у пулларини ишла-тиб қўйишдан чўчиётганди. Берт ўйламасдан айтган гап унинг кўкрагини яралаб, кизга хотиржамлик бермаётганди: ахир у Билл билан икковлари бўлгуси фарзандлари учун жавобгар! Ахир, уни боқиш, кийинтириш, ҳаётга тайёрлай олишларига уларнинг ишончлари комилми? Ким кафиллик бера олади? Болалигида бошидан кечирган қийинчиликлари ғира-шира кизнинг ёдига тушиб, ота-оналарнинг ўша пайтдаги шикоятлари энди бошқача маъно касб эта бошлади. У энди ҳатто Саранинг доим минғирлаб юриши сабабини ҳам тушуна бошлагандек эди.

Ёнгиналарида яшайдиган, иш ташлашда иштирок этаётган темирўл ишчиларининг хонадонларида ҳам етишмовчиликлар бошланди. Саксон эрталаблари озиқ-овқат маҳсулотлари учун борадиган дўконлар-нинг эгалари ташвишга тушиб қолишган эди. Ҳамма тушкун аҳволда юрар, айниқса оналар жуда руҳан тушкунликка тушиб кетишган эди. Кечкурунлари кўча эшикларининг олдида йиғилишиб, ғийбатлашишар экан, уларнинг овозларидан тушкун кайфиятлари сези-либ турар ва кулги овозлари борган сари камроқ эшитилаётган эди.

Сут сотувчидан одатда уч пинтлик сут оладиган Мэгги Донэхью энди бир пинтга ҳам қаноат қилаётган эди. Одамлар энди бутун бир оила бўлиб кинога боришмас, гўшт олиш борган сари қийинлашиб кетаётган эди. Саксондан уч уй нарида яшайдиган Нора Дилэйни энди жума кунлари балиқ харид қилмай

кўйганди; у энди дастурхонга тузланган трескагина кўяр, у ҳам биринчи нав эмасди. Одатда тушлик билан кечки овқат ўртасида кўчада кўлларида сариёғ суриб, устига шакар сепилган катта нон бўлаклари билан кўчада югуриб юрадиган юзлари кип-қизил болакайларнинг кўлларидаги нонлар энди кичкинагина бўлак бўлиб, юпқа сариёғ сурилган, шакар тўғрисида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бу оддийгина одат аста-секин йўқ бўла бориб, кўпгина болаларга овқатдан ташқари вақтда ҳеч нарса берилмаётган ҳам эди.

Ҳамма ёқда одамлар сарф-харажатларини қисқартиришга, иложи борича ўзларини ҳамма нарсадан сиқишга уринишарди. Ҳамманинг кайфияти тушиб кетганди. Аёллар борган сари бир-бирлари билан кўпроқ жанжаллашишар, ўз фарзандлари билан ҳам кўпол муомалада бўла бошланган эди. Саксон Мери ва Бертлар ҳам кун бўйи бир-бирлари билан жанжаллашишларидан хабардор эди.

— Ахир у қачон бўлса ҳам менинг ўз муаммоларим ва истакларим борлигини тушуниши керак-ку, — Саксонга шикоят қиларди Берт.

Қиз Бертга тикилиб қараб, бирдан унга нисбатан юрагида кўркув уйғонди: йигитнинг қора кўзларининг туб-тубида худди девоналарники каби олов чакнарди. Қорачадан келган юзи озиб кетган, ёноқлари бўртиб чиққан эди; лабларида истехзоли жилмайиш қотиб қолгандек эди. Унинг шляпасини қийшайтириб кийиб олгани ва бутун юриш-туришида одатдагидан ҳам кўпроқ чапанилик сезилиб турарди.

Баъзи кунлари тушликдан сўнг ҳеч қандай иш қилмай дераза олдида узоқ ўтирар экан, Саксон авлодларининг чўллар ва сахролар, тоғлар ошиб Фарбий денгиз ёнидаги жаннатсимон ўлкага келаётганларини

тасаввур қилар ва уларнинг табиат кўйнида оддийгина маза қилиб яшаб, ҳеч қандай ишчи уюшмалари тўғрисида гап ҳам бўлмаган пайтларни кўз олдига келтирарди. Қизнинг ёдига кексаларнинг яшаш учун керакли нарсаларни қандай қилиб ўзлари топишгани ҳақида айтиб беришганлари тушарди: улар овга чиқишар, уйда мол-ҳол қилишар, ҳамма ўз ҳовлисида сабзавотлар етиштирар, ҳамма ўз-ўзига темирчи ва дурадгорлик қилар, оёқ кийими тикар, ҳатто кийим учун матоларни ҳам ўзлари тўқишар экан. Қиз акасига қараб туриб, нима учун у кишлоқда яшашни орзу қилаётганини жуда яхши тушунарди.

Афтидан, фермер бўлиш яхши бўлса керак, ўйларди у. Нега энди одамлар албатта, шаҳарда яшаш керак, деб ўйлаб қолишган экан? Нега давр ўзгарган? Агар илгари ҳаммага етган бўлса, нега энди ҳозир етмай қолди? Нима учун одамлар ҳозир иш топиш учун баҳслашишади ва жанжаллашишади, курашишади, иш ташлашади? Нима учун ҳаммага иш етарли эмас? Бугун эрталабнинг ўзида Саксоннинг кўз ўнгида иш ташловчилар устахонага кетаётган иккита штрейк-брехерни калтаклашди. Саксон уларни яхши танирди: бири кўз таниш, бири шу яқин атрофда яшарди. Аввалига болалар бошлашди — улар штрейк-брехерларга тош отиб, болаларга хос бўлмаган сўзлар билан сўка бошлашди. Уларнинг шовқинларига револьвер таққан полисменлар югуриб келишди, ишташловчилар эса уйларга ва уйлар орасидаги тор йўлақларга яшириниб олишди. Штрейкбрехерлардан бирини амбулаторияга олиб кетишди: у ҳушсиз эди; бошқаси темирўл полицияси кўриклови остида устахонагача етиб олди. Эшигининг олдида кўлида боласи билан турган Мэгги Донэхью штрейкбрехерни

шундай сўзлар билан қарғадики, Саксон уятдан кизариб кетди. Жанжал энг қизиган маҳалда Саксон кўшни эшик тагида турган Мерседесни кўриб қолди – кампир бу воқеаларга ғалати кулимсираганча қараб турарди; у кўчада содир бўлаётган бу воқеаларни қизиқиб кузатар, бурун катаклари кенгайиб, тораярди. Бироқ Саксон унинг буткул хотиржамлигига ҳайрон қолди – кампир бўлаётган воқеаларни қизиқиб кузатаётганди.

Ўзини қийнаётган ҳаёт ҳақидаги саволларга жавоб топиш учун Саксон севги бобида донишманд бўлган мана шу аёлнинг олдига келди. Бироқ, маълум бўлишича, иқтисод масалаларига ҳам, ишчилар масалаларига ҳам Мерседеснинг қарашлари ғалати экан.

– Эҳе, азизам, ахир бу жуда оддий. Кўпгина одамлар туғма тентак бўлади – ана ўшалар куллардир. Ақл эса жуда кам одамларга берилган – улар хўжайинлардир. Менимча, Худонинг ўзи одамларни ана шундай яратган.

– Қандай қилиб Худо бугун эрталабкидек жанжалларга йўл кўйиб қўяди?

– Менимча, у бундай ишлар билан қизиқмайди, – кулди Мерседес. – У бу ҳақда билмаса ҳам керак.

– Мен ўлгудек кўрқиб кетдим, – деди Саксон. – Ўзимдан кетиб қолай дедим. Сиз эса... мен сизга қараб тургандим – худди қандайдир томоша кўраётгандек бепарволик билан қараб турган эдингиз.

– Бу чиндан ҳам томоша эди.

– Вой! Қандай қилиб сиз...

– Биласизми, менинг кўз олдимда одамларни ўлдиришган. Ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Ҳамма одамлар ўлади. Тентаклар нега ўлаётганини тушунмай, молга ўхшаб ўлиб кетади. Ҳатто бу кулгили ҳам. Бир-бирларини сўйиллар билан калтаклашади, муштла-

шишади, бир-бирларининг бошларини ёришади, суяк талашаётган итлардек ғажишишади. Ахир улар уришаётганларининг сабаби бўлган иш жойи – бу суяк. Агар улар бир-бирларини аёл деб, гоя деб, олтин, олмос деб ўлдирганларида эди! Йўқ! Улар фақат оч ва ошқозонларини тўлдириш учунгина қандайдир урвоқни деб уришишади!

– Эҳ, фақат менинг ақлим етса эди, – қўлларини кисирлатиб шивирлади Саксон. Уни бу нарсаларни тушунмаётгани ва билимга интилиш эзиб ташлаётган эди.

– Бу ерда тушунадиган ҳеч нарса йўқ. Ҳамма нарса кундек аён. Доим ҳам тентаклар ва ақллилар, қуллар ва хўжайинлар, омилар ва шаҳзодалар бўлишган. Ва улар доим бўлишади.

– Нега ахир бундай?

– Нега оми – оми, азизам? Чунки, у оми! Нега бурга – бурга?

Саксон ғамгинлик билан бошини тебратди.

– Азизам, ахир мен сизга тушунтирдим-ку! Бу дунёда бирорта ҳам файласуф сизга бундан аниқроқ жавоб бера олмайди. Нима учун сиз айнан шу йигитга турмушга чиқдингиз? Нега бошқа йигитни танламагансиз? Чунки айнан шу йигит сизга ёққан. Нега? Ёқиб қолди, тамом, вассалом! Нима учун олов куйдиради, аёзда эса совуқ? Нима учун тентаклар ва ақллилар бор? Хўжайинлар ва қуллар? Тадбиркорлар ва ишчилар? Нима учун қора нарса қора? Мана шуларга жавоб берсангиз – ҳамма нарсага жавоб топасиз.

– Бироқ одамлар ишлашни хоҳлашяпти-да, уларнинг ишларига адолатли ҳақ тўланадиган иш йўқ ва улар оч қолишяпти, шу тўғрими? – эътироз билдирди Саксон.

– Бу нарса тош қанчалик ёнмаса, денгиздаги кум шакар эмас, тиканли бута қўлни тилади, сув хўл, тутун тепага ўрмалайди ва нарсалар эса пастга тушиши қанчалик тўғри бўлса, шунчалик тўғри.

Бироқ бу тушунтириш Саксонни асло қониқтирмади. Очигини айтганда, у Мерседес айтган гапларнинг маъносига етмади ҳам. Бу унга тентакликдек туюларди.

– Демак, унда, биз озод ҳам, мустақил ҳам эмас эканмиз! – қизишиб хитоб қилди у. – Одамлар тенг эмас экан, демак менинг фарзандим ҳам бой онанинг фарзандидек яшашга ҳақи бўлмас экан-да!

– Албатта.

– Бироқ ахир менинг халқим ана шунинг учун курашган, – тарих дарслари ва отасининг қиличини эслаб, эътироз қилди Саксон.

– Демократия – тентакларнинг орзуси. Азизам, ишонаверинг, демократияни ишчиларни алдаш учун, улар тўполон қилмасликлари учун ўйлаб топишган. Улар йўқчилик ва оғир меҳнат остида инграшни бошлашганда уларни йўқчиликка ва оғир меҳнатга чидашга ундашган, пайти келиб камбағаллар бахтли яшайдиган ва бойлар эса жазосини тортадиган замон келишига ишонтиришган. Эҳ, ақллилар қандай кулишган! Бу ёлғоннинг кучи қолмагач, одамларда демократия тўғрисидаги орзу туғилди, ақллилар эса бунини орзулигича, фақат орзулигича қолишига ҳаракат қилишди. Дунёни фақат кучлилар ва ақллилар бошқаради.

– Бироқ сиз ўзингиз ҳам ишчилар оиласига мансубсиз-ку, – деб қўйди Саксон.

Кампир деярли ғазаб билан гавдасини ғоз тутди.

– Мен-а! Ишчилар? Ҳа, фақат мен пулларимни нотўғри сарфлаганим учун, энди қарилгим ва мардо-

навор ёш йигитларни ўзимга ром қила олмаслигим учун, ёшлигимдаги дўстларим ўлиб кетиб, мен тирик юрганам учун, Барри Хиггинс билан шу ишчи кварталида яшаб ўлимга ҳозирлик кўраётганим учунгина шундай. Бирок, азизам, мен бойлар оиласида туғилганман ва бир умр тентакларни оёғим остида кўрганман. Мен камёб винолар ичганман, кўшниларимизни бир умр боқиш мумкин бўлган пул миқдорича пулга ташкил қилинган зиёфатларда ўтирганман. Биз Дик Голден билан – тўғри, пуллар уники эди, бирок деярли меники ҳисобланарди, Монте-Карлода бир ҳафтада тўрт юз минг франк сарфлаганмиз. У жухуд эди, пулни тоза совуварди. Ҳиндистонда мен шунчалик қиммат турадиган тошларни тақардимки, уларни сотиб, пулга кўзимнинг олдида жон бераётган ўн минглаб оилаларни қутқариб қолиш мумкин эди.

– Сиз уларнинг ўлаётганини кўриб... ҳеч нарса қилмаганмисиз? – ҳаяжонланиб, сўради Саксон.

– Мен ўзимнинг қимматбаҳо тақинчоқларимни асраётгандим..., ўша йилнинг ўзидаёқ уларни бир рус зобити мендан ўғирлаб қўйди... молга ўхшаган!

– Сиз у одамларнинг ўлишига индамай қараб турдингизми? – саволини қайтарди Саксон.

– Улар оддий қаланғи-қасанғилар, улар чириб яна чувалчанга ўхшаб, кўпайиб ётишади. Улар шунчаки нотавонлар, азизам, энг катта аҳмоқлиги тинмай туғиб, хўжайинлар учун кул етказиб берадиган ана шу ҳамма ишчиларингизга ўхшаган нотавонлардир.

Шундай қилиб, атрофидаги воқеа-ҳодисаларни бирортаси тушунтириб беришига мушток ва бу кўрқинчли кампирнинг гапларидан ҳам ҳеч нарса тушунмаган Саксон ўз саволларига жавоб топа олмади. Ана шундан сўнг у Мерседеснинг илгари гапирган

гапларининг ҳам кўпи унинг соғлом бўлмаган тасаввурининг натижаси эканлигини тушунди.

Ҳафталар ўтар экан, темир йўл устахоналарида бўлиб ўтаётган иш ташлашлар кучлироқ тус олиб бораётган эди. Билл фақат бошини чайқар ва ишчиларни нима кутаётганини билса, ўзини йўқотиб қўяй деяётганини тан оларди.

– Мен ҳеч боши-кетини тушуна олмаяпман, – дерди у Саксонга. – Худди қоронғида бўлаётган муштлашув каби, ҳаммаси аралашиб кетди. Ҳеч бўлмаганда биз, аравакашларни олиб кўргин. Ахир бизникиларнинг орасида ҳам завод ишчиларига ҳамдардлик юзасидан иш ташлаш қилиш тўғрисида гап кетяпти. Улар бир ҳафтадан ортиқ ишлашмаяпти, кўпчилиги ҳайдалиб кетди, агар биз уларнинг заводлари учун ишлашни тўхтатмасак, улар ўз курашларида ютқизишса керак.

– Бироқ сизларнинг маошларингизни қирқишганда ўзинглар иш ташлаш тўғрисида ўйлаганларинг ҳам йўқ эди, – деб қўйди Саксон.

– Э, у пайтда биз ҳали тайёр эмас эдик. Ҳозир эса Фрисколик аравакашлар ҳам, порт ишчилари уюшмаси ҳам бизни қўллаб-қувватлашяпти. Бироқ, ҳали булар ҳаммаси қуруқ гаплар. Албатта, агар биз бошлайдиган бўлсак, бизлардан олиб қўйишгани ўн фоизни ҳам қайтартиришга ҳаракат қиламиз.

– Бу сиёсатчилар ҳаммаси аблаҳ. Бирорта ҳам тузуги йўқ, – деди йигит бир куни хотинига. – Ҳеч бўлмаганда биз, ишчилар, ақл кириб биргаликда фақат ҳалол одамни сайлай била олганимизда эди!

– Бироқ ҳатто сиз учалангиз – сен, Берт ва Том – келиша олмаяпсизлар-ку, бошқаларга қандай умид қилса бўлади? – сўради Саксон.

– Ўзим ҳам билмайман, – бўйнига олди Билл. – Ўйлашни бошласам – бошим айланиб кетяпти. Бироқ шу билан бирга икки карра икки тўртдек, ҳаммаси аниқ – виждонли одамларни топиш керак – ва ҳаммаси изига тушади. Ҳалол одамлар тўғри қонунларни чиқаришади ва шунда ҳар бир одам ўзига тегишлисини олади. Бироқ Берт ҳамма нарсани тор-мор қилмоқчи, Том эса трубкасини чекиб ўтириб, одамларнинг ўзлари аста-секин, оз-оздан униқидек қарашларга эга бўлишади ва унинг программаси учун овоз беришади, деб орзу қиляпти. Бироқ бу билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ҳаммага яхши бўлиши биз учун ҳозир керак! Том биз ҳозир ҳеч нарсага эриша олмаймиз, дейди, Берт эса ҳеч қачон эришмаймиз, дейди. Ҳамманинг қарашини ҳар хил бўладиган бўлса, унда нима қилиш керак? Қарагин, ҳатто социалистлар ҳам қачон қарама баҳслашишади, бир-бирларини партиядан чиқаришади. Худди жиннихонанинг ўзи – бу ҳақда ўйлайдиган бўлсам, ақлим бошимдан учяпти. Мен учун битта нарса аниқ: ҳозирнинг ўзида яшаш осон бўлиши керак.

Йигит бирдан гапиришдан тўхтаб, Саксонга қаради.

– Сенга нима бўлди? – ҳаяжондан товуши титраб, сўради у. – Касал бўлиб қолдингми ёки... ёки...

Саксон қўлини юраги устига қўйди; кўзларида бирдан пайдо бўлган кўрқув секин-аста қувончга айланди, лабларида эса кулги пайдо бўлди. У худди олдида турган эрини кўрмай, узоқдан келаётган нимагадир қулоқ тутаётганга ўхшарди! Бироқ мана, унинг юзи қувонч ва хайратдан порлаб, эрига қаради ва унга қўлини чўзди.

– Бу ҳаёт! – шивирлади у. – Бу – ўша!.. Мен нақадар бахтлиман, қанчалик хурсандман!

Билл эртаси куни ишдан қайтиб келганда, Саксон ундан ўз оталик мажбуриятлари тўғрисида жиддийроқ ўйлашини сўради.

– Билли, мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим, – гап бошлади у. – Мен соғлом ва бақувватман, ортиқча сарф-харажатларнинг кераги йўқ. Марта Скелтонни чақирсак ҳам бўлади. У яхши акушер.

Билл бошини чайқади.

– Йўқ, Саксон, бундай бўлмайди доктор Гентлини чақирамиз. У Билл Мэрфининг хотинини туғдирган ва Билл унга кафиллик беришти. Тўғри, у қари эзма, бироқ ўз ишини жуда яхши билади.

– Марта Скелтон эса Мэгги Донэхьюга доялик қилган, – эътироз қилди Саксон, – қарагин, боласи ҳам, онаси ҳам қандай соғлом.

– Йўқ, нима бўлганда ҳам унинг ёлғиз ўзи бўлмайди.

– Бироқ, докторга йипирма доллар тўлашга тўғри келади, ахир, – гапида давом этди Саксон, – бундан ташқари у яна энага ёллашга ҳам мажбур қилади, ахир менга ёрдам бериб турадиган ҳеч қандай қариндош-уруғим йўқ-ку. Марта эса ҳамма нарсани қилади ва арзонроқ ҳам бўлади.

Билл хотинини меҳр билан кучиб қўйди-да, бироқ ўз гапида туриб олди:

– Менинг азиз хотинжоним, кулоқ сол. Биз, Робертслар арзоннинг кетидан қувмаймиз. Буни доим ёдингда тут. Сен бола туғишинг керак. Бу – сенинг ишинг ва шу билан тамом. Менинг ишим пул топиш ва сенга ғамхўрлик қилиш. Бундай ишларда ортиқча эҳтиёткорлик халал бермайди. Менга миллион доллар беришса ҳам сен учун сал бўлса-да таваккал қилишга рози бўлмайман. Ҳамма гап сенда. Пул нима? Пул – бу ахлат. Нима, сенингча, мен боламизни яхши

кўрмайманми? Албатта, яхши кўраман. У бутун кун менинг хаёлимдан кетмайди. Агар мени ишдан ҳайда юборишса, уни деб бўлади. Мен уни ўйлаб ақлдан озая деяпман. Бирок, Саксон, сенинг ҳатто жимжилоғини заха бўладиган бўлса, мен бунинг ўрнига яхшироқ унинг ўлигини кўришга розиман. Сен мен, учун қанчалик қадрдон эканлигингни энди тушуняпсанми?

Мен авваллари одамлар шунчаки ўз оилаларида яшагилари келгани учун уйланишади, деб ўйлардим. Бирмунча вақт ўтиб, улар бир-бирлари билан келишиб яшаш ҳақида ўйлаб қолишади, деб ҳисоблардим – кўпчиликда аслида шундай бўлади ҳам. Бирок сен билан менда эмас. Мен сени кундан кунга кўпроқ яхши кўриб кетяпман. Мана, масалан, ҳозир ҳам, мен сени беш дақиқа илгаригидан кўпроқ яхши кўраман. Энага олишнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ. Доктор Гентли ҳар куни келади, Мери эса рўзғорга ҳам, сенга ҳам қараб туради, яъни, у сенинг ҳолингга тушганда сен нима қиладиган бўлсанг, ўшаларни қилади.

Кунлар бир-бирини қувалаб ўтар ва Саксоннинг кўкраклари сутга тўлиб борар экан, ёш аёлда оналик фаҳри орта бораётган эди. У шунчалик маънан, руҳан ва жисмонан соғлом эдики, она бўлиш туйғуси унга қувонч ва ўз-ўзидан қониқиш ҳиссини туғдираётган эди. Тўғри, кутилмаганда кўнглида хавотир ҳам уйғониб қолар, бирок бу жуда кам ҳолларда ва бир дақиқагина бўлиб, у ҳам қувончини бўрттириб кўрсатарди.

Фақат бир нарсагина унинг кўнглини ғаш қилишда давом этарди. Бу ишчиларнинг борган сари, Саксонни-ку гапирмаган тақдирда ҳам, ҳеч ким ҳал қила олмаётган чигаллашиб кетаётган шароитлари эди...

– Мана ҳамма айтяптики, машиналар сабаб маҳсулот ишлаб чиқариш илгариги пайтларга нисбатан

...ишча ўсган экан, — дерди қиз акасига. — У ҳолда нега
...инди ҳозир машиналар кўп бўлган пайтда биз
...илгаригидан бойроқ эмасмиз?

— Сен тўппа-тўғри савол беряпсан, — жавоб берди
акаси. — Бу аҳволда яқинда социализмга ҳам етиб
қоласан!

Бироқ Саксон ҳамма нарсага очик назар билн
қарарди:

— Том, сен анчадан бери социалистмисан?

— Саккиз йилча бўлди.

— Бу сенга кўп нарса бердимми?

— Вақти келганда... беради.

— Сен вақтлироқ ўлиб кетишинг мумкин.

Том хўрсинди:

— Сен ҳақ бўлсанг керак, деб кўрқаман. Ҳамма нарса
жуда секин ривожланыпти.

У яна чуқур хўрсинди. Қиз акасининг юзидаги сабр
ва чарчов акс этган ифодага, букчайган елкаларига,
қадокли кўлларига қаради — булар ҳаммаси йигитнинг
социалистик қарапшларининг кучсизлигини таъкидла-
ётгандек эди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Ҳамма нарса одатда кутилмаган ва бахтсиз ҳодиса-
ларда бўладигандек, арзимаган нарсадан бошланди.
Турли ёшдаги болалар Пайн-стритда ўйнашар, Саксон
эса очик дераза олдида уларни томоша қилиб, яқинда
туғилажак боласи ҳақида орзу қилиб ўтирарди. Қуёш
майин нур таратар, денгиз томондан эсаётган шабада-
дан намақоб мазаси анқир эди. Бирдан болақайлардан
бири қўли билан Еттинчи кўча томонни кўрсатди.
Ҳамма болалар ўйинларини тўхтатиб, кўллари билан

ўша томонни кўрсата бошлашди. Кейин улар тўда-тўда бўлиб олишди: ўн ёшдан ўн икки ёшгача бўлган каттароқлари алоҳида бир тўда, каттароқ кизлар эса кўркиб кетган кичкина болаларни олдиларига тортиб, баъзи кичкиналарни қўлларига кўтариб олишди.

Саксон болаларни нима хавотирга солганини кўра олмади, бироқ каттароқ болаларнинг ариққа сакраб тушиб тош териб олганларидан сўнг, уйлар орасидаги йўлақларга яшириниб олишганини кўргач, уларнинг хавотирлари сабабини тушунди. Кичикроқ болалар ҳам худди шундай қилишди. Қизлар кичкиналарни уйлари-га олиб кириб кетишди. Эшиклар ёпилиб, кўча хувиллаб қолган бўлса-да, у ер-бу ерда ярим очик деразалардан аёлларнинг хавотирли юзлари кўриниб қоларди. Саксон шаҳар темирйўли томонидан Марказий кўчадан жўнаб кетаётган поезднинг тарақ-туруғини эшитди. Сўнгра Еттинчи кўча томондан кўлаб эркакларнинг товушлари эшитила бошлади. Саксонга ҳали ҳам ҳеч нима кўринмаётганди, бироқ бу бақир-чақирларни эшитиб, у Мерседеснинг “Улар кучуклар суяк учун талашишгандек, иш учун бир-бирларини ғажигади. Улар учун иш – суяк демакдир” деган гапларини эслади.

Шовқин-сурон яқинлашиб келаётган эди ва Саксон деразадан бошини чиқариб ўнлаб полициячи кўрикчи-лиги остида яқинлашиб келаётган ўнтача штрейк-брехерни кўрди. Улар Саксоннинг уйи томонидан бир-бирларининг пинжларига кирганча юриб келишар, уларнинг кетларидан эса бақирганча ва дам ўтмай тош олиш учун энгашиб, иш ташловчилардан иборат юзларча оломон бостириб келаётган эди. Саксон титрай бошлаганини сизди, бироқ бу унинг соғлиғи учун яхши эмаслигини ўйлаб, ўзини қўлга олишга

ҳаракат қилди. Унга бунда қисман Мерседес Хиггинс ёрдам берди: кампир стул олиб чиқиб эшиги олдига кўйди-да, хотиржам ўтириб олди.

Полисменларнинг кўлларида сўйиллари бор эди. Изкуварлар афтидан қуролсиз эдилар. Тўхтамай орқадан изма-из келаётган иш ташловчилар, афтидан ҳозирча фақат сўқиб, қўрқитибгина келишаётган эди. Воқеаларни болалар тезлаштириб юборишди: Олсен ва Айшэмларнинг уйлари орасидаги тирқишдан бирдан тошлар отила бошлади. Тошлар мўлжалга етиб келмаётганди, бироқ, мана улардан бири штрейкбрехерлардан бирининг бошига тегди, — у билан Саксоннинг орасида йигирма қадамча масофа бор эди. У гандираклаганча қизнинг уйигача келди ва чўнтагидан револьвер чиқарди. У бир кўли билан кўзига оқиб тушаётган қонни артди, иккинчи кўли билан эса револьверини тўғрилаб туриб Айшэмнинг уйига қараб отди. Полиция айғоқчиси у иккинчи марта отиб кўймасин деб кўлидан ушлади ва ўзи билан тортиб кетди. Шу пайт иш ташловчилар орасида дўқпўписа қилаётган бақир-чақирлар кучайиб кетиб, Саксон билан Мэгги Донэхью уйлари орасидаги йўлакдан тошлар ёғила бошлади. Штрейкбрехер ва уларнинг ҳимоячилари тўхтаб, револьверларини чиқаришди. Муштлапиш касби бўлган бу одамларнинг ҳиссиз, қатъий юзларига қараб, Саксон улардан фақат қон тўкиш ва ўлдиришни кутиш мумкинлигини тушунди. Қандайдир кекса одам, афтидан уларнинг йўлбошчиси шекилли, бошидаги шляпасини ечиб, терлаб кетган кал бошини артди. У баланд бўйли, хомсемиз бўлиб, кўринишидан кучли эмасди. У сигара чекар, оқ тушган бакенбардлари тамаки сақичидан

сарғайиб кетган эди. Саксон унинг елкалари букчайиб тургани ва ёқасини қазғоқ босиб кетганини кўрди.

Айғоқчилардан бири кўли билан ниманидир кўрса-тиб, шериклари кулиб юборишди. У кўрсатган нарса тўрт яшар кичкина Олсен эди: у бир амаллаб онасининг олдидан кетиб қолган ва қийшиқ оёқлари билан ўз душманларига томон келаётганди; ўнг кўлида кучи етганчалик каттакон тошни кўтариб олган бўлиб, у ҳам дўқ қилиб келарди. Унинг қип-кизил юзида ғазаб аломати бўлиб, штрейкбрехерларга қараб тинмай “Йўқолларинг! Йўқолларинг!” деб кичкирарди. Рўпарадагилар унинг бакириғига жавобан кулишаётганидан боланинг баттар жаҳли чиқиб кетди. Душманларнинг олдига югуриб келиб, кучи борича кўлидаги тошни уларга қараб отди. Тош ниҳоятини унинг ўзидан беш қадам нарига бориб тушди.

Саксон буларнинг ҳаммасини кўриб турарди; боласини олиш учун кўчага қараб югурган миссис Олсен ҳам буни кўрди. Иш ташловчилар орасидан эшитилаётган револьвер товушлари Саксонни ўз деразаси тагидаги одамларга қарашга мажбур қилди. Улардан бири осилиб қолган чап кўлининг бицепсини кўриб, қаттиқ сўкинди. Саксон бу ерда туриб олиб кўчага қараши керак эмаслигини яхши тушуниб турар, бироқ унда жанговар авлодларидан қолган жасурлик уйғонган бўлиб, аёллар учун табиий бўлган кўрқувни тўсиб қўйганди. Ўзларининг тинчгина кўчаларида бирдан бошланган бу кураш асносида у ўз кутаётган боласини ҳам унутиб қўйди, сигара чекаётган бақалок билан бўлган ҳодисани кўриб эса иш ташловчиларни ҳам, ҳамма нарсани унутди. Қандайдир бир ғалати, тушунарсиз сабаб билан бақалокнинг боши панжара деворнинг ёғочлари орасига кириб қолган эди. Гавдаси

эса кўчада, тиззалари деярли ерга тегиб турарди. Шляпаси тушиб кетган бўлиб, бошининг тепакал қисми куёшда ялтирарди. Сигараси ҳам йўқолган эди. Саксон эркакнинг ўзига қараб турганини кўрди, қизнинг назарида у ёғоч орасига кириб қолган қўли билан унга қараб қандайдир ишоралар қилаётгандек бўлди, у ҳатто қизга кўзини қисгандек бўлиб кўринди; бироқ қиз бу оғриқ натижасидаги ҳаракатлигини тушуниб турарди.

Саксон унга бир сониями, икки сониями қараб турар экан, бирдан Бертнинг овозини эшитиб қолди. У шундай Саксоннинг уйи ёнидан, кўприк устидан югуриб ўтаётган эди; унинг орқасидан келаётганлар бир нечта иш ташловчилар бўлиб, йигит уларга қараб “Могиканлар, бу ёққа! Биз уларга кўрсатиб кўямиз!” деб бақирарди.

Йигит чап қўлида кирка, ўнг қўлида эса ўки қолмаган револьвер ушлаб олган бўлиб, чопа туриб бўш обоймани шақирлатиб келарди. Бирдан Берт тўхтаб қолди, киркани тушириб юбориб, Саксон томонга юзини ўгирди. Секин ўтириб қола бошлади, бирдан ўнгланиб, қўлидаги револьверни олдидан чиқиб қолган штрейкбрехернинг юзига қараб отди. Ва шу заҳоти гандираклаб кетди. Тиззалари яна букила бошлади. Зўрға, ақл бовар қилмайдиган куч ва ўнг қўли билан эшик ромини ушлаб олди, секингина худди ерга ўтирмоқчидек йиқила бошлади; бу орада иш ташловчилар тўдаси унинг ёнидан ўтиб кетди.

Жанг муросасиз, чинакам ур-тўполон эди. Ишчилар ўраб олган штрейкбрехерлар ва уларнинг кўриқчилари Саксоннинг деворига орқалари билан қапишганча ўзларини ҳимоя қилишар, бироқ юзларча одамга бас келиш қийин эди. Сўйил ва киркалар у ёқдан бу ёққа

бориб келар, револьвердан пахтавон овозлари эшитилар, икки кадам масофадан катта-катта тошлар отилиб, бошларни ёрарди. Саксон Бертнинг дўсти, бир ярим яшар боланинг отаси бўлган Фрэнк Дэвис штрейкбрехернинг қорнига револьвер стволини тираб туриб отганини кўриб қолди. У хириллаган дўқ-пўписалар ва лаънатларни, оғриқдан бақиришаётганини эшитаётганди. Ҳа, Мерседес ҳақ. Булар энди инсон эмас. Булар суяк учун бир-бирини гажиётган, суяк учун бир-бирини ўлдираётган ҳайвонлар эди.

“Иш – бу суяк, иш – бу суяк...” ўзича қайтарарди Саксон. Ва энди қанчалик хохламасин, дераза олдидан кетишга қурби етмаётган эди. У ўзини худди фалаж бўлиб қолгандек ҳис қилди. Ортиқ фикрлай олмаётган эди. Кўзларини катта очганча қотиб ўтирар ва кўз олдида тез ўтказилаётган кинолентадек ўтаётган бу воқеаларни кузатар эди. У айғоқчилар, полисмен ва иш ташловчиларнинг қандай йиқилишаётганини кўриб турарди. Оғир яраланган бир штрейкбрехер тиззалаб ўтирганча кечиришларини сўраб ялинар, атрофдагилар эса унинг юзига оёқлари билан уришарди. У орқасига йиқилиб тушганда бошқа ишчи унинг устига энгашиб туриб кўкрагига қараб шошганча, кетма-кет, обоймасида ўки қолмагунча, ота бошлади. Яна бир штрейкбрехерни эса томоғидан бўғиб, ёғоч девор устига эгилтириб қўйишди ва юзига револьвернинг стволи билан ура бошлашди. Ишчи тўхтамасдан; қаҳр билан урарди. Саксон бу ишчинини танирди. У Честер Жонсон эди. Бу йигит билан у турмушга чиқишидан олдин учрашиб юрган ва кўп бора рақсга тушган эди. Йигит унга доим юмшоқ ва кўнгилчан туюларди. Саксон жума кунларидан бирида одатдаги концертдан сўнг йигит ўзини ва яна иккита қизни Ўн учинчи

кўчадаги Тони Тэмелгротнинг ресторанига олиб боргани, шундан сўнг яна Пабстнинг қаҳвахонасига боришиб, уйга қайтишдан олдин бир стакандан пиво ичишганини эслади. Ва энди шу йигитнинг ўша Честер Жонсонлигига ишонгиси келмаётганди. Қиз бирдан боши ҳали ҳам деворнинг орасида осилиб турган бақалокнинг бўш кўли билан револьверини олиб, стволини Честернинг ёнбошига тўғрилаганини кўриб қолди. У бақириб, йигитни оғохлантирмоқчи бўлди. Чиндан ҳам бақирди – йигит бошини кўтариб қизни кўрди. Шу сонияда бақалок отиб, Честер штрейк-брехернинг устига йиқилди. Деворда энди учта мурда осилиб турарди.

Энди қизни ҳеч нарса ажаблантирмай кўйганди. У энди иш ташловчилар унинг боғчасига сакраб ўтишганига ҳам, экилган гулларини тепкилаб, сўнгра унинг ва Мерседеснинг уйи ўртасидаги йўлкага яширинишаётганларига бефарқлик билан қараб ўтирарди. Вокзал томондан Пайн-стрит бўйлаб йўл-йўлакай отишганча темирйўл полицияси ва айғоқчиларининг отряди яқинлашиб келарди. Бошқа томондан эса тарақ-турук билан полисменлар тўла учта машина келарди. Ишчилар тузоқ ичида қолишган, фақат уйлар орасидаги йўлкалардан чошиб бориб, орқа ҳовлиларнинг девори орқалигина қочиб кетиш мумкин эди. Саксоннинг эшиги олдида ўнтача ишчи сикилиб қолишган бўлиб, полициячилар бундан фойдаланиб қолишди. Иш ташловчиларни ҳатто қамашга ҳам ҳаракат қилиб ўтиришмади. Қутуриб кетган тартиб кўриқчилари уларни ерга йиқитиб, битта қолдирмай отиб ташлашди.

Бу воқеалар тугаганда, Саксон зина туткичини ушлаб олганча, худди уйқусираётгандай айвончадан тушди. Бақалок ҳали ҳам унга кўзини қисиб,

кўллари сикитаётган, бир нечта полисмен эса уни кутқаришга уришиб ётишган эди. Унинг эшиги ошиқмошиғидан чиқиб кетган бўлиб, Саксон бу қачон бўлганини билмаганига ҳайрон қолди.

Бертнинг кўзлари юмуқ бўлиб, лаблари қонаб ётар, томоғи хирқираб, афтидан нимадир деяётганга ўхшарди. Қиз унинг кимдир босиб олган юзидаги қонларини дастрўмоли билан артиб кўйиш учун энгашиганида, йигит кўзини очди. Кўзлари ҳали ҳам нафрат билан ёнарди. У қизни танимади. Лаблари кимирлаб, зўрға эшитиладиган қилиб шивирлади:

– Сўнгги могиканлар, сўнгги могиканлар...

Шундан сўнг йигит инграб, кўзларини юмиб олди. У ҳали тирик эди. Қиз буни билиб турарди. Унинг кўкраги тез-тез кўтарилиб тушар, ҳали ҳам томоғи қулдураб ётарди.

Қиз кўзларини кўтариб қаради: унинг ёнида кўзлари ялтираб, ажин босган юзлари қизариб кетган Мерседес турарди.

– Уни уйга олиб киришимга қарашиб юбора оласизми? – сўради Саксон.

Мерседес бошини сикиди ва шундай ёнгиналарида турган полисмендан қарашиб юборишни сўради. Полисмен Бертга тезгина қараб, кўзларида газаб чакнаб кетди.

– Баттар бўлсин! Биз ўзимизникиларга ғамхўрлик қиламиз.

– Балки ўзимиз эплай олармиз?

– Тентак бўлманг! – Шундай деб Мерседес миссис Олсенни ёнига ямлаб чақирди. – Сиз-чи, кичкина онача, тезда уйга кира қолинг. Бу ерда сиз қиладиган иш йўқ. Биз ўзимиз олиб кирамиз. Ана, миссис Олсен келяпти, мен яна Мэгги Донэхьюни ҳам чақираман.

Саксон уларни ошхона ортидаги бир пайтлар Биллининг талаби билан жиҳозланган хонага олиб кирди. Қиз эшикни очганда биринчи кўзга ташланган нарса полдаги гилам бўлди; қиз бу уйга жойлаши-шаётганда Берт уларга ёрдам берганларини эслади. Бертни каравотга ётқизишганда эса яна якшанба кунлардан бирида айнан Берт билан шу каравотни ўрнатишгани ёдига тушди.

Кейин қиз ўзини ғалати ҳис қила бошлади ва Мерседес ўзига хавотирли кўзлари билан қараб турганини кўрди. Шундан сўнг тез орада аҳволи оғирлашиб, фақат аёлларгагина ҳис қилиш берилган кучли оғриқ бошланди. Уни деярли кўлларида кўтариб, ётоқхонасига олиб киришди. У атрофида кўпчилик – Мерседес, миссис Олсен, Мэгги Донэхьюларни кўрди. Саксон миссис Олсендан кичкина Эмилини кўчадан олиб кирдими сўрамоқчи бўлди, бироқ Мерседес аёлни Бертнинг олдига чиқариб юборди, Мэгги Донэхью эса эшикни ким тақиллатаётганига қарашга кетди. Кўча томондан шовқин-сурон, сўкишлар, буйруқ бераётган овозлар ва вақти-вақти билан санитар ва полиция автомобилларининг кўнғироқ овозлари эшитиларди.

Кейин Саксон Марта Скелтоннинг тўладан келган кулиб турган юзини кўрди, кейин эса доктор Гентли ҳам келди.

Бир марта, тўлғоқлар бир дақиқагина тинган пайтда ингичка девор ортидан Мерининг чинқирган товуши эшитилди, бир мунча вақтдан сўнг эса уни энди анча хотиржам товушда қайта-қайта таъкидлаётган овози эшитилди:

– Мен ўлсам ҳам энди кирхонага қайтиб бормайман.
Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!

ЎНИНЧИ БОБ

Саксонда юз берган ўзгаришга Билл ҳеч кўника олмайганди. Ҳар куни эрталаб ишга кетаётиб ва кечкурун ишдан қайтгач хотинининг олдига кирар экан, у кўнглида кечаётганларни яшириб, хотинининг олдига беғам ва қувноқ ҳолда киришга мажбур эди. Хотини ўринда шунчалик ориқлаб кетганидан кичкинагина бўлиб ётар, ёшгина қизчаларни эслатарди. Йигит хотинининг олдига ўтириб, унинг оппоқ оқариб кетган, ориқ кўлларини ўз кўлига олиб меҳр билан силар ва унинг суякларининг шунчалик ингичка ва нозиклигига ҳайрон қолар эди.

Саксоннинг Билл ва Мерини ҳайрон қолдирган биринчи саволи кичкина Эмили Олсен ҳақида эди:

– Кичкина Эмили Олсенни кутқара олишдими? – Саксон уларга кичкинтойнинг бир ўзи йигирма бешта курулланган одамга қарши ёпирилганини айтиб берганда Биллнинг-юзи ҳайратдан ёришиб кетди.

– Эҳ, безори! – деди йигит. – Бундай бола билан фахрланса бўлади.

У бирдан саросималаниб, жим бўлиб қолди. Эрининг бу гапи билан ўзининг ярасини тирнаб кўйишдан кўрқиб кетгани Саксонга таъсир қилиб кетди. У эрига кўлини чўзди.

– Билли, – деб гап бошлади у Мерининг хонадан чиқиб кетишини бир оз кутиб тургач, – мен сендан шу пайтгача сўрай олмайгандим... Энди барибир-ку... Мен сен ўзинг айтиб берасан деб кутгандим... Бу...

Йигит бошини чайқади:

– Йўқ, қиз бола эди. Ажойиб қиз... Фақат ... туғурук вақтидан илгари бошланган экан...

Саксон худди энди ўзидан ҳам кўра эри юпатишга мухтождек, унинг кўлини сиқиб кўйди.

– Мен сенга ҳеч айтмагандим. Билли... ахир сен ўғилни хохлаётган эдинг; бироқ мен агар киз бўлса уни Дэзи деб атайман деб, ўйлаб кўйгандим. Эсингдами, менинг онамнинг исми шундай эди.

Йигит ҳамдардлик билан бошини силкиб кўйди.

– Саксон, биласанми, мен ўлгудек ўғил хохлагандим... Энди эса... менга барибир. Мен киз болани ҳам ўшанчалик яхши кўрган бўлардим... Ва умид қиламанки, кейингисини... агар ... деб атайдиган бўлсак қарши бўлмайсанми?

– Нима?

– Уни Дэзи деб атайдиган бўлсак?

– Билли! Менга ёққан бўларди...

Бироқ йигитнинг юзи тундлашиб, деди:

– Фақат кейингиси бўлмайди. Мен илгари фарзандли бўлиш нима эканлигини тушунмасдим. Сен энди бундай таваккал қилишинг мумкин эмас.

– Ва бу гапларни катта, кучли, жасоратли эркак гапиряпти! – зўрға жилмайиб, ҳазил қилди киз. – Сен бу ишларда ҳеч нарсани тушунмайсан. Қаердан ҳам тушунардиг! Мен соғлом, бақувват аёлман. Агар ана шу ур-сур бўлмаганда ҳаммаси яхши бўларди. Бертни қаерга кўмишди?

– Сен унинг ўлганини билармидинг?

– Ҳа, бошидан билганман. Мерседес қаерда? У икки кундан бери киргани йўқ.

– Кекса Баррининг мазаси йўқ. Унга қараб ўтирибди.

Йигит Саксонга чолнинг бир неча қадам нарида, ингичка девор орқасида ўлим тўшагида ётганини айтмади.

Саксон Биллнинг кўлларини ушлаб олганча, лаблари титраб, секин йиғлай бошлади:

– Мен... мен чидай олмаяпман... – пиқиллаб деди у.
– Ҳозир ўтиб кетади... Қизимиз... Билли! Ўйлаб кўргин! Мен уни ҳеч қачон кўрмайман..

Бир куни кечкурун, Саксон ҳали ҳам ўрнидан турмаганди, Мери бирдан Саксоннинг бошига тушган кўргиликлар унинг бошига тушмагани учун Худога шукур қилишини айтди.

– Эй, нималар деяпсиз! – хитоб қилди Билл. – Нимага десангиз ҳам баҳс бойлашаман: сиз ҳали яна турмушга чиқасиз.

– Ҳеч ҳам! – эътироз билдирди Мери. – Нима кераги бор. Дунёда шундоқ ҳам жуда одам кўп, ҳар битта жойга иккитадан, ҳатто учтадан ишсиз бор. Кейин, туғиш ҳам даҳшат.

Саксон юзида қотиб қолгандек азоб ифодаси билан дугонасининг гапига эътироз билдирди:

– Мен кўп нарсаларни бошимдан ўтказган бўлсам-да, сени тушунмаяпман. Бошимдан ўтказган ва ҳали ҳам ўтказаетган азобларга қарамай, мен фарзандли бўлиш бу дунёдаги энг ажойиб нарса, деб биламан.

Саксон кучга кириб, доктор Гентли Биллга хотини энди “янги доллардек” дегандан сўнг, Саксоннинг ўзи деразалари остида бўлиб ўтган ишчиларнинг фожиалари ҳақида гапириб берди. Билл хотинига ўша пайтда жангчилар чақирилган бўлиб, улар Пайн-стрит охиридаги темирйўлчилар устахоналари ёнидаги ялангликни эгаллашганини айтиб берди. Иш ташловчилардан ўн бештаси ҳозир қамокда экан. Полиция ён-атрофдаги ҳамма уйларни ахтариб чиқиб, уларни топиб олибди. Уларнинг ҳаммаси яраланган экан.

– Уларга ёмон бўлади, – деб гапини тугатди Билл.

Газеталар қонга қон талаб қилишар, Окленднинг ҳамма черковларида рухонийлар иш ташловчиларни айблаб, ваъзлар айтишадиган эди. Темирйўл устахоналаридаги барча ўринлар бошқа ишчилар билан тўлдирилган бўлиб, иш ташлашда иштирок этганлар энди қайтиб на бу ерга, на АҚШдаги бошқа темирйўл устахоналарига ишга олинмаслиги эълон қилинган ва уларнинг номлари қора рўйхатга киритилган эди. Бу иш ташловчилар аста-секин тарқалиб кета бошлашди: баъзилари Панама бўйнига, тўрттаси Анд орқали Китога борадиган темирйўл устахоналарига жойлашиш учун Эквадорга жўнаб кетишди.

Саксон кўнглидаги хавотирни яширишга уриниб, Билдан бўлаётган бу воқеаларга унинг муносабатини сўради:

– Берт талаб қилган мажбурий чоралар нималарга олиб келиши, мана, кўриниб турибди, – гап бошлади у.

Билл ўйланиб туриб, аста бошини чайқади.

– Честер Жонсонни гап-сўзсиз осийади, – тўғри жавобдан қочиб, деди у. – Ахир сен ўзинг уни биласанку. Эсингдами, у билан кўп бора рақсга тушганман, деб айтгандинг. Уни ўзи ўлдирган штрейкбрехернинг мурдаси устидан топишди, жиноят устида қўлга туширишди. Анави қари бақалок Трясучье Пузо эса, ичида учта ўқ қолган бўлса ҳам, афтидан, тирик қолса керак. У энди Честерга кўрсатиб кўяди. Айни Пузонинг кўрсатмалари Честерни отишга ҳукм қилишларига асос бўлса керак. Буларнинг ҳаммасини газетада ёзишди. Пузонинг ўзи бизнинг деворимизда осилиб турганда унга ўқ узган.

Саксон сесканиб кетди: Трясучье Пузо бу ўша кал бақалок бўлса керак.

– Ҳа, мен кўргандим, – деди киз. – Ўша бакалок бизнинг деворимизда узоқ осилиб турганди, бир неча соат бўлди шекилли.

– Ҳаммаси бўлиб беш дақиқадан ошмаган эди.

– Менга эса йиллар ўтгандек бўлиб туюлганди.

– Деворда осилиб турганда Пузога ҳам шундай бўлиб туюлган бўлса керак, – гамгинлик билан кулимсиради Билл. – Бироқ у яшовчан... Уни неча марта отишган, калтаклашган эди, у эса шу пайтгача юрибди. Уни энди бир умр майиб бўлиб қолади дейишяпти, қўлтиқтаёқда юришига тўғри келаркан... ёки аравачада юраркан. Ҳар ҳолда энди ишчиларга ёмонлик қила олмайди. Темирйўлчилар компаниясида у асосий бандитлардан бири эди; қаерда жанжал бўлса ўша ерда ҳозир у нозир эди. Унинг учун ҳамма бирдек эди... Бўлиб ўтган бу воқеа унинг учун фойдали бўлиши керак.

– У қаерда яшайди? – сўради Саксон.

– Ўнинчи кўча яқинидаги Аделайн-стритда, бой кварталда, зўр қурилган икки қаватли уйда яшайди. Уй учун у ойига камида ўттиз доллар тўласа керак. Менимча, у темир йўллар бошқармасидан роса олган бўлса керак.

– У албатта, уйланган бўлса керак?

– Ҳа. Мен унинг хотинини ҳеч кўрмаганман, бироқ инженер ўғли Жекни яхши билардим. Ҳеч қачон курашмаган бўлса-да, яхши боксёр эди. Бошқа ўғли эса мактабда ишлайди. Исми Паул. Мен билан деярли тенгдош. Бейсболни зўр ўйнарди. Болалигимизда ўйнаб турардик. Мактаб мусобақаларида у менга 3 марта гол урган.

Саксон тебранма креслога суянганча, ўйланиб қолди. Бу иш анча мураккаб экан: бу қари, кал ва

қориндор қароқчининг хотини ва болалари бор экан. Бу ёкда эса Фрэнк Дэвис, уйланганига бир йил ҳам бўлмаган, чақалоғи ҳам бор... Балки у қорнига отган анави штрейкбрехернинг ҳам оиласи бордир... Улар бир-бирларини қай бир даражада билишади, ҳаммалари – худди катта бир оила аъзоларидек; айна пайтда эса уларнинг ҳар бири ўз оиласини қутқарар экан, муштлашиб, қолганларни ўлдиришди. Саксон Честер Жонсон штрейкбрехерни ўлдирганини кўрди, энди эса улар бир неча йил давомида Саксон билан картон фабрикасида ишлаган Китти Брэндига уйланган Честер Жонсонни осиймоқчи.

Бироқ Саксоннинг Биллдан унинг штрейкбрехерларнинг ўлдирилишига бўлган муносабатини билиб олишга интилиши натижасиз бўлди.

– Ишчиларнинг қилган ишлари яхши бўлмади, – ниҳоят, деди қиз.

– Улар эса Бертни ўлдиришди, – эътироз қилди йигит – ва яна бошқаларни ҳам. Айтганча, Фрэнк Дэвисни ҳам. У ўлганини сен билмаганмидинг? Унинг пастки жағини ўқ ўпириб кетибди, ҳатто касалхонага жўнатишга ҳам улгуришмабди. Оклендда ҳали шу пайтгача бирор марта ҳам биттада шунча одам ўлдирилган эмас.

– Бироқ ишчиларнинг ўзлари айдбор бўлишди-ку, – деди Саксон. – Улар биринчи бошлашди, улар ўлдиришди.

Билл нимадир деб тўнғиллаб қўйди, қиз унинг “Бўлмаган гап!” деганини тушунди, холос. Бироқ қайтиб эридан “Нима?” деб сўраганда, у жавоб бермади. Қарашлари тундлашиб, юзи катъий тус олди, оғзи атрофида ажин пайдо бўлди.

Бу Саксон учун зарба эди. Нахотки у ҳам бошқаларга ўхшаган, худди Берт, Фрэнк Дэвис ва Честер Жонсонлар каби одамларни ўлдиришга қодир? Нахотки у ҳам ўлжа учун урушадиган ёввойи ҳайвон бўлса?

Қиз оғир хўрсиниб кўйди. Ҳаёт – жуда кийин топишмоқ экан! Мерседес балки чиндан ҳам ўз фикрларида ҳақдир.

– Хўш, нима? – хотинининг кўнглидаги саволларни уққандек, кўпол кулимсираб, деди Билл. – Ит итни ғажийди. Ва, мен билишимча, ҳаётда доим шундай бўлиб келган. Мана, мисол учун, шу деворимиз тагида бўлган муштлашувни олгин: улар худди Гражданлар урушида шимолликлар ва жанубликлар қилгандек, бир-бирларини ўлдиришди.

– Бироқ, Билли, улар бу йўл билан ҳеч нарсага эриша олмайдилар. Ўзинг айтган эдинг, улар бу билан фақат ўзларига ёмон қилишади, деган эдинг.

– Балки, эриша олишмас... – истамайгина хотинининг гапини маъқуллади йигит. – Бироқ уларнинг бошқа йўл билан ғалаба қилиш имкониятлари борми? Мен негадир буни кўрмаяпман. Масалан, бизни олсак. Энди навбат бизга келяпти.

– Нима, аравакашларми? – хитоб қилди қиз.

Йигит маъюслик билан бошини иргитиб кўйди.

– Аллақачон пайти келганди! Хўжайинлар ҳаддиларидан ошиб кетишди, ҳамма меъёрларни бузишяпти. Улар, бизни чўкка тушириб, аввалги ўринларимизни сўрашга мажбурлаймиз, дейишяпти. Анави ҳодисадан кейин улар айниқса ўз кучлари ва ҳокимликларини ҳис қилиб қолишди. Ахир уларни матбуот ҳам, дин пешволари ҳам қўллаб-қувватлашяпти, бутун кўшин эса уларнинг орқасида – бу эса ярим ғалаба дегани. Улар ҳаммадан бурун Честер Жонсонни осиб

ўлдиришади ва кейин иложи борича ана у ўн беш кишидан ҳам кўпроғини йўқ қилишади. Бу ҳақда очик-часига гапиришяпти, бу ҳақда ҳар куни “Трибюн”да ҳам, “Тайм”да ҳам, “Энкуайрер”да ҳам бонг уришяпти. Касаба уюшмаларига қарши уруш очилган. Йўқолсин ёпиқ устахоналар! Ишчи ташкилотлари даф бўлсин! Анави ифлос “Интеллиженсер” газетаси бўлса бугун касаба уюшмаларининг бошлиқларини ё шаҳардан бадарға қилиш ёки осиб ўлдириш кераклигини ёзибди. Зўр-а? Яхши ўйлашибди!

Бизда ҳам худди шу нарса. Биз завод ишчиларига хайрихоҳлик юзасидан иш ташламаймиз – бизнинг ўз муаммоларимиз бор. Улар бизнинг тўрт биродаримизни ишдан ҳайдашибди. Ҳеч қандай сабабсиз ҳайдашган. Мен сенга айтяпман-ку: хўжайинларнинг ўзлари тартибсизликларга сабаб бўлишяпти, агар улар ўзларини шундай тутишадиган бўлса, бунга эришишади ҳам. Биз Сан-Францискодаги порт ишчилари уюшмаси билан келишиб қўйдик. Агар улар бизни қўллаб-қувватлашадиган бўлса, бу нимадир дегани.

– Демак... сизлар иш ташлашга қарор қилдингларми? – сўради Саксон.

Йигит бош силкиди.

– Бироқ сен бу хўжайинларга қўл келади, деяпсан-ку?

– Барибир эмасми? – Елкасини қисди Билл ва гапида давом этди: – Сени кўчага итқитишларини кутиб ўтиргандан кўра иш ташлаш яхшироқ. Асосийси – вақтдан ютиш ва улар тайёрланишга улгурмасларидан бошлаб олиш. Ахир улар ҳозир нима қилаётганларини биз билмаймизми? Улар бутун штат бўйлаб штрейк-брехерларни, ҳар хил отбоқарлар, каллакесарлар ва турли олқиндиларни йиғишяпти. Улар аллақачон

қирқта одамни йиғиб, Стоктондаги меҳмонхонага жойлаштиришиб, боқишяпти. Уларни кейин бизга қарши қўйиб юборишади; бироқ унда қирқ киши эмас, бир неча юз бўлади. Хуллас, бу шанба, балки, мен охирги марта маош олиб келсам керак... маълум бир вақтгача...

Саксон кўзларини юмиб, бир неча дақиқа содир бўлган вазиятни ўйлаб кўрди. Бирпасда ваҳимага тушиш унинг табиатига ёт эди. Унинг табиатидаги Биллга ёқадиган бу хислати энг қийин пайтда ҳам уни тарк этмади. Саксон ўзининг худди пашша каби бошқалар билан бир қаторда бу тушунарсиз, чалқаш ҳодисалар тўрига тушиб қолганлигини яхши тушуниб турарди.

– Нима қиламиз, ижара ҳақини тўлаш учун жамғарма кассасидан олишимизга тўғри келади, – хотиржамлик билан деди у.

– Бироқ у ерда пулимиз сен ўйлаганчалик кўп эмас, – бўйнига олди йиғит. – Бертни дафн этишга керак бўлган эди, етмаганини мен бердим.

– Қанча бор?

– Қирқ доллар. Мен қассоб ва бошқалар кутиб туришади, деб умид қилгандим. Улар пуллари менда қолиб кетмаслигини билишади-ку. Бироқ улар менга очикчасига, шу пайтгача иш ташловчиларга қарзга беришганини – ахир улар бизга хайрихоҳ-ку – энди эса, иш ташловчилар ютқизишгач, уларнинг ўзлари ҳам қийин аҳволда қолишганини айтишди. Ва мен керак бўлган пулни кассадан олгандим: сенинг жаҳлинг чиқмаслигига ишончим комил эди.

Саксон жилмайди ва юрагига тушган кўркүвни мардонаворлик билан босиб, деди:

– Албатта шундай қилиш керак эди, Билли. Агар сен касал бўлиб ётадиган бўлсанг, мен ҳам худди шундай қилардим; агар сен унинг ўрнида бўлиб қолсанг, Берт ҳам биз учун шундай қилган бўларди.

Йигитнинг юзи ёришиб кетди.

– Баракалла, Саксон! Сен ҳақиқий дўстсан ва сенга ҳар доим суяниш мумкин. Сен мен учун – ўнг кўлимнинг ўридасан. Мен нима учун бу гапларни гапиряпман: энди бошқа бола керак эмас. Агар сени йўқотиб қўйсам, бир умрга мажруҳ бўлиб қоламан.

Саксон унга меҳр билан караб қўйди.

– Тежашимизга тўғри келади, – ўйланиб деди у. – Қанча пулимиз қолди?

– Ўттиз долларга яқин. Биласанми, Марта Скелтонга ҳам тўлашимга тўғри келди ва ... яна бошқа нарсалар... Бунинг устига уюшмамиз ҳам ҳар эҳтимолга қарши тайёргарлик кўриб қўйишга қарор қилиб, ҳар битта одамдан тўрт доллардан ошиғич взнос йиғиб олишди. Доктор Гентли кутиб туради, ўзи менга айтди. Мана, ҳақиқий инсон, а, Саксон! У сенга ёқдими?

– Ҳа, жуда ҳам. Бироқ мен докторлар борасида ҳеч нарса тушунмайман. Ҳали бирор марта ҳам менинг докторга ишим тушмаган эди – фақат бир марта чечакка қарши эмлашгандан ташқари. Уни ҳам шаҳарлик доктор қилган эди.

– Афтидан, яқинда трамвайчилар ҳам бошлашади шекилли. Шаҳарда Дэн Фэллон пайдо бўлди, дейиш-япти. У тўппа-тўғри Нью-Йоркнинг ўзидан келганмиш. Яширин равишда келаман деб ўйлаган, ишчилар эса унинг қачон йўлга чиққанини билиб, бутун йўл уни кузатиб келишган. Қандай қилиб кузатмаслик мумкин! Трамвайчилар ҳақида қаерда гап кетса, у ўша ерда. У қанча иш ташлашларнинг йўлини тўсди! Унинг

захирасида штрейкбрехерларнинг бутун бир армияси бор ва керак бўлиб қолган тақдирда уларни махсус поездда керак жойга ташлайди. Окленд ҳали шу пайтгача ҳозиргидек тартибсизликларни кўрмаган бўлса керак. Ҳали яна нималар бўлмайди!

– Билли, у ҳолда ўзингга эҳтиёт бўлиб юр. Мен сени ҳам йўқотиб қўймай.

– Э, бекор гап! Мен эҳтиёт бўлишни биламан. Ва бунинг устига ютқизамиз, деб ўйламайман. Муваффақият қозонишга имкониятларимиз бор.

– Бироқ одамларни ўлдиришга бошлайдиган бўлсангиз, улардан маҳрум бўласиз.

– Ҳа. Бироқ биз бундан қочишга ҳаракат қиламиз.

– Куч ишлатиш керак эмас.

– Биз револьвер ва динамитлар ишлатмаймиз, – деди йигит. – Бироқ бу аблах штрейкбрехерлардан кўпининг юзини бежаб қўямиз. Бусиз иложи йўқ.

– Бироқ, Билл, сен бундай қилмайсан, а?

– Ҳар ҳолда кейин бирорта мараз судда кўрсатма берадиган даражада эмас. – Шундай деб, йигит дарҳол бошқа мавзуга ўтиб кетди: – Биласанми, қария Барри вафот этди. Биратўла тузалиб кетмагунингча мен айтмоқчи эмасдим. Уни ўтган ҳафта дафн этишди. Мерседес эса Фрискога жўнаб кетяпти. У хайрлашгани кириб ўтаман, деганди. Сен қасал бўлган вақтингда у жуда яхши қаради, бироқ кейин Марта Скелтоннинг жонига тегиб кетди – у ҳатто Мерседесдан қандай қутулишни ҳам билмай қолди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Шундан сўнг Билл иш ташлашларда қатнашиб, пикетларда навбатчилик қилиш учун уйдан тез-тез кетадиган бўлди. Мерседес жўнаб кетган, Берт ўлган бўлиб Саксон шундай ёлғиз бўлиб қолдики, бу унинг соғлом табиатига таъсир қилмай қолмади. Мери ҳам жўнаб кетди – у гўё бошқа шаҳарда хизматкорлик ўрнини топган эмиш.

Билл хотинининг ҳозирги аҳволини яхшилаш учун ҳеч нарса қила олмаётган эди. У Саксон азоб чекаётганини тушуниб турар, бироқ бунинг сабабини ва бу азобларнинг қанчалик чуқурлигини ҳис қила олмасди. Унинг эркак табиати хотинининг қалбидаги ғалаёнлардан йироқ эди. У хотинининг кўнглидаги ғалаёнларда ўзи жуда кам нарсани кўриб турган ҳолда, фақат гувоҳ сифатидагина қатнашди. Саксон учун бола тирик ва бор нарса эди; у шу пайтгача буни шундай қабул қилаётган ва азобларининг сабаби ҳам шу эди. У ҳеч қандай ирода кучи билан кўнглидаги бўшлиқ ўрнини тўлдиролмаётган эди. Бу боланинг мавжуд фактлиги кизни ҳатто галлюцинация даражасигача олиб бораётганди. Қизга бола ҳозир қаердадир тургандек ва ўзи уни топиши керакка ўхшаб туюларди. У баъзан ўзининг илгари ҳомиладорлик даврида минг марталаб хаёлида эшитгани, аслида ўнгида бирор марта эшитмагани боланинг қичқираётганига берилиб қулоқ солаётганини сезиб қоларди. Икки марта эса у кечаси тушида ўрнидан туриб болани қидирар экан, чақалок кийимлари турган онасининг комоди олдида уйғониб кетди. Бундай дақиқаларда у ўзига ўзи “Қачондир менинг ҳам болам бўлган” дерди. У бу сўзларни кундуз

кунлари очик дераза олдида ўтириб, кўчада ўйнаётган болаларга қараб ўтириб ҳам қайтарар эди.

Бир куни трамвайда Саккизинчи кўча бўйлаб кетар экан, ёнига кўлида боласи билан ёшгина аёл келиб ўтирди. Саксон аёлга қараб:

– Менинг ҳам болам бор эди. У ўлиб қолди, – деди.

Ёш она кўрқиб кетиб, Саксоннинг юзига қаради ва беихтиёр боласини бағрига босди; бироқ сал ўтиб юзидаги ифода юмшаб, эркалаган товушда деди:

– Бечорагина!

– Ҳа, – яна қайтарди Саксон. – У ўлди.

Унинг кўзларига ёш тўлди, у ўз гами тўғрисида овоз чиқариб айтгани унга енгиллик келтиргандек бўлди. Кейин кун бўйи унда боласи ҳақида полисмендан ташқари ҳаммага – банкдаги кассирга ҳам, Сэлингернинг магазинидаги кекса сотувчига ҳам, кўчада боласини етаклаб юрган аёлга ҳам айтиб бериш истаги пайдо бўлди. Полисменлар энди унинг учун қандайдир янги, даҳшатли мавжудотга айланиб қолишган эди. У полисменларнинг иш ташловчиларни аёвсиз – иш ташловчилар штрейкбрехерларни ўлдиришгандан ҳам кўра аёвсизроқ – ўлдиришганини кўрган эди. Бироқ улар буни бир бурда нон учун, иш учун қилишмаганди, улар профессионал қотиллар эди. Ўлдириш уларнинг вазифалари эди. Ўша, улар бир тўда ишчиларни Саксоннинг эшиги ёнига ҳайдаб келишган куни, улар бу ишчиларни шунчаки ушлаб, камокқа олиб кетишлари мумкин эди. Бироқ улар бундай қилишмади. Ўшандан бери, полисмени кўрганда қиз айланиб ўтиб кетишга ҳаракат қиларди. У полисменларда ўзи ва яқинларига нисбатан душманлик ҳиссини туйгандек бўларди.

Бир куни, Саккизинчи кўча ва Бродвей бурчагида трамвай кутаётганда бурчакда турган полисмен уни

таниб, таъзим қилди. Саксоннинг ранги оқариб кетиб, юраги гурсиллаб кетди. Бироқ бу ниҳояти Нэд Германман, қизнинг эски таниши, семиз, башараси катта йигит бўлиб, у ҳозир одатдагидан ҳам кўнгилчанроқ кўринарди. Мактабда улар анча йил бирга ўқишган бўлиб, кейин ярим йил давомида синфда адабиётдан ёзма иш олдидан китоблар тарқатишарди. Пинолада порох заводлари портлаб, мактаб биносининг деразаларида битта ҳам бутун ойна қолмаган куни биргина икковлари кўркувга тушмай бошқа ўқувчиларга ўхшаб кўчага отилишмаган эди. Улар бино ичида қолишиб, мактаб директори кейин уларни синфдан синфга олиб кириб, кўрқиб қочган ўқувчиларга кўрсатган ва уларни жасурликлари учун бир ойлик таътил билан сийлаб, уйларига қўйиб юборган эди. Мактабни тугатгач Нэд Германмани полицияга ишга кирган ва Лина Хайлэндга уйланган, Саксон уларнинг ҳозир бешта болалари борлигини эшитган эди.

Нима бўлганда ҳам йигит ҳозир полисмен, Биыл эса иш ташловчи эди. Ахир ана шу Нэд Германмани бошқа полисменлар унинг эшиги тагида қилгандек, бир куни Биллга ёпирилиб, уни уриб, отиб ташламайдими?

– Саксон, сенга нима бўлди? – сўради Нэд. – Касалмисан?

У бошини тебратаркан, бир оғиз ҳам гап айтишга қурбн етмай, келиб тўхтаган трамвайга қараб шошди.

– Кел, мен сенга қарашиб юбораман, – деди йигит унга чиқишга ёрдам бермоқчи бўлиб.

Кўрқиб кетган қиз сакраб кетди ва шоша-пиша деди:

– Йўқ, мен ўзим... мен бунда кетмайман; нарсамни эсимдан чиқарибман.

У шошганча Бродвейдан Саккизинчи кўчага қайрилди. Бу кўчада озгина юриб, Кэли-стритдан орқага қайтди ва бошқа трамвайга ўтирди.

Ёз ойлари ўтиб борар экан, Окленддаги аҳвол кескинлаша бошлади. Худди ишчилар ҳаракати билан курашиш учун капиталистлар айна шу шаҳарни танлашганга ўхшарди. Иш ташлашлар, ишчиларни оммавий ишдан бўшатишлар, кўпгина тармоқларда ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилиши натижасида ишсизлар сони шунчалик кўпайиб кетдики, бирор жойга қора ишчи бўлиб жойлашиш ҳам қийин бўлиб қолди. Билл баъзи кунлар кунбай иш топар, бироқ иш ташлаш кўмитаси томонидан берилаётган озгина нафақа ва Саксоннинг ўта тежамкорлигига қарамай, рўзғорда учини учига етказишга қийналишаётган эди.

Уларнинг еб-ичишлари тўйларидан кейинги пайтдагига асло ўхшамасди. Нафақат ҳамма маҳсулотлар энг ёмон сифатли эди, балки кўп нарсадан воз кечишларига ҳам тўғри келаётганди. Гўштни, ҳатто энг ёмонини ҳам, жуда кам ҳоллардагина ишлатишарди. Янги сутни улар қўйилтирилган сутга алмаштиришган, ҳозир эса шуни ҳам олишмаётганди. Сариеғни илгаригига караганда беш баробар кам ишлатишарди. Нонуштадан кейин уч финжон қахва ичишга одатланган Билл энди биттасига ҳам рози эди. Саксон бу қахвани узоқ қайнатар, бу унга атиги йигирма беш центга тушаётган эди.

Ишсизликнинг касри яқин-атрофдаги аҳолининг барига ураётганди. Иш ташлашда очикчасига қатнашмаётганлар унга бошқа томондан жалб қилинишар ёки ишларини йўқотишарди. Кўпгина бўйдоқ йигитлар ижарада турган уйларини ташлаб чиқишаётган ва шу

сабаб квартира тўловлари уй эгаларига жуда қийинчилик туғдираётган эди.

– Эй Худойим! – Саксон билан суҳбатда шикоят қилди қассоб. – Ҳаммамиз азоб чекапмиз. Хотинимнинг ҳатто тиш докторига боришга ҳам имконияти йўқ. Менинг ўзим эса хонавайрон бўлиш арафасида турибман.

Бир куни Билл соатини гаровга қўймоқчи бўлиб турганда Саксон унга Билл Мэрфидан қарз сўраб туришни маслаҳат берди.

– Мен ўзим ҳам шуни ўйлаётгандим, – деди Билл. – Бироқ энди сўрашнинг иложи йўқ. Мен сенга сешанба куни кечқурун спорт клубида бўлган воқеани айтиб бермадимми? Сен анави тентак, Кўшма Штатлар флоти чемпионини эслайсанми? Билл у билан курашиши керак эди ва пул аллақачон унинг чўнтагида, деб ҳисоблаётганди. Олтинчи раунднинг охирига бориб рақиб бутунлай ҳолдан тойиб, Билл еттинчи раундда уни тугатишга умид қилаётганди. Шу пайт, аксига олиб ишсиз ўтирган пайтида, нимадир бўлиб ўнг кўли билан ўмровини сндириб олди. Албатта, анави тентак унга ёпирилди ва Биллнинг пуллари йиғлаб кетди! Ҳа! Ҳа, чиндан ҳам, охирги пайтларда биз могоканларнинг ҳеч омадимиз келмаяпти.

– Керакмас! – сесканиб, деди Саксон.

– Нима керакмас? – ажабланиб, сўради Билл.

– Бу гапни қайтарма. Берт доим шундай дерди.

– Ҳа, могоканлар! Яхши, айтмайман. Сен ирим-сиримчи эмассан, а?

– Йўқ, бироқ бу жуда ўринли сўз, мен ундан кўрқаман. Баъзан менга Берт ҳақ бўлганга ўхшаб кўринади. Ҳа, ҳамма нарса ўзгариб кетди. Ҳатто менинг болалик пайтимдан бери қанча нарса ўзгарган.

Биз прерияни кесиб ўтиб бу мамлакатни очганмиз, энди эса бу ерда яшаш учун иш ҳам топа олмаяпмиз. Ва бунда на сен ва на мен айбдор эмасмиз. Яхши яшаймизми ёки ёмонми – бу тасодифнинг иши эмиш. Буни бошқачасига тушунтириб бўлмайди.

– Мени ажаблантираётган нарса, эслаб кўргин, ўтган йили мен қанақа ишлаган эдим! Бир кун ҳам қолдирмаганман. Бу йил ҳам қолдирмоқчи эмасдим, бироқ мана ҳафталар, ойлар ўтпти, мен эса кимир этмаяпман.

Саксон газетага ёзилишни тўхтатган эди, бироқ Мэгги Донэхьюнинг газетачи ўғли баъзи пайтларда унга “Трибьюн”нинг ортиқча сонларини ташлаб кетарди. Газетанинг олд қаторларида мамлакатни касаба уюшмалари бошқармоқчи бўлаётгани ва улар халқни йўлдан уриб, уларга зиён қилишаётгани ҳақида айтиларди. “Ҳаммасига бош кўтарган ишчилар синфи айбдор!” дейиларди газетада. Саксон эса бу гапларга бир ишониб, бир ишонмасди: ижтимоий топишмоқ жуда мураккаб бўлиб, чалкашиб кетган эди.

Аравакашларнинг Сан-Францискодаги аравакашлар ва порт ишчилари уюшмаси томонидан қўллаб-қувватланаётган иш ташлашлари охири қандай бўлишидан қатъи назар, узоқ чўзилиши кутилаётган эди.

Окленддаги отбоқарлар ва уларнинг ёрдамчилари ҳам, уларнинг озгинаси кўшилмаганини ҳисобга олмаганда, иш ташловчиларга кўшилишди. Транспорт фирмалари ўз мажбуриятларининг ярмини ҳам бажара олишмаётган, бироқ уларга Окленднинг тадбиркорлар уюшмаси ёрдам бераётган эди. Тинч океани соҳили тадбиркорлар бирлашмасининг кўпчилиги эса Оклендлик тадбиркорларни қўллаб-қувватлади.

Саксон бир ойдан бери ижара ҳақини тўламаётган, швабдан тўлаб қўйиш кераклигини ҳисобга олса, бу икки ой дегани эди. Икки ой давомида у жиҳозлар учун ҳам тўламади. Бироқ Сэлингер ҳозирча чидаб келаётган ва уларни қистамаётган эди.

— Биз ҳар қанақасига сизларга ёрдам беришга тайёрмиз, — деди кизга фирма вакили. — Менинг вазирам сиздан иложи борича мумкин бўлган ҳамма нарсани олиш ва шу билан бирга сизларни ҳам қисиб қўймаслик. Сэлингерлар адолатли бўлишмоқчи, бироқ хўжайинларга ҳам қийин бўляпти. Уларнинг сизлар каби яна қанча қарздорлари борлигини тасаввур ҳам қила олмайсиз! Эртами, кечми улар чора кўришга мажбур бўладилар, акс ҳолда уларнинг ўзлари ҳам ўтириб қолишади. Сиз эса уларни хотиржам қилиш учун кейинги ҳафтагача ҳеч бўлмаса беш доллар топишга ҳаракат қилинг.

Билл ишлайдиган жойда ишлайдиган Гендерсон фамилияли отбоқарлардан бири иш ташлашга қўшилмаган эди. Хўжайинларнинг штрейкбрехерлар отхонада овқатланиб, шу ерда тунаб қолишларини талаб қилишларига қарамай, ҳар куни кечкурун у ўзининг кичкина уйига жўнарди. У шу яқин орада, Саксонларга яқин жойда яшарди. Саксон йигитнинг ишга кетаётганини, кўшни болалар унинг кетидан бараварига “штрейкбрехер, аблах” деб бақириваётганини кўп кўрганди.

Бироқ бир куни кечкурун, худди ҳаммага қўл силтагандек, йигит Еттинчи ва Пайн-стрит бурчагидаги “Дурадгорлар макони” барига киришга жазм қилди. Бахтга қарши у ерда отхонада бирга ишлайдиган дўсти, иш ташлашда қатнашаётган Отто Фрэнкни учратиб қолади. Бир неча дақиқа ҳам ўтмай, боши ёрилган

Гендерсонни тез ёрдам каретаси тезлик билан касалхонага, полиция машинаси эса ундан кам бўлмаган тезликда Фрэнкни шаҳар қамоқхонасига олиб кетди.

Мэгги Донэхью бу ҳақда Саксонга гапириб берар экан, юзлари ёришиб кетган эди.

– Ажаб бўлибди, бу аблаҳ штрейкбрехер, батгар бўлсин, – деди у.

– Бечора хотини-чи? – хитоб қилди Саксон. – Соғлиғи ёмон-ку! Болалари-чи? Агар эри ўлиб қолса, у болаларини ҳеч қанақасига боқа олмайди-ку.

– Унга ҳам ажаб бўлибди, ярамас!

Саксон бу ирланд аёлининг бағритошлигидан хайратга тушди. Бироқ Мэгги фикрини ўзгартирмади.

– Штрейкбрехер эр билан яшапда давом этишар экан, на у ва на бошқаси бундан яхшисига арзишмайди... Болалар-чи? Ўлиб кетишаверсин, ахир уларнинг оталари бизнинг болаларимизнинг оғзиларидаги нонни тортиб олишяпти.

Миссис Олсен бошқа гап эди. Гендерсоннинг хотини ва болаларига унинг раҳми келди, бироқ вой-войлаб қўйди, холос. Бутун диққатини эса Отто Фрэнкнинг оиласига қаратди – йигитнинг хотини унинг опаси эди.

– Агар Гендерсон ўлиб қолса, Оттони осишади. У ҳолда бечора Гильда нима қилади? Ахир унинг оёғи оғрийди, бутун кун оёқда туриб ишлай олмайди... Мен ҳам унга ёрдам бера олмайман. Ахир Карл ҳам ишсиз ўтирибди...

Булар ҳаммаси Биллни бошқа томондан ҳам безовта қилаётган эди.

– Бу ҳаммаси бизнинг қилаётган ишимиз учун ёмон, айниқса Гендерсон ўлиб қоладиган бўлса, – уйга келганда сиқилганча Саксонга тушунтирди йигит. – Фрэнкни албатта осишади. Бундан ташқари эса, химоя-

чи олишга тўғри келади, улар эса, роса шилишади! Бу юристлар бюджетимиздаги шундай катта тешикни ғажигадики, бу тешикдан от-арава билан ҳам ўтса бўлади. Агар ароқ ичган бўлмаганда Фрэнк ҳеч қачон бундай қилмаган бўларди. Хушёрлигида у дунёдаги шунчалик мўмин-қобил одам.

Ўша куни кечқурун Билл Гендерсон тирикми, йўқми билиш учун икки марта бориб келди. Тонгги газеталар унинг соғайишига умид жуда камлигини ёзишган бўлса, кечки газеталар унинг ўлими тўғрисида хабар беришди. Отто Фрэнк қамокда бўлиб, уни кафилликка ҳам чиқаришмаган эди. “Трибьюн” газетаси суд маслаҳатчиларини ўз мажбуриятларини бажариб, йигитни дарҳол суд қилиб, жазолашни талаб қилиб ва бу ҳодиса жиноятчи ишчилар синфига қандай таъсир кўрсатишини тасвирлаб берди.

Бу воқеаларнинг бари Саксонга таъсир қилмай қолмаётганди. У ўзининг бутунлай ёлғизлигини ҳис қилар, эри унинг энг яқин одами бўлиб, атрофда бўлаётган воқеалар эса уларнинг ҳаётлари ва муҳаббатларига раҳна солиши мумкин эди. Эри ишга кетгандан уйга қайтиб келгунча қиз тинчлик билмасди. У баъзи пайтлар эрининг қўлларида эндигина шилинган жойларни кўрар, эри индамаётган бўлса-да, у муштлашувларда қатнашаётганини сезиб турарди. Айниқса, шу кунларда йигит тунд бўлиб олиб, нималарнидир ўйлаб, индамай ўтирар ёки дарров ётиб оларди. Қиз эрининг бу ҳолати одатта айланиб қолишидан кўрқа бошлади ва уни очик гаплашиб олишга ундашга аҳд қилди. Бир куни ўтиришганда у эрининг тиззасига ўтириб, бир қўли билан унинг бўйнидан кучоқлади, иккинчи қўли билан эса сочини

оркага тараб, пешонасидаги ажинларни текислай бошлади.

– Билли, жоним, менга кулок солгин, – ҳазил оҳангида гап бошлади у. – Сен ҳалол иш қилмаяпсан, мен энди рози эмасман! – У қўли билан эрининг оғзини беркитди. – Йўқ, шу пайтгача ўзинг индамадингми, энди менинг гапиришимга кўйиб бер. Иккаламизнинг келишувимиз эсингдами – бир-биримизга ҳамма нарсани айтиб, маслаҳатлашиб қиламиз дегандик. Тўғри, сенга билдирмай тиккан нарсаларимни миссис Хиггинсга сотиб, бу келишувни мен биринчи бўлиб буздим. Шундай қилганимга ҳозиргача ачинаман. Бироқ бу кейин қайтарилгани йўқ. Энди эса келишувимизни сен бузаяпсан: ўз ишларинг ҳақида менга ҳеч нарса демаяпсан.

Билл, сен мен учун дунёдаги ҳамма нарсадан азизсан. Буни ўзинг ҳам биласан. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам шу пайтгача ҳамма нарсани бирга келишиб қилиб келдик. Энди эса сен мендан ниманидир яширяпсан. Ҳар сафар қўлларинг шилиниб келганда, сен менга ниманидир айтмаяпсан. Агар энди менга ишонмасанг, унда кимга ишонасан – билмадим. Мен эса сени шундай яхши кўраманки, сен нима қилганигда ҳам бари бир яхши кўравераман.

Билл кўзларида эркалаш, бироқ ишончсизлик назари билан хотинига қаради.

– Яширма, – талаб қилди қиз. – Ёдингдан чикмасин: доим менга суянишинг мумкин.

– Мени уришмайсанми? – сўради Билл.

– Қандай қилиб уришаман? Билли, ахир мен сенга хўжайинманми? Мен нима бўлган тақдирда ҳам сенинг устингдан ҳукмронлик қилмайман. Агар сен шундай

қилишимга йўл қўйиб берсанг, сени камроқ севган бўлардим.

Йигит хотинининг гапларини ўйлаб, секин бошини ирғади:

– Демак, жаҳлинг чиқмайдими?

– Сенданми? Сен менинг жаҳл қилганимни кўрганмисан? Қани, ақллигина бўлиб нима учун ҳамма ёғинг яра-чақа эканлигини айтиб бер-чи. Мана бу шилинганлар яп-янги. Шундай кўриниб турибди.

– Хўп, майли. Сенга айтиб бераман... – Йигит жим бўлиб қолди, сўнгра ниманидир эслаб, ёш боладек кулиб юборди. – Мана, нима бўлди. Йўқ, чиндан ҳам жаҳлинг чиқмайдими? Биз ўз қизиқишларимизни ҳимоя қилиш учун шундай қиляпмиз. Худди кинематографнинг ўзи, фақат гап билан! Олдинда бақувват дароз йигит келяпти, қишлоқилиги кўриниб турибди – кўллари сон гўшгига ўхшайди, оёқлари гўладек, бўйи менга икки баробар келади ва жуда ҳам ёш. Юзидан омилиги кўриниб турибди, иш ташлаш нима эканлигини ҳам билмайди. Хуллас, ... билмадим, нимага ўхшаб, аммо оми. Чегарадан ўтиб бизнинг кўрикчи пикетларимизга дуч келибди. Ростакан штрейкбрехер эмас, тушуняпсанми, шунчаки қишлоқи бир йигит, компаниянинг эълонини ўқиб, осон доллар топиш учун шаҳарга келган экан.

Бу ёқда эса биз келаётгандик: мен ва Бэд Стродзерс. Бизлар доим икки киши бўлиб юряпмиз, баъзан эса хатто тўдалашиб ҳам. Мен йигитни чақирдим. “Ҳой, менга қара! – дедим. – Иш қидиряпсанми?” “Ҳа”, деди у. “Ҳайдашни биласанми?” – “Биламан.” “Тўрт от кўшилган аравани ҳамми?” – “Уларни бу ёққа узата қол!” “Беҳазил, – дейман мен, – сен чиндан ҳам иш қидириб юрибсанми?” – “Шунинг учун шаҳарга кел-

дим”. “Бизга худди шунақаси керак; биз билан юргин, дарров жойлаштириб кўямиз”.

Биласанми, Саксон, шу ернинг ўзида адабини бериб кўйиш ноқулай эди: биздан бир квартал нарида полисмен турганди – сен уни биласан, Том Скэнлон, – у бизни танимаган бўлса ҳам тикилиб қараб турганди. Шунинг учун биз Бэд билан бизнинг ишимизни тортиб олмоқчи бўлган у шоввозни у ердан олиб кетдик. Хилват бир кўчага қайрилдик – сен биласан, шундоқ Кэмпуэллнинг дўкони орқасида, – ҳеч ким йўқ.

“Мен бу йигит аравакаш ўрнига рози бўлмаса керак деб ўйлайман”, гумонсирагандек, гап бошлади Бэд. Йигит эса бу гапга жавобан шоша-пиша “Йўқ, албатта рози бўламан” деб жавоб берапти.

“Нахотки, чин дилдан истаяпсанми?” дедим мен. Ҳа, ҳа, чиндан ҳам хоҳлармиш, қасам ичишга тайёр. Уни ҳеч нарса ушлаб қола олмайди. Ахир у шаҳарга шунинг учун келган, биз уни керакли жойга қанчалик тез олиб борсак, шунча яхши.

“У ҳолда, дўстим, – деим мен, – менинг бурчим сен каттиқ хато қилаётганингни айтиб кўйиш”. “Қанақасига?” сўради у. Мен унга бирдан “нега турибсан, мен сени ушлаб турганим йўқ”, дедим. Тасаввур қилгин-а, Саксон, бу тентак ажабланияпти. “Тушунмаяпман”, дейди. “Мана ҳозир сенга ҳаммасини тушунтириб берамиз”.

Ана шунда мен унга кўрсатиб бердим: бир! Бир! Ўнгдан! Чапдан! Шалоп! Яна! Яна! Фейерверкнинг ўзи! Тўртинчи июль! Унинг кўзларида учқун чакнагандек бўлди. Ўзини дўзахга тушиб қолдим, деб ўйлаган бўлса керак. Агар сен боксни ўрганган бўлсанг бу бир неча сониялик иш. Фақат кўлкопсиз кўлинг оғрийди. Фақат у йигитни шунгача ва ундан кейин

кўрсанг уни актер-трансформатор деб ўйлаган бўлардинг, юзини шунчалик бежаб ташладим. Кулавериб, ўзингдан кетиб қолардинг!

Билл яна хахолаб кулди. Саксон ҳам ўзини кулишга мажбур қилди, бироқ ичида даҳшатга тушди. Ҳа, Мерседес ҳақ экан. Тентак ишчилар жанжаллашиб, иш учун бир-бирларини ғажишяпти. Ақлли хўжайинлар эса автомобилларда юришибди; улар уришишмаяпти, ғажишишмаяпти ҳам – улар Берт ва Фрэнк Дэвис, Честер Жонсон ва Отто Фрэнк, Трясучье Пузо ва айғоқчиларни ва барча штрейкбрехер каби аҳмоқларни ўзларининг ўрниларига муштлашиш ва ғажишишга йўналтиришяпти. Ва бу тентакларни калтаклашяпти, ўлдиришяпти, камашяпти ва осишяпти. Ҳа, ақллилар нима қилишяётганини билишади! Улар бус-бутун ва соппа-соғ қолишяпти. Улар автомобилларда юришибди.

Шу орада Билл гапида давом этди:

– “Эҳ, сиз безорилар”, зўрға ўрнидан турар экан, ғижинди йигит. “Хўш, – сўрадим мен, – сен хали ҳам шу ишни хоҳлаясанми?” У фақат бошини чайқаб қўйди. Мен яна унинг яхшилаб адабини бердим. “Энди, йигит, – дедим, – битта нарса қолди – бу ердан кет! Тушунясанми? Бу ердан жўнаб қол. Сенинг ўрнинг кишлокда. Агар яна шаҳарга бурнингни суқадиган бўлсанг, сен билан энди бошқача гаплашамиз. Ҳозир биз сен билан ўйнашдик, холос. Агар яна қўлимизга тушадиган бўлсанг, шундай бежаймизки, тукқан онанг ҳам танимай қолади”.

Сен унинг қандай қочиб қолганини кўрсанг эди! Бундай чакқонлик қаердан пайдо бўлди экан? Ҳозиргача чопаётган бўлса керак! Ўзининг Милпитасми ёки бошқами жойига қайтиб борганда Оклендлик йигитлар

уни қандай меҳмон қилганларини айтиб берадиган бўлса, соатига ўн доллар берса ҳам бу ёққа келишни хоҳловчилар топилмаса керак.

– Нима бўлганда ҳам булар ҳаммаси даҳшат! – деб Саксон яна ўзини кулишга мажбур қилди.

– Бу ҳеч нарса эмас, – берилиб кетганча, гапида давом этди Билл. – Бугун эрталаб йнгитларимиз яна биттасини ушлашибди. Вой, қанақа адабини беришди! Икки дақиқадан сўнг уни шу аҳволга солишдики, касалхонадагилар уни кўриб даҳшатга тушишибди. Кечки газеталар бу ҳақда хабар беришди: бурни синган, бошида учта чуқур яра, олдинги тишлари ҳаммаси синган, иккита қовурғаси ва ўмров суяги синган. Хуллас, унга нима керак бўлса, ҳаммасини олган. Бироқ булар ҳаммаси арзимаган гаплар. Фрискодаги аравакашлар ер қимирлаш олдидан бўлган иш ташлашда штрейкбрехерларнинг қандай адабларини беришганини биласанми? Уларни ушлаб олиб ҳар бирининг иккала кўлини лом билан синдиришибди. Касалхоналар тўла эди. Ана шу иш ташлашда улар ютишди.

– Бироқ, Билл, ана шундай шафқатсизлик шартмиди? Тушунаман: улар штрейкбрехерлар, ўзларининг болаларига бериш учун иш ташловчиларнинг болаларининг оғзидан нонини тортиб олишяпти – бу яхши эмас... Бироқ... наҳотки уларни шунчалик... шафқатсизлик билан жазолаш керак бўлса?

– Албатта, – ишонч билан деди Билл. – Уларни кўрkitиб қўйиш учун биз ҳар бир имкониятдан фойдаланиб қолишимиз керак. Фақат кўлга тушиб қолмаслигинга амин бўлишинг керак.

– Кўлга тушиб қолсанг-чи?

– У ҳолда, бирлашма сен учун ҳимоячи ёллайди. Тўғри, бундан ҳеч қандай фойда йўқ, чунки ҳакамлар бизни жуда ҳам ёқтиришмайди, газеталар эса уларни каттиқроқ чора кўриш учун гижгижлашади. Нима бўлганда ҳам, бу иш ташлаш қандай тугаган тақдирда ҳам, кўпгина аблаҳлар штрейкбрехер бўлганлари учун ўзларини ўзлари лаънатлашади.

Саксон Биллнинг ўзи ва ўртоқлари қилаётган куч ишлатишларга қандай қарашини эридан эҳтиёткорлик билан билиб олиш учун ярим соат давомида ҳаракат қилди. Бироқ Билл ўзи ва ўртоқларининг ҳақликларига мутлақо амин эди! Балки, мен жуда ҳам ҳақмасдирман, деган фикр унинг хаёлига ҳам келмаётган эди. Ўйиннинг шартлари шундай эди. Ва бу ўйиннинг иштирокчиси бўлган экан, қолганларга ўхшаб у ҳам бошқачасига юта олмас эди. Тўғри, бурчакдан туриб динамит биланми, ўлдирибми – каби йўлларни у окламас эди. Аслида, курашнинг бу йўлларини уюшмалар ҳам қўллаб-қувватламасди. Бу ерда ҳам йигитнинг далиллари оддийгина эди. Керак эмаслиги шундаки, бу мақсадга олиб келмайди; бундай йўллар омманинг фикрини қарши қилиб қўйиб иш ташлашнинг ҳалокатига олиб келади; бундай йигитларни яхшилаб дўппослаб, Биллнинг айтишича “кўркитиб қўйиш” ягона тўғри ва керак йўли экан.

– Бироқ бизнинг оталаримизга ҳеч бундай қилишларига тўғри келган эмас, – деди Саксон. – У пайтларда иш ташловчилар ҳам, штрейкбрехерлар ҳам йўқ эди.

– Ҳа, албатта; – гапга кўшилди Билл. – Қандай яхши пайтлар бўлган! Эҳ, ўша пайтда яшаётган бўлсак эди! – Йигит алам билан чуқур хўрсинди. – Бироқ ўтганни қайтариб бўлмайди.

– Сен қишлоқда яшаган бўлармидинг? – сўради Саксон.

– Албатта!

– Ҳозир кўпчилик қишлоқда яшайпти.

– Менга эса кўплар шаҳарга бизнинг жойларимизга келиб олишаётганга ўхшайди, – деди йигит.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Билл Найлсда кўприк қураётган пудратчиларга ишга жойлашди ва ёшларнинг ҳаёти бир оз яхшиланди. Бу ишга жойлашишдан олдин Билл бу ернинг ишчилари уюшма аъзолари эканлигига ишонч ҳосил қилиб олди. Бироқ икки кундан сўнг бетончилар асбобларини ташлашди. Буни олдиндан кутган пудратчилар уларнинг ўрниларига шу заҳоти уюшма аъзоси бўлмаган италяларни ишга олишди. Шундан сўнг дурадгорлар ҳам, каркас қурувчилар ҳам, аравакашлар ҳам кетишди. Чўнтагида хемири йўқ Билл уйига яёв кетишига тўғри келди. У уйига кечқурунга яқин етиб келди.

– Ахир мен штрейкбрехер бўлмайман-ку, – гапини тугатиб деди йигит.

– Албатта, йўқ, – эрининг гапини маъқуллади Саксон.

Бироқ ичида у бир нарсани ҳеч тушуна олмаётганди: агар одам ишлагиси келса ва иш бўлса, нима учун уюшма буюриши билан у ишини ташлаши керак? Бу уюшмалар нима учун ўзи? Агар бу уюшмаларсиз яшаш мумкин эмас экан, нега унда ҳамма ишчилар унга аъзо бўлишмайди? У ҳолда штрейкбрехерлар ҳам бўлмас ва Билл ҳар куни ишлаган бўларди. Саксоннинг фикри-хаёли яна қаердан бир халта ун топсам бўларкин, деган фикр билан банд эди – улар аллақачонлардан бери

ёпган нон ейишдан чиқиб қолишганди. Ён-атрофдаги кўп оилалар шу аҳволда бўлиб, булқачи дўкончасини ёпиб, хотини ва иккита қизини олиб бу ерлардан кетишга мажбур бўлган эди. Саксон қаёққа қарамасин, ишлаб чиқаришдаги келишмовчиликларнинг бузғунчилик изини кўраётган эди.

Бир куни тушдан сўнг уларникига бир нотаниш одам кирди, кечқурун эса Билл ажойиб янгилик билан келди: айтишича унга иш таклиф қилишган эмиш; розилик берса, у аввалги хўжайинининг олдига ойига юз доллар маош билан отхонага бошлиқ бўлиб борармиш.

Шунча пул олиш мумкинлиги Саксонга томдан тараша тушгандек таъсир қилди. Улар қайнатилган картошка, иситилган нўхат ва пиёздан иборат кечки овқатни еб ўтиришганди. Нонлари ҳам, қахва ҳам, ёғ ҳам йўқ эди. Пиёзни Билл олиб келганди – кўчадан топиб олган экан. Бу ёқда эса – ойига юз доллар! Саксон куриб кетган лабларини ялаб кўйди, бироқ хотиржам бўлишга уринди.

– Улар нима учун бу ишни сенга таклиф қилишяпти? – сўради у.

– Жуда оддий. Сабаби кўп. Биринчидан, хўжайин Шаҳзода билан Қиролни ишониб топширган йиғит эшак экан: Қирол чўлоқлана бошлабди. Бундан ташқари, афтидан мен уларнинг кўп штрейкбрехерларини издан чиқарганимни сезишяпти шекилли. Уларда отхонада Маклин деган одам бошлиқ эди (у ишга келган пайтда мен жуда ёш бола эдим). Ҳозир у касал бўлиб қолибди ва унинг ўрнига одам керак экан. Бундан ташқари мен у ерда узоқ вақт ишлаганман, асосийси – уларга керак одам айна менман. Улар

менинг бу ишни жуда яхши тушунишимни билишадди. Бу муштлашишдан бошқа билган ягона нарсам.

– Буни кара-я – ойига юз доллар! Юз доллар – Саксоннинг юраги уриб кетди.

– Ва ўртоқларингни сотиш... – давом этди йигит.

Бу савол ҳам, таъкидлаш ҳам эмасди. Саксон бу гапни ҳар қанақасига ўтириши мумкин эди. Улар бир-бирларига қарашди. Қиз эри биринчи бўлиб гапиришини кутди. Йигит эса индамай хотинига қарашда давом этди. Ва Саксон бирдан бу ўзининг ҳаётидаги муҳим дақиқалардан бири эканлигини ҳис қилди ва бу воқеани ўзини тутиб олган ҳолда кутиб олиш учун ўзининг бутун кучини йиғди. Билли айна дамда ўзига ёрдам қўлини чўзмаслигини у яхши тушуниб турарди: йигит хотинининг олдида юзида ҳеч қандай ҳаяжон аломатисиз, лоқайдлик билан ўтирарди: хотинидан нималар ўйлаётганини яшираётганди. Унинг кўзларидан ҳеч нарса уқиб ҳам бўлмасди: у шунчаки қараб, кутиб ўтирарди.

– Йўк, Билли... сен у ерга қайта олмайсан, – деди ниҳоят Саксон. – Сен ўртоқларингни сота олмайсан.

Йигит кескинлик билан қўлини хотинига чўзди: унинг юзи қувончдан ёришиб кетганди.

– Қани! – Саксоннинг қўлини ушлаб, сиқар экан, хитоб қилди йигит. – Сен дунёдаги энг яхши, энг вафодор хотинсан! Агар ҳамма ишчиларнинг хотинлари сендек бўлганда эди, биз ҳамма иш ташлашларда голиб чиккан бўлардик.

– Билли, уйланмаган бўлганингда нима қилган бўлардинг?

– Албатта, бу жойнинг яқинига ҳам йўламаган бўлардим!

– Бирок бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Мен ҳар доим ва ҳамма нарсада сени кўллаб-кўлтиклашим керак. Акс ҳолда қандай хотин бўлдим?

Саксон ўша куни келган нотаниш эркакни эслади; ҳозир айти гапирадиган вақт эди.

– Билли, – гап бошлади у, – бугун бир эркак келган эди. Унга хона керак экан. Мен сен билан гаплашиб кўраман, дедим. У ошхонанинг орқасидаги хонамиз учун ойига олти доллар беришга рози. Агар берсак, ярмига жиҳозлар учун ярим ойлик взносни тўлаб, бир халта ун олишимиз мумкин эди, ҳеч ҳам унимиз қолмаган.

Бирок Биллининг гурури бош кўтариб қолди. Саксон унинг юзидаги ифодани хавотир билан кузата бошлади.

– Бирорта штрейкбрехер бўлса керак-да?

– Йўк, у Сан-Хосега борадиган товар поездда гўлаҳ бўлиб ишлар экан, исми Жеймс Гармон. Яқингинада Тракидан бу ёққа юборилган экан. Айтишича, кундуз кунлари ухлаб олар экан, шунинг учун ёш боласи йўк, тинч уй керак экан.

Билл анчагача иккиланди, Саксон эса сўрашда давом этаверди. Ниҳоят, ижарачи билан ҳеч қандай муаммо чиқмаслигига эрини ишонтириб, хонани ижарага беришга кўндиргандек бўлди. Бирок йигит рад қилишда давом этиб, ниҳоят деди:

– Фақат сен дунёда бирорта ҳам эркакнинг ўрнини йиғиштирмайсан. Саксон, бу ярамайди. Мен сенинг бундай ишларни қилишингга асло кўнмайман!

– У ҳолда, азизим, иш ҳақидаги таклифни қабул қилиш керак эди, – эътироз билдирди Саксон. – Бирок бундай қила олмайсан-ку. Бу ҳам яхши бўлмасди.

Мени ўзингга ёрдамчи деб билиясанми, кўлимдан келганча сенга ёрдам беришимга кўйиб бергин.

Бироқ Жеймс Гармон Саксонга у кутганчалик ҳам муаммо туғдирмади: у жуда озодаликни яхши кўрар ва ишдан сўнг уйга келишдан олдин яхшилаб ювинарди. У калитни ошхонадан олиб, ишга жўнар ва орқа эшикдан қайтар эди. Саксон билан зўрға саломлашиб, хайрли тун тилашга улгурарди – у кундуз куни ухлаб, тунда ишларди. Ва Билл уни биринчи марта кўрганда эркакнинг уларникига яшаётганига бир ҳафта бўлганди.

Биллнинг ўзи энди уйга борган сари кечроқ қайтар, ҳатто кечки овқатдан сўнг қаергадир ғойиб бўлиб қоларди. Қаерга кетаётганлигини айтмасди. Саксон эса сўрамасди: унинг қаерга кетаётганлигини билиш учун жуда ҳам кузатувчан бўлиш шарт эмас эди. Бундай пайтларда ундан виски хиди келарди. У олдингидан ҳам шошмай, шаҳдам қадамлар билан қайтарди – виски унинг юришига таъсир қилмаётганди; у ичмаган одамдек қатъий, ишонч билан қадам ташларди; мушаклари бўшашиб, шалвиллаб қолмаганди. Виски унинг бошига ураётган бўлиб, қовоқлари оғирлашиб, қарашлари, кўз ўнги қоронгилашиб кетаётганди. У енгилтакроқ бўлиб қолмаган, жонланиб ҳам қолмаган ва жиззаки ҳам бўлиб қолмаганди. Аксинча, виски сабаб унинг гапириш одати ҳам ўзгарганди: у кам гапирар, нимадир деса ҳам худди қароматчидек, эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда гапирарди. Қаршисидаги одамга қаршилик кўрсатиш, баҳслашишга ўрин қолдирмас ва у айтаётган ҳар бир гапни худди яратганнинг ўзи унинг қулоғига қуйиб қўйгандек туюларди.

Саксон эрининг табиатидаги бу хислатни биринчи бор кўраётган бўлиб, бу унга ёқмаётганди; баъзан унга уйларига бегона одам кириб қолгандек туюларди; у

беихтиёр эридан узоқлаша бошлади. Эрининг бу хислати унинг чинакам “мен”и эмас, деган фикр ҳам қизни тинчита олмаётганди: у ғамгинлик билан эрининг аввалгидек эътиборини, маънан тозалиги, рухан назокатлилигини соғинарди. Авваллари йигит уришиш ва мушглашишга олиб келадиган ҳар қандай баҳонадан қочишга ҳаракат қиларди. Энди эса, аксинча, худди бундан завқ оладигандек, уришиш учун баҳона изларди. Унинг юзи ҳам ўзгариб кетди – аввалгидек ёқимли ва ўсмирларникидек чиройли эмасди. Ва жуда кам жилмаярди. Унинг юз бичими эркактарникидек бўлиб қолганди. Оғзи, кўзи, бутун юзи худди фикрлари каби қўполлашиб кетганди.

Йигит Саксонга қаттиқ гапирмасди, бироқ кўп эркалатмасди ҳам. Ўрталаридаги бегоналик соат сайин ўсиб бораётганди. У энди хотинига худди Саксон энди унга бегонадек, қандайдир бефарқлик билан қарарди; хотини иш ташлашнинг ҳамма муаммоларини эри билан бўлишаётган бўлса-да, эрининг хаёлидаги унинг ўрни борган сари йўқолиб бораётган эди. Билл хотини билан нозик муносабатда эканлигида бир сунъийлик сезилар, ҳар сафар чиройли сўзлар билан эркалаганда бу нарса одат бўлиб қолгани учунгина шундай бўлаётгандек туюларди: ораларидаги илиқлик ва самимийлик йўқолганди. Кайфи йўқ пайтларда аввалги Биллдан нимадир кўриниб қолар, бироқ бу борган сари камайиб бораётганди. Йигит борган сари тундлашиб ва безовталаниб борарди: муҳтожлик ва борган сари ўсиб бораётган иқтисодий қийинчиликлар уни бутунлай бошқа одамга айлантириб қўяётган эди. Бу нарса айниқса тунда, даҳшатли тушлар таъсирида Билл инграб, қўлларини мушт қилиб, тишини ғижирлатган пайтда билинарди: бутун баданидаги мушаклари

тортишиб, юзи қийшайиб кетар, оғзидан сўкиш ва лаънатлар отилиб чиқарди. Саксон у билан ёнма-ён ётиб, ўзи учун бегона бўлган бу одамдан қўрқар ва беихтиёр Мерининг Берт ҳақида айтганлари ёдига тушарди: у ҳам тушида муштларини сикиб, тишларини гижирлатган, кундуз кунлари иштирок этган олишувларни тушида давом эттирганди.

Аммо Саксон буларнинг ҳаммаси Биллнинг ўз хоҳиши билан бўлмаётганини ҳам яхши тушуниб турарди. Агар бу бир бурда нон учун беаёв кураш бўлмаганда Билл Саксон уни аввал қанчалик севган бўлса, шу ҳолича қолган, табиатида ухлаб ётган бу салбий хислатлари ривожланиб кетмаган бўларди.

Саксон агар бу иш ташлаш давом этаверадиган бўлса, бу бошқа Билл ривожланиб, мустаҳкамланиб боради, деб бежиз хавотирга тушмаётган эди. У ҳолда — қиз бунга яққол тушуниб турарди — уларнинг мухаббати тугайди. Бу турдаги Биллни Саксон сева олмасди; бу Билл бутун борлиги билан севишга ва севилишга қодир эмас эди. Бу эса жуда даҳшатли ҳол бўларди. Шундай ғамгин ўйлар куршовида қолар экан, Саксоннинг кўнглидан бундай шароитда пайдо бўлиши табиий бўлган “қандай қилиб?”, “нега?” деган саволлар ўтаверарди.

Биллнинг ҳам ўзига яраша жавобсиз қолаётган саволлари бор эди.

— Қурилишлардаги ишчилар нега шу пайтгача кўтарилишмаяпти? — ҳайрон бўларди у. — О,Брайен — иш ташлашларга қарши одам, уюшма совети эса унинг ноғорасига ўйнапти. Нега уни ҳайдаб юбориб, бу масалани ўзлари ҳал қилишмаяпти? У ҳолда бизларни ҳамма томондан қўллаб-қўлтиқлашган бўларди. Йўқ, О,Брайен ўрнида маҳкам ўтирибди, аслида эса ўзи

бўйнигача ифлос сиёсат ва фитна ўйинларига ботган, соткин!.. Бу меҳнат Федерациясини жин урсин! Агар ҳамма темирйўлчилар бирлашса, устахона ишчилари галаба қозонишмасмиди? Энди эса уларни тупрокқа айлангириб юборишди!.. Худойим! Мен аллақачон яхши тамаки ва яхши қаҳванинг таъмини, тўйимли овқатнинг мазасини унутиб юбордим! Кеча тортилиб кўргандим: иш ташлашлар бошлангандан буён ўн беш фунтга озибман. Агар шундай кетадиган бўлса мен ўртача оғирликдаги боксёрга айланаман. Ахир мен шунча йиллардан бери шунинг учун уюшмага взнос тўлаб келяпманми? Тушлик учун овқатга ҳам пул топа олмаяпман, хотиним эса бегона эркакларнинг ўрнини солиб-йиғяпти. Алам қилиб кетяпти! Бир куни жаҳлим чиқиб кетади-да, бу ижарачини кўчага иткитиб юбораман.

– Бироқ унинг ҳеч қандай айби йўқ-ку, – деди бир куни Саксон.

– Мен айбдор деяпманми? – кўполлик билан сўқинди Билл. – Гапириб ҳам бўлмайдими? У менинг асабимга тегяпти! Агар ҳамма ўз ҳолича ҳаракат қиладиган бўлса, ишчи ташкилотларининг нима кераги бор? Менга қолса, мен ҳаммасига тупуриб, тадбиркорлар томонга ўтиб кетган бўлардим. Фақат, жин урсин, буни хохламайман-да! Агар улар бизни тиз чўктира оламиз, деб хаёл қилишаётган бўлса, қани, ҳаракат қилиб кўришсин-чи! Ҳамма нарса жонимга тегиб кетди. Ҳамма нарса маънисиз. Ҳатто иш ташлашда-ки юта олмас экан, бундай уюшмани кўллаб-қўлтиклашнинг нима кераги бор? Агар ҳамма ёқдан канадек қайнаб чиқаверишар экан, штрейкбрехерларнинг калласини янчигандан нима фойда? Қаёққа

карама, жиннихонага ўхшайди; мен ўзим ҳам ақлдан озаяпман, шекилли.

Биллнинг бунчалик қизишиб кетиши шундай янгилик эдики, Саксон уни ҳали бундай аҳволда кўрмаган эди. Одатда йигит жаҳли чиқиб кетганда индамай ўтирар, виски уни яна ҳам тундроқ қилиб кўярди.

Бир куни Билл уйга ярим кечадан сўнг қайтди. Саксон ундан жуда ҳам хавотирланаётган, чунки шу куни ишчиларнинг полиция билан қонли тўқнашувлари бўлиб ўтган эди. Биллнинг кўриниши буни тасдиқлади: костюмининг енги юлиб олинган, бўйинбоғи йўқолган, кўйлагининг битта ҳам тугмачаси қолмаган эди. Йигит шляпасини ечганда унинг бошидаги олмадек келадиган шишни кўриб, Саксон кўрқиб кетди.

– Биласанми, буни ким қилди? Анави тентак Германманн сўйил билан туширди! Мен ҳали унга кўрсатиб кўяман! Бу нарсалар ҳали тугаганда яна биттаси билан ҳисоблашаман. Унинг исми Бланшар, Рой Бланшар.

– Бланшар, Перкинс ва Компания фирмасидан эмасми? – эрининг бошини юва туриб, уни тинчитишга уринар экан, сўради Саксон.

– Ҳа, чолнинг ўғли. Бир умр отасининг пулини совуриб, энди эса штрейкбрехер бўлиб олибди. Ўзини кўрсатмоқчи бўлган, мана мен буни қандай атайман! У тўғрисида газеталарда ёзишларини, ўзи кетидан югурадиган аёлларнинг бир-бирларига “Бу Рой Бланшар зўрку, баракалла!” деб шивирлашларини хоҳлайди. Бир кун келиб мен бу зўр билан ҳам гаплашиб кўяман!.. Юзига бошлаб солгим келяпти!

Анави немис полициячи билан эса пачакилашиб ўтирмайман. У тегишлисини олди. Аравалар эски

Галиндо Меҳмонхонаси ёнида Саккизинчи кўчадан Франклин-стритга қайрилишаётган пайтда кимдир бошини катталиги тоғорадек кўмир билан уриб ёрибди. У ерда роса мушглашув бўлиб, кимдир ўша кўмирни иккинчи қаватдан ирғитган экан.

Улар ҳар бир квартал учун талашишибди, ғиштлар, катта-катта тошлар, сўйилларни ишга солишибди. Бироқ кўшин чақиришга кўрқибди, ўзлари отишга ҳам юраклари дов бермабди. Бироқ биз полициячиларни яхшилаб адабини бердик, тез ёрдам кареталари ва полиция машиналари керагича ишлашди. Бродвей билан Ўн тўртинчининг бурчагида, шундай шаҳар Бошқармасининг рўпарасида биз уларнинг йўлини тўсиб қўйиб, охиридаги араваларнинг адабини бердик. Студентларнинг эса хўп гарданига туширдик. Фақат полициянинг захирасигина уларни касалхонадан қутқариб қолди. Бироқ биз уларни барибир бир соат ушлаб қолдик. Бродвейда, Ўн тўртинчи ва авлиё Павел кўчаларида қанчалаб трамвай тўхтаб қолганини кўрсанг эди! Охири йўк...

– Хуллас, Бланшар нима қилганди? – эрининг ёдига солди Саксон.

– У бошида менинг аравамни хайдаб кетаётганди. Ҳамма аравалар менинг отхонамдан эди. У ўзининг студент дўстларини – улар айтадигандек биродарлик аъзоларини, ота-онасининг пулини совуришнигина биладиган “онасининг боласи”ларни олиб келган экан. Улар отхонага туристик автомобилларда келишиб, араваларни олиб чиқишди, уларни кузатиш учун эса Окленд полициясининг деярли ярми келибди. Тошлар ёмғир бўлиб ёғилди. Бошимиз устида сўйиллар ўйнаганини кўрсанг эди! Полиция бошлиғи эса ўзини худди ҳамма нарсага қодир яратгандек тутиб, полиция

машинасида ўтирибди! Бир жойда, шундай Перальт-стрит ёнида полиция билан муштлашув бошланиб кетди ва қандайдир бир кампир кўча эшигидан туриб полиция бошлиғининг шундай юзига ўлиб ётган мушукни ирғитса бўладими! Ҳа! Шалоп этиб калласига теккани эшитилди. Полиция бошлиғи бош-кўзини рўмолчаси билан арта туриб “Кампирни қаманглар!” деб бақирарди. Яқин атрофдаги касалхона шунчалик тўлиб кетган эдики, бир оз ўтиб ярадорларни Муқаддас Мария, Фабиола касалхоналарига ва яна қаерларгадир юбора бошлашди. Бизникилардан саккиз кишини, Сан-Францискодан ўн иккита аравакашни – улар ёрдамга келишган экан – ушлашди. Қандай йигитлар-а: олов! Бизга барча Оклендлик ишчиларнинг ярми ёрдам берди, шекилли; қамоқхонада бутун бир рота ўтирган бўлса керак! Юристаримиз уларнинг ишларини ўз кўлларига олишларига тўғри келади.

Бирок, менга ишонавер: энди на Бланшар, на унинг дўстлари бизга яқин келиша олмайди. Биз уларга футбол нималигини кўрсатиб қўйдик! Сен соҳилда қурилаётган ғиштли уйни биласан, а? Биз ана ўша ерда қуролланиб олдик!.. Улар отхонадан чиқишлари билан уларга қараб шунақа қилиб ғишт ота бошладик, на ўзлари, на аравалари кўринмай қолди. Биринчи бўлиб Бланшар кетаётганди; унга қараб ғишт отилганда, эгардан йиқилиб тушса-да, бироқ юришда давом этаверди!

– Афтидан, у кўркмас бўлса керак, – деб қўйди Саксон.

– Кўркмас? – Биллнинг аччиғи чиқиб кетди. – Орқангда ҳам полиция, ҳам қўшин, ҳам флот турганда кўркмас бўласан-да! Сен яқинда улар томонга ўтасан шекилли! Бизнинг болаларимизнинг нонини тортиб олишга келганда кўркмас! Сен кеча Жонларнинг

кичкинтойи ўлиб қолганини биласанми? Уйда ейдиган ҳеч нарса бўлмагани учун онасининг сути йўқ экан! Қариндошлари боқа олмаётгани учун қанчалаб қарияларни ғарибхоналарга жўнатишга тўғри келаётганини ҳам ўзинг мендан кўра яхшироқ биласан.

Саксон тонгги газетада амалга ошмаган аравакашларнинг иш ташлашларини барбод қилишга уриниш тўғрисидаги эълонни ўқиди. Бланшарни қаҳрамон деб эълон қилиниб, уни ўз гражданилик бурчини бажарган капиталист тимсоли қилиб кўрсатилган эди. Саксон унинг жасурлигига тан бермай иложи қолмади. Унинг бу ириллаётган оломон билан юзма-юз келишида қандайдир мардлиқ бор эди. Шу жумладан газетада бир бригада генералининг ҳокимият бу қора халқнинг таъзирини бериб, унга ўрнини кўрсатиб қўйиш учун кўшин чақирмаганидан афсусланиб айтган фикри ҳам келтирилган эди. “Ҳозир бир оз фойдали қон чиқаришнинг айни пайти, — полициянинг тинчликсеварлигига ачиниб, дерди генерал гапининг охирида, — қора халқ сўйил ва ҳокимият нима эканлигини билмас экан, бизнинг саноатимизда хотиржамлик тикланмайди”.

Ўша куни кечқурун Билл уйга қайтиб, ейишга ҳеч нарса топа олмагач, бир қўли билан Саксонни қўлтигидан олди, бошқа қўлига эса пальтосини ушлаб хотини билан шаҳарга йўл олди. Пальтони ломбардга топшириб японча ресторанда ўн центга камтаргина овқатланишди; яна беш центдан тўлаб, кинематографга ҳам киришга қарор қилишди.

Марказий банк биноси ёнида олдиларига иш ташлашда қатнашаётган иккита аравакаш келиб, Биллни ўзлари билан олиб кетишди. Саксон эрини

кутиб туриб қолди, чорак соатлардан сўнг Билл қайтиб-келганда, Саксон эрининг ичиб келганини пайқади.

“Форум” қахвахонаси ёнидан ўта туриб, йигит бирдан тўхтади. Бурчакда лимузин турган бўлиб, қандайдир ёш йигит машинасига бир нечта чиройли кийинган аёлларни ўтказаяётган эди. Ҳайдовчи ўз ўрнида ўтирарди. Билл йигитнинг енгидан тортди. Йигит Биллга ўхшаб елкалари кенг бўлиб, факат бўйи баландрок, кўзлари кўк, келишган эди. У Саксонга жуда чиройли бўлиб кўринди.

– Оғайни, бир оғиз гапим бор эди... – шошилмай, ярим овозда деди Билл.

Йигит ўтирилиб тезлик билан Билл ва Саксонни кўздан кечирди.

– Хўш, нима гап? – сўради у.

– Сиз Бланшарсиз, – гап бошлади Билл. – Кеча сиз ҳаммадан олдинда кетаётганингизни кўргандим.

– Хўш, ишимни ёмон бажармадим-а? – кувноқлик билан сўради у, Саксонга кўз ташлаб.

– Ёмон эмас. Лекин мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман.

– Сиз кимсиз ўзи? – бирдан хавотирга тушиб, сўради йигит.

– Иш ташловчи. Сиз айнан менинг аравамда кетаётгандингиз. Шу, холос... Тўхтанг, револьверингизни чиқарманг! (Бланшар кўлини чўнтагига олиб бораётганди). Мен бу ерда сизга тегмайман, бироқ битта нарсани айтиб қўймоқчиман.

– Хўш, унда тезрок гапиринг.

Бланшар автомобилга ўтириш учун оёғини кўтариб, чўза бошлади.

– Ҳозир, – деди Билл ўзининг одатдаги сокинлигини бузмай. – Мен айтмоқчи бўлганим шуки, мен буни

шундай қолдирмайман – ҳозир эмас, иш ташлашлар тугагач. Сиз қаерда бўлсангиз ҳам сизни топиб олиб шундай болайманки, бир умр мени эсингиздан чиқармайдиган бўласиз.

Бланшар қизиқиш билан Биллни кўздан кечирди ва афтидан, йигит унга ёқди.

– Афтидан, сиз ўзингиз ҳам чакки эмассиз, шекилли. Сиз ўйлаган режангизни амалга ошира олишингизга ишончингиз комилми?

– Ишончим комил. Бу менинг мақсадим.

– Яхши, дўстим! Иш ташлашлар тугагандан сўнг кидириб топинг ва мен билан кучингизни синашингизга йўл қўйиб бераман.

– Эслаб қолинг, келишдик.

Бланшар бошини силкиди, ёшларнинг иккаласига қараб жилмайиб, Саксонга таъзим қилди ва машинасига ўтирди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Шу кундан бошлаб ҳаёт Саксонга ҳеч қандай маъносиз ва тартибсиз туюла бошлади. Бундан ҳам ёмони – дахшатга тўла бўлиб қолди. Ҳар бир дақиқада нимадир ёмон бир ҳодиса содир бўлиши мумкин эди. Воқеаларнинг бундай тартибсиз содир бўлишида ҳеч бир умид берадиган нарса йўқ бўлиб, Саксонга у гўё қандайдир ҳалокатга қараб кетаётганга ўхшарди. Агар Биллга суяниш мумкин бўлганда, Саксон шунчалик умидсизликка тушмасди. Эри билан у ҳамма нарсани кўрқмай, осонлик билан енга олган бўларди. Бироқ ҳаммани қуршаб олган ақлсизлик эрига ҳам таъсир қилган бўлиб, уни ўз комига тортаётган эди. Ундаги ўзгаришлар шунчалик кескин эдики, у ўз уйида

бегонадек кўринаётганди. Бегона эди ҳам. Унинг кўзлари ҳам бегона эди: хаёлида фақат куч ишлатиш ва ҳамма ёқда фақат ёмонликни кўрадиган ва ёмонликка хизмат қиладиган нафрат бор эди. Бу одам энди Бертни ноҳақ бўлган деб ҳисобламасди, ўзи ҳам динамитлар, саботаж ва революция ҳақида нималардир деб минғирларди.

Саксон бутун кучи билан бир пайтлар Биллини ҳайратга солган ҳам руҳан, ҳам жисман тетиклигини сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. Бироқ бир куни у ўзини тута олмай қолди.

Билл шу куни жуда тунд кайфиятда бўлиб, Саксонга жуда уят ва қўпол муоамала қилди.

– Сен ким билан гаплашяпсан? – эрига гапирар экан, тутақиб кетди Саксон.

Йигит хотини олдида хижолат бўлганча, унинг газабдан оқариб кетган юзига қараб турар эди.

– Билли, мен билан бошқа ҳеч қачон бундай оҳангда гаплаша кўрма, – қатъийлик билан деди Саксон.

– Наҳотки одамнинг кайфияти йўқ бўлиб турганда чидашнинг иложи йўқ? – айбдор ва айни пайтда хафа бўлган оҳангда деди йигит. – Шунча кўнгилсизликлар бўляпти, ақлдан озиб қолиш мумкин!

Эри кетгандан сўнг Саксон ўзини каравотга ташлаб, алам билан додлаб йиғлади. Севгида маъсума бўла оладиган бу аёл аслида мағрур эди, чунки маъсумлик фақат кучлиларгагина берилади ва фақат мағрурларгина ҳақиқий маъсумликни тушунишади. Бироқ, агар унинг дунёдаги энг яқин одами ҳам ғурурини, ҳам руҳан тиниклигини йўқотиб, ҳамма муаммоларни унинг елкасига ортиб қўйган бўлса, унга бу жасурлик ва мағрурликнинг нима кераги бор?

Бир пайтлар боласини йўқотганидан чуқур қайғуга тушиб, уни ёлғиз ўзи кўтарган бўлса, ҳозир ҳам, балки аввалгидан-да оғирроқ ғамни ёлғиз ўзи кўтараётган эди. У ҳозир Биллини ҳатто олдингидан-да камроқ севмаётган бўлса ҳам, бу севги энди на мағрур, на қувончли ва на ишончга суянган эди. Бу севги ачинишга яқин эди, ачиниш-ки – эрига шафқат кўзи билан қарашга тенг эди. Саксоннинг вафодорлиги лат ея бошлаган бўлиб, у даҳшат билан кўнглида нафрат уйғона бошлаганини ҳис қилиб турарди.

Содир бўлган воқеаларни мардонавор қабул қилиш учун у бутун кучини ёрдамга чақирди. Ниҳоят, кечира олишга кучи етишини ҳис қилгач, бирдан яна хаёлига чин севгида кечиримга ўрин йўқлиги тўғрисидаги фикр келмагунча, енгил тортди. Яна йиғлай бошлаб, ички кураши давом этди. Бир нарса аниқ эди: Бу одам Саксон севган Билл эмас! Бу бутунлай бошқа одам, унинг ихтиёри ўзида эмас, иситмадаги бемор алаҳлаётгандек, бу одам ҳам ўзининг қилаётган иши учун жавоб бера олмайди. Саксон унинг учун шунчаки на ғурури, на нафрати бўлган қаровчига айланиши керак. Бунинг устига йигит чиндан ҳам курашнинг энг оғир юқини ўзи кўтаряпти, шу курашнинг ичида олаётган ва тушираётган муштлардан бутунлай ақлини йўқотиб қўйган. Агар бу ерда чиндан ҳам кимдир айбдор бўладиган бўлса, йигит эмас, худди итлар суяк учун бир-бирларини ғажигандек, одамларни бир-бирларини ғажигашга мажбур қилаётган ҳаётнинг тушунарсиз қонунлари айбдор.

Шундай қилиб, Саксон дунёдаги энг қийин кураш – ёлғиз аёл курашига отланди. У ўзидан бор иккиланишлар ва ишончсизликларни нари итарди. У ҳеч нарсани кечириб ўтирмади, чунки кечирадиган нарсанинг ўзи

йўқ эди. У ўз-ўзига уларнинг муҳаббатларига доғ тегмаган, чексиз ва дарз кетмайдиган ва эри ўзига қайтиб келганда уларнинг ҳаётлари яна изига тушади, деган фикрга қаттиқ ишонишни тилади.

Кечқурун, Билл билан суҳбатда иш ташлашлар тугамагунча, ейиш-ичишга пул топиш учун шошилинич чора сифатида яна тикиш билан шуғулланишга тайёрлигини айтди. Бироқ Билл буни эшитишни ҳам истамади.

– Ҳаммаси жойида, – деди у. – Сен ишлашининг ҳеч ҳам ҳожати йўқ. Мен шу ҳафта ичи бир оз пул оламан. Ҳаммасини сенга бераман. Шанба куни эса иккаламиз театрга борамиз – кинематографга эмас, чинакам театрга. Шаҳарга Гарвей труппасидан негр кўшиқчилар келишяпти, албатта борамиз. Бошим билан жавоб бераман, пул албатта бўлади.

Жума куни кечқурун Билл овқат пайтига келмади. Саксон жуда ачинди, чунки Мэгги Донэхью ўтган ҳафта қарзга олган картошка ва икки кило унни қайтарган бўлиб, Биллни жуда мазали овқат кутаётган эди. Саксон соат тўққизгача плитани ўчирмай кутди, сўнгра хохламайгина ўринга ётди. У эрининг келишини кутмоқчи эди, бироқ у қайтганда хушёр ҳолда бўлмаса, эри ўзининг олдида хижолат бўлиб қолишини истамади.

Тунги соат бирда кўча эшиги аста гичирлади. Саксон эрининг оғир қадамлар билан зинадан оҳиста кўтарилаётгани ва қулфни очмоқчи бўлаётганини эшитди. У ётоқхонага кириб, ўтирди ва оғир хўрсинди. Эри маст бўлганда айниқса жиззаки бўлиб қолишини яхши билган Саксон уни деб ухламаётганини билдириб қўймаслик учун кимир этмай ётаверди. Бироқ бу осон эмасди. У кўлини шунчалик сиқиб олгандики,

тирноқлари кафтига ботиб кетди, қимир этмай ётганидан бутун танаси қотиб қолди.

– Саксон, – зўрға деди йигит, – Саксон!

Саксон қимирлаб қўйиб, эснади.

– Нима гап? – сўради у.

– Чирокни ёққин. Мен қўлимни қимирлата олмаяпман.

Қиз эрига қарамай, унинг илтимосини бажарди; бироқ унинг қўллари шунчалик титрардики, чирокнинг шишаси қалпоғига урилиб жарангларди, қўлидаги гугурт ҳам ўчиб қолди.

– Саксон, мен маст эмасман, – тили зўрға айланиб деди йигит; унинг ўтириб қолган овозида мазах оҳанги эшитилди. – Шунчаки бир-иккита яхшигина мушт едим... жуда...

Саксон ниҳоят чирокни ёқишга эришди. Эрига ўтирилиб қараб, дахшатдан қичқириб юборди: ҳозиргина эрининг овозини эшитиб, бу Билл эканлигига шубҳаси йўқ эди, энди эса эрини танимади. Унинг юзи Саксон учун бутунлай нотаниш эди – шишиб, ҳамма ёғи шилиниб, кўкариб кетган, шунчалик дабдала қилиб ташланган эдики, бирорта ҳам таниш излар йўқ эди. Бир кўзи бутунлай юмилиб қолган, иккинчиси эса шишиб кетган ковоклари остидан зўрға йилтираб турарди. Қулоқлари бутунлай шилиниб кетган, юзи шишиб кетган хом гўштга ўхшарди; ўнг ёноғи чап томонидан икки баравар каттага ўхшарди.

“Бекорга зўрға гапирмаётган экан”, эрининг ҳали ҳам қон оқиб ётган шишиб кетган лабларига қарар экан, ўйлади Саксон. Қўрқиб кетганидан ўзини ташлаб юборай деди, ўзи эса раҳми келганидан ичлари титраб кетди. Эрини қучоклагиси, эркалатгиси, овутгиси келди... Бироқ ақли бошқа нарсани айтарди.

– Вой бечора бола! – хитоб қилди у. – Нима қилишим керак, тезроқ айт? Ахир мен нима қилишни билмайман!

– Ечинишимга ёрдам бериб юборсанг эди... – хириллаб деди йигит. – Курткамни кийгандан кейин... шишиб кетдим...

– Кейин иссиқ сув тайёрлайман, тўғрими? – деди Саксон эрининг осилиб ётган кўлидан енгини оҳисталик билан ечиб олар экан.

– Ҳеч нарса сезмаяпти деяпман сенга, – кўлини кўтариб шишиб кетган кўзининг қири билан қарар экан, деди йигит.

– Ўтириб кутиб тур, ҳозир мен олов ёқиб, сув кўйиб юбораман. Бир дақиқалик иш. Кейин эса сени ечинтириб кўяман.

Саксон ошхонада туриб эрининг нималардир деяётганини эшитди. У хонага қайтиб кирганда Билл ҳали ҳам:

– Саксон, ахир бизга пул керак эди, пул... – деб қайтариб ётарди.

Саксон эри маст эмаслигини энди сизди, унинг гапларидан алаҳлаётганини тушунди. Секин-аста эрининг узук-юлуқ гапларидан нима бўлиб ўтганини тушуниб олди.

– Чикагодан ҳеч ким танимайдиган боксёр келган экан; уни мен билан курашишга кўйишди. Клуб секретари у билан қийин бўлишини айтиб, мени огоҳлантирди. Агар формада бўлганимда уни ютган бўлардим... бироқ мен ўн беш фунт ориқлагандим ва машқ ҳам қилмаётгандим. Бундан ташқари тоза ичиб олган эдим, бу пайтда эса нафас сиқади...

Эрининг кўйлагини ечаётган Саксон унинг гапларига кулоқ солмай кўйди. У эрининг юзини танимаган-

дек, унинг кучли пайдор елкасини ҳам танимади. Эрининг баданида кўндалангига, узунасига кўплаб яралар бор эди.

– Ким сени бундай қилди? – сўради Саксон.

– Арқон. Мен неча марта арқонга учиб тушганимни эслолмайман ҳам. Ҳа, тоза калтак едим. Бироқ уни боладим... У мени ҳеч қанақасига енга олмади... Йигирма раунднинг охиригача чидаб бердим ва унда ўзимдан эсдалик қолдирдим. Чап қўлидаги бир нечта сустави синганига баҳс бойлашаман... Бошимни пайпаслаб кўргин, мана шу ери! Шишиб кетганини сездингми? Фақат шу еримга урганига энди ачинаётгандир. Мени роса урди-я! Роса урди! Ҳеч бундай бўлмаган эди. Унинг лақаби “Чикаго даҳшати”. Бироқ мен уни ҳурмат қиламан. Баракалла!.. Бироқ мен агар формада бўлганимда ҳисоб бошқача бўлар эди! Вой! Вой! Секинроқ! Худди чипқонга ўхшайди-я!

Эрининг камарини еча туриб, Саксон унинг орқасида ликопча катталигидаги қип-қизил шишни кўрди.

– Бу буйракка урилавергандан... Унинг мутахассислиги... – тушунтирди Билл. – Ҳар бир олишувда у мени шу билан меҳмон қилди. Бу уришлардан ахири бориб бўшашиб қолдим, оёқларим бўшашиб, ҳеч нимани англамай қолдим. Албатта, бу нокаут эмас, бироқ матч чўзилиб кетганда одамни жуда чарчатиб қўяди. Кучинг қолмай қолади...

Саксон эрининг тиззаларини караб кўрди: у ерда ҳам яралар кўп эди.

– Мендек бақувват йигит ҳадеб тиззасига йнқилаверса, ҳеч қандай тери дош бера олмай қолади, – ҳазиллашди Билл.

Саксоннинг кўзларига ёш тўлди: шундай чиройли, азиз эрининг мажруҳ қилинган танасини кўриб, додлаб юборай деяётган эди.

У эрининг шимини олиб осиб қўйиш учун хонадан чиқар экан, чўнтагида тангалар шиқирлади. Билл уни қақриб чўнтагидан бир ховуч кумуш олди.

– Бизга пул керак эди, бизга пул керак эди, – пулни санашга ҳаракат қилар экан, минғирлади йигит; афтидан яна хаёли чалғий бошлаган эди.

Саксон бутун ҳафта давомида эридан жахли чиқиб, уришиб юргани учун юраги ачишиб кетди. Ахир Билл – бу ажойиб йигит ёш бола-ку, ёш бола! У хотинини деб, оиласи учун, уларнинг уйлари деб мана шундай азоб чекишга рози бўлган! Мана энди, алаҳлаётганда шуни айтиб турибди. “Бизга пул керак эди” деди-ку. Демак у, Саксон ўйлагандай, хотинини унутгани йўқ. Юрагининг тубида доим хотинини, оиласини ўйлаган, хаёлида “Бизга пул керак. Пул керак!” деган фикр турган.

Саксон эрининг устига энгашаётганда унинг кўзларидан ёш оқаётганди; назарида у эрини ҳали шу пайтгача ҳозиргидек кучли севмаганди.

– Ма, сен санагин, – пулни хотинига бера туриб, куч билан деди Билл. – Қанча экан?..

– Ўн тўққиз доллар ўттиз беш цент.

– Тўғри... Ютқизган йиғирма доллар олади... Ўртоқларимни меҳмон қилишга тўғри келди... кейин трамвай... Агар ютганимда, юз доллар олиб келган бўлардим... Ўшани деб уришгандим. Ишларимизни бир оз ўнглаб олган бўлардик... Олиб, яшириб қўй... Йўқдан кўра ҳар ҳолда яхши.

Йигит оғриқдан ухлай олмади. Саксон унинг ярала-ридаги компрессларни алмаштириб, уларга эҳтиётлик

билан ҳар хил дорилар суриб узоқ тунлар давомида эрининг тепасида ўтирди. Эрининг алаҳсирашлари баъзан қаттиқ инграшлар билан алмашарди – афтидан йигит курашнинг ҳамма дақиқаларини яна бошидан ўтказаётган, ўзининг омадсизлиги ҳақида гапириб энгил тортаётгандек бўлар, тайёр пулни кўлдан чиқарганига ачинар, гурури ерга урилгани алам қилиб кетаётган эди. Жисмоний оғриқдан ҳам кўра у ана шу нарсадан кўпроқ азоб чекаётган эди.

– Нима бўлганда ҳам у мени тамом қила олмади! Мен охирига бориб шунчалик кучсизланиб қолган эдим, кўлимни ҳам кўтара олмаётгандим ва у мени бекорга уриб ётганди. Оломон ақлдан озгандек эди: у менинг қанчалик яшовчанлигимга ҳайрон эди. Баъзи дақиқаларда унинг зарбалари мени фақат қимирлата олди, холос – ахир унинг ўзи ҳам тамом бўлганди: биринчи раундларда мен унинг тоза таъзирини бергандим. У бир неча марта мени иткитиб юборди. Ҳаммаси тушга ўхшарди... Охирига бориб у менинг кўзимга иккита бўлиб кўрина бошлади ва мен уларнинг қайси бирини уриб, қайси биридан қочишни билмай қолдим...

Нима бўлганда ҳам мен уни ҳам, томошабинларни ҳам бошладим. Ҳеч нарсани кўрмай, ҳеч нарса эшитмай қолганимда, тиззаларим титраб, миямда ҳамма нарса худди карусель каби айланиб кетаётганда ҳам мен уни клинчдан чиқармадим... Судьялар бизни ажратишдан чарчаб кетишган бўлса керак.

Бироқ у мени қандай қалтаклади! Қандай қалтаклади-я! Саксон, қанисан...?! А... шу ерданисан... Ҳа, бу ҳаммаси тушим, деб ўйлаётгандим. Бу сенга дарс бўлсин. Мен энди курашмайман деб, ўзимга сўз бергандим – мана нима бўлди. Сен ҳам бундай

қилишни хаёлингга ҳам келтира кўрма – тиккан нарсаларингни яна сотиб юрма...

Нима бўлганда ҳам мен уларнинг ҳаммасини боладим! Бошида иккаламизга бир хил тикишганди. Олтинчи раунддан бошлиб унга икки барабар кўпроқ тикишди. Аслида, биринчи дақиқаларданок маълум эди, фақат кўзи ожиз одамгина буни кўрмаслиги мумкин эди... Бироқ у мени анчагача тугата олмади. Ҳинчи раунд пайтида одамлар мени бу раунднинг охиригача чидай оламанми, йўқми деб баҳслаша бошлашди; ўн биринчи раундда эса – мен ўн бешинчи раундгача туриб бера оламанми деб... Мен эса охириги йигирманчи раундгача туриб бердим...

Тўрт раунд давомида худди тушдагидек бўлди... ҳали ҳам оёқда туриб, унинг ҳужумини қайтаряпман, йиқиладиган бўлсам – саккизгача санашга ҳаракат қилиб кейин туриб кетяпман; яна ҳужумга ўтаман, орқага ўтаман...

Мен нима қилганимни эслай олмайман, аммо айнан шундай бўлган бўлса керак. У менинг оёғимни осмондан қилиб гиламга итқитган ўн учинчи раунддан сўнг ўн саккизинчи раундгача ҳеч нарсани ҳис қилмадим...

... Хў-ўш, нима деяётгандим?.. Кўзимни очдим, тўғрироғи бир кўзимни: бошқа кўзим очилмаётганди – қарасам ўзимнинг бурчагимда ётибман, сочиқ билан еллишяпти, новшадил спирти ҳидлатишяпти. Билли Мэрфи эса бошимнинг орқасига ях босиб турибди. Рингнинг нариги бурчагида рақибим турибди. Мен эса айни у билан курашганимни эслай олмаяпман – худди қаердадир бўлиб, эндигина қайтиб келганга ўхшайман. “Ҳозир нечанчи раунд?” – деб Биллидан сўрадим. “Ўн саккизинчи” – дейди у. “Жин урсин, – қолгани қани? – дедим мен. – Менимча охиригиси ўн учинчи эди

шекилли?” “Сен ажойибсан, – деяпти Мэрфи. – Сен тўрт раунд давомида хушсиз бўлдинг, фақат буни мендан бошқа ҳеч ким сезмади. Мен сени тугат, деб кистаб ётибман”. Шу пайт бонг чалиниб, рақибим менга яқинлашаётганини кўрдим. “Тугат!” дейди Билли; у сочқни ташламоқчи бўлаётганини кўриб турибман. “Ҳеч ҳам!” дедим мен. “Билл, бўлди қил!” – Билли мени кўндиришга ҳаракат қилишда давом этди. Бу пайт орасида рақибим менинг бурчагимга келди. Қўлини тушириб менга қараб турганини кўриб турибман. Судьялар ҳам қарашяпти. Томошабинлар эса қотиб қолишган: пашша учса эпитилади. Бошим анча тиниклашган бўлса ҳам, жуда эмасди. “Сен бари бир юта олмайсин”, дейди Билли. “Мана кўрамиз”, дедим мен ва рақибим кутмаётганидан фойдаланиб, унга ташландим. Жуда гандирақлаб кетаётгандим, бироқ шунга қарамай, уни бутун арена бўйлаб ўз бурчагига итара бошладим; у бирдан сирпаниб кетиб йиқила бошлади, мен ҳам унинг устига... Одамлар кутурғудек бўлишди...

... Нима демоқчи эдим? Бошим ҳали ҳам айланиб кетяпти, худди ари уяси каби гувуллаётганга ўхшайди...

– Сен унинг устига йиқилганингни айтаётганинг...
– эрининг ёдига солди Саксон.

– Ҳа... Иккаламиз оёққа турганимиздан сўнг – менку тура олмаётгандим – уни яна ўз бурчагимга судраб келиб, устига йиқилдим. “Тамомсан, дедим унга, энди сени тугатаман”.

Бироқ мен уни тугата олмадим... бироқ, албатта, енгилмоқчи эмасман. Айни ҳакамлар бизни ажратиб қўйишган вақтда мен унинг корнига шундай туширдимки... ўзини йўқотиб қўйгудек бўлди... шундан сўнг

у жуда эҳтиёт бўлиб қолди, ҳатто жуда ҳам. У менинг кучим ҳали кўп, деб ўйлаб мен билан клинчга киришга кўрқаётган эди. Мана, кўриб турганингдек, мен уни алдай олдим!.. Ва у мени ҳеч ҳам енга олмади, ҳеч ҳам...

Йигирманчи раундда эса иккаламиз рингнинг ўртасида туриб, бир хил имконият билан бир-биримизга мушт тушираётган эдик. Ўша ҳолимда мен ўзимни жуда яхши ушлаб тургандим... бироқ мукофотни унга беришди ва бу адолатдан эди... Нима бўлганда ҳам мен уни боладим... У мени тугата олмади... У мени бир зумда тугатади, деб баҳс бойлашганларни ҳам боладим...

Ниҳоят тонгга яқин Билл ухлаб қолди. У ихрар, юзи оғриқдан буришиб кетар, ҳар қанақасига ағдарилиб, ҳеч қулай ёта олмасди.

“Мана, боксёр бўлиш қанақа экан” ўйлади Саксон. Бу киз тасаввур қилгандан ҳам ёмонроқ эди. Боксчи кўлқопи билан одамни шунчалик мажруҳ қилиш мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмаган эди. Йўк, йўк, у энди бокс билан ортиқ шуғулланмайди. Эри нималардир деб, кўзини очганда, Саксон унинг олган жароҳатлари қанчалик жиддийлиги ҳақида ўйлаётган эди.

– Нима дейсан? – сўради Саксон ва шундан сўнггина эри кўзи очиқ ҳолда алахлаётганини сизди.

– Саксон!.. Саксон!.. – чақирди йигит.

– Мен шу ердаман, Билли. Нима дейсан?

Йигитнинг қўли одатда хотини ётадиган томонга чўзилди ва яна хотинини чақира бошлади. Саксон унинг кулоғига шу ердалигини айтиб кичқирди. Шунда йигит енгил нафас олиб, шивирлади:

– Мен рад қила олмадим... Ахир бизга пул керак эди...

Унинг кўзлари юмилди ва у ҳали ҳам гапиришда давом этаётган бўлса-да, энди чуқур уйкуга кетгандек эди. Саксон мия чайқалиши тўғрисида кўп эшитганди, жуда кўрқиб кетди. Кейин Мэрфи унинг бошининг орқа томонига ях кўйганини эслади. Рўмолини ташлаб, энг яқин бўлган Еттинчи кўчадаги “Дурадгорлар бешпанаси” барига қараб югуриб кетди. Барнинг хўжайини эшикни эндигина очган бўлиб, бинони супураётган экан. У Саксонга кўтара олгунча ях бериб, кўтариб кетиши осон бўлиши учун, майдалаб ҳам берди. Уйга қайтиб келиб, Саксон келтирган яхини эрининг бошига кўйди, оёғига эса иссиқ дазмолни кўйиб, яраларига малҳам сура бошлади.

Хонадаги парда ёпиб қўйилган бўлиб, Билл кечгача ухлади; уйғонгач, Саксонни даҳшатга солиб, ҳозир туриб кетиши кераклигини айтди.

– Мен уларга кўриниб қўйишим керак, – тушунтирди йигит. – Устимдан кулишларини хоҳламайман.

Саксоннинг ёрдамида бир амаллаб кийингач, йигит ўрнидан туриб, кўчага чиқди: у ҳаммага жуда ҳам калтак емагани ва ўринда ётиб қолмаганини кўрсатиб қўймоқчи эди.

Бу ўз ўрнидаги, аёлларникига ўхшамаган ғурур каби эди. Бироқ Саксон буларнинг қайси бири кўпроқ ҳурматга сазоворлигини тушуна олмай ҳайрон эди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Биллнинг юзидаги шиш қайтиб, жароҳатлари ҳам жуда тез – бир-икки куннинг ўзидаёқ, қайта бошлади. Жароҳатларнинг бунчалик тез битиши йигит организмнинг бакуватлигидан дарак берарди. Фақат кўз остиларидаги кўкарган жойлари ҳали ҳам турган

Бўлиб, улар икки ҳафталаргача кетмай, йигитнинг оқиш юзида айниқса яққол кўришиб турарди. Бу икки ҳафта ичида эса анча муҳим воқеалар бўлиб ўтди.

Отто Фрэнк устидан суд унча узоқ чўзилмади. Асосан савдогар ва саноатчилардан иборат бўлган суд маслаҳатчилари албатта уни айбдор деб топишди ва ўлим жазосига ҳукм қилишди; ҳукмни ижро этиш учун уни Сен-квентин турмасига ўтказишди.

Честор Жонсон ва қолган ўн тўрт одамнинг ишлари бирмунча узоқроққа чўзилган бўлса-да, улар ҳам ўша ҳафтанинг охирига келиб тугади. Жонсонни осиб ўлдиришга, иккитасини — бир умрлик қамоқ жазосига, учтасини йигирма йилга ҳукм қилишди. Иккита одамгина оқланиб, қолган еттитаси икки йилдан ўн йилгача олишди.

Булар ҳаммаси Саксонни чуқур саросимага солиб кўйди. Билл баттарроқ тундлашган, бироқ ҳали ҳам жанговар ҳолатда эди.

— Албатта курашда ютқизиш бўлади, — дерди у, — бошқача бўлиши мумкин эмас. Бироқ мени чиқарилган ҳукм ҳайрон қолдирапти. Қотилликда ёки ҳамма айбдор, ёки ҳеч ким. Агар ҳамма айбдор бўлса, ҳаммага бир хил ҳукм чиқариб, Жонсонга ўхшаб ҳаммани осиб керак эди ёки ҳеч кимни осиб керак эмас эди. Судья нимадан келиб чиқиб шундай қарор чиқарганини билишни истардим. Афтидан, лотерея билетида ўйнаган ёки кимга неча йил беришни бармоқларида санаган, шекилли. Қани, нима учун Жонни Блэк тўрт йил, Кол Хэтчинс эса йигирма йил олди? У аниқ таваккал қилган, акс ҳолда Кол Хэтчинс ҳам омади келиб тўрт йил, Жонни эса йигирма йил олиши мумкин эди.

Мен уларнинг иккаласини ҳам болалигидан билман. Улар Ўнинчи кўчадаги ва Қирқхэм-стритдаги

болалар билан ва менинг ўртоқларим билан бирга ўйнаб юришарди. Дарслардан кейин биз Кумлок саёзлик ва айтишларича чуқурлиги олтмиш фут бўлган сузувчи докларга чўмилгани борардик. Бир пайшанба куни бир тўп чиғанок топиб олиб, жума куни дарсдан қочиб, уларни сотгани боргандик. Тош девор олдига бориб у ерда треска тутардик. Бир куни ой тутилган пайтда Кол эшикдек келадиган денгиз олабуға балигини тутиб олганди. Мен умримда бундай катта балиқни кўрмагандим... Мана энди шу йигит йигирма йил турмада чириб ётади! Яхши ҳам ҳали уйланмаган. Агар силдан ўлиб кетмаса, у ердан бутунлай қол бўлиб чиқарди... Онаси унинг чўкиб кетишидан роса кўрқарди: чўмилган деб шубҳа қилса шу заҳоти сочини яларди, агар сочи шўр бўлса, камар билан калтакларди. Бироқ у ҳам анойи эмасди: уйга қайтаётганда бировларнинг деворидан сакраб ўтиб, бошини кран тагида ювиб чиқарди...

– Мен Честер Жонсон билан жуда кўп марта рақс тушганман, – деди Саксон. – Бир пайтлар унинг хотини – Китти Брэйдини ҳам билардим: иккаламиз қоғоз фабрикасида бирга ишлагандик. Кейин у Сан-Францискога, турмушга чиққан опасиникига кетган. У фарзанд кутаётганди. Жуда келишган қиз эди, бир пайтлар кетидан йигитлар тоза эргашиб юришарди.

Қатъий ҳукм ва жазолар иш ташлашловчиларга ҳукумат кутгандан бошқачароқ таъсир қилди. Ҳукмлар уларни ташвишга солиб қўймади, аксинча, илгаригидан баттарроқ ғазаблантирди. Саксон эрига қараб ўтирган пайтда ўрталарида яна пайдо бўлган юмшоқ муносабатлар, йигитнинг матчда қатнашганидан пуншаймонлик ҳисси яна аввалги тунд кайфиятга айланди. Йигит уйда хўмрайганча, тўнғиллаб юрар, агар гапира-

диган бўлса, гаплари Бертнинг – бу могоканининг ўлимидан сал олдин гапириб юрган гапларига ўхшарди. У яна бутун кун уйда бўлмаётган, яна ичиб кетганди.

Саксон энди бутун умидини йўқотди. У беихтиёр ўзининг хаёлида неча бор тасаввур қилган, энди қочиб бўлмайдиган дахшатли фожиага тайёрлана бошлади. Унинг энг кўп хаёлига келадигани Биллни замбилда кўтариб келишаётгани эди. Ёки мана ҳозир уни бурчакдаги дўкончадаги телефонга чакиришади-да, нотаниш товуш унга эри касалхонада ёки ўликхонадалигини эълон қилади. Бир марта отларнинг сирли равишда заҳарланиши ва от-улов транспорти магнатларидан бирининг уйининг ярмиси динамит портлашидан яксон бўлганида, Саксон эрини гоҳ турмада, гоҳ сургундагиларнинг йўл-йўл курткасида ёки Сен-Квентиндаги дорга осилаётганини, Пайн-стритдаги уйлари эса репортер ва фотографлар билан тўлиб кетганини тасаввур қилди.

Бироқ фалокат кутилмаганда ва бутунлай бошқа томондан келди. Уларнинг ижарачилари Гармон бир куни ишга кетар экан, ошхонадан ўтиб кетаётиб, яқинда Элвайзо ботқоқлигида юз берган фалокат ва ҳеч қаери жароҳатланмаган бўлса-да, ағдарилиб тушган паровоз остида қолиб ёпирилиб келаётган сув кўтарилишидан қутқарилиб қолишнинг иложи йўқлигидан уни отиб ўлдиришларини сўраб ялинган машинист ҳақида Саксонга гапириб бериш учун ушланиб қолди. Шу пайтда ошхонага Билл кириб келди. Унинг хунук ялтираб турган кўзларидан Саксон эри яна яхшигина ичиб келганини тушунди. У Гармонга ғазаб билан қараб, на у билан, на хотини билан саломлашмай, деворга елкаси билан суяниб олди.

Гармон ўртада пайдо бўлган ноқулайликни хис қилса-да, ўзини ҳеч нарса сезмаганга солди.

– Мен hozirгина хотинингизга бўлиб ўтган ҳалокат тўғрисида... – гап бошлади у.

Билл шу заҳоти унга кутургандек ташланди:

– Сиз унга нималарни гапириб бераётганингизга тупурдим! Лекин, мистер, мен сизга бир нарсани айтиб қўймоқчиман! Менинг хотиним сизнинг ўрнингизни йиғиштиришига тўғри келяпти, бу эса менга ёкмаяпти.

– Билли! – кичкириб юборди ғазаб, алам ва уятдан кизариб кетган Саксон.

Билл ўзини уни эшитмаётганга солди.

– Мен тушунмаяпман... – минғирлади Гармон.

– Менга сенинг башаранг ёкмаяпти! – бақирди Билл.

– Бошқачасига айтганда, йўқол, мен сени ушлаб турганим йўқ! Йўқол, бу ерда қорангни ҳам кўрмай! Тушундингми?

– Унга нима бўлганини тушунмаяпман, – нафаси оғзига тикилиб, Гармонга шивирлаб деди Саксон. – Ақли-хуши жойида эмас. Худойим, қандай уят, уят!

Билл хотинига ўтирилди:

– Сен эса оғзингни юмиб, бировларнинг гапига аралашма!

– Бироқ, Билли, нималар деяётганингни ўзинг биялсанми? – эрини тинчитмоқчи бўлди Саксон.

– Йўқолинг деяпман сизга! Сен эса бор, хонангга кир.

– Менга қаранг, – ниҳоят гапга аралашди Гармон, – ахир одам билан шундай гаплашадиларми?

– Мен шундоқ ҳам сенга шунча пайт чидадим! – тишларини ғижирлатди Билл.

– Менимча, ҳақини вақтида тўладим, шекилли. Тўғрими?

– Аллақачон бошингни уриб ёришим керак эди, хозир ҳам кеч эмас.

– Билли, агар шундай киладиган бўлсанг... – гап бошлади Саксон.

– Сен хали ҳам шу ердამисан? Ҳозирок бошқа хонага кир ёки мен сени...

Билл хотинининг тирсагидан ушлади. Саксон қаршилиқ кўрсатди. Бироқ бу бир сониягина давом этди: йигитнинг қўллари хотинининг қўлини шундай сикдики, Саксон қаршилиқ кўрсатиш бефойдалигини тушунди. Меҳмонхонада креслога ўтириб, додлаб йиғлаганча, ошхонада нима бўлаётганига қулоқ сола бошлади.

– Нима бўлганда ҳам, мен хафтанинг охиригача яшайман, – дерди кочегар, – олдиндан тўлаб қўйганман.

– Агар латта-путтанг ва ўзинг... бутун қолишни истасанг, эҳтиёт бўл! – жуда секин гапирётган бўлсада Биллнинг овози жаҳлдан титрарди. – Менинг тоқатим истаган пайтда тоқ бўлиши мумкин...

– Ҳа, сизнинг таниқли жанжалкаш эканлигингнизи биламан... – яна гап бошлади кочегар.

Шу пайт товуш – сўзсиз урган товуш, кейин синган ойнанинг овози, зинадан думалаётган гавданинг товуши эшитилди. Кейин Саксон Биллнинг ошхонага қайтиб киргани, ошхона эшиги олдида синган ойна бўлақларини супуриб олаётганини эшитди. Кейин йигит кран остида ювиниб, ҳуштак чалганча юз-қўлини сочиқ билан артди ва хотинининг олдида кирди. Саксон эри томонга ҳатто қарагани ҳам йўқ: унга жуда оғир ва алам қилиб кетаётган эди.

– Мен шаҳарга кетяпман, – деди йигит ниҳоят. – У ерда уюшмамизнинг йиғилиши бўлади. Агар қайтиб

келмасам, демак бу аблаҳ менинг устимдан ариза ёзган бўлади.

У йўлакнинг эшигини очиб, тўхтаб қолди. Саксон у ўзига қараб турганини сезиб турарди. Кейин эшик ёпилиб, Саксон унинг зинадан тушиб кетаётганини эшитди.

Саксон гаранг ҳолатда эди. У ҳеч нарсани ўйламаётган, ҳеч нарсани тушунмаётган эди. Бўлиб ўтган воқеаларнинг бари унга бундай бўлиши мумкин эмасдек туюларди. Кўзларини юмганча у креслода қотиб ўтирар, калласи бўм-бўш эди; энди ҳамма, ҳаммаси тамом деган фикрга ишонч уни эзиб ташлаётган эди.

Кўчада ўйнаётган болаларнинг овози уни ҳушига келтирди. Бутунлай қоронғи тушган эди. Саксон тимирскланганча лампани топиб ёқди. Ошхонада анча пайтгача қотиб қолган назари билан пишмаган овқатга қараб турди: унинг лаблари титрарди. Плитадаги олов ўчиб қолган, қозонда қайнаётган картошканинг суви қолмаганди: қопқоқни очганда юзига куйган ҳид урилди. У беихтиёр идишни бўшатиб, тозалади, ошхонани йиғиштириб, эртаси кuni учун картошка артиб қўйди. Шундай ихтиёрсиз равишда ўрнига ётди. Бу хотиржамлик, бепарволик табиий эмас эди, бироқ у шундай аҳволда эдики, кўзини юмиши билан ухлаб қолди. У уйғонганда қуёш нури бутун хонани эгаллаганди.

Саксон Биллсиз ўтказган биринчи тун шундай ўтди. Саксон ҳайратда эди: қандай қилиб у эрисиз ухлади ва у ҳақида ташвиш ҳам қилмади? У кўзини катта очиб, ҳеч нарса ўйламай ётаркан, қўлидаги оғриқни сезмагунча, унга ҳам эътибор бермади. Қўлидаги Билл сиққан жой оғриётган экан. Қўлини яхшилаб қараб қонталашиб, каттакон кўкарган жойни кўрди. У бу

жароҳатни севган одами қилганидан эмас, кўлни бир сониягина сиқиб шунчалик кўкартириш мумкинлигидан ажабланди. Ҳа, эркакларнинг кучи – даҳшатли нарса. Ва худди бу нарса ўзига тегишли эмасдек, у ким кучлироқ: Биллми ёки Чарли Лонгми, деган саволга кизиқиб қолди.

Фақат кийиниб, олов ёққанидан кейингина Саксон зарурроқ нарсалар тўғрисида ўйлай бошлади. Билл қайтиб келмади: демак, камалган. Саксон энди нима қилиши керак. Уни қамокда қолдирсинми? Бу ердан кетиб, ҳаётини бошидан бошласинми? Албатта, шундай қила олган одам билан яшашни давом эттиришнинг фойдаси йўқ. “Бироқ, – ўйларди киз, – бошқа томондан, у шунчалик бемаънимми? Ахир Билл унинг эри-ку”. “Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам...” – Саксоннинг миясида шу сўзлар чарх урарди. Биллни ташлаб кетиш чекинишни билдиради. Саксон хаёлида бундай шароитда онаси нима қилган бўларди, деб тасаввур қилишга уринди. Йўқ, Дэзи ҳеч қачон чекинмаган бўларди. Демак у, Саксон ҳам курашиши керак. Ва, бундан ташқари, тан олмай иложи йўқ – тўғри, Саксон энди бу ҳақда бепарволик ва совуқ-конлик билан ўйлаётганди, – Билл Саксон билган эрлар ичида ҳаммасидан яхшироқ; чиндан ҳам Билл киз қачонлардир билган одамлар ичида энг яхшиси эди. У беихтиёр йигитнинг илгариги юмшоқ ва мулойимлигини, айниқса доим айтадиган “Йўқ, бизга фақат яхшиси керак. Робертслар кизғанчиқ эмас”, деган гапини эслади.

Соат ўн бирда Саксоннинг олдига Билл билан бирга навбатчиликда турадиган дўсти – Бэд Стродзерс келди. У Саксонга Биллнинг уни гаровга олишларини рад қилгани, ҳимоячидан воз кечгани, унинг ишини судда

кўриб чиқишларини сўрагани, уни айбдор деб топилиб, олтмиш доллар штраф ёки бир ой қамоқ жазосига ҳукм қилинганини айтиб берди. Бундан ташқари, у ўртоқлари унинг учун штраф тўлаб юборишларини ҳам хоҳламабди.

— У ҳеч нарсани эшитишни ҳам хоҳламаяпти, — гапини тутатди Стродзерс, — худди телбага ўхшайди. “Қанча керак бўлса, шунча ўтираман”, дейди. Менимча, бир оз ақлдан озган шекилли. Мана, сизга хат бериб юборган эди. Бирор нарса зарур бўлиб қолса, бизга мурожаат қила беринг. Ҳаммамиз ёрдам берамиз. Пул масаласи қандай?

Саксон мағрурлик билан пулни рад қилди, фақат Стродзерс кетгандан кейингина Биллнинг хатини очиб ўқиди.

“Азизам Саксон, сенга бу хатни Бэд Стродзерс олиб бориб беради. Мен тўғримда ҳам чекма. Мен бу захарни ютишга аҳд қилдим. Мен шунга муносибман, ўзинг биласан. Афтидан, ақлдан оздим шекилли. Бироқ, нима бўлганда ҳам, қилган ишимдан пушаймонман. Олдимга келиб юрма. Хоҳламайман. Агар сенга пул керак бўлиб қолса, уюшмага мурожаат қил, беришади; у ердаги секретарь жуда ажойиб инсон. Мен бир ойдан сўнг чиқаман. Саксон, ёдингда тут: мен сени севаман. Мени шу сафар кечирма. Ишон: бундан буён мени кечиришингга тўғри келмайди”.

Стродзерсдан сўнг Мэгги Донэхью билан миссис Олсенлар келишди. Улар ахил кўшни сифатида Саксонни кўриб, кўнглини олиш ва ёрдам керак бўлса, тайёрликларини айтиш учун киришганди. Улар шунчалик андишали эдиларки, Билл тушиб қолган ноқулай аҳвол тўғрисида оғиз ҳам очмадилар.

Кечга яқин Жеймс Гармон келди. У бир оз чўлок-ланаётган бўлса-да, Саксон унинг бор кучи билан Биллнинг қилиғи натижасининг исботини яширишга уринаётганини кўриб турарди. У узр сўрашга бошларкан, Гармон эшитишни ҳам истамади.

– Миссис Робертс, мен сизни айблаётганим ҳам йўқ. Сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқлигини биламан. Афтидан, эрингизнинг кайфияти йўқ эди. Ҳар хил нохуш муаммолари бор ва мен ҳам, афсуски, ўша куни кўзига кўриниб қолдим. Шу, холос.

– Ҳа, бироқ...

Гармон бошини чайқади.

– Мен буни жуда ҳам яхши тушунаман. Мен ўзим ҳам илгари тез-тез ичиб турардим ва яхшигина тўполон ҳам қилардим. Ўзи бекорга унинг устидан шикоят қилиб ариза ёздим. Бироқ ўша пайтда жуда жаҳлим чиқиб кетиб, қизишиб кетгандим. Энди совуганимда, ўзимни тута олмай, шу ишларни бошлаганимга ачиниб ўтирибман.

– Сиз жуда ҳам кўнгилчан... – дер экан, Саксон дудукланиб қолди, бироқ нима бўлса ҳам ўзини хавотирга солаётган гапни айтишга қарор қилди: – Энди... эрим уйда йўқ экан... сизнинг бу ерда қолишингиз... тўғри келмайди... Ўзингиз тушунасиз...

– Ҳа, албатта. Ҳозир мен кийимимни ўзгартириб, нарсаларимни йиғиштираман, соат олтида эса уларни олиб кетиш учун арава юбораман. Мана бу ошхона эшигининг калити.

Йигит ҳар қанча рад қилмасин, Саксон уни олдиндан тўлаб қўйган пулини қайтиб олишга мажбур қилди. У хайрлашар экан, Саксоннинг қўлини маҳкам сиқиб, пул керак бўлиб қолган тақдирда ўзига бемалол мурожаат қилиш ҳақидаги ваъдасини олди.

– Бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ, – деди у Саксонга. – Ахир мен уйланганман, иккита ўғлим бор. Улардан бирининг ўпкаси чатоқроқ, шунинг учун улар онаси билан Аризонада, тоза хавода яшашади. Йўллар бошқармаси уларга йўл ҳақини арзонлаштириб берган.

Йигит зинадан тушиб кетар экан, Саксон бу аччиқ дунёда яхши одамлар борлигига ажабланди.

Шу куни кечқурун кичкина Донэхью унга газета ташлаб кетди – ундаги ярим устун Биллга бағишланган эди. Ўқиш оғир эди. Газета Биллнинг судда қандай кўринишда бўлганини – бошқа бир муштлашувдан бўлса керак, ҳамма ёғи кўқарган ҳолда эканлигини ёзарди. Йигитни ялқов, шумтака, тўполончи деб тасвирлашган; бундай одам уюшмада бўлиши мумкин эмас, чунки у умумий мақсадлари бир бўлган ишчиларни шарманда қилади, холос, дейилган эди. Унинг қочегарга ташланиши бемаънилик ва ҳеч қандай сабабсиз безорилик деб аталиб, ва агар, дерди яна газета, ҳамма иш ташлаётган аравақашлар бу йигитга ўхшайдиган бўлса, бу ерда энг тўғри йўл – бугун уюшмани йўқ қилиб, унинг аъзоларини шаҳардан чиқариб юборишдир. Гапининг охирида мақола эгаси ҳукмнинг жуда енгиллигидан шикоят қиларди. Жиноятчини камида ярим йилга қамаш керак эди, дерди у. Охириги иш ташлашлар вақтида бўлиб ўтган кўшлаб тартиббузарликлар сабаб турмалар тўлиб кетгани учун жиноятчини олти ойга қамаш учун ҳукм чиқаришнинг иложини топа олмаган судьянинг шикоят сўзлари ҳам келтирилган эди.

Саксон шу куни ўринга ётар экан, биринчи марта ўзини ёлғиз ҳис қилди. Даҳшатли тушлар кўрди, бир неча марта уйғониб кетди, ёнида Билл ётгандек бўлиб, ёнидаги ўринни пайпаслай бошлади. Ниҳоят, чирокни

ёкиб кўзларини катта очиб, шипга қараганча бошига тушган бахтсизликни қайта-қайтадан ўйлаб кўрди. У бир томондан Биллни кечирса, бошқа томондан бутунлай кечира олмаётган эди. Унинг севгисига берилган зарба шунчалик қутилмаган, шунчалик даҳшатли эди. Унинг ғурури ҳақоратланган бўлиб, у айна пайтдаги Биллни унутиб, фақат бир пайтларда ўзи севган Биллни ҳаёлида жонлантира олмаётган эди. У маст одамдан хафа бўлиб бўладими, деб бекорга ўзига ўзи таъкидлашга уринарди: бу нарса у билан ёнма-ён ётган, Саксон ўзини бутунлай бахшида этган одамни оқлай олмасди. У ёлғиз ўзи учун жуда катта ўрнида ётаркан, эрининг ўзи тушуна олмаётган шафқатсизлигини унутишга уриниб, қўлининг эри сикқан жойига юзини қўйганча, ёлғизликдан йиғларди. Шундай бўлса-да, у барибир Билл ва унинг қилган ҳамма қилиқларига нисбатан ғазаби қайнаб кетаётган эди. Унинг оғзи қуриб, кўкрагида симиллаган оғриқ турди, юраги урмаётган каби бўлиб, миясида “нега?”, “нега?” деган савол чарх урарди. Бироқ у бу саволга жавоб топа олмасди.

Эрталаб унинг олдига – Саксон турмушга чиққандан бери иккинчи марта – Сара келди. Саксон келинойининг келиш сабабини дарров пайқади. Юрагида аввалги ғурури бош кўтарди. У ўзини ҳимоя қилишга бошламади. У ўзини шундай тутдики, ҳеч қандай тушунтириш ёки ўзини оқлашнинг ҳожати йўқ эди. Ҳаммаси жойида ва унинг ишлари билан ҳеч кимнинг иши бўлмасин. Бироқ Саксоннинг ўзини бундай тутиши Сарани ҳақорат қилгандай бўлди.

– Мен сени огоҳлантирдим! – бошлади у ўз ҳужумини. – Буни инкор қила олмайсан. Мен доим сенга унинг аблах, безори эканлиги, унинг ўрни

турмада эканини айтиб келгандим. Сен боксёр билан юрганингни эшитганимда ўзи юрагим орқамга тортиб кетган эди. Ўша пайтда мен сенга очикдан-очик айтгандим. Йў-ўқ! Сен мени эшитишни ҳам хоҳламагандинг! Бўлмасам-чи! Сенинг такаббурлигинг ва бирорта ўзига тўғри аёлда бўлмайдиган бир талай туфли билан-а! Сенга бир оғиз ҳам гап айтиб бўлмайди! Мен ўша пайтдаёқ Томни огоҳлантиргандим. “Мени айтди дейсан, Саксон тамом бўлди!” деган эдим. Худди шундай деган эдим. Айтганим бўлди! Нега энди Чарли Лонгга тегмадинг? Жуда бўлмаганда оилангни шарманда қилмаган бўлардинг! Билиб қўй: бу ҳали бошланиши! Фақат бошланиши! Нима билан тугайди – Худо билади! Ҳали бунинг бирортасини ўлдиради ҳам! Ҳали унинг осилганини ҳам кўрасан! Шошмай тур! Вақти келганда менинг гапларимни эслайсан. Нима эксанг шуни ўрасан!

– Мен қилган ишимдан пушаймон эмасман!

– Ҳар қанақасига химоя қилганинг билан у сургундаги одам! – ҳақорат қилишда давом этди Сара.

– Ҳечқиси йўқ, ҳозир бу урфга кирган! – бепарволик билан эътироз билдирди Саксон. – Ҳамма билан бўлиши мумкин. Ахир Том ҳам социалистларнинг кўчадаги қайсидир бир митингида қамалган эди-ку? Ҳозир турмага тушиш осон эмас!..

Томнинг ёдга олиниши мўлжалга тегди.

– Бироқ Том оқланган эди! – шоша-пиша жавоб берди Сара.

– Барибир бир кечани турмада ўтказганди, ҳатто гаровга ҳам чиқаришмаган эди.

Бу гапга Саранинг жавоби йўқ эди ва у одатига кўра, хужумни бошқа ёқдан бошлади:

– Бу кочегар билан хўп гап бўлибсан-да! Сендек яхши тарбия топган қизни табрикласа бўларкан! Ижарачиси билан топишиш!

– Ким шундай деяпти? – қизишиб кетди Саксон, бироқ шу заҳотиёқ ўзини босди.

– Ҳатто кўзи ожизлар ҳам кўрадиган нарсалар бор! Ижарачи, ўзига хурматини йўқотган ёшгина аёл ва боксёр эр!.. Улар нима учун уришган бўлишлари мумкин, деган савол пайдо бўлади.

– Ёш эр-хотинлар нима сабабдан урушишлари мумкин? – айёрлик билан жилмайди Саксон.

Сара қотиб қолди ва аввалига нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолди.

– Мен бир нарсани тушунишингни хоҳлайман, – гапида давом этди Саксон. – Агар эркаклар уни деб жанжаллашишадиган бўлса, аёл фахрланиши керак. Мен ҳам фахрланаман! Эшитяпсанми? Фахрланаман! Шундай деб айт! Ҳамма кўшилларингга айтиб чик! Мен сигир эмасман. Мен эркакларга ёқаман. Эркаклар мени деб жанжаллашишади! Мени деб турмага тушишади! Агар эркакка ёқиш учун бўлмаса, аёл кишига яшашнинг нима қизиғи бор? Сара, энди кет! Бориб ҳаммага “ҳатто кўзи ожизлар ҳам кўрадиган” нарсаларни айтиб бер... Бориб, Билл сургунда эканлигини, мен эса ҳамма эркаклар кетидан юрадиган ёмон аёл эканлигимни айтиб бер. Ҳамма кўчаларда айтиб чик, сенга омад тилайман... Бироқ ҳозир менинг уйимдан кет. Бошқа бу ерга оёғингни босма! Сен жуда ҳам тоза аёлсан, бу ер сен учун эмас! Сен обрўингни тушириб қўйишинг мумкин! Болаларинг ҳақида ўйлагин. Кет!

Фақат ҳайратда қотган Сара жўнаб кетгандан сўнггина Саксон ўзини ўринга отиб, додлаб йиғлаб юборди. Шу пайтгача у фақат Билл ижарачига адолатсиз тарзда

кўполлик қилганидан уялаётган эди, бироқ ҳозир бу ходисага атрофдагиларнинг қандай қарашаётгани ҳақида ўйлаб қолди. Бу нарса на унинг, на Биллнинг хаёлига ҳам келмаган эди. У Биллнинг бу масалага муносабатини яхши биларди: эри мағрурлик юзасидан, хотинига ортиқча иш юкламаслик учун ижарачи кўйишни истамаётган, фақат етишмовчилик сабаб рози бўлган эди. Саксон ўша пайтда эрини қандай қийинчилик билан кўндирганини эслади.

Бироқ буларнинг ҳаммаси кўшнилари ва Саксонни биладиганларнинг фикрини ўзгартирмасди. Бу ерда ҳам яна Билл айбдор эди. Эри уни солиб қўйган шароит унинг қилган қилиқларидан ҳам ёмонроқ эди. Энди Саксон ҳеч кимнинг кўзига қарай олмайди. Тўғри, Мэгги Донэхью ҳам, миссис Олсен ҳам Саксонга жуда яхши муносабатда бўлишди. Бироқ улар бу ерга келишганда Саксон билан суҳбатлаша туриб, у ҳақида нима деб ўйлашганкин? Униқидан кета туриб, бир-бирларига нималар дейишган экан? Ҳамма эшигининг олдига чиқиб ўтирганда нималарни гаплашишган экан? Эркаклар бурчак-бурчакда ўтириб, барларларда ича туриб, Саксон ҳақида нималар дейишган экан?

Кейинроқ, Саксон ўзининг ғамидан чарчаб, йиғлай-йиғлай кўз ёшлари қуригач, бу ишга бошқа томондан қарашга ҳаракат қилди. Иш ташлаш ва тартибсизликлар бошлангандан сўнг юзлаб аёллар, айниқса Отто Фрэнкнинг, Гендерсонларнинг хотинлари Мери, келишган Китти Брэйди ва умуман ҳозир Сен-Квентин турмасида ўтирганларнинг хотинлари нималарни ҳис қилган бўлишини тасаввур қилишга уриниб кўрди. Саксоннинг атрофидаги у ўрганган дунё қулаб тушди. Ҳаёт ҳеч кимни аяб ўтирмади, уни ҳам аямади — аксинча, унинг қийинчиликларига яна шармандалиқ

хам кўшилди. У бор кучи билан ўзи ухлаётганига, бу туш... мана, ҳозир соат жиринглаб у ўрнидан туради-да, нонушта тайёрлайди, сўнгра Билл ишга кетади, деган фикрга ишонтиришга уринди. У бутун кунни ўринда ётиб ўтказди, бироқ ухлай олмади. Ҳамма нарса унинг бошида аралаш-куралаш бўлиб кетган эди. Гоҳ охирги кунлардаги фалокатлар кўз олдида жонланса, гоҳ ўтмишдаги хотиралар ёдига тушарди. Ўзини бир кирхонада дазмол қилаётганини кўрса, бир консерва заводида меваларни саралаб, банкаларга тикаётганини кўрарди. У яна балларда ракс тушар, хурсандчилик қиларди; у яна ўзининг мактаб пайтларини, ўртоқларининг юзлари ва исмларини эслади, ким қаерда ўтиргани, етимхонадаги кайғули дамлар, онасининг ўтмиш ҳақидаги ҳикоялари ва ниҳоят, ўзининг Билл билан ҳаётини эсга олди. Бироқ ҳар сафар – ана шу энг аламлиси эди – бу хотиротлардан уни кимнингдир кўпол кўли тортиб олиб, воқеликка қайтарарди. Ана шунда Саксон яна томоғи қуриб кетганини, юраги оғриётганини, бутун танасида бўшашиш ва юрагида бўшлиқни ҳис қиларди.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Саксон бутун тун бўйи ухламади ва ҳатто ечинмади ҳам, эрталаб туриб ювиниб, сочларини тараб олгандан сўнг эса оёқ-қўлларида ғалати увишишни сезди, бошини худди темир гардиш сикаётгандек эди. У тоби қочаётганини сезмаётган бўлса-да, ўзи билан ғалати нимадир содир бўлаётганини ҳис қилиб турарди. Безгак эмас, шамоллаш эмас – жисмонан соппа-соғ эди, шунинг учун бу асабдан, деб хулоса қилди. Унинг

тушуниши бўйича, умуман унинг каби инсонлар тушуниши бўйича асаблар – бу касаллик эмас.

Унинг хиссиётлари шундай эдики, у худди ўзлигини йўқотиб қўйганга, ўз-ўзига бегонага ўхшарди. Атрофидаги дунё унга хира ва қоп-қоронғи кўринарди – бу ҳаёт ўз кўринишини йўқотган, жонсизга ўхшарди. Кўп нарсалар унинг хотирасидан ўчиб кета бошлади, у кўпинча ўзи қилмоқчи бўлган нарсани эмас, бутунлай бошқа нарсаларни қилаётганини сезиб қолди. Бир куни у ўзининг ҳовлида ювилган кирларни ёяётганини сезиб қолиб, ажабланди. Бироқ ҳамма ишни у айна тартиби билан қилган бўлса-да, яъни чойшаб, ёстик жилди ва ошхона сочиқларини қайнатган, Биллнинг иссиқ кийимларини Мерседеснинг рецепти бўйича тайёрланган уй-совуни билан илик сувда ювган бўлса-да, Саксон қачон кир ювганини эслолмади. Кейин эса нонуштага қўй гўшtidан қилинган котлет егани ёдига тушди, бироқ қачон гўшт олиб келганини эслолмади. У кизиқиб ётоғига кирди: ўринлар йиғиштирилган, ҳамма ёқ топ-тоза эди.

Кун оғтан пайтда у дераза олдида креслода ўтириб, нимадандир хурсанд бўлиб йиғлаётганини сезиб қолди. Аввалига бу хурсандчилик нимадан эканлигини тушунмади, бироқ кейин боласининг ўлганига хурсанд бўлаётганини тушуниб қолди.

– Бахт! Бахт! – куйлаётгандек қайтарарди у кўлларини қисирлатиб.

Кунлар ўтиб борар, Саксон эса вақтни сезмасди. Баъзан Биллни камашгандан бери асрлар ўтганга ўхшар, баъзан эса кечагина бўлганга ўхшаб туюларди. Бироқ иккита нарса унинг хаёлидан кетмасди: Биллнинг олдида бориши керак эмас ва боласининг ўлгани – бахт.

Бир куни Саксоннинг олдига Бэд Стродзерс келди. У йигит билан меҳмонхонада суҳбатлашар экан, негадир кўзини унинг йиртиқ-чиртиқ шимидан уза олмасди. Бошқа сафар уюшманинг секретари келди. Стродзерсга ўхшаб унга ҳам Саксон ҳаммаси жойидалигини айтди. Унга пул керак эмас, эри озод бўлгунча у жуда яхши яшаб тура олади.

Вақти-вақти билан у даҳшатга тушиб кетарди. “Озодликка чиқади!” Йўк! Бундай бўлиши мумкин эмас, мумкин эмас! Бошқа боланинг кераги йўк! Бирдан у яшаб қолса-чи? Йўк, минг марта йўк! Яхшиси, уйдан қочиб кетиш керак. Яхшиси, Биллни бошқа ҳеч қачон кўриши керак эмас. Фақат бу эмас. Бу эмас!

Саксоннинг кўркуви ўтиб кетмаётганди. Даҳшатга тўла тушларида ҳам шу кўркув давом этар, у кичқирганча қора терга ботиб, титраганча сакраб туриб кетарди. У энди уйқусизликдан азоб чека бошлади. Баъзан унга уклашни бутунлай унутганга ўхшаб туюлар, шунда онаси уйқусизликдан вафот этгани ёдига тушарди.

Кунларнинг бирида Саксон ўзини доктор Гентлининг хонасида кўрди. Доктор аёлни диққат билан текширди.

– Яхши овқатланыяпсизми? – сўради у.

Саксон бошини қимирлатди.

– Жиддий нохушликлар бўлдимми?

Аёл бошини чайқади.

– Доктор ҳаммаси жойида... Фақат...

– Хўш? Хўш?

Шундан сўнг бу ерга нима учун келгани Саксоннинг ёдига тушди. У докторга аниқ ва қисқа қилиб қўнглидагиларни айтиб берди. Доктор аста бошини чайқади.

– Бу мумкин эмас, – деди у.

– Йўк! Мен мумкинлигини биламан! – хитоб қилди Саксон.

– Гап бунда эмас, – эътироз қилди доктор. – Мен сизга ҳеч қандай дори бера олмайман. Менинг ҳақим йўк... Бу қонун билан тақиқланган. Ҳозир бир врач аини шу айб учун Ливенуорт турмасида ўтирибди.

Саксоннинг ялинишлари бекор кетди. Доктор хотини ва болалари борлигини айтиб, рад қилди, таваккал қила олмаслигини айтди.

– Кейин, шундай бўлади, деган ҳеч қандай гап йўк-ку!

– Бўлади, албатта бўлади!

Бунга жавобан доктор бошини маъюслик билан чайкаб қўйиб, сўради:

– Сизга бу дори нима учун керак?

Шунда Саксон докторга бутун кўнглини очиб ташлади. Билл билан биргаликдаги ҳаётларининг биринчи ойларидаги бахтиёрликлари, иш ташлаш ва тартибсизликлар муносабати билан бошларидан ўтказган қийинчиликлар, Биллнинг табиатида юз берган салбий ўзгаришлар ва ўзининг яна ҳомиладор бўлиб қолишдан ўлгудек кўрқаётганини гапириб берди. У энди боласининг ўлиб қолишидан кўрқаётгани йўк, бунга чидай олган бўларди – у боласи тирик қолади, деб кўрқаяпти. Яқинда Билл уйга қайтади ва Саксон яна хавф остида қолади. Доктор бир оғиз гап билан айта қолсин. Ҳеч ким билмайди. Ҳеч қандай қийноқ билан ҳам ундан буни билиша олмайди.

Бироқ доктор бошини чайқашда давом этди.

– Бундай қила олмайман. Жуда уятдаман, бироқ таваккал қила олмайман. Қўлларим боғланган. Бизнинг қонунларимиз ҳаётдан орқада қолган. Бироқ мен ўзимга азиз инсонларнинг ҳаётини асрашим керак.

Доктор Саксон ўрнидан туриб, кетишга отлангандагина юмшади.

– Бу ёққа келинг, – чақирди у. – Яқинроқ келинг.

У Саксоннинг қулоғига энгашаркан, яна ўрнидан туриб, эшик олдига келди, эҳтиёткорлик юзасидан очиб, ташқарига қараб қўйди.

У қайтиб жойига ўтирганда, стулини Саксонга шунчалик яқин қўйдик, уларнинг тирсаклари бири-бирига тегиб, докторнинг соқоли Саксоннинг қулоғини қитиклади.

– Йўк, йўк, – аёлни миннатдорлик сўзларини бўлиб, деди доктор. – Мен сизга ҳеч нарса демадим. Сиз соғлиғингиз тўғрисида маслаҳат олиш учун келдингиз. Кўп куч йўқотгансиз, ўзингизни ёмон ҳис қилиясиз...

Доктор шу сўзлар билан Саксонни эшиккача кузатиб қўйди. У эшикни очганда қабулхонада бошқа миждоз ёнларидаги хонада қабул қиладиган тиш шифокорини кутиб ўтирарди. Доктор Гентли баланд овозда хайрлашиб, деди:

– Мен сизга ёзиб берган дорини ичиб турунг, асосийси, иштахангиз қайтганда, яхшилаб овқатланг. Кучли-кучли овқатларни енг, жуда ҳам козуриб юбормасдан кўпроқ бифштекс еб турунг. Хайр!

Баъзи кунлари жимжит уйда чидаб бўлмайд қоларди. Шунда Саксон елкасига шарфини ташлаб Окленд саёзликка борар ёки темирйўл устахоналари ва ботқокдан ўтиб, Билл унга ўзи бир пайтлар чўмилишни яхши кўрганини айтиб берган Кумли саёзликка жўнардди. Ўша ерларда туриб кемаларни томоша қилар, кемалар ва унда у ёқдан-бу ёққа зир югураётган матросларга қарар ва улар қаерларга, қандай нотаниш озод қирғоқларга кетишаётгани ҳақида ўйларди. Ёки ҳаёт у ёқларда ҳам Оклендда бўлгани каби бешафқат

ва адолатсизмикин? Ва одамлар у ерларда ҳам ўз дўстларига нисбатан шундай кўпол, адолатсиз ва номуссиз муносабатда бўлишармикин? Саксонга негандир бундай эмасга ўхшаб туюлар ва узоқ йўлларга кетиб, ўзини бутунлай озод хис қилишни истар, қаерга бўлса ҳам майли – бари бир, фақат ўзида бор энг қимматли нарсаларни берган, бироқ унинг қалбини пора-пора қилган ана шу ҳаётдан кетса бўлди эди.

Саксон кўп ҳолларда ўзининг уйдан чикиб кетаётганини сезмас, қаерга кетаётганини ҳам билмасди. Бир куни ўзига келганда шаҳарнинг ўзи билмайдиган бошқа бир чеккасида ғалати жойда эканини сизди. Бу кенг кўча бўлиб, икки тарафига соя солиб турган дарахтлар экилганди. Майин ўтлоқлар, атрофида асфальтланган йўлкалар. Катта-катта уйлар Саксонга худди қасрдек туюлди. Бурчакда автомобиль турган бўлиб, Саксон ҳайдовчининг ўрнида ўтирган йигитни кўриб, ҳуши ўзига келди. Йигит ҳам унга қизиқиб қараб тураркан, қиз унинг Рой Бланшар, “Форум”нинг олдида Билл бир кун келиб ўқитиб кўйишга ваъда берган йигит эканлигини таниди. Автомобилнинг олдида бошида шляпасиз турган бошқа йигит ҳам бор эди. Саксон уни ҳам таниди: бу қиз Билл билан биринчи марта танишган куни югуриш мусобакасида Тимнинг оёғи остига ҳассасини ташлаб, ур-тўполонни бошлаган йигит эди. У ҳам қизга ажабланиб қараб турарди. Саксон бирдан ўзига ўзи гапираётганини сезиб қолди – у ҳатто ўзининг охириги сўзларини ҳам эшитди. У хижолат чекиб қолди, уялганидан қизариб кетиб, қадамини тезлатди. Бланшар автомобилдан сакраб тушиб, шляпаси кўлида, қизга яқинлашди.

– Сизга бирор нарса бўлдимиди? – сўради у.

Қиз бошини чайқади ва бутун кўриниши билан йўлида давом этмоқчилигини билдириб, тўхтади.

– Мен сизни танийман, – қизнинг юзига тикилиб, деди йигит. – Сиз ўшанда менинг дабдаламни чиқаришга ваъда берган йигит билан бирга эдингиз.

– У менинг эрим, – деди Саксон.

– А-а! Ҳа, майли!.. – У очик юз билан Саксонга каради. – Бироқ сизга нима бўлди? Ёрдам керак эмасми? Мазангиз йўққа ўхшайди.

– Йўқ, ҳаммаси жойида. Шунчаки бир оз касал бўлгандим, – алдади у; тўғрироғи, алдадим деб ўйлади, чунки ўзининг ҳозирги аҳолини касаллик деб, ўйлаш хаёлига ҳам келмаётганди.

– Бироқ жуда чарчаганга ўхшаб кўриняпсиз, – туриб олди йигит. – Машинада истаган жойингизга олиб бориб қўйишим мумкин. Вақтим бемалол.

Саксон бошини чайқади.

– Йўқ... Илтимос, менга фақат Саккизинчи кўчага борадиган трамвай қаердалигини айтиб юборсангиз бўлди. Мен бу жойларда кам бўламан.

Йигит унга трамвай тўхташ жойи қаерда эканлиги, қаерда бошқа трамвайга ўтириш кераклигини тушунтирар экан, Саксон ўзининг шунчалик узоққа кетиб қолганига ҳайрон қолди.

– Сиздан миннатдорман, – деди у. – Хайр.

– Чиндан ҳам ёрдам керак эмасми?

– Чиндан ҳам.

– Унда, кўришгунча, – майинлик билан деди йигит.

– Ва эрингизга айтиб қўйинг: яхшилаб машқ қилсин. Учрашганимизда бу унга жуда керак бўлади.

– Бироқ сиз у билан мушглашишингиз мумкин эмас, – йигитни огоҳлантиришга шошди қиз. – Мушглашманг... Бундан яхши нарса чиқмайди.

– Сиз зўр экансиз, – ажабланди йигит. – Мана аёллар ўз эрларини қандай ҳимоя қилишлари керак! Ўрнингизда бошқа хотин эримни калтаклашади, деб кўркиб кетган бўларди...

– Бироқ мен унинг учун кўрқаётганим йўқ... У боксёр ва жуда ҳам кучли. Сизда эса ютишга ҳеч қандай имконият йўқ. Сизни калтаклаш унинг учун...

– Боланинг кўлидан ширинлигини тортиб олишдек гапми? – кулди Бланшар.

– Ҳа, ҳа, – қиз бошини силкиди. – Ҳа, у шундай деган бўларди. Агар у сизга “Нега қараб турибсан, мен сени ушлаб турганим йўқ” дейдиган бўлса, эҳтиёт бўлинг... Мен энди кетишим керак. Хайр ва яна бир карра раҳмат.

У йўлида давом этар экан, йигитнинг хушмуомалалик билан “хайр” дегани ҳали ҳам кулоғи остида жаранглаб турарди. Йигит, афтидан, ёвуз эмас, бунга тан бериш керак. “Тентак”лардан ҳам эмас, у Биллнинг гапи бўйича, афтидан, аёлларнинг эзилишида ҳам, узоқ йилларга турмага тикилган ёки алоҳида камераларда ўзининг ўлим жазосини кутиб ётган ишчиларнинг қийинчиликларида ҳам айбдор бўлган ҳукмдорлар тоифасидан эди. Ва шу йигитнинг унга кўнгилчан, майин, тоза йигит бўлиб туюлгани қизиқ! Қиз буни йигитнинг юзидаги ҳар бир чизикда ҳис қилганди. Бироқ у қандай қилиб шундай жиноятларда айбланган бўлиши мумкин? Саксон бошини маънос тебратди: жавоб йўқ эди ва болалар ўлаётган, оналарнинг юраклари адо бўлаётган бу дунёни тушунишнинг ҳам иложи йўқ эди.

Кутилмаганда бойлар яшайдиган бу кварталга келиб қолиши Саксонни ҳеч ҳам ажаблантирмади. Бу ерга келиб қолганида у ажиб бир ҳолатда эди. Бу пайтга

Қиз бошини чайқади ва бутун кўриниши билан йўлида давом этмоқчилигини билдириб, тўхтади.

– Мен сизни танийман, – қизнинг юзига тикилиб, деди йигит. – Сиз ўшанда менинг дабдаламни чиқаришга ваъда берган йигит билан бирга эдингиз.

– У менинг эрим, – деди Саксон.

– А-а! Ҳа, майли!.. – У очиқ юз билан Саксонга қаради. – Бироқ сизга нима бўлди? Ёрдам керак эмасми? Мазангиз йўққа ўхшайди.

– Йўқ, ҳаммаси жойида. Шунчаки бир оз касал бўлгандим, – алдади у; тўғрироғи, алдадим деб ўйлади, чунки ўзининг ҳозирги аҳволини касаллик деб, ўйлаш хаёлига ҳам келмаётганди.

– Бироқ жуда чарчаганга ўхшаб кўриняпсиз, – туриб олди йигит. – Машинада истаган жойингизга олиб бориб қўйишим мумкин. Вақтим бемалол.

Саксон бошини чайқади.

– Йўқ... Илтимос, менга фақат Саккизинчи кўчага борадиган трамвай қаердалигини айтиб юборсангиз бўлди. Мен бу жойларда кам бўламан.

Йигит унга трамвай тўхташ жойи қаерда эканлиги, қаерда бошқа трамвайга ўтириш кераклигини тушунтирар экан, Саксон ўзининг шунчалик узоққа кетиб қолганига ҳайрон қолди.

– Сиздан миннатдорман, – деди у. – Хайр.

– Чиндан ҳам ёрдам керак эмасми?

– Чиндан ҳам.

– Унда, кўришгунча, – майинлик билан деди йигит. – Ва эрингизга айтиб қўйинг: яхшилаб машқ қилсин. Учрашганимизда бу унга жуда керак бўлади.

– Бироқ сиз у билан мушглашишингиз мумкин эмас, – йигитни огоҳлантиришга шовди қиз. – Мушглашманг... Бундан яхши нарса чиқмайди.

– Сиз зўр экансиз, – ажабланди йигит. – Мана аёллар ўз эрларини қандай ҳимоя қилишлари керак! Ўрнингизда бошқа хотин эримни қалтақлашади, деб кўрқиб кетган бўларди...

– Бироқ мен унинг учун кўрқаётганим йўқ... У боксёр ва жуда ҳам кучли. Сизда эса ютишга ҳеч қандай имконият йўқ. Сизни қалтақлаш унинг учун...

– Боланинг қўлидан ширинлигини тортиб олишдек гапми? – кулди Бланшар.

– Ҳа, ҳа, – киз бошини силкиди. – Ҳа, у шундай деган бўларди. Агар у сизга “Нега қараб турибсан, мен сени ушлаб турганим йўқ” дейдиган бўлса, эҳтиёт бўлинг... Мен энди кетишим керак. Хайр ва яна бир қарра раҳмат.

У йўлида давом этар экан, йигитнинг хушмуомалалик билан “хайр” дегани ҳали ҳам қулоғи остида жаранглаб турарди. Йигит, афтидан, ёвуз эмас, бунга тан бериш керак. “Тентак”лардан ҳам эмас, у Биллнинг гапи бўйича, афтидан, аёлларнинг эзилишида ҳам, узок йилларга турмага тикилган ёки алоҳида камераларда ўзининг ўлим жазосини кутиб ётган ишчиларнинг кийинчиликларида ҳам айбдор бўлган ҳукмдорлар тоифасидан эди. Ва шу йигитнинг унга кўнгилчан, майин, тоза йигит бўлиб туюлгани қизиқ! Қиз буни йигитнинг юзидаги ҳар бир чизикда ҳис қилганди. Бироқ у қандай қилиб шундай жинойтларда айбланган бўлиши мумкин? Саксон бошини маъюс тебратди: жавоб йўқ эди ва болалар ўлаётган, оналарнинг юраклари адо бўлаётган бу дунёни тушунишнинг ҳам иложи йўқ эди.

Кутилмаганда бойлар яшайдиган бу кварталга келиб қолиши Саксонни ҳеч ҳам ажаблантирмади. Бу ерга келиб қолганида у ажиб бир ҳолатда эди. Бу пайтга

келиб Саксон кўп нарсаларни нима учун қилаётганини ўзи ҳам тушунмаган ҳолда қилаётган эди.

Бироқ энди эҳтиётроқ бўлиши керак. Яхшиси ўзининг бундай айланишларини ботқоклар ва Тош девор билан чегаралаши керак.

Саксонга энг кўп ёкиб қолган жой Тош девор эди. Бу ерлар шунчалик бепоён эди! Саксон беихтиёр чуқурроқ нафас олишга ҳаракат қилиб, худди бутун табиатни қучоқлаб, унга сингиб кетмоқчидек қўлларини чўзди. Бу дунё унга тозароқ ва ақллироқ туюлаётган эди. У буни тушуниб турарди: сув қайтиши пайтида яшил сув ўтлари ўсиб ётган қояларда яшайдиган, ўзидан нари қочаётган қисқичлари оқиш яшил қисқичбақаларни тушунарди; девор инсон қўли билан яратилганига қарамай, бу ерда сунъийлик йўқ эди, бу ерда қатъий қонунларга эга одамлар, уларнинг курашлари йўқ эди. Сувнинг кўтарилиши пасайиши билан алмашиб турарди; қуёш чиқар ва ботар эди. Ҳар куни кечкурун Олтин дарвозаларга кўркмас ғарб шамоли урилар, сувни жимирлатиб, унча баланд бўлмаган тўлқинларни кўтариб, елканли энгил кемаларни ҳайдарди. Ҳамма нарса қатъий ўрнатилган тартиб билан содир бўларди. Ва бу ерда ҳамма нарса бемалол эди. Атрофда ёкиш учун шох-шаббалар тикилиб ётарди, уларни ҳеч ким сотмасди – хоҳлаганингча олишинг мумкин. Ўғил болалар қоялардан туриб ўзлари ясаган қармоқлари билан балиқ тутишар, уларни бу ишлари учун ҳеч ким урушмасди; қачонлардир Билл ҳам, Кол Хэтчинс ҳам шундай қилиб балиқ тутишганди. Билл бир куни Хэтчинс қуёш тутилган куни каттақон олабуға балиғини тутганини айтиб берганди. Ҳаётининг энг чиройли онларини

турмада ўтказиши ўша пайтларда Колнинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак.

Бу ерда овқат – текин овқат топиш ҳам мумкин эди. Бир куни, қиз бу ерга жуда қорни оч ҳолда келганида, болаларни томоша қилиб ўтира туриб, ўзи ҳам шундай қилишга қарор қилди: қояларда сув кўтарилишидан кейин қолган чиганокларни териб, шу ернинг ўзидаёқ олов ёқиб, пишира бошлади. Бу овқат қизга жуда мазали туюлди. Кейинчалик у тошлардан майда устрицаларни ажратиб олишни ҳам ўрганди, бир куни эса қандайдир болакай унутиб қолдирган, бир тўплам қилиб боғланган балиқ ҳам топиб олди.

Бироқ тўлқинлар баъзи кунлари кирғокқа одамларнинг шаҳарларда қилишадигандек ёвузликларини ёдга солувчи нарсаларни ҳам келтириб ташларди. Бир куни сув кўтарилган пайтда Саксон сувда ҳамма ёқда қовунлар сузиб юрганини кўрди; тўлқинда сакраб-сакраб, мингларча қовунлар кирғокқа келиб қолганди; тўлқин уларни қояларга ирғитиб ташлаганда, олиш осон эди. Саксон қовунларнинг жуда кўпини қараб чиқди: бирортаси ейишга яроқли эмас эди: ҳар бири узун қилиб кесилган бўлиб, ичидан шўр сув оқиб ётарди. Саксон бу қовунларни кесиш одамларга нега керак бўлиб қолганини тушунмай, шу атрофда пайраха йиғиб юрган португалиялик кампирдан бунинг сабабини сўради.

– Бу ишларни ҳамма нарсаси бор одамлар қилишади, – қилаётган ишидан беллари қотиб кетган аёл қаддини ростлар экан, тушунтирди; Саксон худди унинг суяклари кирсиллаётганини эшитаётгандек бўлди. Кампирнинг қора кўзлари ғазабдан ялтираб кетди, аччиқ кулгисидан тишсиз оғзини беркитиб турган ажин босган лаблари очилиб кетди. – Ҳа, ҳамма

нарсаси тикилиб ётган одамлар. Улар нархларни баланд ҳолда ушлаб туриш учун шундай қиладилар. Бу қовунларни, афтидан, Сан-Францискода кемадан ташлашган бўлсалар керак.

– Бироқ нега уларни камбағалларга бўлиб беришмайди?

– Нархлар тушиб кетмаслиги учун.

– Ахир камбағаллар барибир уларни сотиб олишолмайди, – эътироз қилди. – Бунга нархнинг нима алоқаси бор?

Кампир елкасини қисди.

– Билмайман. Негадир шундай қилишади. Улар камбағаллар уларни тутиб олиб емасликлари учун ҳар бир қовунни тилиб чиқишади. Улар олмани ҳам, апельсинни ҳам шундай қилишади. Балиқчилар-чи!.. Ҳозир уларга трест бошчилик қилади. Ов жуда кўп бўлганда, трест Балиқчилар пристанидан туриб ҳамма қайиқлардаги ажойиб балиқларни шундай денгизга ағдартиради. Ва бу балиқлар аллақачон ўлиб бўлган ва фақат ейишгагина ярайдиган эканлигига қарамай, улардан ҳеч ким фойдалана олмайди. Бироқ балиқ жуда мазали нарса.

Саксон яна ҳеч нарса тушунмади: бу қандай дунёки, бировлар овқат кўплигидан ташлаб юборишади? Бунинг устига уларни бузиш учун пул ҳам тўлашади? Айни пайтда эса ориклар кетган кучсиз оналарни эмаётгани учун болалар ўлиб кетяпти, бирорта иш топиш учун эркаклар бир-бирларини ўлдиришяпти, қариялар эса уларни кулбаларидагилар боқолмаётгани учун ғарибхоналарга кетишяпти. “Наҳотки бутун ер юзида бир хил бўлса?” – Мерседеснинг ҳикояларини эслаб, ўз-ўзидан сўрарди Саксон. Ҳа, афтидан дунё шундай тузилган, шекилли! Ахир узок Ҳиндистонда

очликдан ўлаётган ўн минглаб оилалар очликдан ўлиб кетаётганига гувоҳ бўлгани, аини пайтда тақиб юрган олмослари шунча оилани кутқара олиши мумкинлигини Мерседеснинг ўзи айтиб бермаганмиди? Ҳа тентаклар учун – ғарибхона ва шўр сувли катта тоғоралар, ақллилар учун эса – автомобиль ва олмослар берилган экан.

Саксон “тентаклар”га киради. Худди шундай. Бу ҳамма нарсада кўришиб турибди. Бироқ Саксон бу нарса билан келишишни истамасди. У – аҳмоқ эмас. Унинг онаси ҳам, авлод-аждодлари ҳам тентак бўлишмаган. Бироқ шундай бўлиб чиқяпти. Ахир ана, Саксон шу ерда ўтирибди, уйда ейдиган ҳеч вақоси йўқ, севимли эри кўполлашиб кетган, қамокда ўтирибди, Саксоннинг бағридан боласини юлиб олишди: агар бу тентаклар иш деб курашиб унинг уйининг олдини жанг майдонига айлантиришмаганда қиз боласидан айрилмаган бўларди.

Мана энди Саксон шу саволлар қаршисида эзилиб ўтирибди. Орқада хира доғ бўлиб Окленд, олдинда, бухтанинг нариги ёғида хира доғ бўлиб Сан-Франциско ётибди. Аини пайтда эса қуёш ёқимли, шамол ҳам майин, қизнинг юзини силаётган шўр денгиз ҳавоси ҳам тоза, оппоқ булутлар сузиб юрган кўм-кўк осмон ҳам майин. Табиатдан адолат, гўзаллик ва меҳр уфуриб турибди. Фақат инсонлар дунёсидагина ёлғон, ақлсизлик ва ёвузлик ҳукм сурияпти.

Лекин, нима учун тентаклар – тентак? Нима бу, яратган томонидан берилган қонунми? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас – Худо шамолни, ҳавони, қуёшни яратган. Инсонлар дунёсини инсон яратган. Ва бу бир пулга қиммат экан. Бироқ Саксон ҳамма нарсани Худо яратганини жуда яхши билади – буни унга етимхонада

ўргатишган. Онаси ҳам бунга ишонарди, бундай Худого ишонарди. Дунё бошқачасига бўлиши мумкин эмас. Бу аввалдан ҳал қилинган.

Саксон анчагача эзилган, тушкун аҳволда ўтирди. Бирок бирдан кўнглида туғён кўтарилди. У нима учун яратган ўзига нисбатан адолатсизлик қилаётганини қайта-қайта сўради. У нима қилдики, яратган уни шунчалик қийнапти? У шоша-пиша ўтмишини қайтадан кўз олдига келтирди: ҳеч қандай оғир гуноҳ қилмаган. У онасига кулоқ соларди, Кэди ва унинг хотинига кулоқ солган, етимхонадаги назоратчи ва бошқа аёлларнинг айтганини қилган. Акасиникига кўчиб ўтгач акасига кулоқ солган, кўчада дугоналари билан сандирақлаб юрмаган, чунки акаси бунга қарши эди. Мактабда ҳам синфдан-синфга яхши натижалар билан ўтган ва ўзини яхши тутган. Мактабни тамомлаган биринчи кунларданок турмушга чиққунига қадар тинмай ишлади. Ишда ҳам яхши ишчи ҳисобланарди. Қоғоз фабрикасининг хўжайини, кичкинадан келган жухуд, кизнинг ишдан бўшаётганини билиб йиғлаб юборай деганди. Консерва заводида ҳам шундай бўлган. Тикув фабрикаси ёпилган пайтда у энг яхши тикувчилардан эди. У тозалигича қолди – хунук ёки ёқимсиз бўлгани учун эмас, йўқ. Йигитлар уни деб ақлдан озишарди. Улар кизнинг кетидан юришар, уни деб жикқамушт бўлишарди – бу нарса бошқа кизларнинг бошини айлантириб қўйган бўларди. Бирок Саксон бунга бўйин эгмади. Кейин унинг мукофоти – Билл пайдо бўлди. Қиз бутун борлиғи билан ўзини унга, унинг уйига, унинг севгисини нима ушлаб турган бўлса, ўшанга бағишлади. Энди эса уни ва Биллини бу тентак дунёда одамларнинг ўзлари яратган алам ва ҳақсизлик ўпқони тортиб кетяпти.

Йўқ, буларни Худо яратмаган. У дунёни яхшироқ, адолатлироқ яратган бўларди. Демак, Худо йўқ! У ҳамма нарсани бунчалик чалкаш қилмаган бўларди. Демак, Саксоннинг онаси янглишган, етимхонанинг бошлиғи янглишган – умр бокий эмас; кизнинг кўча эшиги тагида ўлими олдидан кичқириб йиқилган Берт ҳақ экан. Инсон ўзининг ўлиmidан олдинроқ ўлган бўлади.

Ҳаёт ҳақида шуларни ўйлаб ўтириб, Саксон чуқур тушқунликка тушди. Бутун ёруғ оламда ҳеч қаердан адолат кутишнинг фойдаси йўқ эди. Унгача яшаб ўтган, ундан билимлироқ бўлган донишмандлар каби, Саксон бу дунё адолатга, яхшиликка нисбатан бефарқ ва инсоният билан иши йўқ, деган хулосага келди.

Энди Саксон ўзини Худони умуман адолатсизлик тизимига кўшиб ҳисоблагандагидан кўра баттарроқ тушқун ва ёрдамга муҳтож кайфиятда ҳис қила бошлади. Худо бор деб ҳисоблаётганда, қандайдир мўъжизага, ташқаридан келадиган ёрдамга ишонч, умид бор эди. Худосиз дунё эса – бу тузоқ. Ҳаёт – бу тузоқ. Саксоннинг ўзи ҳам – бөлалар тутиб олган қафасдаги сайроқи қуш каби. Унинг руҳи ҳам, қафасдаги қуш ўзини қафаснинг темир панжараларига ургани каби далилларнинг адолатсизлигига урилиб, титраятти. Бироқ Саксон аҳмоқ эмас. У тузоқдан чиқиб кетади. Унинг ўрни у ерда эмас. Бунинг иложи бўлиши керак! Агар, тарих китобларида ёзилганидек, тентакларнинг тентаги бўлган қандайдир кўмирчилар, ўтинчилар президентликкача кўтарилиб бойлиги-ю, автомобиллари бўлган ақллилар устидан ҳукмронлик қилган бўлсалар, у ҳолда наҳотки Саксон орзу қилаётгани кичкинагина мукофот – Биллига йўл топа олмай-дими, озгинагина севги ва бахтга эриша олмай-дими?

Дунё меҳрга нисбатан бепарволиги, Худо мавжуд эмаслиги, боқий дунё йўқлиги – Саксон учун барибир. У қабрга кириб, абадий қоронғиликда қолишга, шўр сувли тоғорада бўлиш ва унинг танасини бурда-бурда қилишларига рози – фақат бундан олдин унга озгинагина бахт беришсин!

Бу бахтга эришиш учун у қандай ишлаган бўларди! Бахтнинг ҳар бир мисқолини қандай эъозлаган бўларди! Бирок, қани у? Унга борадиган йўл қаерда? Қиз буни билмас, тасаввур ҳам қила олмаётган эди. У фақат зимистон ичидаги Сан-Франциско ва Окленднинг кўрар, одамлар у ерда бир-бирларининг бошларини ёриб, ўлдиришар, у ерда туғилган ва туғилмаган болалар ўлишар, аёллар адо бўлган юраклари учун фарёд чекишарди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Саксоннинг ҳаёти шу ҳолда давом этарди. Унга худди Билл бошқа бир ҳаёт даврида кетганга ўхшар ва унинг қайтишидан олдин бошқа бир янги ҳаёт бошланадиганга ўхшарди. Уни ҳали ҳам уйқусизлик қийнаётганди. У бир дақиқа ҳам кўзини юммаган тунлар бўлди. Узоқ ухлаб, сўнгра бутунлай ҳолдан тойиб, қовоғини зўрға очган кунлар ҳам бўлди. Бошини темир гардиш сиқиб тургандек оғриқ ҳали ҳам ўтиб кетмаган эди. Қизнинг овқатланиши жуда ёмон эди – пули умуман йўқ эди. Баъзи кунлари куни билан овқатланмасди. Бир марта уч кеча-кундуз ҳеч нарса емади. Очликдан ўлмаслик учун у балчикдан моллюскаларни кавлаб, қоялардан кичкина устрицаларни сидириб, чиганоклар териб еб юрди.

Шундай бўлса-да, Бэд Стродзерс уни кўргани кирганда, ҳеч нарсадан зорикмаётганини айтди. Бир куни Том ишдан кейин синглисини кўргани кириб, зўрлаб икки доллар тутқазди. У жуда чарчаган эди. Унинг айтишича, синглисига кўпроқ берган бўларди, бироқ Сара яна ҳомиладор, унинг иши эса бошқа ишлаб чиқаришларда иш ташлаш бўлаётгани сабаб, тўхтаб турибди. Давлат қаёққа қараб кетяпти, у умуман тушунмаяпти. Аслида эса, жуда осон: ҳамма нарсага Том қарагандек қараш керак, у кимга овоз берса, шунга овоз бериш керак. Шунда ҳамма адолат юзасидан олган бўларди.

– Христос социалист бўлган, – деди Том.

– Бироқ у икки минг йил аввал ўлиб кетган, – деб кўйди Саксон.

– Нима бўлибди? – ҳайрон бўлиб, сўради Том.

– Ўзинг ўйлаб кўр, – гапида давом этди қиз. – Ана шу икки минг йил ичида ўлиб кетган ҳамма аёллар ва эркаклар ҳақида ўйлаб кўр, – социализм эса ҳали бошлангани йўқ. Қим билади, яна ҳали икки минг йил ўтар – биз эса ундан ҳали ҳам узоқда бўламиз. Сенинг социализминг, Том, сенга бирор яхши нарса бергани йўқ, бу фақат орзу.

– У орзу бўлмасди, агар... – ғазаб билан гап бошлади Том.

– Агар унга ҳамма сен каби ишонганда эди. Бироқ ишониншмайди. Сен эса уларни ишонтира олмаяпсан.

– Бироқ биз йилдан-йилга кучайиб боряпмиз, – эътироз қилди Том.

– Икки минг йил – жуда узоқ вақт, – ярим товушда деди Саксон.

Акасининг чарчаган юзида ғамгин ифода пайдо бўлди; у бошини силкиди.

– Нима қиламиз, Саксон, орзу бўлса ҳам, ширин орзу.

– Мен эса орзу қилишни истамайман, – жавоб берди қиз. – Мен бу ҳаётий бўлишини истайман, ҳозирок бўлишини истайман.

Унинг кўз олдидан ҳамма нарсадан маҳрум қилинган ҳамма тентак Билл ва Саксонлар, Берт ва Мерилар, Том ва Саралар ўта бошлади. Уларга бундай ҳаётнинг нима қизиғи бор экан? Олдинда шўр сувли тоғоралар ва қабрларгина бор, холос. Мерседес ёвуз ва даҳшатли аёл, бироқ у ҳақ: тентак ва аҳмоқлар доим ақллиларнинг оёғи остида бўлади. Фақат у, Дзенинг, шеърлар ёзган аёл ва кавалерияда от минган жасур аскарнинг, ёввойилар ва ёввойи табиатдан ярим дунёни курашиб тортиб олган авлоднинг қизи Саксонгина – тентак эмас. Бунга шубҳа йўқ. Ва у йўлини топади.

Том берган икки долларга Саксон бир халта ун билан ярим халта картошка сотиб олди. Бу нарса унинг ҳар куни устрица ва чиганоклар билан ўтаётган овқатига ранг-баранглик киргизди. Италиян ва португал аёлларидан ўрганиб у ҳам пайраҳалар йиғиб уйга таший бошлади, фақат, ғурури сабаб, ташиш учун, қоронғи тушишини пойларди. Бир куни Тош девор ёнида ўтира туриб, у кумга чиқариб қўйилган балиқчиларнинг қайиғини кўриб қолди. Саксон ўтирган жойидан аланғаланиб ёниб турган олов атрофида йиғилган италян балиқчиларини аниқ кўриб турарди; улар қизариб пишган италянча нон, гўшт ва сабзавотлар солиб пиширилган рагу еб, арзон қизил вино ичиб ўтиришарди. Саксон уларнинг бемалол ўтиришларига, иштаҳаларига, кўчманчи ҳаёт эркинлигининг таъсири сезилиб турган жонли суҳбатлашиб, кулишиб ўтиришларига ҳаваси келди; бир жойга

боғланмай, уларни истаган ерларига олиб борадиган кайиқларига ҳаваси келди. Овқатланиб бўлгач, улар ботқоқли саёзликка тўр ташладилар ва ёйма тўрларини кумлоққа тортиб чиқазиб, тутилган балиқларнинг энг катталарини танлаб олдилар. Улар ниҳоят, қирғокдан жўнаб кетишганда улар ўтирган жойда кум устида минглаб майда балиқлар ётарди. Саксон бу балиқлардан бир халтасини териб олиб, икки ташишда уйига олиб келди ва кадкага тузлаб кўйди.

Саксон ҳали ҳам хаёли кетиб қолишдан азоб чекаётганди. Унинг энг ғалати қилган иши Кумли саёзликда бўлди. Бир кунни тушдан сўнг – қаттиқ шамол эсиб турарди – у ўзини ўзи қазиган чуқурда ётганини кўрди; устига қоплар ёпилган эди. У ҳатто чуқурнинг устини пайраха ва денгиз ўтларидан фойдаланиб, томдек қилиб ёшган, устига эса кум ташлаб кўйганди.

Бошқа бир марта эса, елкасида бир боғлам пайраха кўтариб кетаётган эди. Ёнида Чарли Лонг ҳам кетарди. Қиз юлдузлар ёруғида унинг юзини кўриб борар ва ўз-ўзидан йигит анчадан бери шу ердами ва унга нималар деди экан, деб сўрарди. Атроф қоронғи ва ўзи ёлғизлигига, йигитнинг кучи ва табиати ёввойилигига қарамай, у Чарлидан кўркмаётганди.

– Шундай аёлнинг пайраха териб юришига тўғри келса-я. Қандай шармандалик! – афтидан бир неча марта айтган гапини яна қайтарарди йигит. – Ахир, Саксон, бир оғиз, бир оғиз айтсангиз бўлди...

Саксон тўхтаб, йигитнинг юзига хотиржамлик билан қаради.

– Менга қаранг, Чарли Лонг. Билли бир ойга қамалган ва яқинда унинг муддати тугайди. Сиз менга нималар деганингизни унга айтиб берадиган бўлсам, ортиқ яшамайсиз. Кулоқ солинг: агар ҳозир кетиб,

мени тинч қўйсангиз, яхши, мен унга ҳеч нарса демайман. Мана, мен сизга бера оладиган жавобим.

Баҳайбат темирчи қизнинг қаршисида иккиланиб турарди. Унинг юзи кучли истак билан ёнар, қўллари беихтиёр қисилиб, очиларди.

– Бироқ сиз шунчалик кичкинасиз... – алам билан деди у, – бир қўлим билан сизни бўйсундиришим мумкин. Ҳа, мен... сиз билан нима истасам, шуни қилишим мумкин. Бироқ, Саксон, ўзингиз яхши биласиз, мен сизга ёмонлик истамайман... Бир оғиз сўз айтинг...

– Мен сизга айтиб бўлдим.

– Ғоятда ажойиб! – Беихтиёр ҳайрат билан деди йигит. – Сиз кўркмаяпсиз. Сиз ҳеч ҳам...

Улар анчагача бир-бирларига тикилиб қолишди.

– Сиз нега ҳеч кўркмайсиз? – худди коронғиликдан унинг ҳимоячиларини қидиргандек, атрофга қараб, сўради йигит.

– Чунки мен ҳақиқий эркакка турмушга чиққанман, – қисқагина қилиб, деди Саксон. – Энди эса, яхшиси, кетинг.

Йигит кетгач, у пайраҳа боғламини нариги елкасига ортиб, ғурур ва қувонч хисси билан уйига жўнади: Билл ундан турма панжаралари билан ажратилган, узокда бўлса ҳам, у эрининг кучидан қувват олганди. Чарли Лонгдек ҳайвонни бўйсундириш учун эрининг исмигина кифоя қилди.

Отто Фрэнкни дорга осилган куни Саксон уйдан чиқмади. Кечки газеталар тўлиқ хабарлар беришди. Айбдорга ҳатто шикоят қилишга ҳам вақт берилмаган экан. Сакраментода агар истаса хоҳлаган ўғри ёки жиноятчига чиқарилган ҳукмни орқароққа суриш ва ҳатто йўққа чиқаришга кучи етадиган темирйўл магнети бор экан, бироқ ишчининг ҳимояси учун у ҳам ҳеч

нарса қила олмабди. Қўшнилар шундай дейишди, Билл ва Бергдан ҳам шундай деб эшитган эди.

Эртаси куни Саксон Тош деворга қараб жўнади; унинг ёнида осилган йигитнинг шарпаси борарди, унинг кетидан эса – ундан ҳам кўрқинчлироқ бўлиб – Биллнинг шарпаси кетарди. Наҳотки Биллга ҳам шундай жазо хавф солаётган бўлса? Агар қон тўкишлар ва душманлик давом этадиган бўлса, албатта шундай бўлади! Билл – кўркмас курашчи ва боксёр. У курашишга мажбурман, деб ҳисоблайди. Бундай шароитда одам ўлдириш эса қийин эмас, агар у, масалан, штрейкбрехерни муштлай бошлайди, у эса тошгами ёки йўлкагами йиқилиб, бошини ёради. Ана шунда Биллни осишади. Ахир, Отто Фрэнкни осишди-ку. У ҳам Гендерсонни ўлдирмоқчи бўлмаганди. Гендерсоннинг бош суяги шикастланган бўлиши эса ғирт тасодиф. Фрэнкни эса осишди.

Саксон тошларга қоқилиб-суқилиб йиғлаб кетиб борарди. Вақт сездирмай ўтар, у эса ҳали ҳам ҳам чекишда давом этарди. У Тош деворнинг Окленд билан Аламида-Моле ўртасида денгизга туртиб чиққан охирига келгандагина ўзига келди. Бироқ деворнинг ўзини у энди кўрмаётган эди. Ой тўлган кеча бўлиб, баланд тўлқинлар тошларни ёпиб кетганди. Саксон тиззасигача сувда турар, атрофида эса ўнлаб катта каламушлар сузиб юрарди; улар чийинллашар, сувдан кутулмоқчи бўлиб Саксоннинг устига чиқиб кетгудек бўлишарди. Саксон кўрқув ва жирканишдан қичкириб юбориб, уларни итқитиб юборишга уринди. Каламушларнинг баъзилари шўнғиб, сув остида йўқ бўлиб кетишди, бошқалари қизга ташланишга тайёр бўлиб, унинг атрофида сузишда давом этишди, катта бир каламуш эса қизнинг бошмоқларига тишини ботирди.

Саксон бошқа оёғи билан уни босиб, эзиб ташлади ва ниҳоят, ҳали ҳам даҳшатдан титраб, атрофга хотир-жамроқ қарай бошлади. Яқинида сузиб юрган каттагина шохни олиб, каламушларни тезда ҳайдаб юборди. Шу пайтда девор олдига эшкакли кичкина қайиқ ҳайдаб бир болақай келиб қолди. У елканни очиб юборган бўлиб, шамол елканни ўйнатарди.

– Қайиққа чиқасизми? – қичқирди болақай.

– Ҳа, – жавоб берди Саксон, – бу ерда каламушлар кўп экан. Мен улардан жуда кўрқаман.

Болақай бошини ирғиб қўйди ва шамол ҳайдаётган қайиғини киз томонга йўналтирди.

– Қайиқнинг тумшугини буринг – буюрди бола. – Мана шундай. Мен суриладиган кильни² синдириб қўйишдан кўрқаяпман... Энди эса тезроқ қайиққа сакранг, менинг ёнимга!

Саксон боланинг айтганларига қулоқ солиб, қайиққа енгилгина сакраб ўтди ва унинг ёнига туриб олди. Бола тирсаги билан рулнинг дастагини босиб турди, елкан бир оз шишгандан сўнг, қайиқ сув устида енгил сузиб кетди.

– Қайиқни тушунишингиз сезилиб турибди, – кўллаб-қувватлагандек, деди болақай.

Бу ўн икки-ўн уч ёшлардаги ориққина йигитча бўлиб, кўринишидан бақувват эди, юзига сепкил тошган, катта кўзлари кулранг, тиниқ ва ўйчан эди. Қайиғи ясатилганига қарамай, Саксон бола ҳам ўзи каби халқ орасидан эканлигини дарров сизди.

– Мен ҳеч қайиқда сузмагандим, фақат паромда юрганман, – кулди Саксон.

² Киль – кеманинг тубини маҳкам тутиб турувчи, узунасига жойлашган асосий балкаси.

Болакай Саксонга қизиқиш билан қараб қўйди.

– Бундай дейиш қийин. Сиз қайиқда худди ўз уйингизда ўтиргандек ўтирибсиз. Сизни қаерга олиб боришимни хоҳлайсиз?

– Менга бари бир.

Болакай нимадир демоқчи бўлиб, оғзини очди, бироқ кизга яна ҳам диққат билан қараб, сўради:

– Бўш вақтингиз борми?

Саксон бошини ирғади.

– Биласизми, гап нимада: мен сув қайтишидан фойдаланиб олмоқчиман. Треска балиғи тутгани Эчки оролига бораман ва фақат кечкурун сув кўтарилгандагина қайтаман. Ўзим билан кўп қармоқ ва хўрак олиб олганман. Мен билан боришни хоҳлайсизми? Бирга қармоқ ташлаймиз, нима тутсангиз – ўзингизники.

Саксон иккиланди. Кичкина қайиқ боланинг ўзиники эканлиги ва тез ҳаракат қилиши уни қизиқтираётганди. Бу қайиқ Саксон шунча пайт қизиқиб томоша қилган бошқа қайиқлар каби денгизга чиқар эди.

– Сиз мени чўктириб юборсангиз-чи? – ҳазиллашиб сўради у.

Бола бошини мағрур тебратиб қўйди:

– Мен биринчи марта денгизга чиқаётганим йўқ ва мана, кўриб турибсиз, шу пайтгача чўкиб кетганим ҳам йўқ.

– Хўп, майли, – рози бўлди Саксон. – Фақат билиб қўйинг: мен эшкак эшишни билмайман.

– Шарт эмас. Ҳозир қайиламан. “Энгаш!” деб кичқиришим билан бошингизни энгаштириб, нариги бортга ўтиб ўтиринг, акс ҳолда арқон тегиб кетади.

Болакай айтганини қилди. Саксон бошини эгиб, ўзини қайиқнинг нариги томонида, боланинг ёнида кўрди. Қайиқ эса, йўналишини ўзгартириб, кўмир омборлари

жойлашган Узун соҳил бўйлаб сузиб кетди. Саксон ҳайратда эди, у елканларни бошқаришда ҳеч нарсани тушунмас, ва бу унга сирли ва мураккаб туюлаётганди.

– Қаерда ўргангансиз? – сўради у.

– Ўзим ўрганганман. Бу менга доим ёқарди, одамга бирор нарса ёқса, ўрганиши осон бўлади. Бу менинг иккинчи қайиғим. Биринчисида ҳаракатланадиган қиль йўқ эди. Мен уни икки долларга сотиб олиб, доим сув кирган бўлса-да, ўша қайикда кўп нарсага ўрганган эдим. Бунга эса қанча тўлаганимни биласизми? Ҳозир бунинг учун йигирма беш доллар беришади.

– Билмадим, – деди Саксон. – Қанча экан?

– Олти доллар? Ўйлаб кўринг-а – шундай қайик! Тўғри, бунга анча қарашимга тўғри келди; елкан – икки доллар, эшкаклар – бир доллар қирқ цент ва бўёқ учун етмиш беш цент. Бироқ ўн бир доллар-у ўн беш центга шундай нарсани сотиб олиш – жуда арзон! Қайик учун пулни мен жуда узоқ йиғдим. Одатда мен эрталаб ва кечқурунлари газета тарқатаман; бугун менинг ўрнимга бошқа бола кетган – мен унга ўн центдан бераман, тезкор чиққан сонларни эса у ўз фойдасига сотади. Агар стенография дарсларига тўлашга тўғри келмаганида мен қайикни аллақачонлар сотиб олган бўлардим. Онам мени судларда стенограф бўлиб ишлашимни хоҳлайди; улар кунига баъзан йигирма доллар ҳам ишлашади. Бироқ бу менга ҳеч ҳам ёқмайди. Дарсга пул кетказиш – қачон шунақаси бўлган?

– Сиз ким бўлишни хоҳлардингиз? – қисман нима дейишни билмай, қисман қизикқанидан сўради Саксон.

– Ким бўлишимни? – қайтарди йигитча.

Бошини аста ўгириб, у кўзлари билан уфқни кўрсатди, унинг назари Контра-Коста тепаликларининг

жигарранг чегараларида тўхтади, кейин Алькатраснинг ёнидан ўтиб, Олтин дарвозалар бўлган океанга қаради. Унинг бу қарашларида шунчалик мунг бор эдики, Саксоннинг юраги ачишиб кетди.

– Мана, – қўли билан бутун уфқни бағрига сингдиргудек ҳаракат қилиб, деди у.

– Нима мана?.. – сўради Саксон.

Болакай унинг тушунмаганига ажабланиб қараб қўйди.

– Ахир сиз ҳеч қачон... – ўз орзуларига бировнинг қўшилишини истаётгандек гап бошлади болакай, – ҳеч қачон сизга худди сиз ана у тепаликлар орқасида, унинг орқасида, орқасидагининг орқасида нима борлигини билмасангиз, ушбу хоҳишдан ўлиб қоладиганга ўхшаб туюлмаганми? Олтин дарвозалар-чи! Уларнинг ортида Тинч океани, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва... ва Маржон ороллари. Олтин дарвозалар орқали сиз хоҳлаган томонингизга: Австралияга, Африкага, денгиз мушукларининг ўлкаси Шимолий Кутбга, Горн бурнига сузиб боришингиз мумкин. Ва менга шундай туюладики, ана шу ҳамма жойлар мен у ерларни кўриш учун келишимни кутиб ётгандек... Мен бутун болалигимни Оклендда ўтказдим, бироқ бир умр шу ерда қолишни истамайман. Йўқ, раҳмат! Мен бу ердан узок-узокларга кетаман...

Ва ўз хоҳишининг улканлигини сўз билан ифода-лашга кучи етмаган бола яна қўли билан худди бутун дунёни кучгудек ҳаракат қилди.

Боланинг ҳаяжони Саксонга ҳам юкди. У ҳам, эрта болалигини айтмаса, бутун умр Оклендда яшаган. Ва шу пайтгача... бу ерда унга ёмон бўлмаганди. Энди эса, бу даҳшатли воқеалардан сўнг бир вақтлар авлодлари Шарқдан Ғарбга кетишни хоҳлаганларидек, Саксон

ҳам бу ерлардан кетиб қолишни жуда ҳам хоҳлаяпти. Чиндан ҳам, кетса-чи? Уни дунё ўзига чорлар, болакайнинг орзулари ўзининг юрагида акс этаётганини ҳис қилиб турарди. Кейин, унинг ота-боболари ҳам бир жойда кўп ўтиришмаган, доим у ердан-бу ерга кўчиб юришган. Саксон онасининг ҳикояларини эслади, онаси асраб қўйган, ярим-яланғоч ота-боболари қўлларидан қилич билан ўткир бурунли ингичка қайиқларидан сакраб тушиб, Англиянинг қонга ботган кумликларида жангга кираётганликлари тасвирланган гравюрани эслади.

– Сен англосакслар ҳақида ҳеч эшитганмисан? – болакайдан сўради у.

– Бўлмасам-чи! – хитоб қилди бола; унинг кўзлари ёниб, қизга янги қизиқиш билан қаради. – Мен бошимдан оёғимгача ҳақиқий англосаксман. Менинг кўзларимга қаранг, теримга қаранг. Қуёшда қораймаган жойларим бутунлай оппоқ. Кичкиналигимда эса сочларим оқ-малларанг эди. Онам айтадики, катта бўлганимда сочим қорайиб кетар эмиш. Бироқ мен бари бир англосаксман. Мен жангчилар қабиласиданман. Биз ҳеч нарсадан кўркмаймиз! Сиз мени шу кўрфаздан кўрқади, деб ўйлайсизми? – Бола тўлқинларга нафрат билан қараб қўйди.

– Мен уни шунақанги кучли бўрон бўлаётган пайтда кесиб ўтганман – матрослар менга ишонмай, алдаяпти, деб ўйлашганди. Тентаклар! Биз юз йиллар бурун бундайларни савалардик. Бизлар ҳамма ерда ва бизнинг йўлимизга тўганок бўлганларнинг ҳаммасидан голиб чиқардик. Биз курукликда ҳам, сувда ҳам – ҳамма ерда голиб бўлганмиз. Лорд Нелсонни, Дэви Крокетларни эсланг, Поль Жонс, Клайв, Китченер, Фремонг, Кит Керсон ва бошқаларни эсланг.

Бола гапида давом этди, Саксон эса унинг гаплари-ни тасдиқлаб, бошини силкиб турарди; унинг кўзлари ёнар ва мана шундай жасур ўғли бўлса бунинг қанчалик қувонч эканлиги ҳақида ўйларди. Унинг бутун борлиги ҳаяжонда, худди ичида аллақачон янги ҳаёт дунёга келаётгандек бўлди. Ҳа, бақувват қабила, мустаҳкам қабила! Саксоннинг хаёли ўзи билан Билга кетди: улар ҳам ана шу илдизнинг соғлом давомчилари, бироқ улар боласизликка маҳкумдирлар; улар иккалалари “тентаклар” сафига кириб қолишди ва бу дунёни одамлар айлантирган сиртмоқда ўтиришибди.

Саксон яна ёш ҳамроҳининг гапларига қулоқ тутди.

– Менинг отам Гражданлар урушида аскар бўлган эди, – дерди бола, – жанубликлар уни икки марта айғоқчи деб ушлаб олишиб, осиб юборай дейишган. Вилсон-крикдаги жангда у яраланган капитанини елкасида кўтариб, ярим милча югуриб борган. Ҳозир ҳам унинг оёғида, тиззасининг тепасида ўқ қолган. Шунча йилдан бери ўша ўқ билан юрибди, бир марта ҳатто менга пайпаслаб кўришга ҳам берган. Урушгача у бизонларни овлаб, ёввойи ҳайвонларга қопқон кўярди. У йигирма ёшга тўлгач, ўз провинциясида шериф бўлган. Урушдан сўнг эса Силвер-Ситида полиция бошлиғи бўлиб, у ердаги ҳамма безори ва урушқоқларни ҳайдаб чиқарган. Менимча, у бўлмаган штат йўқ, шекилли. Аскарликка олиш пайтида ўша йилларда хоҳлаган аскарга кучи етарди, ёшлигида Сусквеханнадаги сол окизувчиларнинг ҳаммаси ундан кўрқинарди. Унинг отаси муштлашувда бир одамни мушти билан бир уриб ўлдириб қўйган экан, у пайтда эса олтмишга чиққан экан. Етмиш тўртга чикқанида эса иккинчи хотини эгизак тукқан. Ўзи тўксон тўққиз ёшида, далада хўкизда ер ҳайдаётганда вафот этган

экан: энди ишдан тўхтаб, дарахт остига ўтирганда, шундай ўтирганча ўлиб қолган экан. Отам ҳам шундай. У ҳозир жуда қари, бироқ ҳали ҳам ҳеч нарсадан кўркмайди. Кўриб турганингиздек – ҳақиқий англосакс! Завод полициясида ишлайди, бироқ ҳали шу пайтгача иш ташловчиларга бармоғининг учини ҳам теккизмаган. Унинг юзига тош отиб ёриб ташлашган, у эса сўйилини қандайдир бир безорининг бошига бир уриб, синдириб ташлаган.

Болакай нафасини ростлаб олиш учун тўхтади:

– Мен ўша боланинг ўрнида бўлиб қолишни асло истамасдим!

– Менинг исмим Саксон!

– Бу исмингизми?

– Ҳа, менинг исмим.

– Зўр! – хитоб қилди болакай. – Бахтли экансиз! Менинг исмим Эрлинг бўлганида эди! Тушуняпсизми – Кўркмас Эрлинг ёки Вольф, ёки Свен ёки Ярл!

– Исмингиз нима ўзи? – сўради Саксон.

– Оддийгина Жон, – хафа бўлиб жавоб берди бола. – Бироқ ҳеч кимга мени бундай деб аташларига йўл қўймайман. Ҳамма мени Жек деб аташи керак. Мени Жон дейишгани учун аллақачон қанча боланинг таъзирини берганман. Шу ҳам отми – Жон!

Улар Узоқ соҳилбўйидаги кўмир омборхоналари ёнидан ўтиб кетишган бўлиб, болакай Сан-Францискога йўл солган эди. Улар энди очик кўрфазда эдилар. Фарбдан эсаётган шамол кучайиб, баланд тўлқинлар оппоқ бўлиб кўпикланарди. Қайик олдинга қараб шаҳдам сузиб кетаётган эди. Баъзан қайик ичидагиларга сув сачраб кетарди. Саксон кулар, болакай унга маъқуллагандай қараб кўярди. Сузиб кетаётган паром олдидан ўтиб кетишар экан, паромнинг юқори

палубасидаги йўловчилар булар иккаласига қараш учун борт олдига тўпланиб олишди. Кильватер тўлкинига тушиб қолиб қайикнинг ичига сув тушиб кетди. Саксон қайиқ тубидан бўш идиш олиб, савол назари билан болага қаради.

– Тўғри! – деди болакай. – Чиқариб ташлайверинг! – Қиз ишини тугатгач, деди: – Тез орада Эчки оролида бўламиз. Мен одатда баликни Торпедо станцияси ёнида, эллик фут чуқурликдан тутаман – у ерда сув кўтарилиши ва пасайиши жуда яхши сезилади. Сиз жуда ивиб кетибсиз, ҳеч нарса қилмайдими? Баракалла! Исмингиз бекорга шундай эмас экан: Саксон – бу сакслар қавмидан деганими? Сиз турмушга чиққанмисиз?

Саксон бошини силкиди; болакай хўмрайди.

– Эсиз! Сиз энди мен каби дунё бўйлаб саёҳат қила олмас экансиз. Сиз лангарни бериб қўйибсиз. Бир умрга қирғоққа боғлаб қўйилибсиз.

– Турмушга чиққан бўлиш жуда яхши нарса, – жилмайди Саксон.

– Ҳа, албатта, ҳамма турмуш куради. Бироқ бунга шошилмаслик керак. Нега сиз менга ўхшаб кутиб турмадингиз? Мен ҳам уйланиш ҳақида ўйлайман, фақат бу қариганимдан сўнг бўлади. Ундан аввал эса дунёнинг ҳамма ерига бориб кўраман.

Улар Эчки оролига шамол эсаётган тарафдан етиб келишди. Саксон айтилганга қулоқ солиб, қимирламай ўтирди, болакай эса елканни тушириб, қайиқ белги-ланган жойга етиб келгач, кичкина лангар ташлади; сўнгра қармоқларни олиб Саксонга қандай қилиб уларга хўрак ўрнатишни кўрсатиб берди. Улар қармоқни отишди ва тез оқимда қимирлаётган пўкакка қараб ўтириб, балиқ тортишини кута бошлашди.

– Яқинда тортиш бошланади, – Саксоннинг кўнглини кўтариб қўйди болакай. – Мен бу ердан доим бир талай балиқ билан кетаман. Фақат икки марта омадим келмаган. Нима дейсиз, овқатланиб оламизми?

Саксон қорни оч эмаслигини айтиб йигитчани ишонтирмоқчи бўлгани бекор кетди: яхши дўст бўлиши керакдек у ҳам ўз нонуштасини, ҳатто қайнатиб пиширилган тухум ва катта олмасигача қоқ иккига бўлди.

Бироқ балиқ ҳали ҳам тортмаётганди. Шундан сўнг Жон қайикнинг қуйруқ қисмидан муковаси канождан ишланган қандайдир китоб олди.

– Бу текин кутубхонадан, – ҳурмат билан Саксонга тушунтирди у ва бир қўли билан китоб бетини, иккинчи қўли билан эса қармоқ ипини ушлаб, ўқишга берилди.

Саксон китобнинг номини ўқиди: “Сув остида қолган ўрмон”.

– Мана, эшитинг, – деди бола бир оздан сўнг ва кизга қандайдир болакайлар плотда сузиб юришганда тошқин натижасида катта ўрмоннинг сувга чўкиб кетиши тасвирланган бир неча бетни овозини чиқариб ўқиб берди.

– Тасаввур қилинг-а, – хитоб қилди у, – мана Амазонкада тошқин вақтида нималар бўлади! Бу Жанубий Америкада. Дунёда кизикарли жойлар жуда кўп. Окленддан бошқа ҳамма ёқда кўрса бўладиган жойлар бор. Менимча, Окленд шундай жойки, оламни кезиш учун шу ердан йўлга чиқиш керак; бу ер йўлнинг боши. Ана улар ҳақиқий саргузаштларни бошидан кечиришган, мен сизга айтсам! Бу болаларнинг нақадар омади келганини тасаввур қилинг-а! Ҳечқиси йўқ! Мен ҳам қачонлардир келиб Амазонка-

нинг юқори қисмида Анд тоғларидан ўтиб, қайиққа ўтираман ва бутун каучуклар мамлакатидан ўтман, кейин эса дарё орқали минглаб мил куйига қараб дарё бошланадиган, энг кенг, бир қирғокдан иккинчиси кўринмайдиган ва ердан юзларча мил нарида океандан ажойиб тоза сув олса бўладиган жойгача тушаман.

Бироқ Саксон боланинг гапини ортиқ тингламаётган эди. Унинг миясига битта сеҳрли гап ўрнашиб қолганди: Окленд – бу фақат йўлнинг бошланиши. У ҳеч қачон она шахрига бундай назар билан қарамаган эди. У буни охириги мақсад деб, бутун умр яшайдиган жойи деб қарар, асло йўлга отланиши керак бўлган жой, деб ўйламасди. Нега йўқ экан? Нега энди бу ерни темирйўл станцияси ёки кема пристани деб қараш мумкин эмас? Ишлар бундай бўлиб турган ҳозирги пайтда бу ерда қолишдан маъно йўқ; болакай ҳақ. Бироқ, қаерга боради? Шу ерда унинг фикрини кучли силкиниш бузди; кўлидаги қармоқнинг ипи тортилди. Қиз тезлик билан уни торта бошлади. Болакай эса каттагина балиқ қайиқ тубида пайдо бўлмагунча уни қўллаб-қувватлаб турди. Саксон балиқни чиқазиб, янги хўрак ўрнатди ва яна қармоқни ташлади, бола эса китобда келган жойини белгилаб, уни ёпди.

– Яқинда балиқлар шундай тортишга бошлайдики, ўтирилишга ҳам улгурмаймиз, – деди у.

Бироқ балиқ ҳали ҳам кўринмасди.

– Сиз капитан Майн-Ридни ҳеч ўқиганмисиз? – сўради бола. – Ёки капитан Марриетни! Беллентайничи?

Қиз бошини чайқади.

– Яна англосакслар авлодидан эмиш! – кесатди болакай. – Ахир бундай китоблар текин кутубхонада тикилиб ётибди! Менда иккита абонемент бор –

онамники ва ўзимники. Дарсдан кейин газеталарни тарқатишдан олдин ҳар доим китобимни алмашти-
раман. Мен китобни олд томонимдан кўйлагимнинг тагига тиқиб кўяман, тушиб кетмайди. Бир марта, Иккинчи кўча ва Маркет-плейс тарафларда газета тарқатиб юрганымда – биласизми у ерларда қандай безорилар бор! – мен ўшаларнинг бошлиғи билан муштлашганман. У қулочини ёзиб туриб бор кучи билан қорнимга туширганда қўли китобга тегди. Сиз унинг башарасини кўрсангиз эди! Ўша пайтда мен уни боладим! Бутун шайка менга ташланмоқчи бўлди. Яхши ҳам иккита ишчи аралашиб, ҳамма нарса қондаси билан бўлишини талаб қилишди. Мен китобимни уларга ушлаб туриш учун бериб қўйдим.

– Ким ютди? – сўради Саксон.

– Ҳеч ким эмас, – истамайгина жавоб берди бола. – Менимча, мен ғалаба қозонишим керак эди, бироқ ишчилар дуранг деб ҳисоблашди, чунки ярим соатгина муштлашганимиздан сўнг полициячи бизни ажратиб қўйди. Лекин қанақа кўп одам тўпланганини кўрсангиз эди! Баҳс бойлашаман, у ердаги одамлар беш юздан кам эмасди!

Бола бирдан ҳикоясини тўхтатиб қармоқни силтаб тортди. Саксоннинг қармоғи ҳам қимирлаётган эди. Икки соат ичида икковлари йигирма футга яқин балиқ тутишди.

Кечкурун, бутунлай қоронғи тушгач, кичкина қайиқ Оклендга қайтиб кетди. Кучсиз бўлмаган, тоза ҳаво эсар ва қайиқ орқасида бола тутиб олиб қайиқнинг қуйруқ қисмига боғлаб қўйган баҳайбат пояларни судраб аста сузиб кетарди. Бола бу пояларни ўтин ўрнига кетади, “истаган одам уч долларга олади” деди. Тўлин ой ёруғида сув аста кўтарилиб борарди. Саксон

кетишаётганда олдидан ўтишган ҳамма жойларни: ремонт қилувчи доқлар, Қумли саёзлик, Маркет-стрит причали ва бошқаларни таниётган эди.

Болакай қайиқни Кастро-стрит бошидаги қайиқ пристанига йўналтирди. У Саксон балиқларни чиқариб олишга ёрдам бергани учун тутганларини тенг иккига бўлишни талаб қилиб туриб олди, бироқ поялар ўзигагина тегишли эканлигини исботлаб бериш учун унга яхшилаб сувдан хўжасиз молларни тутадиган одамларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам тушунтириб берди.

Еттинчи кўча ва Поплар-стрит бурчагида улар хайрлашишди ва Саксон кўлида юки билан ёлғиз ўзи Пайн-стритдаги уйига қараб кетди. Бу узоқ чўзилган кунда жуда чарчаганига қарамай, у ўзини тетик ҳис қилаётган эди. У балиқни тозалаб, ўрнига ётди. Ухлаётиб, ҳаётлари яна изга тушгандан сўнг Биллдан, албатта, қайиқ сотиб олишни сўрашга ва улар иккаласи Саксон бугун боргандек, якшанба кунлари денгизга чиқишларига аҳд қилди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Шу кеча Саксон ҳеч қандай туш кўрмай хотиржам ухлади ва анча кунлардан бери биринчи марта қайфи чоғ ҳолда, дам олиб турди. У худди ўзини босиб турган юқдан озод бўлгандек ёки қуёшни тўсиб турган сояни олиб ташлагандек, ўзига келганини ҳис қилди. Хаёллари тиниқ эди. Бошини сиқиб турган темир гардиш йўқолган эди. Кўнглида қандайдир қувонч бор эди. У ҳатто балиқни уч бўлакка: ўзига, миссис Олсен ва Мэгги Донэхьюга бўлаётиб овозини чиқариб ашула айтаётганини сезиб қолди. У қўшнилари билан маза

килиб валаклашди ва қайтиб келгач, анчадан бери ёйилиб ётган уйини йиғиштиришга тушди. Ишлаётиб у ашула айтар ва ашуланинг оҳангларида унга: Окленд – бу фақат йўлнинг боши, деган сўзлар эшитилаётганди.

Ҳамма нарса аниқ эди. Билл ва унинг олдида кўйилган вазифа мактабдаги арифметика мисолидек осон: узунлиги шунча-шунча фут, эни шунча-шунча фут бўлган хонанинг полини ёпиш учун қандай катталиқдаги гилам керак бўлади? Шундай ўлчамдаги хонанинг деворларига ёпиштириш учун қанча гулқоғоз кетади? Шунча пайтдан бери унинг мияси яхши ишламаётган эди, у кўп хатолар қилди, нима қилаётганини билмаётган эди. Чиндан ҳам. Бироқ булар ҳаммаси қийинчиликдан. Ва бу қийинчиликларда унинг айби йўқ. Билл билан содир бўлган нарса у билан ҳам юз берган эди. Эри ўзини ғалати тутганининг сабаби у нима қилаётганини билмаётган эди. Ва уларнинг ҳамма қийинчиликлари тузоққа тушган одамнинг қийинчиликлари эди. Бу тузоқ – Окленд. Окленд – бу тезда жўнаб қолиш керак бўлган жой!

Саксон турмушга чиққандан сўнг бўлиб ўтган ҳамма воқеаларни хаёлидан ўтказди. Ҳаммасига сабаб иш ташлаш ва оғир вақтлар эди. Агар иш ташлаш ва уйининг олдидаги муштлашув бўлмаганда, у боласидан айрилмаган бўларди. Билл мажбурий бекорчилик ва аравакашларнинг натижасиз курашларидан умидсизликка тушмаганда, ичиб кетмаган бўларди. Агар шунчалик қийналмаганларида эди, уйлари ижарага бермаган бўлишарди ва Билл турмага тушмасди.

Ва Саксон қарор қилди: шаҳар Билл ва ўзи учун эмас, севги-муҳаббат ва ёш болалар учун эмас. Йўли жуда осон. Улар Окленддан кетишади! Фақат тентакларгина уйда қолиб, тақдирга тан бериб

ўтиришади. Йўқ, Билл ва Саксон тентак эмас. Улар бу ердан кетишади ва тақдир билан курашишади. Қаерга кетишларини у ҳали билмасди. Ушанда кўришади. Дунё кенг. Қаердадир, шаҳарни ўраб турган тепаликлар орқасидами, Олтин дарвозалар ортидами, улар ўзларига керак нарсани топишади. Болакай бир нарсада адашганди: турмушга чиққанига қарамай Саксонни Оклендга ҳеч нарса боғлаб турмайди. Дунёнинг бағри ўзи ва Биллга нисбатан, олам кезиш учун йўлга чиққан олдинги авлод вакилларига қанчалик очик бўлса, уларга ҳам шунчалик очик. Фақат тентакларгина бутун бир халқлар йўлга тушган пайтда доим орқада қолганлар. Кучлилар доим олдинда кетишган. Билл билан Саксон эса кучлидирлар. Улар узоқ-узоқларга боришади.

Биллнинг турмадан чиқиши арафасида Саксон уни кутиб олиш учун камтаргина тайёргарчилик кўриб қўйди. Унинг пули йўқ эди, агар эрини хафа қилиб қўйишдан қўрқмаганда у Сан-Францискога бориб келиш учун Мэгги Донэхьюдан билет учун қарз олиб, у ерда ўзининг бир-икки чиройли нарсасини сотиб келган бўларди. Уйда фақат нон, картошка ва тузланган сардиналар бўлиб, ўша куни кечкурун, сув пасайган маҳалда чиганоқлар териб келиш учун у кирғоққа борди. У ерда денгиз келтирган тараша-пайраҳаларни, дарахт шохларини териб, соат тўққизда елкасида бир боғлам ўтин ва белкурак, қўлида эса челақ тўла чиганоқ билан уйига қайтди. Кўчанинг охиригача бориб, ҳеч ким кўриб қолмаслиги учун кўчанинг қоронғи томонига ўтди. Бироқ рўпарадан қандайдир аёл келаётган бўлиб, у Саксонга тикилиб қараб, юришдан тўхтади. Бу Мери эди.

– Саксон, вой Худойим! – хитоб қилди у. – Наҳотки кунинг шунга қолди?

Саксон ўзининг бир пайтлардаги дугонасига қаради ва бу аёлнинг бутун ҳалокатини тушуниш учун бир марта қараш кифоя қилди. Мери ориқлаб кетган, ёноқлари ҳар доимгидан қизилроқ эди, бироқ бу қизиллик Саксонни алдай олмади. Дугонасининг катта кўзлари илгаригидан ҳам каттароқ ва чиройлироқ эди – улар ҳаддан ташқари катта, ҳаддан ташқари ёрқин ва хавотирли эди. У яхши кийинган бўлиб, бироқ ҳаддан ташқари ясан-тусан қилиб олган ва унинг бутун туришида қандайдир асабийлик сезилиб турарди. Мери орқасига, қоронғиликка кўрқибгина қараб қўйди.

– Худойим! – шивирлади Саксон. – Сен... – У жим бўлиб қолди, сўнг яна гап бошлади: – Юр меникига.

– Агар мен билан кўриб қолишларидан уялсанг... – илгаригидек сачраб кетиб, қизнинг гапини бўлди Мери.

– Йўқ, йўқ! – уни тинчитмоқчи бўлди Саксон. – Мана бу ўтинлар билан чиганоклар... Кўшнилари кўриб қолишини истамайман. Кетдик.

– Йўқ, Саксон, бора олмайман. Хоҳлардим, бироқ кира олмайман. Фрискога борадиган энг яқин поездга улгуришим керак. Мен сени анчадан бери кутиб тургандим, орқа эшикни тақиллатдим. Ҳамма ёқларингиз қоронғи экан. Билл ҳали ҳам ўтирибдими?

– Ҳа, эртага чиқади.

– Мен бу ҳақда газеталарда ўқидим, – шошиб гапида давом этди Мери. – Бу ҳодиса юз берганда мен ўзим Стоктонда эдим. Умид қиламанки, сен мени айбламаётгандирсан? – деярли алам билан Саксонга ёпишиб кетди Мери. – Мен ўз уйимда яшаб кўрганимдан кейин ишлашга ўзимда куч топа олмадим.

Ишлаш жонимга тегиб кетган, афтидан шунчалик кучимни олганки, ҳеч нарсага ярамайман. Турмушга чиқишимдан олдин кирхона қанчалик жонимга тегиб кетганини билсанг эди! Энди эса бундай ҳаёт – қандай даҳшат. Сен тасаввур ҳам қила олмайсан! Чин сўзим, Саксон, сен юздан бирини ҳам билмайсан! Оҳ, ўлиб қўя қолсам эди, ўлиб ҳаммасидан қутула олсам эди! Саксон, менга кара... Йўк, ҳозир эмас, ҳозир айта олмайман. Эшитяпсанми, поезд Эделайн-стритга яқинлашяпти, шошилишим керак. Сеникига келиб турсам майлими?

– Қани, гапинг кўпайиб кетди, бўла қол! – эркак овози Мерининг гапини бўлди.

Унинг орқасида қоронғилиқдан эркак киши чиқиб келди. Саксон унинг ишчи эмаслигини дарров тушунди. Яхши кийинган эканлигига қарамай бу одам жамият поғонасида ҳар қандай ишчидан ҳам пастда турарди.

– Кетяпман, бир дақиқа, – ялинди Мери.

Мерининг сўзлари ва оҳангидан дугонаси йўлканинг ёруғ қисмидан нарироқда туришни афзал кўраётган бу йигитдан кўрқишини Саксон дарров тушунди.

Мери яна дугонасига қараб ўтирилди.

– Майли, мен энди кетишим керак, хайр, – кўлқопининг ичидан нимадир олаётиб, деди Мери.

У Саксоннинг қўлини тортиб, кафтига пул тутқазди. Саксон пулни олишни ҳеч қанақасига хоҳламагани учун қайтиб дугонасининг қўлига тутқизди.

– Йўк, йўк, – ялинди Мери. – Ўтган кунларимизни эслагин. Кейинги сафар сен менга ёрдам берасан. Тезда кўришамиз. Хайр.

Хўнграб йиғлаганча, у бирдан Саксонни кучоқлаб, бағрига босди. Сўнг ажралиб, бир қадам орқага таш-

лади, титраганча ёнаётган кўзлари билан дугонасига каради.

– Қани, кетдик, кетдик! – қоронғилиқдан эркак кишининг буюрган овози эшитилди.

– Оҳ Саксон... – Мери йиғлаганча қоронғида ғойиб бўлди.

Уйга келгач, Саксон чироқни ёкиб, чўнтагидан пулни чиқарди. Бу беш долларлик танга, Саксон учун жуда катта бойлик эди. Кейин у Мери хақида, у жуда кўрққан одам хақида ўйлади. У бу кайғули ҳодиса учун айбни ҳам Оклендга тақади. Мана, Окленд ҳалок қилганлардан яна бири. Саксон қаердадир бу каби аёллар ҳаётининг ўртача давомийлиги беш йил атрофида, деб эшитган эди. У пулга яна бир бор каради-да, сўнг раковина ичига ташлаб юборди. Чиганокларни тозалар экан, танганинг қувур бўйлаб жаранглаб тушаётганини эшитди.

Фақат Билл хақидаги ўйларгина эртаси куни эрталаб раковинанинг тагидаги винтини бураб, у ердаги нарсалар тўпланиб қоладиган жойдан тангани олишга мажбур қилди. Унга қамокдагиларни жуда ёмон боқишади, деб айтишган эди, шунинг учун ўттиз кунлик қамокдан кейин эрини фақат биргина чиганок ва қотган нон билан кутиб олиш жуда аламли туюлди. У эрининг нонга қалин қилиб сариеғ сурилганини яхши кўришини, қизиган товада юмшоқ қилиб қовурилган қалин бифштексни қанчалик маза қилиб ейишини, қуюқ қаҳвага қанчалик хурсанд бўлишини жуда яхши биларди.

Билл уйга соат ўнда келди. Саксон уни энг чиройли кўйлагига кутиб олди. Йигит секин зинадан кўтарилиб чиқар экан, қиз эрини кўзлари билан кузатиб турди. Агар кўчанинг нариги томонида кўзини лўқ қилганча

Билга тикилиб турган болалар бўлмаганда, у эрининг олдига югуриб чиқарди. Бироқ йигит эшик туткичига қўлини теккизар-теккизмас, эшик очилиб кетиб, эшикни елкаси билан беркитишга тўғри келди, чунки қўллари билан аллақачон Саксонни қучоқлаб олган эди. Йўқ, у нонушта қилмаган, энди хотини ёнидалигида овқат ейишни ҳам хоҳламайди. У соқол-мўйловини олдириш учун сартарошнинг олдида ушланиб қолибди. Кейин эса қўлида пули бўлмагани учун, бутун йўлни яёв босиб ўтишига тўғри келди. Энди жуда ҳам ювиниб олиб, бошқа кийим кийиб олишни истайди. У ўзини тартибга келтириб олмагунча хотини олдига яқинлашинини ҳам истамайди.

Ювиниб, кийиниб олгач, у опхонада Саксоннинг нонушта тайёрлашига қараб ўтирди. У дарров хотини нима ёкаётганига эътибор бериб, уларни қаердан олганини сўради. Дастурхон ёза туриб, Саксон эрига ёқилгани қаердан олгани, уюшмани безовта қилмай туриб, қандай кун кечирганини айтиб берди, овқатлангани ўтиришганда эса бир кун олдин Мерини учратганини айтди, бироқ беш доллар ҳақида оғзини очмади.

Бифштекснинг биринчи бўлагини чайнашга бошлаган Билл тўхтаб қолди. Унинг юзидаги ифода Саксонни чўчитиб юборди. Йигит шу заҳоти оғзидагини ликопчага туфлаб ташлади.

– Сен гўштни унинг пулига сотиб олган эдингми? – жаҳл билан сўради у. – Ёнингда пул йўқ эди, гўшт дўконида кредитинг ҳам, гўшт қаердан? Тўғри топдимми?

Саксон бошини қуйи солди.

Йигитнинг юзи даҳшатли тус олди, кўзларида Саксон биринчи марта йигит Визел-паркда учта ирлан-

диялик йигит билан муштлашганда кўргани одамнинг этини сескантирадиган хотиржамлик пайдо бўлди.

– Яна нима сотиб олгансан? – кўпол ҳам эмас, асабий ҳам эмас, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган совуқ бир товуш билан сўради у хотинидан.

Бироқ Саксон, булар жуда ғалати кўринаётган бўлса-да, кўнгли тинчиди. Ахир буларнинг аҳамияти борми? Окленддан яна нима кутиш мумкин? Окленд орқада қолгандан, фақат йўлнинг боши бўлиб қолгандан кейин, бу ҳам орқада қолади, унутилади.

– Қахва ва сариёғ, – жавоб берди Саксон.

Билл ўзининг ва Саксоннинг ликопчасидаги овқатни товага ағдарди, устига сариёғ ва сариёғ суртилган нонни ҳам кўйди, темир идишдаги қахвани ҳам тўкди. Буларнинг ҳаммасини ҳовлига олиб чиқиб, ахлат идишига ташлаб келди. Тайёрланган қахвани раковинага тўкиб юборди.

– Уч доллар саксон цент, – санаб, эрига узатди Саксон. – Гўштга қирқ беш цент тўлагандим.

Йигит пулга қаради, қайтиб санаб, эшикка қараб юрди. Саксон эшик очилиб, ёпилганини эшитди: эри пулни кўчага отиб юборганини тушунди. Йигит ошхонага қайтиб кирганда, Саксон унинг олдига бошқа тоза ликопчада қовурилган картошка кўйди.

– Робертсларда доим ҳамма нарсанинг энг яхшиси бўлиши керак, – деди у. – Бироқ бундай мазали нарсалардан кўнглинг айнайди. Шунчалик сасиб ётибди.

Билл қовурилган картошка, кесилган қуруқ нон бўлаги ва олдидаги стакандаги сувга қаради.

– Ҳаммаси жойида, – эрининг иккиланаётганини кўриб, жилмайди Саксон. – Уйда ҳаром нарса қолгани йўқ.

Хотинининг юзида истехзо аломатини кўриб қолишдан кўрқиб, йнгит унинг юзига қаради, хўрсиниб, жойига ўтирди. Сўнгра шу захотиёқ ўрнидан туриб, Саксонни бағрига босди.

– Мен ҳозир ейман, бироқ аввал гаплашиб олишимиз керак, – деди у ўтириб, хотинини кучоқлаганча. – Кейин, сув – қаҳва эмас, совиб қолса ҳам, ёмон бўлиб қолмайди. Энди, кулоқ сол! Менда бор ҳамма нарса бу – сенсан. Сен мендан ва ҳозиргина қилган ишимдан кўрқиб кетганинг йўқ ва мен жуда хурсандман. Кел, энди Мерини эсдан чиқарамиз. Менинг ҳам юрагим тошдан эмас: мен ҳам сенга ўхшаб унга ачинаман. Мен унинг учун кучим етган ҳамма нарсани қилишга тайёрман, Христос қилгандек унинг оёғини ювиб кўйишга ҳам тайёрман. Керак бўлса менинг уйимда яшаб, менинг дастурхонимдан овқатлансин. Бироқ булар ҳаммаси у ишлаб топган пулни мен ишлатишим учун сабаб бўла олмайди. Энди эса уни эсдан чиқар. Ҳозир фақат сен ва мен бормиз, Саксон, – фақат сен ва мен! Қолгани муҳим эмас. Ҳеч қачон энди мендан кўрқишинга тўғри келмайди. Виски ва мен – ортик дўст эмасмиз; мен уни эсимдан чиқаришга аҳд қилдим. Мен сенга ёмон муносабатда бўлдим, у мен эмас эдим. Бироқ энди ҳаммаси орқада қолди ва бошқа қайтарилмайди. Мен ҳаммасини бошқатдан бошламоқчиман.

Энди кулоқ сол: мен бундай ўйламасдан иш қилишим керак эмасди. Мен эса шундай қилдим. Олдин сен билан маслаҳатлашишим керак эди. Мен эса маслаҳатлашмадим. Мени қизиққонлигим йўлдан урди – ахир табиатимни ўзинг биласан-ку. Бироқ одам рингда совуққон бўла олар экан, демак, у оилавий ҳаётда ҳам шундай бўла олади. Менинг буларни

ўйлашга шунчаки вақтим бўлмаган эди. Мен чидамайдиган ва ҳеч қачон чидай олмайдиган нарсалар бор. Мен бундан азоб чекишимни сен ҳам истамайсан ва мен ҳам сен ўзингга ёқмайдиган нарсалар билан келишишингни истамайман.

Эрининг тиззасида ўтирган Саксон қаддини ростлаб, унинг юзига тикилди:

– Билл, сен жиддий гапираяпсанми?

– Ҳа, албатта.

– Унда мен сенга энг чидашим қийин бўлган нарсани айтаман. Бу мен учун ўлимдан ҳам ёмон.

– Бу нима экан? – бир оз жим туриб сўради Билл.

– Ҳаммаси сенга боғлиқ, – деди Саксон.

– Унда айт.

– Сен нимани ўз елкангга олаётганингни билмайсан, – огоҳлантирди Саксон. – Балки кеч бўлмасдан гапингдан қайтарсан?

Йигит қайсарлик билан бошини чайқади.

– Чидаш мумкин бўлмаган нарсага сен ҳам чидашингга тўғри келмайди. Қани, айт.

– Биринчидан, – гап бошлади Саксон, – штрейкбрехерларни ов қилишни бас қиласан.

Йигит гапирмоқчи бўлиб оғзини очди, бироқ индамай қўя қолди.

– Иккинчидан, Оклендда шунча яшаганимиз етар.

– Мана бу гапни тушунмадим.

– Оклендда шунча яшаганимиз етар. Бўлди. Бу мен учун ўлимдан қийин. Бу ердан нарига кетамиз.

Йигит хаёлида хотинининг гапларини тарозида тортиб кўрди.

– Қаерга? – сўради у ниҳоят.

– Бирор ерга. Қаерга бўлса ҳам. Чекиб олиб, ўйлаб кўр.

Йигит бошини тебратиб, хотинига тикилиб қаради.

– Бу гапларни жиддий айтяпсанми? – узок сукутдан сўнг сўради у.

– Ҳа. Сен бифштекс, қаҳва ва сариёғни ташлаб юборишни хоҳлаганингдек, мен ҳам тезроқ Окленддан кетгим келяпти.

Саксон эри жавоб беришдан олдин бутун асаблари тараф тортилганини сизди.

– У холда, сен шунчалик хоҳлаётган бўлсанг – майли. Окленддан кетамиз. Бутунлай. Ер ютсин бу Оклендни! Мен бу ерда ҳеч яхши нарса кўрмадим. Қерда бўлса ҳам иккаламиз учун ишлаб пул топишга кучим етар, деб умид қиламан. Ана энди, бу ишни ҳал қилиб бўлганимиздан кейин, менга айтиб бер: нима учун бу ерни шунчалик ёмон кўриб қолдинг?

Ва Саксон унга ўзининг охирги пайтда ўйлаганларини, бу шаҳарни унга ёмон кўрсатиб қўйган ҳамма сабабларни айтиб берди, ўзининг яқинда доктор Гентлининг олдига боргани ва Биллнинг ичганларига, ҳаммасини айтиб берди. Билл хотинини бағрига маҳкамроқ босиб, ўзининг ваъдасини қайтарди. Вақт ўтиб борарди. Қовурилган картошка совиб, печка ҳам ўчиб қолганди.

– Яхдек совук, – деди йигит, сўнг хотинига ўтирилди: – Ясаниб чик. Айланиб келамиз. Шаҳарга бориб, бирор жойда овқатланиб, менинг қайтиб келганимни байрам қиламиз. Агар ҳамма нарсани ташлаб, лангарни кўтармоқчи эканмиз, буни байрам қилишимиз керак. Яёв юришимизга тўғри келмайди. Сартарошдан ўн цент қарз оламан, гаровга бериб, маза қилиб айш-ишрат қила олишимиз учун менинг баъзи бир арзимас нарсаларим бор.

“Арзимас нарсалар” Биллинг бир вақтлар ҳаваскорлар мусобақаларида олган олтин медаллари экан.

Гаровга олаётган Сэм амаки бундай медалларнинг кўпини кўрган эди. Ёшлар унинг олдидан чиқишганда Биллинг чўнтагида бир ҳовуч кумуш танга жирингларди.

Билл худди ёш бола каби қувноқ эди, Саксон ҳам. Йигит бурчакдаги тамаки дўкончаси олдида бир пачка тамаки сотиб олиш учун тўхтади, бироқ фикрини ўзгартириб, папирос сотиб олди.

– Маза қилишми маза қилиш! – кулди у. – Бугун ҳамма нарсанинг яхшиси бўлиши керак, мен бугун ҳатто папирос чекмоқчиман. Ҳеч қандай ошхона-ю, япон ресторани эмас, бугун Барнумникига борамиз.

Ва улар Еттинчи кўча билан Бродвей бурчагидаги – бир пайтлар тўй зиёфатлари ўтган ресторанга қараб кетишди.

– Билл, кел иккаламиз ўзимизни худди турмуш қурмаганга соламиз, – таклиф қилди Саксон.

– Майли, – рози бўлди Билл, – алоҳида хона буюрамиз ва хизматчи ҳар сафар киришдан олдин эшикни тақиллатсин.

Бироқ Саксон алоҳида хона олишга рози бўлмади.

– Билл, бу жуда қиммат бўлиб кетади. Ҳар бир эшик чертиш учун чойчақа бериш керак бўлади. Яхшиси, умумий залга кирамиз.

– Хаёлингга келган ҳамма нарсани танла, – ўтиришгандан сўнг, сахийлик билан деди Билл. – Мана бифштекс, порцияси – бир ярим доллар. Хоҳлайсанми?

– Фақат яхши қовурилган бўлсин, – деди Саксон. – Яна қора қахва. Бироқ аввал устрица – мен ўзим терганларим билан солиштириб кўраман.

Билл бошини силкиб, менюдан кўзларини узди.

– Бу ерда чиганоклар ҳам бор экан. Ўзингта бир порция буюргин, улар сен Тош деворлардан олиб келганларингдан яхшимикин, кўрамиз.

– Зўр! – хитоб қилди Саксон; унинг кўзлари чарақларди. – Бутун дунё бизники! Биз саёхлармиз ва бу ердан ўтиб кетяпмиз.

– Ҳа, айнан шундай, – хаёл билан тўнғиллади Билл (у театр эълонларини ўқиётган эди), сўнг бошини кўтариб, деди: – Кундузги спектакль бор экан. Йигирма беш центдан чипта олишимиз мумкин... Эҳ, бўлмади! Мен янглишдим!

Биллнинг овози шундай ғамгин, хавотирли янградики, Саксон кўрқиб кетди.

– Вақтида билганимда “Форум”да овқатлансак ҳам бўларди. Бу Рой Бланшарга ўхшаганлар вақтини ўтказадиган зўр исловатхона. Биз улар учун букри бўлиб топадиган пулларимизнинг ҳаммасини улар ўша ерда совуришади.

Улар Бэлл театрига чипта сотиб олишди, бироқ ҳали вақтли бўлгани учун, вақтни тезроқ ўтказиш мақсадида, Бродвейда айланиб, кинога ҳам тушишди. Биринчи бўлиб ковбойлар ҳаёти тўғрисида фильм бўлди, кейин французча комедия, охирида эса, воқеалар қаердадир Марказий штатларда рўй берадиган кишлоқ ҳаёти намоён этиладиган фильм кўрсатишди. Бу фильмда воқеалар ферма ҳовлисидаги кўринишдан бошланарди. Томошабинлар кўз олдида куёш нурида ёп-ёруғ кўринаётган молхона бурчаги ва буталар пайдо бўлди, ерга баланд, шохлари тарвақайлаб кетган дарахтларнинг жимжимадор сояси тушиб турарди. Ҳовли товук, ўрдак, куркалар билан тўла бўлиб, улар оёқлари билан ерни титкилаб юришарди; орқасида бутун бир тўда – еттита

семизгина чўчкачалари билан каттакон чўчка товукларни туртиб-суриб ўртада юрар, товуклар ҳам ўз навбатида чўчка болалари оналаридан орқарокда қолишлари билан уларни чўкилаб, аламларидан чиқарди. Тўсиқ орқасидан уйкусираган от қараб турар ва вақти-вақти билан қуёшда ялтираётган думини ликиллаптиб кўярди.

– Кун қанақа иссиқлигини, пашшалар отнинг жонига тегаётганини сезяпсанми? – шивирлади Саксон.

– Албатта сезяпман. Думини қанақалигини қара! Ҳақиқий дум. Бирор нарса ёқмаса думи билан жиловга қараб урса керак; агар бу отнинг номи “Темир Дум” эканлигини билсам, ҳеч ҳам ажабланмасдим.

Кучук пайдо бўлди. Чўчка кўркиб кетиб, болалари билан кулгили ҳолда қоча бошлади, ва ҳаммалари кўздан йўқолишди. Уйдан ёш қиз чиқиб келди, унинг орқасида кенг шляпаси осилиб турар, фартуги эса олдига югуриб келган паррандаларга бериш учун олиб чиққан дон билан тўла эди. Тепадан қаердандир қаптарлар ҳам учиб келиб, товукларга аралашиб кетишди. Кучук қайтиб келиб бу патли жонзотлар ичида кўзга кўринмай юра бошлади У думини ликиллаганча, қизга қараб жилмаярди. Орқада эса, девор ортидан от бошини чиқариб, уйкусираганча думини кимирлатиб, бошини тебратар эди.

Ҳовлига ёш йигит кириб келди ва кино билан тарбияланаётган томошабинлар гап нимадалигини дарров тушунишди. Бирок Саксонни севги саҳнаси, йигитнинг ялинишлари ва қизнинг енгилгина қаршилиқ қилиши қизиқтирмаётган эди – унинг назари қайта-қайта жўжаларга, дарахтларнинг жимжимадор

сояларига, куёш киздирган молхонанинг деворларига ва тинмай думини силкитаётган отга тушарди.

Саксон Биллнинг пинжига яқинроқ сурилди, кўлини унинг тирсаги тагидан ўтказиб, бармоқларини сиқди.

– Вой, Билл, – хўрсинди у. – Мен ўзимни еттинчи осмондадек ҳис қилдим. – Ва фильм тугаганда у яна деди: – Спектакль бошлангунча вақтимиз хали кўп! Қолиб ана шу фильмни яна бир марта кўрамиз.

Улар программани яна бошидан ҳаммасини кўришди ва экранда ферма кўринганда Саксон унга борган сари ортиб бораётган ҳаяжон билан тикилди. У энди яна янги нарсаларни: ферманинг орқасида чўзилиб кетган далани, уфқдаги баландликларни ва беғубор осмонни кўрди. У кўп товуклар ичидан бир нечтасини ажратиб кўйди, айниқса тумшуғи билан товукларни туртаётган чўчкаларга жаҳл қилаётган курк товук унга ёқди. Бу товук чўчка болаларини чўқилаб, тепадан ёмғирдек тушаётган донларга ташланаётганди. Саксон далалар ортидаги тепаликларга қаради: бу ерда ҳамма нарсадан кенглик, тўқлик, эркинлик уфуриб турарди. Саксоннинг кўзларига ёш келиб, хурсандлигидан товуш чиқармай йиғлаб юборди.

– Агар шундай от мени думи билан уришни ўйлаб қолса, уни қандай ўқитиб кўйишни мен яхши биламан.

– Мен эса Окленддан кетганимиздан сўнг қаерга боришимизни биламан, – деди Саксон.

– Қаерга экан?

– Ана у ерга...

Билл Саксонга қараб, унинг экранга тикилиб турганини кўрди.

– О!.. – деди йигит ва ўйламосираб кўшиб кўйди: – чиндан ҳам, нега бўлмас экан?

– Билл, сен розимисан?

Ҳаяжондан унинг лаблари титраб, товуши чиқмай қолди, нималардир деб шивирлади.

– Ҳа, албатта, – деди йигит: бугун у подшоҳ каби сахий эди. – Сенинг хоҳлаган нарсанг бўлади. Мен бор кучим билан ҳаракат қиламан... Мен ўзим ҳам доим кишлокқа интилганман. Биласанми, мана шунга ўхшаган отларни ярим баҳосига беришганини кўрганман... уларни қандай ўргатишни эса мен жуда яхши биламан.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Билл ва Саксон Еттинчи кўча ва Пайн-стрит бурчагида трамвайдан тушиб уйларига қайтишаётганда ҳали вақтли эди. Улар нарсалар харид қилиб, ажралишди. Саксон овқат тайёрлаш учун уйга, Билл эса у қамокда ўтирганида бутун ой давомида иш ташлаган аравакаш дўстларини кўргани кетди.

– Билл, эҳтиёт бўлгин, – эрининг ортидан кичқирди Саксон.

– Хотиржам бўл, – елкаси оша унга қараркан, жавоб берди Билл.

Биллнинг жилмайишидан Саксоннинг юраги уриб кетди. Бу Биллнинг бурунгидек севгига тўла, беғубор жилмайиши эди. Унинг юзидаги бу севгини Саксон бир умр кўришни хоҳларди ва бунинг учун ўзининг ва Мерседеснинг тажрибасидан келиб чиқиб аёлларга хос бўлган ҳамма усулни қўллаб, курашишга тайёр эди. Унинг хаёлига кувноқ фикр келиб, майин кинояли жилмайиш билан комодининг тортмасида ётган чиройли кийимларини эслади.

Бир соатга етар-етмас овқат тайёр бўлиб, Саксон қўй гўштидан тайёрланган котлетларни иссиқ товада олдига қўйиш учун зинада Биллнинг қадам товушлари

эшитилишини кутиб ўтирарди. Кўча эшиги ғирчиллаб, ёпилди, бироқ Биллнинг қадам товушлари ўрнига, кўлаб оёқларнинг тартибсиз шитирлаши эшитилди. У эшикка қараб югурди. Олдида Билл турар, бироқ бу ҳозиргина кўчада хайрлашгани Билл эмас эди. Унинг бошида шляпаси йўқ, уни қандайдир болакай қўлида ушлаб турарди. Биллнинг юзи ҳозиргина ювилган, тўғрироғи сув сепилган эди, елкаси ва кўйлаги бутунлай ҳўл бўлиб, рангсиз ҳўл сочи қондан қорайиб кетган бўлиб, пешонасига ёпишиб қолган, қўллари ҳаракатсиз осилиб ётарди. Бироқ юзи сокин бўлиб, у ҳатто кулаётганди.

– Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида, – Саксонни тинчитди у. – Бу сафар омадим келмади. Бир оз чимчилаб кўйишди, ҳали кўрсатиб кўямиз. – У эҳтиётлик билан остонадан ўтди. – Йигитлар, киришлар. Ҳаммамиз ҳам тентакмиз.

Унинг орқасидан хонага шляпа кўтарган бола, Бэд Стродзерс, яна битта Саксон яхши танийдиган аравакаш ва иккита нотаниш одам киришди. Булар иккаласи баланд бўйли, бақувват йигитлар эди. Улар Саксондан кўркқандек, айбдорона қараб туришарди.

– Саксон, ҳаммаси жойида, – яна бошлади Билл, бироқ Бэд унинг гапини бўлди:

– Уни аввал ўринга ётқизиб, устидаги кийимларини қирқиб олиш керак. Унинг иккала қўли синган, адабини берганлар эса мана булар.

У нотаниш йигитларга томон ишора қилди, улар эса айбдорларча бошларини эгиб туришарди.

Билл каравотга ўтирди, Саксон лампани ушлаб турди, Бэд ва нотаниш йигитлар эса унинг куртқаси, кўйлаги ва ичкўйлагини қирқиб олишди.

– Қабул пунктига боришни хохламади, – Саксонга деди Бэд.

– Үлиб қолсам ҳам бормайман, – деди Билл. – Мен доктор Гентлига одам юбордим. Ҳозир етиб келади. Мана шу инкаала қўлим – менинг бойлигим. Улар менга тоза хизмат қилишган ва мен шунга яраша жавоб қилишим керак. Студентлар менинг қўлимда тажриба қилишларига қўйиб қўймайман.

– Бу қандай қилиб юз берди ўзи? – Биллдан кўзини узиб, нотаниш йигитларга қараб, сўради Саксон; уни йигитларнинг бир-бирларига дўстона муносабатлари чалғитаётган эди..

– Уларнинг ҳеч ҳам айби йўқ, – шоша-пиша гапга аралашди Билл. – Хато содир бўлди. Булар Фрисколик аравакашлар, бу ерга бизга ёрдам бериш учун келишган. Оклендда ҳозир улар жуда кўпчилик.

Биллнинг бу сўзларидан кейин йигитлар сал ўзларига келиб, бошларини силкитишди.

– Чиндан ҳам шундай, миссис... – бўғиқ овозда деди улардан бири. – Адашдик... Хуллас, шайтон йўлдан урди!

– Асосийси – ичиб олгандик... – кулди Билл.

Саксон нафақат ҳаяжонланмаётган эди – у худди шуни кутиб тургандек эди. Шундай бўлиши керак эди. Окленддан бошқа нарсани кутиб бўлмайди – бу шаҳар унга ва унинг яқинларига етказган нохушликлар устига яна биттаси эди, бунинг устига Биллнинг жароҳатлари унчалик хавфли эмасди. Қўлининг сингани ва бошидаги яралар битиб кетади. Саксон стул келтириб, ҳаммани ўтиришга таклиф қилди.

– Энди нима бўлганини айтиб беринглар, – хотиржамлик билан деди у. – Бу йигитлар нима учун унинг қўлларини синдириб, кейин уйга олиб келиш-

гани, энди эса бу ерда худди унинг энг яхши дўстларидек ўтиришганини тушунмаяпман.

– Сиз бутунлай ҳақсиз, – таъкидлади Бэд Стродзерс.
– Биласизми бу ҳодиса...

– Бэд, бўлди қил, – дўстининг гапини бўлди Билл. – Сен ҳеч нарсани кўрганинг йўқ-ку.

Саксон Сан-Францисколик аравакашларга ажабланиб қаради.

– Гап шундаки, биз бу ерга ёрдамга келган эдик, – гап бошлади йигитлардан бири, – биз Оклендлик йигитлар қийналишаётганини эшитгандик. Ва бир нечта штрейкбрехерга юк ташишдан ҳам бошқа машғулотлар борлигини кўрсатиб ҳам қўйгандик. Хуллас, Жек билан қўлимизга бирорта қушча тушиб қолмасмикин деб пойлаб юрсак, эрингиз шошилиб кетяпти – қочиб қоляпти. Шунда у...

– Тўхта, – унинг гапини бўлди Жексон. – Бир бошидан гапиргин. Биз ҳамма болаларни юзидан таниймиз, сизнинг эрингизни эса илгари ҳеч кўрмаган эдик, ахир у...

– Вақтинча олинган, дейишгандек, – гапида давом этди биринчи йигит. – Ва биз уни кўришимиз билан уни қисқа йўл билан биздан қочиб қолмоқчи бўлаётган штрейкбрехер деб ўйладик...

– Кэмбелнинг дўкони орқасидаги йўл билан, – қўшиб қўйди Билл.

– Ҳа, Кэмбелнинг дўкони орқасида, – гапида давом этди биринчи аравакаш. – Биз унинг Мюррей ва Рэди агентлиги ёллаган ифлослардан бири эканлигига амин эдик.

– Биз Билл билан бир марта биттасини ушлагандик, – гап қўшди Бэд.

– Албатта, биз, вақтни кетказиб ўтирмадик, – Саксонга қараб гапида давом этди Жексон. – Бу бизнинг штрейкбрехернинг адабини биринчи марта беришимиз эмас эди. Улар дарров ипақдек майин бўлиб қолишарди. Сизнинг эрингизни биз айнан ўша тор кўчада ушладик.

– Мен эса Бэдни кидириб юргандим, – тушунтирди Билл. – Болалар менга у ўша тор кўчанинг нариги бошидалигини айтишганди. Шунда Жексон менинг олдимга келиб олов сўради.

– Мен эса дарров ўз ишимни бошладим, – тугатиб кўя қолди биринчи йигит.

– Қанақа ишни? – сўради Саксон.

– Мана бундай ишни, – йигит Биллнинг бошини кўрсатди. – Мен уни хушидан кетказдим. У худди кушхонадаги ҳўкиздедек йиқилди, кейин тиззасига кўтарилиб, нималардир дея бошлади: нима қилиб бу ерда турибсизлар, мен сизларни ушлаб турганим йўқ, йўқолларингми, шунга ўхшаган... Кейин биз уни шу холга солдик...

Йигит ҳаммаси айтиб бўлинди дегандек, жим бўлди.

– Иккала кўлини лом билан синдиришибди, – тушунтирди Бэд.

– Суякларим қисирлаганда, мен ўзимга келдим, – уларнинг гапини тасдиқлади Билл. – Иккаласи тепамда туриб, тишларини гичирлатишяпти: “Озгина дам олишингга тўғри келади”, дейди Жексон. Эсон эса “Ана шу қўлларинг билан жилов ушлашингни кўраман энди”, дейди. Шу пайт Жексон “Бунга яна бир кўрсатиб кўяйлик!” деб тишимга бир урди.

– Йўқ, – йигитнинг гапини тузатди Эсон, – тишингга мен урдим.

– Бари бир, – мен яна беҳуш йиқилдим, – хўрсиниб кўйди Билл. – Ўзимга келганимда эса Бэд, Энсон ва Жексон учовлари колонка олдида устимдан сув қуйишаётган экан. Кейин эса ҳаммамиз репортёрлардан қочиб, биргалашиб уйга қараб кетдик.

Бэд Стродзерс муштини кўтариб, янги яраларни кўрсатди.

– Репортер тоза босди, нима гаплигини жуда ҳам билгиси келаётганди! – У Биллга ўгирилиб қаради: – Шунинг учун мен Тўкқизинчи кўчада қайрилиб, Олтинчи кўчадагина сизга етиб олдим.

Бир неча дақиқадан сўнг доктор Гентли келиб, ҳамма эркакларни хонадан чиқариб юборди. Улар доктор Биллга қараб бўлгунича кутиб туришди, чунки у ўзини яхши ҳис қилаётганига ишонч ҳосил қилишни исташаётган эди, шундан сўнг жўнаб кетишди. Доктор Гентли, ошхонада қўлини юва туриб Саксонга охирги кўрсатмаларни берди. Қўлларини артар экан, бурни билан искаб, устида қозонча қайнаётган плитага қаради.

– Чиганокларми? – сўради у. – Қаердан сотиб олдингиз?

– Сотиб олганим йўқ, – жавоб берди Саксон. – Мен ўзим териб келдим.

– Ботқоқданми? – кизиқиб қолиб сўради доктор.

– Ҳа.

– Тез ташлаб юборинг! Узоқроққа ташлаб юборинг! Улар ўлимга олиб келади! Менда учта тиф билан оғриганлар бўлди, сабаби – ана шу чиганоклар билан ботқоқлик.

Доктор кетгандан сўнг Саксон унинг айтганини қилди. “Оклендга қарши яна бир айблов, – ўйлади у: –

Окленд – тузок, у очликдан ўлдира олмаётганларни захарлаб ўлдиради”.

– Бу ахволда, одам ичиб юборади, – Саксон олдига қайтиб кирганда, ингради Билл. – Ахир шунақа ҳам бахтсизлик бўладими? Рингда шунча урушиб бирор марта суюгимни синдирмаган эдим, ҳозир эса иккала қўлим бундай бўлиб ўтирибди!

– Баттар бўлиши ҳам мумкин эди, – жилмайиб деди Саксон.

– Нима эканлигини билсам бўладими?

– Бўйнингни синдиришлари мумкин эди.

– Балки, ўшанда яхшироқ бўлармиди. Йўк, Саксон, нима ёмонроқ бўларди, менга айтгин!

– Илтгимос.

– Қани?

– Агар сен бундай воқеалар қайтарилаверадиган Окленддан кетишга рози бўлмаганингда ёмонроқ бўлмасмиди?

– Энди мендан қандай фермер чиқишини тасаввур қиляпман. Қўлинг ўрнига мана бу ғўлалар билан қандай ер хайдайман, – тажанглик билан деди Билл.

– Доктор Гентли синган жойи илгаригидан ҳам бакувват бўлади, деб ишонтиряпти. Оддий синишларда шундай бўлишини сен ўзинг ҳам жуда яхши биласан. Энди эса, кўзингни юмиб, ухлашга ҳаракат қил. Чарчагансан, ўзингга келиб олишинг керак.

Йигит Саксоннинг гапига қулоқ солиб, кўзларини юмди. Саксон муздек қўлини унинг бўйни остига қўйиб, кимирламай ўтирди.

– Қандай яхши, – пичирлади йигит. – Саксон, муздеккинасан. Қўлинг ҳам, ўзинг ҳам муздек. Сен билан бўлиш – тор хонада рақс тушгандан сўнг тунги соф ҳавога чиқишга ўхшайди.

Бир қанча вақт жим ётгач, йигит бирдан секин кулиб юборди.

– Нима бўлди? – сўради Саксон.

– Ҳеч нарса. Мен анави тентаклар мени дўппослаганларини кўз олдимга келтираётгандим – мени-я – ўз вақтида, нечталиги эсда ҳам йўқ, қанчалаб штрейкбрехерларни бошлаган одамни-я!

Эртаси кун Билл уйғонганида кечаги ғамгин фикрлардан ҳеч нарса қолмаган эди. Саксон опхонадан туриб эри берилиб ғалати оҳанглар чиқаришга уринаётганини эшитди.

– Мен янги кўшиқ ўргандим, сен ҳали билмайсан, – хотини кўлида бир финжон қаҳва билан олдига кирганда тушунтирди йигит. – Мен фақат нақоратини эслаб қолдим. Қария қизига уйланмоқчи бўлаётган батрак йигитга насихат қиляпти. Билл Мэрфининг уйлангунча юрган таниш қизи доим шу ашулани айтиб юрарди. Жуда ҳам ғамгин ашула. Мэми ҳар доим шу ашуладан йиғларди. Мана, нақоратини эшитгин. Буни қария айтаётгани эсингдан чиқмасин.

Билл тантана билан айта бошлади:

*Қизимни яхши кўргин
Уни қилмагин хафа,
Менинг вафотимдан сўнг
Ҳовли-ю, уй ва ферма
Бари сизларга бўлар.
Сизларга қолдирарман:
Отлар-у омочни ҳам,
Сигир ва барча қўйлар,
Ҳамда товукларим ҳам...*

– Менга ана шу товуклар ёқиб кетди, – тушунтирди Билл. – Ашула ҳам ўзи кечаги фильмдаги товукларни кўрганимда эсимга тушганди. Бир кун келиб бизнинг

ховлимизда ҳам шундай товуклар бўлади! Тўғрими, кампир!

– Қизимиз ҳам бўлади, – Билнинг гапига кўшиб кўйди Саксон.

– Мен эса ана шу чолга ўхшаб қизимизга уйланмоқчи бўлган йигитга ана шу сўзларни айтаман, – хаёл суришда давом этди Билл. – Ахир қиз болалар тез катта бўлишади.

Саксон қачонлардан бери эсидан чиқиб кетган укулелесини ғилофидан чиқарди.

– Менда ҳам сен учун янги кўшиқ бор, Билл. Том доим шу кўшиқни айтиб юради. У ҳам ер сотиб олиб, ўша ерда ишлашни жуда хохлаяпти, бироқ Сара бу гапни эшитгиси ҳам келмайди. Мана, эшит:

*Бўлар бизнинг фермамиз,
Мол-қол, сарой, богимиз.
Ерларни ҳайдайман мен,
Донни-чи, ташийсан сен!*

– Фақат, ерларни мен ҳайдайман, деб ўйлайман, – деб кўйди Билл. – Саксон, менга анави кўшиғингни айтиб бергин. Бу ҳам фермерларнинг кўшиғи.

Эрининг илтимосини бажарган Саксон энди қахва совуб қолишини айтиб, Биллни овқат ейишга мажбур қила бошлади. Йигит бутунлай ёрдамга муҳтож бўлиб, Саксон уни ёш боладек овқатлантиришига тўғри келди ва иккалалари гаплашиб ўтиришди.

– Мен сенга бир нарсани айтиб қўймоқчиман, – қахвасини хўплар экан, Саксонга қараб деди Билл. – Қишлоқда ўрнашиб олишимиз билан сен бир умр орзу қилган отингни олиб бераман. Бутунлай ўзингни бўлади, миниб юришинг мумкин, бойлаб қўйишинг мумкин ёки сотиб юборишинг – нима хоҳласанг шуни қиласан.

Бир оз ўйлаб туриб, у яна гапида давом этди:

– Қишлоқда менинг отларни тушунишим жуда керак бўлади; бу катта ютуқ. От билан боғлиқ хоҳлаган ишни топишим мумкин. Бошқа дала ишларини эса тез ўрганиб оламан. Менга қара, сен биринчи марта менга отинг бўлишини орзу қилишингни айтган кунинг эсингдами?

Ҳа, Саксоннинг ёдида эди. Кўзидан оқай деяётган ёшларни ушлаб қолиш жуда қийин бўлаётганди. Уни қувонч чулғаб олган бўлиб, хаёлига кўп нарсалар – қийин пайтлар келишидан олдин уни Билл билан бўлажак ҳаётга бўлган ҳамма умидлари – келаётган эди. Энди бу умидлар яна қайтадан туғилди. Агар уларни бахт алдаган бўлса, майли – Саксон ва Билл янги бахтни ахтариш учун йўлга тушишади, орзуларини рўёбга чиқаришади ва кечаги фильм улар учун ҳақиқатга айланади.

Бирдан юрагида пайдо бўлган хавотир билан Саксон ойнада ўзига қараб олиш учун Берт вафот этган хонага кирди. Йўқ, у деярли ўзгармаган. У ҳали ҳам севги учун курашишга тайёр. Уни гўзал деб айтиб бўлмайди – буни ўзи ҳам биларди, Бироқ Мерседес унга эркакларни бўйсундирган буюк аёллар ҳеч ҳам гўзал бўлишмаганини аймаганмиди? Шундай бўлса ҳам, ўзини ойнага солар экан, Саксон ўзининг мафтункор эканлигини тан олмай қолмади. Мана унинг ажойиб кулранг катта-катта кўзлари. Бу кўзлар доим чакнаб, чарақлаб туради. Мана унинг қошлари – рози бўлмай иложи йўқ – улар кам-кўстсиз: қалам билан чизилгандек, сочидан бир оз қорамтирроқ; ва қошлари бир озгина шакли бузуқ, бироқ табиатининг бўшлигини эмас, аксинча қизиққонлигини бўрттириб турадиган бурнининг шакли билан жуда мос тушган.

Саксон шу билан бирга юзлари сал салкиганини, лаблари бурунгидек кип-кизил эмаслигини, ёноқларининг кизиллиги ҳам илгаригидек ёрқин эмаслигини кўриб турарди. Бироқ булар ҳаммаси қайтиб келади. Унинг оғзи расмли журналлардаги гўзалларники каби гунчадек эмас, бироқ чиройли, унга қараши ёкимли, у гўё кулиш ва кулгисини бошқаларга ҳам юктириш учун яралгандек. Саксон жилмайди – лабларининг четида чуқурчалар ҳосил бўлди. У ўзи кулганида атрофдагилар ҳам унга қараб беихтиёр жилмайишларини биларди. У яна кулди: олдин фақат кўзлари билан кулди – бу фокусни ўзи ўйлаб топганди – кейин бошини орқага ташлаб кўзлари билан ҳам, бир қатор дурдек оппоқ бақувват тишларини кўрсатиб оғзи билан ҳам кулиб юборди.

Саксон “Германия”даги ўша кечада Чарли Лонгнинг кавушини тўғрилаб кўйгандан сўнг йигит унинг тишларини қандай мактаганини эслади. “Улар йирик ҳам эмас, айна пайтда майда ҳам эмас, – деган эди ўшанда Билл. – Улар жуда ажойиб ва сизга жуда ярашиб турибди”. Кейин кўшиб кўйган эди: “Улар шундай чиройлики, одамнинг еб кўйгиси келади”.

Саксоннинг хаёлига Билл бир пайтлар унга айтган ҳамма мактов сўзлари кела бошлади. Унинг эркаловчи сўзлари, мактовлари, унинг ҳайрати Саксон учун бутун дунё бойлигидан афзалроқ эди. У хотинига териси духобадек майин, ипакдек силлиқлигини айтарди. Саксон енгини елкасигача очиб юзини кўлининг терисига ишқади: терисининг майинлигини синамоқчи эди. Эри уни “маст қиладиган” дерди, яна айтардики, бошқа йигитлар кизлар тўғрисида шундай дейишганда у Саксонни учратмагунча бу нималигини ҳам тушунмаган экан. Яна у Саксоннинг овози тиниқ эканлиги ва

бу пешонасидаги хотинининг кўли каби унга ажойиб таъсир қилишини айтарди. Бу товуш мусаффо енгил шабада каби унинг ичига кириб боради. Билл унинг товушини дарёнинг иссиқ кундан кейин кечкурун келадиган нафасига ўхшатарди. Саксон аста гапирганда эса унинг овози оркестрда ўйнаётган виолончель каби майин ва юмшоқ.

У хотинини ўзининг “Ҳаёт эликсири” деб, чаққон ва жасур, нозик ва сезгир зотли от деб атайти. Унга хотинининг кийиниши ҳам ёқади. Унинг фикрича, хотинининг эгнидаги ҳамма кийими унинг товуши каби, териси ва сочининг ифори каби Саксоннинг ажралмас қисми экан.

Қомати-чи! Саксон ўрнидан туриб ўзини сонидан бошлаб оёғининг учигача ойнада кўриш учун ойнани энгаштирди. Юбкасининг бел қисмини текислаб, сал юқорига кўтарди: Оёқлари ҳали ҳам чиройли. У яна диққат билан белини, кўкракларини, бўйинини, бошини кузатди ва кўрганларидан қониқиб, хўрсиниб кўйди. Билл, афтидан унинг қомати француз аёллариники каби, Анетта Келлерман унга етишига анча бор деганида ҳақ бўлган бўлса керак.

Ўша пайтларда қандай чиройли гапларни гапирган эди, — эрининг ўша гапларини эслаб ўзига ўзи деди Саксон. Унинг лаблари! У Саксондан ўзига турмушга чиқишни сўраган ўша якшанбада бундай деган эди: “Мен сиз гапираётганингизда лабларингизга қараб ўтиришни яхши кўраман. Гапим кулгили, бироқ лабларингизнинг ҳар бир ҳаракати енгил ўпичга ўхшайди”. Ва ўша куни сал ўтиб яна “Мен сени биринчи кўрган дақиқамданок ёқтириб қолган эдим” деган эди. Эри унинг рўзғорни яхши юритишини мақтаган, у билан яхши овқатлана бошлаганини,

кулайликда яшаётгани, ўртоқларини меҳмон қила олаётгани ва яна пул ҳам орттира олаётганини айтган эди. Саксон яна эрининг бир куни уни бағрига босиб, хотини дунёдаги энг ажойиб аёллигини айтган эди.

Саксон яна бир марта ойнада бошидан оёғигача қаради. Мана, у қанақа – бақувват, келишган! Ҳа, у – чиройли. Ва у ютиб чиқади. Агар Билл ўз мардонворлиги билан зўр бўлса, Саксон ҳам ўз назокати билан зўр. Саксон ўзларининг ажойиб жуфтлик эканликларини ва эри унга бера олиши мумкин бўлган энг яхши нарсаларга ўзининг лойиқ эканлигини яхши тушунади. Бироқ ўз-ўзидан кўнгли тўла туриб бу нарса унинг кўзини кўр қилмади: ўзига холис баҳо бера туриб у эрига ҳам холис баҳо бераётганди. Билл муаммолар қийнамаган, онги ичкилик билан захарланмаган вақтда у ҳам хотини берган ва бера олиши мумкин бўлган ҳамма нарсага лойиқ эди.

Саксон яна охирги марта ойнада ўзига қаради. Йўқ! У ўзи ва Биллнинг севгиси ҳали тириклиги каби ҳали кучга тўла. Фақат яхши шароит керак ва уларнинг севгиси яна гуллаб-яшнайти. Улар Окленддан кетиб, ана ўша яхши шароитни излаб топишади.

– Билли! – қичқирди у, кўзгуни гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб

– Нима бўлди? – сўради йигит жавобан.

– Мен ўзимни яхши кўриб қолдим, – қичқирди қиз.

– Бу яна қандай ўйин бўлди, – йигитнинг хайрон бўлган овози эшитилди. – Нега ўзингни яхши кўриб қолиш хаёлингга келди?

– Чунки сен мени севасан, – жавоб берди Саксон. – Мен ўзимнинг бутун борлигимни, Билли, ҳар бир томиримгача яхши кўраман, чунки... чунки сен ҳам буларнинг ҳаммасини севасан.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Кунлар Саксон учун билинмай ўтарди: у Биллга қарар, уй ишларини бажарар, келажак учун охири йўқ режалар тузар ва ўзи тиккан чиройли нарсаларни сотарди. Бу иш учун Биллдан рухсат олишнинг ўзи бўлмади, бироқ эри охири рози бўлди.

– Мен ҳали киймаган нарсаларимнигина сотаман, – туриб олди қиз. – Бир жойда маҳкам ўрнашиб олганимиздан сўнг янғисини тикиб олиш мен учун қийин эмас.

Сота олмаган нарсалари, дастурхон, сочик ва чойшабларини, ўзи ва Биллнинг ортиқча кийимларини у Томниқида қолдирди.

– Хўп, – деди Билл. – Бугун сенинг кўчангда байрам. Ҳамма нарса сен айтганча бўла қолсин. Сен – Робинзон Крузосан, мен эса – сенинг Жумавойнингман. Қаерга қараб боришимизни сен ҳал қилдингми?

Саксон бошини тебратди.

– Қандай қилиб саёҳат қиламиз?

Саксон бир оёғини кўтарди, кейин иккинчисини, – унинг оёқларида сал катталашиб турсин деб бугун эрталаб кийиб олгани йўл бошмоқлари бор эди.

– Ўзимизнинг икки оёқдами?

– Аждодларимиз Фарбга ана шундай келишган, – гурур билан деди Саксон.

– Демак, ҳақиқий дайдиларга ўхшаб пиёда кетамиз. Мен аёл-дайдилар ҳақида ҳали эшитмагандим!

– Шундай аёл рўпарангда турибди. Кейин, Билли, яёв юришнинг ҳеч ҳам уят жойи йўқ. Менинг онам прериянинг анча қисмини яёв босиб ўтган. Ўша пайтларда деярли бугун америкаликларнинг оналари узоқ сафарларга чиқишган. Одамлар нима дейишла-

рининг мен учун ҳеч ҳам аҳамияти йўқ. Менимча, бизнинг қабиламиз неча асрлардан бери дунё кезади, биз ҳам доимий яшаш учун ёқиб қоладиган бир парча ерни қидириб дунё кезишга чиқамиз.

Бир неча кундан сўнг, Билнинг бошидаги яра, кўлининг суяклари ҳам битиб, у ўрнидан туриб, хона ичида юра оладиган бўлди. Бироқ иккала кўли ҳали ҳам тахтакачада бўлиб, у бурунгидек ёрдамга муҳтож эди.

Доктор Гентли унинг хизмати учун ёшлар ўзлари учун яхши кунлар келганда ҳақ тўлаш таклифига нафақат рози бўлди, балки ўзи таклиф қилди. Саксонни қизиқтираётган давлатга қарашли ерлар тўғрисида у ҳеч нарса билмас экан. Бироқ, унинг фикрича, давлат ерлари бўлиб бериладиган пайтлар ўтиб кетган.

Том эса, аксинча, давлат ерлари истаганингча борлигини таъкидларди. У Асал кўли, Шаста ва Гумбольдт округлари ҳақида гапирди.

– Бироқ йилнинг бу пайтида у ерларга боришингизнинг кераги йўқ, ахир қиш яқинлашиб келяпти, – Саксонни фикридан қайтаришга уринди Том. – Сизлар жанубга қараб, иссиқ ўлкаларга томон юришинглар керак. У ерларда қор бўлмайди. Мана сизларга йўл: Сан-Хосе ва Салинасга бориб, у ердан Монтеридаги соҳилларга боринглар. Монтеридан жанубга қараб кетганда ўрмон кўрикхоналари ва мексика ранчолари билан бирга давлат ерлари бор жойларни кўрасизлар. У жойлар жуда қаровсиз, ҳатто тўғри йўллар ҳам йўқ. Аҳоли фақат молбоқарлик билан шуғулланади. Бироқ у ерларда сизлар секвойялар ўсиб ётган дараларни, океангача чўзилиб кетган ҳосилдор ерларни кўрасизлар. Мен ўтган йили ўша ерларда бўлиб, ҳамма ёғини ўрганиб чиққан бир йигит билан гаплашиб

қолгандим. Мен ҳам сизларга ўхшаб шаҳардан жон-жон деб кетган бўлардим, бироқ Сара буни эшитишни ҳам хохламайди. У ерда ҳозир олтин ҳам топишган. У ерларга ҳозир сон-саноксиз олтин қидирувчилар боришган, икки-учта, айтишларича жуда ҳам бой кон топилган. Бироқ бу анча нарида, соҳилбўйидан узоқроқда. Ўша ерларга борсанглар бўлади.

Саксон бошини чайқади.

– Биз олтин эмас, товуқ боқиб, сабзавотлар етиштириш мумкин бўлган жой изламоқчимиз. Отабоболаримиз бир пайтлар олтин қидириш учун ҳамма имкониятлари бўлган, уларнинг бойликларидан нима қолди?

– Сен ҳақсан, – сингисининг гапига қўшилди Том. – Улар бир умр узоқдаги қуйруқ деб олдиларидаги ўпкадан қуруқ қолиб яшашган. Масалан, сенинг отангни олсак. У Сан-Францискода Маркет-стритдаги учта ҳовлини эллик доллардан сотиб юборганини айтиб берган эди. Ҳозир ўшаларнинг нархи беш юз мингдан. Билл амаки-чи? Унинг сон-саноксиз ранчолари бор эди. У шунга қоникдими? Йўқ. У албатта чорвачилик бўйича магнат, ҳақиқий Миллер ва Люкс бўлмоқчи эди. Охирига келиб эса Лос-Анжелосда ойига қирқ доллар маош оладиган тунги қоровул бўлиб дунёдан ўтди. Замона руҳини ёдингдан чиқарма – ҳозир бутунлай бошқа замон. Ҳозир ҳамма ёқда буюк ишлар кетяпти, биз эса майда одамлармиз. Қариндошларимизнинг айтишича, улар Фарбий кўриқхонада яшаган экан, бу тахминан ҳозирги Огайо штати жойлашган ерлар. У пайтларда ҳар бир одам ер олиши мумкин эди, фақат хўкизларни кўшиб Тинч океанигача ғарбга қараб арава кетидан минглаб миллар юриш керак бўлар эди. Бу минг миля ва ер

майдонлари уларга қарайдиган одамларнигина кутиб турганди. Бир юз олтмиш акр – бу унча-мунча эмас! Ўша пайтларда Орегонда ер участкалари олти юз қирқ акрдан кам эмасди.

– У пайтларда замон шунақа эди: олдинда қўл тегмаган ерлар, хоҳлаганингча олавер. Бироқ биз Тинч океанигача етганимизда, давр ўзгарди: катта ишлар бошланиб кетди. Катта ишлар эса катта ишбилармонларни талаб қилади; ва ҳар бир катта ишбилармонга эса қиладиган иши бойлар учун ишлаш бўлган минглаб майда одамлар тўғри келади. Майда одамлар – булар ютқизадиганлар, тушунясанми? Агар бу уларга ёқмайдиган бўлса, марҳамат, кетверишсин, лекин бу билан уларга енгил бўлиб қолмайди. Улар энди бундан узоқроққа бора олишмайди: ахир энди борадиган жойлари йўқ! Хитой узоқ, Хитой билан бизнинг ўртамизда шўр сувли жойлар бор, у ерларни эса ҳайдаб бўлмайди.

– Бу ҳаммаси жуда яхши тушунарли, – деб қўйди Саксон.

– Ҳа, – гапида давом этди Том. – Бироқ биз буларни кеч бўлгандан кейингина тушундик.

– Йирик тадбиркорлар – булар ақллироқ бўлган инсонлар, – деди Саксон.

– Йўқ, уларнинг шунчаки омади келган, – эътироз билдирди Том. – Кимлардир ютди, ютқизганлар ютганлардан ҳеч нарсада қолишмаган бўлсалар-да, бироқ кўпчилик ютқизди. Бу нарса худди кўчада уларга ташланган майда пулни деб олишиб кетган болаларнинг муштлашувига ўхшайди. Ва улар ҳаммаси узоқни кўра олмайдиганлар эди, деб ҳам бўлмайди. Масалан, сенинг отангни олайлик, у Янги Англияда туғилган, оиласи мустаҳкам эди, авлодлари ишбилармон эди, ўз

бойликларини кўпайтира олардилар. Сен тасаввур қилгин-а: отангинг жигарими, буйраги касал эди ёки бод касали бўлиб, у бахтини излаб дунё кезишга, аёлларнинг кўнглини олишга ва Фарбдаги ҳар бир бурчакни ўрганиб чиқишга кучи етмасди? У ҳолда у Сан-Францискода яшаб қолиб, Маркет-стритда учта ҳовли қилган, янги ерлар сотиб олиб, кема компанияларининг акциядорларидан бири бўларди, кўчмас мулк билан олди-сотди қилиб, темир йўллар ва ерости йўллари ўтказган бўларди.

Хўш, қани, айт-чи, йирик ишбилармондан қаери кам? У жуда ҳам ғайратли одам эди, бир зумда таваққал қарорларни қабул қиларди, яхдек совуққон ва ҳиндулар каби ўжар эди. Ва у, албатта, ўша пайтлардаги бу уятсиз ишбилармонлар ва бандитлар орасида, бир пайтлар ҳамма гўзал аёлларнинг қалбига йўл топганидек, бемалол ўз йўлини топиб кетган бўларди. Буларни менга Кэди айтиб берган эди; у сенинг отанг билан урушда бирга жанг қилган экан.

Агар отанг Сан-Францискода қолиб кетганда, балки Фарбнинг энг бой одамларидан бири бўларди. У ҳолда сен ҳозир бой аёл бўлиб, Европада сайр қилиб юрган бўлардинг. Ҳозир анави Флуд ва Крокерлар яшаётган Ноб-Хиллда катта қаср қуриб, Фэйрмаунг-отель ва яна шундай бир нечта концертлар акцияларининг катта қисмига эгалик қилган бўлардинг.

Нега энди бундай эмас? Ахир отанг етарли даражада ақлли эмасмиди? Ҳеч ҳамда, у жуда ақлли эди.

Бироқ унга замон руҳи тинчлик бермаётган эди, ичида ҳамма нарса аралашиб кетган эди, у бир жойда ўтира олмаётган эди. Шунчаки Флуд ва Крокерлар оиласидаги аёлларга нисбатан сенинг омадинг келма-

ди. Сенинг отанг ревматизм билан оғрмай қолди — шу, холос!

Саксон хўрсиниб, сўнг жилмайиб қўйди.

— Бари бир мен уларнинг ҳаммасидан зўр чикдим! — деди у. — Бу оиланинг қизлари боксёрга турмушга чиқиша олмайди, мен эса чикдим.

Том синглисига аввалига ҳайрон бўлиб қараб қолди, сўнгра борган сари ҳайратлана бошлади.

— Мен биттагина нарса айта олишим мумкин, — тантана билан деди у. — Биллнинг омади келди — у ҳатто қанчалик омади келганини тасаввур ҳам қила олмайди!

Ниҳоят, доктор Гентли Биллнинг қўлидан тахта-качларни олиб ташлашга рухсат берди. Саксон эрига яна икки ҳафта ётиши кераклигини, шунда ҳеч қандай асорат қолмаслигини айтди. У пайтга келиб ижара уйга пул тўлаш вақти ҳам келиб қолади ва улар икки ой учун қарз бўладилар. Бироқ уйнинг эгаси Билл ўрнидан турмагунча кутишга рози бўлди.

Саксон белгилаган куни Сэлингер уй жиҳозлари учун агент юборди ва у Биллга етмиш доллар қайтиб берди.

— Қолганини биз ижара учун ушлаб қолдик, — тушунтирди агент. — Энди бу жиҳозлар тугилган саналади. Сэлингер учун бу зарар, у буларнинг барини қайтиб олишга мажбур эмас эди. У сизларга яхшилик қилгани эсингиздан чиқмасин, агар яна жой керак бўлса, бемалол келаверинглар.

Ана шу пул ва Саксон нарсаларини сотиб топган пулларини қўшиб, улар анча-мунча майда қарзларини узишди ва яна уларда бир неча доллар қолди ҳам.

– Мен учун қарз – заҳардан баттар, – Саксонга деди Билл. – Биз энди уйнинг эгаси билан доктор Гентлидан бошқа ҳеч кимга қарз эмасмиз.

– Унисини ҳам, бунисини ҳам кўп кутгиришимиз керак эмас. Бу уларнинг ҳамёнларига тўғри келмайди.

– Уларнинг кутишларига тўғри келмайди, – хотиржам жавоб берди Билл.

Саксон тасдиқлагандек жилмайиб қўйди: у ҳам Билл каби қарзни ёмон кўрарди; қатъий ахлоқ руҳида тарбияланган Фарбнинг биринчи пионерлари ҳам қарзни ёмон кўришган эди.

Биллнинг уйда йўқлигидан фойдаланиб, Саксон ўз вақтида елканли кеманинг бортида Атлантик океанини ва ҳўкизларга кўшилган аравада прерияни кесиб ўтган комодидаги нарсаларини қараб қўйди. Литтл Мэдоудаги жангларда ўқ тешиб ўтган тешикни, отасининг қиличини ўпиб қўйди. Унинг кўз олдида отасининг одатдаги образи пайдо бўлди: у ўзининг жанговар бурул отида ўтирарди. Саксон меҳр билан онасининг альбомдаги шеърларини ўқиди ва ниҳоят, белига испанча атлас корсажни ўради. Сўнгра қўлларида қилич билан Англиянинг қумли қирғоқларига сакраб тушаётган викинглар тасвирланган гравюрани охириги марта томоша қилиш учун яна альбомни очди. Ва Билл яна унинг назарида викингга ўхшаб кўринди, у ўз аждодларининг ажойиб саргузаштлари устида ўйланиб қолди. Унинг халқи доим ерга чанқоқ бўлган ва Саксон ўз халқининг ҳақиқий фарзанди эканлигини ҳис қилар экан, бахтли эди! Ахир қатта шаҳарда яшай туриб у ўзида ерга интилишни сезмадими? Ва ахир у, шу интилиш туфайли бир пайтлар авлодлари, ўзининг ота-онаси қилишгандек, узоқ йўлга отланмаяптими? Саксон онасининг синиб кетган аравалари ва чарчаб

ҳолдан тойган хўкизлари Калифорниянинг қуёшли, гуллаб-яшнаган водийсида пайдо бўлганида, у ердаги ерлар қанчалик сеҳрли бўлиб кўригани тўғрисида айтиб берганларини эслади. Саксонга кўпинча ўзи тўққиз яшар қизалоқ бўлиб, Сиерранинг қорлар билан қопланган тепаликларидан худди бир пайтлар онаси қарагандек, водийга қараб турганга ўхшарди. Унинг ёдига онасининг шеъри тушиб, ўкиди:

Худди Эол арфаси мисол,

Муза куйлаяпти эҳтирос ила...

Калифорния водийлари унга

Жавоб берапти акс-садо ила...

Саксон ширин хўрсиниб, кўзларини артди. Балки оғир пайтлар ўтиб кетгандир? Балки бу қийинчиликлар унинг Билл билан прериядан ўтишлари бўлиб, улар Билл иккалови бундан муваффақият билан ўтиб, кейин гуллаб-яшнаётган водийга тушиш учун ҳозир Сиерра тепаликларига кўтарилишаётгандир?..

Ёшлар жўнаб кетишадиган куни эрталаб уй жиҳозларини олиб кетиш учун Сэлингернинг араваси келди. Кўча эшиги олдида турган уй эгаси калитни олиб, қўлларини сиқиб хайрлашар экан, уларга муваффақият тилади.

– Сизлар тўғри қияпсизлар, – деди у маъқуллаб. – Ахир мен ҳам қирқ йил бурун Оклендга елкамда ёлғиз шинелим билан яёв келган эдим. Менга ўхшаб сизлар ҳам арзон ерни сотиб олинглар. У ер қариганингизда сизни ғарибхонага боришдан асраб қолади. Ҳозир янги шаҳарлар худди кўзиқориндек бош кўтаришяпти – сизлар ҳам озгинадан бошланглар. Қўлларингиз доим сизни боқади ва бошингизга бошпана топади, ер эса сизларга барака олиб келади. Менинг манзилимни биласизлар. Кўп пул топганингиздан кейин қарзларин-

гизни жўнатиб юборарсизлар. Муваффақият тилайман. Ва одамларнинг гапларига эътибор берманглар. Излаган – топади!

Билл билан Саксон йўлга тушишар экан, кўшнилари ярим очик деразаларидан уларга кизиқиш билан қараб туришар, болалар эса ҳайрон бўлиб туришарди. Билл мум суртилган ғилофга солинган кўрпа ва ёстикларни орқасига ортиб олган эди. Кўрпадан ташқари у ерда чойшаблар ва йўлда керак бўладиган нарсалар ҳам бор эди. Камарига эса това ва қозончани осиб олганди. Кўлида қаҳва қайнатадиган идиш. Саксон эса қора клеёнка сирилган букланадиган кичкина саватчани; елкасида эса кичкина ғилофга солинган укулелесини ҳам кўтариб олган эди.

– Биз даладаги қўриқчига ўхшаб кўринаётган бўлсак керак, – одамларнинг ҳар бир қарашидан ерга кириб кетаётган Билл тўнғиллади.

– Биз саёҳатга кетяпмиз, деб тасаввур қил, – эрини овутиди Саксон.

– Бироқ биз саёҳатга кетмаяпмиз...

– Бироқ буни ҳеч ким билмайди, – эътироз қилди Саксон. – Буни фақат сен биласан. Агар сенга улар шундай деб ўйлашаётгандек туюлаётган бўлса, аслида улар ҳеч ҳам бундай деб ўйлашаётгани йўқ. Улар ўзларига: булар саёҳатга отланишибди, дейишяпти. Энг яхшиси – чиндан ҳам шундай-ку! Худди шундай!

Шу сўзлардан кейин Биллнинг ҳам кўнгли кўтарилди, бироқ ҳар эҳтимолга қарши, ким устидан куладиган бўлса, калласини олиб ташлашини айтди. Секин ер остидан хотинига қаради: унинг юзлари ёниб, кўзлари чаракларди.

– Биласанми, Саксон, – бирдан гап бошлади Билл, – бир куни мен опера кўргандим. У ерда болалар

елкасида гитаралари билан дунё кезиб юришарди, сенга ўхшаб. Сен ўшаларни эсимга солиб юбординг. Улар доим кўшиқ айтиб юришарди.

– Шунинг учун ҳам ўзим билан укулелени олиб олдим, – деди Саксон. – Қишлоқ йўлларида ва қўнган жойларимизда гулхан ёнида кўшиқ айтамыз. Биз иккаламиз саёҳатга жўнаяпмиз – вассалом. Бизлар таътилдамыз ва атроф-теваракни томоша қилгани кетяпмиз. Кўрасан, роса маза қиламыз! Бизлар ҳатто қаерда тунашимизни ҳам билмаймиз. Умуман ҳеч нарса билмаймиз. Ўйлаб кўргин – зўр-а!

– Ҳа, ҳа, бу спорт вазифаларидан бири каби, – кўшилди Билл. – Кел, менга қара, шу кўчадан кетмай кўя қолайлик. Ана у бурчакда таниш йигитлар турибди, улар билан муштлашишни ҳеч ҳам хохламаяпман.

3 ҚИСМ БИРИНЧИ БОБ

Трамвай Хейуордсгача борарди, бироқ Саксон эрига Сан-Леандрода тушишни таклиф қилди.

– Ўз саёҳатимизни қаердан бошлашнинг фарқи йўқ, – деди у, – бари бир яёв юришимизга тўғри келади. Биз ер майдони олишга ва нима қандай эканлигини билишга аҳд қилган эканмиз, қанчалик тезроқ ишга киришсак, шунча яхши. Кейин биз ҳар хил жойлар билан – шаҳар атрофидаги ва тоғларга яқин жойлардаги ерлар билан танишишимиз керак.

– Бу, афтидан, португалларнинг штаб-квартираси, – Сан-Леандродан ўтишаётганда худди нақоратга ўхшаб такрорлади Билл.

– Улар бизникиларни сиқиб чиқаришганга ўхшайди, – хулоса қилди Саксон.

– Улар бу ерда тикилиб ётибди! – тўнғиллади Билл. – Афтидан озод америкалик учун ўзининг юртида унга жой йўқ шекилли.

– Демак, унинг ўзи айбдор, – бу нарсаларнинг ҳаммасини ўзига оғир олаётган Саксон жаҳл билан деди.

– Билмадим, менимча, агар истаса, америкалик ҳеч нарсада португалияликдан қолишмайди. Бироқ, яхши ҳам, у буни истамайди. У чўчқалардек яшай олмайди.

– Қишлоқда балки шундайдир, – эътироз қилди Саксон. – Бироқ мен шаҳарда чўчқалардек яшаётган кўп америкаликларни кўрганман.

Билл истамайгина унинг гапига қўшилди:

– Афтидан, улар фермаларини ташлаб, яхшироқ ҳаёт излаб шаҳарларга қочиб кетишган шекилли, бу ерда эса у ёқлардан яхшироқ эмас.

– Қара, анави болаларнинг кўплигини, – хитоб қилди Саксон. – Улар мактабдан келишяпти. Деярли ҳаммаси – португалияликлар; эътибор бер Билл: португалияликлар, португаллар эмас – Мерседес менга сўзларни тўғри айтишни ўргатган эди.

– Булар ўз уйларида ҳам бунчалик башанг юришмаган бўлсалар керак, – мазах қилди Билл. – Яхшироқ кийим-кечак ва яхши овқат учун шунчалик узоқларга келишларига тўғри келган. Дум-думалок, худди ёғлиқ шарчаларга ўхшашади!

Саксон унинг гапига кўшилиб, бошини силкиди.

– Гап шунда-да, Билли, – ўзи учун янгилик очгандек, хурсанд бўлди Саксон. – Бу одамлар ер билан ишлашади, уларга иш тапшлашлар халал бермайди.

– Ерда ишлаш деганинг мана шуми? – ёнидан ўтиб кетаётганлари бир акрдан ҳам кўп бўлмаган ерни кўрсатиб, эътироз қилди Билл.

– Ҳа, сенинг кулочинг жуда кенг, – кулди Саксон. – Сен худди Билл амакига ўхшайсан: унинг минг акр ери бўлган, миллионларни орзу қилган, охирида эса тунги қоровул бўлиб вафот этди. Биз америкаликларни ана шу нарса ҳалок қилади. Бизга катгароқ масштаб беринглар! Биз юз акрдан камига рози эмасмиз.

– Бари бир, нима бўлганда ҳам, катта масштаблар мана бу бўлмағур кичкинагина боғчадан кўра яхшироқ.

Саксон хўрсинди.

– Нима яхши, нима ёмонлигини билмай қолдим, – бир оз жим туриб деди у. – Ўз еринг бўлган бир неча акрга ўз отларинг билан ишлов беришми ёки ҳеч нарсанг бўлмай туриб бировнинг отида ишлаб, маош олишми – қай бири яхши?

Билл афтини буриштирди.

– Шу руҳда давом этавер, Робинзон Крузо, – кўнгилчанлик билан деди у. – Менинг миямни яхшилаб тозалаб қўй. Қанчалик қайғули бўлмасин, бу ҳақиқат. Мен қанақасига озод америкалик бўлибманки, бировнинг отини ҳайдаб, иш ташлаб, штрейк-брехерларни калтаклаб, шундан сўнг ҳатто ўтирган бир нечта стол ва стулларим учун арзимаган пул тўлашга ҳам қурбим етмаса. Нима десанг ҳам, Саксон, кресломизни бериб юбориш роса алам қилди – ахир сен уни қанчалик яхши кўрардинг. Иккаламиз унда ўтириб қанча яхши дамларни бошдан кечирдик.

Сан-Леандро аллақачон орқада қолиб кетган эди. Энди улар ҳамма ерлар майда-майда майдонларга бўлиб ташланган жойлардан кетишаётган эди; Билл бу жойларни “хуторлар” деб атади. Саксон эрининг кайфиятини кўтариш учун укулелесини ғилофидан чиқарди. У аввалига “Қизимга меҳрибон бўл”ни айтди, кейин эса қора танлиларнинг қуйидаги сўзлар билан бошланадиган эски диний кўшиғини айта бошлади:

Эҳ, кўрқинчли суд – охират

Борган сари яқинроқ, яқинроқ.

Мен азроил овозини эшитяман...

Борган сари яқинроқ, яқинроқ!

Ёнгиналаридан катта автомобиль чанг кўтариб учиб ўтди. Саксон кўшиғини тўхтатишига тўғри келди ва бундан фойдаланиб, Биллга ўзининг охириги фикрини айта бошлади:

– Билли, ёдингда тут: биз ҳеч ҳам биринчи учраган ерга ёпишиб олишимиз керак эмас. Буни яхшилаб ўйлаб, кейин ҳал қилишимиз керак.

– Ҳа, ҳозирча яхши ўйлаб кўрганимиз йўқ, – деди Билл.

– Биз эса яхшилаб ўйлашимиз керак. Излаган – топади. Ҳамма нарсани ўрганиб олиш учун бизнинг вақтимиз етарли. Бир неча ой кетадиган бўлса ҳам, фарқи йўқ: биз ахир ҳеч нимага боғланиб қолмаганмиз. Етти ўлчаб бир кес, деган гап бор! Одамлар билан яхшилаб гаплашиб, ҳамма нарсани билиб олиш керак. Биз ҳар бир учраган одам билан гаплашиб, сўраб олишимиз керак. Ҳаммадан сўраш керак. Бу ҳамма нарсани билиб олишнинг ягона йўли.

– Мен сўраб-суриштираверишни жуда ҳам эплай олмайман, – хижолат бўлиб деди Билл.

– Унда мен сўрайман, – хитоб қилди Саксон. – Биз бу ўйинида қолиб чиқишимиз керак, шунинг учун ҳамма нарсани билишимиз керак. Португалияликларнинг қандай яшашаётганига қара! Ҳамма америкаликлар қаерга кетишган? Ахир мексикаликлардан кейин бу ерларни улар эгаллаб олишганди! Нега улар бу ердан кетишди? Португалияликлар бу муваффақиятларга қандай эришишган? Кўряпсанми, сўрайдиган қанча саволларимиз бор.

Саксон укулелесининг торларига қўл теккизди ва унинг кўнғирокдек овози янграй бошлади:

Мен Диксига қайтмоқдаман,

Мен Диксига қайтмоқдаман,

Богда гуллаган апельсинларга...

Бу ерларда эса совуқ тушган,

Бу ерларда соғинч ва кўз ёшлар...

Кўнгул яна Диксига тортаёттир ва

Мен кетмоқдаман!

Саксон кўшиғини тугатиб, хитоб қилди:

– Қандай чиройли жойлар! Анави айвонга қарагин, ҳамма ёғини ток ўраб олган экан!

Кичкина хўжаликлар ёнидан ўтиб боришар экан, Саксон борган сари хайратланар эди. Дам ўтмай Биллини тўхтатиб “Қара, қанақа чиройли гуллар!” ёки “Манави сабазовотларни қара!” ёки “Қара, анавиларнинг сигирлари ҳам бор экан!” дерди.

Уларнинг ёнларидан арава ёки енгил машиналарда ўтиб кетишадиган эркак-америкаликлар Саксон билан Биллга қизиқиб қараб ўтишарди. Саксон бу нарсага туриб-туриб тўнгилаб қўядиган Билдан кўра хотиржамроқ қараётган эди. Улар йўл четида ўтириб олиб, нонуштасини еб олаётган телефон компаниясининг монтажчини кўриб қолишди.

– Кел, тўхтаб ундан сўраб кўрамиз, – шивирлади Саксон.

– Нима фойдаси бор? Ахир бу телефонист-ку. У кишлоқ хўжалигида нимани ҳам тушунарди.

– Қайдам? Ҳар ҳолда, ишчи, ўзимизга ўхшаган одам. Бор, Билли, у билан гаплашиб кўргин. У ҳозир дам олаётган экан, биз билан гаплашишдан хурсанд бўлади. Ҳов анави эшик олдидаги дарахтни кўряпсанми? Шохлари ғалати ўсиб кетган экан. Мўъжизага ўхшайди! Ана шу дарахт ҳақида сўрагин, кейин ўз-ўзидан гап очилиб кетади.

Билл монтажнинг олдида келиб, тўхтади.

– Хайрли кун! – деди у.

Қайнатилган тухумни энди арчмоқчи бўлаётган ёшгина монтаж йигит ишини тўхтатиб, уларга қаради.

– Хайрли кун, – жавоб берди у.

Билл орқасидаги юкларни, Саксон эса қўлидаги саватини ерга қўйишди.

– Нарса сотяпсизларми? – ёлғиз Саксонга гапиришдан андиша қилиб, иккаладарига баравар қараб, сўради

йигит; шундай дея туриб у Саксоннинг кўлидаги клеёнка ўралган саватга қараб қўйди.

– Йўқ, – шоша-пиша деди Саксон. – Биз ўзимиз учун ер қараб юрибмиз. Сиз мабодо шу ерларда яхши бўш ерлар борлиги ҳақида эшитмаганмисиз?

Йигит тухумини яна қўйиб, худди пул имкониятларини баҳолаётгандек, уларни диққат билан кўздан кечирди.

– Сизлар бу жойларда ер канча туришини биласизларми? – сўради у.

– Йўқ, билмаймиз, – жавоб берди Саксон. – Сиз биласизми?

– Мен билмай ким билсин! Мен шу ерда туғилганман. Мана шу майдонга ўхшаган ерлар бир акри икки юз, уч юздан бошлаб беш юз долларгача туради.

– Ў-ҳў! – ҳуштак чалиб юборди Билл. – Йўқ, бизга бундай ерлар керак эмас.

– Бирок, нега шунча қиммат? Булар шаҳарга кирадиган ерларми? – қизиқди Саксон.

– Йўқ. Португалияликлар ернинг нархини ошириб юборишган.

– Мен эса яхши, ҳосилдор ерларнинг акри юз доллардан бўлади, деб ўйлагандим, – деди Билл.

– Э-э, у даврлар ўтиб кетган. Тўғри, бир пайтлар ерлар шундай нархга сотиларди. Баъзида эса, бойроқ харидор учраб қолса, ҳатто мол-ҳоли билан бирга сотиларди.

– Бу ерларда давлат ерлари билан аҳвол қандай? – қизиқди Билл.

– Бу ерларда давлат ерлари йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган ҳам. Булар ҳаммаси илгари мексикаликларга тегишли эди. Менинг бобом шу ердаги энг яхши бир минг олти юз акр ерни бир минг беш юз долларга

сотиб олган – беш юзини дарров берган, қолган мингини эса беш йил давомида бўлиб-бўлиб, ҳеч қандай фоизсиз тўлаган. Бироқ бунга анча вақт бўлган. Бобом юмшоқ ва соғлом иқлим излагани учун қирк саккизинчи йили Фарбдан келиб қолган экан.

– Гап йўқ, бу ерлар чиройли жойлар экан, – деди Билл.

– Ҳа, албатта. Агар бобом ва отам шу ерни ушлаб қола олганларида эди, бу ер уларни ҳар қандай олтин конидан кўра яхшироқ боққан бўлар ва мен ҳам бир бурда нон учун ишлаб юрмаган бўлардим. Сизлар ўзингиз нима билан шуғулланасизлар?

– Мен аравакашман.

– Оклендда бўлган иш тапшашларда сиз ҳам қатнашганмисиз?

– Бўлмаса-чи! Мен бир умр Оклендда ишлаганман.

Шунда иккала йигит касаба уюшмаси муаммолари ва иш тапшаш ҳақидаги гапга берилиб кетишди, бироқ Саксон улар мавзудан четга чиқиб кетишларига йўл бермай, ер ҳақидаги гапга қайтди.

– Португалияликлар қандай қилиб ернинг нархини шунчалик кўтариб юборишган? – сўради у.

Йигит ўзини қизиқтирган масаладан зўрға чалғиб, саволни тушуниб етгунча, Саксонга тушунмай қараганча туриб қолди.

– Чунки улар эрталаб ишлашади, кундузи ишлашади, кечкурун ишлашади, бунинг устига далага ҳамма чиқади – аёллар ҳам, болалар ҳам. Чунки улар йигирма акр ердан биз бир юз олтмиш акрдан оладиган даромадимиздан кўпроқ олишади. Қария Сильвага, Антонио Сильвага қаранглар. У бизнинг жойларимизга келиб қолганда овқатланишга пули йўқ бўлиб, бизникилардан ижарага ер олган эди. Ҳозир эса унинг

нақд икки юз элик минг доллари ва деярли миллионлик кредити бор. Мен оиласидаги бошқа аъзоларнинг оладиган фойдалари ҳақида гапирётганим ҳам йўқ.

– Демак, у буларнинг ҳаммасини шу сизларга тегишли ердан топганми? – сўради Саксон.

Йигит истамайгина бош ирғитди.

– Нега шуларни сизникилар қилишмаган?

Йигит елкасини учуриб қўйди:

– Мен қаердан биламан?

– Ахир пуллар шундай ерда ётган экан-ку, – Саксон тинчий демасди.

– Ҳа, жуда ётган эди-да! – ғазаб билан деди йигит. – У шунча пул бериши мумкинлиги бизнинг тушимизга ҳам кирмаганди. Менимча, пул португалияликларнинг бошларида эди: улар бизникилардан кўпроқ нарса билишган, холос.

Бироқ Саксоннинг у айтаётган гапларидан қониқмаганини сезган монтер сакраб ўрнидан турди.

– Юринглар, мен ҳозир сизларга кўрсатаман, – деди у. – Агар менинг ота-бобом ношуд бўлишмаганда, мен ҳозир миллионер бўлган, бошқалар учун ишлаб юрмаган бўлардим. Ҳозир сизларга бунинг сабабини кўрсатаман. Биз, асли америкаликлар доим лапашанг, ношуд бўлиб келганмиз! Катта ҳарф билан бошланадиган Ношуд!

Йигит ёшларни боғдаги битта қарашда Саксоннинг диққатини тортган дарахт олдига олиб борди. Дарахт танасидан тўртта шох кетган бўлиб, икки фут ўсгандан сўнг бир-бирларига чирмашиб кетган эди.

– Сизлар бу ўзи шундай ўсган, деб ўйлайсизларми? Буни шундай ўсишга қария Сильва мажбур қилган: ҳали дарахт ёшлигида у ёш шохларни шундай қилиб

бойлаб чиққан. Зўр-а? Кўрдингларми! Бу дарахт бўрондан кўркмайди: табиий қисқичлар темир қисқичлардан кучлироқ. Мана бу дарахтларга қаранглар: ҳаммаси шунақа. Кўряписизларми? Бу уларнинг фокусларидан фақат биттаси. Бундай нарсалар уларда – миллионлаб!

Ўзинглар ўйлаб кўринглар: шохлар мевалари кўплигидан эгилиб кетганда бундай дарахтларга тирговучнинг кераги йўқ. Бизлар эса бир йилда ҳар бир дарахтга бешгалаб тирговуч қўйган пайтларимиз бўлган. Энди мевали дарахтлари бор ўнлаб акр³ ерларни тасаввур қилинг: улар учун минглаб тирговучлар керак. Тирговучлар пул туради, уларни қўйиб, кейин йиғиштириш қанча иш! Табиий қисқичлар эса ҳеч қандай меҳнат талаб қилмайди, улар доим жойида. Ҳа, португалияликлар биздан тоза ўзиб кетишган! Юринглар, мен сизларга ҳаммасини кўрсатаман.

Билл бировнинг ҳовлисига кириш, деган шаҳарлик тушунчалари натижасида бировнинг ерларида бемалол юрганларидан хижолат тортаётган эди.

– Ҳечқиси йўқ, фақат экинларни босиб ташламасак бўлди, – йигитни тинчитди монтер. – Кейин, бу ерлар аввал менинг бобомники бўлган. Бу ерда мени ҳамма танийди. Қария Сильва қирқ йиллар бурун Азор оролларида келиб қолган эди. Икки-уч йил тоғларда қўй боқиб юрган, кейин эса бизнинг Сан-Леандрога пайдо бўлган. Аввалига у беш акр ерни ижарага олган. Ана шундан сўнг бошланиб кетган. Ундан кейин эса у юзлаб ва ундан кўпроқ акр ерларни ижарага ола бошлаган. Шундан бошлаб Азор оролларида унинг олдида бутун уруғлари – амаки, хола, амма, опа-

³ Акр – Англия ва Америкада ер ўлчови. 1 акр – 4047 кв.м. га тенг.

сингиллари ҳаммаси – улар ҳаммаси бир-бири билан қариндошчилик қилишларини ўзингиз биласиз, бу ерга бостириб кела бошлади ва Сан-Леандро бир зумда португалияликлар қишлоғига айланди-қўйди.

Сильва бу беш акр ерни менинг бобомдан сотиб олган эди. Отам бу пайтга келиб бутунлай қарзга ботиб кетганди ва Сильва юз, юз олтмиш акр қилиб отамдан унинг бутун ерларини сотиб ола бошлади. Ҳа, чолнинг қариндошлари ҳам қараб туришмади. Эсимни таниб-манки, отам дарров бой бўлиб қолишни орзу қиларди ва охир натижада ўз зурриёдларига қарздан бошқа нарса қолдирмади. Сильва чол эса энг паст ишлардан ҳам ҳазар қилмади, фойда келтирса бўлди эди. Улар ҳаммаси шунақа. Ҳов анави ерда, йўлдаги буталарнинг орқасида шундай темир йўлгача боқла экиб ташланган. Бизлар бундай нарса экишдан ор қилган бўлардик. Сильва эса уялгани йўк! Шунинг учун ҳам у Сан-Леандрода уй қуриб олди, тўрт минг доллар турадиган машинада юради. Шунга қарамай шаҳардаги уйининг олдига, йўлкагача қилиб пиёз экиб ташлаган. Ана ўша ернинг ўзи унга йилига уч юз доллар фойда келтиради. У ўтган йили ҳам ўн акр ер сотиб олди, буни мен тасодифан эшитиб қолдим, – ҳар акри минг доллардан, у бўлса ўйлаб ўтиргани ҳам йўк: у ютқизмаслигини билган, холос. Тоғда унинг беш юз саксон акрлик ранчоси бор. Бу ер унга деярли текинга тушган; мен сизларни ишонтириб айтаманки, унинг ҳамма турдаги отларини сотиб, фақат шу ранчодан келадиган фойдасига мен ҳар куни автомобилда маза қилиб юрган бўлар эдим.

– Бироқ қанақасига? Буларнинг ҳаммасига у қандай қилиб эришган? – хитоб қилди Саксон.

– У хўжаликни юритишни билади. Ва бутун оиласи билан ишлайди. Уларнинг ҳеч бири – на ўгли, на келини, на қизи, чол, кампир, болалари, енгини шимариб олиб мотига билан ишладдан ор қилишмайди. Уларда агар тўрт ёшли боласи кўчада сигирини боқиб, қорнини тўйдира олмас экан, еяётган овқатини оқламайди, деб ҳисобланади. Сильва, қариндошлари билан юзлаб акр ерларга нўхат, саксон акрга помидор, ўтгиз беш акрга сарсабил, ўн акрга ровоч, қирқ акрга – бодринг, ҳаммасини санаб ҳам бўлмайди, экишади.

– Бироқ улар қандай қилиб шу даражага эришишган? – сўрашда давом этди Саксон. – Биз ҳам ҳеч қачон иш қилишдан уялмаганмиз. Бир умр эгилиб ишлаб келганмиз. Мен хоҳлаган португалиялик қизни орқада қолдиришим мумкин. Жуг фабрикасида ишлаганимда шундай бўларди: у ерда тўқув дастгоҳларида биз билан кўп португалиялик қизлар ишларди. Мен доим уларнинг ҳаммасидан кўпроқ тўқирдим. Йўқ, гап бу ерда фақат ишда эмас... Унда нимада?

Монтер йигит қизга хижолат бўлиб қаради.

– Мен ҳам ўз-ўзимга шу саволни кўп берганман. “Ахир биз бу муҳожирлардан анча яхшироқмиз-ку, – дердим ўз-ўзимга. – Бу ерларга биз биринчи бўлиб келганмиз ва бу ерлар ҳаммаси бизга тегишли эди. Мен Азор оролларида келган истаган дагодан кучлироқман, билимлироқман. Унда, жин урсин, нега улар биздан ўзиб кетишди, бизнинг ерларимизга эга чиқишди, банкларда ўз ҳисоб рақамлари бор?” Мен бунинг сабаби битта нарсада, деб ўйлайман: бизда топқирлик етишмайди, калламиз яхши ишламайди! Бизга нимадир етишмайди. Ҳар ҳолда, фермер сифатида биз ютқиздик. Бизлар бунга ҳеч қачон жиддийлик билан қарамаганмиз. Сильва билан қарин-

дошлари ерга қандай ишлов беришларини кўрсатайми? Сизларни шунинг учун бу ерга олиб келдим. Мана бу фермага қаранглар. Сильванинг қариндошларидан бири яқинда Азор оролларида келиб мана шу бир парча ерда иш бошлади. Бунинг устига у Сильвага яхшигина ижара ҳақи ҳам тўлайди. Тез орада у ҳамма ёқни кузатиб, бирорта бечораҳол америкалик фермердан ерини сотиб олади.

Мана, қаранглар, – ҳозир вақти бўлмаса ҳам – бу ерда асосий иш ёзда бўлади, у бир дюйм ерни ҳам бекор қўймайди. Бизлар зўрға-зўрға битта ҳосил оладиган жойдан у тўрт марта – яна қанақа денг, зўр ҳосил олади. Нарсаларни қандай экканига эътибор беринглар: дарахтлар орасида смородина буталари, смородина буталари орасига нўхат экилган. Нўхат ҳамма бўш жойларга экиб ташланган. Энди Сильва бу ернинг акрини беш юз доллар нақдига ҳам сотмайди, бир пайтлар эса бир акрини менинг бобомдан элик доллардан олган эди. Мана мен телефон компаниясида ишлаб, Сильва чолнинг яқиндагина Азор оролларида келган, инглиз тилида икки оғиз сўз айта олмайдиган қариндошига телефон ўрнатиб беряпман.

Буни қаранглар! Йўл бўйлаб боқла экиш! Бироқ шу сабаб Сильва чўчқаларининг орқасидан менинг бобом бутун фермасидан олган фойдадан кўра кўпроқ фойда олди. Бобом боқла деса бурнини жийирарди. Бурнини жийирганча ўлиб кетди, қолдирган қарзлари эса, бошидаги сочидан кўп эди. Помидорларни қоғозга ўраганини ҳеч кўрганмисизлар? Португалияликлар шундай қилишаётганини кўриб отам мазах қилганди. У фақат мазах қилишни биларди. Бироқ улар помидордан жуда бой ҳосил олишди, отамнинг помидорларини эса кўнғиз еб кетди. Бизда топқирликми, тадбиркорликми

ёки яна нима деб айтилади, ўша етишмайди. Мана шу бир парча ерга қаранглар – йилига тўрта марта ҳосил беради, иложи борича ҳар бир дюймдан фойдаланилган. Бу ерда, Сан-Леандрога бир акри бир пайтлар эллик акрдан олингандан кўпроқ ҳосил берадиган ерлар бор. Португалияликлар – туғма фермерлар экан – сири мана шунда. Биз эса ер билан ишлашни тушунмаймиз ва ҳеч қачон тушунмаганмиз.

Саксон ерларни айланиб, монтёр йигит билан соғат биргача юрди. Бирдан кеч тушиб қояганини сезиб қолган йигит тезгина хайрлашиб, яқинда Азор оролларида кўчиб келган муҳожирнинг уйига телефон ўрнатишда давом этди.

Шаҳар кўчаларидан кетишарканда Саксон саватини қўлида кўтариб олди, бироқ саватга илгаклар қилинган бўлиб, шаҳар ташқарисига чиқишлари билан уни тирсагидан ўтказиб олиб, елкасида кўтариб кетди.

Монтёр йигит билан хайрлашишгандан сўнг улар буталар соясида оқарган ариқ олдида тўхтади. Билл Саксон уйдан тайёрлаб чиққан бутербродлар билангина овқатланиб кўя қолмоқчи эди, бироқ Саксон олов ёқиб, қаҳва қайнатмоқчи бўлди. Саксоннинг ўзи ҳам бутерброд билан бўлди қилиб кўя қолган бўларди, бироқ у саёхатларининг бошидаёқ Биллнинг овқатида ҳеч қандай камчилик бўлишини истамади. У бундай совуқ, бечорагина овқатдан эрининг шавқи сўниб қолади, деб кўрқарканди.

– Биз калламиздаги “қаергадир шошяпмиз” деган фикрни бира-тўла чиқариб ташлашимиз лозим. Биз ҳеч қаерга шошмаяпмиз, мактабда дарслар бошландими, йўқми, бизга бари бир. Биз ўзимиз учун йўлга чиққанмиз. Бу худди китобларда тасвирланадиган саёхатнинг ўзгинаси. Эчки оролига балиқ тутишга мен

билан бирга борган болакай ҳозир мени кўриб қолса эди! “Окленд – бу дунё кезиш учун йўлга отланадиган жой, – деган эди у. – У фақат йўлнинг боши”. Мана, биз иккаламиз йўлга отландик, тўтрими? Энди эса тўхтаб, қаҳва қайнатамиз. Сен олов ёқкин, мен эса сув олиб келиб, жой тайёрлайман.

– Менга қара, – деди Билл, сув қайнашини кутиб ўтиришар экан, – бу ўтиришимиз менга нимани эслатаётганини биласанми?

Саксон Билл нимани айтаётганига ишончи комил эди, бироқ бошини тебратди: ўзи айтсин.

– Танишганимизнинг иккинчи якшанбасида иккаламиз Шаҳзода ва Қиролда Мораги водийсига борганимизни. Сен ўшанда ҳам нонушта тайёрлагандинг.

– Бироқ у нонушта жуда бой эди, – бахтли жилмайиб, кўшиб қўйди Саксон.

– Бироқ нега ўшанда қаҳва қайнатишни ўйламаган эканмиз?

– Унда жуда оддийгина бўлиб қолган бўларди, – кулиб юборди Саксон. – Мери нокамтарлик деб айтган бўларди...

– Ёки “уят” деган бўларди, – гап қўшди Билл. – Бу унинг яхши кўрган сўзи эди.

– Мана энди ўзи эса...

– Улар ҳаммаси шу билан тугатишади, – жаҳл билан деди Билл. – Ҳамма гап ана шундай писмиқлардан чиқади, мен буни аллақачон тушунганман. Бунақалар ўзларини камтарликка солишади-да, аслида эса нималар қилишмайди.

Саксон индамади: Бертнинг беваси ҳақидаги гаплардан у маъюсланиб қолган эди.

– Мен яна ўша куни содир бўлган бир нарсани биламан, сен эса йўқ, – деди Билл. – Сен билмаслигингга баҳс бойлашаман.

– Йўқ, эсимда йўқ, – кўзлари бошқа нарса деяётган бўлса-да, шивирлади Саксон.

Хотинининг қарашига жавобан Биллнинг кўзлари чарақлаб кетди ва ҳаяжони жўш уриб, хотинининг кўлини олиб, эркалаб юзига босди.

– Кичкинагина, бироқ қандай кучли! – деди у. Сўнгра Саксонга қаради: у айтган сўзлардан Саксоннинг юраги қувонч билан уриб кетди: – Биз ўз муҳаббатимизни қайтадан бошлаймиз, тўғрими?

Улар тўйиб овқатланиб олишди, Билл бир йўла уч финжон қаҳва ичди.

– Ҳа, гап йўқ: очиқ ҳавода ишгаҳа зўр бўлар экан, – бешинчи гўштли бутербродга тишини ботирар экан, деди у. – Мен бугун бир буқани еб ташлагудекман ва ўша буқа чўкиб кетадиган қаҳва ичишга ҳам тайёрман.

Саксоннинг хаёлида монтер йигит билан гаплашганлари айланиб ётарди. У ҳамма эшитганларига хулоса қилгандек, хитоб қилди:

– Ҳа-а, Билл. Бугун нималарни билиб олмадик-а!

– Битта нарсани аниқ билдик, – деди Билл. – Бу бир акри минг доллар турадиган ерлар биз учун эмас, бизнинг чўнтагимизда бор-йўғи йигирма доллар бор.

– Бироқ биз ҳам бу ерларда қолмоқчи эмасмиз, – эрини тинчитишга шошилди Саксон. – Шу португалияликларни деб ерларнинг нархи кўтарилиб кетгани муҳим. Уларнинг япашаётганига қара: болаларини мактабларга юборишади ва... бола боқишга имкониятлари бор; ўзинг уларнинг болалари худди ёғли шарлардек дум-думалок деб айтгандинг.

– Нима ҳам дердик, бунинг учун уларга шон ва шарафлар бўлсин, – жавоб берди Билл. – Бироқ мен нима бўлганда ҳам акри минг доллардан бўлган тўрт акрдан кўра қирқ акрни юз долларга олишни афзал кўрардим: тўрт акрда мен сиқилиб кетаман.

Саксон ҳам эрининг фикрига қўшилди. Тўртдан кўра қирқ акр унга ҳам кўпроқ ёқаётганди. Бошқа авлодга мансуб бўлса-да, бироқ бир пайтлар Билл амакиси кенгликларга интилганидек, у ҳам кенгликларни истарди.

– Бироқ биз бу ерларда қолмоқчи эмасмиз-ку, – Биллга тушунтира бошлади у. – Бизнинг мақсадимиз қирқ акр эмас, бир юз олтмиш акр бўлган давлат ери.

– Ва мен ҳукумат буни бизга беришга мажбур деб ўйлайман, жуда бўлмаганда бир пайтлар бизнинг ота-боболаримиз қилган ишлар учун. Чиндан ҳам, Саксон, сенинг онанг қилганидек, аёл киши прериядан ўтган бўлса, ёки менинг бобом билан бувим ўлдирилганидек, эр-хотинни ҳиндулар ўлдиришган бўлса, – ҳукумат уларнинг фарзандлари олдида қарздор бўлиши керак.

– Демак, биз ҳукуматдан қарзини тўлашни талаб қилишимиз қолади, холос.

– Ва талаб қиламиз ҳам! Нарирокда, Монтеридан жануброқда, ўрмонли тоғларга етганимизда.

ИККИНЧИ БОБ

Хейуордс шахридан ўтиб Найлсгача ярим кун йўл эди. Саксон ва Билл катта йўлдан кўра, яхши ишлов берилган, ҳар бир қаричидан фойдаланилган ерлар оралаб қишлоқ йўлидан кетишни афзал кўришди. Саксон бу ерларга бўш кўл билан келиб, ернинг нархини акрига икки юз, беш юз, ҳатто минг долларга чиқара олган қорачадан келган паст бўйли аҳолига ажабланиб қараб кетарди.

Ҳамма ёқда иш қайнаб ётарди. Далаларда эркаклар билан ёнма-ён аёллар ва болалар ҳам ишлаб ётишарди. Улар тинмай ер ағдаришар, худди унга бир зум бўлса ҳам тинчлик беришмаётгандек эди. Ва ер уларни бу меҳнатлари учун мукофотлаган, шубҳасиз мукофотлаган, акс ҳолда уларнинг болалари мактабда ўқиша олмасди,

– Уларга қарагин, – дерди Саксон. – Улар хурсанд ва бахтиёр. Иш ташлашлар бошланганда кўшнилари-мизнинг юзлари шундаймиди?

– Уларнинг омади келгани кўрилиб турибди, – хотинининг гапига қўшилди Билл. – Бу уларнинг башарасига ёзиб қўйилибди. Бироқ менинг олдимда гердаишларининг ҳожати йўқ.

– Бироқ улар гердаётганга ўхшашмаяпти, – эътироз қилди Саксон.

– Йўқ, албатта, йўқ, буни ўзим ҳам тушунаман. Бироқ улар, сен ўйлаётганингдек жуда ҳам ақлли эмас. Отлар масаласида мендан кўп нарса ўрганган бўлишарди, мен бунга аминман.

Улар кичкина Найлс шаҳарчасига кириб келишганда куёш ботаётган эди. Охириги ярим мил давомида индамай келган Билл, хотинига таклиф қилди:

– Саксон, менга қара, меҳмонхонага жойлашсак-чи, а? Нима деб ўйлайсан?

Бироқ Саксон қатъийлик билан бош чайқади.

– Бунақа қилиб сарф қиладиган бўлсак, йигирма долларимиз кўпга етади, деб ўйлайсанми? Йўқ, бошладикми, ростакамига бошлаймиз. Ахир меҳмонхонада тунашни ҳисобга олмаганмиз.

– Майли, – рози бўлди Билл. – Мен-ку майли, сени ўйлагандим...

– Яхшилаб эслаб қол: менинг ҳам қўлимдан ҳамма нарса келади. Энди эса кечки овқатни ўйлашимиз керак.

Улар бир бўлак гўшт, картошка, пиёз, яхши олма сотиб олиб, шаҳардан чиқишди ва дарахтлар, буталар тўсиб турган ариқ четига бориб тўхташди. Сувнинг кумли кирғоғида дарахт соялари тушиб турган ерга жойлашишди. Атрофда шох-шаббалар тикилиб ётган бўлиб, Билл хуштак чалганча уларни тўплаб, синдира бошлади. Эрининг кайфиятини диққат билан кузатаётган Саксон унинг хуштагига хурсанд бўлиб, ўзича жилмайиб қўйди. У ерни шохлардан тозалаб, брезент устига уларга дастурхон ўрнида хизмат қиладиган чойшабни солди. Саксон гулҳанда овқат пиширишни энди ўрганаётган эди. Биринчи билиб олган нарсаси шу бўлдики, бирдан кўп олов ёққандан кўра, уни бир маромда ушлаб туриш керак экан. Қаҳва қайнаб чиққанда Саксон куйкуми ўтирсин, деб қаҳва идишига озгина совуқ сув қўйди ва чўғнинг четига қўйди: шунда совуб қолмайди ва бекорга қайнаб ҳам ётмайди.

Кесилган картошкалар ва пиёзни у алоҳида-алоҳида қилиб битта товада пишириб олди ва уларни ўзининг мис ликопчасига солиб, устини Биллнинг ликопчаси билан беркитиб қўйди; сўнгра қуруқ қайноқ товада

гўштни Билл яхши кўрадиган тарзда пишириб олди. Бу ишларни тугатгач у гўштни ликопчаларга солди ва Билл қаҳвани қуяр экан, товага пиёз ва картошкани солиб, яхшилаб иситиш учун бир дақиқа оловга қўйиб олди.

– Одамга бундан ортиқ яна нима керак! – қаҳвадан кейин папирос ўрар экан, хурсанд ҳолда деди Билл.

У тирсагига суянганча, ёнбошлаб чўзилиб ётар эди. Гулхан гуриллаб ёнар, Саксоннинг юзлари оловда яна ҳам қизилроқ бўлиб кўринарди.

– Ота-боболаримиз дунё кезишганда уларга нималар хавф солмаган экан – ҳиндулар, ёввойи ҳайвонлар, яна нималардир!.. Биз эса бу ерда худди уйда печка ёнида ўтиргандек ўтирибмиз. Мана бу кумга қарагин: бундан ортиқ ўринни орзу қилишнинг ҳам ҳожати йўқ. Парку тўшақда ётгандек, юмшоқ. Сен эса, менинг азиз фариштам, ажойибсан! Баҳс бойлашаман: ҳозир мана шу менинг “ўрмондаги қизча”мга ҳеч ким ўн олти ёшдан ортиқ бермайди!

– Йўғе! – бошини силкитиб, оппоқ тишларини ярақлатиб, деди Саксон. – Агар сиз ҳозир чекмаганингизда мен бундай деб сўраган бўлардим: мистер “қум ўйнаётган болакай”, сиз уйдан чиқиб кетганингизни онангиз биладими?

– Илтимос, айтинг-чи... – ясама тантанаворлик билан бошлади йигит. – Агар сиз қарши бўлмасангиз, мен сиздан бир нарсани сўрашни истардим. Мен, албатта, сизнинг жиғингизга тегиш ниятим йўқ, бироқ бир саволимга жавоб олишим жуда муҳим.

– Нима экан? – саволнинг нималиги айтилмагани учун, қизикди Саксон.

– Мана, нима гап, Саксон. Сиз менга жуда ёқасиз ва ҳ.к.з, бироқ кеч тушиб қоляпти, биз эса одамлар

яшайдиган жойлардан деярли минг мил наридамиз ва... хуллас, мен бир нарсани билмоқчи эдим: биз чиндан ҳам турмуш қурганмизми, чиндан биз иккаламиз эр-хотинмизми?

– Ҳа, чиндан ҳам, – йигитни тинчитди Саксон. – Нега сўраялсан?

– Муҳим эмас. Негадир менинг эсимдан чиқди, ноқулай бўляпти; ўзингиз яхши биласиз, менинг олган тарбиям важдан шу пайтда сиз билан ёлғиз қолиш ноқулай...

– Бўлди, етар! – эрининг гапини жиддийлик билан бўлди Саксон. – Мен идиш-товокларни ювиб, ошхонамизни тартибга келтириб олгунимча, эрталабки нонуштани тайёрлаш учун шох-шабба териб келсанг бўларди.

Буйрукни бажариш учун йигит сакраб турди, бироқ тўхтаб, хотинини кучоқлади ва, ўзига тортди. Иккалалари жим эдилар, бироқ йигит нари кетганда Саксоннинг кўкраги қувончдан кўтарилиб тушар экан, оғзидан шукроналик сўзлари чиқди.

Ҳаво илиқ бўлиб, кечки салқин зўрға сезилар, қилт этган шамол йўқ эди.

– Мен ўзимни ҳаётимиз эндигина бошланаётгандек ҳис қиляпман, – Билл шох-шаббалар териб келиб, ёнига ўтирганда, деди Саксон. – Мен шу бугун давомида Окленддаги ўн йиллик ҳаётимдан кўра кўпроқ нарсаларни билиб олдим. – У чуқур хўрсинди. – Ерга ишлов бериш мен ўйлагандан кўра қийинроқ экан.

Билл жавоб бермади. У нималарнидир ўйлаб, оловга тикилиб ўтирарди.

– Хўш, нима гап? – эрининг нимагадир қарор қилганини кўриб, сўради Саксон, қўлини унинг қўли устига кўяр экан.

– Шунчаки мен ранчомизнинг ҳисоб-китобини қил-
япман, – жавоб берди йингит. – Бу ўйинчоқ фермалар
ёмон эмас. Айнан чет элликлар учун. Биз америкалик-
ларга эса кенглик керак. Тепаликка қараб, у бутунлай,
энг тепасигача меники эканлигини, кейинги қиялик ва
кейинги тепалик энг чўққисигача у ҳам меники экани,
бу тепаликлар ортида сув бўйлаб отларим бокила-
ётгани, уларнинг ёнларида тойларим ўтлаб юргани ва
ўйноқлаётганини билишни истайман. Биласанми,
отларни кўпайтириш, айниқса оғирлиги бир минг
саккиз юз футдан икки минг футгача бўлган йирик
ишчи отларни кўпайтириш жуда фойдали – уларнинг
харидори кўп бўлади. Ранги бир хил бир жуфт тўрт
ёшли от учун етти юз, саккиз юз доллар олишинг
мумкин. Бу иқлимда, агар салқин бўлиб қоладиган
бўлса, бирорта бошпана билан озгина сомон демаса,
улар учун энг яхши ем – яйловдаги ўт, бошқа нарса
керак эмас. Илгари бу нарса менинг хаёлимга ҳам
келмаган эди; бироқ, очигини айтсам, ранчо ҳақида
ўйлаганим сари, режамиз борган сари ёқиб кетяпти.

Саксон ҳайратда эди! Мана унинг режаси фойдасига
яна янги исбот! Айниқса, бу фикр Биллдан чиқаётгани
яхши бўлди. Асосийси, Биллнинг ўзи ҳам қишлоқ
хўжалиги ишлари билан шуғулланишга қизиқиб қолди.

– Оладиган еримизда отларга ҳам, бошқа нарсаларга
ҳам жой етарли бўлади, – эрининг кўнглини кўтарди
Саксон.

– Албатта. Уйимизнинг атрофида экинлар қатор-
лари, мевали дарахтлар, товуклар – хуллас португалия-
ликларникида қандай бўлса, ўшалар бўлади; бундан

ташқари яйлов учун ҳам, бизнинг айланиб юришимиз учун ҳам ер етарли бўлади.

– Бироқ тойлар бизга жуда ҳам қимматга тушмайдими?

– Йўқ, қиммат бўлмайди. Шаҳар кўчаларида отлар бирпасда оёқларини дабдала қилишади. Мен ана шундай шаҳарга тўғри келмайдиган байталлардан наслдорларини танлаб оламан – бу қандай қилинишини биламан. Уларни аукциондан сотишади; кейин улар менга узоқ йиллар хизмат қилишади – фақат ортиқ шаҳарда юришмайди.

Орага жимлик чўкди. Гулханнинг ўчиб бораётган чўғлари ёруғида улар ўзларининг келажақдаги фермаларини тасаввур қилишаётганди.

– Бу ер роса жим-жит экан, а? – ўзига келиб, деди Билл. – Ва қоронғи, одамнинг кўзи ҳеч нарса кўрмаяпти. – Жунжикканча, у куртқасининг тугмаларини қадаб, олов устига шох-шабба ташлади. – Нима бўлганда ҳам, бизникидек иқлим ҳеч қаерда йўқ. – Эсимда, у пайтлар ёш бола эдим, отам Калифорниянинг иқлими жаннат мисол дерди. У бир марта нима учундир Шарққа борганди, у ерда ёз ва қишни ўтказиб, бўлари бўлган. Кейинчалик “Мени энди у ерга боришга ҳеч ким мажбур қила олмайди”, деган эди у.

– Менинг онам ҳам, бу ердагидек иқлим дунёнинг ҳеч қаерида йўқ, дерди. Чўллар ва тоғлардан ўтиб келишгандан сўнг бу ерлар уларга қандай ажойиб кўринганини тасаввур қиляпман! Улар Калифорнияни сут ва асал мамлакати, деб аташган. Ер шунчалик ҳосилдор эканки, Кэди айтгандек, қавласанг бўлди – бой ҳосил бераверар экан.

– Ва бу ерда хоҳлаганингча ёввойи қушлар бор, – кўшилди Билл. – Мистер Робертс – менинг отамни

асраб олган одам, – Сан-Хоакинодан Колумбия дарёсигача мол ҳайдаб келган. Унинг қўлида қирқ киши ишлаган, улар ўзлари билан фақат туз билан порох олишган экан: бутун йўл бўйи ёввой қушларни отиб овқатланишган.

– Тоғларда кийиклар тикилиб ётарди, онам эса Санта-Роса атрофларида буғуларнинг бутун бир подасини кўрган экан. Билли, биз ҳам бир кун келиб ўша ерларга борамиз. Мен доим шунини орзу қилардим.

– Менинг отам бир пайтлар ёш бўлганда, Каш-Слоу анҳори ёнида, Сакраментодан шимолроқда, чакалакзорда айиклар пайдо бўлибди. Отам тез-тез уларни овлаб турарди. Агар улар очик ерда дуч келиб қолса, отам ва мексикаликлар отда туриб уларга арқон ташлаб, ушлашган – бу қандай қилинишини сен биласан. Отам доим, айиклардан кўрқмайдиган от бошқа отларга нисбатан ўн баробар қиммат туради, деб айтарди. Қоплонлар-чи! Оталаримиз уларни пума, силовсин, тулкилар билан адаштиришган. Албатта, биз Санта-Росага ҳам борамиз. Балки соҳилдаги ерлар бизга тўғри келмай, йўлимизда давом этишимизга тўғри келар.

Бу пайтга келиб олов ўчиб қолган эди. Саксон кечасига сочини тараб, ўриб олди. Ухлашга тайёргарлик қийин эмасди ва тез орада улар кўрпа остида эдилар. Саксон кўзларини юмса-да, ухлай олмади. Ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. У биринчи марта очик осмон остида тунашига тўғри келаётган бўлиб, ўзини ухлаб қолишга қанчалик мажбур қилмасин, ҳамма ҳаракати бекор кетаётган эди. Бунинг устига кўп юрганларидан чарчаб ҳам кетган эди. Қум ҳам улар тасаввур қилганчалик юмшоқ эмас экан. Бирор соат ўтди. Саксон эри ҳам ўзи каби ухлай олмаётганини

сезиб турса-да, уни ухлаб қолган, деб ўзини ишонтиришга уринди. Милгиллаб ёнаётган чўғнинг бирдан шитирлашидан чўчиб тушди. Билл ҳам қимирлаб қўйди.

– Билли, ухламаяпсанми?

– Йўк, – Биллнинг аста жавоб бергани эшитилди. – Ётиб, ўйлаб ётибман: бу лаънати кум цемент полдан ҳам қаттиқроқ экан. Менга-ку бари бир-а, бироқ ҳеч шундай бўлса керак, деб ўйламаган эдим.

Иккалалалари қулай ўрнашиб олишди, лекин бу ҳам ёрдам бермади – ўринлари илгаригидек қаттиқлигича қолаверди.

Бирдан яқингиналарида ниначининг шитирлаши эшитилиб, Саксон чўчиб тушди. Бир неча дақиқа чидаб ётди. Биринчи бўлиб, Биллнинг овози чиқди:

– Саксон, биласанми, менга бу нарса ёқмаяпти.

– Шақилдоқ илон эмасмикан, деб ўйлаяпсанми? – овозидан кўрқаётганини билдирмасликка ҳаракат қилиб, деди Саксон.

– Ҳа, худди шуни ўйлаётгандим.

– Мен Бауман дорихонасининг пештахтасида иккита илонни кўргандим. Билл, уларнинг битта тиши бўш бўлар экан ва улар чаққанда, захар ўша тишнинг тепшигидан чаққан жойга тушар экан.

– Бр-р-р! – Билл елкасини учирди, бироқ унинг ҳазил оҳанги жуда ҳам ишонарли эмасди. – Одамларнинг айтишича, мабодо сен иккинчи Боско бўлмасанг, бу чақиш албатта ўлим билан тугайди. Боскони биласанми?

– “Боско илонни тирик ютади! Боско тирик илонни ютади!” – ярмарка жарчиларининг қичқирикларига ўхшатиб деди Саксон.

– Хотиржам бўлавер: Боско илонларининг заҳар халтачаси олдиндан кесиб қўйилган, акс ҳолда у ҳеч нарса қила олмасди. Нега энди ҳеч уйқу келмаяпти? Ҳеч йўқса анави лаънати шақилдоқ жим бўлса эди. Қизиқ: бу илонми ёки илон эмасми?

– Ҳеч қанақа илон эмас, – қатъий деди Саксон. – Ҳамма шақилдоқ илонлар аллақачон йўқ қилиб юборилган.

– Унда Боско ўз илонларини қаердан олади? – мантикий савол берди Билл. – Сен нега ухламаяпсан?

– Ҳамма нарса менга ёввойи туюлаётгани учун бўлса керак, – жавоб берди Саксон. – Ахир мен ҳеч қачон очиқ осмон остида ётмаганман.

– Мен ҳам. Шу пайтгача мен бу маза бўлса керак, деб ўйлардим. – Йигит нариги томонига ўтирилиб, оғир хўрсиниб қўйди. – Бироқ, менимча, вақти келиб ўрганиб кетамиз. Бошқалар қиладиган нарса бизнинг ҳам қўлимиздан келади: жуда кўпчилик очиқ осмон остида ётади. Демак, ҳаммаси жойида. Бизга шу ер ҳам яхши! Биз озод ва мустақилмиз, ҳеч кимга ҳеч нима тўламаймиз, ўз ўзимизга хўжайинмиз...

Йигит бирдан жим бўлиб қолди. Буталар орасидан вақти-вақти билан шитирлаган овоз эшитилиб қоларди. Улар шитирлаш қаердан келаётганини аниқлашга уринишганда, у жимиб қолар, энди кўзлари уйқуга кета бошлаши билан эса яна давом этарди.

– Нимадир ўрмалаб келаётганга ўхшаяпти, – Биллга маҳкам ёпишганча, шивирлади Саксон.

– Ҳар ҳолда ёввойи ҳинду бўлмаса керак, – хотинини тинчйтишга уринди Билл. Хотинини тинчйтиш учун хаёлига шундан бошқа нарса келмади; сўнгра у ўзини эснаётганга солди. – Бемаънилик!

Нимадан кўрқамиз! Биринчи пионерлар нималарга чидашларига тўғри келганини эслагин!

Бир неча дақиқа ўтиб Биллнинг елкалари силкина бошлади; Саксон унинг кулаётганини тушунди.

— Отам кўпинча айтиб берган ҳикоя эсимга тушиб кетди, — тушунтирди у. — Орегонлик пионерлардан бири Сюзен Клегхорн тўғрисида. Унинг кўзига оқ тушган бўлиб, уни “Қийшиқ Сюзен” деб аташаркан. Бирок у ажойиб мерган бўлиб, ҳеч ким у билан тенглаша олмаган. Бир куни, пионерлар прериядан кесиб ўтишаётганда уларнинг карвонларига ҳиндулар хужум қилишади. Пионерлар араваларни доира қилиб кўйиб, одамлар ва ҳўкизлар унинг ичига яширинадилар. Бу уларга хужумни қайтариб, кўплаб душманларни ўлдира олишларига ёрдам берибди. Ҳиндулар ҳеч нарса қилиша олмай, бир нарсани ўйлаб топишибди: оқ танлиларни очик жойга тортиб чиқариш учун, кўчманчиларнинг бошқа партиясидан кўлга туширишган иккита қизни олиб чиқиб, қийнай бошлашибди. Бу ишни ҳамманинг кўзи олдида, бирок ўқ етиб бора олмайдиган масофада қилишибди. Ҳиндулар оқ танлилар чидай олмай ўз фургонларидан отилиб чиқишади, ана шунда уларни йўқ қиламиз, деб мўлжал қилишган экан.

Оқ танлилар нима қилишни билишмабди: агар қизни кутқариш учун отилишадиган бўлса, ҳиндулар уларнинг ўзларини қириб ташлашади ва кейин карвонга хужум қилишади. Ва ҳамма батамом қирилиб битади. Сюзен кампир нима қилибди, дегин? У қаердандир узун стволли кентукки милтигини судраб келиб, унга порох солиб, қизларнинг олдида турган энг баҳайбат ҳиндуни мўлжалга олиб, шундай пақиллатиб отибди! Ўзи орқага кетиб қолибди, елкасини

кимирлата олмай қолибди, бироқ ўша хиндуни турган жойида қотириб қўйибди. Бечора унга қаердан ўк узишганини ҳам билмай қолган экан.

Аслида, мен сенга буни айтиб бермоқчи эмасдим. Сюзен кампир Жон Арпа Донини жуда хурмат қиларди. У доим ичиб олиш учун шароит қидирарди, шунинг учун ўғил-қизлари ва чоли доим уни яшириб юришарди.

– Кимни яширишарди?

– Жон Арпа Донини. Ҳа, айтганча, сен билмайсан-ку! Бу вискининг қадимги номи. Хўш. Бир куни бутун оила қаергадир кетадиган бўлибди. Бу гаплар ҳаммаси Бодега деган жойда юз берган; улар у жойларга Орегондан келиб қолишган. Сюзен ревматизми кўзиб қолиб, ҳеч қаерга бора олмаслигини айтиб, уйда қолган. Бироқ унинг қариндошлари ҳам тентак бўлишмаган. Уйда катта шишада икки галлонча келадиган виски бўлган экан. Улар Сюзенга ҳеч нарса демай, жўнаб кетишларидан олдин набираларидан бирига оғилхона орқасидаги дарахтга чиқиб, вискили шишани ердан олгмиш фут баландликда боғлаб тушишни буюришибди. Бироқ бу ҳам ёрдам бермаган экан: кечкурун улар уйга қайтишганда Сюзен ошхона полида ўлгудек маст бўлиб ётган экан.

– Наҳотки у дарахтга чиққан экан? – Билл гапини тугатганини сезиб, ажабланиб сўради Саксон.

– Ҳеч ҳамда! – кулиб юборди Билл. – У шишанинг тагига катта тоғорани қўйиб, сўнгра ўзининг эски милтигини олиб чиққан ва отиб шишани чил-чил синдирган, холос. Кейин эса шундай тоғорадан олиб ича берган.

Яна Саксон энди мудраши билан, питирлаш давом этди: бу сафар питирлаш товуши яқинроқдан эшити-

лаётган эди. Қизга кимдир секин-аста келаётганга ўхшаб туюлди ва унинг ҳозирги ҳолатида ҳаёлига уларга қараб пусиб келаётган ёввойи ҳайвон келди.

– Билл, – шивирлади у.

– Ўзим ҳам кулоқ соляпман, – жавоб берди Билли: унинг товуши ажабланарли тарзда тетик эди.

– Бу силовсинми ёки ёввойи мушукдир балки?

– Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Бу ерларда ҳамма ёввойи ҳайвонлар отиб бўлинган. Бу фермерларнинг тинч райони.

Енгил шабада эсиб, Саксоннинг этини жунжиктирди. Чигиртканинг товуши бирдан тиниб қолди. Кейин шитирлаш билан бирга ерга туёқларнинг қаттиқ урилгани эшитилди, Саксон ва Билл шу заҳоти сакраб туриб, ўтириб олишди. Ҳамма ёқ жимиб, улар яна чўзилишди, бироқ сукунат ҳам кўрқинчли туюлаётганди.

– У-уф! – бирдан енгил тортиб хўрсинди Билл. – Худди бу нималигини мен билмайдигандек. Оддийгина қуён. Ахир мен қўлга ўргатилган қуёнлар сакраётганда орқа оёқларини ерга уришларини эшитгандим-ку.

Саксон ухлаш учун бор кучи билан ҳаракат қилди. Бироқ қум баттар қаттиқ бўлиб қолгандек туюлиб, бутун суяклари оғрий бошлади. Унинг акли олдиларида хавф борлигини инкор қилаётган бўлса-да, тасаввурри бу хавфни рангли қилиб кўрсатишдан тўхтамаётганди.

Янги товушлар эшитила бошлади. Бу энди шитирлашга ўхшамаётганди; афтидан бирорта йирик ҳайвон буталар орасига кириб олган эди. Уларнинг оғирлиги остида шохлар қисирлаб синар, бир марта улар ҳатто кимнидир ўтказаетгандек ёйилиб, яна жойига келди.

– Илгаригиси силовсин бўлган бўлса, бу энди фил бўлса керак, – синиқ овозда деди Билл. – Оғирлигини қара! Саксон, кулоқ солгин, бу ёққа келяпти!

Товушлар вақти-вақти билан тиниб, кейин яна борган сари яқинроқ ва баландроқ эшитилаётганди. Билл яна ўрнидан турди, ўтириб, Саксонни кучоклади.

– Бир дақиқа ҳам ухлай олмадим, – шикоят қилди у. – Жим! Яна бошланяпти. Қанақа ҳайвонлигини кўргим келяпти.

– Шовқинидан худди айиқ келаётганга ўхшайди, – шивирлади Саксон: асабданми ёки тунги салқинданми, унинг тиши тишига тегмаётган эди.

– Ҳа, албатта ниначи эмас.

Билл ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Саксон енгидан ушлаб қолди.

– Нима қилмоқчисан?

– Мен ҳеч ҳам кўрқаётганим йўқ, – деди йигит. – Бирок, чин сўзим, бу менинг асабимга тегяпти. Агар бу нималигини топмасам, унда кўрқа бошлайман. Яхшиси, қараб келаман. Кўркма, эҳтиёт бўламан.

Тун шундай қоронғи эдики, Билл қўл узатар жойга узоқлашиши билан кўринмай қолди. Саксон ўтирганча кутиб турди. Сирли товушлар тиниб қолган, Биллнинг ҳаракатини эса қуруқ шохларнинг шитирлашидан билса бўларди. Бир неча дақиқадан сўнг у қайтиб келиб, кўрпа остига кирди.

– Афтидан, мен уни чўчитиб юбордим, шекилли. Унинг эшитиш қобилияти яхшига ўхшайди: ёнига яқинлашаётганимни сезиб, буталар орасига кириб кетди. Мен эса билдирмай бориш учун шунақа ҳаракат қилгандим... Вой, Худойим, яна!

Улар яна ўтириб олишди.

– У шу ерда, – секин шивирлади Саксон. – Нафас олгани ҳам эшитилаяпти...

Шундай яқингиналарида қуриган шох шунчалик қарсиллаб синдики, улар иккалови энди бир-бирларидан уялиб ўтирмай, хавотирда сакраб туришди.

– Мен энди бизни аҳмоқ қилишларига йўл қўймайман! – Биллнинг жаҳли чиқиб кетди. – Бу кетишда у ҳозир бошимизга чиқиб олади.

– Нима қилмоқчисан? – безовталаниб сўради Саксон.

– Бор овозим билан бақираман. Нима қилиб бўлса ҳам уни бизга кўринишга мажбур қиламан.

Ва у ўпкасига ҳаво тўлдириб олиб, бор овози билан кичқирди.

Натижа улар кутганларидан ҳам ўтиб тушиб, кўркқанидан Саксоннинг юраги уриб кетди. Атрофларидаги қоронғилик бирпасда шовқин ва ҳаракат билан тўлиб, нарига қочиб кетаётган ҳайвонларнинг оғир қадамлари эпитилди. Билл ва Саксоннинг бахтига, товушлар узоқлашиб, ниҳоят узоқларда тинди.

– Хўш, бунга нима дейсан? – ўртага тушган жимликни бузди Билл. – Бир пайтлар мен ҳақимда рингда ҳеч нарсадан кўркмайди, дейишарди. Яхши ҳам улар мени бу ерда кўришмади. – У ингради. – Бу лаънати қум жонимга тегди. Яхшиси туриб, гулхан ёқаман.

Бу иш қийин эмасди: кул остида ҳали ҳам чўғ бўлиб, тезда олов аланга олиб кетди. Туманли осмонда бир нечта юлдуз йилтиллаб кўринди. Билл уларга қараб туриб, ўйланиб қолди ва кетишга ҳозирланди.

– Қаёққа? – сўради Саксон.

– Қалламга бир фикр келиб қолди, – жавобдан қочиб деди Билл ва гулхан олдидан нари кетди.

Кўрпага ўралиб олган Саксон унинг ботирлигидан ҳайратга тушиб ўтирарди. Эри ҳатто ўзи билан болтани ҳам олмади, ўзи эса сирли ҳайвонлар югурган томонга қараб кетди.

Ўн дақиқалардан сўнг у кулиб қайтиб келди.

– Ҳайвонлар, мени бошлашди! Яқинда мен ўз соямдан ҳам кўрқадиган бўламан! Нима экан дегин! Ҳеч қанақасига топа олмайсан. Бузоқлар подаси! Улар биздан баттар кўрқиб кетишган.

Йигит папирос чекди, сўнгра яна кўрпа остига кирди.

– Агар беш-ўнта бузоқчалар мени ўлгудек кўрки-тишган бўлса, мендан яхши фермер чиқар экан-да, – тўнғиллади у. – Ишончим комилки, сенинг отангми ёки меникими, ҳатто кўзларини ҳам юмишмаган бўлишарди. Одамлар ҳозир майдалашиб кетган, мана гап нимада.

– Бўлмаган гап, – Саксон бу гапга кўшилмади. – Одамлар қандай бўлишган бўлса ҳали ҳам ўшандек. Фақат бизлар бошқача тарбияланганмиз, холос. Бир умр шаҳарда яшаганмиз, шаҳар товушига, шаҳар шароитларига ўрганганмиз, қишлоқ ҳаётини билмай-миз. Биз табиатдан узоқда ўсганмиз, мана сенга сабаб. Энди эса биз сен билан табиат фарзанди бўлмоқчимиз. Вақт бергин ва биз иккаламиз ҳам сенинг ва менинг оталаримиз каби очиқ осмон остида маза қилиб ухлайдиган бўламиз.

– Фақат, илтимос, кум устида эмас, – илтижо қилди Билл.

– Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Буни биз бугун бир умрга тушуниб олдик. Энди эса жим бўл ва ухлашга ҳаракат қил.

Кўркувлари таркаган бўлса-да, кум жуда уларнинг асабларига тегаётган, унинг устида ётишга чидаб бўлмаётган эди. Биринчи бўлиб, Биллнинг кўзи илинди, Саксоннинг кўзи эса узоқ-узоқларда хўроз кичкиргандагина юмилди. Бироқ ҳар нафасда кумни хис қилиб, уйқулари яхши бўлмади.

Тонг ёришиши биланок, Билл кўрпанинг тагидан чиқиб, гулхан ёқди. Саксон титраганча унинг ёнига ўтирди. Иккалаларининг кўринишлари бир ахволда, кўзлари ич-ичига ботиб кетганди. Биринчи бўлиб Саксон кулиб юборди. Билл ҳам истамайгина унга кўшилди, бироқ қаҳва идишини кўриб ранги очилди ва дарров уни олов устига қўйди.

УЧИНЧИ БОБ

Окленддан Сан-Хосегача қирқ мил бўлиб, Саксон билан Билл бу масофани осонлик билан уч кунда босиб ўтишди. Улар ортиқ гапга чечан ва бутун дунёдан хафа монтерларни учратишмади ва умуман, учраганлари билан гаплашиб ўтиришга фурсатлари ҳам бўлмади. Баъзан орқаларига халталарини осиб олганлар ҳам учраб қолишар – ким шимолга, ким жанубга кетарди; бундайлар билан суҳбатдан Саксон уларнинг қишлоқ хўжалиги тўғрисида жуда кам, баъзилар эса умуман ҳеч нарса тушунмаслигини сизди. Кўп ҳолларда булар яшашдан чарчаб кетган қариялар бўлиб, уларнинг хаёлида фақат бир нарса – иш ва қаерда яхши тўлашади ёки қачонлардир яхши тўлашган бўлиб, ва яна маълум бўлишича, бундай жойлар бу ерлардан анча узоқда экан. Саксон бу одамлардан фақат бир нарсани: улар ўтиб кетишаётган бу жойлар майда хўжаликлар райони бўлиб, бу ерда ёлланма ишчилар

меҳнатидан фойдаланмасликларини, керак бўлиб қолган тақдирда ҳам португалияликларни таклиф қилишларини билиб олишди.

Фермерлар илтифотсиз эдилар; улар Билл ва Саксоннинг олдидан кўп ҳолларда бўш арава билан ўтиб қолишар, лекин ҳеч ким олиб бориб қўйишни таклиф қилмасди. Агар Саксон бир амаллаб уларнинг бирортасига савол билан мурожаат қилиб қолса, улар кизга шубҳа билан қараб, ҳазил билан жавоб беришар ёки умуман жавобдан қочишарди.

– Жин урсин буларни, ахир шулар америкаликми?! – ажабланди Билл. – Одамлар қадимда мулойимроқ, сўзамолроқ эдилар.

Бироқ акаси билан бўлган охириги суҳбат Саксоннинг ёдида эди.

– Билл, бу замонанинг руҳи. Давр ўзгарган. Бундан ташқари, улар шаҳарга жуда яқин яшашади. Ҳали хулоса қилмай тургин, шаҳардан узоқроққа борайлик – у ердагилар сўзамолроқ бўлишар.

– Йўқ, бу ердаги одамлар намунча ёмон! – Билл аламдан чиқай демасди.

– Балки, улар ўзларича ҳақдирлар, – кулиб юборди Саксон. – Қаердан биламиз, балки булар сен адабини берган штрейкбрехерларнинг яқин қариндошларидир?

– Шундай бўлганда ҳам! – қизиққонлик билан хитоб қилди Билл. – Бироқ барибир, менинг ўн минг акр ерим бўлганда ҳам бу нарса менинг орқасида халтаси билан йўлда кетаётган одамнинг мендан кам жойи йўқ, балки мендан яхшироқ бўлиши мумкинлигини билиб олишимга ҳалал бермасди. Ҳар ҳолда мен ўша одамга ҳурмат билан қараган бўлардим.

Билл аввалига ҳар бир фермадан, кейин эса фақат катта фермалардан иш хусусида сўрай бошлади. Жавоб

доим бир хил эди – иш йўк. Баъзи фермерлар биринчи ёмғирлардан сўнг ер ҳайдаш учун ишчи кучи керак бўлишини айтишди. У ер, бу ерларда курук шудгорлаш ишлари бошланган бўлса-да, бироқ фермерларнинг кўпчилиги қулай фурсат келишини кутишаётган эди.

– Сен ер ҳайдашни билмайсан-ку? – деди Саксон.

– Ҳа, билмайман, бироқ бу қийин бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари, мен битта кўришда ўрганиб оламан.

Бу ишни ўрганиб олиш имконияти эртаси куниёк юзага келди. Билл унча катта бўлмаган дала четига экилган буталар ортидан плуг кетидан кетаётган чол нима қилаётганини кузатиб турди.

– Арзимаган нарса, бундан енгил нарса бўлмаса керак, – менсимай деди Билл. – Шундай қари чол битта плугни эплайётган бўлса мен иккитасини эплай оламан.

– Сен бориб синаб кўргин, – эрининг жиғига тегди Саксон.

– Нега?

– Кўрқоқ! – кулиб турган бўлса-да, эрига ёпиша кетди Саксон. – Нима, ҳақинг кетадими, бориб сўраб кўргин! Жуда бўлмаганда рози бўлмас. Сени қара-ю! Сен Чикаголик боксёрга қарши йигирма раунд туриб бергансан – тик этмагансан!

– Солиштирган нарсангни-чи! – Билл эътироз қилса-да, буталар устидан сакраб ўтди. – Икки долларга баҳс бойлашаман: чол мени ҳайдаб солади.

– Ҳеч ҳам ҳайдаб солмайди! Ўрганмоқчи эканлигингни айтгин ва плуг билан икки-уч марта айланиб келишни сўра. Бу унинг учун ҳеч нарса эмаслигини тушунтир.

– Майли! Агар ўжарлик қиладиган бўлса, плугини тортиб оламан.

Саксон буталар ортида туриб, ҳеч нарса эшитмаётган бўлса-да, уларнинг гаплашаётганларини кузатиб турди. Бир неча дақиқадан сўнг жилов Биллнинг елкасига ташланиб, қўллари плугнинг дастасида эди. Отлар ҳаракатга тушди, чол ёнида юриб, Биллга кўрсатма бера бошлади. Ҳайдалган ердан бир неча марта айланишгач, чол Саксонга яқинлашди.

– У илгари ҳам чопган шекилли, а? – Саксон бошини чайқади.

– Йўк, ҳеч ҳам. Бироқ у отларни бошқаришни билади.

– Ҳа, бу ишларни биринчи марта қилмаётгани кўриниб турибди ва укуви ҳам бор экан. – Чол кулиб кўйиб, чайналадиган тамакидан бир бўлак кесиб олди. – Мени сиз билан бир оз ўтиришга қўймаса ҳам керак.

Ҳайдалмаган ер борган сари кичрая борар, бироқ Билл ишни тўхтатишни хаёлига ҳам келтирмётганди. Уни кузатиб турган Саксон билан чол гапга киришиб кетишди. Саксон уни гапга солиб, тез орада бу чол монтер тасвирлаб берган унинг отасига ўхшаб кетадиган одам эканлиги маълум бўлди.

Билл далани ҳайдашни тугатди ва чол уларни ўзиникида тунаб қолишга таклиф қилди – кўрғонда бўш уй бор, у ёшларга янги соғилган сут ҳам беради. Агар Саксон ўз иқтидорини синамоқчи бўлса, сигирни соғиб кўриши ҳам мумкин.

Соғиш дарси ерни ҳайдаш каби муваффақиятли чиқмади. Биллнинг бутун пичинглари тугагач, Саксон унга ўзи соғиб кўришни таклиф қилди ва Билл ҳам Саксондан баттар шарманда бўлди. Саксон тинмай атрофни кузатиб ва саволлар бериб, тез орада бу кўрғон улар Сан-Леандрога кўрганларига асло ўхшамаслигини сизди. Кўрғон ҳам, чол ҳам кексайиб

қолишган эди. Бу ерда дехқончиликнинг янги интенсив тизими ҳақида ҳатто эшитишмаган ҳам эди. Ер майдони ҳаддан ташқари катта ва ёмон қаралган. Уй, отхона, саройлар – ҳамма ёқ ташландиқ ҳолга келган. Уйнинг олдидаги ҳовлини ёввойи ўтлар босиб кетган. Полиз йўқ. Унча катта бўлмаган мевазор боғ қуриб, ёввойилашиб кетган. Саксон суҳбат давомида фермернинг ўғил-қизлари бошқа шаҳарларга кетиб қолишганини билиб олди. Чолнинг бир қизи шифокорга турмушга чиққан, бошқаси эса штатнинг педагогика билим юртида дарс берад экан; бир ўғли темирйўлда машинист, иккинчиси – архитектор, учинчи ўғли эса Сан-Франциско жиноий судининг репортёри экан. Улар вақти-вақти билан ота-оналарига пул юбориб туришар экан.

– Сен бунга нима дейсан? – Кечки овқатдан кейин папирос чекаётган эридан сўради Саксон.

Билл елкасини учираб кўйди.

– Нима ҳам дердим; ҳаммаси шундоқ ҳам кўриниб турибди. Бу қария худди дарахтларига ўхшаб кексайиб қолган. Сан-Леандродан кейин у ҳеч нарсанинг фарқига бормаслиги кўриниб турибди. Қирчанғилари-чи! Бироқ уларни отиб ташласа улар учун яхшилик қилган бўларди, чол учун эса харажати камаярди. Аминманки, португалияликларда бундай отлар йўқ. Бу ерда гап асло яхши отлар билан мақтангишда эмас. Шунчаки бу ишга тўғри ёндошиш. Бу фойдалироқ. Хўжаликнинг ўзи шуни талаб қиляпти. Қари отлар ёшларига нисбатан кўпроқ ем талаб қилади ва ёшлардек ишлай олмайди. Тақалаш эса – қарисини ҳам, ёшини ҳам – нархи бир хил. Бу чолнинг қирчанғилари ҳеч нарсага ярамайди, унга фақат зарар келтиради.

Бу кеча Саксон ва Билл ўлган ўликдек қотиб ухлашди ва эрталаб вақтли нонуштадан сўнг йўллариди давом этмоқчи бўлишди.

– Мен сизларни жон-жон деб бир неча кунга қолдирган бўлардим, бироқ ҳеч иложи йўқ, – улар билан хайрлашар экан, пушаймон бўлиб деди чол. – Болалар учирма бўлиб кетишгандан сўнг ферма чолкамбир иккимизни зўрға боқяпти, бу ҳам доим эмас. Мана, ёмон кунлар қанчалик чўзилиб кетди. Гровер Кливленд пайтларидан бери ёруғ кун кўрганимиз йўқ.

Тушдан сўнг улар Сан-Хосе кишлоғига кириб келишганда, Саксон дам олишни таклиф қилди.

– Мен ана у одамларникига кириб, агар менга итларини қўйиб юборишмаса, улар билан гаплашиб кўрмоқчиман, – деди у. – Кўрган жойларимиз ичида энг чиройли жой экан-а?

Тепаликлар ва ўзининг келажакдаги отлари учун кенг отхоналарни орзу қилаётган Билл ҳеч бир иштиёқсиз рози бўлди.

– Сабзавотларини қара! Қарагин! Ҳар бир қаторга гуллар ҳам экилган. Папирос қоғозига ўралган помидорлардан кўра яхшироқ экан.

– Уларга гул нега керак экан, тушунмаяпман? – ҳайрон бўлиб, деди Билл. – Улардан нима фойда? Буларнинг ўрнига зўр сабзавотлар ундириш мумкин эди.

– Мен айнан ана шуни билмоқчиман. – Саксон уй олдидаги клумбага энгашаётган аёлни кўрсатди. – Мен унинг кимлигини билмайман, жуда бўлмаганда бизга кўполлик қилар. У биз томонга қараяпти, кўряпсанми? Нарсаларингни меникининг ёнига қўйиб, бирга юргин.

Билл қўлидаги юқларини ерга қўйди, бироқ шу ерда кутиб туришни маъқул кўрди. Саксон четига гуллар экилган тор йўлкадан кириб борар экан, экин ичида

ишлаётган иккита эркакни кўрди: улардан бири кекса хитой бўлиб, иккинчиси ҳам миллати қандайлиги номаълум кўзлари қора чет эллик эди. Бу ерда ҳамма ёқ озодалиги ва батартиблиги билан кўзни қувонтирар, ернинг ҳар бир бўлагига шунчалик қаралган эдики, бу дарров кўзга ташланарди. Аёл қаддини ростлаб, Саксон томонга ўтирибди. У ўрта ёшлардаги, қадди-қомати келишган бўлиб, оддийгина, лекин ўзига ярашган кийим кийган эди. Аёл кўзойнаги орқали Саксонга қаради; унинг юзи мулойим, бироқ қандайдир асабийроқ эди.

– Бугун менга ҳеч нарса керак эмас, – деди у, ўзининг рад жавобини жилмайиб билан юмшатиб.

Саксон ичида ўзининг клеёнка сирилган саватидан хижолат бўлиб кетди. Афтидан, аёл унинг саватини ерга қўйганини кўрган, шекилли.

– Биз нарса сотадиганлардан эмасмиз, – шоша-пиша тушунтирди у.

– Вой, кечирасиз! – Аёл унинг яна нималардир дейишини кутиб, илгаригидан ҳам мулойимроқ жилмайди.

Саксон ийманиб ўтирмай, гап нимадалигини айтиб берди.

– Биз ер майдони сотиб олмоқчи бўлаётгандик. Биласизми, биз фермер бўлишга аҳд қилгандик, бироқ ер олишдан олдин, атрофни қараб, қандай ер кераклигини аниқлаб олмоқчимиз. Кейин, қишлоқ хўжалигида биз ҳеч нимани тушунмаймиз. Сизнинг ажойиб жойларингизни кўргач, менда юзлаб саволлар туғилди. Биз эрим билан бир умр шаҳарда яшаганмиз, энди эса бутун умрга қишлоққа келиб, шу ерда бахтимизни топишга аҳд қилдик.

У жим бўлиб қолди. Аёлнинг юзи ҳали ҳам мулойим бўлса-да, бироқ бир оз истехзо пайдо бўлгандек эди.

– Нега энди бахтингизни қишлоқда топа олишингизга умидвор бўляпсиз?

– Ўзим ҳам билмайман. Биладиганим, тартибсизликлар бўлаётган шаҳарда камбағаллар учун кун йўқ. Агар камбағаллар қишлоқда ҳам бахтли бўла олмас экан, унда бахт дегани умуман йўқ экан. Ахир бу адолатсизлик эмасми?

– Азизам, сиз тўғри фикр юритяпсиз, фақат бир нарсани унутмангки, қишлоқда ҳам истаганингизча камбағал ва бахтсизлар топилади.

– Сиз эса менга на камбағал, на бахтсиз бўлиб кўринмаяпсиз, – эътироз қилди Саксон.

– Ох, жонгинам менинг! – Саксон суҳбатдошининг юзи завқдан порлаб кетганини кўрди. – Балки мен айнан қишлоқда яшаш учун туғилгандирман, – гапида давом этди у. – Сиз ўзингиз шаҳарлик эканинглар ва қишлоқ тўғрисида ҳеч нарсани билмасликларингизни айтяпсиз. Бирдан бу ерларда ҳалок бўлсанглар-чи?

Саксон Пайн-стритдаги уйида ўтказган даҳшатли пайтларни эслади.

– Мен энди шаҳарда ўлиб қолсам керак! Балки менга қишлоқда ҳам қийин бўлар, бироқ, кўриб турганингиздек, бу биз учун ягона йўл. Ёки қишлоқ – ёки ҳеч нарса! Бизнинг ота-оналаримиз ҳам доим қишлоқда яшашган. Ниҳоят, мен бу ерда рўпарангизда бекорга турмаётган бўлсам керак: бу нарса мени доим шаҳардан итариб тургани ва афтидан, сиз айтганингиздек, мен ҳам қишлоқ ҳаёти учун яралган бўлсам керак, акс ҳолда бу ерда турмасдим.

Аёл Саксоннинг гапларини тасдиқлагандек, бошини силкиб қўйди: у Саксонга борган сари кизиқиш билан қараётган эди.

– Бу йигит... – гап бошлади у.

– Менинг эрим. Катта иш ташлаш бошланишидан олдин у аравакаш эди. Менинг фамилиям Робертс, Саксон Робертс, эримники эса Вильям Робертс.

– Менинг исмим миссис Мортимер, – енгил таъзим қилиб деди аёл. – Беваман. Энди, агар эрингизни чақирсангиз, сизнинг сон-саноксиз саволларингиздан бир нечтасига жавоб бераман. Эрингиз юкларни бу ёққа олиб кирсин. Хўш, айнан нима ҳақида сўрамоқчи эдингиз?

– Вой, бира тўла ҳамма нарса ҳақида. Фермангиз сизга фойда келтирадими? Қандай қилиб шу ишларнинг ҳаммасини ёлғиз бошқарасиз? Ерингизни қанчага сотиб олган эдингиз? Бу уйни ўзингиз солганмисиз? Ишчиларингизга қанча ҳақ тўлайсиз? Буларнинг ҳаммасини қаердан ўргангансиз? Нимани экиш яхшилигини қаердан биласиз? Сабзавотларни қаерда сотган яхшироқ? Маҳсулотларингизни қандай қилиб сотасиз? – Саксон савол беришдан тўхтаб, кулиб юборди. – Очиғи, мен ҳали савол беришни бошлаганим йўқ. Нега эгатлар оралаб гуллар эккансиз? Мен Сан-Леандрода португалияликларнинг ерларини кўрган-дим, улар бирорта қаторга ҳам бир йўла ҳам сабзавот, ҳам гул экишмаган.

Миссис Мортимер уни кўли билан тўхтатди.

– Менга аввал биринчи саволингизга жавоб беришга рухсат беринг. Айтиш мумкинки, қолган ҳамма саволларингизга калит бўладиган жавоб.

Бироқ шу пайт Билл келиб қолиб, суҳбат узилиб қолди. Саксон эрини миссис Мортимерга таништирди.

– Азизам, кўзларингиз дарров гулларга тушди-а, тўғрими? – гапида давом этди аёл. – Ана шу гуллар сизни бу ерга кириб, менга гапиришга мажбур қилди. Улар ана шунинг учун ҳам – эътиборни тортиш учун, сабзавотлар билан бирга экилган. Қанча одамлар уларга эътибор қилишини ва улар қанча одамларни менинг олдимга киришга мажбур қилганини тасаввур ҳам эта олмайсиз. Бу кўчадан жуда кўп одам ўтади, шаҳардан кўп одам келади. Йўқ... автомобиллар билан омадим келмаган. Автомобилда ўтирган одамларга чанг орасидан ҳеч нарса кўринмайди. Бироқ мен иш бошлаганимда, деярли ҳамма отда юрарди. Менинг уйим олдидан доим шаҳарлик аёллар ўтишарди. Гулларим, умуман ҳамма ерим дарров уларнинг кўзларига ташланарди; улар экипажларини тўхтатишарди. Мен эсам доим уйим ёнида эдим ва улар мени дарров чақиришарди. Одатда мен уларни гулларимни, албатта сабзавотларимни ҳам кўрсатиш учун бу ерга чақира олишга эришардим. Ҳамма нарсам чиройли, озода, батартиб бўларди. Бу нарса одамларнинг диққатини тортади. Ва... – миссис Мортимер елкасини учирди, – биласизлар-ку, одамни унинг кўзи йўлдан уради. Гуллар орасида ўсаётган сабзавотлар уларни кизиқтириб қўярди. Ва улар бозорниқидан икки баробар қимматга ўзлари хоҳлаб, меникини сотиб олишарди. Мен у аёлларнинг орасида обрў қозондим. Ҳеч ким норози эмасди. Сабзавотлар ажойиб эди, бозордагидан ёмонроқ эмас, балки улардан яхшироқ эди. Менинг харидорларим бир ўқ билан иккита куённи уришарди: улар шундай эгатдан нафақат энг яхши ва энг янги сабзавотлар сотиб олишарди, балки бунга арзийдиган бева аёлга ёрдам бераётганларидан фахрланишарди. Миссис Мортимердан сабзавотлар

сотиб олиш яхши обрў белгиси ҳам бўлиб қолган эди. Бу мавзунини чуқурлаштиришнинг ҳожати йўқ, тарихи жуда узоқ. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, менинг кичкинагина кўргоним одамлар келишни яхши кўрадиган жой бўлиб қолди. Ҳаммага менинг кимлигим, эрим ким бўлгани, мен илгари нималар қилганим маълум бўлди. Аёлларнинг кўплари билан илгариги яхши пайтлардан бери таниш эдим. Улар ҳам ҳар қанақасига менга ёрдам беришга ҳаракат қилишди. Бунинг устига мен ўз харидорларимни чой билан меҳмон қилиш одатини ҳам киритгандим. Шу йўл билан, харидорлар, гўё менинг меҳмонларимга айланишарди. Ҳозир улар ўз дугоналари олдида мен билан мақтаниш учун келишганда, мен ҳозир ҳам чой билан сийлайман. Шундай қилиб, гуллар менга қандай хизмат қилганини кўриб турибсиз.

Саксон аёлнинг ҳикоясини жуда қизиқиб тинглади, бироқ Билл унчалик ҳайратланмади. Унинг кўк кўзлари хиралашгандек эди.

– Хўш, гапиринг, уялманг, – йигитга қараб деди миссис Мортимер. – Қайси гапим билан келишмаяпсиз?

Саксонни ҳайрон қолдириб, Билл очигини айтиб қўя қолди, ундан ҳам баттари, миссис Мортимерга қарши унинг хаёлига ҳам келмаган айбловларни қилди.

– Булар ҳаммаси фокус, – деди у. – Мен сизнинг гапларингиздан шуни тушундимки...

– Ҳа, бироқ бу фокуслар иш берапти, – йигитнинг гапини бўлди миссис Мортимер ва унинг кўзлари кўзойнаги ортидан чарақлаб кетди.

– Ҳам ҳа, ҳам йўқ, – ўжарлик билан деди Билл. – Агар ҳар бир ер эгаси битта қаторга сабзавотлар билан бирга гул ҳам экадиган бўлса, у ҳолда ҳар бир хўжайин

ўз маҳсулотини бозор нархига нисбатан икки баробар нархга сотган бўларди ва у ҳолда ҳеч қандай икки баробар нарх бўлмай қоларди. Демак, ҳеч нарса ўзгармаган бўларди.

– Булар назария, мен эса фактлар ҳақида гапиряпман, – ўз гапида туриб олди миссис Мортимер. – Факт эса шундаки, бошқалар бундай қилишмайди. Ва мен икки баробар ҳақ олишим ҳам факт. Бунга қарши эса сиз ҳеч нарса дея олмайсиз.

Афтидан, миссис Мортимер Биллнинг фикрини ўзгартира олмади. Бироқ, Биллнинг ўзи ҳам аёлга қарши ҳеч нарса дея олмади.

– Барибир, – деди у бошини чайқатиб. – Мен бу ерда мантӣқ кўрмаяпман. Демокчиманки: бу бизга тўғри келмайди. Балки, сал ўтиб, гап нимадалигини тушуниб етарман.

– Унгача эса менинг хўжалигимни айланиб келамиз, – таклиф қилди миссис Мортимер. – Мен сизлар бу ишларнинг барини кўришингизни хоҳлайман ва сизларга нималар қилишимни айтиб бераман. Кейин ўтириб гаплашамиз ва сизлар мен ишни нимадан бошлаганимни билиб оласизлар. Биласизми, – аёл Саксонга қараб деди, – мен сизга қишлоқ хўжалигида асосий нарса ишни қандай бошлаш эканлигини яхшилаб тушунтириб қўймоқчиман. Ахир мен ўзим бошида ҳеч нарса тушунмаганман ва ёнимда ҳам сизникига ўхшаган ақлли ва кучли эрим бўлмаган. Мен бутунлай ёлғиз эдим. Бироқ буларни мен сизларга кейин айтиб бераман.

Сабзавотлар, мева буталари ва мевали дарахтлар орасида ўтган бир соатлик суҳбат давомида Саксон шунчалик кўп ахборот олдики, у фақат кейинчалик бўш қолганда бу гапларни ўйлаб кўриш учун эслаб

қолишгагина уринди. Билл ҳам кизиқиб томоша қилиб, эшитар экан, ора-чира саволлар бериб, суҳбатлашишни Саксонга қўйиб берди. Уйнинг олдидагидек ҳамма ёқ тоза ва батартиб бўлган ҳовлида аёл уларга қушларини кўрсатди. Бу ерда махсус майдончада бир неча юзта оппоқ майда товуклар юарди.

– Оқ леггорнлар, – тушунтирди миссис Мортимер. – Бу йил улардан қанча фойда олганимни сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз. Товуклар тухумдан чиққанда мен уларни ортик ушлаб ўтирмайман.

– Мен ҳам отлар ҳақида сенга шуларни айтгандим, Саксон, – аёлнинг гапини бўлди Билл.

– Бу мен жўжаларни фақат ўзимга керак пайтдагина чиқарганим туфайли. Буни бизларда ҳозир ўн минг одамдан бир-иккитасигина қилади – менинг товукларим одатда улар тухум қўйишдан тўхтаган пайтда, тухумнинг нархи жуда баланд бўлган пайтда – кишда тухум қилишни бошлашади. Менинг ўз доимий мижозларим бор. Улар менга ўн иккитасига бозордагидан ўн цент ортик беришади, чунки мен фақат бир кунлик тухумни сотаман.

Аёл кўз қири билан Биллга қараб қўяр экан, унинг хали ҳам хўмрайиб, ўз хаёллари билан банд ҳолдалигини кўрди.

– Хўш, қўшилмайсизми? – сўради у.

Йигит бошини чайқади:

– Йўқ, қўшилмайман. Агар ҳар бир хўжайин бир кунлик тухумни сотадиган бўлса, сиз бозордагидан ўн цент қимматроққа сота олмасдингиз ва ҳамма нарса яна боягича қоларди.

– Бироқ у ҳолда ҳамма тухумлар бир кунлик бўларди, шуни эсдан чиқарманг! Ҳамма ҳаммаси, – гапини маъқуллади Мортимер.

– Саксон билан мен учун булар ҳаммаси барибир, – эътироз қилди Билл. – Мен боядан бери ана шуни билиб олмоқчи эдим ва ниҳоят, билиб олдим. Бозор нархидан ўн цент ортиқ дегани – мен билан Саксон учун назария. Факт эса – бизда на тухум, на товуклар, ва на бу товукларни боқиш учун еримиз бор.

Аёл раҳми келгандек бошини силиб қўйди.

– Ва бу ерда яна мен қўшилмайдиган бир нарса бор. Аниқ нималигини айтишим қийин, бироқ мен сезиб турибман... Нимадир бор... бор...

Улар молхона, чўчкахона ва итхонани ҳам кўриб чиқишди. Буларнинг бари катта эмас, бироқ ҳаммаси фойда келтиради, деб миссис Мортимер дарров оладиган фойдасини ҳисоблаб берди. Аёл зотли форс мушуклари, чўчкалар, шотланд овчаркаси ва зотли сигирлари учун тўлайдиган ва оладиган пулларини айтганда уларнинг кўзлари чиқиб кетай деди. Миссис Мортимернинг сигирларининг сути учун ҳам алоҳида нарх: у бир квартаси учун бозордагидан беш цент кўпроқ олади. Билл бу ердаги мевазор боғ билан яқинда кўришгани бошқа боғ ўртасидаги фарқни дарров сизди, миссис Мортимер эса бунга қўшимча яна қатор устунликларни кўрсатиб ўтди; унинг айтганларининг кўпини Билл тушунмаган ҳам бўлса-да, ўзини ишонганга солиб қўя қолди.

Шундан сўнг миссис Мортимер уларни ўз хўжалигининг яна бир тармоғи – у ўз харидорларига одам бутунлай ишониб бўлмайдиган нархда етказиб берадигани мураббо ва жемлар тайёрлаш ҳақида ҳам гапириб берди. Саксон ва Билл айвонда, тўқилган кулай креслоларда ўтириб олганча аёл ўзининг мураббо ва жемларини Сан-Хоседаги энг зўр ресторан ва бойлар клубига сотиб, уларнинг нархларини кўтар-

гани тўғрисидаги ҳикоясини эшитишди. Бу ишни бошлаётганда у ўз маҳсулотларидан намуна олиб, рестораннынг хўжайини ва клуб буфетчисининг олдига борган экан. Узоқ баҳслардан сўнг эса уларни ўзининг маҳсулотлари кўшиб ишлатиладиган ҳамма овқатларнинг нархини кўтариб, ҳар қанақасига мижозларига реклама қилиб, ўзининг маҳсулотларидан ўзига “мутахассислик” яратишга кўндира олган.

Аёл гапирар экан, Биллнинг кўзлари яна хиралашди. Миссис Мортимер буни кўриб гапидан тўхтади ва энди нима бўлишини кута бошлади.

– Энди яна бошидан қайтадан айтиб беринг, – илтимос қилди Саксон.

Миссис Мортимер агар улар кечки овқатга қолишадиган бўлсагина бунга рози бўлишини айтди. Билл хохламай турганига қарамай, Саксон таклифга рози бўлди.

– Шундай қилиб, – гап бошлади миссис Мортимер, – бошида деҳқончиликда ҳеч нарсани тушунмасдим, ахир шаҳарда туғилиб, ўсганман. Мен кўп йиллар Донкастер кутубхонасида катта кутубхоначи бўлиб ишлаганман ва деярли бутун ҳаётимни китоблар орасида ўтказганман; сўнгра мистер Мортимерга турмушга чиқдим. Унинг иши ҳам китоблар билан эди – у Санмигель университетининг профессори эди. У узоқ пайт касал бўлди, вафот этгач эса мен кун кечириниш учун ҳеч қандай маблағсиз қолдим. Ҳатто унинг суғурга пули ҳам мен қарздорлардан кутулгунимча тугаб бўлган эди. Ўзимга келсак, мен тамом бўлган эдим, асабларим чарчаб кетган, қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Бироқ қўлимда яна беш минг долларим қолган бўлиб, кўп ўйлаб ўтирмай, деҳқончилик билан шуғулланиб кўришга қарор қилдим. Бу

ерда иклим зўр, ер майдони эса Сан-Хоседан узоқ эмас – трамвайнинг охирги бекати бу ердан чорак милгина нарида – ва мен уни сотиб олишга қарор қилдим. Икки мингни нақд тўладим, қолган икки мингини ижарага олдим. Шундай қилиб, бу ер менга акри икки юз доллардан тушди.

– Йигирма акр! – хитоб қилди Саксон.

– Бу жуда кам-ку, – деди Билл.

– Кўп, ҳатто жуда ҳам кўп! Мен бошламасига ўн акрни ижарага бердим, шу пайтгача ҳам бериб келаман. Ўзимга қолдирган ўн акрни ҳам анчагача нима қилишни билмадим. Мана эндигина бу ўн акр ерда сиқилиб қолаётганимни сезяпман.

– Ана шу ўн акр сиз билан иккита ишчингизни боқадими?

Миссис Мортимер чапак чалиб, кулиб юборди.

– Кулоқ солинглар! Ахир мен кўп йиллар кутубхоначи бўлиб ишлаганман ва китобларни фарқлай оламан. Мен шу масала бўйича ёзилган барча китобларни ўқиб чиқдим, энг яхши қишлоқ хўжалиги журнали ва газеталарига ёзилдим. Ва сиз эса мендан шу ўн акр ер мени ва иккита ишчимни қандай боқишини сўраб ўтирибсиз! Мен сизга айтиб бераман. Менда иккита эмас, тўртта одам ишлайди. Ўн акр боқиши керак ва фақат уларни эмас, Аннани ҳам – у швециялик, бева, менинг уй-рўзгоримни бошқаради ва мураббо ва жемлар қилинадиган мавсумда тенги йўқ ишчи, унинг мактабга борадиган қизи ва мен ўз тарбиямга олган жиянимни ҳам боқяпти. Шундай қилиб, ўн акр мен учун йигирманинг ўрнига ўтади ва уйни, хизматчиларни ва мол-қолимни ҳам сақлай олади.

Саксон монтер йигит португалияликлар хакида нималар гапирганини эслади.

– Бу ерда ўн акрнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ! – хитоб қилди киз. – Буларнинг ҳаммасига сиз ўз билимингиз билан эришгансиз ва буни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

– Гап ана шунда-да, азизам. Бу – агар одамнинг акли бўлса дехқончиликда муваффақиятга эриша олишининг исботидир. Ёдингиздан чиқмасин – ер доим сахий! Бироқ у ҳам меҳрни талаб қилади, эскиликка ёпишиб олган америкалик фермер эса буни тушунмайди. Ўйлаш керак, мана гап нимада. Ана шундай ер эгаси чарчаб кетган ерига ўғит солиш кераклигини тушуниб етганда арзон – ёмон ва қиммат – яхши ўғит ўртасидаги фарқни кўришни ҳам истамайди.

– Мен шу нарсаларни жуда ҳам билгим келяпти! – хитоб қилди Саксон.

– Мен ўзим биладиган ҳамма нарсаларни сизлар билан ўртоқлашаман. Бироқ сизлар ҳозир жуда чарчаган бўлсанглар керак; сиз, менимча, ҳатто чўлоклан-япсиз ҳам. Уйга киринглар. Юкларингиз тўғрисида эса хотиржам бўлинглар – уларни олиб келиш учун мен ҳозир Чангни юбораман.

Табиатан гўзаллик ва назокатни яхши кўрадиган Саксон учун уйнинг ичидаги шароит янгилик бўлди. У шу пайтгача ўртаҳол одамларнинг уйида бўлмаган эди ва бу ерда кўраётган нарсалари у тасаввур қилганларидан кескин фарқ қиларди. Ёш аёлнинг кўзлари чарақлаб кетгани, у бу ердаги ҳамма нарсани диққат билан томоша қилаётганини сезган миссис Мортимер уларга бажонидил уйдаги ҳамма нарсаларни кўрсата бошлади. Худди меҳмонлар олдида мақтанмоқчидек, у

полни ўзи бўяганини, китоб тоқчалари ясаганини, антиқа буюмлар сотувчиси юборган кўхна креслони ҳам ўзи йиғганини айтишни унутмаган ҳолда, ҳамма нарсани ўз қўллари билан қилганини гапириб берди. Билл, аёлларнинг орқасидан эҳтиётлик билан кетиб борарди. У ўзини бемалол ва эркин тутаётган бўлса-да, дастурхон тепасида хато қилиб қўйишдан ўзини зўрға ушлай билди: ахир улар Саксон икковлари овқатланаётганда биров хизмат қилиб турадиган шахсий уйда биринчи марта овқатланишаётган эди.

– Агар меникига келаси йили келганларингда, сизларни ўша пайтга келиб тайёр бўладиган уйга жойлаштирган бўлардим, – ачиниб деди миссис Мортимер.

– Ҳечқиси йўқ, – жавоб берди Билл, – шу жой учун ҳам сизга катта раҳмат. Биз Сан-Хосегача етиб бориб, у ерда меҳмонхонага жойлашамиз.

Миссис Мортимер ҳали ҳам уларга жой топиб бера олмаётганидан хафа бўлиб кетаётганини кўриб, Саксон гапни бошқа ёққа буриб юборди ва ундан яна хўжалиги ҳақида гапириб беришни сўради.

– Эсинглардами, мен сизларга ер менга ҳаммаси бўлиб нақд икки мингга тушганини айтиб берган эдим, – гапида давом этди миссис Мортимер. – Иш бошлай олишим учун менда уч минг доллар қолган эди. Албатта, дўстларим ва қариндошларим омадим келмаслигини олдиндан айтишди. Албатта, мен роса хатолар қилдим. Ва, агар мен дехқончилик борасида ўз билимларимни оширмаганимда, хатоларим ундан ҳам кўп бўларди. Мен бу ишни ҳозиргача қиламан, – миссис Мортимер девор бўйлаб ўрнатилган, китоб ва журналларга тўла тоқчаларни кўрсатди. – Мен ҳеч ўқиб-ўрганишдан тўхтамайман. Ўша пайтда ўз-ўзимга

хамма янгиликлардан хабардор бўлиб туришга аҳд қилдим ва тажриба станцияларининг ҳамма хисоботларини йиғдим. Шундан сўнг тез орада бизнинг ҳали ҳам эскича услубда ишлаётган фермерларимиз ҳамма нарсани оёғини осмондан қилишларини билиб олдим. Уларнинг тентакликлари қай даражада эканлигини сизлар ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсизлар. Мен улар билан маслаҳатлашдим ҳам, ҳар хил янгиликларни муҳокама қилдик, уларнинг эскириб қолган услубларини танқид қилдим ва улар нима учун эски тизимга ёпишиб олганликларини асослаб беришларини талаб қилдим ҳам. Бироқ бунга жавобан улар мени тентак деб аташиб, мени ўзига ўзи чоҳ қазияпти, дейишди.

– Бироқ сиз ғолиб чиқдингиз! Ғолиб чиқдингиз!.

Миссис Мортимер Саксонга қараб миннатдорлик билан жилмайиб кўйди.

– Баъзан қандай қилиб ютқизмаганимга ўзим ҳам хайрон қоламан. Бироқ менинг ота-боболарим матонатли одамлар бўлишган ва бизлар ердан шунчалик узилиб қолган эдик-ки, нарсаларга янгича кўз билан қарай олдик. Агар менга нимадир тўғрига ўхшаб кўринса, қанчалик аҳмоқона бўлиб кўринса ҳам, мен ўша нарсани дарров амалда қўллардим. Олдинги мевазор боғимни олиб кўрадиган бўлсак: у ҳеч нарсага ярамасди. Ҳеч нарсага. Мен у боғни нима қилганимни кўриб, қария Кэлкинс юраги ёрилиб ўлиб қолай деганди. Ана энди ўша боғга каранг! Уйнинг ўрнида эски, йиқилиб тушай деяётган бино бор эди. Мен вақтинча ўша уйда яшаб, молхона, чўчкахона, товукхона — ҳаммасини таг-туғи билан буздириб ташладим. Кўшнилар мен бечора беванинг ўйламасдан қилаётган ишларимни кўриб, бошларини чайқаб кўйишарди. Лекин энг ёмони ҳали олдинда эди. Мен

честер зотли учта ажойиб чўчка учун — онасидан эндигина ажралган учта кичкинагина чўчкачалар учун олтмиш доллар тўлаганимни эшитиб, улар қотиб қолишди. Шундан сўнг мен ҳамма зотсиз товукларни бозорга жўнатиб, ўрнига оқ легторнларни олдим. Менга кўргон билан ўтган иккита қари сигирни ҳам қассобга ҳар бирини ўттиз доллардан сотиб, икки юз элик долларга иккита тоза зотли жерсей бузоқларини сотиб олдим ва шулардан фойда қила бошладим, бу орада эса ўша Кэлкинс ва қолган фермерлар ҳатто еяётган овқатини ҳам оқламайдиган сут берадиган сигирлари билан ўралашиб ётишарди.

Билл тасдиқлагандек бошини силкиб қўйди.

— Мен отлар тўғрисида нима деганларим эсингдами, — сўради у Саксондан ва уй бекасининг эътиборидан фойдаланиб, отлар ҳақида билганларини айтиб берди.

Овқатдан сўнг Билл чекиш учун чиқиб кетганида миссис Мортимер Саксонни ўзи ва эри ҳақида гапириб беришга чорлади ва Биллнинг боксга ва штрейкбрехерларни калтаклашга қизиқиши тўғрисида эшитиб, ҳеч ҳам ҳайрон бўлмади.

— Эрингиз келишган ва жуда бамаъни, — деди у Саксонга. — Бу унинг юзидан билиниб турибди. Сизни қанчалик севиб, сиз билан фахрланар экан! Унинг сизга қараши, айниқса сиз гапираётганингизда сизга қараб туриши менга қанчалик ёкиб кетганини сизга ҳатто тушунтириб ҳам бера олмайман. У сизнинг фикрингиз билан ҳисоблашишар экан, акс ҳолда сиз билан бу саёҳатга чиқмасди — ахир бу сизнинг гоянгизку, тўғрими? — миссис Мортимер хўрсинди. — Азизам, сиз бахтлисиз, чиндан ҳам бахтлисиз. Сиз ҳали эркак кишининг ақли нималигини билмайсиз. У сизнинг режаларингизни яхши тушуниб олгандан кейин нима

бўлишини кўрасиз, шунчалик берилиб кетганини кўриб, ҳайрон қоласиз. Ана ўшанда сиз унга ета олмайсиз. Бироқ ҳозир сизнинг вазифангиз – уни бошқариш. У шаҳар боласи эканлигини унутманг. Уни ўрганган ҳаёт тарзидан воз кечдириш қийин бўлади.

– Шаҳар унинг ҳам жонига теккан... – гап бошлади Саксон.

– Сизнинг жонингизга текканчалик эмас. Шаҳар ундан кўра сизга кўпроқ ёмонлик қилган. Сиз болангизни йўқотгансиз. Эрингизнинг болага қизиқиши ва ҳиссиётлари вақтинчалик бўлган ва унинг ҳиссиётларини сизники билан солиштириб бўлмайди.

Миссис Мортимер эшиқдан кириб келаётган Биллга ўтирилиб қаради.

– Хўш, менинг ишлаш услубимнинг нимаси ёқмаганини ниҳоят тушуниб етдингизми?

– Менимча, тушундим, – миссис Мортимер кўрсатган катта креслога ўтирар экан, гап бошлади Билл. – Гап шундаки...

– Бир дақиқа, – йигитнинг гапини бўлди миссис Мортимер, – бу катта ва бақувват кресло, сиз ҳам катта ва бақувватсиз, хотинингиз эса чарчаган... Йўк, йўк, ўтираверинг, – унга сизнинг қувватингиз керак. Ҳа, ҳа, илтимос, унга ҳам жой беринг.

Аёл Саксонни эрининг олдига олиб бориб, тиззасига ўтқазиб қўйди.

– Мана шундай, сэр! Иккалангиз бирга худди сурат кабисизлар. Ана энди, мен ҳаётда ўз ўрнимни топиш учун қилган ҳаракатларимга қарши фикрларингизни айтаверинг.

– Гап сизнинг ҳаракатларингиз ҳақида эмас, – эътироз билдирди Билл. – У жуда тўғри. У ажойиб. Мен шунчаки айтмоқчиманки, у биз учун тўғри

келмайди. Ҳеч нарса чиқмайди. Сизнинг афзалликларингиз бўлган — бой танишлар, эрингиз профессор бўлган. Сизнинг... — Билл ҳали ўзи учун ҳам аниқ бўлмаган фикрини айтиш учун сўз топа олмай тутилиб қолди, — бизда йўқ имкониятларингиз бўлган. Сиз билимлисиз, ўзингизни... нима десам экан... қандай тутишни ва ишни қандай олиб боришни биласиз. Булар ҳаммаси биз учун эмас.

— Бироқ, азизим, сиз ҳам бунга ўрганишингиз мумкин, — ишонч билан деди миссис Мортимер.

Билл бошини чайқади.

— Йўқ. Сиз мени тушунмадингиз. Мана, масалан, тасаввур қилинг: мен, худди сиз қилганингиздек, ўз мураббо ва жемим билан ана ўша катта ресторанга бораман ва бош официант билан гаплашмоқчи бўлман. Мен биринчи дақиқанинг ўзиданоқ ўзимни у ерда бегонадек ҳис қилган, бундан алам қилиб, ернинг тагига кириб кетгудек бўлардим. Бу ишлар эса бундай қилинмайди. Кейин у менга ёввойига қарагандек, — бу қандай қилиб мураббо сота олади, деб қараётганга ўхшаб туюларди! Кейин-чи? Ҳар бир арзимаган нарсдан менинг жаҳлим чиқиб кетган бўлардим. Тушуняпсизми? Шунчаки мен шунақа тарбияланганман. Ёки мен қандай бўлсам шундайлигимча қабул қилинг, ёки ҳеч нарса керак эмас, мураббомни эса сота олмасдим.

— Сиз айтганларингиз ҳаммаси тўғри, — йигитнинг гапларига кулиб қўйганча, илиб кетди миссис Мортимер. — Бироқ сизнинг хотинингиз бор. Сиз унга қаранг. У ҳар қандай ишбилармонда ажойиб таассурот уйғотади. Уларнинг ҳар бири унга жон-жон деб қулоқ солади.

Билл қадини ростлади; унинг кўзлари хунук чакнаб кетди.

– Мен яна нима гуноҳ қилдим? – кулиб сўради миссис Мортимер.

– Мен бундай ишлар учун хотинимнинг чиройидан фойдаланмоқчи эмасман, – жаҳл билан тўнғиллади йигит.

– Ва сиз бутунлай ҳақсиз. Ҳамма айб шундаки, сизлар иккалангиз ҳам замондан эллик йил орқада қолгансиз. Сизлар – эски бичимдаги америкаликсиз. Ва сизлар замонавий ҳаётнинг энг қизгин жойида бўлиб қолганларингиз – мўъжиза. Сизлар – Рип Ван Вниклисизлар. Бизнинг замонимизда катта шаҳарлик ёш эрхотиннинг ўрин-тўшаги солинган бўхчасини елкасига ортганча ўзига ер кидириб, яёв йўлга чиққанини ким кўрибди? Сизларнинг вужудингизда аргонавтларимизнинг руҳи яшайпти! Сизлар бир пайтлар ҳўкизларини кўшиб Фарбга, ботаётган куёшнинг нариги томонидаги мамлакатларга йўл олган одамлар сирасига кирасизлар. Баҳс бойлашаманки, ўшалар айнан сизларнинг ота-оналарингиз ва бобо, бувиларингиз бўлишган!

Саксоннинг кўзлари чарақлаб кетди, Биллнинг кўзларидаги ифода эса яна юмшади.

– Менинг ўзим ҳам ана ўша одамлар турига кирман, – ғурур билан гапида давом этди миссис Мортимер. – Менинг бувим Доннер партиясининг тирик қолган иштирокчиларидан бири бўлган. Язон Уитни, менинг бобом, Гори кўрфазини кесиб ўтиб Сономадаги кўзғолонда иштирок этган. Жон Маршалл Сэттериди олтин топганда у Монтериди эди. Сан-Францискодаги кўчалардан бири бобомнинг номи билан аталади.

– Мен бу кўчани биламан, – гапга аралашди Билл. – Бу Уитни-стрит. У Раппин-Хилл яқинида. Саксоннинг онаси ҳам прерияни кесиб ўтган.

– Биллнинг бобоси ва бувисини эса хиндулар ўлдиришган, – кўшиб кўйди Саксон. – Унинг отаси эса оқ танлилар уни кутқаришгунга қадар кичкина болалигида хиндуларнинг қўлида бўлган. У ҳатто ўзининг исмини ҳам билмаган ва уни мистер Робертс асраб олган.

– Нималар деяпсиз! Демак, азиз болаларим, биз деярли қариндош эканмиз, – хурсандчилик билан хитоб қилди миссис Мортимер. – Ўша пайтлар эсимга тушиб кетди! Ҳозирги жуда тезкор замонда, эссиз, у даврлар эрдан чиқиб кетди. Мен кутубхона учун каталог тузганим сабаб тарихимиз билан жуда қизиқардим ва ўша йилларга доир ҳамма нарсани ўқирдим.

– Сиз, – деди аёл Биллга қараб, – тўғрироғи сизнинг отангиз тарихга кирган. Энди эсимга тушяпти. Бу Бенкрофтнинг “Тарих” китобида тасвирланган. Сизнинг отангиз ичида бўлган пионерлар партиясига модоклар қабиласи хужум қилган. Карвонда ўн саккизта арава бўлган. Тирик қолган фақат отангиз бўлган; у жуда ҳам кичкина бўлиб, нима бўлаётганини тушунмаган ҳам. Кейинчалик уни оқ танлилар отрядининг бошлиғи ўғил қилиб олган.

– Тўппа-тўғри, – деди Билл. – Улар модоклар эди. Оқ танлилар партиясини, афтидан, Орегонга кетаётган бўлган. Уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлишган. Қизик, сиз Саксоннинг онаси ҳақида ҳеч нарса билмайсизми? У ўша пайтларда шеърлар ёзган экан.

– Улар бирор жойда нашр қилинганми?

– Ҳа, – жавоб берди Саксон, – Сан-Хосенинг эски газеталарида босилган.

– Сиз онангизнинг бирорта шеърини ёддан эслай оласизми?

– Эсимда. Биттаси мана бундай деб бошланарди:

*Худди Эолнинг арфаси мисол
Муза эҳтирос-ла куйлаяпти...
Калифорния водийлари
Акс-садо-ла жавоб бераяпти...*

– Бу мисралар менга таниш туюляпти, – ўйчанлик билан деди миссис Мортимер.

– Бошқаси ҳам бор эди. Мана бундай сўзлар бор эди:

Психея ва Пандора қилт этмай турар...

Ва давоми ҳам шунга ўхшаган. Мен бу шеърларда ҳамма нарсани тушунмайман. Улар менинг отамга аталган экан...

– Бу севги ҳақидаги шеър, – қизнинг гапини бўлди миссис Мортимерр. – Менинг эсимга тушяпти. Ҳозир, бир дақиқа... та-та-та, та-та-та, та-та-та, та-та-та!..

*Севгилимнинг қўллари
Ва қолатига
Учкундек сачраб,
Кўкрагида аметист учкунлари
Каби ялтираб,
Ёрқин фавворага
Ёғиляпти ёмғир бўлиб.*

– Онангизнинг исмини эслолмасам-да, мана шу “аметист учкунлари” деган сўзлар эсимда қолган.

– Унинг исми Дэзи эди, – гап бошлади Саксон.

– Йўк, Дэйелл эди, – бирдан эсига тушиб, қизни тўғрилади миссис Мортимер.

– Уни ҳеч ким бундай деб атамасди!

– Бироқ у имзони шундай деб кўярди. Давоми нима?

– Дэзи Уилей Браун.

Миссим Мортимер китоб жавонлари олдига бориб, тезда кўлида оддий холст муқовали катта китоб билан қайтиб келди.

– Бу “Ўтган кунлар архивидан” тўплами, – тушунтирди аёл. – Бу ерда ўша пайтларда газеталарда нашр қилинган энг сара шеърлар тўплами ҳам бор. – Миссис Мортимер тезлик билан тўплам мундарижасига кўз югуртириб чиқди; бирдан унинг кўзлари нимададир тўхтаб қолди. – Мен ҳақ эканман: Дэйелл Уилей Браун. Мана. Ўнта шеър киритилган: “Викинглар юриши”, “Олтин излаб”, “Вафодорлик”, “Кабельеро”, “Литтл Мэдоу қабрлари”...

– Биз ўша ерда хиндулардан қочгандик, – ҳаяжон билан аёлнинг гапини бўлди Саксон. – Ўша пайтларда кичкинагина киз бўлган онам, лагердан чиқиб, ярадорлар учун сув келтирган экан. Ҳиндулар эса унга қараб отишмаган. Ҳамма бу ҳақиқий муъжиза бўлган, деб гапирарди. – Саксон Биллнинг тиззасидан сакраб туриб, қўлларини китобга чўзди: – Шу шеърларни бир кўришимга ижозат беринг! Битта қараб чиқай! Булар мен учун янги шеърлар. Мен уларни билмайман. Кўчириб ёзиб олсам майлими? Уларни ёдлаб оламан. Буни қаранг-а – менинг онамнинг шеърлари!

Миссис Мортимер берилиб кўзойнагини арта бошлади. Саксон ҳаяжон билан кадрдон мисраларни ўқиб чиққунча аёл ва Билл индамай ўтиришди. Ўқиб тугатгач, Саксон табаррук бетларга бармоғини қўйганча, кўзини китобдан олмай, фахр билан бир неча марта қайтарди:

– Мен эса буларни билмаганман, ҳеч нарса билмаганман!

Охирги ярим соат ичида миссис Мортимер, афтидан нимадир тўғрисида қаттиқ ўйлаётган эди. У ўз режасини ўртага ташлади: у ўз тажрибасида интенсив методнинг афзаллигини деҳқончиликда ҳам, сут хўжалигида ҳам сезган ва шунинг учун ерининг ижара

муддати тугагач қолган ўн акр ерида сут фермаси қуришни режалаштиряпти. Қурилажак фермаси ҳам, унинг бошқа фаолиятлари каби намунали бўлиши керак, шунинг учун унга кўшимча ишчилар керак бўлади. Билл ва Саксон айнан унга керак одамлар. Келаси ёзда у ёшларни қуриб битирадиган уйига жойлаштириши мумкин. Ҳозир эса у нима бўлганда ҳам Биллга қиш даври учун иш топиб бера олади, трамвайнинг охирги бекатида эса ижарага бериладиган кичкинагина уй бор. Билл унинг қўл остида уйнинг қурилишини ўз қўлига олиши мумкин. Шундай қилиб, улар бир оз пул ҳам ишлашади, хўжаликни мустақил юритишни ўрганишади ва атрофни яхшилаб кўриб олиш учун вақтлари ҳам бўлади.

Бироқ аёлнинг ёшларни шу ерда қолишга кўндиришга уринишлари беҳуда кетди. Ниҳоят, Саксон ўзи ва Биллнинг бу борадаги фикрларини айтди.

— Сизнинг ерларингиз чиройли ва меҳмондўст бўлса-да, биз биринчи учраган жойда қола олмаймиз. Нима истаётганимизни биз ҳали ўзимиз ҳам аниқ билмаймиз. Биз илгарига қараб юришимиз, ҳар хил жойларни кўришимиз, хўжаликни юритишнинг ҳар хил йўллари билан танишишимиз керак; ана шундагина нима хоҳлаётганимизни, бизга ўзи нима кераклигини ҳал қиламиз. Ва бу масалада шопилмоқчи эмасмиз. Ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб олиб, ҳал қилмоқчимиз. Бундан ташқари... — қиз иккиланиб қолди, — бундан ташқари текис ерлар бизга ёқмайди. Билл бизнинг ерларимизда тепаликлар бўлишини хоҳляпти. Мен ҳам.

Ёшлар кетишга тайёрланишар экан, миссис Мортимер Саксонга “Ўтган кунлар архиви” тўпламини совға

килмоқчи бўлди, бироқ Саксон бошини чайқатиб, Биллдан пул олди.

– У ерда тўплам икки доллар туриши ёзиб қўйилибди, – деди у. – Мен учун шундай тўплам сотиб олиб, ўзингизда сақлаб тура оласизми? Жойлашиб олганимиздан сўнг мен сизга манзилни ёзиб юбораман ва сиз менга тўпламни жўнатиб юборасиз.

– Оҳ бу америкаликлар-ей! – пулни олар экан, гижиниб қўйди миссис Мортимер. – Фақат, вақти-вақти билан ишларингиз қандай кетаётганини менга ёзиб туришлар.

Аёл ёшларни катта йўлгача кузатиб қўйди.

– Сизлар зўрсизлар, – хайрлашаётиб деди у. – Мен ҳам сизлар билан худди шундай қилиб – елкамда халтам билан жон-жон деб кетган бўлардим. Иккалангиз ҳам ажойибсизлар. Агар менинг ёрдамим керак бўлиб қолса, хабар беринглар. Сизларни муваффақиятлар кутаётганига аминман ва бунда менинг ҳам хиссам бўлишини истайман. Ер олишда омадинглар келса менга ёзиб юборинглар, аслида мен бунга унчалик ҳам ишонаётганим йўқ. Бозордан жуда узок жой бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Миссис Мортимер Биллнинг қўлини қисди, Саксонни маҳкам кучоклаб, ўпиб қўйди.

– Ҳеч нарсадан кўркманглар, – Саксоннинг кулоғига деди у. – Сизлар ғалаба қиласизлар. Сизлар тўғри йўлдасизлар ва менинг таклифимни рад қилиб тўғри қилдинглар. Бироқ бу таклиф, балки ундан ҳам қизикроғи, ўз кучида қолади. Иккалангиз ҳали жуда ёшсизлар. Шопилманглар. Вақтинча бўлса ҳам қаерда тўхтасан-гиз, менга дарров хабар беринглар, мен сизларга қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги ҳисоботлар ва мате-риалларни бериб юбораман. Кўришгунча хайр. Сизлар-га катта, катта муваффақиятлар тилайман!

ТЎРТИНЧИ БОБ

Шу куни кечкурун Билл меҳмонхонанинг кичкина номерида каравот четида кимирламай чуқур хаёл суриб ўтирарди.

– Хў-ўш, – узок уфлаб деди у, – битта нарсани бемалол айтиш мумкинки, дунёда яхши одамлар ҳали бор экан. Миссис Мортимерни олайлик. Ажойиб инсон, курашларда чиникқан ҳақиқий америкалик.

– Ақлли, ўқимишли аёл экан, – эрининг гапига кўшилди Саксон, – ва бу ишлардан ҳеч ҳам уялмайди. Ҳамма нарсани ўз қўллари билан, ўз кучи билан қилган.

– Йигирма акр, йўк, ўн акргина жойда! Ҳаммаси учун пул тўлаган, янгиликлар киритган, ўзини ҳам, тўртга ишчисини ҳам, ошпаз аёлини ҳамда жиянини ҳам боқади! Одам ишонгиси келмайди. Ўн акр! Менинг отам бир юз олтмиш акрдан камини ер деб ҳисобламасди. Ҳатто аканг Том ҳам ҳамма нарсани милларда ўлчайди... Ахир бу аёл киши, яна бунинг устига ёлғиз бўлса! Уни учратиб қолганимиз бизнинг омадимиз бўлди.

– Саргузаштдан нимаси кам! – хитоб қилди Саксон. – Сафарга чиққанда айнан шунақа бўлади. Эртага сени нима кутаётганини ҳеч қачон билмайсан. Биз уни айни ўлгудек чарчаб, Сан-Хосега қачон етиб келамиз, деяётганимизда учратиб қолдик. Биз бундай учрашув ҳақида орзу ҳам қилмагандик. Ва у бизларга худди дайдиларга қиладигандек муомала қилмади. Уйини-чи – тозалигини, ҳам чиройли. Полда бир дона чанг йўк. Мен хоналарни шундай қулай ва чиройли қилиб жиҳозлаш мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

– Хидлари ҳам бирам ажойиб эди, – кўшиб қўйди Билл.

– Ҳа, ҳа! Аёллар журналларида буни “атмосфера яратиш” деб аталади. Мен илгари бу нима эканлигини тушунмасдим. Миссис Мортимернинг уйи ҳақида худди шундай дейиш мумкин.

– Бу сен тиккан чиройли нарсаларинг каби, – деди Билл.

– Бу одам ўз танасини тоза ва чиройли сақлашни ўрганганидан кейинги қадам; одамнинг уйи ҳам тоза ва чиройли бўлиб туриши керак.

– Бироқ ижарага бериладиган уйларда бундай бўлиши мумкин эмас, Саксон, фақат ўз уйингдагина шундай қилиш мумкин. Ижарага бериш учун бундай уйлар қурилмайди. Менга энди бир нарса аниқ: миссис Мортимернинг уйини қуриш унчалик қимматга тушмаган. Гап пулида эмас, гап унинг қандай қурилганида. Ёғочлари оддий, бундай ёғочларни хоҳлаган ёғоч омборидан сотиб олишинг мумкин. Бизнинг Пайн-стритдаги уйимиз ҳам худди шундай ёғочдан, фақат бошқача қурилган. Мен тушунтира олмаяпман, лекин нима демоқчилигимни ўзинг яхши тушуниб турибсан.

Саксон яқиндагина ташлаб кетганлари шинам хоналарни эслар экан, хаёл билан қайтарди:

– Ҳа, гап шундаки...

Эртаси куни эрталаб улар йўлга тушишди ва Сан-Хосе қишлоғида Сан-Хуан ва Монтерига борадиган йўлни қидира бошлашди. Саксон борган сари чўлоқланиб бораётган эди. Ҳаммаси товонидаги сувли қадокдан бошланиб, энди ўша нарса ёрилган ва бошмоғи қаттиқ уриб, оғриғига чидай олмаётган эди. Билл шу борадаги отасининг маслаҳатларини эслаб, гўшт дўконига кирди ва беш центга қўй ёғи олиб чиқди.

– Мана, сенга нима керак, – деди у Саксонга: – кулай оёқ кийим ва оёғингга яхшилаб думба ёғини суриш керак. Шаҳар ташқарисига чиқиб олишимиз билан шу ишни қиламиз. Сафаримизни тўхтатиб турсак ҳам бўларди. Бирорга иш топиб, сенга озгина дам беришим керак. Ҳаракат қилиб кўраман.

Улар шаҳар чеккасига етиб келишганда, йигит Саксонни катта йўлда қолдириб, узокда кўриниб турган катта ферма томонга қараб кетди. Ва сал ўтиб у ердан хурсанд бўлганча қайтиб келди.

– Ҳаммаси жойида, – деди у яқинроқ келгач. – Ҳов анави дарахтлар олдиғача бориб – у ерда ариқ бор экан, ўша ерда жойлашамиз. Мен эртадан иш бошлайман. Кунига икки доллардан, овқати ўзимдан, агар овқат ундан бўлса, кунига бир ярим доллардан. Мен унга биринчисини афзал кўришимни, ҳамма нарсам ўзим билан эканлигини айтдим. Ҳаво яхши, оёғинг тuzалмагунча бир неча кун шу ерда бўлиб туришимиз мумкин. Кетдик. Ҳақиқий лагерь курамыз.

– Қанақа қилиб иш топдинг? – Ўрнашишга жой тайёрлаш учун ариқ четида жой қидиришар экан, сўради Саксон.

– Ҳозир, шошмагин, жойлашиб олайлик, айтиб бераман. Худди тушга ўхшайди.

Жойларни солиб, гулхан ёкиб ўтиришгач қозончада қайнаётган овқат тагига ўтин ташлар экан, Билл гап бошлади:

– Биринчидан, Бенсон шунчаки бир. чол эмас. Кўринишидан уни фермер деб ҳам ўйламайсан. Ақлли, калласи жойида, ҳақиқий ишбилармондек ҳаракат қилади. Мен бунга фермага киришим билан уни ҳали кўрмасдан туриб тушундим. У эса ўн беш сонияда мени билиб олди.

– Ер хайдашни биласизми? – сўради у.

– Албатта, – дедим мен.

– Отларни-чи?

– Мен отхонада катта бўлганман, – дедим. Шу пайт, эсингдами, Саксон, бир куни орқамдан тўрт отга кўшилган арава келиб колган эди. Мен унга шуни айтиб бериб тургандим, қовлига ўша машина кириб келди.

– Тўрт отга кўшилган аравани ҳам эплай оласизми? – деб сўради чол.

– Бўлмаса-чи! Отга хоҳласангиз плугни, хоҳласангиз тикув машинасини кўшинг, каруселни кўшсангиз ҳам бўлади, – дедим.

– Қани, эгарга ўтиринг-чи, жиловни олинг, – шу заҳоти вақтни ўтказмай буюрди у. – Ҳов анави омборни кўряпсизми? Ўшани ўнг томондан айланиб ўтиб, юкларни тушириш учун орқангиз билан туринг. Саксон, сенга айтсам, у жойни айланиб ўтишининг ўзи бўлмасди. Мен ғилдиракларнинг изидан ҳамма у ерни чап томондан айланиб ўтишини кўриб турардим. Менга эса худди саккиз рақамига ўхшаб иккита айланиш қилишимга тўғри келарди. Бунинг устига шундай йўл устида гўнг уюми турибди – ҳали йиғишга улгуришмаган. Ўзимни ҳеч нарса сезмаганга солиб туравердим. Аравакаш менга жиловни берар экан, унинг “Қанақа қилиб ўтардинг!” дегандек, киноя билан жилмайиб турганига кўзим тушди. Ўзича, қўлидан келмайди, деб ўйлади, шекилли. Бас бойлашман: унинг ўзи бу ишни қила олмасди. Йўлга тушганда, ўзимни бемалол тутдим, бироқ мен ҳатто отларни ҳам яхшилаб кўриб олмагандим, ахир. Мен отларни тўғри гўнг уюми устига хайдаганимни кўрсанг эди. Бошқачасига иложи йўқ эди. Бироқ отларига гап йўқ. Хуллас,

бир амаллаб Бенсон айтган жойга бориб, отларни тўхтатдим.

– Майли, мен сизни ишга олдим, – деди Бенсон. – Сиз ўз ишингизнинг устаси экансиз.

– Арзимаган нарса, – совуқкина қилиб дедим мен ҳам. – Сиз менга чинакамига қийин иш беринг. У жилмайиб кўйди, нима демоқчи эканимни тушунди, шекилли.

– Сиз ўз ишингизни жуда яхши билар экансиз, – деди у. – Мен отларимни ҳаммага ҳам ишонавермайман. Кўча-кўйда юриш сиз учун эмас. Сиз яхши ишчи экансиз, афтидан, йўлдан адашгансиз, шекилли. Майли, эртага эргалабдан менинг отларимда ер ҳайдайсиз, деди. – Ақлли одамлиги кўриниб турибди, бироқ жуда ҳам эмас. Акс қолда, мен ер ҳайдашни билиш-билмаслигимни сўраган бўларди.

Саксон тайёрлаган овқатларини дастурхон устига кўяр экан, унинг устидаги нарсаларни яна бир марта кўздан кечирди – темир идишда шакар, қуюлтирилган сут, кесилган шўр гўшт, помидор, юмшоқ нон бўлаклари, буғи чиқиб турган пишган ловия ва қаҳва солинган финжонлар.

– Кечаги овқатга ҳеч ҳам ўхшамайди! – қўлларини бир-бирига уриб, хитоб қилди Саксон. – Кечаги кун худди китобларда ёзиладиган саргузаштга ўхшарди. Мен билан бирга балиқ тутган бола ҳақ бўлган экан. Эсингдами, кечаги дастурхон қандай чиройли тузалган эди, уй ҳам қандай чиройли эди. Энди эса мана бунга қарагин. Биз сен билан Оклендда минг йил яшаб, миссис Мортимерга ўхшаш аёлни учратмаслигимиз ва дунёда шундай уйлар бўлиши мумкинлигини билмай ўтиб кетишимиз мумкин эди. Билли, ўйлаб кўргин-а, биз эса саёҳатимизни энди бошладик.

Билл далада уч кун ишлади. У плугни ишлата олаётгани, ер хайдаш у ўйлагандан кўра кизикрок эканига Саксонни ишонтира бошлади. Эрига бу иш ёқаётганини билиб, Саксон ичида хурснд бўла бошлади.

– Менга бу иш ёқиб қолади, деб ҳеч ҳам ўйламагандим, – деди Билл. – Ер хайдаш маза экан. Оёқ пайларини мустаҳкамлар экан – аравакашга мана шу етишмайди. Агар мен яна қачонлардир бокс тушиш учун тайёрланадиган бўлсам, албатта ер хайдаш билан шуғулланаман. Ва яна, биласанми, Саксон, ерни ағдараётганда хиди қандай ажойиб экан! Бутун кун юрасан, янги, ёғли ер қатламини ағдарасан. Отлар эса – қандай ақлли! Ўз ишларини одамлардан кам билмайди. Ҳа-а, Бенсоннинг бутун кўрғонида ёмон отни топа олмайсан.

Охирги кун осмонни булут қоплаб, салқин тушди, жануби-шарқдан кучли шамол эса бошлади – бир сўз билан айтганда, қишқи ёмғирлар яқинлашиб келаётганининг ҳамма аломатлари пайдо бўлди. Билл кечкурун ишдан қайтаётганда эски брезент парчаларини олиб келиб, ўринларини ёмғирдан химоя қилиш учун, уни ёғочга тортди. Шунинг орасида у бир неча марта жимжилоғидаги оғриқдан шикоят қилди. Бу оғриқ уни бутун кун бўйи эзганини Саксонга айтиб берди; очиги фақат бугун эмас, бир неча кундан бери шундайлигини бўйнига олди: оғриқ худди йиринг бойлаганда бўладигандек эди, афтидан зирапча кирган бўлса керак; фақат қаердалигини билмайди.

Билл ҳаво совушига тайёргарлик кўра бошлади. У ўринлари тагига ариқнинг нариги томонида кўргани ташландиқ сарой деворларидан синдириб олгани бир нечта эски тахталарни ташлади; тўшак ўрнига тахталар

устига курук барглари солиди; брезентни эса арқон ва сим бўлаклари билан маҳкамлади.

Ёмғир биринчи марта томчилай бошлаганда Саксон ҳайратга тушди; Биллга эса таъсир қилмади. “Бармоғим ёмон оғрияпти”, – деди у. Бироқ на ўзи, на Саксон нима қилишни билишмасди.

– Балки тирноғинг атрофи йиринглагандир? – деди Саксон.

– Бу нима дегани?

– Очиғи, ўзим ҳам билмайман. Миссис Кэди билан ҳам шундай бўлгани эсимда, бироқ мен у пайтда жуда кичкина эдим, – уни ҳам жимжилоғида эди. Менимча, у ўшанда қандайдир малҳам суриб, пластирь ёпиштириб қўйган эди. Борган сари йиринглаб, охири тирноғи кўчиб тушган эди. Шундан кейин бармоғи дарров битиб, янги тирноқ ўсиб чиққанди. Кел, мен сенга иссиқ нондан пластирь қилиб бераман.

Бироқ Билл бу давони рад этди – эрталабгача ҳаммаси ўтиб кетади, деб Саксонни ишонтирди. Саксон эса хавотирга тушиб қолди. Беихтиёр кўзи кетиб қолар экан, у Биллнинг ухламаётганини сезиб турарди. Бир неча дақиқадан кейин қизни қаттиқ шамол ва брезентга ураётган ёмғир уйғотиб юборди ва Биллнинг аста инграётгани қулоғига кирди. У тирсагига кўтарилиб, бир қўли билан одатда Билл ухлай олмаганда қиладигани – унинг пешонаси ва чеккаларини ишқалай бошлади.

Кейин у яна мудрай бошлади ва яна уйғониб кетди. Бу сафар қаттиқ шамол эмас эди. Ҳамма ёқ зим-зиё бўлса ҳам, у Билл ёнида эмаслигини дарров сезди. Билл эса нарироқда тиззалаб ўтириб олганча, чидаб бўлмас оғриқни босишга ҳаракат қилиб, зўрға ўтирарди.

– Бугун кўлим зиркирапти, жин ургур, – Саксоннинг товушини эшитиб, деди йигит. – Тиш оғриғидан минг марта баттар. Бироқ бу ҳаммаси арзимаган нарса. Шамол брезентни учириб юбормаса эди. Оталаримизда қандай бўлган экан-а! – оғрикни енгтишга ҳаракат қилиб, деди йигит. – Бир пайт менинг отам тоғда дўсти билан бирга бўлишига тўғри келган бўлиб, айиқ дўстининг оёғини суягигача ғажиб ташлаган экан. Овқатлари тамом бўлган, олдинга қараб юришлари керак экан. Отам дўстини отга ўтқазиб қўйган, дўсти эса бир неча марта хушидан кетибди. Бу нарса бир неча марта қайтарилибди. Дўстини отга бойлаб қўйишга тўғри келибди. Шу ҳолда беш ҳафта юришган экан... Ва отам шуларнинг барига чидаган. Жек Кингли-чи? Милтиғи портлаб, бугун чап кўлини учириб юборган, този ити бўлса унинг кўзи олдида учта бармоғини еб қўйган! Жек ботқоқда ёлғиз ўзи бўлган ва...

Саксон Жек Кингли ҳақидаги ҳикоянинг давомини эшита олмади: бирдан қаттиқ шамол эсиб, ёғочдан қилинган ромни учириб юборди ва брезент уларнинг устиларига қопланиб қолди. Кейинги дақиқада эса брезентни ҳам, арқонларни ҳам шамол қоронғилик қаърига учириб кетиб, Саксон ва Билл ёмғир остида қолишди.

– Бошқа иложимиз йўқ, нарсаларни олиб, анави сарой ичига борамиз, – Саксоннинг қулоғига қичқирди Билл.

Улар шаррос қуяётган ёмғир остида, зим-зиё қоронғида, икки марта ариқдан тиззаларидан сув кечиб ўтиб, саройга кириб боришди. Эски саройнинг тепасидан худди панжарадан ўтаётгандек чакки ўтиб ётарди, бироқ улар ниҳоят қуруқ жой топиб, жиққа ҳўл бўлиб

кетган кўрпачаларини солишди. Биллнинг қийналиши Саксонни эзиб юбораётган эди. Йигитни ухлашга мажбур қила олиш учун Саксон бир соат овора бўлди, бироқ унинг пешонасини силашдан тўхташи билан Билл уйғониб кетарди. Саксондан ҳам зах ўтиб, совук қотиб кетаётган бўлиб, бироқ эрининг бир оз азобсиз тура олиши учун тунни бедор ўтказишга ҳам рози эди.

Саксоннинг мўлжалича ярим кеча бўлганда, саройга кимдир кириб келди. Эшик оғзида электр фонарнинг ёруғи тушиб, худди кичкина прожекторнинг ёруғи бутун бинони ёритиб чиққандек бўлди ва охири келиб Билл билан Саксонда тўхтади.

Қоронғиликда кўпол овоз янгради:

– Аҳа, кўлга тушдингларми? Қани, бу ёққа чиқинглар-чи!

Кўзлари ёруғдан қамашган Билл туриб ўтирди. Фонарь ушлаган одам яқинлашар экан, буйруғини қайтарди.

– Ким бу? – овоз чиқарди Билл.

– Бу мен, – жавоб эшитилди, – бу ерда ялпайиб ётишни мен ҳозир сизларга кўрсатиб қўяман.

Гапираётган одамнинг товуши, яқингиналарида, бир ярдгина масофа нарида эшитилди, бироқ Билл билан Саксон бир ёниб, бир ўчаётган чироқ ёруғида ҳеч нарса кўра олишмаётган эди.

– Қани, қимирланглар! Чиқинглар! – давом этди овоз. – Лаш-лушларингни ўраб, кетимдан юринглар. Сизлар билан пачакилашиб ўтиришга менинг вақтим йўқ.

– Жин урсин сизни, сиз кимсиз ўзи? – жаҳл билан гапираётган одамнинг гапини бўлди Билл.

– Мен шу жойнинг констебелиман. Кетдик!

– Биздан ўзи сизга нима керак?

– Менга сизлар кераксизлар. Иккалангиз ҳам.

– Нима сабабдан?

– Дайдиллик сабаб! Энди эса – тезроқ бўлинглар!
Мен туни билан сизларни деб шу ерда турмайман-ку!

– Қаердан келган бўлсанг, шу ёққа жўна! – газабланди Билл. – Мен дайди эмасман. Мен – ишчиман.

– Балки шундайдир, балки йўқ, – жавоб берди констебель. – Буни энди эрталаб судья Ньюсбаумерга ўзинг айтиб берасан.

– Сен, молга ўхшаган, мени сен билан бирга кетади, деб ўйляяпсанми? – яна гап бошлади Билл. – Қани, чирокни ўзингга қаратгин-чи, башарангни кўрмоқчиман. Мени олиб кетмоқчимисан? Мени-я? Мен сени бурда-бурда қилиб ташларман...

– Билл, жим бўл, – илтимос қилди Саксон. – Шовқин кўтармагин. Яна қамалиб ўтирмагин.

– Тўппа-тўғри, – қизнинг гапини маъқуллади констебель. – Ёнингдаги аёлнинг гапига кулоқ сол, йингит.

– Бу менинг хотиним, у билан ҳурматини жойига қўйиб гаплаш, – дўқ билан деди Билл. – Энди эса соғ қолай десанг, жўна бу ердан.

– Сендака довиорақларнинг кўпини кўрганман! – деди констебель. – Менда сени гапимга ишонтирадиган нарса бор. Манавини кўрдингми?

Чирок ёруғида револьвер ушлаб турган қўл кўринди. Қўл гўё ҳавода муаллақ тургандек эди. У худди арвоҳнинг қўлидек йўқолар, қўлнинг бармоқлари фонарнинг тугмачасини босганда эса яна пайдо бўларди. Улар гоҳ бир сониягина револьвер ушлаган қўлни кўришар, гоҳ ҳамма ёқ зимистон бўлиб, яна бир оздан сўнг револьвер ушлаган қўл кўринарди.

– Энди мен билан юрарсизлар, деб умид қиламан, – истехзо қилди констебель.

– Сенга яна бошқа жойга боришга тўғри келиб қолмасин... – гап бошлади Билл.

Бироқ шу пайт чироқ яна ўчди. Улар констебель қандайдир ҳаракат қилаётганини сезиб қолишди ва фонарь ерга тушиб кетди. Билл ҳам, констебель ҳам шоша-пиша ердан уни қидира бошлашди. Бироқ Билл уни биринчи бўлиб топиб, ёқди-да, чироқни констебельга қаратди. Ёшлар рўпараларида устидан шариллаб суви оқаётган плащ кийиб олган қарияни кўришди. Саксон “Тул кўйиш куни” маросимлари қатнашчилари орасида бундай қарияларни кўп кўрган эди.

– Фонарни бер! – ўшқирди констебель.

Бунга жавобан Билл кулиб кўйди.

– У ҳолда бошингни қатигини чиқариб ташлайман!

– Констебель револьверини фонарнинг тугмачасидан бармоғини олмай турган Биллга қаратди.

– Эй, сен, сассик соқолли чол, сенинг ачитган олмани отишга ҳам кучинг етмайди! – хитоб қилди Билл. – Сиздекларни жуда яхши биламиз! Бир бечора, ҳеч нарсага қурби етмайдиган камбағалларни ушлаш бўлса, сизлар шердек жасурсизлар, агар олдиларингда мард эркак турадиган бўлса думларингни қисиб, бутанинг остига кириб кетасизлар! Қани, нимага отмаяпсан, кўрқоқ? Битта пўписа қилса, думингни қисиб қочиб қоласан-ку, ахир!

Ва шу сўзлар билан, Билл бақирди:

– Йўқол, бу ердан!..

Саксон констебельнинг кўрқиб кетганига беихтиёр кулиб юборди.

– Сенга охирги марта айтаяпман, – деди констебель, – фонарни бериб, олдимга туш, акс ҳолда турган жойингда отиб ташлайман.

Саксон Билл учун кўрқаётганди; бироқ констебельнинг отмаслигига ҳам ишончи комил эди – у бир вақтлардагидек Биллнинг кўркмаслигидан ҳайратга тушаётганди. Қиз эрининг юзини кўра олмаётган, бироқ унинг юзи у учта ирландиялик билан курашгандаги каби совуққон эканлигини тасаввур қилаётган эди.

– Мен биринчи марта одам ўлдиришим эмас, – кўрқитгандек, гапида давом этди констебель. – Мен эски аскарман ва қондан кўркмайман.

– Ҳеч қандай ёмон иш қилмаган, тинчгина юрган одамларга тирғалишдан уялсангиз бўларди, – эркакнинг гапини бўлди Саксон.

– Бу ерда тунашга ҳақларингиз йўқ, – деди ниҳоят констебель. – Бу жой сизларники эмас, сизлар қонунни бузаяпсизлар. Қонунни бузганлар эса турмада ўтириши керак. Мен бир ой ичида мана шу саройда тунаган қанчадан-қанча дайдиларни турмага тикдим. Бу ер улар учун қармоқдек гап. Мен сизларни яхши билиб олдим – сизлар хавфли одам эканлигингизни тушундим. – У Биллга қараб ўтирилди: – Қани, етар, сизлар билан етарлича танишиб олдим. Сиз менга бўйсуниб, ўз хоҳишингиз билан бирга юрасизми ёки йўқми?

– Қари қирчанғи, биласанми, мен сенга нима демоқчиман, – жавоб берди Билл, – биринчидан, бизни олиб кетишга кучинг етмайди, иккинчидан, бу тун биз шу ерда ухлаймиз.

– Фонарни қайтар, – катъий талаб қилди констебель.

– Бўлди қил, соқол! Жонимга тегдинг! Кўздан йўқол! Чироғинга келсак, сен уни ана у ердан, ахлатдан оласан.

Билл чироқ нуруни эшик томонга йўналтирди ва кейин уни коптокдек, ирғитиб юборди. Энди улар бутунлай қоронғиликда қолишган бўлиб, констебельнинг алам билан тишларини ғичирлатгани эшитилди.

– Қани, отиб кўргин-чи, нима бўлишини кўрасан! – бақирди Билл.

Саксон қоронғида унинг қўлини топиб, фахр билан қаттиқ қисиб қўйди. Констебель нималардир деб тўнғиллади.

– Бу нимаси? – унга қараб бақирди Билл. – Сен ҳали ҳам шу ердамисан? Менга қара, соқол! Гапларинг жонимга тегди. Йўқол, акс ҳолда мен ўзим сени чиқариб юбораман. Агар яна қайтиб келадиган бўлсанг, кўрсатиб қўяман! Қани!

Бўрон товуши билан улар ҳеч нарса эшитишмади. Билл папирос ўради. Папиросини ёқиш учун олов ёққанда улар сарой бўм-бўшлигини кўришди. Билл кулиб юборди:

– Саксон, буни қара, қоним қайнаб кетганидан бармоғим ҳам эсимдан чиқиб кетибди. Энди яна оғрияпти.

Саксон уни ётишга мажбур қилиб, яна пешонасини силай бошлади.

– Эрталабгача йўлга тушишимизнинг ҳожати йўқ, – деди у. – Тонг отиши билан Сан-Хосега борамиз, иссиқ нонушта қилиб, сўнг дорихонадан керакли дориларни оламиз.

– Бенсон-чи? – иккиланиб деди Билл.

– Мен унга шахардан кўнгироқ қиламан. Бу ниҳоят беш центина бўлади. Унинг телефони борлигини

кўргандим. Бармоғинг оғримаган тақдирда ҳам, бари бир ёмғир сабаб ер ҳайдай олмасдинг. Ҳаво очилгунча, менинг товоним ҳам тузалиб қолади ва биз йўлимизда давом этамиз.

БЕШИНЧИ БОБ

Орадан уч кун ўтиб, душанба куни Саксон ва Билл охирги тўхташ жойигача бориб, у ердан Сан-Хуанга бориш учун эрталаб вақтли трамвайга ўтиришди. Йўлларда сув ҳалқоб бўлиб ётса-да, бироқ осмон кўм-кўк бўлиб, қуёш чарақлаб ётар, ҳамма ёқ кўм-кўк ўт билан қопланган эди. Билл уч кунлик иши учун Бенсондан олти долларини олиб чиққунча Саксон уни Бенсоннинг кўрғони ёнида кутиб турди.

– Менинг кетишимни эшитиб, ерни тепкилаб, бақириб юборди, – Бенсоннинг олдидан келиб, деди Билл. – Аввалига эшитишни ҳам истамади. Бир неча кундан кейин мени отларнинг олдига ўтказмоқчи эканини ва тўрт отли аравани бошқара оладиган одамни топиш қийин эканлигини, шунинг учун мендек ишчини йўқотишни истамаётганлигини ҳам айтди.

– Сен нима дединг?

– Мен эса энди йўлимда давом этишим кераклигини айтдим. Мени кўндиришга ҳаракат қилганда эса, хотиним мен билан бирга экани ва у мени шоширатганини айтдим.

– Бироқ буни ўзинг ҳам хоҳлаяпсан-ку, тўғрими?

– Ҳа, албатта, болажон; бироқ мен сенчалик қизиқиб кетмаяпман. Жин урсин, далада ишлаш борган сари менга ҳатто ёқиб кетяпти. Агар яна ер ҳайдашга тўғри келса, энди кўрқиб ўтирмайман. Гап нимадалигини

билиб олдим ва энди истаган фермер билан баҳс бойлаша оламан.

Орадан бир соат ўтиб, уч мил юрганларидан сўнг орқаларида мотор шовқинини эшитиб, улар йўл четига чиқишди. Бироқ машина уларни қувиб ўтмади. Унда Бенсон ўтирарди; ёшларнинг ёнига келганда у машинасини тўхтатди.

– Қайси томонга кетяписизлар? – Саксонни диққат билан кўздан кечириб, Биллдан сўради у.

– Монтерига, агар сиз ҳам ўша ёққа кетаётган бўлсангиз, – истехзо билан жавоб берди Билл.

– Сизларни Уотсонвилгача олиб кетишим мумкин. Икки оёқда, бунинг устига юкларингиз билан у ерга бир неча кунда етиб борасизлар. Чикинлар, – у Саксонга қараб мурожаат қилди: – Олдинда ўтириб оласизми?

Саксон Биллга қаради.

– Чика қол, – деди Билл. – Олдинда яхши кетасан. Мистер Бенсон, бу миссис Робертс – менинг хотиним.

– Ҳа-а, эрингизни мендан сиз ўғирлаб олганмидингиз? – Саксоннинг оёғини ўраб қўяр экан, мулоимлик билан пўписа қилди мистер Бенсон.

Саксон индамай айбни бўйнига олди-да, диққат билан мистер Бенсоннинг машина ҳайдашини кузатиб кетди.

– Ҳа-а, агар меникига келгунингизгача сиз ҳайдаган ерчалик ерим бўлганда мен бой бўлмасдим, – елкаси оша Биллга қараб, кулиб қўйди мистер Бенсон.

– Мен умримда бир мартагина плуг ушлаганман, – тан олди Билл. – Бироқ одам ўрганиши ҳам керак-ку.

– Кунига икки долларгами?

– Ўқитиш учун пул тўлайдиган одам топилгандан кейин... – дарров жавоб топди Билл.

Бенсон чин юракдан хахолаб кулди.

– Сиз қобилиятли ўқувчи экансиз. Плуғни жуда ҳам яхши тушунмаслигингизни мен дарров сезгандим. Бироқ сиз ишни тўғри олдингиз. Кўчадан келган ўнта одамдан биттаси ҳам сизчалик дарров ўрганиб олмаган бўларди. Сизнинг асосий кучингиз сиз отларни билишингизда. Мен тўртта от қўшилган аравани сизга ҳазил тариқасида бергандим. Сизнинг катта тажрибангиз борлиги кўриниб турибди, бунинг устига бу сизда туғма қобилият.

– У отларни жуда эркалатади, – деди Саксон.

– Ҳа, бироқ битта эркалашнинг ўзи кам, – эътироз қилди Бенсон. – Сизнинг эрингиз уларга қандай муомала қилишни ҳам яхши билади. Буни тушунтириб бўлмайди. Ҳамма гап ана шу – тушунишда. Одамда бу хислат туғма бўлади. Яхши муносабат керак, бироқ қаттиққўллик муҳимроқ. Эрингиз отларни дарров қўлга олар экан. Мана, мен уни синаш учун тўртта от қўшилган фура⁴ билан вазифа бердим. Бу ишни бажариш жуда мураккаб ва қийин эди. Бу ерда эркалатиш кетмайди, қаттиққўллик керак. У қўлига жиловни олиши билан эрингизда бу хислат борлигини мен дарров сездим. У иккиланиб ҳам ўтиргани йўқ. Отлар ҳам. Улар эрингизнинг иродасини дарров хис қилишди. Улар бу вазифани бажаришлари кераклигини ва бу вазифани айни улар бажаришлари кераклигини дарров тушунди. Отлар ундан кўрқигани йўқ, бироқ ҳамма нарсани ҳал қиладиган у эканлигини тушунди. Жиловни қўлларига олиб, у отларни ҳам қўлларига олди. У отларни юришга мажбур қила олди, ва хоҳлаган томонга – олдинга, орқага, ўнгга, чапга

⁴ Фура – вагон

юргиза олди, – жиловни бир тортади, бир бўшатади – отлар ҳамма нарса тўғри қилинаётганини сезиб туришди. Ҳа, балки отларнинг онги йўқдир, бироқ улар ҳамма нарсани тушунади. Улар олдиларидаги инсон ҳақиқий от билимдони эканини дарров тушунишади, улар буни қандай қилиб билишади, сизларга айтмайман.

Бенсон ўзининг кўп гапиришидан хижолат чеккандек жим бўлиб қолди ва эпитяптими, йўқми, дегандек Саксонга қараб қўйди. Унинг юзи ва кўзидаги ифода Бенсонни хотиржам қилди ва у ўзича кулиб қўйиб, гапида давом этди:

– Отлар – менинг жоним. Бу сасиётган машинани ҳайдаётган бўлсам, бу ҳеч нарсани англамайди. Мен жон-жон деб сизларни бир жуфт учқур отда айлантирган бўлардим. Бироқ бу ҳолда кўп вақт йўқотган бўлардим, ва ундан ҳам баттари – улар учун хавотир олишдан бўшамасдим. Бу нарсанинг эса асаби ҳам, нозик суяклари ҳам йўқ, кучинг бориचा ҳайдасанг бўлади.

Миллар кетидан миллар ўтиб, Саксон тез орада Бенсон билан гапга тушиб кетди. Қиз олдида яна бир замонавий фермерларнинг вакилларида бири турганини дарров тушунган эди. У охириги уч кун давомида жуда кўп нарсани билиб олди ва ҳозир мистер Бенсон гапираётган гапларининг деярли ҳаммасини жуда яхши тушунаётганига ўзи ҳам ҳайрон қолаётган эди. Мистер Бенсоннинг очиқчасига берган саволига яраша у ҳам ўзларининг режалари тўғрисида гапирди ва Окленддаги ҳаётни ҳам тасвирлаб берди.

Морган-Хиллдаги питомниклар олдидан ўтишганда улар аллақачон йигирма мил юриб қўйишгани маълум бўлди – вақт сезилмай ўтиб кетганди. Бу йўлни яёв бир

кунда ҳам босиб ўтиша олмасди. Машина эса ҳали ҳам ўзига қараб югураётган бўшлиқни ютиб юборганча гириллашда давом этарди.

– Мен ўзи нега мана шундай ажойиб ишчи кўчада қолибди экан, деб роса ҳайрон бўлаётгандим, – деди Бенсон.

– Ҳа, у менга айтиб берди, – жилмайди Саксон. – Сиз у бир балога учраган, деб ўйлабсиз... У яхши ишчи.

– Мен унда сизлар тўғрингизда ҳеч нарса билмасдим, ахир. Аслида, очигини айтсам, ҳозирги пайтда ёшгина эр-хотиннинг ўзига ер қидириб топиш учун ҳамма нарсасини йиғиштириб, йўлга чиқиши ўзи ғалати ҳодиса. Ҳа, айтганча, мен эсимдан чиқиб қолмасдан туриб, сизларга бир нарсани айтиб кўйишим керак. – У Биллга ўгирилди: – Мен ҳозиргина хотинингизга айтаётгандим: – Менда сизлар учун доимий иш топилади; сизлар бемалол жойлашишингиз учун уч хонали яхшигина кичкина уйча ҳам бор. Эсинглардан чиқмасин.

Саксон мистер Бенсоннинг Калифорния университетида агрономия мактабини (у бундай ўқиш борлигини ҳатто билмасди ҳам) тугатганини билиб олди. Давлат ерлари тўғрисида эса у ёшларга умид бериб ўтирмади.

– Фақат шундай ерларгина қолганки, – тушунтирди у, – у ерлар қандайдир сабабларга кўра ишлов беришга ярамайди. Агар, сизлар йўл олган жойларда мабодо яхши ер топилган тақдирда ҳам, демак у жойлар бозордан йироқ. Мен у ерлардан темир йўл ўтгани ҳақида эшитмаганман.

– Шошманглар, ҳозир биз Пахар водийсига кириб борамиз, – деди Бенсон улар Гилройдан ўтиб Саргент томонга кетишаётганда. – Мен сизларга ерни қандай

ишлашни кўрсатаман; буни ўқиган агрономлар эмас, оми одамлар, кеккайиб кетган америкаликлар устидан куладиган чет элликлар топишган. Мана кўрасизлар. Бу ер штатимизнинг энг кўзга кўринган жойларидан биридир.

Саржентда Бенсон уларни машинасида қолдириб, иш билан қаергадир кириб кетди.

– Зўр! Бу сенга яёв юриш эмас! – деди Билл. – Қара, ҳали қандай вақтли. У бизни тушириб қолдиргандан кейин ҳам биз бир неча мил яёв юришимиз мумкин. Агар омадимиз чопса, отлар сотиб оламиз. Мен отларни ҳеч нарсага алмашмайман.

– Машина фақат шошаётганинда яхши нарса, – эрининг гапига кўшилди Саксон. – Албатта, агар иккаламыз бой, жуда бой бўлиб кетсак...

– Менга қара, Саксон, – бирдан хаёлига келган фикрдан қувониб, хотинининг гапини бўлди Билл, – мен битта нарсадан энди хотиржамман: энди қишлоқда ишсиз қолишдан кўрқмайман. Бошида сенга айтмаган эдим: мен жуда кўрқаётгандим. Сан-Леандродан чиққанзимизда, роса тушкунликка тушгандим. Энди эса, қара, менга иккита жойда иш таклиф қилишди – миссис Мортимер ва Бенсон; бунинг устига иккаласи ҳам доимий иш. Афтидан, қишлоқда одам ҳар доим иш топа олиши мумкин.

– Йўқ, сен янглишяпсан, – мағрур жилмайиб эрининг гапини бўлди Саксон. – Яхши ишчи доим иш топа олиши мумкин. Катта фермерлар фақат раҳми келгани учунгина ишчи олиб ўтиришмайди.

– Ҳа, албатта, улар ўзларини ўйлашади, бошқаларни эмас, – киноя қилди Билл.

– Сени улар дарров талаш-талаш қилишяпти. Чунки, сен яхши ишчисан. Улар буни бир қарашда билиб

олишяпти. Билл, иккаламиз йўлда учратган ишчиларни эслагин. Уларнинг бирортасини ҳам сен билан солиштириб бўлмайди. Мен уларга яхшилаб қарадим. Уларнинг ҳаммаси қандайдир иродасиз, ҳам руҳан, ҳам жисмонан кучсиз, ишончсиз одамлар эди.

– Ҳа, ҳеч нарсага ярамайдиган одамлар эди, – Саксоннинг гапига қўшилди Билл.

– Ҳозир Пахар водийсини кўриш учун ноқулай вақт экан; – деди Бенсон яна Саксоннинг ёнига ўтириб, Саржент анча орқада қолиб кетгач. – Бироқ бу ерлар кўриб қўйишга арзийдиган жойлар. Тасаввур қилинлар-а, ўн икки минг акр ерда фақат олма! Биласизларми, ҳозир у ерни нима деб аташади? Янги Далмация деб. Бизларни ҳамма ёқдан сиқиб чиқаришяпти. Биз янкилар ўзимизни ишбилармон деб кеккайиб кетдик, ана у йигитлар эса Далмациядан келиб бизни доғда қолдиришди. Улар бу ерга биринчи марта келишганда уй-жойсиз бечора, камбағал бир кишилар эди. Улар бошида ҳўл мевалар терими пайтида кунбай ипчи бўлиб ишлаб юришди. Кейин секин-аста олмazorларни сотиб ола бошлашди. Топиш-тутишлари оша борган сари улар ўз фаолиятларини ҳам кенгайтира бошлашди. Тез орада улар боғларни узок вақтга ижарага олишди. Охирги пайтларда эса ерларни сотиб ола бошлашди ва бугун-эрта бугун бир водийнинг эгаларига айланишади ва охирги қолган америкаликлар ҳам у ердан кетишларига тўғри келади.

Эх, бу бизнинг янкилар! Қандайдир бир камбағал славянлар улар билан биринчи борди-келдининг ўзидаёқ икки-уч минг фоиз фойда олдилар. Энди улар юз фоиз фойдагагина қониқишади. Уларнинг фойдалари йигирма беш – элликка тушиб кетадиган бўлса, улар буни ҳақиқий фалокат, деб ҳисоблашади.

– Худди Сан-Леандродаги каби, – деб қўйди Саксон, – биринчи ер эгалари йўқ бўлиб кетган. Ҳозир у ерда интенсив дехқончилик, – Саксонга шу сўз ёқарди. – Гап сенинг еринг қанчалигида эмас, гап сен ҳар акрдан қанча ҳосил ола билганинда.

– Ҳа, бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас, – бошини силкиб, деди Бенсон. – Уларнинг кўпчилиги, масалан, Люк Скурич, ишни жуда кенгайтириб юборишган. Уларнинг баъзиларининг нархи аллақачон чорак миллион доллар туради. Мен ўзим ўртача капитали бир юз эллик минг бўлган камида ўнтача фермерни биламан. Гап шундаки, улар олмани қандай ўстиришни билишади. Бу уларда туғма қобилият. Сизнинг эрингиз отларни ҳис қилгани каби, улар ҳам дарахтни ҳис қилишади. Ва улар ҳар бир дарахтни, унинг тарихини, бир пайтлар унга нима бўлганини, унга нима ёқмаслигини жуда яхши билишади. Улар гўё дарахтнинг пульсини эшитишади ва у бугун ҳам кечагидек ўзини яхши ҳис қиляптими, бемалол айтиб бера олишади. Агар бундай бўлмаса, унинг касали нимада, дарров аниқлашади ва даволашни бошлашади. Улар дарахт гуллаган даврида қараб туриб бу дарахт неча яшиқ, қандай сифатли ва катталиқдаги олма беришини аниқ айтиб бера олишади. Улар ҳар бир олмани билишади, ҳар бирини меҳр билан жароҳатлаб қўймаслик учун эҳтиёт бўлиб узишади ва меҳр билан идишларга солиб, жўнатишади; бундай олмалар бозорга етиб келганда тик этмаган бўлади ва энг баланд нархга кетади.

Ҳа, бу интенсив хўжалиқдан ҳам кенгроқ нарса. Бу славянлар – катта ишбилармон. Улар нафақат олма етиштиришни билишади, балки сотишни ҳам билишади. Бозор йўқми? Нима бўлибди? Бозор барпо қилинг! Улар худди шундай қилишади. Бизникиларда

эса олмалар дарахтларнинг тагида чириб ётади. Мисол учун, Петр Монголни олинг. У ҳар йили Англияга юзлаб вагон олма олиб боради. Бу далмацияликлар олмани Пахар водийларидан Жанубий Африка бозорларига олиб бориб, баҳайбат бойликлар орттирадилар.

– Улар пулларини нима қилишади? – сўради Саксон.

– Америкаликлардан Пахар водийсини сотиб олишади; аллақачон анчагина қисмини сотиб олишган!

– Кейин эса нима бўлади? – сўрашда давом этди Саксон.

Бенсон унга қараб қўйди.

– Кейин улар америкаликларни бошқа водийдан сиқиб чиқара бошлашади! Америкаликлар эса ер учун олган пулларини бирпасда сарфлашади ва кейинги авлод, агар сиз кетмаганингизда ҳалокатга йўлиқишингиз мумкин бўлган шаҳарларда ҳалок бўла бошлайди.

Саксон беихтиёр сесканиб кетди. “Худди Мери ҳалок бўлгандек, – ўйлади у, – Берт ва бошқалар ҳалок бўлганларидек; Том ва бошқалар ҳалок бўлаётганларидек”.

– Ҳа, бизнинг мамлакатимиз буюк, – гапида давом этди мистер Бенсон. – Бироқ бизлар буюк халқ эмасмиз. Киплинг тўғри айтган: бизларни ўз уйимиздан ҳайдаб чиқаришди ва биз эшик тагида ўтирибмиз. Бизларни қанча ўқитишган ва ўқитишяпти! Ахир қишлоқ хўжалиги мактаблари ҳам, тажриба станциялари ҳам, кўчма кўргазмалар ҳам бизнинг хизматимизда, бироқ фаннинг бизга фойдаси тегмаяпти, қийин ҳаёт мактабини ўтаган бегоналар эса ҳамма ердан бизни сиқиб чиқаришяпти. Биласизларми, мен ўқишни тугатганимда – у пайтлар отам ҳаёт бўлиб, эскича қарашларга амал қилар ва менинг режаларимнинг

устидан куларди. Мен бир неча йил саёҳат қилдим. Мақсадим, кўҳна мамлакатларда хўжаликни қандай юритишларини кўриш эди. Нималарни кўрмадим!

... Ҳозир водийга кириб келамиз... Ҳа, нималарни кўрмадим. Биринчи бўлиб мен Японияда терраса кўринишидаги тоғ тизмаларини кўрдим. Ҳатто отлар ҳам чиқа олмайдиган тикка тоғни тасаввур қилинг. Бироқ японлар учун бу муаммо эмас. Улар террасаларни кураверишади: баландлиги олти фут, кенглиги олти фут бўлган мустаҳкам асосий деворни қуриб, ер билан тўлдиришади; борган сари юқорироқ ва юқорироққа чиқишади. Бутун тоғ бўйлаб девор ва террасалар, девор устида девор, терраса устида терраса. Тупроқни эса улар елкаларида саватларда кўтариб чиқишади.

Мен худди шу нарсани Грецияда ҳам, Ирландияда ҳам ва Далмацияда ҳам кўрдим. Одамлар юришар экан, ҳар бир тошган ер бўлагини кўтариб олишади, тупроқни белкураклаб ўғирлашади, йиғишади ва кейин елкаларида тоққа ташиб, йўқ ердан, яланғоч қоялар устида ўзларига далалар яратишади. Францияда эса мен бундан ҳам баттарини кўрганман: у ерда тоғли районлардаги халқ тупроқни бир пайтлар бизнинг оталаримиз Калифорния дарёларида олтин кидириб дарё ўзанини кавлаганларидек, дарё ўзанидан олишади. Фақат бизнинг олтинларимиз оқиб кетди, деҳқонларнинг ерлари эса қолди; йил сайин у ерларни қайта-қайта ҳайдашади ва у ерларда нималардир етиштиришади. Бўлди, жуда кўп гапириб юбордим, жим бўла қолай.

– Вой Худойим, – деди лол бўлиб қолган Билл. – Бизнинг оталаримиз бундай ишларни қилишмаган эди.

Улар ҳамма нарсаларидан айрилиб ўтиришлари бежиз эмас.

– Мана, водийга ҳам келдик, – деди Бенсон. – Дарахтларга, қия тепаликларга каранглар... Мана – Янги Далмация! Дикқат билан каранглар. Ахир бу олмали жаннат-ку! Ерни каранглар! Қандай ишлов берилган!

Саксоннинг кўзи олдида пайдо бўлган яйлов катта эмас эди. Бироқ пастликларда ҳам, қияликларда ҳам бу ерда ишлаётганларнинг қатъийликлари натижасини кўриш мумкин эди. Айни пайтда Бенсоннинг гапларига ҳам дикқат билан кулоқ сола туриб, Саксон атрофни кузатди.

– Илгари бу ерда яшаган аҳоли бу бой ерда нима қилганларини биласизларми? Водийда улар бугдой сепишар, тепаликда эса пода боқишарди. Энди эса ўн икки минг акр ерга олма экиб ташланган. Одамлар бу ерларга гуллаб ётган ёки олмалар билан чулганган дарахтларга қараб завкланиш учун шарқий штатлардан ўз автомобилларида келишади. Масалан, Маттео Летунични олсак – у бу ерга биринчи бўлиб келганлардан эди. У ишини шу ердаги қовоқхонада идиш-товоқ ювишдан бошлаган. Бироқ водийни кўргач, бу жой унинг учун Клондайк эканлигини дарров тушунган. Ҳозир унинг етти юз акр ижара ери ва бир юз ўттиз акр ўз ери бор; унинг мевазор боғи бутун округда энг яхши боғ саналади; у йилига қирқдан эллик минг яшиккача олма экспорт қилади. У далмацияликлардан бошқа бирорта одамга дарахтларидан олма узишга рухсат бермайди. Мен бир кун ундан ҳазиллашиб, бир юз ўттиз акр ерини қанчага сотиши мумкинлигини сўрадим. Летунич жуда жиддий жавоб қайтарди. У менга бу ерлардан йилма-йил оладиган

фойдасининг сонини айтиб, ўртачасини чиқарди ва мендан капиталдан олти фоиз фойдани ҳисоблаб, бир акрнинг нархини чиқаришни сўради. Шундай қилдим. Бир акр учун уч минг доллардан кўп чикди!

– Хитойликлар бу ерда нима қилишади? – сўради Билл. – Улар ҳам олма етиштиришадими?

Бенсон бошини чайқади.

– Йўқ, бироқ, биз америкаликлар эътибор бермаган яна бир иш бор. Бу ерда, водийда ҳеч нарса исроф бўлмайди: на олманинг уруғи, на пўчоғи; фақат уларни ишлатадиган биз, америкаликлар эмас. Бу ерда консерва, сирка ва олма вноси ишлаб чиқарадиган фабрикаларини гапирмаса ҳам бўлади, эллик еттита олма қуритадиган жой қурилган ва уларнинг ҳаммаси хитойликларга тегишли.

– Ўйлаб кўринг-а, шу ўлка бизнинг ота-боболаримиз томонидан яратилган экан, – овозини чиқариб ўйлади Билл, – улар шу ерлар учун қурапишган, бу ерларни ўрганишган, бир сўз билан айтганда ҳамма нарсани қилишган...

– Бироқ ҳеч нарсани ривожлантиришмаган, – йигитнинг гапини бўлди Бенсон. – Аксинча, Янги Англияда ернинг кучини суғуриб олишганидек, уни яксон қилиш учун биз кўлимиздан келган ҳамма нарсани қилдик, – Бенсон узоқларни кўрсатиб кўлини силкиди. – Ана у томонда Салинас ётибди. Агар сиз ўша ёқларда бўлсангиз, ўзингизни Япониядагидек ҳис қилардингиз. Ҳа, Калифорниядаги анчагина ҳосилдор водийлар японларнинг кўлига тушган. Улар далмацияликлардан кўра бошқачароқ ишлашади. Улар аввалига мева-чева териш учун кунбай ишга ёлланишади; улар америкалик ишчилардан кўра яхшироқ ишлашади ва янқилар уларни жон-жон деб ишга олишади. Кейин

эса, етарлича йиғилишгандан сўнг ўз уюшмаларини тузиб, ишчи-америкаликларни сиқиб чиқаришади. Боғ эгалари ҳозирча қаршилиқ қилишмаяпти. Бироқ бунинг ортидан мана нима келади: японлар ишлашни хоҳлашмайди, ишчи-америкаликлар ҳаммаси кетиб бўлган – ва боғ эгалари бутунлай ёмон аҳволга тушиб қоладилар: ҳосил хароб бўлиш арафасида турибди. Шу пайтда уларнинг қасаба уюшмасининг бошликлари пайдо бўлишади ва бутун ҳосилни сотиб олишади: боғнинг асл эгалари бутунлай уларга қарам бўлиб қолади. Жуда қисқа вақт ичида бутун водий японларнинг қўлига ўтади. Ер эгалари ерларини ижарага бериб, ўзлари бир зумда пулларини йўқ қиладиган шаҳарга кетишади ёки Европа бўйлаб саёҳатга чиқиб кетишади. Охири қадамни қўйиш қолади: японлар ерни сотиб оладилар. Ер эгалари ўзлари истамаган тарзда сотишга мажбур бўладилар, чунки ишчи кучи устидан назорат японларнинг қўлида бўлади ва улар истаган хўжайинни хонавайран бўлишгача олиб келишлари мумкин.

– Агар шундай давом этадиган бўлса, бизни қандай қисмат кутяпти? – сўради Саксон.

– Қанақалигини кўриб турибсиз-ку. Ҳеч нарсаси йўқлар шаҳарларда ҳалок бўлишади. Ери борлар, ерини сотиб, улар ҳам шаҳарга кетишади. Баъзилар катта бойлик орттиришади, баъзилар бирор ҳунар ўрганади, қолганлар эса пули тамом бўлгунча яшаб, ҳалок бўлишади, агар пуллари ўзлари учун етарли бўлса, уларнинг болалари ҳалок бўлишади.

Уларнинг сафарлари қариб, хайрлашаётганда Бенсон Биллга уни истаган пайтда фермада доимий иш кутаётгани, фақат бир оғиз айтса бўлдилигини ёдига солиб қўйди.

– Аввал бу давлат ерини кўриш керак, – гап бошлади Билл. – Ҳали нимада тўхташимизни билмайман, бироқ бир иш билан аниқ шуғулланмаймиз.

– Нима экан?

– Акрини уч минг доллардан боғ сотиб олмаймиз.

Орқаларида юклари билан Билл ва Саксон юз ярдча юришди. Биринчи бўлиб жимликни Билл бузди.

– Мен сенга яна бир нарсани айтиб қўяман, Саксон. Биз сен билан ҳеч қачон дайдиб, қаердан бир ҳовуч тупроқ ўғирласак экан деб юриб, кейин уни саватда тоғнинг тепасига ташиб чиқмаймиз. Қўшма Штатларда ерлар ҳали етарли. Бенсон ва бошқалар Қўшма Штатлар тамом бўлди, унинг охири вой деб истаганча ваҳима қилаверишсин. Ҳали миллионлаб акр ерларга қўл етмаган ва улар бизни кутиб ётибди – бизнинг вазифамиз эса ўша ерларни топиш.

– Мен эса сенга бошқа нарсани айтмоқчиман, – деди Саксон. – Биз иккаламиз жуда яхши мактабни ўтяпмиз. Том фермада катта бўлган, ўзи эса дехқончилик тўғрисида биздан кам билади. Кейин, мана яна нима гап: қанчалик кўп ўйлаганим сари ана ўша давлат ерлари бизга тўғри келмаслигига ишониб кетяпман.

– Одамлар нима деса ишонаверасанми? – эътироз қилди Билл.

– Гап бунда эмас. Гап шундаки, мен ўзим ҳам шундай ўйлаяпман. Ўзинг ўйлаб кўр! Бу жойларда ернинг акри уч мингдан; шундай экан нима учун бу ерларга яқингинада турган ўша давлат ери, агар бирор нарсага арзийдиган бўлса, уни текинга олишларини кутиб турар экан?

Кейинги чорак мил юришлари давомида Билл бу савол устида бош қотириб кетди, бироқ бирор хулосага кела олмади, Ахири, йўталиб қўйиб, деди:

– Бир нарса дейишдан олдин кутиб турамиз: аввал кўрайлик-чи, қанақа экан. Тўғрими?

– Майли, – эрининг гапига кўшилди Саксон. – Аввал кўрайлик-чи.

ОЛТИНЧИ БОБ

Қирғоқ бўйлаб ўн етти милга чўзилиб кетган йўлнинг ўрнига улар Монтеридан тепаликлар орасидан ўтган қишлоқ йўлидан кетишди ва бирдан кутилмаганда кўз олдиларида Кармел бухтаси бор гўзаллиги билан намоён бўлди. Улар қарағайзор орасидан тушиб, дарахтлар билан ўралган ажойиб қилиб қурилган рассом ва ёзувчиларнинг дала ҳовлилари ёнидан ўтиб, оқиш рангли Калифорния лолақизғалдоқлари ўсиб ётган қум тепаликларидадан ўтишганда Саксон ҳайратдан қичкириб юборди ва кўз ўнгида пайдо бўлган кўринишдан қотиб қолди.

Оёқлари остида парчаланиб кетиш учун денгиз остида шовкин билан кўтарилиб соҳилга келаётган тўлқинларни томоша қилиб қанча туриб қолишганини Саксон сезмай ҳам қолди. У факатгина Билл кулиб, унинг елкасидан саватини олаётгандагина ўзига келди.

– Сен, афтидан, шу ерда дам олмоқчисан, шекилли, – деди у, – кел, ҳеч бўлмаса қулайроқ ўрнашиб олайлик.

– Мен ҳатто тасаввур ҳам қилмагандим... шундай ажойиб гўзаллик бор эканлигини тасаввур ҳам қилмаган эдим!.. – қўлларини ёзганча дерди Саксон. – Мен... мен Окленддаги маёқ олдидаги қирғоққа уриладиган тўлқинни ажойиб деб ўйлардим, бироқ... Қарагин! Йўқ, сен қарагин! Сен ана шундай ажойиб

рангни ҳеч кўрганмисан? Тўлқинлар аро эса қуёш чарақлашини-чи! Ажойиб!

Ниҳоят, Саксон тўлқинларнинг қирғоққа урилишини томоша қилишдан кўзини узиб, узоқ-узоқларга, ложувард денгиз устида булутлар ястанган уфқ чизигига қаради.

– Кел, яхписи ўтириб оламиз, – хотинининг истакларига бўйсуниб, деди Билл, – бизни ҳеч ким ҳайдаётгани йўқ. Бу ер жуда яхши экан, дарров кетмаймиз.

Саксон эрининг гапига кўниб, бошмоғининг ипларини еча бошлади.

– Ялангоёқ чопмоқчимисан? – деб Биллнинг ўзи ҳам унга кўшилди.

Бироқ улар нам қум устида югуриш учун ҳали оёқ кийимларини ечишга улгурмасларидан, ғаройиб бир кўриниш уларнинг диққатларини тортди: қарағайлар остидан устида фақат трусигигина бўлган яланғоч эркак чиқиб келиб қум тепаликлари устидан югуриб пастга тушиб кетди. Унинг териси майин ва нимпушти, юзи эса – фариштадек, жингалак сочлари жавдар рангида, бироқ гавдаси худди Геркулесники каби мушакдор ва бақувват эди.

– Қарагин! Бу афтидан, Сэндоу бўлса керак! – секин шивирлади Билл.

Саксоннинг ёдига эса онасининг альбомидаги гравюра келди: Англиянинг қумли денгиз бўйида викинглар.

Эркак уларнинг олдиларидан бир неча қадамлик масофада ўтиб кетиб, ҳўл қумни кесиб ўтди ва кўпик тиззасидан келиб, олдида баландлиги камида ўн фут бўлган унинг устига ёпирилишга тайёр сув девори пайдо бўлгандагина тўхтади. Ҳатто унинг бақувват девдек гавдаси ҳам рўпарасидаги баҳайбат табиат

мўъжизаси олдида кичкинагина бўлиб кўринаётганди. Саксон кўрқиб кетганидан қотиб қолди, сўнг секин Биллга қаради — у ҳам тикилганча йигитни кузатаётганди.

Нотаниш йигит рўпарасидаги сув деворига ўзини отди ва бу девор гўё уни янчиб ташлай деган сонияда унинг остига шўнғиб, кўздан йўқолди. Ғоят кучли сув даҳшат билан қирғоққа урилди, бироқ тўлқинлар орасидан аввал йигитнинг боши, сўнг қўллари ва елкасининг бир қисми кўринди; бир неча силтанишдан сўнг у яна кейинги тўлқин остига шўнғиди. Бу чинакамига очик денгизда сузаётган инсоннинг қирғоққа бостириб келаётган даҳшатли тўлқинлар билан кураши эди. Йигит ҳар сафар шўнғиб, кўздан йўқолганда Саксоннинг юраги тўхтаб қолгудек бўлаётганди. Шундай дақиқалар бўлаётгандики, улар йигитни тўлқинлар орасида кўрмай қолишаётган ва энди у тамом бўлди, ҳозир тўлқинлар уни қирғоққа чиқариб ташлайди, деб ўйлашаётган эди. Бироқ ярим соатлардан сўнг у бирдан кўриниб қолар, тезлик билан олдинга қараб сузиб кетаётган бўларди. Тез орада йигит шунчалик узоққа сузиб кетдики, фақат вақт-вақти билан сувда унча катта бўлмаган доғ кўриниб туриб, кейин эса у ҳам кўздан йўқолиб кетди. Саксон ва Билл бир-бирларига қарашди — қиз сузувчининг жасоратига қойил қолган, йигитнинг қарашида эса — ҳам ҳасад, ҳам ҳайрат аралашиб кетганди.

— Мана бу сузувчи, мана буни сузувчи деса бўлади! — ҳайратланди Билл. — Қандай жасур! Саксон, биласанми, мен фақат бассейн ва бухтадагина сузганман, бироқ ҳозир океанда сузишни ўрганишни ҳам хохлаб кетаяпман. Агар мен ҳам шу йигитдек суза олганимда, кеккайиб кетган бўлардим — яқинимга ҳам

кела олмасдинг. Саксон, чин сўзим, мингта фермам бўлгандан кўра ана шундай суза олишни афзал кўрардим! Йўк, мен ҳам суза оламан, ишонавер; мен балиқдек сузаман. Бир якшанбада мен Нэрроу Гож причалидан Сешенс бассейнигача сузиб борган эдим – орасидаги масофа бир неча мил. Бироқ мана бундай сузувчини мен умримда кўрмаганман. Йўк, у қайтиб келмагунча бу ердан кетмайман... Ўзинг ўйлаб кўргин, шундай сув тоғлари орасида ёлғиз ўзи! Ҳа; мана бу матонат! Баракалла! Қойил!

Саксон ва Билл қирғоқ бўйлаб худди ёш бола каби илонсимон узун сув ўтларини силкитишиб, бир-бирларини қулаб бир соатларча ўйнашди. Фақат оёқ кийимларини кийишаётгандагина қирғоққа яқинлашаётган оқ-малла сочли бошни кўриб қолишди. Бу кўркмас йигитни кутиб олиш учун Билл сувга яқин келди. Йигит сувдан чиқиб келганда унинг териси денгиз билан олишувдан сўнг аввалги оқ-пуштиранги ўрнига қип-қизил бўлиб кетганди.

– Сизга тасанно ва мен бунга ўзингизга айтмасдан иложим йўк, – чин юракдан қойил қолиб, йигитни қарши олди Билл.

– Ҳа, бугун тўлқинларнинг қирғоққа урилиши чиндан ҳам жуда кучли, – жавоб берди йигит, Биллнинг гапига миннатдорчилик билдиргандек бошини силкиб.

– Мабодо сиз боксёр эмасмисиз? Балки мен сиз ҳақингизда шунчаки эшитмагандирман? – табиатнинг бу мўъжизаси ким эканлигини топишга ҳаракат қилиб, сўради Билл.

Йигит кулиб, бошини тебратди, Билл эса, албатта, бу нотаниш йигит илгари университет футбол командасининг капитани бўлгани, ҳозир эса оила бошлиғи ва

кўшлаб китобларнинг муаллифи эканини билмасди. Йигит футбол майдонини орзу қиладиган йигитчалар билан ишлашга ўрганган одамнинг синовчан назари билан Биллнинг бошидан оётигача қараб чиқди.

– Қоматингиз пишиқ экан, – таъкидлаб қўйди у. – Истаган спортчи билан беллашишингиз мумкин. Агар ринг сиз учун янгилик эмас, десам, янгилишмайманми?

Билл бош силкиди.

– Менинг исмим Робертс.

Сузувчи йигит ниманидир эсламоқчидек, қошларини чимирди.

– Билл... Билл Робертс.

– О-о! Наҳотки Катта Билл Робертс? Ахир мен сизни ер қимирлашпидан олдин Механиклар павильонидаги рингда кўрганман. Сиздан кейин Эдди Хенлон чиққан эди. Бўлмаса-чи, эсимда: сиз иккала кўлингиз билан баравар ишлайсиз, зарбангиз даҳшатли даражада кучли, фақат жуда сутскашсиз. Ҳа, жуда яхши эсимда – ўша кеча ҳам жангни жуда чўзиб юбориб, бироқ охирида ғалаба қилгандингиз. – Йигит Биллга ўзининг хўл кўлини чўзди. – Менинг исмим Хэзард, Жим Хэзард.

– Икки йил бурун футбол тренери сиз бўлган эдингиз-а? Шундайми? Мен сиз ҳақингизда газета-ларда ўқиган эдим.

Йигитларнинг иккалалари чин юракдан кўл олишипти. Саксон ҳам Хэзардга таништирилди. Қиз бу иккита паҳлавон йигит ўртасида ўзини кичкинадек ҳис қилаётган бўлса-да, ўзи ҳам улардек илдизи бақувват эканлигидан мағрурланиб турар, унга йигитларнинг гапшарига кулоқ солиб туриш қолганди, холос.

– Мен жон деб сиз билан кунига ярим соат бокс билан шуғулланган бўлардим, – деди Хэзард, – ва

сиздан кўп нарса ўрганиб олардим. Бизнинг томонларда бир қанча вақт бўласизларми?

– Йўқ. Биз соҳил бўйлаб айланиб юрибмиз – ер излаяпмиз. Бироқ мен сиз билан шуғулланишга тайёрман, сиз эса менга баланд тўлқинлар ичида сузишни ўргатар эдингиз.

– Сиз билан истаган вақтингизда шуғулланишга тайёрман, – деди Хэзард; сўнг Саксонга ўгирилди. – Бир қанча вақт Кармелда яшаб турсанглар-чи? Бу ер ёмон эмас.

– Бу ерлар ажойиб экан, – миннатдорчилик билан жилмайиб, деди Саксон. – Бироқ... – қиз ўгирилиб яқин орада ётган юкларини кўрсатди. – Биз давлат ерларини кидириб, юрт кезиб юрибмиз.

– Бундай ерларни соҳилдан жануб томон бўйлаб кидириб юрманглар, ҳали бери топа олмайсизлар, – кулди йигит. – Майли, мен чопдим, кийинишим керак. Агар шу йўлдан қайтсанглар, меникига кириб ўтинглар. Қаерда яшашимни ҳамма кўрсатиб беради. Кўришгунча!

Ва йигит қум тепалар оралаб чопганча кетди.

Билл йигитнинг орқасидан ҳайрат назари билан қараб қолди.

– Баракалла, баракалла, – қайтарди у. – Саксон, биласанми, ахир у таниқли инсон. Мен унинг расмларини газеталарда минг марталаб кўрганман. У ҳатто гердаймади ҳам. Одам одам билан гаплашгандек гаплашди. Саксон... мен яна ўзимизнинг бақувват қавмимизга ишониб кетяпман.

Улар соҳилдан орқага қайтиб торгина Бош кўчадан гўшт, сабзавот ва беш дона тухум сотиб олишди. Билл садаф ва марварид тақинчоқлар ялтираб турган пештахта олдидан Саксонни зўрға нари олиб кетди.

– Бу ерда кирғок бўйлаб марварид чиғанокларини топиш мумкин, – хотинини ишонтаришга уринди Билл. – Мен сенга истаганингча топиб бераман. Уларни сув пасайган пайтда қидириш керак.

– Отамнинг садаф запонкаси бўларди, – деди Саксон. – Четлари тоза олтиндан эди. Мен уларни эсламаганимга ҳам неча йил бўлибди. Қизик, у ҳозир кимда экан?

Улар жанубга қараб юришди. Ҳамма ёқда қарағайлар орасида рассомларнинг ажойиб чиройли уйлари бор эди. Йўловчиларимиз, айниқса Кармел дарёсига тушаверишда кўз ўнглирида пайдо бўлган ажойиб, бошқаларга ўхшамаган бинодан ҳайратда қолишди.

– Мен бу нималигини биламан, – шивирлагудек бўлиб деди Саксон. – Бу қадимий испан миссияси. Афтидан, кармелитлар миссияси мана шу бўлса керак. Айнан ана шу йўл орқали испанлар Мексикадан чиқиб кетишган; улар ўз йўлларида миссиялар куриб, хиндуларни христианликка даъват қилганлар...

– Биз уларни – испанларни ҳам, хиндуларни ҳам, ҳаммасини ҳайдаб чиқармагунимизгача, – хотиржамгина хотинининг гапини тугатди Билл.

– Нима бўлганда ҳам, бино ажойиб экан, – ярим тўкилиб кетган маҳобатли ибодатхонага қараб, ўйчанлик билан деди Саксон. – Сан-Францискода Долорес миссияси бор, бироқ у бундан кичикроқ ва бунчалик кўҳна эмас.

Океан томондан бир қатор пастак тепаликлар билан химояланган, сомон ва оҳак қўшиб тайёрланган лойдан қурилган черков одамлар ташлаб кетиб, ёдларидан чиқариб юборгандек турарди; черковнинг атрофида эса бир пайтлар минглаб сигинувчилар бошпана қилган лойдан қурилган кулбаларнинг қолдиқлари ётарди. Бу

жойларнинг бўм-бўшлиги, сукунат Саксон ва Биллга шунчалик таъсир этаётгандики, улар товуш чиқармай юришга ҳаракат қилишарди. Улар шивирлашиб гапириб, қўрқа-писа очик турган пештоқдан черков ичига киришга қарор қилишди. Черковда на рухоний, на ибодат қилаётганлар бор эди, бироқ ҳамма нарса, Биллнинг сезишича ўриндикларнинг сонига кўра жуда кам бўлса-да, бу ерга диндорларнинг келиб туришига ишора қилиб турарди. Шундан сўнг улар зилзила пайтида дарз кетган кўнгироқхонага чиқишди ва унинг тўсинлари кўлда йўниб текисланганини кўришди. Улар черков хори ашула айтадиган хонага киришганда эса Саксон бу ерда овозлари қандай жаранглаб эшитилаётганини ҳис қилиб, псалтирдаги оятлардан бирини куйлай бошлади. Унинг овози ажойиб эди. Билл қадимий деворга суянганча хотинига муҳаббат тўла кўзлари билан қараб турарди; Саксон ашуласини тугатганда, у шивирлади:

– Ажойиб, жуда ҳам ажойиб! Афсус, ашула айтаётганингда юзингни ўзинг кўра олмадинг. Юзинг ҳам товушингдек ажойиб эди. Қизик: мен дин ҳақида фақат сени ўйлаганимдагина ўйлайман.

Толлар ўсиб ётган жарликка жойлашиб олишгач, улар тушлик тайёрлашди ва овқатланиб, бутун кунни ўша ерда ўтказишди. Улар бу ерда кун бўйи қолишмоқчи эмасди, бироқ атроф-теварак уларни шунчалик асир этган эдики, улар қояларга урилаётган денгиз тўлкини ва турли-туман денгиз жонзотлари – денгиз юлдузи, қисқичбақа, моллюскалар ва денгиз анемонларидан кўзларини уза олмай қолишди; кейин улар сув кўтарилишидан кейин қолган кўлмақда кичкинагина “шайтон-балиқ”ни кўриб қолиб, унга кичкина қисқичбақаларни ташлай бошлашди ва у ҳар

сафар қисқичбақаларни ўзининг тиканли гавдаси билан ўраб олганда, беихтиёр этлари жунжикиб кетди. Сув пасая бошлаган бўлиб, улар бир тўда чиғаноклар теришди -- уларнинг орасида жуда катталари ҳам бор эди. Билл кирғоқ бўйлаб марварид чиғанокларини кидирар экан, Саксон сув кўтарилишидан кейин қолган кўлмақдан узоқ бўлмаган жойга энгашиб, ойнадек тиниқ сувни сачратиб ичидан бир ҳовуч ялтираган қимматбаҳо тошлар: чиғанок парчалари ва пушти, кўк, яшил, сиёҳранг бўлиб товланаётган тошларни олди. Бир оз ўтиб, Билл хотинининг олдига қайтиб, ёнига чўзилди. Куёшнинг денгиз ҳавоси юмшатиб турган нурлари остида ётиб, улар куёшнинг секин-аста океан ортига ботишини томоша қилишди.

Саксон Биллнинг кўлини топиб, сиқиб кўяр экан, кўксини тўлдириб турган кувонч ва хотиржамлик туйғуларидан хўрсиниб қўйди. Унинг назарида ҳали бирор марта ҳам шунчалик ажойиб кун бўлмагандек эди -- худди унинг ҳамма орзулари рўёбга чиққан каби эди гўё. Дунё шунча ажойиб бўлиши мумкинлигини у ҳатто орзуларида ҳам тасаввур қилмаган эди. Билл ҳам унга жавобан хотинининг кўлини сиқиб қўйди.

– Нималар ҳақида ўйладинг? – ниҳоят ўринларидан туришгач, сўради йигит.

– Очиғи, билмайман, Билл. Балки Оклендда ўтказган ўн минг йилдан кўра мана шундай ўтган бир кунгина яхшилиги тўғрисидадир.

ЕГТИНЧИ БОБ

Улар дарё ва Кармел водийси билан хайрлашиб, қуёш чиқиши билан тоғларни океандан ажратиб турган тепаликлар орқали жанубга қараб йўл олишди. Йўллар ювилиб кетган бўлиб, ҳамма ёқ ўнқир-чўнқир эди – афтидан бу йўлдан кам фойдаланишган шекилли.

– Бу ёғига йўл бугунлай йўқолиб кетяпти, фақат тақаларнинг изи бор, холос, – деди Билл. – Бироқ мен негадир¹ буталарни кўрмаяпман, – афтидан бу ерлар ҳосилдор эмас шекилли: фақат яйлов, ҳайдалган ерлар эса умуман кўринмаяпти.

Яйдок тепаликларда фақат ўтлар ўсиб ётарди. Фақат даралардагина дарахтлар кўриниб турар, узоқроқдаги баландроқ тепаликлар эса буталар билан қопланган эди. Йўловчиларимиз бир марта буталар орасига сирпаниб кетган койотни кўриб қолишди, бошқа сафар эса, Билл милтиғи йўқлигига ачиниб кетди: каттагина ёввойи мушук уларга масхаралагандек тикилиб турарди. У мўлжаллаб отилган кесак боши устида майдаланиб кетмагунча ўрнидан қимирлашни истамай, уларга қараб тураверди.

Улар бир неча мил юришган бўлиб, Саксон бугун йўл бўйи чанқаб юрди. Улар йўл дарё бараварига тушиб торгина дарани кесиб ўтадиган жойга етиб боришганда Билл сув кидиришга бошлади; даранинг ичкараси деворлардаги намликдан зах эди. Хотинини дам олишга қолдириб, Биллнинг ўзи яқин-атрофдан булоқ йўқмикан, деб кидириб кетди.

– Ҳой! – бир неча дақиқадан сўнг унинг овози эшитилди. – Саксон, бу ёққа кел! Тезроқ! Бу ер ажойиб экан!

Саксон буталар орасида илонизи бўлиб кетган ингичка сўқмоқ орқали пастга туша бошлади.

Дарадан денгизга чиқаверишда тикан сим билан тўсилиб, оғир тош бўлаклари билан маҳкамлаб кўйилган жойгача бўлган йўлнинг ярмига келганда кизнинг кўзи кичкина пляжга тушди. Фақат дарё томондан келаётгандагина шундай жойнинг борлигини кўриш мумкин эди: у уч томондан осилиб ётган қоялар билан беркиниб, буталар панасида ётарди. Пляжнинг олдида тахминан чорак милча қоялар тизмалари чўзилиб кетган эди; тўлқинлар ҳайкириқ билан уларга урилиб, қирғоққа эса майда тўлқинларгина қайтарди. Бу тизмалар орқасидан эса денгиз қирғоғининг у ер-бу ерида алоҳида-алоҳида тик қоятошлар бўлиб, гоҳ-гоҳ тўлқинлар орасидан кўриниб қоладиган бу қоялар чиганоқлар кўплигидан қорайиб кетганди. Қояларнинг тепасида чўзилганча ҳўл териларини куёшда ялтира-тиб, баҳайбат денгиз шерлари ётишар ва баланд овозда ўжиришарди. Уларнинг тепаларида эса кулоқни тешиб юборадиган овозда қичкириб гала-гала денгиз қушлари учиб юришарди.

Симли тўсиқдан баландлиги ўн икки фут бўлган қиялик тушган бўлиб, у шунчалик тикка эдики, Саксон ўтириб олганча юмшоқ куруқ қум устига сирпаниб тушди.

– Мана! Ажойиб жой экан! – хотинини ҳаяжонланганча кутиб олди Билл. – Айни бизнинг бир оз тўхтаб олишимиз учун яратилган экан. Мана шу ерда, дарахтлар остида ажойиб булоқ бор экан. Яна қанча куруқ шох-шабба, яна қанча... – у яна атрофга қаради, кейин унинг кўзлари яна денгизга қараб, ҳеч қандай сўзлар билан ифода қилиб бўлмайдиган нарсаларни кўрди... – хуллас, истаган ҳамма нарсанг бор! Шу ерда

яшаб қолсак ҳам бўларди. Кўряпсанми, қанақа кўп чиганоклар бор экан. Балиқ ҳам тутиш мумкин бўлса. керак. Шу ерда бир неча кун қолсак-чи? Ахир иккаламиз таътилдамиз-ку... Мен эса қармоқ учун Кармелга қайтиб бориб келардим...

Эрининг қизариб кетган юзига қараб туриб, Саксон унинг шаҳардан бутунлай воз кечганига амин бўлди.

– Шамол ҳам йўқ, – жойни мақташда давом этди Билл. – Бутунлай сокин. Қара, қанақа хилват жой! Худди иккаламиз одамлар яшайдиган жойдан минглаб мил нарида турганга ўхшаймиз!

Чиндан ҳам, яланғоч тепаликлар устида эсаётган кескин ва мусаффо шамол бу жойларга егиб келмаётган эди. Бу жой илиқ ва сокин бўлиб, ҳавони гуллаб ётган буталарнинг ажойиб ифори тутиб ётарди. Гох у ерда, гох бу ерда буталар орасида Саксон номини ҳам билмайдиган паст бўйли дарахтлар ўсиб ётарди. Саксон бу нарсалардан Биллдан кам ҳайратланмади; улар қўл ушлашганча бухтани томоша қила бошлашди.

– Мана шу ерда иккаламиз чиндан ҳам Робинзон Крузо ўйнасақ бўлади, – хитоб қилди Билл ҳайратини яшира олмай. – Робинзон, кел, шу ерда қоламиз. Мен сенинг Жумавойинг бўламан ва сенинг хоҳишинг мен учун қонун бўлади.

– Шанбани нима қиламиз? – ясама даҳшат билан деди Саксон, қумдаги янги босилган одам изларини кўрсатиб. – Бу қутурган одамхўр бўлса-чи?

– Ҳеч қандай умид йўқ. Бу яланг оёқ эмас, теннис туфлисининг изи.

– Бироқ одамхўр чўкиб кетган матросни еб бўлиб, оёқ кийимини ечиб олган бўлиши мумкин-ку, тўғрими? – эътироз қилди Саксон.

– Матрослар теннис туфлисини кийишмайди, – қаршилиқ қилди Билл.

– Жумавой учун сен жуда кўп нарса билар экансан, – танбеҳ берди Саксон. – Барибир эмасми, нарсаларни ол, яхшилаб жойлашиб оламиз. Кейин – матрос эмас... масалан, йўловчини еб қўйишган бўлиши мумкин.

Бир соатдан сўнг лагерь ўрнатиб бўлинган эди: кўрпачалар солинган, дарё келтириб ташлаб, қуёшда қуриган пайрахалар тайёрлаб қўйилган ва олов устига ўрнатилган қаҳва идиши ҳам ўз ашуласини бошлаган эди. Саксон денгизда оқиб келган ёғочлардан стол ясаётган Биллни чақириб, денгиз томонни кўрсатди: тош тизмаларининг нариги бошида чўмилиш кийими кийиб олган одам турарди. У ҳам булар томонга қараётганди, унинг шамолда учаётган қора сочларини кўришди. У одам қоялар бўйлаб кўтарилиб, қирғоққа яқинлашар экан, Билл нотаниш йигитнинг оёғида теннис туфлиси эканига Саксоннинг диққатини қаратди. Бир неча дақиқадан сўнг йигит ерга сакраб тушиб, тўғри улар тарафга кела бошлади.

– Уни қара! – шивирлади Билл. – Ўзи ориққина, бироқ мушакларини-чи! Уларнинг ҳаммаси бу ерда зўр шуғулланишлари кўриниб турибди.

Нотаниш йигит яқинлашар экан, унинг юзи Саксонга биринчи пионерларни ёки кекса аскарлар орасида кўпинча учрайдиган маълум бир тоифа одамларни эслатди. Йигит ёш бўлса-да – Саксон унинг ёши ўттиздан ортиқ эмаслигига амин эди – юзи ингичка, чўзиқдан келган бўлиб, чакка суяклари туртиб чиққан, пешонаси кенг, қирғийбурун, лаблари эса ингичка, маънодор эди. Бироқ кўзлари пионерларнинг, ветеранларнинг кўзларидан ва умуман Саксон кўрган кўзлардан фарқ қиларди: йигитнинг кўзлари кулранг,

бирок шунчалик қорамтир кулранг эдики, деярли қорага ўхшарди; бу кўзлар эҳтиёткорлик ва диққат билан узоқларга қарар, худди бўшлиқнинг чуқурлигини текшираётганга ўхшарди. Саксонга ўзи бу йигитни қаердадир кўрганга ўхшаб туюлди.

– Алло! – йигит яқинлашиб, улар билан саломлашди. – Бу ерга жуда зўр жойлашиб олибсизлар! – У ярим тўлган халтасини ерга ташлади. – Чиганоклар. Фақат шуни тера олдим, холос. Сувнинг пасайиши энди бошланди.

Билл нимадир деб кўйди, унинг юзида ажабланиш аломати пайдо бўлганди.

– Сизни шу ерда учратиб қолганимдан жуда хурсандман, чин сўзим! – деди у. – Салом! Мен доим ўз-ўзимга сизни учратиб қолсам, албатта кўлингизни қисиб кўяман, дердим. Ким ўйлабди дейсиз!

Билл чин дилидан хурсанд эди. Унинг кулгиси хушчакчақликка айланди. Улар ҳали ҳам қўл ушлашиб туришарди.

Нотаниш йигит Биллни қизиқиб кузатар экан, сўнгра савол назари билан Саксонга қаради.

– Мени кечирасиз, – кулгидан овози бўлиниб, йигитнинг кўлини силкитганча, гапида давом этди Билл. – Бирок мен кулмасдан тура олмаяпман. Баъзи тунлари эса уйғониб кетаман, эслаб, хахолаб куламанда, яна ухлаб қоламан, чин сўзим. Саксон, наҳотки танимаётган бўлсанг? Ахир бу ўша шайтон... Менга қаранг, дўстим, сиз чиндан ҳам чиллак ушлашни зўр ўргангансиз, шекилли?..

Саксон ҳам шу пайт бу йигитни қаерда кўрганини эслади: у бемор ҳолида, хуши ўзида бўлмай, нотаниш кўчаларда адашиб-тентираб юрганида автомобиль

ёнида Рой Бланшар билан турган йигит шу эди. Лекин ўшанда ҳам бу йигитни биринчи марта кўриши эмасди.

– Визел-паркда бўлган курувчиларнинг байрамини эслайсизми? – хитоб қилди Билл. – Югуриш бўйича мусобақани-чи? Ахир Тимоти Мак-Мануснинг оёғи остига таёқча отган ва Визел-паркда ҳали ҳеч ким кўрмаган тўполон кўтарган одам сиз эдингиз-ку!

Энди нотаниш йигит ҳам кулиб юборди. У борган сари хахолар ва кулгивинг зўридан оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташларди. Ниҳоят, у денгиз улоқ-тириб ташлаган тўсинга ўтирди.

– Сиз ҳам ўша ерда бўлганмидингиз? – ниҳоят, сўзлай олди у. – Ва ҳаммасини кўрдингизми? – У Саксонга ўтирилди: – Сиз ҳамми?

Қиз бошини силкиди.

– Менга қаранг, – икковлари бир оз ўзларига келгач, гап бошлади Билл, – мен доим билгим келаётганди: нима жин уриб сизга шундай қилиш керак бўлиб қолганди? Нега шундай қилганингизни тушунтириб бера оласизми? Мен ўзим-ўзимдан кўп бор сўрагандим...

– Мен ҳам, – жавоб бўлди.

– Ахир сиз Тимоти Мак-Манус билан таниш бўлмагансиз-ку?

– Йўқ, мен уни илгари кўрмагандим, кейин ҳам кўрмадим.

– Унда нега бундай қилгансиз? – сўрашини қўймади Билл.

Йигит кулиб юборди, бироқ шу захоти юзи жиддий тортди.

– Ўлай агар, билмайман! Бир дўстим бор, жуда ақлли йигит, жиддий илмий китоблар ёзади, – ана ўша йигит доим вентиляторга тухум отиб, нима бўлишини

кўришга кизиқади. Менда ҳам шундай бўлгандир балки, бироқ менинг ҳеч ҳам виждоним қийналгани йўқ. Кўз олдимда оёқлар пайдо бўлганда шунчаки уларнинг орасига таёғимни тикдим – ҳатто бир сония олдин ҳам шундай қилмоқчи эканлигимни билмагандим. Шунчаки таёқни тикдим, холос. Мен ўзим ҳам Тимоти Мак-Манусдан кам ажабланганим йўқ.

– Улар сизни тутиб олишдими? – сўрали Билл.

– Кўринишимдан ўзини тутишга қўйиб берадиган одамга ўхшайманми? Бироқ умримда ҳеч қачон ўша кундагидек кўрқиб кетмаган эдим. Тимоти Мак-Мануснинг ўзи мени тута олмасди. Кейин нима бўлганди? Мен ур-тўполок бошланганини эшитдим, бироқ тўхтаб қарай олмадим.

Билл ўша куни бўлган муштлашувни тасвирлаб бергунча чорак соат вақт ўтди. Фақат шундан кейингина ўзаро танишиш бошланди. Йигитнинг исми Марк Холл бўлиб, қарағайзор орасидаги уйлардан бирида яшар экан.

– Ўзи сизлар қандай қилиб Бирс бухтасига келиб қолдинглар? – қизиқди йигит. – Юқоридаги йўлда кетаётганлар бундай жой борлигини билишмайди ҳам.

– Ҳа-а, бу жойнинг номи шундайми? – сўради Саксон.

– Ҳа, уни биз шундай атаганмиз. Дўстларимиздан бири бутун ёз шу ерда яшаб, бухтага ўз номини берган. Агар рухсат берсанглар, мен жон-жон деб бир финжон қаҳва ичардим, – Саксонга қараб деди йигит. – Қаҳвадан сўнг эса мен эрингизни бу ерлар билан таништираман. Биз бухтамиз билан жуда фахрланамиз. Бу ерларда биздан бошқа ҳеч ким бўлмайди.

– Бу мушакларга сиз Мак-Манусдан қочиб эришмаган бўлсангиз керак, – қаҳвасини ича туриб деди Билл.

– Бу мушаклар таранглашганда қилинадиган массажнинг натижаси, – сирли жавоб бўлди.

– Ҳа-а, – ҳайрон бўлиб деди Билл. – Уни нима билан ейилади.

Холл кулиб юборди.

– Мен ҳозир сизга кўрсатаман. Хоҳлаган мушагингни, истасангиз мана бунисини, таранг қилинг, кейин эса – мана бундай, мана бундай...

– Ва сиз фақат шу йўл билан шундай натижага эришдингизми? – Билл йигитнинг гапига ишонқирамади.

– Ҳа, – ғурур билан деди Холл. – Сиз кўриб турган ҳар бир мушакка кўринмайдиган бешта мушак тўғри келади, бироқ мана шу мушак уларни бошқариб туради. Бармоғингиз билан менинг баданимдаги хоҳлаган жойингизга тегиб кўринг...

Билл бармоқларини йигит кўкрагининг ўнг томонига теккизди.

– Сиз мушаклар йўқ ерни ушлаб кўришингиздан анатомияни яхши биласиз, шекилли, – тўнғиллади йигит.

Билл тантана билан жилмайди, бироқ уни ҳайратда қолдириб, бармоқларининг остида мушак қавариб чиқа бошлади. У қаттиқ босиб кўрди: мушак пўлатдек қаттиқ эди.

– Бу мушаклар таранглашганда қилинган массажнинг натижаси, – тантана билан деди Холл. – Қани давом этинг, истаган жойингизни босиб кўринг.

Билл қайси нуқтани босмасин, бармоғининг остидан мушак ўйнаб чиқар ва титраб, йўқ бўларди; ниҳоят

Холлинг бутун бадани мушакларнинг бу сунъий кўзготилишидан титрай бошлади.

– Мен бунақасини ҳеч кўрмагандим, – деди хайратда қолган Билл. – Ким ким-у, бироқ мен ҳаётимда қанча бақувват йигитларни кўрганман. Бироқ сиз – турган битганингиз куч!

– Бу ҳаммаси шундай массаажнинг натижаси, дўстим. Докторлар менга қўл силташган эди. Дўстларим мени нозикойим, қилтироқ шоир ва яна қанча “чиройли” бошқа лақаблар билан аташар эди. Ўшанда мен шаҳардан чиқиб кетиб, Кармелда жойлашдим – ва мана, очик ҳавода яшаш ва таранг тортилган мушаклар массажи нималарга қодир экан.

– Бироқ Жим Хэзард мушакларини бу йўл билан ривожлантирмаган! – деди ишончсизлик билан Билл.

– Албатта, йўқ! Бу аблахнинг омади келган! Ўзи шундай тузилган. Меникиларни эса ўзим яратдим – фарқи мана шунда. Мен – санъат асариман. У эса – ғордаги айиқ. Қани, кетдик, мен сизга ўзимизнинг жойларни кўрсатаман. Ортиқча кийимларингизни ечиб олинг; оёқ кийими билан шимда қолсангиз бўлди.

– Менинг онам ҳам шоира бўлган, – деди Саксон, Билл буталар орасида ечинар экан; У Холл ўзини шоир деб атаганини эпитган эди.

Йигит қизнинг гапига эътибор бермади ва Саксон гапида давом этди:

– Унинг бир қанча шеърлари нашр ҳам қилинган.

– Онангизнинг исми нима эди? – ҳаёли бошқа жойда экан сўради Холл.

– Дэйелл Уилей Браун. У “Викинглар юриши”, “Олтин йиллар”, “Вафодорлик”, “Кабальеро”, “Литтл Мэдоунинг қабрлари” ва бошқа шеърларни ёзган.

Улардан ўнтаси “Ўтган кунлар архивидан” тўпламидан ўрин олган.

– Менинг уйимда бу китоб бор, – ниҳоят, қизиқиб қолиб деди Холл. – Дэйелл Браун биринчи пионерлардан бўлган. Албатта, бу мен туғилгунча бўлган. Уйга қайтганимда онангизнинг шеърларини қараб кўраман. Менинг ота-онам ҳам пионерлардан бўлишган. Улар бу ерга эллингичи йилларда Панама орқали Лонг-Айленддан келишган. Отам врач бўлган, бироқ кейин савдогарчилик билан шуғулланган ва ўз яқинларини шундай шилганки, бизга – менга ҳам, бизнинг катта онамиздан қолганларга ҳам... ҳаммага шу пайтгача етиб келяпти... Айтинг-чи, иккалангиз қаёққа кетяпсизлар ўзи?

Саксон йигитга ўзларининг Окленддан кетишлари тарихи ва ўзларига муносиб ер қидираётганларини айтиб берганда, йигит уларнинг Окленддан кетганларини маъқуллади, бироқ иккинчи сабаб масаласида ишонқирамай бошини тебратди.

– Сурдан жанубга қараб юрганда зўр жойлар бор, – деди у. – Мен бу ердаги ўрмонли дараларнинг ҳаммасида бўлганман, ҳамма ёқда ёввойи қушлар тикилиб ётибди. Давлат ерлари ҳам бор. Бироқ у ерларда яшаш – ақлсизлик бўлади. Ҳамма нарсадан жуда йироқ. Дарадаги ерларни айтмаса, ер ҳам дехқончилик учун тўғри келмайди. Мен ўша ерда бир мексикаликни биламан: беш юз акр ерини бир ярим минг долларга сотишни орзу қилади. Бир акри уч доллардан! Бу нима дегани? Бундан ортиғига ярамайди, дегани. Балки бу ҳам кўпдир, чунки ҳеч харидор топилмаяпти. Ер дегани, биласизларми, доим уни қанчага сотилса ва қанчага сотиб олинса, шунча туради.

Шу пайт буталар орасидан шимининг почасини тиз-засигача қайириб олиб, биргина бошмоқда қолган Билл чиқиб келиб, уларнинг суҳбатлари бўлиниб қолди.

Саксон ташқи кўриниши бир-бирига асло ўхшамаган икки йигитнинг бухтанинг жануб томониغا ўтиш учун қояларга тирмашиб чиқиб кетишларини хаёл билан кузатиб турар экан, тез орада қизиқиб қолди, кейин эса хавотирга тушиб қолди. Қоянинг чўққисига чиқиш мақсадида Холл Биллни осилиб тургандек кўринаётган қоятошнинг четидан бошлади. Билл йигитнинг кетидан жуда эҳтиётлик билан кета бошлади, Саксон унинг икки марта сирпаниб кетай деганини кўрди – емирилиб кетган тош кўлида уваланиб, пастга, пляжга томон думалади. Холл денгиздан юз фугча кўтарилган баландликкача етиб боргач, қоянинг устара тигидек ўткир чўққиси устида гавдасини ғоз тугганча, ишонч билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Билл эса, тепага етиб боргач тиззасига ўтириб қўя қолди. Холл эса теп-текис майдонда юрган каби енгил қадам ташлашда давом этди. Билл ўрнидан туриб қояга ёпишганча, тошларни маҳкам ушлаб, унинг кетидан юришга ҳаракат қилди.

Улар ўткир учли қоялардан бирининг орқасида йўк бўлиб қолишганда, Саксон анча вақтгача уларни кўздан йўқотиб қўйди ва хавотирга тушиб, бухтанинг шимол томонидан, чиқиш осонроқ бўлган жойдан юқорига кўтарила бошлади. Бирок у ўрганмаган баландлик, оёғи тагидаги тупроқнинг сирпаниб кетиши ва қаттиқ эсаётган шамолдан кўрқиб кетаётганди. Тез орада у иккала йигитни ҳам кўрди. Улар тор тешиқдан сакраб ўтиб, кейинги тепаликка чиқиб кетишаётган эди. Билл энди дадилроқ ҳаракат қилар, бирок унинг йўлбошловчиси аввалгидек, уни кутиб, тўхтаб туриб

қолаётган эди. Йўл борган сари қийинлашиб борарди; улар бир неча марта деворлари шундай сувга туташ бўлган ёриқлар устидан сакраб ўтишларига тўғри келди. Баъзан эса тор, чуқур ёриқлардан ўтиш учун улар гавдаларини тўғри тутиб, қўлларини олдинга чўзганча кафтлари рўпарадаги жарнинг деворларига тегмагунча ўзларини олдинга қараб отишарди. Бармоқларини тошларга ботирганча, кўтарилишиб, олға кетишарди. Йигитлар туртиб чиққан дўнгликларни эҳтиёткорлик билан маҳкам ушлаб, тўлқинлар сачраётган жойгача тушиб боришди. Саксон Холлнинг пастни, нариги томонни кўрсатаётганини кўриб, у Биллнинг эътиборини нимадир қизиқ бир нарсага тортаётти, деб ўйлади. Бироқ қиз кейин содир бўлган нарсани хаёлига ҳам келтирмаган эди. Тўлқинлар орқага қайтиб, Холл бир дақиқагина бурун сув айқираётган торгина жойга сакради. Кейин эса у ерда ушланиб қолмасдан – тўлқин қайтиб келаётган эди, орқасидан келаётган тўлқиндан қочиб, оёқ-қўлларини ишга солиб, юқорига ўрмалай кетди. Энди Биллнинг ёлғиз ўзи қолган эди. У энди Холлдан кўрсатма олиш эмас, ҳатто уни кўра олмайётган эди; Саксон эрини шундай диққат билан кузатиб турардики, асабийлашганидан тошни ушлаб турган қўллари оғриб кетиб, қўлларини туширишга мажбур бўлди. Билл керакли дақиқани кутиб туриб, икки марта сакрашга тайёрланиб, орқага қайтди, сўнгра эса охири сакради.

Саксон улар гулхан ёнига қайтиб келишгандан кейингина хотиржам бўлди. Биллга қараб унинг ўзидан жуда норозилигини пайқади.

– Биринчи марта учун сиз ўзингизни жуда яхши тутдингиз, – Биллнинг яланғоч елкасига шапатилаб қўйиб, қувноқ товушда деди Холл. – Бундай сайр

қилиш – менинг энг яхши кўрган ишим. Мен билан кўшлар бирга бормоқчи бўлишган, фақат улар ярим йўлда чарчаб қолишарди. Мен бу сакрашни ўрганиб олгунимча ўн марталаб чўчиганман. Бу нарса атлетларга осон.

– Мен кўрққанимни айтишдан уялмайман, – жахл билан тўнғиллади Билл. – Сиз эса тоғ эчкисига ўхшаб чиқиб кетяпсиз; мендан тоза жахлингиз чиққанига ишончим комил. Бироқ мен энди тинчий олмайман. Бу ерда ҳамма гап машқ қилишда, мен энди шу ерда қолиб, сизни мусобақага чақирадиган бўлмагунча машқ қиламан: ким тепага чиқиб, айланиб ва яна қирғоққа биринчи бўлиб келишга мусобақалашамиз.

– Розиман, – деди Холл, розилигини билдириш учун кўлини чўзар экан. – Қачондир Сан-Францискода учрашиб қолсак, мен сизни Бирс билан – бухтанинг номини атаганимиз дўстим билан таништириб қўяман. Унинг яхши кўрган нарсаси – мабодо шақилдоқ илонларни йиғиш бўлмаса, шамол соатига қирқ мил эсадиган вақтда осмонўпар бинонинг томига чиқиб тўсиқ устида шамолга қарши юриш, – эътибор беринг, шамолга қарши томонга – йиқилса, шундай кўприк устига тушади. Бир куни у менга ҳам шундай қилишни таклиф қилди.

– Хўш? – қизиқиб қолди Билл.

– Тайёргарчиликсиз, албатта, чиқа олмасдим. Бироқ бир ҳафта ҳеч кимга билдирмай машқ қилдим, кейин баҳсда унинг йигирма долларини ютиб олдим.

Айни дамда денгиз суви қирғоқдан етарли даражада узоқлашган бўлиб, чиғаноқлар териш мумкин эди. Саксон йигитларнинг кетидан қояларнинг шимол томонидаги қаторига борди. Холл чиғаноқлардан бир неча халта териши керак эди: чиғаноқларни Кармелга

олиб кетиш учун кундуз куни от-арава келиши керак экан. Халталари тўлгандан сўнг, улар ҳамма тешикларни кидира бошлашди ва уринишлари бекор кетмади: учта садафли чиганок топишди, Саксон эса улардан бирининг тавақаларининг орасида кўзга кўринмай қолган марваридни кўриб қолди. Холл уларга садафдорнинг гўштини тайёрлаш сирини ўргатди.

Саксонга улар бир-бирларини худди қачонлардан бери билишадиганга ўхшаб туюлаётган эди. Бу унга ашулалар айтиб, сўнгги могиқанлар ҳақида қизиқ нарсаларни айтиб берган Берт улар билан бирга бўлган бир пайтларни эслатаётган эди.

– Энди эса, эшитинглар! Мен сизларга бир нарсани ўргатиб қўйишим керак, – оппоқ массанинг устига катта думалоқ тош қўйиб буюрди Холл. – Бундай гўштни ҳеч қачон ҳозир мен сизларга айтиб берадиган қўшиқсиз тайёрламанглар. Ва бу қўшиқни бошқа пайтларда асло айтманглар. Бу ўтакетган шаккоклик бўлади. Бу овқат – худоларнинг овқатидир. Уларнинг тайёрланиши – бутун бир диний маросим. Демак, нима дейишни эшитиб, қўшилинглар ва биз катта бир муқаддас иш қилаётганимизни унутманглар.

Йигит қўшиқнинг сўзларини айтар экан, бирдан юқоридан – улар чиганоклар солинган халталарни олиб боришган ердан гилдираклар овози эшитилди.

– Хуллас, бу қўшиқнинг охири йўқ. Эсиз, мен ҳозир буни сизга ўргатишга вақтим йўқ. Бироқ, ҳозирдан бошлаб энди сизлар Садафдорларни паққос туширувчи Қабила аъзосисизлар ва энди ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ҳозиргина мен сизларга айтган сўзларимни айтмасдан туриб абелонларнинг гўштини ея кўрманглар.

– Бироқ биз қўшиқнинг ҳамма сўзларини биттада эслаб қола олмаимиз

– Мен бунда сизларга ёрдам бераман. Келаси якшанба куни Абелонларни яхши кўрадиганларнинг ҳаммаси Бирс бухтасига келишади ва ўшанда сиз бизнинг ҳамма одатларимиз билан танишасизлар, шоир ва шоира дўстларимизни кўрасизлар, ҳатто халқ орасида Муқаддас Калтакесаклар Қироли деб танилган Темир Одамни ҳам кўрасизлар.

– Жим Хэзард ҳам бўладими? – буталар орасида кўринмай кетган Холлнинг ортидан кичқирди Билл.

– Албатта бўлади, – йигитнинг овози эшитилди.

Саксон ва Билл узоқда ғилдирақлар шовқини тинмагунча бир-бирларига индамай қараб туришди.

– Эҳ, жин урсин! – деб юборди Билл. – Мана буни эркак деса бўлади! Ҳеч ҳам бурни кўтарилмаган. Жим Хэзард каби. Келиб, ўзини худди ўз уйида юргандек тутади – сен ундан кам эмассан, у эса сендан кам эмас. Ҳаммамиз ўзаро дўстмиз...

– У ҳам бу ерга келганларнинг қадимий қабилаларидан экан, – деди Саксон. – У буларни менга сен ечинишга кетганигда айтиб берди. Унинг ота-онаси бу ерларга ҳали темир йўл қурилмасдан бурун Панама орқали келиб қолишган экан. Мен унинг гапларидан пули кўплигини тушундим.

– Бироқ у ўзини ҳеч ҳам бойлардек тутмайди.

– Яна қанақа кувноқ! – кўшиб кўйди Саксон.

– Ҳақиқий ҳазилкаш! Яна бу одам шоир!

– Билмадим, ростми-ёлғонми, бироқ мен кўп шоирлар ғалати бўлади, деб эшитгандим.

– Ҳа, бу бор гап. Эсимга тушди. Хоакин Миллерни олсак – Фрутвейлнинг нариги ёғида тоғда яшайди. Албатта, у жуда ғалати одам. Эсингдами, мен айти ўшанинг ранчоси олдида сенга муҳаббат изҳор қилган эдим... Бироқ мен шоирлар бакенбард кўйишади ва

кўзойнак тақишади, якшанба кунлари сайлларда мусобақада чопаётганларнинг оёқлари орасига таёк сукишади ёки қонунни бузиб иложи борича яланғоч юришади, чиғаноклар теришади, эчкига ўхшаб қояларга чиқишади, деб ҳеч ҳам ўйламасдим.

Шу кеча, кўрпа остида ётар экан, Саксон ҳеч ҳам ухлай олмади; у юлдузларга қараб ётар, атрофда гуллаб ётган буталарнинг одамни маст қилувчи исини хидлар, узоқдан эшитилаётган тўлқинларнинг шовуллашига ва ўзидан бир неча кадам наридаги кўрфаздаги сувнинг шилдирашига қулоқ солиб ётарди. Билл ғимирай бошлади ва Саксон эри ҳам ухламаётганини тушунди.

– Билли, иккаламиз Окленддан кетганимиздан хурсандмисан? – эрининг бағрига кириб шивирлади у.

– Ҳм-м, – жавоб эшитилди, – балиқдан сўрагин-чи: у сувда эканлигидан хурсандмикан?

САККИЗИНЧИ БОБ

Сув пасайиши пайтида денгиз суви узоқроққа кетиши билан Билл жануб томондаги қояларга кўтарилиб, Холл билан борган жойларига худди ўша тарзда бориб кела бошлади; ва ҳар сафар бунга кетадиган вақт борган сари камайиб борарди.

– Якшанбагача қараб тургин, – дерди у Саксонга, – мен бу шоирни пул олиб келиш учун югуриб бориб келишга мажбур қиламан! Энди мен учун чиқиш қийин бўлган битта ҳам жой қолмади ва ўз-ўзимга ишонч ҳам ҳосил бўлди. Биринчи марта тўрт қўл бўлиб эмаклаб юрган жойимда ҳозир югуриб юрибман. Биласанми, бунга қандай қилиб эришдим? Ўз-ўзимга шундай дедим: у томонда ҳам, бу томонда ҳам

йиқиладиган бўлсам бир футдан ортиқ баландликдан йиқилмайман, бунинг устига юмшоқ сомон устига тушаман, деб тасаввур қил. Ана шунда ҳеч ҳам кўрқинчли эмас ва ҳеч қанақасига йиқилмайсан, бемалол чоғиб юрасан. Ва иккала томонингда ҳам чуқурлиги бир мил бўлган жарлик бўлса ҳам, сенга барибир. Бу сенга тегишли эмас. Сен учун фақат битта нарса муҳим – тепада қолиб, бор кучинг билан югуриш. Саксон, биласанми, мен шу нарсани тушуниб етганимдан сўнг, бутунлай кўрқмай кўйдим. Қани энди, дўстимиз якшанба кuni дўстлари билан бу ерга келиб кўрсин-чи – мен учрашувга тайёрман.

– Қизик, дўстлари қанақа экан? – ўйчанлик билан деди Саксон.

– Ўзига ўхшаган ажойиб йигитлар бўлса керак. Балиқлар тўда-тўда бўлиб юради. Мана кўрасан, ҳеч бири олифтагарчилик қилмаса керак.

Холл ўзининг ранчосига кетаётган ковбой орқали уларга қармоқ ва чўмилиш кийимлари бериб юборибди. Улар ковбойдан давлат ерлари ҳақида ва қандай қилиб ер олиш тўғрисида кўп нарсани билиб олишди. Бир ҳафта сезилмай ўтиб кетди. Ҳар кuni кечқурун Саксон куёшни бахтли бир хўрсиниш билан кузатиб кўярди; ҳар кuni эрталаб эса яна янги бир бахтли кунни хурсандчилик билан қарши олиб, куёшнинг чиқишини қувонч билан кутиб оларди. Улар ҳеч қандай режа тузишмас, шунчаки балиқ овлашар, чиғаноқлар теришар ва кўнгиллари истаган пайтда қояларга чиқишар эди. Билл маза қилаётган эди. Саксон уни шу пайтгача ҳали шунчалик соғлом ва кучли ҳолда кўрмаган эди. Унинг ўзига келса, кўзгуга қарашнинг ҳам ҳожати йўқ эди – у шундай ҳам

болалигидан бери ёноклари шунчалик кип-кизил ва жонли бўлмаганини яхши биларди.

– Бу менинг ҳаётимда биринчи марта шунчалик ҳақиқий байрам бўляпти, – деб қолди бир куни Билл. – Сен билан турмуш қурганимиздан бери бирор марта байрам қилмаганмиз. Энди эса ҳатто миллионерлар ҳам бизга ҳавас қилишган бўларди.

– Эрталаб соат еттида ишга уйғотадиган ҳеч қандай гудоклар ҳам йўқ, – оғзини тўлдириб дерди Саксон. – Мен эрталаблари атай чўзилиб ётган бўлардим, фақат бу ерларда шундай яхшики, чўзилиб ётиш одамга алам қилади. Энди эса, ўзимнинг Жумавойим, бориб шохшабба йиғиш ўйинини ўйнаб келгин ва агар яхшилаб тушлик қилишни истасанг, каттакон оқунъ ҳам тутиб кел.

Яланг оёқларининг бармоғини қумга кўмиб маза қилиб ерга бағриви бериб ётган Билл сакраб туриб, кўлига болгани олди.

– Бироқ бу кўп давом эта олмайди, – афсус билан деди у. – Истаган маҳал ёмғир ёғиб қолиши мумкин. Иссиқ ҳаво ҳали ҳам ушланиб тургани мўъжиза бўляпти.

Шанба куни эрталаб Билл қоялар устидаги сайрдан қайтиб келганда, Саксон жойида йўқ эди. Хотинини бир неча марта бақириб чақириб, жавоб ололмагач йиғит тепага, йўлга чиқиб уни ярим мил нарида кўрди – у ўтлар оралаб секин кетаётган устида эгари ҳам йўқ отда ўтирарди.

– Бу доим эгарланган бўлиб юришга ўрганган қари от эканлиги сенинг бахтинг, – Саксоннинг ёнига келиб, уни отдан туширар экан, тўнғиллади Билл.

– Вой, Билл! – кувончдан энтикарди Саксон. – Ахир мен ҳеч қачон от минмаганман. Зўр бўларкан! Мен ҳам кўрқиб кетдим, айна пайтда кўрқмадим ҳам.

– Мен сен билан жуда фахрланаман, – баттаррок жаҳли чиқиб деди Билл. – Ҳар қандай эрли аёл ҳам бегона отга ўтиравермайди, бунинг устига у ҳеч қачон от минмаган бўлса. Мен сенинг ўзинг учун минадиган от олиб беришни ваъда қилганим эсимда турибди – бу от энг зўр от бўлади!

Садафдорларни ямламай ютадиганлар иккита аравада келишди, бир қисми эса отда келишиб, пастга, Бирс кўрфазига тушиб кетишди. Улар ўнтача эркак ва яна шунча аёллар эди. Ҳаммалари ёш – йигирма билан қирқнинг ўртасидагилар бўлиб, кўринишидан ҳаммалари яқин дўст эди. Кўпчилиги турмуш қурган ёшлар эди. Улар бирпасда кувнок кий-чув кўтаришиб, сирпанчиқ сўқмоқда бир-бирларини итаришиб, бир зумда Саксон ва Билл атрофида ўртоқларча – самимий ва илиқ муҳит ҳосил қилишди. Аёллар Саксонни ўраб олишди, унга меҳр билан муносабатда бўлишиб, уларни ҳозирги шароитлари учун мақташиб, саволларга кўмиб ташлашди. Саксон уларнинг бари тажрибали сайёҳ эканликларини дарров тушунди – аёлларнинг котелоклари, това ва чиганоқлар учун идишларига кўз ташлаш кифоя эди.

Бу орада эркаклар ечинишиб, чиганоқ ва садафдорлар кидиришга тушиб кетишди. Аёллар эса, укулелени кўриб, бу роса кизиқ бўлса керак, деб ўйлашиб – Саксон ҳеч қанақасига ўзини олиб қоча олмади, ашула айтиб беришига тўғри келди. Аёлларнинг баъзилари Гонолулуда бўлишган бўлиб, бу мусиқа асбоби уларга таниш эди. Мерседес укулелени “сакрайдиган бурга” деб тўғри атаган экан. Бу аёллар Мерседес Саксонга

ўргатган гавайча кўшиқларни ҳам билишар экан ва тез орада Саксон бошчилигида ҳаммалари “Алоха Оэ”, “Тонолулулик безори” ва “Ажойиб Леи Леуа” кўшиқларини хор бўлиб ижро эта бошлашди.

Ниҳоят, чиганоклар солинган халталарни кўтарган эркаклар қайтиб келишди ва шу заҳоти садафдорларнинг оқ гўшти устига энгашишиб, ҳамма бир овозда ўзларининг мадҳияларини айта бошлади. Эски, таниш куплетларни ҳамма бирга айтиб, вақти-вақти билан кимдир биров янги қаторларни алоҳида айтар ва кейин яна хор бўлиб айтиб кетишарди. Билл Саксонни сотиб кўйди: у ярим овозда хотинидан ўзи тўқиган кўшиқни айтишни илтимос қилди ва Саксон жуда ёқимли, тиник товушда айта бошлади:

*Доира бўлиб ўтириб,
Тошлар билан урялмиз.
Биз учун қонун ҳам йўқ!
Ахир бизлар ҳаммамиз –
Садафдорлар ейишни
Кўндан орзу қиламиз!*

– Ажойиб! – хитоб қилди шоир. – У қабила тилида гапиряпти! Қани, айтинглар, дўстларим, бараварига айтинглар!

Ва ҳамма Саксоннинг шеърини кўшиқ қилиб куйлади. Кейин Хэзард ёзган шеърлар, қизлардан бири ва Холл тасвирлаб бергани сабаб Саксон дарров танигани кўзлари яшил Темир Одамнинг шеърларини ҳам куйлашди:

*Кимдир итикни суяр,
Ким эса тилни,
Кимдир макарон еяр,
Мен эса, содда одам,
Абелон ея туриб,*

*Фақат коньяк тортаман.
Дастурхон атрофида
Ичилар коньяк ва ром,
Пунига ҳам солиб лимон.
Менга беринг булка нон,
Биргаликда абелон!*

Юзида шўх кулгили қорасоч ва қорақўз одам – Саксон унинг рассомлиги ва ўз расмларини донаси беш юз доллардан сотишини билиб олди – куйидагиларни куйлаб, ҳамманинг аччиғини келтирди:

*Ҳеч тугатиб бўлмайди,
Уларнинг барини еб,
Санашнинг йўқ имкони,
Ахир улар миллионлаб;
Улар ҳам турмуш қурар,
Туғиш-чун абелонлар.*

Кўшиқ давом этар ва юмшоққина Кармел чиганоғи шарафига тинмай эски ва янги мисралар куйланарди. Саксон маза қилаётган, бу нарсалар ҳаммаси ўнгида бўлаётганига ўзини ишонтириш унга қийин бўлаётган эди. Булар ҳаммаси эртаққа ўхшар ёки китобда ёзилганлар ҳаётга кўчгандек эди. Бу келганлар актёрлар бўлиб, театрга ҳам ўхшар, ўзи ва Билл қандайдир йўл билан сахнага тушиб қолишгандек эди. Эшитган баъзи қочирим гапларининг маъносини у тушунмади, кўпини тушунди – у “акл. ўйини” деб аталадиган шароитда биринчи марта иштирок этиши эди. Ва ана шу ерда у олган пуританча тарбиянинг натижаси билинди: атрофдагиларнинг баъзи бемалол ҳаракатларидан ажабланиб, хижолат чекди, бироқ бу одамлардан жаҳли чиқмаётганини ҳам ҳис қилди. Бу одамлар, мана шу енгилтак рассомлар, унга бари бир яхши бўлиб туюлишаётганди. Албатта, улар бир

пайтлар Саксон якшанба кунлари бўладиган сайлларда учрашиб юрган эркаклар каби кўпол эмас эдилар. Бу эркакларнинг бирортаси ҳам термосларда коктейллар, шишаларда қизил вино кўплигига қарамай, ортиқча ичмаётганди.

Саксонни айниқса, ҳайратга солган нарса бу одамларнинг охири йўқ қувноқликлари, болаларча шўхликлари ва ҳазиллари бўлди. Бу таассурот яна шу билан кучаяётган эдики, бу одамлар ҳаммаси – ёзувчи ва рассомлар, шоир ва танқидчилар, ҳайкалтарош ва мусиқачилар эди. Эркаклардан бири, юз чизиклари нозикдан келган йигит – Саксонга уни Сан-Францискода чиқадиган машҳур газетанинг театр танқидчиси деб таништиришди, – ҳамма унинг кетидан қайтариб, бироқ кулги остида ҳеч ким эплай олмаган бир хунарни кўрсатди. Қирғоқда, орасидаги масофани бир хил қилиб тўсиқ қилиш учун тахталар қўйиб чиқишди. Ва театр танқидчиси отга ўхшаб тўрт оёқлаб кум устида сакраб чопиб, отлар тўсиқдан сакрагандек, бирин-кетин тахталар устидан сакраб ўта бошлади.

Шундан сўнг ҳамма найза отишга берилиб кетди. Кейин сакрашга ўтишди. Хуллас, ўйин кетидан ўйин ўйналарди. Билл ҳам ҳамма ўйинларда қатнашаётган, бироқ ўзи хоҳлаганчалик кўп юта олмаётган эди. Бир инглиз ёзувчиси найзани Биллга қараганда ўн икки фут узокроққа отди, Жим Хэзард уни тош ирғитишда ютди, Марк Холл эса уни жойидан туриб сакрашда ютди. Бироқ орқага қараб сакрашда Билл ютди. Бироқ бу ютукдан сўнг Марк Холлнинг синглиси, отда юриш учун эркаклар киядиган кийим кийиб олган ёшгина аёл ҳинд курашида уни уч марта ютди.

– Сиз билан одам чарчамайди, – Темир Одам кулиб қўйди. Унинг исми Пит Бидо эканлигини кейин билиб

олишди. — Мен ҳам сизнинг курагингизни ерга теккиза оламан.

Билл унинг таклифини қабул қилиб, тезда рақиби ўзининг лақабига мос эканлигига амин бўлди. Машқ пайтларида Билл Жим Жеффрис ва Жек Жонсон каби таниқли боксёрлар билан эркин курашларда иштирок этган ва ўз танасида уларнинг мўъжизавий кучларини синаб кўрган эди, бироқ Темир Одам каби курашчини ҳали учратмаган эди. Билл қанчалик қаршилик кўрсатмасин, бари бекор кетди: рақиби икки марта унинг курагини кумга теккизди.

— Сиз аламингизни олишингиз мумкин, — деди Хэзард Биллнинг кулоғига, — мен ўзим билан кўлқопларимни олиб келганман. Курашда сиз у билан беллаша олмадингиз, тушунарли: бу йигит Лондон мюзик-холларида Хакеншмидт билан кураш тушган. Ҳозирча жим туринг, биз тўсатдан бўлгандек, боксга тушишни таклиф қиламиз. У сиз ҳақингизда ҳеч нарса билмайди.

Тез орада найза отган инглиз театр танқидчиси билан эркин курашда мусобақалаша бошлашди, Хэзард ва Холл эса ўйин қилиб бокс тушиб, кейин эса кўлларида кўлқопларини ушлаганча муносиб жуфтликни қидира бошлашди. Танлов Билл ва Бидога тўғри келиши кўриниб турарди.

— Агар уни қисиб қўядиган бўлсангиз, унинг роса жаҳли чиқиб кетади, — Биллнинг кўлига кўлқоп кийгизар экан, огоҳлантирди Хэзард. — Бидонинг келиб чиқиши америкалик француз, табиати жуда ғазабнок. Бироқ сиз совуққон бўлинг ва яхшилаб солинг, дам олишга йўл қўйманг.

“Бидо, секинроқ”, “Бидо, кўполлик қилма!”, “Бидо, берилиб кетма!” — ҳамма ёқдан Темир Одамга нисбатан огоҳлантиришлар ёғилди.

– Бир дақиқа тўхтанг, – қўлини тушириб, Билга деди у. – Биринчи калтакдан сўнг мен кизиша бошлайман. Бироқ сиз эътибор берманг. Ўзимни ҳеч тўхтата олмайман. Бу дарров ўтиб кетади. Кейин ўзим ҳам хафа бўлиб ўтираман.

Саксон жуда хавотирда эди: унинг кўз олдига Биллнинг ҳамма муштлашувлари ва у калтаклаган штрейкбрехерлар келди. Бироқ у эрининг бокс тушганини ҳеч қачон кўрмаган эди ва унинг хотиржам бўлиши учун бир неча сония кифоя қилди: Темир Одам унга бас кела олмайди. Айни пайтда ҳамма имконият Биллнинг қўлида эди: у чаққонлик билан зарбалардан қочар ва худди ўйнаётгандек, тинмай рақибининг юзи ва танасига зарба берарди. Унинг бу зарбалари қаттиқ эмасди, енгил туюларди, бироқ у шунчалик тез урардики, бу зарбаларнинг аниқ нишонга тегиши Темир Одамнинг ғазабини келтираётганди. Томошабинлар уни тинчйтиш учун бекорга қичқиришарди. Унинг юзи аламдан кип-қизариб кетган, зарбалари қаттиқроқ бўла бошлади. Билл эса тинмай, хотиржамлик билан уни туширишда давом этарди. Темир Одам ўзини бутунлай йўқотиб қўйди, қутургудек Билга ташланиб, унга апперкод⁵ зарбаларини бера бошлади. Билл энгашиб қолар, ўзини четга олиб қочар, қарши зарба берар, чап бериб қолар ва абжирлик билан унинг зарбаларидан қочиб қоларди. Қочиб қутулиб бўлмайдиган клинч⁶да Билл Темир Одамни қўлларини қимирлята ҳам олмайдиган қилиб қўйиб, у эса кулиб узр сўрашга бошлар ва озод бўлиши биланок, яна баттар ғазаб билан рақибига ташланарди.

⁵ Апперкод – юқори даражали

⁶ Клинч – ёпишган.

Матч тугаб, Биллнинг кимлиги очилиб қолганда Темир Одам ўзини алдашганига ҳамма қатори кулиб қўйди. Билл ўзини энг яхши томондан кўрсатган эди. Унинг спорт маҳорати, чидамлилиги бутун компанияда катта таассурот қолдирди ва ўз эрининг муваффақиятларидан мағрур бўлган Саксон ўтирганларнинг чехрасида қойил қолганлик ифодасини кўриб, кўнгли кувончга тўлди.

Бироқ Саксоннинг ўзи ҳам уялтириб қўймади. Қизиб кетган ва чарчаган спортчилар совиб олиш учун кум устига ўтиришганда ундан ўзларининг ҳазил кўшиқларига укулелеси билан кўшилишиб туришини сўрашди. Тез орада кизнинг ўзи ҳам кўшилишиб айта бошлади ва янги дугоналарига кичкина болалигида Кэди, ковоқхоначи ва пионер, ўтмишда кавалерист бўлган, ҳали темир йўллар бўлмаган пайтларда қассоб бўлиб, бир зарба билан букаларни йиқитган Кэди ўргатган кулгили ва енгил ашулаларни ўргатишга тушди. Кэдининг ўзи энг яхши кўрган кўшиқ айниқса ҳаммага ёқиб кетди:

Аччиқ ирмоқ...

Ҳеч қачон ёддан чиқмас у пайтлар,

“Чида ёки ўлавер” – кўчманчилар қонуни,

Томоққача кум келиб,

Кўзларни ҳам чанг босган.

Чида ёки ўлавер, бироқ

Орқага қайтиш ҳам йўқ...

Бу кўшиқнинг бир неча банди айтилиб бўлгач, Холл унга айниқса куйидаги қаторлар ёқиб кетганини айтди:

Обади туш кўрди:

Ўнлаб ҳачирни ҳайдаб кетяпти...

Уйғониб кетиб, оғир хўрсинди:

Ахир уни Бош оти тетиб олган-ку...

Шундан сўнг Марк Холл Билл билан кўрфазни ўраб турган қоялар устида чопиш бўйича балки узок келажакда бўладиган мусобақа ҳақида гап очиб қолди. Билл у истаган пайтда мусобақалашингга тайёрлигини айтганда, у ҳайрон қолди. Ҳамма шовқин солиб, тезроқ мусобақани бошлашни талаб қила бошлади. Холл бирортаси билан ким тезроқ чопишга баҳс бойлашмоқчи бўлди, бироқ хоҳловчилар топилмади. У Жим Хэзардга иккига бир бўлиб чопишни таклиф қилди, бироқ Хэзард бошини чайқаб, агар учга бир бўлса рози бўлишини айтди. Билл бу гапни эшитиб, тишларини гижирлатди.

– Беш долларга баҳс бойлашамиз, – деди у Холлга, – фақат бошқа шарт билан. Бирга бир ўйнаймиз.

– Менга сизнинг пулларингиз керак эмас; менга Хэзарднинг пули керак, – жавоб берди Холл. – Аслида мен учга бир шарти билан ҳар бирингиз билан баҳс бойлашингга тайёрман.

– Ёки бирга бир, ёки баҳс бойлашининг кераги йўқ, – ўжарлик қилди Билл.

Ниҳоят, Холл уларнинг иккаласи билан – Билл билан тенгма-тенг, Хэзард билан эса учга бир бўлиб баҳс бойлашадиган бўлишди.

Улар югуришни бошлайдиган сўқмоқ шунчалик тор эдики, мусобақалашмоқчи бўлганлар бир-бирини қувиб ўта олмасдилар, шунинг учун уларни биринкетин кўйишмоқчи бўлишди.

Биринчи бўлиб Холл, ярим дақиқадан кейин эса Билл чопишни бошлайдиган бўлди.

Чизик тортишди ва сигнал берилгандан сўнг Холл ҳақиқий спринтердек учиб кетди. Саксоннинг юраги тўхтаб қолди. У Билл бу қумли йўлда бундай тезлик билан ҳеч қачон чопиб кўрмаганини биларди. Билл

Ўттиз сония кечроқ югуришни бошлади ва Холл қоя чўккисининг ярмига етганда у энди қоялар остонасида эди. Тезда иккалалари ҳам тепада кўринишиб, қоянинг у чўккисидан бу чўккисига югура бошлашди. Шунда Темир Одам уларнинг қояга бир вақтда чиқиб боришганини айтди.

– Мен ҳозирча ўз пулларим учун хотиржамман, – деб кўйди Хэзард, – ва умид қиламанки, уларнинг ҳеч бири ҳалок бўлмайди. Шахсан мен бундай мусобақага ҳеч қандай пул учун рози бўлмасдим.

– Бироқ сен Кармел кўрфазида довул пайтида сузиб ўзингни бундан баттар хавфга кўясан-ку, – эрига теккизиб, деди хотини.

– Очиғи, билмадим, – жавоб берди Хэзард. – Сувда бундай баландликдан йиқилмайсан.

Билл ва Холл кўздан йўқолишди. Қирғоқда турганлар устаранинг тигидек ўткир чўккилар бўйлаб бу бош айланар даражадаги югуришда шоирнинг Биллдан ўзиб кетишига амин эдилар. Ҳатто Хэзард ҳам шундай бўлиш эҳтимоли борлигига ишонаётган эди.

– Менинг ютуғим учун қанча берасизлар? – сабри чидамай сакрар экан, хитоб қилди у.

Хилл кўринди, у бир сакраб, қирғоққа қараб югурди. Бироқ Билл ҳам орқада қолмаётган эди. У Холлнинг кетидан изма-из келаётган эди ва шу ҳолда қирғоқдаги чизикқача чопиб борди. У Холлга қараганда ярим дақиқа олдин етиб келишга эришди.

– Соат бўйича шундай чиқяпти, – ҳансираб нафас олар экан, деди Билл. – Орамиздаги ярим дақиқа доим бўлиб турганди. Мен, фараз қилганимдек, орқада қолганим йўқ, бироқ Холл чакқонроқ. У худди спринтер каби югуради. Мабодо бирор нарса ҳалал бериб қолмаса, у истаган дақиқада мендан ўзиб кетади.

Сакрашда уни сувнинг тўлқинга урилиши ушлаб қолди. Шунда мен унга етиб олдим. Мен кейинги тўлқинни кутмай, у билан кетма-кет сакрадим, кейин эса у финишга югура бошлади, мен ҳам оркасидан қолмадим.

– Шундай, – деди Холл, – бироқ сиз мендан ўзиб кетишдан кўра қийинроқ нарсани уддаладингиз. Бирс кўрфази тарихида биринчи марта иккита одам иккита тўлқин оралиғида бир жойга сакрашди. Сиз энг кўп таваккал қилдингиз – ахир сиз иккинчи бўлиб сакрадингиз.

– Шунчаки менинг омадим келди, – деди Билл.

Саксон уларнинг бу ўзаро одамгарчиликларига нуқта қўйди: у укулелесининг торларини чертиб, ҳам-манинг кулги садолари остида, қора танлиларнинг черков ашулаларига ўхшатиб, чўзиб ашула айта бошлади:

У қоқилиб, йиқилиши учун,

Оллоҳ уни гуноҳларга бошлайди...

Тушдан сўнг Жим Хэзард ва Холл чўмилгани кетишди ва баланд тўлқинлар остига шўнғиб, узокдаги қоялар томонга сузиб кетишди, у ердан денгиз шерларини ҳайдашиб, кўпикдан оқариб кетган истех-комни эгаллашди. Билл уларнинг кетидан шунчалик яшириб бўлмайдиган ҳавас билан кузатиб қолдики, миссис Холл унга қараб деди:

– Қишни Кармелда ўтказсанглар бўлмайдими? Жим сизга баланд тўлқинларда сузишни ўргатиб қўярди. Унинг ўзи эса сиз билан бокс тушишни орзу қиляпти. У соатлаб ёзув столи олдида ўтиради, албатта спорт билан шуғулланиб туриши керак.

Бу кувноқ компания қуёш ботгандан кейингина ўз идиш-товоқларини йиғиштириб, жўнаб кетди. Саксон

ва Билл улар – яёв кетаётганлар ҳам, отликлар ҳам, биринчи тепалик орқасида кўринмай кетишгунча уларнинг орқасидан қараб туришди ва шундан сўнг бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб, буталар орқасидаги ўз жойларига боришди. Билл ўзини кумга ташлаб, чўзилди.

– Менимча, ҳеч қачон шунчалик чарчамаган эдим, – эснаганча деди у. – Бироқ, битта нарсани ҳам аниқ биламан: ҳеч қачон шунчалик маза қилмаган эдим. Битта мана шундай кун учун йигирма йил, балки ундан ҳам кўп, ҳаётингни берсанг бўлади.

Йигит ёнида ётган Саксонга кўлини чўзди.

– Билли, мен сен билан шундай фахрландим, – деди қиз. – Ахир мен ҳеч қачон сенинг бокс тушганингни кўрмагандим. Ва ҳеч қачон бу нималигини тасаввур ҳам қилмагандим. Сен Темир Одамнинг устидан ҳукмронлик қилдинг, шафқатсизлик қилмадинг. Буни ҳамма кўриб турди ва сенга қойил қолишди.

– Сен эса, мен сенга айтсам, жуда ажойиб эдинг. Сен уларнинг ҳаммасига ёқдинг. Саксон, чин сўзим, сен укулеле билан ашулани ҳаммадан яхши айтдинг, аёлларга ҳам жуда ёқди, бу эса катта гап!

Уларнинг одамлар олдидаги биринчи муваффақиятлари шундай эди.

– Мистер Холл “Ўтган кунлар архивларидан” тўпламини қараб чиққани, онамининг чиндан ҳам ҳақиқий шоира бўлганини айтди, – гап бошлади Саксон. – У яна, прерияни қандай ажойиб инсонлар кесиб ўтганлари ажабланарли эканлигини ҳам айтди. Ва у яна ўша пайтлар тўғрисида ва мен шу пайтгача билмаган одамларим ҳақида кўп нарсаларни гапириб берди. У Литл Мэдоудаги жанг ҳақида ҳамма нарсани ўкиб чиққанини айтди, уйда шундай китоб бор экан. Биз

Кармелга қайтганимизда у менга шу китобни кўрсатар эмиш.

– У чиндан ҳам бизнинг қайтишимизни хоҳлаяпти. Саксон, биласанми, у менга бир бўлак ери бор бир одам учун хат бериб қўйди: у йигит шоир бўлиб, кичкинагина ер участкасига эгалик қилар экан. Биз ўша ерда қолишимиз мумкин, агар мабодо ёмғирлар бошланиб қоладиган бўлса, бу айни муддао бўларди. Мен айтмоқчи бўлаётганим... Холл айтадики, унинг бир кулбачаси бор экан: уйи қурилишидан олдин ўша ерда яшаган экан. Ҳозир у ерда Темир Одам яшаркан, бироқ у ҳам яқинда католик коллежига жўнаб кетар экан – у руҳоний бўлмоқчи эмиш. Холл ана ўша уйчани биз истаганчалик вақтга бизга бериб тура олишини айтди. Ва у яна айтдики, мен Темир Одам қилган ишни қилишим ва шу йўл билан пул топишим мумкин экан. У менга иш таклиф қилаётганда ўзини жуда нокулай сездим. У бу иш доимий эмаслигини, бироқ бизга тўғри келишини айтди. Мен унга картошка экишига ёрдам беришимни айтиб, кейин бирдан жажли чиқиб кетиб, мен ўтин ёрмаслигимни, бу унинг мутахассислиги эканлигини айтди; у бу ишни ҳеч кимга ишонмаслиги, ҳеч кимни яқинлаштирмаслиги кўришиб турибди.

– Миссис Холл ҳам худди шундай сўзларни айтди. Ёмғирли ёзни Кармелда ўтказиш ёмон эмас. Бундан ташқари сен мистер Хэзард билан сузишни ҳам машқ қилардинг.

– Демак, иккаламиз қаерда хоҳласак, ўша ерда жойлаша олар эканмиз-да, – деди Билл. – Кармел бизга қолишни таклиф қилишаётган учинчи жой бўляпти. Мен шаҳардан кетиш даҳшатли нарса эмаслигига энди ишонарман – қишлоқда ҳамма иш топа олиши мумкин.

– Ҳар бир яхши ишчи, – тўғрилаб қўйди Саксон.

– Сен ҳақ бўлсанг керак, – бир оз ўйлаб деди Билл. – Бирок барибир – ҳатто тентак одам ҳам шаҳардан кўра кишлоқда жойлашиши осонроқ.

– Дунёда шундай яхши одамлар бор деб, ким ўйлабди дейсан, – ўйчанлик билан деди Саксон, – ҳатто одам ажабланади ҳам.

– Ҳеч ҳам ажабланарли эмас, – фикрлай кетди Билл – у бой ва шоир, у ҳатто ирландлар байрамида мусобақада қатнашаётган одамнинг оёғидан чалишга ҳам қодир. Бундай одам фақат ўзига ўхшаганлар билан борди-келди қилади. У ҳаммани ўзига ишонтира олган. Унинг синглиси эса – фақат денгиз шеринигина минмайди! Ва у зўр кураш ҳам тушади, худди ҳинд кураши учунгина яралгандек. Унинг хотини ҳам келишгангина-а?

Улар анча вақтгача илик кум устида индамай ётишди. Жимликни биринчи бўлиб Билл бузди ва унинг гаплари гўё чуқур ўйланган фикрнинг натижасидек эди:

– Саксон, биласанми, мен яна кинога тушаманми ёки йўқми, энди менга фарқи йўқ.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Саксон ва Билл бир неча ҳафта давомида жанубга қараб юришди, бироқ охири яна Кармелга қайтиб келишди ва шоир Хэфлер ўз қўли билан қурган мрамар уйга жойлашишди. Бу ғаройиб уйда биттагина хона бўлиб, деворлари бутунлай оқ мрамардан ишланган эди. Хэфлер овқатини одатда мрамардан ишланган баҳайбат каминда пиширарди. Хонанинг деворлари бўйлаб китоб жавонлари чўзилиб кетган ва бу

жавонларни ҳам уйдаги бошқа мебеллар каби қизил дарахт ёғочидан унинг ўзи ясаган эди. Шипнинг устунларини ҳам унинг ўзи йўнган экан. Саксон уйнинг бир бурчагини чойшаблар билан тўсиб, ўзларига жой ҳозирлади. Шоир Сан-Франциско ва Нью-Йоркка жўнаб кетишга тайёрланаётган бўлиб, Биллга ён-атрофни ва давлат ер майдонларини кўрса-тиш учун бир кунга ушланиб қолди. Ўша куни Саксон улар билан бормокчи бўлди, бироқ Хэфлер кулиб, унинг оёғи бундай сайрлар учун калталиқ қилишини айтди. Улар кечкурун қайтиб келишганда Билл чарчовдан йиқилиб тушай деяётган эди. У Хэфлер уни тоза ҳолдан тойдирганини, бошиданок унинг кетидан тили осилиб югурганини тан олди. Хэфлер элик беш мил юришганини айтиб берди.

– Ҳа, бироқ қандай миллар! – тушунтира бошлади Билл. – Ярим кун бир тоққа, бир тоғ этагига ва деярли ҳар сафар ҳеч қандай юрадиган сўкмок йўқ. Саксон, эрталаб у сенга оёқларинг калталиқ қилади деганда тўғри айтган экан, сен бир мил ҳам юра олмаган бўлардинг. Қандай жойлар-а! Биз ҳали бундай жойларни кўрмаганмиз!

Эртаси куни Хэфлер Сан-Францискога борадиган поездга ўтириш учун Монтерига жўнаб кетди. У ёшларга ўзининг мрамардан қурилган уйини ташлаб кетди – агар хохлашса бутун қиш шу ерда бўлишлари мумкин экан. Хэфлер жўнаб кетган куни Билл уйнинг атрофини айланиб чиқиб, кечаги саёҳатдан кейин дам олмокчи бўлди. У бутунлай ҳолдан тойган бўлиб, бутун бадани оғриётган бўлса-да, шоирнинг чидамига қойил қолаётган эди.

– Афтидан бу ердаги ҳамма одамлар рекордчи шекилли, – ажабланди у. – Масалан, Хэфлерни

олайлик. У мендан йирикроқ ва вазни оғирроқ, – вазн эса юрганда халал беради. Унга эса барибир. У менга бир суткада саксон мил, уч кунда эса бир юз етмиш мил юрганини айтганди. Роса устимдан кулди-да! Мен унинг олдида ўзимни ёш боладек ҳис қилдим!

– Билл, эсингдан чиқмасин: ҳар кимники ўзига! – эрини овутди Саксон. – Ким-ким-у, сен ҳаммадан ўтасан. Бокс масаласида уларнинг ҳеч бири сенга бас кела олмайди.

– Сен ҳақ бўлсанг керак, – хотинининг гапига қўшилди Билл. – бироқ, барибир, шоир менга нисбатан юришда кучли эканлиги алам қилипти, тушуняпсанми – шоир!

Улар кун бўйи давлат ерларини қараб теварак-атрофни кузатиб чиқишди ва охири келиб, юраклари увишганча бу жойлардан ер олмасликка қарор қилишди. Бу ажойиб жойлар Саксонга ёқиб кетганди, бироқ Хэфлернинг қуёшни бир-икки ҳафтага тўсиб қўядиган ёзги туманлар ҳақида айтиб берганлари унинг ёдида эди. Бундан ташқари бу ердан ҳеч қайси бозоргача бориб бўлмайди. Транспорт қатнайдиган йўл бошланадагин почтагача ҳам анча мил келади, у ердан Пойнт Сур орқали ўтиб, Кармелгача борадиган йўл эса қийин ва хавфли. Билл ўзининг аравакаш сифатидаги тажрибали назари билан бу йўлдан оғир юкларни олиб юриш одамга ёқимли ишлардан эмаслигини дарров сездди. Хэфлернинг ерида ажойиб мрамор тош кони бор эди. Унинг айтишича, яқин атрофда темир йўл бўлганида, бу тош кони катта бир бойлик бўларди, бироқ ҳозирги шароитда агар хоҳлашса, бу бойлигини у Билл билан Саксонга тақдим қилиб юборишга тайёрмиш.

Билл айна ана шундай отлар ва моллар боқиладиган, ўтлар ўсиб ётган жойларни орзу қилар ва бу жойларни

ҳеч бир хоҳишсиз ташлаб кетаётган бўлса-да, бироқ Окленд кинотеатрида кўрганлари фильмдаги фермани орзу қилаётганлари учун Саксоннинг гапларига ҳам тан бераётган эди. Ҳа, уларга айнан ана ўшанга ўхшаган ферма керак ва улар қирқ йил қидиришларига тўғри келса ҳам, ана шундайини, албатта, топишади.

– Бироқ у ерда, албатта секвойя⁷лар бўлиши керак, – Саксон ўз гапида туриб олган эди. – Мен уларни жуда ҳам яхши кўраман. Бизга туман бўлмаса ҳам майли. Яқинимизда, минг милдан узоқ бўлмаган жойда эса албатта, яхши шоссе ва темир йўл бўлиши керак.

Тўхтамай ётган қиш ёмғири уларни икки ҳафта давомида мрамар уй ичида ушлаб қолди. Саксон тушунмаётганидан сиқилиб кетган бўлса-да, Хэфлернинг китобларини титкилаб чиқди, Билл эса шоирнинг сочма ўқ билан отадиган ов милтигини олиб овга бориб келди. Бироқ ундан яхши овчи чиқмади. Унинг ягона отган нарсаси тинчгина ўтирганларидан фойдаланиб ўлдирган олгани қуёнларгина бўлди. Винтовкадан отиши эса у милтиқдан отганидан ҳам баттар бўлди: олти марта кийикка отиб теккиза олмади. У ўзининг омадсизлигидан сиқилиб кетаётгандек бўлса-да, Саксон эрига бу янги машғулот ёқаётганини кўриб турарди. Йигитда бир оз кечикиб уйғонган овчи инстинкти уни бутунлай ўзгартириб юборгандек эди. У тонг отардан кечгача йўқ бўлиб кетар, тик қияликларга чиқар, узоқ-узоқларгача борар, бир куни ҳатто Том уларга айтиб берган олтин қонигача бориб, икки кун йўқ бўлиб кетди.

⁷ Секвойя – Ер юзидаги энг баланд ўсадиган дарахтлардан бири. Асосий ватани Шимолий Америкада, баъзилари 110 метргача ўсиши мумкин.

– Қандай қилиб шаҳарда бутун ҳафта икки букилиб ишлаб, якшанба кунлари эса кинематографга бориб ва сайрга чиқибгина юриш мумкин, – ажабланарди у. – Қанақа қилиб шундай яшаб юрган эканман, ҳеч тушунмайман. Мен шу ердами ёки бошқа бирор шунга ўхшаган жойда яшашим керак эди.

У янгича яшаш тарзига берилиб кетган ва дам ўтмай Саксонга бир пайтлар отаси айтган ов ҳақидаги ҳикояларни айтиб берарди.

– Саксон, биласанми, энди кун бўйи юрсам ҳам оёғим оғримаяпти, – тантана қиларди у. – Ўрганиб кетдим! Бир кун яна Хэфлерни учратиб қолсам уни сайр қилгани таклиф қиламан, ана шунда у мен билан юриб кўради!

– Вой тентаквой, бировларнинг муваффақияти сенга ҳеч тинчлик бермайди, ким бўлишидан қатъи назар, ҳаммадан ўтиб кетгинг келади, – кулиб юборди Саксон.

– Балки шундайдир, – тўнғиллади Билл. – Йўк, Хэфлер билан беллашиш менга қийин бўлади. У юриш учун яратилган. Бироқ, барибир, бир куни уни учратиб қоладиган бўлсам, унга қўлқоп кийишни таклиф қиламан... бироқ мен паст кетиб, у мени қийнагандек, уни қийнамайман...

Улар Кармелга қайтиб келишганда, йўлнинг аҳволини кўриб, давлат ер участкалари тўғрисидаги фикрларидан воз кечиб тўғри қилишганига амин бўлишди. Уларга ағанаб ётган арава учради, кейин яна бошқаси, нарироқ, юз ярдча пастрокқа боришганда эса нураб тушган йўл билан бирга почта каретаси, йўловчилар, отлар ағанаган чуқурликни кўришди.

– Қишда бу ердан одамлар ўтмаса керак, – деди Билл. – Бу йўл одамлар ва отлар учун ўлим. Гап йўк, бу

йўлда мармар ортилган аравалар чиройли кўринарди-да!

Кармелда жойлашиш қийин бўлмади. Темир Одам католиклар коллежига жўнаб кетган бўлиб, “кулба” эса уч хонадан иборат жиҳозланган қулай ва файзлигина уй бўлиб чиқди. Холл Биллга картошка даласидан иш берди – унинг картошка экилган уч акр ери бўлиб, ўзи бу ерларга ноанъанавий тарзда ишлов берар экан. У картошкани йилнинг истаган фаслида экар, Кармел аҳолиси эса чиришга улгурмаган картошкаларни юмронқозиклар ёки полизга кириб қолган сигирлар ўзаро бўлиб олишларига ишончлари комил эди. Холл кимдандир плуг сўраб турди, от-арава топди ва шундан сўнг Билл иш бошлади. У далани шох ва новдалар билан тўсиб, девор қилиб чиқди, кейин ўз уйининг томини бўяди. Холл томга, Биллнинг ёнига чиқиб, уни ўзининг ўтинларига тегмаслик тўғрисида огоҳлантириб қўйди.

Бир куни Холл эргалаб келиб, Биллнинг Саксон учун ўтин тайёрлаб бераётганини кузатиб турди. У диққат билан кузатиб туриб, охири чидай олмай деди:

– Сиз ҳатто болтани ҳам ушлай олмаслигингиз маълум бўлди, – истехзо билан деди у. – Келинг, мен сизга қандай қилиш кераклигини кўрсатаман.

У тинмай ўтин ёриш санъати ҳақида гапириб, бир соатча ишлади.

– Бўлди! – ниҳоят, Холлнинг қўлидан болтани олар экан, деди Билл. – Энди сизга бас қилиш учун бир гарам ўтин ёриб беришим керак!

Холл истамайгина болтани йигитга берди:

– Менга қаранг, менинг ўтинларимнинг олдига борманг, – кўрқитди у. – Ёдингиздан чиқмасин: менинг ўтинларимга тегилш ман этилади!

Улар пулдан кийвалишмаётган эди, ҳатто йиғиб ҳам кўйишаётган эди. Уй учун улар ҳақ тўлашмас, оддий овқат қиммат эмас, Билл эса истаганча иш топа олаётган эди. Бу қувноқ компаниянинг ҳамма аъзолари худди Биллни бўш кўймасликка келишиб олишгандек эди. Ишлар турли-туман ва тасодифий бўлиб, бу ҳатто қулай бўлаётган, чунки бўш вақтларини Жим Хэзард билан келишиб олиш имконияти бўлаётган эди: улар ҳар куни бокс билан шуғулланиб, денгизда сузишарди. Хэзард эрталаблари китобини ёзар, кейин қарағайзорга чиқиб, махсус товуш чиқарар ва Билл шу заҳоти ҳамма ишини ташлаб, унинг чақирғига югурарди. Сузиб бўлишгандан сўнг улар душ қабул қилишиб, бир-бирларини қонун-қондаси билан массаж қилишар ва шундан кейингина овқатланишга ўтиришар эди. Куннинг иккинчи ярмида Хэзард яна ёзув столи олдига ўтирар, Билл эса очиқ ҳаводаги ишига кетарди. Улар тез-тез тоғларга сайрга чиқишар, бир неча милгача боришарди. Улар доим машқ қилишарди. Етти йилдан бери тинмай футбол билан шуғулланадиган Хэзард машқни бирдан тўхтатган спортчини нима кутишини билар ва шунинг учун машқни давом эттиришга мажбур эди. Бу нарса унинг учун нафақат керак эди, у жисмоний машқларни ёқтирарди ҳам. Бу машқлар Билл учун ҳам фойдали бўлиб, ўзини доим бир формада ушлаб туриш унга ёқарди.

Кўпинча у эрталаблари вақтли милтиқни олиб, унга отишни ўргатаётган Холл билан овга кетарди. Холл ҳали кичкиналигидаёқ сочма ўқли милтиқ билан ўрмонларда изғиган бўлиб, унинг кузатувчанлиги ва табиатни яхши билиши Билл учун янгилик эди. Бу ерларда аҳоли кўп бўлиб, ўрмонларда йирик ёввойи ҳайвонлар бўлмасди. Бироқ Билл ҳеч бир кийинчи-

ликсиз Саксонни олмахонлар, беданалар, ёввойи-лашган куён ва ўрдаклар билан таъминлаб тураётганди. Улар тез орада ёввойи ўрдакни Калифорниячасига иссиқ печкада ўн олти дақиқада пиширишни ўрганиб олишди. Билл, ниҳоят, сочма ўқли милтиқ билан винтовкадан отишни ҳам ўрганиб олди ва ўйлаб қўйди: уларнинг бўлгусидаги ерлари атрофидаги ўрмонларда ёввойи қушлар ҳам бўлиши керак!

Бироқ Кармелда ҳамма нарса ҳам ўйин эмас эди. Саксон ва Билл билган компания жуда қаттиқ ишларди. Баъзилари доимо тинмай, эрталаблари ёки кечкурунлари ишлашарди. Бошқалар эса, масалан, баъзида бир ҳафтага хонасига камалиб олиб, кейин чарчаган ва озиб-тўзиб кетган ҳолда чиқиб келиб, кейинги ишгача тентаклардек ўйнаб-куладиган ирландиялик драматург каби, сурункасига ишлашар эди.

Оила бошлиғи бўлган оқишдан келган, ёшгина, юзи Шеллига ўхшаб кетадиган йигит пул топиш учун кулгили комедиялар, кўнгил учун эса антрепренёр ва нашриётчиларни кўркувга солувчи оқ шеърдаги трагедиялар ва сонетлар ёзар ва одамлардан деворларининг қалинлиги уч фут бўлган бетон хужрасида яшириниб оларди. Бу уй қувурлар билан шундай жиҳозланган эдики, уйнинг эгаси шундай крани бураса, бу ерга келиб жонга теккан одамнинг устига сув отиларди. Бироқ одатда ҳамма бир-бировининг иш соати билан ҳисоблашарди. Улар ўзлари бир-бириникига хоҳлаган пайтда киришар, бироқ уй эгаси ишлаб ўтирганини кўrsa, секин чиқиб кетишарди. Улар пул топиш учун ёзишга мажбур бўлмаган Марк Холлдан бошқа ҳаммага шундай муносабатда бўлишарди; у эса хотиржам ишлаш учун, меҳмонлардан қочиб, кўпинча дарахт тепасига чиқиб кетарди.

Бу компания ўз демократизми ва ораларидаги ўзаро бирдамлик билан ажралиб турарди. Компания аъзолари Кармелнинг бошқа соғлом фикрловчи аҳолиси билан кўпда мулоқатда бўлишмасди. Улар санъатдаги оқсуяклар ва адабиётчилар бўлишиб, компания аъзолари уларни “буржуйлар” деб атарди. Улар эса, ўз навбатида компанияни тузатиб бўлмас богема – беғам, бетартиб кун кечирувчи зиёлилар деб ҳисоблашарди. Бу нарса Билл билан Саксонга ҳам тегишли эди. Билл ўзиникиларни маҳкам ушлаб, нариги лагерда иш қидирмас эди. Унга таклиф қилишмасди ҳам.

Холлнинг эшиги доим очик эди. Йиғилганларга катта хона хизмат қиларди – у ерда катта камин, диванлар, китоб жавонлари ва усти китоб ва журналлар билан лиқ тўла столлар бор эди. Бу ерда Билл ва Саксонни ҳам компаниянинг бошқа аъзоларидан кам ҳурмат билан кутиб олишмас ва улар ҳам ўзларини худди ўз уйида каби бемалол тутишарди. Бу ерда дунёдаги деярли ҳамма нарса тўғрисида баҳслашиб бўлишгандан сўнг Билл компания аъзолари билан педро, бриж, бунк ва бошқа ўйинлар ўйнарди. Ҳамма ёш аёлларнинг суюқлисига айланиб ултурган Саксон улар билан ҳар хил нарсалар тикишар, уларга чиройли безакларни ўргатар ва ўз навбатида улардан янги безакларни ўрганарди.

Кармелда яшай бошлаганларига ҳали кўп бўлмай, Билл қимтинибгина Саксонга деди:

– Саксон, биласанми, сенинг анави майда-чуйда безакларинг ҳозир менга қанчалик етишмаётганини тасаввур ҳам қила олмайсан. Тезкор почта билан юборишни сўраб Томга хат ёзиб юборсанг нима қиларкин? Йўлга тушадиган бўлсак яна қайтариб юборамиз.

Саксон Томга ёзиб юборди ва шу кун кун бўйи хурсанд бўлиб юрди: демак, эри ҳали ҳам ўзининг суюклиси, унинг кўзларида яна иш ташлаш кунларида сўниб қолган учкунлар чакнай бошлади.

– Бу ерда чиройли аёллар кўп, бироқ сен энг яхшисисан, ёки мен аёлларни ҳеч фарқ қилмайман, – мулоҳаза қиларди Билл.

Бошқа сафар эса:

– Мен сени ўлгудек яхши кўраман. Бироқ нарсаларингни юборишмасан роса хафа бўламан.

Холл ва унинг хотинининг пулли отхонада турадиган иккита отлари бўлиб, Билл ўша отхонага интишарди. Отларнинг эгаси бутун атрофдаги аҳолига хизмат қилар ва Кармел билан Монтери орасида почта таширди ва яна тўққизта одам кетадиган коляска ва араваларини ижарага берарди. Экипаж учун албатта, кучер ҳам керак эди. Одатда кучерлар етишмас ва ана шу ҳолларда Биллни ёрдамга чақиришар эди: у захирадаги кучерга айланганди. У ишга чиққан кун кунига уч доллар оларди. Жуда кўп марта у саёҳлар гуруҳини Ўн еттинчи Мил йўли бўйлаб Кармел водийси ва соҳилбўйидаги турли диққатга сазовор жойларга олиб борди.

– Бу сайёҳлар бирам қийшанглаган одамларки! – дерди йигит Саксонга. – Мистер Робертс ундок, мистер Робертс бундок – қандайдир хитойча одатлар, эсингдан чиқмасин, бизлар сендан ҳимматлироқмиз эмиш. Гал шундаки, мен хизматкор бўлмасам-да, уларнинг тенги эмасмишман. Мен аравакашман – батрак билан ҳайдовчи ўртасидаги кимса. Уф! Агар овқатланадиган бўлишса, менга алоҳида солиб беришади ёки ўзлари тўйгандан сўнг беришади. Холл ва унинг дўстлари билан бўлгандек биргаликда овқатланиш йўқ. Бугун-

гилар эса менга нонушта бериш тўғрисида ўйлашгани ҳам йўқ. Илтимос, бундан буён ўзим билан нонушта бериб юборгин, мен бу ўзбилармонларга қарам бўлиб қолишни истамайман. Ўшалардан биттаси бугун менга чойчақа беришга уринганини кўрсанг, қотиб қолардинг. Мен ҳеч нарса демай, унга худди бўшлиққа қарагандай қараб турдим-да, бир дақиқадан кейин тескари ўтирилиб олдим. Нима қилишини билмай, шошиб қолди.

Нима бўлганда ҳам отлар билан бўлиш Биллга ёқаётган эди. Кўлида жиловни ушлаб, йўрғоқи отларни бошқариб кетиш унинг жони-дили эди; оёғини бақувват тормозга қўйиб, чуқур жарликлар ёқасида ёки аёлларнинг кўркиб қичқиришлари остида тор тоғ сўкмоқларида хавфли бурилишлар қилиш ёқарди. Отларни саралаш, уларнинг фазилатларини аниқлаш ёки касали ёки жароҳатини тузатиш борасида ҳатто отхонанинг эгаси ҳам Биллга тан берганди.

– Мен истаган пайтда бу ерда доимий иш топишим мумкин, – мақтанарди Билл хотинига. – Қишлоқда сал бўлса ҳам калласи ишлайдиган йигитлар учун иш тикилиб ётибди. Истаган нарсанг билан баҳс бойлашман: мен ойига олтмиш долларга доимий ишланга тайёрлигимни айтишим билан хўжайин менга ёпишиб олади. Унинг ўзи бир неча марта қармоқ ташлаб кўрди. Саксон, менга қара! Эринг янги хунар ўрганганидан хабаринг борми? Ҳа, ўргандим! Мен энди почтада ишласам ҳам бўлади, – Озера туманида почта араваларига олтига от қўшилар экан. Агар биз ўша ерларга бориб қолсак, мен бирорта кучер билан дўстлашиб олиб, олтига отли арава ҳайдашни ўрганиб оламан. Сен эса менинг ёнимда эгарда ўтириб кетасан. Зўр бўларди-да!

Холлнинг катта хонасида бўлиб ўтадиган баҳс-мунозаралар Биллни қизиқтирмасди. У бу машғулотларни “педро” ўйнаш, сузиш ёки кумда кураш тушиш учун сарфлаш мумкин бўлган қимматли вақтларни бекорга сарфлаш деб ҳисобларди. Саксон эса, аксинча бу тортишувларни маза қилиб эшитарди; тўғри у ҳамма нарсани ҳам тушунавермас, бироқ сезgirлиги туфайли вақти-вақти билан янги бир нарсаларни тушуниб қоларди.

Бироқ у ҳеч ҳам тушуна олмаётган бир нарса вақти-вақти билан бу одамларда бўлиб қоладиган руҳсизлик кайфияти эди. Ирландиялик драматург жиззаки бўлиб, вақти-вақти билан ваҳимага тушиб қоларди. Ўзининг бетондан қурилган уйида комедиялар ёзадиган “Шелли” ҳам ўта меланхолик экан. Ёш журналист йигит Сент-Жон эса ўзини анархист ва Ницшеннинг издоши деб ҳисобларди. Рассом Мэзон дунёда ҳамма нарса қайтарилишини таъкидлар ва шундан келиб чиқиб, ўта кўнгилсиз хулосалар қиларди. Одатда доим кувноқ юрадиган Холл эса дин тўғрисида гап бошлаганда уларнинг ҳаммасидан ўтиб тушарди. Бундай дақиқаларда санъатнинг бу вакиллари ўзларининг нохуш кайфиятлари билан Саксонни эзиб юборишарди. Бечора аёл дунёдаги ҳамма одамлар ичида нега энди айна улар ўзларини бахтсиз ҳисоблашларига ҳеч ҳам тушунмас эди.

Бир куни кечқурун Холл уларнинг суҳбатларига ҳайрон бўлиб кулоқ солиб ўтирган Биллга ўтирилди. Йигит бўлаётган гаплардан фақат битта нарсани: бу одамларга ҳаётдаги ҳамма нарса адолатсиз ва ёлгон туюлишини тушунаётган эди, холос.

– Менга қаранг, сиз – бутпараст, тепса-тебранмайдиган ҳўкиз, соғломлик ва ҳаётни севувчи кимса-

ларнинг аҳмоқона тимсоли! Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз? – Биллдан сўради Холл.

– Эй, менинг ҳам ўзимга яраша гамгин кунларим бўлган, – одатдагидек, шошилмай гап бошлади Билл. – Жуда кийин дамларни бошимдан кечирганман, бесамар иш ташлашларда қатнашганман, соатимни гаровга қўйганман, чўнтагимда бир чақа ҳам бўлмаган, оч қолардим, уйимизнинг ижара пулини ҳам тўлай олмаганман, штрейкбрехерларни калтаклаганман, мени ҳам калтаклашган, аҳмоқлик қилганим учун турмада ўтириб ҳам чиққанман. Бирок, агар сизни тўғри тушунган бўлсам, нега дунё бундай тузилган ва бунинг маъноси нималигини тушунмагани учун ўзини оситга тайёр одам бўлгандан кўра, сотиш учун бўрдоқига боқилаётган чўчка бўлган афзалроқ.

– Албатта-да, бўрдоқига боқилаётган чўчка – ажойиб! – кулиб юборди Холл. – На ажабланиш, на ортиқча уриниш – роҳат-фароғат билан ҳаёт ўртасидаги келишув. Ахир бу зўр-ку! Илиқ, сокин сувларда сузадиган медуза.

– Бирок сиз ҳаётда яхши нарсалар кўплигини эсдан чиқаряпсиз, – деди Билл.

– Айнан нималар, айтинг-чи?

Билл индамади. Ҳаёт унга қандайдир катта ва сахий туюларди. Бутун дунёни бағрига сингдира олмагани учун худди қўллари зил-замбил бўлиб кетаётганга ўхшарди. У аввалига тутилибгина, ҳозир нималарни аниқ ҳис қилаётганини гапира бошлади.

– Агар сиздан ҳеч кам жойи йўқ боксёр билан йигирма раунд курашиб, ғалаба қилганингиздан сўнг рингда турганингизда, мен нима демокчилигимни тушунган бўлар эдингиз. Жим Хэзард ва мен денгизда сувдан чиқиб баланд тўлқинлар қаршисида уларга

қараб кулганимизда ёки душдан чиққанларимизда бу нарсани ҳис қиламиз: артинасан, кийинасан, бутун теринг ва мушакларинг кучга тўла бошлайди, тананг ва руҳинг яйрайди...

Миясига келаётган фикрларни, – булар чиндан ҳам ўзи бошидан ўтказган ҳиссиётлар эди, сўз билан ифода қила олмай, Билл жим бўлиб қолди.

– Хуллас, бутун тананг кучга тўлиши – бу ажойиб-ку! – гапини тинглаётганларнинг эътиборидан ҳаяжонланган ва керакли сўзларни топа олмаётган Билл гапини тугатиб қўя қолди.

– Биз ҳам буларнинг ҳаммасини ҳис қилганмиз, – эътироз қилди Холл. – Бу одамнинг ўзини ўзи алдаши. Кейин эса ревматизим ва диабет бошланади. Винодан инсон кайф қилади, бироқ у жуда тезлик билан ...

– Сийдик кислотасига айланади, – унинг гапини тугатди тиниб-тинчимас ирланд драматурги.

– Йўқ, бундан ташқари яна ажойиб нарсалар жуда кўп, – гапида давом этди Билл. Энди унга сўзлар куйилиб кела бошлаганди. – Миссис Холл бизни меҳмон қиладиган юмшоқ филе ва ажойиб қаҳвадан тортиб то... – йигит аввалига тили тутулиб, дудукланиб қолди, кейин эса бирдан гапира кетди: – сизлар севадиган ва сизларни севадиган аёлларгача. Жуда бўлмаганда ана, Саксонга қаранглар, тиззасида укулелеси билан ўтирибди. Бу сизга илиқ сувдаги медуза ёки қассоб ҳозиргина сўйган чўчка эмас.

Аёллар Биллнинг гапларига қийқиришиб, қарсақ чалиб юборишди. Билл ўзини ноқулай сеза бошлади.

– Энди эса тасаввур қилинг: сиз кучдан қолдингиз ва занглаган арава каби ғичирлаб ётибсиз, – гапида давом этди Холл. – Ёки, бир дақиқага бўлса ҳам

Саксон сизни ташлаб, бошқа биров билан кетиб қолганини тасаввур қилинг. Унда нима бўлади?

Аёллар яна қарсақ чалиб юборишди, миссис Холл эса хитоб қилди:

– Саксонга қаранглар! У қизариб кетяпти!.. Бунга сиз нима дейсиз, Саксон?

– Дунёда мендан бахтлироқ аёл, мендан мағрурроқ қиролича йўқ, дейман, – овози бўлиниб-бўлиниб деди Саксон. – Ва яна...

У гапини тугатмай, укулелесининг торларини чертиб, кўшиқ бошлади:

У қоқилиб, йиқилсин-чун,

Оллоҳ уни гуноҳларга бошлайди...

– Сиз ютдингиз, – Биллга қараб илжайиб кўйди Холл.

– Очиғи, билмадим, – камтарлик билан жавоб қайтарди Билл. – Сизлар кўп ўкигансизлар ва мендан кўра кўпроқ биласизлар.

– Вой, сотқин! Гапини қайтариб оляпти! – хитоб қилишди аёллар.

Билл ўзини тутиб олиб, хотиржам кулгиси билан уларни тинчлантирди.

– Нима бўлганда ҳам, мен барибир бошимни китоблар билан қотиргандан кўра ўзлигимча қолишни афзал кўраман. Саксонга келадиган бўлсак, унинг битта бўсаси дунёдаги ҳамма кутубхоналардан юқорироқ туради.

ЎНИНЧИ БОБ

– У ерда хосилдор ерлар, тепаликлар ва водийлар, тоза ва тиниқ сув оқадиган ариқлар, одам юрадиган йўл ҳамда яқин жойда темир йўл ҳам бўлиши керак; қуёш нури бўлиши, айти пайтда эса тунлари устингни кўрпа билан ёпиб ётадиган даражада салқин бўлиши керак; фақат карағай эмас, бошқа турли дарахтлар ҳам, моллар ва Биллнинг отлари учун катта ўтлоқлар ҳам бўлиши керак; Билл ов қила олиши учун кийиклар ва қуёнлар ва кўп-кўп секвойялар бўлиши керак, ва... ва... у ерда туман бўлиши керак эмас, – Билл билан икковлари излашаётган жойни тасвирлаб берди Саксон.

Марк Холл қувноқлик билан куляб юборди.

– Ва ҳар бир дарахтда булбул бўлиши керак; – хитоб қилди у. – Сўлимайдиган ва тўкилмайдиган гуллар, чакмайдиган арилар, эрталаблари хушбўй шудринг, баъзида манна ёмғирлари, ёшлик булоғи ва донишмандлик тошининг кони бўлиши керак. Хў-ўш, мен ана шундай жойни биламан. Ҳозир сизларга кўрсатаман.

Холл штатларнинг хариталарини титкилар экан, Саксон уни кутиб турди. Қидираётган нарсасини топа олмай, Холл катта атласни олди, бироқ харитада дунёнинг ҳамма мамлакатлари бўлса-да, ўзига керакли жойни у ердан ҳам топа олмади.

– Ҳечкиси йўқ, – деди у, – бугун кечкурун меникига қиринглар, мен сизларга фермангизни кўрсатаман.

Кечкурун у Саксонни айвонига таклиф қилиб, телескоп олдига олиб борди ва унга тўлин ойни кўрсатди.

– Мана, тепада, ойнинг водийларидан бирида қидираётган жойингизни топасиз, – аёлнинг жигига тегди у.

Улар хонага қайтиб киришганда миссис Холл уларга савол назари билан қараб қўйди.

– Мен Саксонга ойдаги у яшашни истаётган водийни кўрсатдим, – кулди Холл.

– Биз йўлга чиққанимизда ҳар қандай масофани босиб ўтишга тайёр эдик, – деди Саксон. – Агар биз ойгача бўлган масофани босиб ўтишимизга тўғри келса, шунда ҳам орқага қайтмасак керак.

– Бироқ бундай жаннат жойни ердан топа олишингизга ҳар ҳолда умид қилмаётган бўлсангиз керак? – гапида давом этди Холл. – Сиз, масалан, туман бўлмаган жойда секвойяни учрата олмайсиз. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бундай дарахтлар фақат туманли зоналарда ўсади.

Саксон ўйланиб қолди.

– Нима ҳам қилардик, озгина туман бўлса ҳам майли, – хўрсиниб деди у, – фақат шу дарахтлар бўлса бўлди. Мен донишмандлик тошининг кони нима эканлигини билмайман, бироқ агар у мистер Хэфлернинг мрамарига ўхшаган нарса бўлса ва яқин атрофда темир йўл бўлса, бир амаллаймиз. Хушбўй шудринг учун ойга чиқишнинг ҳожати йўқ. Бундай шудринг Невададаги буталарда бўлади. Бу бор нарса, чунки отам бу ҳақда онамга айтган, онам эса менга айтиб берган.

Келажакдаги ферманинг муҳокамаси кечкурун яна давом этди. Холл ўзи “ўйинчилар жаннати” деб атайдиган Кўшма Штатларга қарши нутқ сўзлай кетди.

– Бу мамлакатнинг қандай катта имкониятлари бор эди, – деди у. – Океанлар билан ўралган янги ер, ажойиб иқлим шароитлари, ҳосилдор ерлар, бой фойдали қазилмалар – бутун ер юзида буларга тенги йўқ! Ва мана шу мамлакатнинг аҳолиси Эски Дунёнинг

хамма хурофотларини иткитиб ташлаб, демократия ўрнатишга тайёр одамлардир. Уларнинг бу мамлакатни яна ҳам буюкроқ қилишларига ҳалал берган нарса уларнинг очкўзликларидир.

Улар худди чўчқалар подаси каби кўрган нарсаларининг ҳаммасини еб битиришди; улар еб битиришаётганда эса, демократия ҳалок бўлди. Улар киморбоз ва очкўз эдилар. Агар бир имконият кўлдан кетса, ўша пайтлардаги фермер чегарадан ғарбга қараб бир неча мил юриб, янги жойга ўрнашиб олса бўлди эди. Улар мамлакат бўйлаб худди чигирткадек юришарди — бизон ва каптарларни тугатганлари каби ўз йўлларида учраган ҳамма нарса: ҳиндуларни, ўрмон ва ерларни яксон қилишарди. Уларнинг ахлоқий принциплари тижоратда ҳам; сиёсатда ҳам киморбознинг принциплари эди: ўйинда ютса бўлди! Ҳамма ўйнарди. Ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмасди, чунки ҳамманинг ўйнашга ҳақи бор эди. Айтиб ўтганимдек, ким ютказадиган бўлса, ғарбга қараб янги ерлар қидириб кетаверарди. Уларнинг Атлантика океанидан бошлаб Тинч океанигача, бутун китъани булгаб чиқмагунларича қилган ишлари фақат ейиш-ичиш ва ўйин-кулги қилиш бўлди. Ерлар, ўрмонлар ва фойдали қазилмаларни тугатганларидан кейин эса, энди ўзлари шошилганларида унутиб қолдирганларини тикиб ўйнаш учун орқага қайта бошладилар.

Кейин эса энг қизиғи бошланди. Ўйинда ютқизганларнинг энди тикадиган нарсалари қолмагач, ютганлар бир-бирлари билан ўйнай бошладилар. Қолганлар эса атрофда тўпланганча, кўлларини чўнтакларига тикиб олиб, ўйинни кузата бошлашди. Ҳеч иложи бўлмай қолганда эса улар кўлларига шляпаларини ушлаганча, ютганлардан жой сўраб ялина

бошладилар. Шундай қилиб, ютқизганлар ютганларга ишлай бошлашди ва шу кунгача ишлаб келишяпти, демократия эса архивга топшириб юборилган. Сиз, Билл Робертс, бирор марта ҳам ўйинда иштирок этишингизга тўғри келмаган, чунки, сизнинг бутун авлодингиз ўйиндан чиқиб кетиб бўлган.

– Сизлар билан-чи, қандай? – сўради Билл. – Мен негадир сизнинг ўйнаганингизни сезганим йўқ!

– Менга кераги ҳам йўқ эди. Мен ҳисобда эмасман. Мен паразитман-ку.

– Бу нима дегани?

– Бит, кана – бошқаларнинг ҳисобига яшайдиган ҳамма жонзотлар – паразитдир. Мен ишчиларнинг кўчган терисига ёпишиб олганман. Менинг ўйнашимнинг ҳожати йўқ. Отам ўз вақтида ютиб олганларидан менга етарли даражада қолдирган. Э-э!.. Аччиғингиз чиқмай кўя қолсин, оғайни! Сизнинг қондошларингиз меникидан ортиқроқ эмас! Фақат сизникилар ютқизишган, меникилар эса ютган ва шу сабаб мана энди сиз менинг картошка даламга қараяпсиз.

– Тушунмаяпман, – ўжарлик қилиб туриб олди Билл. – Агар одамнинг ақли етарли бўлса, у бугун ҳам ютиши мумкин...

– Давлатнинг еридами? – сўради Холл.

Билл жим бўлиб қолди – Холл айтган гап нишонга теккан эди.

– Барибир, ютиш мумкин, – у гапида туриб олди.

– Албатта, ҳар доим ҳам бировнинг ишини бемалол тортиб олиш мумкин. Сизга ўхшаган ёш йигит, бунинг устига ақлли, доим ва ҳамма ерда иш топа олиши мумкин. Бироқ сиз билан беллаша олмайдиганларни олсак-чи? Йўлда юрганингизда Кармел отхоналарида иш топа оладиган ва тўрт отли араваларни ҳайдай

оладиган дайдиларни кўп учратдингизми? Улар орасида, балки, ёш пайтларида сиздан яхшироқ бўлганлари ҳам учраган бўлса керак. Бу ерда хурсанд бўладиган нима бор? Ахир биз паст кетмадикми? Бир пайтлар бизнинг умидимиз бутун қитъа эди, энди эса – арзимаган иш.

– Барибир... – яна бошлади Билл.

– Бу сизнинг қонингизда бор, – беписандлик билан йигитнинг гапини бўлди Холл. – Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас! Бу мамлакатда бир неча авлод ўйнаган. Сиз туғилганингизда ҳавода юқумли касаллик бор эди, сиз ҳам бир умр ўша ҳаводан нафас олгансиз. Сиз ўзингиз бу ўйинда битта бўлса ҳам фишка билан ишгирок этмагансиз, бироқ уни улуғлаб, томоғингиз йиртилгунча бор овозингиз билан бақиришга ва унинг учун тоғдек туриб беришга тайёрсиз.

– Хўш, унда биз, ютқизганлар нима қилишимиз керак? – сўради Саксон.

– Полицияни чақириб, ўйинни тўхтатинг, – жавоб берди Холл. – Бу адолатсиз ўйин.

Саксон қовоғини уйди.

– Сиз ота-боболарингиз қила олмаган ишни қилинг, – тушунтирди Холл. – Қўрқмай ҳаракат қилиб, ҳақиқий демократияга эришинг.

Саксон Мерседеснинг сўзларини эслади.

– Менинг бир танишим, демократия турган-битгани бошоғрик, деб айтганди.

– Ҳа, қиморхонадаги тумор. Сиз мактабларимизда югурдак боланинг пайти келиб президент бўлгани тўғрисидаги эртаққа ишонадиган миллионлаб болаларни топишингиз мумкин; миллионлаб аҳоли эса мамлакатни бошқаришда уларнинг овозлари ҳам ниманидир ҳал қилади, деб бемалол ухлашади.

– Сиз худди менинг акам Томга ўхшаб гапиряписиз, – деди йигитнинг гапларига жуда ҳам тушунмаётган Саксон. – Агар биз ҳаммамиз сиёсат билан шуғулланиб, яхши келажак учун курашишни бошлар эканмиз, у ҳолда биз унга балки, минг йиллардан кейин эришармиз. Мен эса ҳозир бахтли бўлишни истайман... – Қиз ҳаяжонланиб, қўлларини қисди. – Мен кута олмайман! Мен ҳозироқ бахтли бўлишни истайман!

– Азизам, мен айнан ана шуни кўзда тутгандим. Ҳамма ютқизганларнинг айби ана шунда: улар кута олишмайди! Уларга ўйин столи олдидан жойни ҳам, бир тўп фишкани ҳам ҳозироқ бериш керак. Буни эса улар ҳозир олиша олмайди. Сиз билан ҳам шундай, – сизларга ойдаги водийни бер. Билл билан ҳам худди шундай – у ҳозирнинг ўзидаёқ мен билан педро ўйнаб, ўн цент ютиб олмоқчи. У балки ҳозир ичида иккала-мизнинг баҳсимиз тугамаётганига сўкиниб ўтирган ҳамдир.

– Зўр! Сиздан митингларда гапирадиган яхши нотик чиққан бўларди.

– Агар отам топган ифлос пулларни сарфлашим керак бўлмаганда, мен чиндан ҳам митингларда нутк сўзлаган бўлар эдим. Бунинг менга тегишли жойи йўқ. Ютқизганлар чириб кетаверсин. Агар улар ҳозир давлат тепасида бўлишса, бундан яхшироқ бўлишмасди. Ҳаммалари ҳам бир гўр – оч қолган чўчқалар, йиртқич калхатлар...

Бироқ шу пайт гапга миссис Холл аралашди:

– Марк, етар, кейин яна диққат бўлиб ўтирасан.

Холл сочини орқага силкиди-да, хунук кулиб қўйди.

– Йўқ, диққат бўлмайман. Яхшиси Билл билан педро ўйнаб, ўн центини ютиб оламан. У эс-хушини йиғиб олгунча, ютиб оламан.

Саксон ва Билл Кармелдаги илиқ атмосферада худди қайта туғилгандек бўлишди. Улар ўз кўзларининг олдида анча ўсишганди. Саксон ўзи энди бир пайтлардаги дазмол босувчи ва аравакашнинг хотинигина эмаслигини ҳис қилиб турарди, у энди Пайн-стритда яшаган бир пайтлардаги қисиниб-қимтиниб юрувчи аёл эмаслигини ҳам тушуниб турарди. Энди эр-хотин иккалаларининг ҳаётлари турли таассуротлар билан бойинган эди. Улар энди ҳам жисмонан, ҳам маънан ва моддий жиҳатдан ҳам анча енгил тортган эдилар; бу нарса уларнинг юз-кўзларида ҳам, ўзларини тутишларида ҳам акс этиб турарди. Саксон ўз-ўзига Билл ҳеч қачон ҳозиргичалик келишган, соғлом ва бакуват бўлмаган деса, Билл ўзига ўзи ҳозир унинг ҳарами бор ва Саксон унинг биринчи хотинидан ҳам чиройлироқ бўлган иккинчи хотинидир, деб оғтичарди. Саксон уялибгина эрига у миссис Холл ва бошқа аёллар билан Кармел дарёсида чўмилганида, улар қизнинг тана тузилишидан ҳайратга тушганларини гапириб берди. Улар қизни ўраб олишган, уни Венера билан таққослашган, қизни антик даврдаги аёлларнинг ҳолатларида ўтириб, туриб беришга мажбур қилишганди.

Венера тўғрисидаги гапни Билл дарров тушунди — у Холлнинг хонасида бу маъбуданинг ҳайкалини кўрган ва шоир унга дунё бу маъбудани аёл гўзаллигининг тимсоли деб ҳисоблаб, унга таъзим қилишини гапириб берган эди.

— Мен доим Анетте Келлерманнинг сенга етишига анча бор, деб таъкидлардим-а! — деди Билл. Бу гапларни у гурур билан айтар экан, Саксон қизариб кетиб, юзини эрининг кўкрагига яшириб олди.

Гуруҳларидаги эркакларнинг бари қиздан очиқчасига хайратда эдилар. Бироқ бундан унинг боши айланиб қолмаган ва одатда бундай пайтда аёллар қилиб қўядиган хатони қилмаётган эди. Бу ўз-ўзидан тушунарли эди: у кундан-кунга ўз эрини тобора кучлироқ яхши кўриб қолаётган эди. У эрига ортиқча баҳо бермас, Билнинг қандайлигини яхши билар ва уни борича яхши кўрарди. У назокатли эмас, мана бу бошқа эркакларга ўхшаб жуда ўқимишли ҳам эмас; у чиройли гапирмайди ва бир кун келиб бундай бўлмаса ҳам керак. Шундай бўлса-да, Саксон эрини бу эркакларнинг бирортасига, ҳатто мана шу хотинини ҳам, ўзини ҳам жуда яхши кўрадиган, самимий ва пок инсон бўлган Марк Холлга ҳам алмашмаган бўларди.

У Билда ўзи учун ҳар хил китоблардаги донишмандликлар ва ҳар қандай чек дафтарчалардан ҳам кадрлироқ бўлган – табиатининг соғломлигини, қатъиятини кўрарди. Айни ана шу табиатининг соғломлиги, тўғрисўзлиги сабаб ўша куни яна кайфияти нохуш бўлиб турган Холл билан бўлган баҳсда ғолиб бўлган эди. У ўзининг ўқимишли бўлгани учун эмас, балки ўз фикрида собит тургани ва ўзининг ҳақиқатини айтгани учун ҳам зўр чиққан эди. Ҳаммадан ҳам ғаройиб чиққани, у ўзининг ғалабасини ҳатто сезмай, чалинган қарсақларни ўзининг устидан кулиб кўйиш, деб ҳисоблаганди... Бироқ Саксон, сабаби нима эканлигини тушунтириб бера олмаса-да, унинг ғолиб бўлганини тушунган эди. Ва у ҳеч қачон “Шелли”нинг хотини кўзлари чакнаганча унинг қулоғига “Саксон, сиз қандай бахтлисиз-а!” деганини ҳам унутмайди.

Агар Саксон нима учун Билл унга шунчалик кадрли эканлигини тушунтириб беришига тўғри келса, у

оддийгина килиб “чунки у хакикий эркак” деган бўларди. Ва чиндан ҳам йигит қизнинг кўзи олдида доим шундай эди. Билл унинг учун хакикий эркак тимсоли эди ва баъзи пайтларда у Биллнинг баъзи ҳаддидан ошган йигитчаларга қараб: “Нега турибсан? Кетавер, мен сени ушлаб турганим йўқ!” деганлари эсига тушиб, бахтидан энтикиб кетгудек бўларди. Билл ана шундай йигит эди. Саксоннинг суюкли Биллиси! Ва у Саксонни севади. Қиз буни яхши биларди. У буни йигитнинг юрак уришидан сезарди, бу нарсани эса фақат аёл кишигина эшита олиши мумкин! Тўғри, Биллнинг севгиси илгаригидек жўшқин эмасди, бирок унинг севгиси энди чуқурроқ ва онгли равишда эди.

Бу севги мустаҳкам, мабодо улар яна инсоннинг ҳамма яхши сифатлари инқирозга юз тутадиган, унинг ичидаги шайтон ташқарига чиқадиган шаҳарга қайтиб кетишмаса, у ҳар қандай синовларга бардош бера олади.

Эрта баҳорда Марк Холл ва хотини иккала япон хизматкорларини қўйиб юборишиб, ўзлари Нью-Йоркка жўнаб кетишди. Уйга қараш эса Саксон ва Биллнинг зиммасига қолди. Жим Хэзард ҳам Парижга жўнаб кетди – у Парижга ҳар йили борарди. У Биллга жуда ҳам етишмаётган бўлса-да, йигит ёлғиз бир ўзи ҳам баланд тўлқинларда сузишни давом эттирди. Холлнинг иккита йўрға оти ҳам қараб туриш учун Биллга қолдирилган эди. Саксон ранги ўзининг сочларининг рангига жуда мос келадиган олгиндек товланувчи жигарранг чийдухобадан от миниш учун махсус костюм тиктирди. Бу пайтга келиб Билл кунбай ишламай қўйган эди. У энди аравакаш бўлиб ишлаётган бўлиб, топган маоши кундалик яшашларига етиб, ортиб ҳам қолаётган эди. У бўш вақтларида

Саксонга от минишни ўргатиб, кун бўйи у билан Кармел атрофларида отда сайр қилишарди. Улар ҳаммадан ҳам Монтери соҳилларида сайр қилишни яхши кўришарди. Билл Саксонни сувда сузишга ҳам шу Дель-Монте ҳавзасида ўргатган эди. Улар кечкурунлари уйга тепаликлар оша қайтишарди. Саксон ҳам Билл билан эрталаблари овга борар ва ҳаёт уларга ҳеч тугамайдиган байрам каби туюлаётган эди.

– Биласанми, Саксон, – деди Билл, бир куни баланд тепаликдан туриб Кармел водийсини томоша қилаётганларида, – мен энди муқим бир одамга ишлашга ўла қолса ҳам рози бўлмайман.

– Ҳа, иш бу ҳамма нарса эмас экан.

– Албатта. Тасаввур қилгин-а: кунига миллион доллар оласан-да, бироқ бир умр ҳеч қаёққа бормай, ҳеч нарсани кўрмай куннинг тўртдан бир қисмини ўша ерда ўтказасан. Бир оз дам олиш учун эса кинога борасан! Кино! Буни қарагин-а! Ахир бизнинг ҳаётимизнинг ўзи кино-ку! Мен Пайн-стритдаги уйимизда миллион йил яшагандан кўра шу ерда, Кармелда яшаётганимиздек бир йил яшаб, кейин ўлишни афзал кўрадим.

Ёз келиши билан Саксон Билл икковлари ойдин водийни излаб йўлга тушишмоқчи эканликлари ҳақида уй эгаларига ёзиб юборди. Уларнинг бахтига, бу хат Холл оиласининг режасини бузиб юбормади, чунки Бидо руҳоний бўлиш орзусидан воз кечиб, энди актёр бўлишга қарор қилган экан. У католиклар коллежидан Кармелга қайтиб келиб, Холлнинг уйига қараб турадиган бўлди.

Саксон атрофидаги дўстлари уларни ҳеч қўйиб юборгилари келмаётганидан жуда мамнун бўлди. Кармелдаги отхона эгаси Билл уникида доимий

нишланга рози бўлиши учун ойига тўқсон доллар маош ваъда қилди. Денгиз бўйидаги кўшни шаҳарчадан ҳам худди шундай таклиф тушди.

– Ие, яна йўлга отландингизми? – Монтери станциясида ёшлар ирландиялик драматургни учратиб қолишди: у Нью-Йоркдан қайтиб келаётган эди.

– Бўлмаса-чи! Ойдин водийни топгани кетаяпмиз! – кувноқлик билан жавоб берди Саксон.

Драматург уларнинг йўл халталарига қараб қолди.

– Жин урсин! – дея хитоб қилди у. – Мен ҳам боргим кетаяпти! Жин урсин! Мени ҳам олиб кетсанглар-чи! – Унинг юзи тундлашди. – Мен ахир шартномага имзо чекканман-ку, – инграб юборгудек бўлди у. – Бугун бир уч актга!.. Сизлар қандай бахтлисизлар... Яна йилнинг шундай фаслида...

ЎН БИРИНЧИ БОБ

– Ўтган кишда Монтерига келганимизда худди дайдиларга ўхшардик, энди эса қандай аҳволда қайтиб кетаяпмиз, – деди Билл, поезд ўрнидан кўзғалиб, жойларига ўтиришгандан сўнг.

Улар орқага аввалги йўл билан қайтишни истамай; Сан-Францискога олиб борадиган поездга ўтиришди. Марк Холл жанубнинг иқлими уларга ёқмаслигини айтгани учун улар шимолга, кечалари салкин бўладиган томонларга боришга қарор қилишган эди. Улар Сан-Франциско бухтаси орқали Сосалитога бориб, соҳил бўйларини кўриб чикмоқчи бўлишди. Холл уларни ишонтирганига кўра, ўша ерлар секвойянинг ватани эмиш. Бироқ Билл сигаретини олиб, чекувчилар учун махсус вагонга чикқанида уларнинг бугун режаларини ўзгартириб юборган одам билан ёнма-ён

бериб, у тўрт минг доллар соф фойда олди. Бир йилдан сўнг эса – беш минг доллар фойда. Ўтган йили эса унинг фойдаси ўн тўққиз мингни ташкил қилди. Қари, кучдан қолган Чжоу Лан учун ёмон эмас-а?

– Наҳотки? – деб юборди Саксон ўзини тута олмай.

Аёлнинг катта қизиқиш билан тинглаётганини кўриб, комиссионер гапида давом этди:

– Ёки бўлмаса стоктонлик картошка қироли Син Цзини олиб кўринг. Мен уни жуда яхши биламан, чунки ҳеч ким билан шунчалик кўп ишлар қилиб, шунчалик кам топмаганман. У аввалига оддий ишчи бўлиб, Қўшма Штатларга йигирма йиллар бурун контрабанда йўли билан келиб қолган эди. У аввалига кунбай ишчи бўлиб ишлади, кейин саватда кўкатлар тарқатиб юрди, кейин эса Сан-Францискодаги хитой кварталида дўконча очди. Бироқ унинг калласи яхши ишларди: у тез орада дўконига келиб юрадиган хитойлик фермерлардан дехқончилик илмини ўзлаштириб олди. Дўкон унга тезда бойиб кетиш имконини бера олмасди. Шунда у Сан-Хоакин бўйлаб юқорига қараб жўнади. Икки йил ҳеч нарса қилмай, ҳамма ёқни кузатиб юрди. Кейин эса бирдан иш бошлаб, бир акри етти доллардан йигирма минг акр ерни ижарага олди!..

– Эҳе! – ҳайратдан қотиб қолди Билл. – Биргина ижара учун саккиз минг тўрт юз доллар тўлаш! Мен бир акри уч доллардан беш юз акр ер олиш мумкин бўлган жойни биламан.

– У ерда картошка ўсадими? – сўради Ганстон.

Билл бошини чайқатди.

– У ерда ҳеч нарса ўса олмайди.

Учовлари кулиб юборишди. Комиссионер гапида давом этди.

– Етти доллар – бу фақат ижара пули. Бир минг икки юз акр ерни ҳайдаб чиқиш неча пул туришини биласизми?

Билл ақллилик билан бошини қимирлатиб кўйди.

– Ўша йили у ҳар бир акр ердан бир юз олтмиш копдан картошка олди, – гапида давом этди Ганстон. – Картошканинг нархи қопига эллик цент эди. Ўша пайтда менинг отам концернимизнинг бошида эди, шунинг учун мен буларни жуда яхши биламан. Син Цзи ўз картошкасининг қопини эллик центдан сотиб, роса бойиб кетиши мумкин эди. У эса нима қилди? Ким-ким-у, лекин хитойликлар доим бозор шартларини яхши билишади, улар хоҳлаган комиссионерини биттада ютишлари мумкин. Син Цзи ўз картошкасини сотмай ушлаб турди. Ҳамма ўзининг картошка захирасини сотиб бўлгандан сўнг, унинг нархи оша борди. Савдогарлар унга қопига олтмиш, етмиш, ниҳоят бир доллардан таклиф қила бошлаганида Син Цзи уларнинг юзига қараб очикчасига кулди. У кейин картошкасининг қопини неча пулдан сотганини биласизми? Бир доллар олтмиш беш центдан! Бир коп картошка унга қирқ центдан тушган, деб олайлик. Бир юз олтмиш қопи бир минг икки юз... Шошманг, шошманг... ўн икки марта ноль-ноль, ўн икки карра ўн олти бўлади бир юз тўқсон икки... Бир юз тўқсон икки минг коп бир доллар-у чорак... бир юз тўқсон иккени тўртга кўпайтирсак, бўлади қирқ саккиз плюс бир юз тўқсон икки, ҳаммаси бўлиб икки юз қирқ... Ҳа, бир йилда икки юз қирқ минг доллар соф фойда!

– Мана сизга хитойлик! – хафа бўлиб деди Билл, Саксонга мурожаат қилиб. – Йўқ, биз оқ танлиларга қандайдир бошқа бир мамлакат керак! Худойим! Ахир улар бизни бемалол ўз уйимиздан ҳайдаб чиқаришди!

– Албатта, ҳар доим ҳам бундай фойда олавер-
ришмайди, – шоша-пиша тушунтиришга ўтди Ганстон.
– Гап шундаки, ўша йили бошқа районларда картошка
яхши бўлмай, савдогарлар ҳаммасини сотиб олишган.
Син Цзи бу ҳақда қандайдир йўллар билан эшитган ва
ана шу можарода қатнашган. Кейинчалик у бошқа
бунчалик фойда қилмади. Бироқ ишини кенгайтирди.
Ўтган йили тўрт минг акр ерга картошка, минг акрга
сарсабил, сельдерейни эса беш юз акрга ва яна беш юз
акрга дон экинларини эккан эди. Олти юз акрни эса
уруғлик учун ажратиб қўйди. Шулардан бирорта
маҳсулоти ҳосил бермаганда ҳам у кўп йўқотмасди.

– Мен ўн икки минг акрга олма экилганини кўрган
эдим, – деди Саксон. – Энди эса тўрт минг акр ерга
экилган картошкани кўргим келяпти.

– Нима бўлибди, кўрамиз ҳам, – деб қўйди Билл. –
Сан-Хоакинга борайлик. Ахир биз юртимизни умуман
билмаймиз. Ўзимизни ўтай боладек хис қилишимиз
бежиз эмас.

– Сизлар у ерда жуда кўп қиролларни учратасиз, –
гапида давом этди Ганстон. – Я Хун-ли – лақаби “Узун
Жим”, А-пок ва А-ван ва ниҳоят, Сима – япон
картошка қироли. Унинг бир неча миллиони бор. Зўр
яшайди.

– Нима учун америкаликлар шу нарсаларга эриша
олмайдилар? – сўради Саксон.

– Афтидан, исташмайди, шекилли... Бунга ўзлари-
дан бошқа биров халал бермайди. Мен сизларга битта
гапни айтиб қўяй: мен хитойликлар билан иш қилишни
яхши кўраман. Хитойлар ростгўй бўлишади, унинг
айтган сўзи векселга имзо қўйган каби – айтган сўзида
туради. Бундан ташқари – оқ танлилар ерга хўжайин-
чилик қилишни билишмайди. Энг илғор оқ танли ер

эгаси йилига бир марта ҳосил олиш ва одатдаги экиш усули билан кифояланади. Хитойлик эса бир парча ердан бир вақтнинг ўзида икки хил ҳосил олади. Мен ўзим бир эгатта бир вақтнинг ўзида икки хил нарсани: редиска ва сабзи экилганини кўрганман.

– Бироқ бу бемаънилик-ку, уларнинг ҳар биридан ярим ҳосил олинади, холос, – деди Билл.

– Йўқ, шундай эмас экан, – кулди Ганстон. – Сабзини суғурадиган пайти келади, редискани ҳам. Бироқ сабзи секин ўсади, редиска эса тез. Редиска тайёр бўлиб, уни суғуришганда, кечроқ етиладиган сабзи ораси сийраклашади. Ҳа, биз хитойликларга етишимизга ҳали анча бор!

– Нима учун оқ танлилар хитой қиладиган ишни қила олмаслигини тушунмаяпман, – деди Билл.

– Сиз бутунлай ҳақсиз, – жавоб берди Ганстон. – Оқ танли бу ишни қилмаслиги ҳақиқат. Хитойлик дам олмасдан ишлайди ва ерни ҳам ишлашга мажбур қилади. У ҳамма нарсани ҳисобга олади, унда система бор. Сиз оқ танлилар дафтар юритгани тўғрисида эшитганмисиз? Хитойлик эса дафтар юритади. У ҳеч қачон бирор нарсани таваккал қилмайди, у доим у ёки бу сабзавотнинг нархи қанчалигини аниқ билади. Бозорни ҳам яхши билади. У ҳамма томонини ҳисобга олади. Қанақа қилиб шундай қила олади – мен тушунишга қодир эмасман, бироқ улар бозорни биз, комиссиянерлардан яхши тушунади. Бундан ташқари, у ўжар эмас, бироқ жуда сабрли. Масалан, у хато қилиб қўяди, яъни, бирор сабзавотни экиб бўлгач, бу маҳсулотни бозорда яхши кетмаслигини билиб қолди. Шундай ҳолларда оқ танли хатосини тан олмай, ўжарлик қилиб туриб олади, хитой эса – тан олади. У бозорни камайтиришга ҳаракат қилади. Ер ишлаши ва

пул келтириши керак. Хитойлик хатосини тушуниши билан, ҳеч қандай иккиланишсиз, плугини олиб, ерни қайтадан ҳайдаб чиқади ва бошқа нарса экади. Хитойликнинг зеҳни бор. У эндигина униб чиққан экинга қараб, у яхши ўсиб кетадими ёки йўқми, ҳосил қандай – кўпми, ўртачами ёки камми – дарров айтиб бера олади. Бу – биринчидан. Иккинчидан – у экиннинг ўсишини йўналтириб туради, яъни бозорнинг талабига кўра секинлаштиради ёки тезлаштиради. Керак пайтда эса, ҳосил тайёр ва уни дарров бозорга ташлайди.

Ёшлар Ганстон билан бир неча соат суҳбатлашишди. У ёшларга хитойликлар ва уларнинг хўжаликни юритишлари ҳақида қанча кўп гапиргани сари, Саксоннинг юраги ғаш бўла бораётганди. У комиссиянер келтираётган рақамларга шубҳа қилмаётганди, бироқ бу рақамлар уни қизиқтирмаётган ҳам эди. Бу нарсалар қизнинг ойдин водий ҳақидаги тасавури билан мос келмаётган эди. Уларнинг гапга чечан йўлдошлари поезддан тушиб қолгандан сўнггина Билл хотинини қийнаётган фикрларни тилига чиқазди.

– Хўш! Ахир, биз сен билан хитойлик эмасмиз! Биз оқтанлимиз. Қайси хитойлик завқланиш учун отини елдиради? Сен хитойликнинг Кармелда тўлқинлар орасида сузганини кўрганмисан? Ёки спортни севгани сабаб бокс билан, кураш, югуриш ёки сакраш билан шуғулланганини эшитганмисан? Сен хитойликнинг милтиғини олиб олти мил юргани ва ориққина куённигина отиб уйига хурсанд келганини кўрганмисан? Хитойлик нима қилади? Хушидан кетгунча ишлайди. Бошқа нарсани билишни истамайди. Агар фақат ишлаш учунгина яшаладиган бўлса, жин урсин бундай ишни! Мен ҳаётим давомида етарли ишлаб

қўйдим ва улардан ёмонроқ ҳам ишламайман. Бирок бундан нима фойда? Саксон, иккаламиз йўлга чиққанимиздан бери мен бир нарсани тушундим: иш – бу ҳаётда ҳамма нарса дегани эмас! Жин урсин! Агар ҳамма нарса фақат ишдан иборат бўлса, у ҳолда яшашнинг ҳам ҳожати йўқ, алвидо деган яхшироқ! Мен эса милтиғим, яхши минадиган отим бўлишини истайман. Мен яна хотинимни эркалатишга ҳам кучим қолмайдиган даражада ишлашни хохламайман. У ҳолда бой бўлишнинг – картошканинг ўзидан икки юз қирқ минг доллар топишнинг нима кераги бор?.. Рокфеллери кўр! Фақат сут мумкин экан. Мен эса бифштекс ейшни хоҳлайман, опқозоним этикнинг пошнасини ҳам ҳазм қилиб юбора оладиган бўлишни хоҳлайман! Менга сен ҳам кераксан, сен билан хурсандчилик қилишни хоҳлайман. Агар ҳаётингда хурсандчилик бўлмаса, бундай ҳаётнинг нима кераги бор?

– Билл! – хитоб қилди Саксон. – Мен худди шу нарсаларни ҳис қилаётгандим, бироқ сўз билан ифода қила олмаётган эдим. Мени айти шу нарса қийнаётган эди. Эндигина, афтидан, мен қишлоқда яшай олмас эканман шекилли, деб ўйлай бошлаган эдим. Мен Сан-Леандродаги португалияликларга ҳеч ҳам ҳавас қилмагандим, Пахар водийсидаги одамларнинг ҳам ўрнида бўлиб қолишни истамайман. Ҳатто миссис Мортимернинг ўрнида бўлиб қолишни ҳам хохламайман. Сен ҳам уларга ҳавас қилмагансан. Биз иккаламизга оидин водий керак – иш кўп бўлмасин ва хоҳлаганча хурсандчилик қилиш мумкин бўлсин. Биз бу водийни топмагунча тинчимаймиз. Агар топа олмасак ҳам, бари бир Окленддан кетганимиздан бери қизиқарли яшаётганимиздек яшашда давом этаверамиз. Билл... биз ҳеч қачон ҳушдан кетгунча ишламаймиз-а?

– Ҳеч қачон, – ваъда берди Билл.

Улар елкаларида юклари билан Блэк Даймонд қишлоғига кириб келишди. Бу ҳар ер-ҳар ерда жойлашган кулбалардан иборат кичкинагина қишлоқ бўлиб, қишлоқнинг асосий кўчаси яқинда ёғиб ўтган баҳор ёмғиридан сўнг юриб бўлмайдиган даражада лой эди. Йўлқалар ҳам баланд-паст зиналар кўплигидан худди букрига ўхшаб кўринарди. Бу ерда ҳеч нарса Американи эслатмасди. Қоп-қорайиб турган искиртгина дўкончаларнинг эшиги тепасидаги лавҳалардаги фамилиялар америкаликлар талаффуз қилишга ҳам қийналадиган чет тилида эди. Қишлоқдаги ягона меҳмонхона хўжайини грек эди. Ҳамма ёқда греклар – оёқларида кўнжи баланд этик, бошларига берет кийиб олган қорачадан келган эркаклар, ола-була кийимдаги аёллар, бақувват, соғлом болаларни кўриш мумкин эди. Улар ҳаммаси Билл ва Саксон учун нотаниш бўлган, Ўрта Ер денгизи соҳилларидаги аҳолига хос бўлган жонли ва ифодали тилда гаплашишарди.

– Ҳм-м! Бу ерда Кўшма Штатлар қани? – хайрон бўлиб деди Билл.

Қирғоқда балиқ ва сабзавот консерва заводлари жойлашган бўлиб, у ерда иш қайнарди. Саёҳларимизнинг у ерда америкаликларни кўриш умидлари пучга чиқди. Билл фақат ҳисобчилар ва мастерларгина америкаликлар; қолганлар эса греклар, италянлар ва хитойликлар экан, деган хулосага келди.

Улар кемалар тўхтайдиган жойга келиб, ёрқин рангларга бўялган грекларнинг қайиқлари ялтираб турган лосось балиқларини қайиққа жойлаб, қирғоқдан секин узоқлашаётганини кўришди. Кемалар тўхташ жойи жойлашган бу сербалчиқ дарёнинг номи Нью-Йорк канали бўлиб, ғарб ва шимолга қараб қайрилар,

кейин эса иккита кўшилиб кетган дарё – Сакраменто ва Сан-Хоакин оқимига кўшиларди.

Кемалар тўхташ жойидан нарида балиқ тутадиган жойлар тутшиб кетган бўлиб, улардан ҳам нарида балиқ тутадиган тўрларни қуритадиган кўприклар бор эди. Саксон ва Билл ана шу ерда – нотаниш кишлокнинг шовқинидан узоқроқда юкларини ерга қўйиб, дам олиш учун ўтиришди. Атрофда шундай сувдан шилдираган баланд қамишлар ўсиб ётарди. Қишлоқ рўпарасида теп-текис орол бор бўлиб, осмон фонида қатор тераклар қад кўтариб турарди.

– Худди Марк Холлнинг хонаси деворида осифлик турган шамол тегирмони акс этган расмга ўхшайди, – деб қўйди Саксон.

Билл узоқда кўриниб турган уйларга қараб қўлини чўзди.

– Ана у уйлар жойлашган ерлар Коллинсвилл, – деди йигит. – Сакраменто Коллинсвилл ёнидан оқиб ўтади, у ердан Рио-Вист, Айлтон ва Уолнот-Гровгача, умуман, мистер Ганстон бизга гапириб берган жойларгача чиқиш мумкин. Сакраменто Сан-Хоакиндан бир қатор оролчалар ва тор шохобчалар билан ажралиб туради.

– Куёшда ўтириш маза, – эснади Саксон. – Анави ғалати чет элликлар ёнгинамизда бўлишса ҳам, бу ерлар жуда сокин жойлар экан. Буни қаранг-а! Ҳозир шаҳарда одамлар иш деб бир-бирларини уриб, ўлдириб ётишибди...

Вақти-вақти билан узоқдан пассажир поёзди ўтиб қолар ва унинг тарақ-туруғи энг чўққисигача қалин ўрмон қоплаган Шайтон тоғидан акс садо бўлиб қайтарди. Яна атрофга жимлик чўкиб, бу жимликни туриб-туриб узоқдан эшитилиб қолаётган бегона

тилдаги товушлар ёки дарёдаги балиқчи катерларнинг мотор овозларигина бузарди, холос.

Улардан юз қадамча нарида, шундай камишлар олдида ясатилган оқ яхта лангар ташлаб турарди. Ташқаридан кичкинагина кўринишига қарамай, у кулай ва етарлича одам кетадиганга ўхшарди. Печкасининг қувуридан тутун чиқиб турарди. Яхтанинг тумшук томонига олтин ҳарфлар билан яхтанинг номи – “Дарбадар” деб ёзиб қўйилган эди. Рубкада эса, куёш нурида исиниб, пуштиранг шарф ўраб олган аёл билан эркак ўтиришарди. Эркак овозини чиқариб нималарнидир ўқир, аёл эса тикиш билан машғул эди. Уларнинг ёнгиналарида фокстерьер зотли итлари ҳам чўзилиб ётарди.

– Ҳа, бахтга эришиш учун улар шаҳарда дарбадар юришга мажбур эмаслар, – деб қўйди Билл.

Каютадан палубага япон эркак чиқиб келиб, кема тумшугига ўтириб, қўлидаги товукнинг патларини юла бошлади.

– Билл, анавини қара! Балиқ тутяпти! Қармоқнинг ипини оёғининг бармоғига боғлаб олган экан! – ҳайрон бўлиб деди Саксон.

Эркак китобини бир чеккага қўйиб қармоқнинг ипини торта бошлади, аёл ўгирилиб қаради, ит ҳам вовуллай бошлади. Балиқчи қармоқни кўтарганда, илмоқда каттагина балиқ тугилгани кўринди. Балиқни илмоқдан чиқариб, янги емиш солиб қармоқни сувга ташлаган эркак қармоқ ипини яна оёғининг бармоғига ўради-да, яна қўлига китобини олди.

Кўприкка қирғоқдан яна бошқа бир япон чиқиб келди. У Саксон ва Биллнинг олдида тўхтаб, яхтадаги одамларни чакирди. Унинг қўлида гўшт ва сабзавотлар солинган бўхча бор эди; бир чўнтаги хатлар билан,

бошқаси эса газеталар билан тўла эди. Унинг чакиригига жавобан яхтанинг тумшук томонида ўтирган япон кўлида ярим пати юлиб бўлинган товукни ушлаганча ўрнидан турди. Каюта томида ётган эркак унга нимадир деб, китобини кўйди ва яхтанинг тумшугига боғлаб кўйилган эшкакли қайикқа сакраб тушиб, қирғоққа қараб эшкак эша бошлади. Қайикни кўприк олдиғача ҳайдаб келиб, эшкакларни қайик ичига кўйди ва Билл ва Саксон билан куёқ саломлашди.

– Вой, мен сизни яхши танийман! – Биллни хайрон қолдириб деди Саксон. – Сиз...

Шу пайт қиз уялиб, жим бўлиб қолди.

– Хўш? Давом этинг, – яна дўстона кулиб деди нотаниш эркак.

– Мен аниқ биламан, сиз – Жон Хастингсиз. Мен сизнинг расмингизни газетада кўрган эдим. Ўша пайтда сиз рус-япон уруши даврида мухбир эдингиз. Жуда кўп китоблар ёзгансиз, бироқ мен уларнинг бирортасини ҳам ўқимаганман.

– Жуда яхши қилгансиз, – жавоб берди эркак. – Исмингиз нима?

Саксон исмини айтиб, Биллни ҳам таништирди. У эркак уларнинг юқларига қараб кўйганини сезиб, ўзларининг тарихларини қисқа қилиб айтиб берди. Бу пайтга келиб япониялик кўлидаги нарсалар билан аллақачон қайикқа чиқиб олган бўлса-да, ойдин водийдаги ферма фикри ёзувчининг ҳам тасаввурини эгаллаб олди. Саксон Кармелда бўлганликлари ҳақида гапириб берганда йигит Холлнинг компаниясидагиларнинг ҳаммасини таниши маълум бўлди. Ёшларнинг Рио-Вистага кетишгаётганини эшитгач эса, уларни яхтада бирга кетишни таклиф қилди.

– Ахир биз ҳам ўша ерга кетяпмиз; бир соатлардан кейин, сув кирғокдан қайтиши билан жўнаймиз! – хитоб килди у. – Жуда зўр! Кетдик! Агар яхши шамол бўлиб турса, у ерга соат тўртларда етиб борамиз. Қайиққа чиқинглар. Хотиним ҳам яхтада. Миссис Холл унинг яқин дугонаси. Биз Жанубий Америкага кетгандик, ҳозир қайтиб келяпмиз. Акс ҳолда Кармелда учрашиб қолган бўлар эдик. Холл бизга сизлар ҳақингизда ёзиб юборганди.

Саксон шу билан умрида иккинчи марта қайиққа чиқиши эди. “Дарбадар” эса у чиққан биринчи яхта эди. Исми Клара бўлган ёзувчининг хотини уларни хушмуомалалик билан кутиб олди. Саксон бу аёлни биринчи кўришдаёқ ёқтириб қолди ва ўзи ҳам аёлга жуда ёкиб кетди. Иккала аёл ўртасида шунчалик ўхшашлик бор эдики, Хастингс бунга дарров эътибор берди. У аёлларнинг иккаловини ёнма-ён турғизиб қўйиб, уларнинг кўзлари, оғзи, қулоқларини солиштира бошлади, уларнинг қўллари, сочларига диққат билан қарар экан, ўзининг табиат Кларани алоҳида қилиб яратган, деган хулосаси нотўғри чиққанини айтди:

Клара ва Саксон бир-бирларига ўз ҳаётларини айтиб бера бошлашди. Иккаласи ҳам биринчи пионерлардан чиқишган экан. Кларанинг онаси ҳам худди Саксоннинг онаси каби ҳўкизларда прериядан ўтиб, Солт-Лейк-ситида қишлашган экан. У ўз опа-сингиллари билан мормонларнинг ўша ерларида биринчи аслзода қизлар мактабини очишади. Саксоннинг отаси Сономадаги тўнтанирилишда иштирок этган бўлса, Кларанинг отаси мормонлар кўзғолон кўтарганларида ҳарбий полициянинг бошлиғи бўлган экан. Бу суҳбатнинг ниҳоясида Клара ўз каютасидан

коа дарахтидан ясалган укулелесини олиб келиб (бу укулеле Саксоникининг шериги эди), иккалалари биргаликда “Гонолулулик безори”ни айтишди.

Хастингс лангар кўтаришдан олдин тушлик қилиб олишга қарор қилди; у эскичисага кундузги овқатни ҳали ҳам тушлик деб атарди. Саксон ихчамгина каютага тушганда у ернинг шинамлигини кўриб ҳайратда қолди. Билл боши шипга тегай деб зўрға турарди. Улар каюта ўртасига ўрнатилган столга ўтиришди. Яшил мато билан сирилган пастаккина койкалар кундуз куни ўриндиқ бўлиб хизмат қиларди. Шипга илгаклар қоқилган бўлиб, уларга парда осилган эди – кечаси уни суриб қўйилиб, каютанинг ярми миссис Хастингс учун ётоқ бўлиб хизмат қиларди. Иккинчи томонида эса японлар ухлашарди. Палубанинг остида, тумшук томонида эса камбуз⁸ жойлашган бўлиб у шунчалик тёр эдики, ошпаз у ерга зўрға сигар, овқатни эса тиззалаб ўтириб қиларди. Яхтага маҳсулотлар олиб келган иккинчи япониялик стол атрофида хизмат қилаётганди.

– Шундай қилиб, улар ойдин водийдаги фермани кидиришаётган экан, – тушунтирди Хастингс меҳмонларнинг ҳикояларини хотинига айтиб берар экан.

– Ие! Нахотки сизлар... – ҳайратланиб гап бошлаган хотинини эри тўхтатиб қўйди.

– Тс-с! – буюрди у ва меҳмонларга ўтирилди. – Менга қаранглар! Тарихда ойдаги водий ҳақида гаплар юради, бироқ бу ҳали сир! Бир пайтлар сизларнинг оталарингиз жанг қилган Сонома шаҳридан саккиз мил нарида Сонома водийсида бизнинг ранчомиз бор. Агар бизнинг ранчомизга борсангиз, бу сирни билиб оласиз.

⁸ Камбуз – кемадаги ошхона

У сизларнинг ойдин водийларингиз билан боғлиқ, гапимга ишонаверинг... Гапларим тўғрими, дўстим?

Улар Клара билан бир-бирларини шундай деб аташарди.

Клара аввалига кулимсиради, сўнг кулиб юбориб, бошини силкиди:

– Балки бизнинг водийимиз айнан сизлар қидириб юрган жойдир, – деди у.

Бироқ Хастингс, уни ортиқча гап айтиб қўйишдан тўхтатиш учун бошини чайқади. Аёл итига қараб имлаб қўйди.

– Итимизнинг номи Пегги, – гап бошлади у. – Биз Океанияда яшаганимизда иккита ака-сингил ирланд терриэр⁹ларимиз бор эди, бироқ улар ўлиб кетишган. Уларни Пегги ва Поссум деб атардик. Буни ҳам ўша урғочи итимизнинг хотирасига Пегги деб атаганмиз.

Билл яхтани бошқариш қанчалик осонлигидан хайратда эди. Улар шошилмай тушлик қилишар экан, Хастингснинг буйруғи билан иккала япон ҳам палубага кўтарилишди. Билл улар лангарни кўтаришганини сезди. Бир неча дақиқадан сўнг японлардан бири ҳамма нарса тайёрлигини айтди ва яхта хўжайини меҳмонлар билан палубага кўтарилишди. Елканларни кўтариш бир неча сониялик иш эди. Шундан сўнг кок ва хизматкор бирлари якорни маҳкамлар экан, бошқаси кливерни кўтарди. Хастингс штурвал олдида туриб, шкотни тўғрилади. “Дарбадар” бир оз қийшайди, елканлари шишиб, сўнг сувда текис сузиб кетди. Бу ишлар тугагандан сўнг японлар овқатлангани тушиб кетишди.

⁹ Терриэр – майда хайвонларни овлаш учун фойдаланиладиган унча катта бўлмаган ит тури.

– Сув кўпайиши бошланяпти, – қирғоқ олдидаги йўл-йўл белгини кўрсатиб, деди Хастингс: белги сал-пал тебраниб турарди.

Улар йўл олишган Коллинсвиллнинг оппоқ уйчалари орол ортида кўринмай кетди, бироқ Монтезум тепаликларининг узун тизмалари уфқда қўл етмас узоқликларда ястаниб ётарди.

“Дарбадар” Монтезумнинг этак томонидан ўтиб, Сакраментога кириб келганда улар шундайгина Коллинсвиллнинг ёнидан чиқиб келишди. Саксон чапак чалиб юборди.

– Худди қалин қоғоздан қилинган ўйинчоқ уйларга ўхшайди, – хитоб қилди у. – Орқадаги тепаликлар эса худди чизиб қўйилгандек.

Улар қамишлар орасидаги бутун бир оилалар учун уй вазифасини ўтайдиган сузувчи уйчалар яқинидан сузиб ўтишди; бу ердаги аёллар, болалар ва эркаклар кўзлари қора, қорачадан келган, афтидан чет элликлар эди. Яхта оқим бўйлаб юқорига қараб сузар экан, уларнинг рўпараларидан лой-балчиқларни чиқариб ташлайдиган машиналар учради. Уларнинг қовшлари дарёнинг тубини кавлаб, қирғоқ бўйлаб чўзилган дамбаларга қумларни чиқариб ташларди. Узунлиги юзлаб ярдга чўзилган бу дамбаларнинг қияликларига тол новдаларидан тўқилган тўсиклар қўйилган бўлиб, бу тўсиклар пўлат симлар ва минглаб кубометр бетон билан маҳкамланган эди.

– Тол новдалари жуда тез илдиз отади, – тушунтирди Хастингс, – тўсиклар чириб кетганда дарахтларнинг илдизлари қумни ушлаб қолиб, тепаликнинг нураб кетишига йўл қўймайди.

– Бу ҳаммаси роса пул турса керак, – деб қўйди Билл.

– Бирок чиқимлар ҳаммаси ювилиб кетади, – тушунтирди Хастингс. – Бу ердаги тупрок – дунёдаги энг ҳосилдор тупрок. Калифорниянинг бу қисми Голландияни эслатади. Айтсам ишонмасиз, бирок биз сузиб кетаётган ана шу сувнинг сатҳи оролларнинг сатҳидан юқорирок. Бу ороллар сув кирадиган тешик қайиқларга ўхшайди: уларни доим тузатиб, ямаб-яскаб, кечаю-кундуз сувини чиқариб туриш керак. Бирок шунда ҳам ўзини оклайди. Ҳа, оклайди.

Атрофда ерковлагич, тоғдек уюлиб ётган кумлар, сувости ўтлари ва жанубда кўриниб турган Шайтон тоғидан бошқа нарса кўзга ташланмасди. Баъзида катер ўтиб қолар, дарахтлар орасида қушлар учиб қоларди.

– Бу ерлар чиндан ҳам, ҳеч ким йўқ жойлар, шекилли, – деб кўйди Саксон.

Хастингс кулиб, қиз кейин фикрини ўзгартиришини айтди. У бу жойларни яхши биларди. Бир оз ўтиб у бу ердаги ижара ерларда ишлар қандай олиб борилиши ҳақида гап бошлади. Саксон ўзининг англосаксларнинг ерга ўчлиги ҳақидаги гаплари билан уни шу ҳақда гапиришга ундаганди.

– Ёввойи чўчқалар, – кескин оҳангда деди у, – биз ўз мамлакатимизда ўзимизни мана кимлардек кўрсатдик! Шу ерлик кексалардан бири қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида ишлаётган профессорга шундай дебди: “Менга қишлоқ хўжалиги нима эканлигини ўргатишнинг ҳожати йўқ. Мен буни беш бармоғимдек жуда яхши биламан. Ўз вақтида мен учта фермада ер титганман!” Айни ана шундай одамлар Янги Англиянинг инқирозга юз тутишига олиб келишган. У ерда катта-катта ер майдонлари яна сахрога айланяпти. Битта штатда кийиклар шунчалик кўпайиб кетибдики, улар ерли халқ учун чинакам офат бўлди. Сиз у ерда

минглаб ташлаб кетилган фермаларни кўрасиз. Мен бир пайтлар Нью-Йорк, Нью-Жерси, Массачусетс ва Коннектикут штатларидаги сотиладиган жойлар рўйхатини кўргандим – жуда арзон жойлар. Бу ерлар учун сўралаётган нархлар ҳатто чиқимни ҳам қопламайди, ер эса, шунчаки, кўшиб берилаётган каби.

– Мамлакатнинг бошқа ерларида – Техас, Миссури, Канзас ва шу ер, Калифорнияда ҳам аҳвол шундай. Масалан, ижарага берилган фермаларни олинг: мен ўлкамизда бир пайтлар бир акри бир юз йигирма беш доллар турган ва берадиган фойдаси нархига яраша бўлган бир ранчони биламан. Ранчонинг кекса хўжайини вафот этгач, ўгли фермани португалияликка ижарага бериб, ўзи шаҳарга жўнаб қолди. Беш йил давомида португалиялик ернинг қаймоғини олиб, бутун сувини сиқиб ичди. Ўша ерни уч йилга олган ижарачи биринчи ижарачи қилган фойданинг тўртдан бирини олди. Шундан сўнг у ерни ижарага оладиган одам топилмади – у ерда ҳеч вақо қолмаган эди. Қария вафот этганда ферманинг нархи эллик минг доллар эди. Ўгли ахири ўн бир мингга зўрға сотди. Гапиришнинг нима ҳожати бор, мен ўзим аввалига йигирма беш фоиз фойда келтириб, ижарачилар беш йил ишлатгандан сўнг ҳеч нарсага ярамай қолган қанча ерларни кўрганман.

– Бизнинг жойларимизда ҳам аҳвол шундай, – гапга кўшилди миссис Хастингс. – Ҳамма эски ранчолар зарарга қараб кетган. Дўстим, Эбелнинг фермаси ёдингдами? – эрига қараб деди у. Хастингс бошини қимирлатиб кўйгач, у гапида давом этди. – Биз ўша ерда меҳмонда бўлганимизда у ерлар ҳудди жаннатдек жойлар эди: тўғон ва кўллар, ям-яшил ўтлоқлар, узумлар билан қопланган тепаликлар, юзлаб акр

ажойиб яйлов, эман ва қарағайлар ўсиб ётган дарахтзор, тошдан қурилган омборлар, вино қилинадиган жойлар, уй олдиди боғ. Хуллас, бу ферма ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Миссис Эбел вафот этганидан сўнг оила аъзолари ҳаммаси тарқаб кетишди ва фермани ижарага бера бошлашди. Ҳозирга келиб ҳамма ёқ хонавайрон бўлган: дарахтларни кесиб ташлаб, ўтин қилиб сотиб юборилган. Узумзорнинг бир қисмигагина ишлов берилади – ижарачи италяннинг ўз эҳтиёжи учун керакли миқдордаги ергагина, холос. Ернинг қолган қисмида у бечорагина бир сут фермасини қурган. Ўтган йили мен ўша ерлардан ўтаётим, йиғлаб юбордим. Ажойиб мевазор боғ бир аҳволда, гулзорлар пайҳон бўлиб кетган... Омборларни айтмайсизми! Улар тарновларни тозалашга ҳам эринишган – ёмғир сувлари ичкарига уриб, ҳамма тўсинлар чириб кетиб, ағанаб ётибди. Вино қилинадиган омборнинг ҳам ярми ағанаб тушган, бутун қолган ярмини эса молхона қилиб қўйишибди. Уйнинг ўзи-чи! Қандай бўлиб кетганини сўз билан ифодалаб бўлмайди...

– Бу нарса касбга айланиб кетди, – Хастингс давом этди. – Бундай ижарачиларни “кўчманчилар” деб аташади. Улар ерни ижарага олишади, бир неча йил унинг бутун қувватини соғиб олишади, кейин эса яна янги жойга ўтишади. Улар хитойликлар, японлар ва бошқа чет элликлардан бошқачароқ ҳаракат қилишади. Кўп ҳолларда булар одатда шунчаки ялқов ва ҳиссиз инсонлардир. Буларнинг қиладиган иши – ерни соғиб ичади ва бошқа ерга кўчади ва шу кўйда давом этади. Португалияликлар ва италянларни олсангиз, улар бутунлай бошқача одамлар. Улар бу ерларга чўнтақларида хемирисиз келишади ва тил ўрганиб, бу ерларга

ўрганиб кетмагунларича ўз ватандошларига хизмат қилишади. Улар “кўчманчилар” эмас. Улар ўзлари севадиган, аяб-асрайдиган ўз ерлари бўлишини орзу қилишади. Бирок, гап шундаки, бу ерни қаёқдан олиш керак? Маощдан йиғиладими? Бирок бунга жуда кўп вақт кетади. Бундан тезроқ олишнинг йўли бор: улар ерни ижарага оладилар. Ўз ерингга эга бўлиш учун бировнинг ерини сиқиб сувини ичишга уч йил етади. Бу ўта аблахлик, ерга зулм ўтказиш! Бирок бу билан кимнинг иши бор! Қўшма Штатларда шундай одат.

Хастингс бирдан Биллга ўгирилди:

– Робертс, менга қулоқ солинг. Сиз хотинингиз билан яхши ер излаб юрибсиз-а? Бу ер сизга ўлгудек керак. Биласизми, менга сизга нима маслаҳат бераман: ижарачи бўлинг. Қари эгалари дунёдан ўтиб кетган, ёшлари эса қишлоқда япашни истамайдиган бирорта фермани ижарага олинг ва ўша ердан иложи борича фойдаланинг – уч йилдан кейин ўз фермангизни сотиб олиш учун сизнинг пулингиз бўлади. Шундан сўнг ҳаётингизнинг янги саҳифасини бошлайсиз. Янги ерингизни севинг, яхшилаб боқинг. Унга ишлатадиган ҳар бир долларингиз сизга юз баробар бўлиб қайтади. Фермангизда ҳеч қандай-бўлмағур нарсани сақламанг – отларингиз, сигирларингиз, чўчка, товук ёки меваларингиз – ҳаммаси биринчи нав, сифатли нарсалар бўлсин.

– Бирок бу разиллик! – Саксон ўзини тута олмади. – Бу ёмон маслаҳат!

– Нима ҳам қиламиз, биз шундай ифлос замонда яшаймиз, – истехзо билан кулиб, гапида давом этди Гастингс. – Бизнинг давримизда ернинг ёппасига кучсизланиши – Қўшма Штатларнинг миллий жиноятидир. Мен эрингизга бундай маслаҳат бермасдим,

бирок, аминманки, агар у бундай қилишдан бош тортса, унинг ўрнига бошқа бир португалияликми, италиянми шундай қилади. Улар бу ерга келиб, ўрнашиб олишса бўлди, шу захотиёқ дарров опа-укаси-ю, амма-холасини чақиришга бошлайди. Мана, сиз, чанқаб ётган бўлсангиз-да, шундай ёнгинангизда вино захираси сақланадиган омбор ёнаётган ва ажойиб рейн виноси ерга оқиб ётган бўлса, ҳеч йўқса бир култумгина ичиш учун қўлингизни чўзмасмидингиз? Мана – бизнинг миллий захирамиз ҳамма томондан тугаб ётибди ва чексиз бойликларимиз бекорга йўқ бўлиб кетяпти. Ушланг, олинг! Акс ҳолда ҳаммасини чет элликлар тортиб кетишади.

– Э-э, сизлар менинг эримни билмайсизлар, – гапга аралашшга шошилди миссис Хастингс. – У бутун вақтини ранчомизга бағишлайди. У ерда минг акрдан кўпроқ ерда жойлашган ўрмон бор. Эрим доим шу жойни тозалаб ётади, худди жарроҳдек ишлайди, рухсатсиз битта дарахтни ҳам кесишга бермайди; қачон қарама тупроқнинг эрозиясини тўхтатиш учун ерни қуритиш ва каналлар қазитиш билан банд. Баъзи-баъзида кучдан қолган қўшни фермаларни сотиб олиб, ерни асл ҳолига келтиришга киришиб кетади.

– Шунинг учун мен нима деяётганимни жуда яхши биламан, – хотинининг гапини бўлди Хастингс. – Ва яна гапимни қайтараман. Мен ерни яхши кўраман, бирок агар эртага кўчада қоладиган бўлсам, у ҳолда ушбу шароитда йигирма беш акр ер олиш учун беш юз акр ерни нобуд қилишга тайёрман. Сономага келганингизда меникига киришлар, мен сизларга ҳамма нарсани тушунтириб бераман. Мен сизларга тикланиш ва вайрон бўлишни ҳам кўрсатаман. Агар қўлингизга вайрон бўлишга маҳкум қилинган ер майдони тушиб

колгудек бўлса, уни маҳкам ушланг ва бутун сувини сиқиб олишга шошилинг.

– Ҳа, кўмирчилардан беш юз акр ерни тортиб олиш учун ким қулоғигача қарзга ботди? – кулиб юборди миссис Хастингс.

Олдинда, Монтезум тепаликлари кўриниб турган Сакраментонинг чап қирғоғида Рио-Виста шаҳарчаси кўринди. “Дарбадар” кemasозлик корхоналари, кўприклар ва омборлар олдидан ўтиб, дарёнинг сокин сувида енгил сузиб борарди. Йккала япон ҳам палубага чиқиб, яхтанинг тумшук томонида туришарди. Хастингснинг буйруғи билан кливер туширилди ва у энди “Лангар туширилсин” деб қичқирмагунча, “Дарбадар” шамолда сузиб кетаверди. Лангар сувга туширилиб, яхта қирғоққа яқинлашди.

– Оқим бўйлаб тепароқда тўппа-тўғри қирғоққа тақаламиз, – деди миссис Хастингс. – Эрталаб уйғонган одамнинг кўзи биринчи бўлиб каюта деразаларига чўзилиб турган дарахт шохларига тушади.

– Вой! – кичкина шиш пайдо бўлган кўлини кўрсатиб, шивирлади Саксон. – Қаранглар, чивин!

– Уларни учратишимизга ҳали эрта, – деб қўйди Хастингс. – Бир оз ўтгач улардан қочиб кутулиб бўлмайди. Бир марта улар шунчалик кўп эдики, мен кливерни текислай олмаганман.

Саксон дарёга оид ишлардан беҳабар бўлгани учун Хастингс нима демоқчи бўлганини тушунмади, бироқ Билл тушуниб, илжайиб қўйди.

– Ойдин водийда чивинлар бўлмайди, – деди Саксон.

– Ҳеч қачон, – унинг гапини маъқуллади миссис Хастингс, эри эса меҳмонларга ухлаш учун яхтада қулай шароит йўқлигидан ноллий кетди.

Тепаликда автомобиль ўтиб кетаётган бўлиб, унинг ичида ўтирганлар Саксон, Билл ва Хастингсларга “Эй, болалар!” деб қичқиришди. Қайикда эшкак эшиб уларни кирғоққа олиб чиқаётган Хастингс ҳам уларга “Эй, болалар!” деб жавоб қайтарди. Саксон унинг болаларча шижоат акс этган куёшда қорайган юзларига кулибгина қарар экан, Марк Холл ва бугун Кармел компаниясининг қилиқларини эслади.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Сакраменто орқали ундан бир неча марта баланд жойлашган Рио-Вистани тўкилиб кетай деяётган паромда кечиб ўтган Саксон ва Билл катта тўғонга дуч келишди. Тўғоннинг тепасида туриб кўраётганларидан хайратга тушишди. Дарё сатҳидан пастроқда текислик чўзилиб ётарди. Ҳар хил йўналишлар томон йўллар кетган бўлиб, ҳамма ёқда фермалар кўриниб турар, кирғоқдан бир неча футгина наридан сузиб келган ёшлар кўраётганлари ҳақида тасаввур ҳам килишмаган эди.

Ушбу ҳосилдор ерларни айланиб, улар уч ҳафтани ўтказишди. Бу ернинг аҳолиси ўзларини сув босиб кетмаслиги учун кечаю-кундуз тўғон қуриб, сувни чиқариб ётишар экан. Бу ерлар жуда ҳосилдор бўлиб, бироқ атроф-теваракнинг кўриниши бир хил эди. Бу бир хилликни фақат Шайтон тоғ бузиб турарди – у ҳамма томондан кўриниб турарди. Ёшлар гоҳ яёв, кўпроқ аравада дарё бўйининг ҳамма жойларини, Миддл-Ривернинг қора-тувроқ ерларигача айланиб чиқишди, Сан-Хоакин бўйлаб Антиохгача тушишди ва Жоржиана бўйлаб Сакраменто дарёсидаги Уолнот-Гровгача кўтарилишди. Улар ўзларини худди бошқа

мамлакатга бориб қолгандек сезишарди. Далаларда минглаб одамлар ишлашар, бироқ Саксон ва Билл буларнинг орасида инглиз тилида гапирадиган битта ҳам одам йўклигини энди яхши билишарди. Баъзан уларнинг йўлларида фақат хитойлар ёки японлар, корейслар, французлар, арманлар ёки бошқа миллат вакиллари, бироқ бирорта ҳам америкалик бўлмаган кишлоқлар учраётганди. Улар бир мартагина Жоржиа-нада тақиқланган йўл билан балиқ овлаб бир амаллаб кун кўрадиган америкаликни учратишди. Яна бир марта учратиб қолишгани, имкон туғилиши билан фақат сиёсат ҳақида гапирадиган америкалик эса асаларичи экан.

Одамлар тикилиб кетган Уолнот-Гровда ҳам фақат дўкон эгаси, қовоқхоначи, қассоб, осма кўприк назоратчиси ва паромчигина америкалик эди. Уолнот-Гров гуллаб-яшнаган икки – хитой ва япон шаҳарларидан иборат экан. Бу ердаги деярли бутун ерлар америкаликларга қарашли бўлиб, бироқ уларнинг ўзлари бу ерлардан узоқларда яшашар ва маълум бир ерларини чет элликларга ижарага беришар экан.

Саксон ва Билл Сакраментога кетаётган “Апаш” пароходига ўтиришганда, япон шаҳарчасида одатдан ташқари нимадир рўй бераётган эди. Бироқ бунинг кўзголонми ёки бирор тантанами – улар тушунишмади.

– Бизларни аллақачон ҳайдаб солишганди, энди остонада ўтирибмиз, – жаҳл билан дерди Билл. – Яқинда бу ердан ҳам ҳайдаб солишади.

– Ойдин водийда бундай бўлмайди, – эрини овутди Саксон.

Бироқ Билл хотинининг гапларига қулоқ солмай, алам билан гапида давом этди:

– Ахир бу келгиндилардан бирортаси ҳам отларга мендек муомала қилишни билмайди! – Ва яна қўшиб қўйди: – Бироқ улар чиндан ҳам табиатан ҳақиқий ер эгалари экан.

Эрининг тунд юзига қараб, болалигида кўргани бир расмни эслади: қўлларига татуировка қилинган ва патлар тақиб олган хинду отида ўтирганча яқингинада ўтказилган рельсларда югураётган поездга ҳайрат билан қараб ўтирарди. Бу хинду ўзи билан темир йўл олиб келган янги тўлқинлар олдида ўзини йўқотиб қўйган эди. Шу расм ёдига тушган Саксон ўйланиб қолди: наҳотки Билл ва у каби одамлар Осиё ва Европадан босиб келган одамлар кечираётган янги ҳаёт оқими олдида орқага қочишса?

Улар Сакраментода икки ҳафта бўлишди. Билл шу ердаги извошчилар корхонасига етакчилик қиладиган бир одамдан иш олиб, саёхатларини давом эттира олиш учун етарлича пул ишлаб топди. Улар Окленд ва Кармелда яшаб денгизга ўрганиб қолишгани учун энди денгиздан узоқда яшаш уларга қийин бўлаётган эди. Улар Сакраменто яшаш учун жуда иссиқ, деган қарорга келишиб, темир йўл бўйлаб жанубга қараб йўлга тушишди. Ботқоқ районлардан ўтиб, ниҳоят Дэйвисвилга етиб келишди. Билл бир катта фирмага мева-чева ташиш учун ёлланди, Саксон ҳам эридан зўрға рухсат олиб, бир неча кун мева йиғим-теримида қатнашди. Биллнинг у пулларини нима қилмоқчилиги ҳақидаги саволига жавоб беришдан ўзини олиб қочди. Билл кўярда-қўймай сўрайвериб, охири эсидан ҳам чиқиб кетди. Саксон ҳам пул ўтказмаси ва ўзи Бэд Стродзерга ёзган хатининг ичига солиб юборган квитанция ҳақида эрига ҳеч нарса демади.

Иссиқ уларнинг жонларига тега бошлади. Билл салқин тунлар ортда қолганини сизди.

– Ва бу ерда мен яхши кўрадиган секвойялар ҳам йўқ, – деди Саксон. – Жанубга қараб, денгизга боришимиз керак. Ойдин водийни ўша ерда топамиз.

Улар қишлоқ йўллари орқали Вудленддан жануби-ғарбга – мевалари сероб жаннатдек жой бўлган Вэкевиллга қараб йўл олишди. Билл бу ерда мева-чева йиғиш ва уларни ташийдиган ишга жойлашди. Саксон бу ерда Бэд Стродзерсдан хат ва кичкинагина посылка олди. Ўша куни Билл ишдан келганда Саксон ундан кўзини юмиб, жойидан жилмай туришни илтимос қилди. У бир қанча вақт тимирскланиб нималардир қилиб, эрининг куртқасига ниманидир тақиб қўйди. Йигит ҳатто баданига нина киргандек бўлганини ҳам сезиб, тўнеиллаб қўйди. Бироқ Саксон унга ҳали кўзини очишга рухсат бермай кулди:

– Мени ўпиб қўйиб, пастга қара, – деди у, – мен сенга сюрприз кўрсатаман.

Саксон эрини ўпиб қўяр экан, йигит куртқасининг кўкрагига қараб у ерда қадаб қўйилган, улар Оклендда кинога боришган куни қарз ўрнига бергани олтин медалларини кўрди.

– Ах, сен муғомбир! – хотинини бағрига тортар экан, ҳитоб қилди Билл. – Мана, пулларингни нимага ишлатган экансан! Менинг ҳатто хаёлимга ҳам келмаган эди!.. Бу ёққа кел-чи!

Қиз ўзига қадрдон бўлган мушакларнинг кучига бўйсунар экан, қайнашга қўйилган қаҳва топишга бошламагунча, ҳазиллашиб ўзича эридан қутулмоқ-чидек ҳаракат қилди.

– Очигини айтсам, мен бу нарсаларим билан бир оз фахрланардим, – кечки овқатдан кейин папирос ўраб

чекар экан, бўйнига олиб деди йнгит. – Бу медаллар менга ёшлигимни, бокс билан берилиб шуғулланган вақтларимни эслатади. Мен у пайтларда зўр бола бўлгандим, ишонавер... Бирок, Саксон, биласанми, у пайтлар бутунлай менинг ёдимдан чиқиб кетибди. Ахир Окленддан бизни ўн минг мил ва минг йил ажратиб турибди!

– У ҳолда мана бу нарса сени яна Оклендга қайтаради, – деди Саксон ва Стродзерснинг хатини очиб, овозини чиқариб ўкиб берди.

Бэд, афтидан, иш ташлашларнинг натижаси нима бўлганини Билл билади деб ўйлаган, шекилли. Шунинг учун у кўп гапириб ўтирмай, яна қайтиб ишга олинган ва қора рўйхатга тушган дўстларининг номларинигина келтириб ўтган эди. Бэд унинг ўзи ҳам ишга қайтарилгани ва унга Биллнинг от-араваси берилганида қанчалик ажабланганини ҳам ёзган эди. Биллни ҳайратга соладиган яна бир хабарни айтиши керак экан: илгариги кекса кучер вафот этган бўлиб, ундан кейин келганлар – биринчиси ҳам, кейингиси ҳам, отларни умуман тушунишмас экан ва нималар қилишмабди. Хуллас, отхона хўжайини бугун Бэд билан гаплашиб, Билл йўқ бўлиб кетганидан афсусдалигини айтибди.

“У ҳеч нарса билмайди, деб ўйламай кўя қол, – ёзарди Бэд. – Унга сенинг хуналарнинг ҳаммаси маълум. Мен аниқ ишонаманки, у ҳатто сен майиб қилган штрейкбрехерларнинг исмини ҳам билади. Шунга қарамай у менга “Стродзерс, агар менга унинг манзилни бериш нокулай бўлса, ўзингиз унга ёзиб юборинг: қайтиб ишга келсин, мен унга ойига бир юз йнгирма беш доллар бераман, отхонани ўзи олса бўлди”, деди.

Хатни тугатгач, Саксон бор кучи билан хавотирини яширишга уринар экан, Билл нима дейишини кута бошлади. Билл тирсагига суянганча ўт устида чўзилиб ётиб, ўйчанлик билан ҳалқа-ҳалқа бўлиб чиқаётган папирос тутунига қараб турарди. Гулхан ёруғида яраклаб турган олтин медаллари ярашмаган арзон ишчи курткасининг олди очик бўлиб, йигитнинг мушакдор кўкраги кўриниб турарди. У хаёлида нималарнидир ўйлаб, айна пайтда гулхан атрофига илиб кўйилган, тўсик вазифасини бажараётган кўрпаларини, пачокланиб кетган қаҳва қайнатадиган идишларини, ярмигача тўнкага суқиб кўйилган болтаси ва ниҳоят, Саксонни кўздан кечирди. Унинг кўзларида эркалаш маъноси сезилиб турар, бир оз ўтиб эса сўроқ аломати пайдо бўлди. Бирок Саксон индамай тураверди.

– Хў-ўш, – ниҳоят деди йигит. – Сен энди Стродзерсга яна бир нарса ёзиб юборишингга тўғри келади – бошқа бу аблахнинг номини менга эслатмасин. Сен унга яна барибир хат ёзар экансан, мен бир оз пул жўнатаман – менинг соатимни ҳам қайтариб олиш керак. Фоизи билан неча пул бўлади, ҳисоблаб чиқкин-чи. Пальто эса, майли, кетса кета қолсин!

Континетал иқлимнинг жазирамасини улар жуда қийинчилик билан ўтказишаётган эди. Миялари ҳам, таналари ҳам бўшашиб қолгандек бўлиб, иккалалари ҳам анча озиб қолишганди. Биллнинг айтишича, “уларнинг ярми қолганди”. Шунинг учун ҳам улар бор юklarини елкаларига ташлаб, яланғоч тоғлар оша жанубга қараб йўл олишди. Бернесса водийсида чарақлаган куёш нури остида қизиган ҳаводан уларнинг кўзлари ва бошлари оғриб қолди. Шунинг учун улар энди фақат эрталаблари вақтли ва кечқурунларигина йўлларида давом этиб, бир неча вақтдан сўнг

Напа водийсига етиб келишди. Ундан нарида эса Сонома водийси бўлиб, уларни меҳмонга таклиф қилган Хастингсларнинг уйи ҳам ўша ерда эди. Саксон ва Билл уларникига отланишган вақтда Билл тасодифан газетада ёзувчининг сўёсат ишлари билан Мексикага жўнаб кетгани ҳақида ўқиб қолди.

– У ҳолда мистер Хастингс билан кечроқ учрашамиз, – Напа водийсининг узумзор ва мевали боғлар билан қопланган ерлари оша шимоли-ғарбга қараб кетишар экан, деди Билл. – Биз Берг куйлаган кўшиқдаги миллионерга ўхшаймиз, фақат биз пулни эмас, вақтни совурапмиз. Биз учун ҳамма йўл ҳам яхши, бироқ яхшиси ғарбга қараб юрамиз.

Напа водийсида Билл учта ишдан воз кечди. Санта-Элена орқада қолганда Саксон чексиз қувонч билан ўзи яхши кўрган нарсани учратди: унинг кўз олдида тор даралар ёнбағирлари бўйлаб секвойялар ўсиб ётарди. Темир йўл тугаган Калистогда улар Миддлгтаун ва Лоуэр-Лэйкка борадиган олгита от кўшилган дилижансларни кўришди. Бундан кейин қаёққа боришларини улар шу ерда муҳокама қилиб олишди. Ҳозир турган жойларидаги йўл денгизга олиб бормасди, шунинг учун Билл ва Саксон тоғлар оралаб ғарбга, Рашн-Ривер водийсига қараб кетишиб, Хилдсбергдан чиқишди. Бу ернинг ҳосилдор далаларига хмель экиб ташланган экан. Бироқ Билл ҳиндулар, япон ва хитойлар билан бир қаторда хмель теришни истамади.

– Мен улар билан бир дақиқа ҳам ишлай олмайман. Бошларига тушириб қолишим мумкин, – деди у Саксонга. – Рашн-Ривер ажойиб дарё. Кел, шу ерда тўхтаб, дарёда чўмилиб оламиз.

Улар бепоён гуллаб-яшнаган водий бўйлаб шошилмай шимолга томон ҳаракат қилишарди. Улар бу ерда

шунчалик маза қилишаётган эдики, ишлаш кераклигини буткул унутишди. Ойдин водий эса қачондир, албатта рўёбга чиқадиган орзуга айланди. Кловердэйлда Биллинг омади келди. Касалликлар ва ҳар хил воқеалар сабаб шаҳар отхоналарида аравакашлар етишмас экан. Поездларда кунига гейзерларни кўришга иштиёқманд бўлган тўда-тўда саёхлар келишарди. Билл худди бир умр фақат шу иш билан шуғуллангандек, жадвал бўйича сайёхларни олтига от қўшилган дилижансда тоққа олиб чиқа бошлади. У тоққа иккинчи марта чиққанида ёнидаги баланд эгарга Саксон ҳам ўтириб олди. Икки ҳафта ўтиб аввалги аравакаш қайтиб келганда, шу ерда Биллга доимий иш таклиф қилишди. Бироқ йигит бу таклифни рад қилди ва маошини олгач, икковлари яна шимолга қараб йўлларида давом этишди.

Саксон қаердандир фокстерьер зотли кучукчани топиб олиб, уни миссис Хастингс айтиб берган ит шарафига Поссум деб атади. Кучукча шунчалик кички-на эдики, тез орада юришга қийналиб, Саксон уни кўлида кўтариб олишига тўғри келди. Билл кучукчани хотинидан олиб, елкасига осиб олган халтасига солиб қўйди. Бироқ шу заҳотиёқ тўнғиллашга бошлади, чунки кучукча унинг бўйнидаги сочларини ғажигина тушганди.

Улар узум йиғим-терими тугаган Астининг ажойиб узумзорларидан ўтиб, қишнинг биринчи жаласи остида жикқа ивиганча Юкайа шаҳрига кириб келишди.

— Саксон, “Дарбадар” сувда қандай сузгани ёдинг-дами? — деди Билл. — Ёз ҳам шундай тез ўтиб кетди. Энди қаерда қишлашимизни ўйлашимиз керак. Юкайа жуда файзли шаҳарчага ўхшайди. Кел, бугунчалик хо-на ижарага олиб, исиниб, яхшилаб куриб оламиз. Эртага эса мен отхоналарни айланиб кўраман, бирорта

тўғри келадиган иш чиқиб қолса, уй ижарага оламиз. Энди бу ёғига қаёққа боришни ҳал қилиш учун олдимизда бутун қиш турибди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Бу қиш Кармелда бўлганчалик қувнок ва қизиқарли ўтмади. Саксон илгари ҳам буни жуда яхши тушунган бўлса-да, ҳозир айниқса у ердаги дўстлари яна ҳам кадрдонроқ туюлаётган эди. Юкайда улар кўз танишларгина орттиришди. Бу ернинг оддий одамлари Окленднинг ишчи аҳолисига ўхшар, бойроқлари эса ўзини бошқалардан нарироқ тутиб, автомобилларда юришарди. Бу ерда Кармелда бўлгандаги каби пули бор-йўқлигидан қатъи назар ҳамма бир-бирига дўстдек муомалада бўлган шароитни эслатадиган ҳеч нарса йўқ эди.

Бироқ юқоридагиларга қарамай, Юкайдаги қиш Оклендда ўтказганлари бутун қишлардан кўра ёқимлироқ ўтди. Билл доимий иш топа олмаган бўлса-да, бир амаллаб кунларини кўришди, бироқ кўп вақтларини биргаликда ўзларининг кичкинагина хоналарида хотиржам ўтказишди. Шаҳарнинг энг катта отхонасида захирадаги аравакаш бўлиб ишлаётгани сабаб Биллнинг вақти жуда кўп эди. Шунинг учун у энди отлар етказиб бериш билан шуғуллана бошлади. Бу иш хавфли бўлиб, бир неча марта тушиб қолди. Бироқ энди улар ҳар куни бифштекс еб, қаҳва ичишар, кийим-кечакдан ҳам камчиликлари йўқ эди.

— Жин ургур фермерлар, улар ҳаммани туширишади, — бир куни алданиб қолиб, деди Билл. — Ит эмганлар, ўз ҳақини қўйишмайди!.. Дала ҳовлиларини ижарага беришади, қишда от савдоси билан бойишади

ва шунинг орасида бир-бирларининг кўзига чўп сукишади. Бирок, Саксон, мен сента улардан кўп нарса ўрганганимни айтиб кўйишим керак. Энди мен уларга алданмайман. Мана энди эрингнинг яна битта хунари бор. Мен энди ҳамма ёқда от олиб-сотиш билан пул топа олишим мумкин.

Билл йўрга отларни айлангириб келиш учун чиққанда Саксонни ҳам ўзи билан олиб кетадиган бўлди. Савдо ишлари сабаб кўп бора кўшни кишлоқларга бориб келишларига ҳам тўғри келарди. Билл бирортасининг топшириғи билан от сотишга борганда ҳам Саксон эри билан бирга борадиган бўлди. Шу борада уларнинг икковларида ҳам, бир-бирларидан бежабар ҳолда, келгусидаги ҳаётлари ҳақида режа пайдо бўлди. Биринчи бўлиб бу ҳақда Билл оғиз очди:

– Мен яқинда шаҳарда бир ажойиб нарсани кўриб қолдим, – гап бошлади у. – Энди фақат шу ҳақда ўйлаяпман. Ҳаракат ҳам қилмай кўя қол – бари бир топа олмайсан. Нималигини ўзим айтаман: худди сен орзу қилгандек фургон. Биринчи нав! Бакувват! Пюжет Саундда бурютма қилдирилган экан, бакувватлиги шу ёққа келаётганда синалган экан. Истаган йўл ва истаган юкка бардош бера олади. Уни буюртирган йигит сил билан оғриб қолган экан. Икки йил бурун шу ерда, Юкайада вафот этмагунча доктор ва ошпаз билан шу фургоннида айланиб юрган экан. Сен бу фургонни кўрсанг эди!.. Ҳамма нарса ҳисобга олинган, ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор – худди гилдирак устига қурилган уйга ўхшайди. Агар ўша фургонни ва унинг устига бир жуфт от сотиб ола олганимизда эди, иккаламиз ҳар қандай об-ҳавога қарамай, қироллардек саёҳат қилган бўлардик.

– Билл! Мен бутун киш бўйи шундай фургонни орзу қилгандим! Зўр бўларди. Ва... биласанми, йўлда юрган-нимизда сен қандай чиройли хотининг борлигини эсингдан ҳам чиқариб қўяяпсан. Фургонимиз бўлса мен ўзимга қараб олишимга ҳам шароит бўларди...

Биллнинг кўм-кўк кўзларида эркалаш ифодаси пайдо бўлиб деди:

– Мен ўзим ҳам шуни ўйлаётгандим.

– Сен ўзинг билан милтиқ ҳам, балиқ тутадиган нарсалар ҳам, истаган нарсангни ҳаммасини олишинг мумкин, – шоша-пиша давом этди Саксон. – Яна жонингга теккан кичкина болтанинг ўрнига яхши катта болтани ҳам олишинг мумкин. Поссум ҳам ўтириб, дам олиб кетиши мумкин. Ва... сотиб ололамизми ўзи? Неча пул сўрашяпти?

– Бир юз эллик доллар, – жавоб берди йигит, – сув текин. Улар шунчаки ундан кутулишмоқчи. Ўзи аслида тўрт юз долларга тушган нарса, жуда яхши билиб турибман. Кэссуэл отларининг савдосини битира олсам эди: айна бугун бир харидор билан савдолашишни бошладим. Агар шу харидор отларни сотиб олса, биласанми, уларни қаерга юборади? Тўпа-тўғри менинг аввалги хўжайинимга, Окленд отхонасига. Сендан илтимос, унга хат ёзгин. Биз йўл-йўлакай анча-мунча фойдали ишларни қила олишимиз мумкин. Агар қария истаса, мен уни доим от билан таъминлаб туришим мумкин. Унинг қиладиган иши фақат айлантриш учун мени пул билан – катта пул билан таъминлаб туриш. У афтидан, мендан кўрқса керак, чунки мен қанчалаб штрейкбрехерларнинг адабини берганимдан унинг хабари бор.

– Агар у отхонасини сенга ипонишга тайёр бўлса, у ҳолда пулларини ҳам ишонади, – эътироз билдирди Саксон.

Билл камтарлик билан елка қисиб кўйди.

– Майли, кўрамиз! Нима бўлганда ҳам, Кэссуэлнинг отларини сотиб, қарзларни тўлашни чўзиб турамиз-да, фургонни сотиб оламиз.

– Отлар-чи? – шошиб сўради Саксон.

– Отлар кейин. Икки-уч ойга доимий иш топаман. Мени битта нарса қийнапти: ёзнинг ўртасигача шу ерда қолишимизга тўғри келадиганга ўхшайди. Майли, нима қиламиз энди. Шаҳарга кетдик, сенга фургонни кўрсатаман.

Саксон фургонни кўриб келди ва у қизга шундай ёқиб кетдики, кежакдаги саёҳатларни кўз олдига келтириб, кечаси билан ухламай чиқди. Кэссуэлнинг отлари сотилди, қарзларнинг ҳисоб-китоби кейинроққа қолдирилди ва фургон уларники бўлди. Билл икки ҳафталардан сўнг, эрталаб ёмғир қуяётган бир пайтда от топиш учун уйдан чиқиб кетиб, шу заҳотиёқ қайтиб кирди.

– Кетдик! – кўчанинг ўзидан Саксонга бақирди у. – Пальтонгни кийиб, бу ёққа чик. Мен сенга бир нарса кўрсатмоқчиман.

Билл хотинини шаҳар четда жойлашган отхонага олиб борди. Бу ерда отларни вақтинча ушлаб турилар эди. Улар отхона орқасидаги катта ҳовлига ўтишиб, Билл бақувват гижинглаб турган иккита отни олиб чиқди.

– Вой, буларнинг чиройлилигини! – улардан бирининг юзига юзини ишқалар экан, хитоб қилди Саксон. Отларнинг иккинчиси эса уни ҳам эркалаш-ларини

истагандек, тумшуғи билан Саксоннинг ёноғига туртди.

– Чиндан ҳам зўр-а? – завк билан деди Билл, Саксоннинг кўзи олдида отларни ҳовлида юргизиб кўрар экан. – Ҳар бирининг оғирлиги бир минг уч юз эллик фунт. Лекин улар ихчамлиги учун бунга ишонгинг келмайди. Мен ўзим ҳам уларни тортиб кўрмагунча ишонмадим. Иккаласи бирга икки минг етти юз етти фунт чиқди. Мен икки кун бурун уларни синаб кўрдим: ишчан, зўр отлар, автомобилдан ҳам кўркмайди... Мана шу отларни фургонимизга кўшсак зўр иш бўларди-а?

Саксон шундай бўлганини кўз олдига келтириб, ғамгинлик билан бош чайқади.

– Бу отлар учун уч юз доллар нақд сўрашяпти, – гапида давом этди Билл. – Бу охири нарх. Эгасига пул жуда керак экан. Шунинг учун тезлик билан сотмоқчи. Бу иккаласи учун шаҳарда аукционда беш юз беришади, чин сўзим! Бу иккаласи опа-сингил, биттаси беш ёш, бошқаси олти ёш. Хуллас, уч юз доллар ва эгаси уч кун кутишга рози.

Ачинишнинг ўрнига Саксоннинг жаҳли чиқиб кетди.

– Нега буларни менга кўрсатдинг? Пул оладиган жойимиз йўқ ва буни ўзинг жуда яхши биласан. Менда ниҳоят олти доллар бор, сенда эса шу ҳам йўқ.

– Мен сени шунинг учунгина бу ерга олиб келдим деб ўйлаяпсанми? – сирли жилмайиб деди йигит. – Унда хато қиляпсан.

Йигит бир оз жим турди, лабларини ялаб, оғирлигини бир оёғидан бошқасига олди.

– Демак, кулоқ сол. Гапимни тугатмагунимча мени бўлма. Хўпми?

Саксон бошини силкиди.

– Оғзингни очмайсан-а? – Саксон бўйсунгандек бошини тебратди.

– Хуллас, гап бундай, – тугилиб, гап бошлади йигит. – Бу ерга Фрискодан “Ёш Сэндоу” ва “Телеграф-Хилл фахри” лақабли йигит ташриф буюрган. У оғир вазн тоифасидаги боксёр ва шанба куни кечқурун Монтана Ред билан учрашиши керак эди. Бироқ Монтана Ред кеча кечқурун машқ пайтида қўлини синдириб олди. Учрашув ташкилотчилари буни томошабинлардан яширишяпти. Биласанми, гап нимада... Чипталар ҳаммаси сотиб бўлинган, шанба куни жуда кўп одам тўпланади. Одамлар пулларини қайтаришни талаб қилиб олмасликлари учун охириги дақиқада Монтананинг ўрнига мени чиқаришмоқчи. Бу ерда мени ҳеч ким билмайди, ҳатто “Ёш Сэндоу”нинг ўзи ҳам; у рингга мендан кейин келган. Мен ўзимни қишлоқи бокссеварга соламан ва истаган ном остида жанг қилишим мумкин.

Йўк, Саксон, шошма. Ғалаба қилган нақд уч юз доллар олади... Тўхта, деяпман сенга! Бу жуда ҳам осон – ўлиб ётган одамнинг чўнтагини тозалашдек гап! Сэндоу зўр боксёр, гап йўк, мен газеталардан ўқиб билдим. Бироқ ёмон фикрлайди. Мен тимирскиланаман, бироқ менинг каллам яхши ишлайди ва иккала қўлим билан бир хил ҳаракат қиламан. Мен аниқ биламан: Сэндоу менинг ихтиёримда.

Энди эса ўзинг ҳал қил, гап сенда қолди. Агар рози бўлсанг – отлар бизники. Йўк десанг – унда тамом. Мен иккита қирчангига пул тўплаш учун отхонага отбоқар бўлиб ишга қираман. Лекин, билиб қўй, улар қирчанги бўлади. Яхшилаб ўйлаб кўр, менга қарашнинг кераги йўк, яхшиси, отларга қара.

Саксон бирор гап айтишга ҳам кийнализ, олдидаги отларга қараб турарди.

– Уларнинг исми Хазл ва Хатти, – айёрлик билан кўшиб кўйди Билл. – Бизники бўлишганда уларни “Ха-ха” деб атаймиз.

Бироқ Саксон отларни эсидан чиқариб бўлган, унинг кўз олдида Оклендда “Чикаго Дахшати” билан курашгандан кейин уриб дабдала қилинган Билл турарди. Саксон энди оғзини очмоқчи бўлганда унинг юз ифодасини диққат билан кузатиб турган Билл тўхтатди:

– Сен буларни фургонимизга қўшганимизни кўз олдинга келтиргин, қандай чиройли!

– Бироқ сен формада эмассан-ку, Билли, – деб юборди Саксон.

– Кўйсанг-чи! Аслида, мен бутун йил бўйи машқ қилдим. Оёқларим темирдек. Қўлларимда куч бор экан – қарз олгудек эмасман, оёқларим мени ушлаб туради. Кейин – мен у билан кўп ушланиб ўтирмайман. Сэндоу бехосдан ташланади, мен эса бундайларни бирпасда тугатиб қўя қоламан. Одатда совуқкон боксёрлар билан ишлаш қийин. Бироқ бу Сэндоу деганлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Мен уни учинчи ёки тўртинчи раундда менга ташланиши билан тугатаман. Саксон, бу жуда осон. Сўз бераман, ҳатто пул олиш ҳам ноқулай бўлади.

– Бироқ мен сенинг бутун баданингни дабдала қилиб ташлашлари ҳақида ўйлагим ҳам келмаяпти, – бўшашиб, қаршилик қилди Саксон. – Агар мен сени бунчалик қаттиқ севмаганимда, балки рози бўлардим. Бирдан у сени майиб қилиб қўйса-чи?

Билл ўзининг ёш ва кучлилигини ҳис қилиб, қулиб юборди.

– Мен рингга чиққанимни сен ҳатто сезмай ҳам қоласан – шунчаки Хазл ва Хатти бизники бўлгани қолади. Ага, уларга карагин. Дала ишлари учун боп отлар. Ойдин водийга борганимизда бизга роса керак бўлади. Ҳам кучли – ҳозирнинг ўзида плугга кўпса бўлади!

Матч бўладиган куни кечкурун Саксон ва Билл саккиздан ўн беш дақиқа ўтганда хайрлашишди. Ропша-роса бир соат ўтгандан сўнг, Саксон эри яна бир пайтлардаги аҳволда келса, керак бўлиши мумкин бўлган иссиқ сув, ях ва бошқа нарсаларни тайёрлаб турар экан, эшик тақиллагани ва Биллнинг қадам товушларини эшитди. У ўзи истамай эрининг матчда катнашишига рози бўлган ва ҳозир ҳар дақиқада пушаймон еб ўтирганди. Эшикни очар экан, у ҳозир рўпарасида яна уриб мажақлаб ташланган эрини кўраман, деб кўрқувдан титрарди. Бироқ бу Билл бир соатгина бурун хайрлашгани Биллдан ҳеч ҳам фарқ қилмасди.

– Матч бўлмадимми? – ҳафсаласи пир бўлганини яшира олмай сўради Саксон.

– Мен кетаётганимда одамлар ҳали ҳам “Ёлгон!” Ёлгон!” – деб бакириб, пулларини қайтиб беришларини талаб қилишарди.

– Нима бўлганда ҳам сен соғ-омон уйда эканлигингдан жуда хурсандман, – эри билан хонага кираётиб, кулиб деди Саксон; ичида эса Хазл ва Хатти тўғрисидаги орзуси билан хайрлашиб, хўрсиниб кўйди.

– Мен йўл-йўлакай сенга бир нарса олиб келдим, сен буни қачондан бери орзу қилаётганингни биламан, – шунчаки гапирарди деди Билл. – Кўзингни юмиб, кўлингни очгин-чи!

Саксон кўзини юмиб, кўлини очар экан, эри кўлига оғир ниманидир қўйганини сизди. Кўзини очганда кўлида бир тўплам йигирма долларлик тангалар ётарди.

– Мен сенга уни енгил жуда осон бўлади, деб айтгандим-ку, – хотинининг муштларидан ўзини олиб қочар экан, кулиб деди Билл. – Ҳеч қандай жанг бўлгани ҳам йўқ. Қанча вақт курашганимизни биласанми? Роппа-роса йигирма етти сония – ҳатто ярим дақиқадан ҳам кам. Қанча зарба берилди?.. Битта! Ва бу зарба меники эди... Ҳозир мен сенга кўрсатиб бераман. Роса кулгили!

Билл тиззаларини бир оз букиб, даҳанини чап елкасига теккизганча, чап ёнбоши ва қорнини тирсаги билан ҳимоя қилиб, муштини олдинга чўзганча хонанинг ўртасида турди.

– Биринчи раунд бошланди, – гап бошлади у. – Бонг урилиб, биз бир-биримизнинг кўлларимизни сиқишдик. Узоқ давом этадиган жангга тайёрланганмиз. Биз бир-биримизни илгари рингда ҳеч кўрмаганмиз, шунинг учун шошилиш йўқ, бир-биримизни кузатяпмиз. Ўн етти секунд ўтса-да, бирорта ҳам зарба йўқ. Бирорта ҳам. Мана шу вақтда “Ёш Сэндоу”нинг иши ҳал бўлди. Гапириб бериш узоқ, бироқ ҳамма нарса бир сонияда рўй берди. Мен ўзим ҳам бундай бўлишини кутмаган эдим. Иккаламиз юзма-юз тургандик. Унинг чап кўлқопи менинг даҳанимдан тахминан бир фут масофада турганди, менинг кўлқопим эса – униқидан бир фут масофада. У ўнг кўли билан ёлғондакам ҳаракат қилди. Бу ҳаракатнинг ёлғондакам эканлигини кўриб, чап елкамни кўтариб, мен ҳам ўнг кўлим билан ёлғондакам ҳаракат қилдим. Менинг бу ҳаракатим унинг диққатини чалғитиб, менга иш бериб қолди. Мен чап кўлимни ҳатто бир фут ҳам чўзишимга

тўғри келмади, мен уни ҳатто орқага ҳам олмадим. Вой, қанақа зарба бўлди-и!.. Чап томондан шундай жағига тегди. Ўша заҳоти кулаб тушди! Мен хотиржамгина ўз бурчагимга бориб, ичимда кулганимча туравердим – шунчалик осонлик билан енгдим! Ҳакам унинг тепасида туриб олиб санаяпти. Сэндоу эса ҳатто қимирламаяпти ҳам. Томошабинлар нима деб ўйлашни ҳам билмай, гаранг бўлганча ўтиришибди. Секундантлар йигитни бурчакка олиб бориб, стулга ўтказишди. Беш дақиқадан сўнг у кўзини очди, бироқ ҳеч нима кўрмаётганди, кўзлари худди шишадек қотиб қолганди. Яна беш дақиқа ўтиб, у ўрнидан турди. Бироқ ўзи тура олмаётганди, оёқлари бўшашиб кетаётганди. Секундантлари бир амаллаб уни канат устидан олиб ўтиб, кийиниш хонасига олиб кириб кетишди. Томошабинлар эса шовқин солиб, ўз пулларини талаб қила бошлашди. Ўйлаб кўргин-а: йигирма етти сония, битта зарба ва Билл Робертснинг гўзал хотини бир жуфт отга эга бўлиб турибди!

Саксон ичида Биллнинг мардонаворлиги, кучи ва гўзаллигидан аввалгидан ҳам фахрланиб кетди. Ҳа, унинг эри ҳақиқий қаҳрамон, викингларнинг чинакам авлоди!

Эртаси куни эрталаб Билл Саксоннинг лаблари чап кўлига текканидан уйғониб кетди.

– Ҳой, нима қиляпсан? – хитоб килди йигит.

– Ҳазл ва Хаттига хайрли тонг тилаяпман, – жиддийлик билан деди Саксон. – Энди эса сенга хайрли тонг тилайман... Сен Сэндоунинг қаерига ургандинг? Кўрсат-чи.

Билл Саксоннинг илтимосини бажариб, унинг даҳанига секингина бармоғининг учини теккизди. Саксон иккала кўли билан унинг муштини ушлаб олиб,

Биллини унга зарба беришга мажбур қилмоқчидек, орқага қайирди. Бироқ Билл хотинини нари итарди.

– Тўхта, ахир мен жағингни синдиришимни истамайсан-ку. Мен ўзим кўрсатаман. Чорак дюйм масофадан туриб қилса ҳам етади.

Шундай деяётиб, Билл чорак дюйм масофадан туриб хотинининг даҳанига енгил зарба берди.

Саксоннинг миясида чакмоқ чакқандек бўлди, бутун гавдаси бўшашиб, жонсиздек бўлиб қолиб, кўз олдини қоп-қора туман босгандек бўлди. Бир сонияда ўзига келган бўлса-да, унинг юзида даҳшат акс этди: у бу нималигини тушунган эди.

– Уни эса бир фут масофадан ургансан! – титроқ товуш билан шивирлади у.

– Ва бутун кучим билан елкасига ётиб олганман, – кулди Билл. – Э-э, булар ҳаммаси арзимаган нарсалар!.. Ҳозир мен сенга бундан зўрроғини кўрсатаман!

Билл хотинининг куёш ўрилмасини топиб, ўрта бармоғи билан сал-пал туртди. Бу сафар Саксоннинг нафаси тўхтаб қолгандек бўлди. Зарбадан бутун баданини фалажлангандек сизди, бироқ хуши жойида бўлиб, кўз олди ҳам қоронғилашмади. Бу сафар ҳам оғриқ бир сонияда ўтиб кетди.

– Бу куёш ўрилмаси, – тушунтирди Билл. – Агар одамнинг шу ерига пастдан туриб зарба берилса, нима бўлишини тасаввур қилгин. Боб Фицсиммонс ана шундай зарба билан жаҳон биринчилигини олган.

Саксон эрининг ҳазиллашиб унга ҳамма оғриқли нуқталарни кўрсатиб бермоқчи бўлишига зўрға кўнди. Йигит бармоғининг учи билан Саксоннинг тирсагидан юқорироғини аста босди. Ана шу оддийгина ҳаракат чидаб бўлмас оғриқ берар экан. Йигит яна бош бармоқлари билан бўйнидаги қандайдир нуқталарни

икки томондан босар экан, Саксон хушидан кетаётганини ҳис қилди.

– Бу японларнинг энг кучли зарбаларидан бири, – ҳар бир ҳаракатини тушунтириб борар экан, деди Билл. – Мана бу оёқни қимирлатмай қўйиш; бу усул билан Гоч Хаккеншмидт устидан ғалаба қилган. Менга буни Фармер Берне ўргатган... Мана бу эса полунельсон... Масалан, сен рақс тушаётганлар ичида жанжал чиқарадиганлардансан, мен эса тартиб сақловчиман. Сени залдан мана бундай қилиб чиқариб юбораман, – Билл бир қўли билан хотинининг панжасини ушлади, иккинчисини унинг тирсаги остидан ўтказиб, ўша тирсаги билан ўзининг панжасини қисди.

Қўли озгина сиқилиши билан Саксонга ҳозир синиб кетадиганга ўхшаб туюлди.

– Бу усулнинг номи “Бу ердан кетдик”... Мана бу эса “темир қўл”. Мана бу усул билан ҳатто ёш бола ҳам катта эркакни ютиши мумкин. Мабодо сен бирортаси билан жанжаллашиб қолсанг ва рақибинг бурнингни тишлаб олган бўлса – бурнингни йўқотиб қўйиш алам қилади-ку, тўғрими? – бир дақиқагагина мана нима қилиш керак!

Билл катта-катта бармоқлари билан босганда Саксоннинг кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетди. Унга кўз косаларида чидаб бўлмас оғрикни туйгандек бўлди.

– Агар рақибинг шунда ҳам бурнингни қўйиб юбор-маса, қаттиқроқ босиб, кўзларини ўйиб ол, умрининг охиригача кўр бўлиб ўтсин. Шунда у ўша заҳотиёк бурнингни қўйиб юборди, ҳа гапимга ишонавер.

Билл хотинини қўйиб юбориб, кулганча, ўзини ёстикқа ташлади.

– Ўзингни қандай ҳис қиляпсан? – сўради хотинидан. – Бу нарсалар боксда ишлатилмайди, бироқ

мабодо сенга безорилар хужум қилса, керак бўлиб қолади.

– Энди мен сендан алаимни оламан, – “бу ердан кетдик” усулини қўллашга ҳаракат қилиб, деди Саксон.

У эрининг қўлини қисмоқчи бўлди, бироқ бу билан ўзига жабр қилиб, оғриқдан кичкириб юборди. Билл хотинининг чиранишлари устидан кулганча турарди. Саксон иккита қўлининг бош бармоғи билан японлардек қилиб Биллнинг бўйнини сикмоқчи бўлди, бироқ қийшайиб кетган бармоқларига ачинганча қараб қолди. Ниҳоят, бир амаллаб усталик қилиб эрининг иягига урди ва яна кичкириб юборди: бу гал бармоғининг суяклари қаттиқ лат еган эди.

Иккала қўли билан эрининг кураги остига урар экан, “Энди ҳеч қаерим оғримайди”, деб қайтарарди.

Билл қаттиқ кулиб юборди. Мушаклар остига яширинган асаб марказини топишнинг иложи йўқ эди.

– Давом этавер, – Саксон оғир-оғир нафас олганча нари кетар экан, деди Билл. – Менга ёқяпти, худди китиклаётганга ўхшайсан.

– Хўп бўлади, жаноб ёрим, – жаҳл билан дўқ қилди Саксон. – Ҳар хил зарбалар, усуллар ҳақида қанча гапирсангиз гапираверинг – булар ҳаммаси эркаклар ўйлаб топган нарсалар. Мана мен, шундай фокусни биламан – бунинг олдида сиз айтган нарсалар ҳаммаси арзимаган гап! Бу энг кучли эркакни ҳам ёрдамга мухтож ёш болага айлантиниб қўяди. Бир дақиқа. Мана. Кўзингизни юминг. Тайёرمىсиз? Бир дақиқа...

Билл кўзларини юмиб кута бошлади, сўнг эса лабларида хотинининг худди атиргулнинг гулбаргидек лабларини ҳис қилди.

– Сен ютдинг! – тантана билан бўйнига олди Билл ва хотинини маҳкам қучоклади.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Билл эртаси куни эрталаб Хазл ва Хатти учун пул тўлагани шаҳарга кетди. Саксон отларни тезроқ кўришга ҳовлиқиб кетаётгани учун эрининг нега шошмаётганини тушуна олмаётганди. Бироқ эри икки от кўшилган фургонни ҳайдаб келганда эрини бу гуноҳи учун кечирди.

– Эгар-жабдукларни қарзга олишга тўғри келди, – деди Билл. – Поссумни менга бериб, бу ёққа чиқ. Мен сенга “Ха-хада айланиш” нима эканлигини кўрсатаман. Зўр бўлади, менга ишонавер!

Улар шаҳар ташқарисига чикиб, отлар йўл бўйлаб югуриб кетишганда, Саксоннинг хурсандчилигининг чеки йўқ эди. У ўз хурсандчилигини ифодалаш учун сўз топа олмасди. Арава ўриндигининг суянчиғи баланд бўлиб, устига чарм қопланган ва жуда қулай эди. Билл отларни тўхтатадиган мосламанинг зўр жойлашганидан ҳайратда эди. У отларнинг бир маромда чопишлари билан мақтаниб кўйиш учун уларни ўз холига кўйиб берди, сўнг эса отлар ўзларининг зотларига мос эканликларини Саксонга кўрсатиб кўйиш учун уларни араванинг филдираклари гупчагига гача тупрокқа ботиб кетган тикка тоққа кўтарилиб кетган йўлга қараб ҳайдади.

Саксон ҳамма гапларини гапириб бўлгач, Билл хотини нима ўйлаётган бўлиши мумкинлигини билмоқчи бўлгандек, ер остидан унга қараб қўйди. Саксон, ниҳоят, бир хўрсиниб олиб, сўради:

– Нима деб ўйлайсан, қачон йўлга тушсак бўлади?

– Балки икки ҳафталардан кейин, балки икки-уч ойлардан кейин. – Билл ҳар битта сўзини ўйлаб гапираётгандек, салмоқланиб деди: – Иккаламиз худди

анави ирландияликка ўхшаймиз: сандиғи бор, бироқ сандикка соладиган ҳеч нарсаси йўқ. Мана, бизнинг ҳам фургонимиз ва отларимиз бор, юкимиз эса йўқ. Мен яқинда милтик кўрдим – жуда ажойиб! Ўн саккиз доллар сўрашди. Албатта, янги эмас. Бироқ қарзларимизни ўйласам... Сенга йигирма икки калибрли винтовка олиб беришни хоҳлаётгандим. Кийик овлашим учун эса менга ўттиз калибрлиги керак бўлади. Бундан ташқари, сенга букланадиган қармоқ керак, менга ҳам. Аслаҳа-анжомлар ҳам жуда қиммат. Менга ёқадиган от абзаллари ҳам эллик долларларга тушади. Фургонни бўяш керак. Яна отларни ўтлашга қўйиб юборганда боғлаб қўйиш учун арқон, арпа учун хуржун, у-бу асбоблар ва бошқалар керак... Агар беҳаракат ўтирадиган бўлсак, Хазл ва Хатти бизга жуда қимматга тушади... Мен ўзим ҳам қачон йўлга тушишимизни кутиб ётибман...

Билл бирдан хижолат тортгандек жим бўлиб қолди.

– Хўш, Билл, нимани ўйлаб қолдинг? Яширма, кўзларингдан сезиб турибман.

– Саксон, биласанми, гап нимада. Сэндоунинг алами чикиб юрибди, ўзини қаерга қўйишни билмаяпти – ахир у менга қўлини ҳам теккиза олмади – ўз санъатини кўрсатишга имкони бўлмади. Хуллас, у реванш талаб қиляпти. Бутун шаҳарга агар керак бўлса, унинг бир қўлини боғлаб қўйиш мумкинлигини, у битта қўли билан ҳам мени йўқ қила олишини гапириб юрибди. Бироқ муҳими бу эмас, муҳими оломон бизни яна бир марта кўришни хоҳлаяпти. Ахир, ўша куни улар пул тўлаб ҳеч нарса кўра олмадилар. Одам роса кўп бўлади. Ташкилотчилар мен билан гаплашиб бўлишди; мен шунинг учун ушланиб қолгандим. Сенинг бир оғиз сўзинг ва роппа-роса икки ҳафтадан

сўнг яна уч юз доллар олишимиз мумкин. Ҳаммаси биринчи сафардагидек бўлади. Сэндоу менинг қўлимда. У эса мени қишлоқи ва ўша зарба тасодифий эди, деб юрибди.

– Бирок, Билл, сен ўзинг бокс одамни хароб қилади, деб мени ишонтирган эдинг. Шунинг учун боксни ташлаб, отлар билан шуғуллана бошлаган эдинг.

– Ҳа, бирок бундай бокс эмас, – эътироз қилди Билл. – Мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Уни еттинчи раундгача ушланиб туришига йўл қўйиб бераман – ундан олдин эплай олмаганим учун эмас, томошабинлар тўлаган пуллари учун бир оз завқланишсин. Бундай шароитда, албатта, бир оз калтак ейман. Бирок керакли дақиқа етиб келганда мен яна унинг жағига тушираман ва ҳисоб-китоб тўғри бўлади. Шундан сўнг сен билан иккаламиз нарсаларимизни йиғиштириб, эртаси куни эрталабдан йўлга тушамиз. Хўш, қалай? Нима дейсан? Саксон, рози бўлсанг-чи!

Икки ҳафтадан сўнг, шанба куни кечқурун Саксон эшик жарангини эшитиб, ташқарига отилди. Биллнинг қийналиб кетгани кўриниб турарди: сочлари қапишиб кетган, бурни шишган, бир ёқ юзи ҳам шишиб, у ер-бу ерида териси шилиниб кетган, кўзларига қон қуйилган эди.

– Жин урсин! Унча-мунча йигитлардан эмас экан! – Саксоннинг қўлига бир ховуч пулни тутқазар экан, деди Билл. Сўнгра стулга чўкиб, Саксонни тиззасига ўтказди. – Жаҳли чиқиб кетганда унга тенг келиб бўлмас экан. Мен уни еттинчи раундда тутатмоқчи эдим, ўн тўртинчи раундгача курашишга тўғри келди. Фақат ўшандагина ўйлаган режамни амалга ошира олдим. Унинг битта айби – ияги жуда нозик экан. Аслида, у мен ўйлагандан кўра чаққонроқ экан.

Иккинчи раунддан бошлабоқ мен унинг зарбаларининг кучини сеза бошладим. Унинг яқиндан зарбаси зўр экан, бироқ ияги!.. У ўн тўртинчи раундгача иягини худди шишадек асрай олди, ана ундан кейин эса мен ниҳоят истаган еримга ета олдим...

Биласанми, Саксон?.. Мен матч ўн тўртинчи раундгача чўзилганидан хурсандман. Мен ҳали ҳам формада эканман. Буни дарров ҳис қилдим. Ҳеч ҳам ҳарсиллаб қолганим йўқ, раундларнинг ўтганини ҳам сезмадим. Керак бўлса, қирқта раунд ҳам чидаб берардим. Биласанми, Саксон, мен сенга шу пайтгача айтмагандим: “Чикаго Дахшати” мени бошлаб калтаклаганидан кейин мен ўзимга ишонмай қолгандим.

– Бекор гап! Аллақачон яна кучингни синаб кўришинг керак эди! – хитоб қилди Саксон. – Кармелда бокс билан, кураш, югуриш билан қанча шуғулландинг-ку.

– Йўғ-ей! – Билл бошини чайқаб деди. – Бу бутунлай бошқа нарса, ҳеч нарса билан таваккал қилмайсан. Ҳаёт эмас, ўлим учун ҳақиқий жангга кирганигда ва раундма-раунд бақувват, тажрибали боксёр билан курашга тушсанг-да ва оёқларинг букилмаса, текис нафас олсанг, юрагинг кинидан чиқиб кетай демаса, миянг тиниқ бўлса – демак сен формадасан. Менда худди шундай бўлди, мен ўзимни буткул яхши ҳис қилдим. Кейин, Саксон, биласанми, энди рингда бошқа таваккал қилмоқчи эмасман. Сўз бераман. Пул енгил, бироқ қийинчилик билан топилади. Шу бугундан бошлаб фақат от савдоси билан шуғулланаман. Ва иккимиз ойдин водийни топмагунимизча дунё кезаверамиз.

Улар Юкайадан эртаси куни эрталаб вақтли чиқиб кетишди. Поссум ҳаяжонланганидан нимпушти оғзини

очганча уларнинг ўртасида ўтирарди. Улар тўп-тўғри соҳилбўйига қараб кетишмоқчи эди, бироқ баҳор энди бошланган бўлиб, юмшоқ тупроқ йўллар қишки ёмғирлардан сўнг ҳали қуриб улгурмаган эди. Шунинг учун улар кейинчалик шимолга йўл олиб, Сакраменто водийсининг юқори қисмини кесиб ўтиш ва тоғлар оша Орегонга ўтиш учун шарққа, кўллар жойлашган ҳудудга қараб кетишди. У ердан улар ғарбга, денгизга қараб йўл оладиган бўлишди. Соҳилбўйига кетган йўллар эса у пайтга қадар қуриган бўлади ва улар денгиз бўйлаб Олтин дарвозаларгача етиб боришлари мумкин.

Атроф ҳаммаёқ ям-яшил бўлиб, гулга бурканган ва тоғдаги ҳар бир жарлик гуллаб-яшнаган боғга ўхшарди.

– Ҳа-а! – кимгадир мурожаат қилаётгандек деди Билл. – Иккаламиз қанчалик ўзгардик-а! Менинг бир умр шунча нарсам бўлган эмас – ахир мен ҳеч қачон бормай, бир ерда ўтирардим. Жин урсин, ҳатто мебеламиз ҳам ўзимизники эмас эди. Фақат кўйлақларимиз, бир неча жуфт эски пайпоқ ва яна озгина эски-тускимиз бор эди, холос.

Саксон энгашиб, Биллнинг кўлини ушлаб кўйди – йигит бу ҳаракат севги ва эркалашни англатишини жуда яхши биларди.

– Мен фақат буларнинг бари сенинг пулинга келгани ва мен ҳеч қандай ҳисса қўша олмаганимга ачинаман.

– Ҳеч ҳам-да! Сен менга ҳамма нарсада ёрдам бериб келгансан. Сен мен учун боксдаги секундант кабисан. Сен туфайли мен доим бахтлиман ва соғломман. Агар сен бўлмаганимда мен ўлиб қолсам ҳам, бу ерларга келмас эдим. Мени Окленддан олиб чиқиб кетиб, шу ерларга сен олиб келдинг. Агар сен бўлмаганимда мен

аллақачон ичиб кетган ёки птрейкбрехерларни калтаклаганим учун Сен-Квентинда дорга осилиб турган ёки бошқа бирор нарса бўлардим. Ҳозир эса менга қара, мана бу пулга қара, – Билл чўнтагига уриб қўйди. – Бу ерда отларни сотиб олиш учун етарли пул бор! Иккаламиз худди ҳеч тугамайдиган таътилга чиққанга ўхшаймиз; маошимиз ҳам ёмон эмас. Мен янги касб ҳам орғириб олдим – Оклендга от етказиб тураман. Улар мен бу ишларни яхши тушунишимни кўришгач – менга ишонавер, мен чиндан ҳам жуда яхши тушунаман, – Фрискодаги ҳамма отхоналарнинг хўжайинлари менинг орқамдан югурадиган бўлишади. Буларнинг бари сенинг меҳнатинг. Сен – менинг Ҳаёт Эликсиримсан, ҳа, ҳа. Агар ҳозир Поссум менга тикилиб турмаганда мен... Э-э, қараса қарайверсин, бизга нима! – Шу гаплар билан Билл энгашиб хотинини ўпиб қўйди.

Йўл борган сари баландлашиб, тошлоқ бўла боргани билан улар тоғ тепасидан осонлик билан ўтишди ва тез орада лолазор бўлиб ётган далалар ўртасидаги Ҳаворанг Кўл дарасига туша бошлашди. Даранинг тубида ҳаддан ташқари кўм-кўк сув оқиб ётарди. Узокда, бир қатор тепаликлар ортида бу ажиб кўри-нишнинг марказидек бўлиб ёлғиз баланд тепалик кўтарилиб турарди.

Саёҳатчиларимиз ўтиб кетаётиб, бир эркакка мурожаат қилишди. Эркакнинг юзи ёқимтойгина, оқарган сочлари жингалак бўлиб, немисча талаффузда гапирарди. Эркак ёшларнинг саволларига жавоб берар экан, кўл ёнида қад кўтарган, Швейцария услубида қурилган уйнинг панжара ўрнатилган баланд деразасидан бир аёл уларга жилмайиб қараб турарди. Билл чиройли меҳмонхонанинг ҳовлисига кириб,

отларини суғориб олишга эришди. Меҳмонхона хўжайини уларнинг олдига чиқиб келди ва танишишганларидан сўнг уларга бу меҳмонхонани улар кўрган жингалак сочли эркакнинг чизгиси бўйича ўзи курганини айтиб берди. Жингалак сочли эркак Сан-Францисколик архитектор экан.

– Одамлар қаторига кўшиляпмиз, – олдингисидек кўм-кўк бўлган бошқа бир кўл олдидан ўтиб кетишар экан, хурсанд бўлиб деди Билл. – Одамлар энди бизга бир пайтлар орқамизда халтамиз билан юрган пайтларимиздагидан бошқачароқ муомала қилишяпти. Хазл ва Хаттини кўриб, Саксон ва Поссумни, камина ва мана бу фургонни кўриб, улар бизни булар миллионер ва маза қилиб айланиб юришибди, деб ўйлашяпти.

– Миссис Хэзард Женева кўлидан қандай ҳайратлангани эсимда, – деди Саксон. – Бироқ менимча у бу кўллардан зўрроқ эмас эди.

– Анави архитектор бу жойларни Калифорния Альпи деб атаган эди, эсингдами? – эслатди Билл. – Ва, агар янглишмасам, ҳов анави ерда Лэйкпорт кўриняпти. Бутунлай ёввойи жойлар экан, темир йўл ҳам йўқ.

– Ойдин водийлар ҳам йўқ, – кўшиб қўйди Саксон. – Бироқ нима бўлса-да, жуда ажойиб, чиройли жойлар экан.

– Ёзда дўзахдай ёнса керак, – деди Билл. – Йўқ, бизга керак жойлар соҳилбўйига яқинроқ жойда бўлиши керак. Бироқ, барибир, жуда чиройли экан... Саксон, биласанми нима? Кечга яқин қаердадир тўхтаб, кўлда бир чўмилиб оламиз. Нима дейсан?

Ўн кундан сўнг улар Вильяме шаҳарчасига етиб келишди ва ниҳоят, яна темир йўлни кўришди. Бу айни

пайтда эди, чунки фургонларининг орқасидан улар Оклендга юбориш учун сотиб олганлари иккита ажойиб отлар ҳам келаётган эди.

– Бу ерлар жуда иссиқ экан, – куёш нурлари остида чарақлаб турган Сакраменто водийсига қараб деди Саксон, – секвойялар ҳам йўк. Тоғ ҳам, ўрмонлар ҳам йўк. Ёввойи мевалар ҳам йўк. Ҳамма ёқ бўм-бўш ва зерикарли...

– Ерлари жуда ҳосилдор экан, бироқ роса меҳнат талаб қилади. Бу худди кулдек ишлашни ёқтиради-ганлар учун яхши, бироқ бу ерда одам ўзини қандай хурсанд қилиши мумкинлигини тушунмаяпман. Балиқ овининг ҳам, овга чиқишнинг ҳам имкони йўк. Фақат, мана, меҳнат қил. Агар шу ерда яшашимизга тўғри келса, мен ўзим ҳам елкамни яғир қилиб ишлашим керак.

Улар шимол томонга қайрилиб, чидаб бўлмас иссиқда йўлларида давом этишди. Улар бутун водий бўйлаб қишлоқ хўжалигининг “янгича” деб аталувчи усулларининг белгиларини кўришди: тайёр бўлган ёки устида ишланаётган мураккаб суғориш тизимлари, тоғлардан чўзилиб келган электр кабел симлари, кўплаб янги фермалар ва бошқалар. Катта хўжаликлар бўлиниб кетганди. Шундай бўлса-да баҳайбат қайрағочлар ўсган, ҳар бири беш мингдан ўн минг акргача бўлган кўплаб мулклар қолган бўлиб, улар Сакраменто қирғокларидан бошланиб, уфққа қараб чўзилиб кетган эди.

– Бундай дарахтлар фақат бой тупроқда ўсади, – деди ўн минг акрли ернинг хўжайини.

Саксон ва Билл Хазл ва Хаттини суғориш учун фермернинг кичкинагина отхонасига киришди. Яқингинада оқланган, юзлаб жўжалар донлаб юрган қушлар

учун майдонча ҳам катта жойни эгаллаган бўлса-да, фермер ерининг катта қисмини бақувват ёш дарахтлар ўсиб ётган боғ учун ажратган эди. У эндигина синчли уй қуришга ҳам киришган экан.

– Мен бу жойни сотиб олишим билан кўчат экиш учун таътил олдим, – тушунтирди у. – Кейин шаҳарга қайтиб бориб, бу ерда ҳамма ёқни тозалаб бўлгунларича ишлашда давом этдим. Мана энди бу ерга бутунлай кўчиб ўтдим. Уйимни қуриб бўлгач, хотинимни ҳам чақираман. Унинг соғлиғи заифроқ, бу ернинг ҳавоси эса унинг учун фойдали. Биз шаҳардан кетишни режалаштирганимизга анча бўлган эди, шунинг учун неча йилдан бери тинмай ишлаб келдик... – Фермер гапидан тўхтаб, кўкрагини тўлдириб нафас олди. – Мана, ниҳоят, биз озодмиз.

Новадаги сув қуёшдан қизиб кетган эди.

– Тўхтанглар, – деди фермер. – Отларингизга бу сувни берманглар. Мен ҳозир уларга муздек сув бераман.

У пастаккина бостирма ичига кириб, мевалар соладиган қути катталигидаги моторни ёқар экан, мотор гуриллаб ишлаб кетди. Беш дюймча қалинликдаги тиниқ сув оқими суғориш тизимининг унча чуқур бўлмаган ўқариғига тушиб, бутун боғни суғорадиган кўплаб ариқларга тарқалиб кета бошлади.

– Чиндан ҳам ажойиб-а? Ажойиб! Ажойиб! – қувонч билан ҳайратланиб деди фермер.

– Сув – бу ҳамма нарса. Қон ва ҳаёт. Буни қараглар! Бунинг олдида тилла конлари ҳеч нарса эмас. Мен буни жуда яхши тушунаман. Мен... мен ўзим ҳам буфетчи бўлганман. Шунинг учун ҳам пул тўплаб, ер олишнинг имкони бўлди. Мен доим ўз ишимни ёмон кўриб келганман. Ўзим қишлоқда туғилиб, ўсиб, бир

умр кишлокқа қайтишни орзу қилгандим. Мана, ниҳоят, орзуим ушалди.

Фермер қимматбаҳо сувни яхшилаб кўриш учун берилиб кўзойнагини артди, сўнгра мотигасини олиб кичик ариқларга сувни очиб юбориш учун ўқарик томонга қараб кетди.

– Бундай ажойиб буфетчини мен ҳеч қачон учратмагандим, – деди Билл. – Мен уни тадбиркор бўлса керак, деб ўйлагандим. У, афтидан, бирорта тинчгина, сокин мехмонхонада ишлаган бўлса керак.

– Кетишга шошмайлик, – деди Саксон. – Мен ундан яна бир нарсаларни билиб олгим келяпти.

Фермер кўзойнагини арта туриб, уларнинг олдига қайтиб келди. У жилмайганча, сув худди уни сеҳрлаб кўйгандек, сувдан кўзини узмасди. Уни суҳбатга тортиш Саксонга қийин бўлмади.

– Пионерлар бу ўлкаларга эллигинчи йилларнинг бошида келиб қолишган, – гап бошлади фермер. – Мексикаликлар унчалик ичкарилаб киришмаган. Бутун ерлар эса давлатники эди. Ҳар бир оила бир юз олтмиш акрдан ер олган. Қандай ерлар эди-я! Ўша пайтларда бир акр ердан қанчадан буғдой олинганини эшитсанг, ўз кулоқларингга ишонмайсан! Кейин қанча воқеалар бўлиб ўтди: бу ерга келганларнинг узокни кўра оладиган, қатъий табиатлилари ўз ерларини ушлаб қололдилар ва омади келмаган кўшниларининг ерларини ўзлариникига кўшиб олдилар. Ахир, кўриб турганингиздек бундай катта фермаларни ташкил қилиш учун озмунча ер керакми. Тез орада майда хўжаликларнинг кўпини йирик мулклар ютиб юборди.

– Ҳа, уларнинг омади келганди, – Марк Холлнинг сўзларини эслаб деди Саксон.

Фермер маъқуллагандай, бошини силкиб қўйди.

– Кексалар яхшилаб бош қотириб, ерларни бирлаштириб, йирик мулклар ташкил қилишди, уйлар, отхоналар қуришди, уйлари атрофига мевали боғлар барпо қилишди, гулзорлар яратишди. Бундай бойликдан талтайиб кетган ёшлар эса уни совуриш учун шаҳарларга кетиб қола бошлашди. Бироқ бир нарасада кексалар ҳам, ёшлар ҳам бир хил эдилар: иккалалари ҳам виждонлари ҳеч бир қийналмай ерни чарчатишарди. Йилдан-йилга мўл ҳосил олишарди, бироқ ернинг кучини асраш тўғрисида ғамхўрлик қилишмасди. Улардан сўнг ер кучсизланганча қолаверарди. Сизлар ҳали йўлда эгалари томонидан тор-мор қилиниб, сўнгра ташлаб кетилган ва чўлга айланган улкан хўжаликларни учратишингиз мумкин.

Энди эса, худога шукур, йирик фермерлар кетиб бўлишган ва уларнинг ўрнига биз келдик. Бир неча йил ўтгач, водийнинг ҳаммаси меникига ўхшаган унча қатта бўлмаган гуллаб яшнаган боғга айланади. Биз нима қилишимизни кўряписизми? Биз энди буғдой ўса олмайдиган кучдан қолган ерларни оламиз, яхшилаб суғорамиз, гўнг соламиз ва мана, боғларимизни томоша қилинг!

Биз сувни тоғлардан, ер остидан олиб келдик. Мен яқинда бир мақола ўқигандим. У ерда айтилишича, ҳар қандай ҳаёт овқатга боғлиқ экан, ҳар қандай овқат эса сувга боғлиқ. Бир фунт ўсимлик маҳсулоти учун минг фунт сув керак бўлади, бир фунт гўшт учун ўн минг фунт сув керак бўлади. Бир йилда қанча сув ичилади? Бир тоннага яқин. Бироқ икки юз фунтга яқин сабзавот ва икки юз фунтга яқин гўшт имтеъмол қиласиз. Бу сабзавотда юз тонна ва гўштда минг тонна сувни ташкил қилади. Демак, сиздек кичкинагина аёлнинг

истеъмоли учун бир йилда бир минг бир юз бир тонна сув керак бўлади.

– Зўр! – зўрға дея олди Билл.

– Мана энди одамнинг хаёти қанчалик сувга боғлиқ эканини кўриб турибсиз, – гапида давом этди собик буфетчи. – Биз бу ерда ҳеч қачон тугамайдиган ерости суви захираларини топдик. Бир неча йилдан сўнг бу водийда ҳам аҳоли худди Бельгиядагидек зич жойлашган бўлади.

Гуриллаётган моторнинг ердан суғуриб олган беш дюйм қалинлигидаги сув оқимини яна ўзига қайтараётганига маҳлиё бўлиб қолган фермер суҳбат ҳам эсидан чиқиб, саёҳларнинг жўнаб кетганларини ҳам сезмай қолди.

– Мана шу киши одамларга қуйиб берган бўлса-я! – Билл хайратда эди. – Ахир у одамларни бирпасда хушёр торттириб қўяди-ку!

– Сув ҳақида ва бу ерга кўчиб келаётган одамлар ҳақида ўйласанг, одамнинг қувончи ичига сиғмай кетяпти...

– Ҳа, бироқ бу ҳали олтин водий эмас! – қулди Билл.

– Албатта, йўқ. Ойдин водийни, агар у ерга беда ва бошқа ем бўладиган ўтлар экмасанг, сунъий суғориш шарт эмас. Бизга сувнинг ўзи ердан чиққан бўлиши ва еримиз бўйлаб оқиб ётиши керак. Еримизнинг чегарасида эса чиройли тиниқ сув оқиб ўтиши керак...

– Ва бу сувда форель балиқлари бўлиши керак, – хотинининг гапини бўлди Билл. – У сувнинг четларида мажнунтол ва бошқа дарахтлар ўсиб ётган бўлиши керак. Яна бу сувнинг ўртасида ўша балиқларни тутиш учун тошли жой ва яна сузиш ва шўнғиш учун чуқур жойлари ҳам бўлиши керак. Ва у ерга сув ичиш учун

кўкторғоклар учиб келиши, куёнлар, балки кийиклар ҳам келиши керак...

– Ўтлоқ тепасида эса тўрғайлар сайраб туриши керак, – қўшиб қўйди Саксон. – Дарахтларда каптарлар гувиллаб туриши керак. Бизнинг албатта, каптарларимиз ва катта кулранг, майин юнгли олмахонларимиз бўлади...

– Ҳа, бизнинг ойдян водийимиз ажойиб жой бўлади, – қамчиси билан Хаттининг устига қўнган пашшани хайдар экан, хаёл билан деди Билл. – Нима дейсан, биз бундай жойни топа олармиканмиз?

Саксон ишонч билан бош силкиди.

– Яхудийлар жаннатсимон ўлкаларини, мормонлар Ютани, пионерлар Калифорнияни топганларидек, биз ҳам ойдян водийни албатта, топамиз. Окленддан жўнаб кетаётганимизда айтишган гап эсингдами: “Излаган – топади”.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Иккита тўриқ от қўшилган ажойиб фургон серҳосил ва гуллаб ётган водийлар оша Виллоус, Рэд Блаф ва Реддинг шаҳарларида тўхтаб, Колюз, Глен, Техама ва Шаста ўлкалари орқали шимолга қараб кетиб борарди. Кўплаб фермаларга кириб чиққан бўлса-да, Билл Оклендга жўнатиш учун фақат учтагина яхши от топа олди. У эркаклар билан уюрларни қараб чиқар экан, Саксон аёллар билан суҳбатлашар ва борган сари улар излаётган жойлар бу ерда эмаслигига ишончи ортиб бораётган эди.

Реддингда Саксон ва Билл паромда Сакраменто дарёсини кесиб ўтишди ва кейин кун бўйи гоҳ тепаликлар, гоҳ текисликлардан ўтиб, йўлда давом

этишди. Иссиқ борган сари авжига чиқиб, дарахтлар ва буталар қовжираб, худди қуриб қолгандек кўринарди. Улар Сакраментога яқинлашиб баҳайбат чўян қуйиш заводларини кўришганда, ўсимликларнинг нега бундайлигига ажабланмай кўйишди.

Улар уйлар қуш уясидек қуриб ташланган завод посёлкасидан тезроқ чиқиб кетишга ҳаракат қилишди. Ажойиб шоссе бир неча мил давомида тепаликка қараб кўтарилиб, сўнг Сакраменто каньонига шўнғиб кетарди. Бу ерда йўл бирмунча текис бўлса-да, бироқ шунчалик тор эдики, Билл рўпарадан экипаж чиқиб қолиб, тўкнашиб кетишдан хавфсираётганди. Пастда, чуқурликда эса кўпириб дарё оқарди.

Вақти-вақти билан йўл кенгайганда отларни Саксон бошқарар, Билл эса отларга енгилроқ бўлиши учун уларнинг ёнида кетарди. Саксон навбатма-навбат яёв юришни эридан талаб қилиб туриб олди. Билл тикка қияликларда ҳансираб қолган отларга дам бериш учун тўхтатар экан, Саксон отларни эркалатиб унинг ёнида турганда, Билл бу ажойиб ҳайвонларга, иссиқдан қизариб кетган бу ёшгина аёл – қомати келишган, чиройли хотинига қараб туриб бахтидан энтикиб кетаётган эди. Мана, Саксон ҳам эри қарашлари билан нима демокчилигини ҳис этгандек, эрига меҳр билан қаради. Билл ҳозир нимадир дейиши кераклигини, акс ҳолда бахтдан ёрилиб кетишини ҳис этиб, хитоб қилди:

– Эҳ, сен, болакай!

– Ўзинг болакайсан! – кўзлари бахтдан чарақлаб деди Саксон.

Бир кечани улар қишлоқ ва қутилар ишлаб чиқарадиган фабрика жойлашган дарада ўтказишиб, эртаси куни яна йўлга тушишди.

Улар қоялари мустаҳкам қалъа каби кўм-кўк осмон фонида алангаланиб кўринаётган Касл Крегсдан ўтишди. Ўрмонзор ўсиб ётган каньонларнинг бирида уларнинг олдида Шаста тоғининг оппоқ қорга бурканган қоялари кўринди. У ям-яшил даралар орасидан худди тонгги шарпадек ялт этиб кўринди, бироқ ҳали бир неча кун мобайнида уни кўриш саёҳларимизнинг пешоналарида бор эди: кутилмаган кайрилишда, тикка кўтарилаётганларида уларнинг олдиларида Шаста чўққиси қайта-қайта намоён бўлар, бироқ энди иккала чўққи ва уларда ялтираётган музликлар ҳам кўринаётганди.

Сайёҳлар миллар оша, кунлар оша юқорига кўтарилишар экан, Шаста тоғи борган сари бошқа кўришга эга бўла борди.

– Худди осмон қўйнидаги кинога ўхшайди, – охири деди Билл.

– Эҳ, булар ҳаммаси шундай чиройли, – хўрсинди Саксон. – Бироқ ойдин водий бу ерда ҳам эмас.

Улар капалаклар галаси орасига тушиб қолишди ва уларнинг фургонлари бир неча кун давомида йўлни жигарранг духобадек қоплаб олган ушбу жониворларнинг куюқ тўдаси остида юришига тўғри келди. Хазл ва Хатти тез орада уларга кўникиб қолишди, бироқ Поссум уларга қараб тинмай вовуллашда давом этарди..

– Ҳм-м, мен отларни капалакларга ўргатишади, деб ҳеч эшитмагандим, – куларди Билл. – Бу нарса уларнинг нарҳини яна эллик долларга кўтаради.

– Ҳали шошмай туринглар, Орегон чегарасидан Роуг дарёси водийсига кириб борганингизда нима деркинсиз. Ердаги жаннат ана ўша ерда! – дейишди уларга маҳаллий одамлар.

– У ерда иқлим ҳам бугунлай бошқача, атроф-теварак шунчалар чиройли, мевазор боғлар... Бу боғлар икки юз фоиз фойда келтиради, ер эса бир акри беш юз доллар туради.

– Йўғ-е! – одамлардан нари кетишгач, улар эшитмайдиган қилиб деди Билл. – Бу бизнинг чўнтагимизга тўғри келмайди...

– Ойдин водийда олмалар тўғрисида, албатта ҳеч нарса билмайман, – эрининг гапини тугатди Саксон. – Бироқ ёлғиз Билл, биргина Саксон ва Хазл, Хатти ва Поссумлардан иборат бойлиқдан биз ўн минг фоиз бахт олишимизни жуда яхши биламан.

Сискиу ўлкасини босиб ўтишгандан сўнг, баланд тоғ тепасидан кесиб ўтишгач, улар Эшленд ва Медфордга етиб боришиб, Роуг дарёси қирғоқларида тўхташди.

– Бу ерлар ажойиб, гўзал, гап йўқ – деди Саксон, – бироқ бу ойдин водий эмас.

– Ҳа, бу ер ойдин водий эмас, – хотинининг гапига кўшилди Билл.

Улар ўртасидаги бу суҳбат кечкурун, Билл каттакон форель тутиб, томоғигача суви яхдек тоғ дарёсида туриб олиб, нақд қирқ дақиқа қармоқ ипини ғалтагига ўраш билан овора бўлгандан сўнг бўлиб ўтди. Ипни ўраб бўлгач, у ўлжасининг жабрасидан ушлаб олганча, сувдан сакраб чиқди.

– “Қидирган – топади” – улар доvon ошиш жойидан шимолга қараб йўл олишар экан, донишмандларча оҳангда деди Саксон. Улар тоғлар ва Орегон водийсининг ҳосилдор ерлари оша илгарига қараб кетишарди.

Бир куни Билл Умпква дарёси ёнида ўтириб олиб, биринчи марта отиб ўлдиргани кийикнинг терисини пишишни бошлар экан, Саксонга қараб деди:

– Агар мен Калифорнияда бўлиб кўрмаганимда, у ҳолда дунёда Орегондан яхшироқ жой йўқ, деб айтган бўлардим.

Кечкурун кийик гўшгидан қилинган овқатни еб бўлишгач, Билл ўт устига чўзилди ва тирсагига суяниб, папиросини ўт олдиран экан, деди:

– Балки ҳеч қанақа ойдин водий йўқдир ҳам. Бироқ, йўқ бўлса ҳам бари бир эмасми? Биз бу водийни бир умр излашимиз мумкин. Менга бундан ортигининг кераги йўқ.

– Йўқ, ойдин водий бор нарса, – қатъий эътироз қилди Саксон. – Ва биз уни топамиз. Биз уни топишимиз керак. Билл, ўйлаб кўргин, ахир бир умр дайдиб юравермаймиз-ку. У ҳолда бизнинг кичкина Хазлимиз, кичкина Хаттимиз, кичкина... Биллимиз... бўлмайди.

– Кичкина Саксон ҳам бўлмайди, – гап қўшди Билл.

– Кичкина Поссумлар ҳам бўлмайди, – бошини қимирлатиб, маза қилиб кийикнинг қовурғаларини тозалаётган итти силлаш учун қўлини чўзар экан, фикрини тугатди Саксон. Унинг бу қилиғига жавобан жаҳл билан ириллаган товуш эшитилди ва Поссум тишларини Саксоннинг қўлларига ботириб олай деди.

– Поссум! – уялтиргандай хитоб қилди қиз ва яна унга қўлини узатди.

– Бўлди қил! – хотинини тўхтатди Билл. – Ахир уларда бу инстинкт-ку. Ҳозир чиндан ҳам тишлаб олмасин.

Поссумнинг ириллаши борган сари кўрқинчли тус ола борди. У суягини химоя қилиб, тишлари билан

махкам ушлаб олди, кўзлари чакчайиб, жунлари тикка турди.

– Яхши ит ҳеч қачон суягини бериб қўймайди, – итнинг ёнини олиб деди Билл. – Мен оғзидагини олдириб қўядиган итни ушлаб юрмайман.

– Бироқ бу Поссум меники, – баҳслаша бошлади Саксон, – ва у мени яхши кўради. Мен эса у мени аллақандай суякдан кўра кўпроқ яхши кўришини истайман. Кейин – у гапга кулоқ солиши керак... Поссум, суякни бу ёққа бер! Дарров бер-чи! Эшита-япсанми?

Саксон эҳтиётлик билан яна қўлини чўзди, ириллаш ҳам кучайди ва ит яна қизнинг қўлини тишлаб олай деди.

– Ахир бу инстинкт деярман-ку сенга, – деди яна Билл. – У сени яхши кўради, фақат ўзини мажбур қила олмаяпти.

– Суягини бегоналардан ҳимоя қилишга унинг ҳақи бор, – деди Саксон. – Бироқ ўз эгасидан эмас. Мен уни суякни менга беришга мажбур қиламан!

– Саксон, фокстерьернинг жаҳлини чиқариш жуда осон. Уни чегарадан чиқишга мажбур қилма.

Бироқ Саксон ҳам ўжарлик билан ўз гапида туриб олди ва энгашиб ердан чўп олди.

– Қани, суякни менга бер-чи.

У қўлидаги чўп билан Поссумга пўписа қилди. Поссумнинг ириллаши кучайиб, у Саксонни тишламоқчи бўлди ва бутун танаси билан суякни тўсиб олди. Саксон худди уни урмоқчи бўлгандек, қўлини кўтарди. Шу пайт ит бирдан суякни ташлаб, тўрттала оёғини осмонга кўтарганча, Саксоннинг оёқлари остига ётиб олди. Унинг кўзлари тўла ёш бўлиб, худди кечирим сўраётган каби эди.

– Ажойиб! Буни қаранглар-а! – ҳайратдан қотиб қолганча, шивирлади Билл. – Саксон, буни қара! У, мана, мени нима қилсанг қил, дегандек сенга кўксини тутиб беряпти. У худди: “Мана мен. Устимга чик. Истасанг, ўлдир. Мен сени яхши кўраман, мен сенинг қулингман. Бироқ мен бу суякни химоя қилмай тура олмайман. Чунки мендаги инстинкт мендан кўра кучлироқ. Мени ўлдир қол, мен ўзимни мажбур қила олмайман” деяётганга ўхшарди.

Саксоннинг бутун ғазаби тарқаб кетиб, кўзларида ёш пайдо бўлди. У энгашиб, Поссумни қўлига олди. Ит ўзида йўқ хурсанд эди. У ангиллар, титрар, Саксоннинг юзини ялаб, кечирим сўрарди.

– Қалби олгиним, – юзини ҳали ҳам титраётган юмшоқ таначага босиб, эркалатди Саксон. – Онаси кечирим сўрайди, у ҳеч қачон энди сени қийнамайди. Мана, азизим, ола қол! Кўряпсанми? Мана суягинг! Ола қол!

Саксон итни ерга қўйди, бироқ Поссум анчагача суякни олишга жазм қила олмади. У худди чиндан ҳам унга рухсат беришдими, ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандек Саксонга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Фақат Саксон яна “Ол, ол” деб унга имлаганидан сўнггина суякка яқинлашди. Бироқ бир дақиқадан сўнг яна чўчиб кетиб, савол аломати билан Саксонга қаради. Саксон яна унга кулиб қаради. Шундан сўнг Поссум енгил тортгандек, хўрсиниб, суягига ёпишди.

– Одамлар итлар суяк талашгандек, иш деб талашшишади, деганида Мерседес Хиггинс ҳақ бўлган экан, – хаёл суриб, деди Билл. – Бу инстинкт. Поссум сенга ташланмасликдан ўзини тута олмагандек, мен ҳам ўша пайтларда штрейкбрехернинг юзига туширмасдан тура олмаган эдим. Буни тушунтириб

бўлмайди. Одам нима қилиши керак бўлса, ана шуни қилади. Агар у нимадир қилаётган бўлса, демак шу керак. У буни тушунтириб бера оладими ёки йўқми – бари бир. Эсингдами, Холл ўшанда мусобақада нега Мак-Мануснинг оёғи остига таёқ ташлаганини тушунтириб бера олмаган эди. Инсонларга нима мумкин бўлса, ўша мумкин. Мен билганим шу. Ахир уйимизда ижарада турган Жимми Гармонни уриш учун менда ҳам ҳеч қандай сабаб йўқ эди. У ажойиб йигит, виждонли, тоза. Бироқ мен ўша пайтда уни қалтаклаш учун эҳтиёж сезаётгандим: иш ташлаш ҳам натижасиз бўлганди, ичим қоп-қоронғи бўлиб, атрофдаги ҳамма нарса асабимга тегаётганди. Мен сенга айтмаган эдим: турмадан чиққанимдан сўнг, қўлларимнинг яраси битаётганда мен у билан кўришган эдим. У ишлайдиган депога бордим, қаергадир чиқиб кетган экан, келишини кутиб турдим. У келгач, кечирим сўрадим. Мени кечирим сўрашга нима мажбур қилди? Билмадим. Афтидан, уни уришга нима мажбур қилган бўлса, ўша сабаб бўлса керак. Афтидан, мен бошқача ҳаракат қила олмасдим.

Билл Умпква дарёси қирғоғида тунаб қолишар экан, юқоридаги гаплар билан файласуфлик қилар, бу орада эса Поссум унинг гапларини тасдиқлаётгандек, кийик суягини бақувват типлари билан маза қилиб ғажир эди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Саксон ва Билл Розбургга етиб келишди. Саксон отларни бошқараётган, ёнида эгарда эса Поссум ўтирарди. Фургоннинг орқасига иккита ишчи от бойлаб қўйилган, уларнинг орқасидан эса яна олгита от келарди. Ҳаммасидан охирида эса тўққизинчи от устида Билл келаётганди. Йигит Розбургда бу отларнинг барини Окленд отхоналарига жўнатиши керак эди.

Оқ чумчук ҳақидаги ривоятни улар биринчи марта Умпква водийсида эшитишди. Бу ривоятни уларга кекса фермер айтиб берди. Бу фермернинг ерлари батариблиги ва яхши қаралганлиги билан бошқа фермерларга намуна бўлгудек эди. Билл кейинчалик фермернинг қўшиларида унинг мол-мулки тўрт миллион долларга етишини эшитди.

— Сизлар фермер ва оқ чумчук ҳақидаги гапни эшитганмисизлар? — бир куни овқат тепасида сўради фермер.

— Дунёда оқ чумчуқлар борлигини ҳатто эшитмаганман ҳам, — деди Билл.

— Бор, лекин чиндан ҳам жуда кам, — унинг гапига қўшилди фермер. — Бироқ одамлар орасида мана бундай гаплар юради: ишлари ҳеч ҳам юришмаётган бир фермер бор экан. У хўжалигини ҳеч ҳам юрита олмаётган экан. Бир куни сеҳрли оқ чумчук ҳақида эшитиб қолибди. Айтишларича, бундай чумчукни фақат тонг саҳардагина учратиш мумкин бўлиб, уни ушлаган одамга у бахт ва омад олиб келар экан. Бу гапни эшитган фермер эртаси куни вақтли уйғониб, оқ чумчукни кута бошлабди. Ишонасизларми, у бу қушчани ойлаб қидирибди, бироқ ҳатто узоқдан бўлса ҳам кўра олмабди. — Шу ерда фермер бошини чайқаб

кўйди. – Ҳа, у қушни учратмаган, бироқ ҳар куни эрталаб фермасида унинг диққатини тортган нарсаларни кўрибди. Кўп ўтмай унинг фермаси гуллаб-яшнаб кетибди ва тез орада у ҳамма қарзларидан қутилиб, банкда ўз ҳисобини очибди.

Шу куни улар йўлга тушишар экан, Билл чуқур ўйга толди.

– Мен у нимага шама қилаётганини жуда яхши тушундим, – деди у ниҳоят. – Албатта, ҳеч қандай оқ чумчуқ бўлмаган, бироқ фермер вақтли тура бошлагани учун илгари эътибор бермаган нарсаларига эътибор бера бошлаган... Мен буни жуда яхши тушундим. Бироқ, Саксон, агар фермернинг ҳаёти шундай бўладиган бўлса, менга ҳеч қандай ойдин водийнинг кераги йўқ. Наҳотки ҳаёт фақат оғир меҳнатдангина иборат бўлса? Эрталабдан кечгача елкангни яғир қилиб шаҳарда ҳам ишлаш мумкин. Унда қишлоқда яшашнинг нима ҳожати бор? Фақат тундагина дам оласан, ухлаб ётганда эса ҳаётдан завқ ололмайсан. Қаерда ухлаш ҳам бари бир: уйку ўлим билан тенг. Қулдек ишлагандан кўра ўлиб кетган яхши. Мен дарбадар юришни афзал кўраман: бундоқ қарасанг – ўрмонда кийик отиб турибсан ёки дарёда форель тутяпсан; сояда маза қилиб ётиш мумкин ёки сен билан маза қилиб вақтни ўтказиш ва... истаганингча чўмилиш мумкин. Ахир мен яхши ишчиман. Бироқ керагича ишлаш билан ҳушингдан кетгунча ишлашнинг фарқи ҳам ана шунда!

Саксоннинг фикри ҳам шундай эди. У ўзининг илгариги ҳаётига – одамни эзиб ташлайдиган даражада меҳнат қилган даврига назар ташлаб ҳозирги кундаги ҳаётлари билан таққосларди.

– Бизга бойлик керак эмас, – деди у. – Ок чумчукларни Сакраменто водийсида ва бошқа сунъий суғориладиган водийларда тутаверишсин. Агар биз ойдин водийда эрталаб вақтли турадиган бўлсак, факат кушларнинг сайрашларини эшитиш ва улар билан бирга кўшиқ куйлаш учунгина турамыз. Агар баъзи пайтларда ишга зўр берадиган бўлсак, бу кейин кўпрок бўш вақтимиз бўлиши учун. Иккаламиз берилиб дангасалик қиламизки, иш биз учун завқ бағишлайдиган машғулот каби бўлади.

Улар ғарбга қараб бурилишди ва баланд тепаликлардан ғорлар орқали туша бошлашди. Йўл жуда хавфли эди – улар етти мил масофа орасида ўнта мажақланган автомашинани кўришди. Отларни чарчатишни истамай Билл тўлиб-тошиб оқаётган тоғ дарёси қирғоғида тўхтади ва шу заҳотиёқ дарёда иккита балиқ тутди. Саксон ҳам умрида биринчи марта катта балиқ тутди. У тўккис – ўн дюйм катталигидаги балиқларга ўрганган эди, катта балиқ илинган ғалтак ғичирлаганда у ажабланганидан қичкириб юборди. Билл хотинининг ёнига келиб, балиқни қандай чиқариб олишни ўргата бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг кип-қизариб, кўзлари чақнаб кетган Саксон эҳтиётлик билан қум устига каттакон форель балиғини ташлади. Бироқ шу пайт балиқ илмоқдан чиқиб кетиб, биланглар экан, Саксон бор гавдаси билан ўзини унинг устига ташлаб, кўллари билан ушлаб олди.

– Ўн олти дюйм! – хотини ғурур билан ўзи тутган балиқни унга кўрсатар экан, деди Билл. – Тўхта! Уни нима қилмоқчисан?

– Қумини ювиб ташламоқчиман, албатта, – деган жавоб бўлди.

– Яхшиси уни саватга солиб кўй, – маслаҳат берди Билл ва энди нима бўлишини кутиб, жим туриб қолди.

Саксон сув устига энгашиб, балиқни сувга туширди. Балиқ кизнинг кўлидан силтаниб чиқиб, кўздан ғойиб бўлди.

– Вой! – деганча қолди Саксон.

– Тутдингми, ушлаб қолишни ҳам билиш керак эди, – ўқитиш оҳангида деди Билл.

– Ажаб бўлди! – гап қайтарди Саксон. – Ўзинг ҳеч қачон бундай каттасини тутмагансан!

– Сенинг зўр балиқчи эканлигингни мен инкор қилмаяпман, – кулиб деди Билл. – Ахир биринчи мени тутиб олгансан-ку, тўғрими?

Улар йўлларида давом этишди. Осмон булутлар билан қопланган эди. Улар Кокиль дарёси бўйлаб кетишар экан, бирдан туман ичида қолишди.

– Эҳ-х! – қувонч билан деди Билл. – Қандай яхши! Мен ҳеч қачон туманнинг қадрига етмагандим, мана энди...

Саксон худди туман парчаларини ушламоқчидек, бағрини очди, сўнг эса туманнинг кулранг тўлқинларига чўмилаётгандек, сузиш ҳаракатларини қилди.

– Куёш жонга тегиши мумкин, деб ҳеч ўйламаган эдим, – деди у. – Бироқ биз охириги кунлари ундан етарли даражада фойдаланиб олдик.

– Ҳа, Сакраменто водийсига борганимиздан бери, – хотинининг гапига қўшилди Билл. – Кўп куёш ҳам яхши эмас экан. Мен буни энди тушундим. Куёш – бу винодек гап. Бир ҳафтага чўзилган булутли ҳаводан кейин куёш чиққанда одамнинг юраги енгил бўлиб қолишини сезганмисан? Айниқса, шундай пайтда бошқача туюлади. Худди бир култум виски ичгандек бўласан – бутун танаиғ бўйлаб иссиқ югуради. Ёки

маза қилиб сузганингдан сўнг... Сен сувдан чиққанингдан сўнг қандай маза бўлишини сезганмисан? Сабаби, бир рюмка қуёш коктейли ичиб олганингда. Бирок тасаввур қил, кумда икки соат ётганингдан кейин ўзингни сал олдингидек яхши ҳис этмайсан. Ҳаракатларинг сустрлашади, зўрга кийинасан. Уйга худди бутун кучинг сўриб олингандек, эмаклаб келасан. Нега шундай? Бу худди мастликка ўхшайди. Сен худди вискига тўйгандек, қуёшга ҳам тўйгансан ва энди бунинг учун жавоб бериш керак. Тушунарлими? Шунинг учун туманлар бўлиб турадиган иқлимда яшаш керак.

– Демак, сен билан иккаламиз охириги ойларда ётиб олиб ичибмиз-да, – деди Саксон. – Энди ўзимизга келиб оламиз.

– Бўлмаса-чи. Яна бир нарса, Саксон, биласанми, мен бу ерда бир кунда икки кунлик ишни қилишим мумкин. Отларга қарагин: улар ҳам ўзига келиб олишмаган бўлса, ўлай агар.

Бирок Саксоннинг кўзлари бу пайт ўзининг сеvimли секвойяларини натижасиз изларди. “Сизлар бу дарахтларни Калифорнияда учратасизлар, – дейишган эди уларга, – нарироқда, Бендонда...”

– Демак, биз жуда шимолга қараб кетиб қолибмиз, – деди Саксон.

– Ойдин водийни жануброқдан излашимиз керак экан, шекилли.

Улар энди жанубга қараб йўл олишди. Борган сари юриш қийинлашиб бораётган йўллардан юриб моллар етиштириладиган Ланглуа худуди, кейин қалин қарагайзор ўрмондан ўтиб, Порт-Орфордга етиб боришди. Саксон у ерда кирғоқдан бир ҳовуч кимматбаҳо тошлар терди, Билл эса баҳайбат треска балиғини

тутиб олди. Одам оёғи етмаган бу ерларда хали темир йўл йўқ бўлиб, жанубга юрилгани сари бу жойлар одамсиздек туюлаётган эди. Олтин бухта олдида улар яна эски дўстларини – Роуг дарёсини кўришди ва дарё Тинч океанига қуйиладиган жойда паромга ўтириб, дарёни кечиб ўтишди. Табиат борган сари ёввойироқ бўла бориб, йўллар ҳам қийинлаша борди. Бир-бир учраётган фермалар ва дарахтлар кесиб олинган майдонлар ҳам энди камроқ учраётганди.

Бу ерларда энди на осиеликларни, на европаликларни учратишаётган эди. Жуда сийрак жойлашган аҳоли бу ерларга биринчилардан бўлиб кўчиб келганлар ва уларнинг авлодлари эди. Саксон билан гаплашишар экан, кўплаб кексалар прериядан буюк ўтишни, хўкизлар кўшилган араваларни эслашди. Улар Тинч океанига етиб келгунларича борган сари жанубга қараб кетишган экан. Бу ерларда улар ўзларига ер ажратиб, тозалаб, соддагина уйлар қуриб, яшаб қолишган экан. Бутун ўтган йиллар давомида уларнинг ҳаётларида кўп нарса ўзгармабди: темир йўллар бўлмаган ва шу пайтгача бу йўлларда юришга бирорта ҳам автомобиль таваккал қилмаган экан. Шимол томонга қараб, бу одамларнинг ерлари билан аҳоли зич жойлашган водий ўртасида узоқларга чўзилган тоғ тизмалари ётарди. Билл бу жойларни овчилар учун жаннатдек жойлар, деб эшитган эди. Тўғри, йигитнинг таъкидлашича, улар бу ерга келгунча учратган ерларида ҳам ёввойи қушлар етарли эди. Ахир бир куни Биллнинг ўзи отнинг устида ўтирган жойида ажойиб шохдор қийик отиб олмаганмиди?

Олтин пляждан жануб томонга кета туриб, қуюқ ўрмонга олиб борадиган торгина йўлкадан кетишар экан, ёшлар узоқдан эшитилаётган кўнғироқ жаран-

гини эшитишди. Юз ярдча юришганидан сўнг Билл рўпарадан келаётган арава билан тўкнаш келиб қолмаслик учун кенгроқ жой топди. Улар шу ерда тўхтаб кута бошладди. Қувноқ қўнғироқ товуши эса тезлик билан уларга яқинлаша бошлади. Сўнгра тормознинг ғийқиллаши, тўртта отнинг ер тепкилагани, аравакашнинг товуши ва аёл кулгиси эшитилди.

– Жуда яхши ҳайдаяпти, гап йўқ, зўр! – деди Билл. – Шундай йўлда ва отларнинг бунақа юриши билан... унга шарафлар бўлсин!

Йўл тоққа кўтарилган сари иланг-биланг бўлиб кетган эди.

Қайрилишда яна экипаж кўриниб, тўғри уларга қараб бостириб кела бошлади. Олдинда эркак ва аёл ўтиришар, уларнинг орқасида жомадонлар, ёзув машинкаси ғилофи, милтиклар, кармоқлар орасида япониялик ўтирарди. Унинг шундай тепасида ва атрофида экипажга нималардир қилиб маҳкамлаб қўйилган кийик шохлари бор эди.

– Булар Хастингслар-ку! – хитоб қилди Саксон.

– Эхе-хе-хе! – экипажни тўхтата туриб, бақирди Хастингс.

Ҳаммалари саломлашишди, Билл ва Саксон Рио-Вистага кетишяётганда “Дарбадар”да учратишгани японияликни ҳам эздан чиқаришмади.

– Хўш, Сакраменто оролларига ўхшамайдими? Чиндан ҳам-а? – Саксонга қараб мурожаат қилди Хастингс. – Ҳа, бу тоғларда америкалик пионерларнинг қадимги қабилалари яшашади, холос. Одамлар ҳам ҳеч ўзгаришмаган. Жон кичик-Фокс бекорга уларни “бизнинг замонавий аждодларимиз” деб атамайди. Афтидан, бизнинг ота-боболаримиз айнан шундай бўлишган бўлса керак.

Хастингслар ўзларининг узоқ давом этган саёҳатлари хақида гапириб беришди. Улар икки ойдан бери айланиб юришган экан ва энди шимолга – Орегон ва Вашингтон орқали Канада чегараларига боришмоқчи эмиш.

– У ердан биз отларни орқага қайтариб юборамиз, ўзимиз эса поездда қайтиб келамиз, – гапини тугатди Хастингс.

– Бироқ сизларнинг тезлигингиз билан ҳозир узоқроққа кетган бўлишинглар керак эди, – танқид оҳангида деди Билл.

– Биз ҳамма ерда тўхтаб келяпмиз, – тушунтирди миссис Хастингс.

– Биз Хоупск кўриқхонасигача бордик, сўнг Троица ва Кламат дарёлари орқали қайикда океангача етиб бордик, – кўшилди Хастингс, – энди эса Кэрри ўлкасининг ўрмонларида икки ҳафта бўлгач, қайтиб кетяпмиз.

– Сиз ҳам у ерларда албатта бўлишингиз керак, – маслаҳат берди Хастингс. – Бугун кечкурун сизлар Горний ранчосига етиб борасизлар. У ердан Кэррига қараб кетишинглар мумкин. Тўғри, у ерларда йўл йўқ, отларни кўноқда қолдиришингизга тўғри келади. Бироқ ов қилиш ажойиб! Мен бешта шер ва иккита айиқ олдим. Кийикларни-ку, гапирмаса ҳам бўлади... У ерларда ҳатто буғуларнинг подасини ҳам кўриш мумкин. Йўқ, мен уларни отмадим. Уларни овлаш ман қилинган. Бу шохларни кекса овчилардан сотиб олдим. Мен сизларга бошидан гапириб бераман.

Эркаклар суҳбатлашишар экан, Саксон ва миссис Хастингс ҳам вақтни бекор ўтказишмади.

– Қалай, ойдин водийни топдингларми? – хайрлашаётганларида сўради ёзувчининг хотини.

Саксон бошини чайқади.

– Яхшилаб изласанглар, уни албатта топасизлар; бизнинг ранчомизга, Сонома водийсига келинглар. Агар шу пайтгача топмаган бўлсангиз, энди нима қилишни бирга ўйлашамиз.

Уч ҳафтадан сўнг Хастингсдан ҳам кўпроқ шер ва айиқлар отиб, Билл ва Саксон Кэрридан чиқиб кетиб, Калифорния чегарасини кесиб ўтишди. Саксон яна ўзининг кадрдон секвойяларини кўрди. Бироқ улар бу ерда жуда катта эди. Билл отидан сакраб тушиб, қадами билан дарахтлардан бирининг айланасини ўлчай кетди.

– Қирқ беш фут, – ишини тугатиб деди йигит. – Демак, диаметри ўн беш фут. Ҳаммаси шунақа, бундан йўғонлари ҳам бор экан... Йўқ, мана бу ингичкароқ экан, диаметри ниҳоятги тўққиз футгина. Ҳаммасининг баландлиги эса бир неча юз фут.

– Билли, мен вафот этсам секвойялар ўсиб ётган жойга кўмгин, – эрига деди Саксон.

– Мен сенинг мендан олдин ўлишингга йўл қўймайман, – деди Билл. – Кейин, ўз васиятимизда иккаламизни сен истаган жойга кўмишларини айтамин.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Улар соҳил бўйлаб жанубга қараб йўлларида давом этишар экан, сувда сузишди, балиқ тутишди ва отлар сотиб олишди. Билл уларни каботаж кемаларда Оклендга жўнатди. Улар Дель Норте ва Гумбольдтни – бу ўлкаларнинг ҳар бири бутун бир шарқий штатдан ҳам кенгроқ эди ва Мендонсинони босиб ўтишди. Сономага йўл ола туриб, улар баҳайбат ўрмонлардан, жўшкин тоғ дарёларидан, сон-саноксиз гуллаб-яшнаб ётган водийлардан ўтишди. Саксон ҳамма ерда ойдин водийни излаётганди. Баъзан, энди топишганга ўхшашганда, темир йўл ёки унинг сеvimли дарахтлари йўклиги маълум бўлиб қоларди; бундан ташқари, ҳамма ёқда туман эди.

– Биз икккаламизга баъзан қуёш коктейли керак бўлиб туради, – дерди Саксон эрига.

– Тўғри айтасан, – хотинининг гапига қўшиларди Билл. – Доимий туманда ҳўл бўлиб кетасан. Ўртасини топишимиз керак, менимча, соҳилдан сал узоқлашишимиз керакка ўхшайди.

Куз бошланаётган бўлиб, қоронғи вақтли тушаётганди. Ёшлар қадимги Форт Россада Рашн-ривер водийсига, Юкаядан анча қуйирокка қайрилишди, Касадеро ва Герневиллга йўл олишди. Санта-Росада Билл отларни жўнатиб юбориш учун ушланиб қолди. Улар тушдан кейингина йўлларида давом этишди.

– Афтидан, Сонома водийсига тунда етиб келсак керак, – қуёшга қараб деди Билл. – Бу жой Беннетт водийси деб аталади. Тоғни ошиб ўтишимиз билан Глен-Элленда бўламиз. Бу жойлар чиндан чиройли экан-а? Тоғ ҳам ажойиб.

– Ҳа, тоғ ажойиб, – эрининг гапига кўшилди Саксон.
– Бироқ атрофдаги тепаликлар яп-яланғоч. Мен ҳеч қаерда катта дарахтларни кўрмаяпман. Катта дарахтлар бой тупроқда ўсади.

– Саксон, мен ана шу ер ойдин водий демаяпман. Бироқ, қарагин, тоғ чиндан ҳам ажойиб. Ўрмонга қара. Баҳс бойлашаман: у ерда кийиклар ҳам бор.

– Қизик, кишни қаерда ўтказамиз? – ўйланиб деди Саксон.

– Биласанми, мен ҳам шуни ўйлаётган эдим. Кел, кишни Кармелда ўтказамиз. Ҳозир Марк Холл ҳам, Жим Хэзард ҳам ўша ерда. Нима дейсан?

Саксон бошини ирғаб кўйди.

– Сен ҳам кунбай ишлашинг шарт эмас.

– Албатта. Ҳаво яхши бўлиб турганда от сотиб олгани боришимиз мумкин, – хотинининг гапини тасдиқлади Билл ва унинг юзлари ёришиб кетди. – Агар мрамар уйдаги анави тез юрувчи ҳам ўша ерда бўлса, мен ҳов бир пайтда айлангани чиққанимизда тоза кийнагани учун уни бокс тушишга таклиф қиламан...

– Билл, анавини қара! Қара, қарагин! – хитоб қилди Саксон.

Қайрилишда ёли ва думи оқиш рангли чиройли от кўшилган бир ўринли икки ғилдиракли арава кўринди. Отнинг думи деярли ерга тегай дер, калин узун ёли эса тўлқин-тўлқин бўлиб ётарди. У байтални ҳис қилиб, тўхтади ва бошини кўтарди – оқиш ёли шамолда ҳил-пирарди. У бошини тиззаларигача букди, унинг учи ўткир кулоқлари орасидан ҳаддан ташқари бақувват бўйни кўринди. У жиловга бўй бермай бошини яна бир силкиганда аравада ўтирган эркак Биллнинг араваси олдидан бежавотир ўтиб кетиш учун катта айланиш қилди.

Билл ва Саксон тойнинг сурма тортилган каби, ёниб турган катта-катта кўзларини яққол кўришди. Билл жиловни маҳкам сиқиб, сал нарироққа борди ва аравадаги одамга қараб кўлини кўтариб силкиди. У одам ҳам тўхтаб, ўтирилди ва Билл икковлари юк ташийдиган отлар ҳақида гаплаша кетишди.

Бу суҳбатдан Билл айғир отнинг номи Барбаросса, бу одам эса унинг эгаси эканлиги ва у Санта-Росада муқим яшашини билиб олди.

– Бу ердан Сонома водийсигача иккита йўл бор, – тушунтирди отнинг эгаси. – Чорраҳагача етиб борсангиз, чап томондаги йўл сизларни Беннетт чўққиси олдидаги – ҳов анави, кўряпсизларми, – Глен-Элленга олиб боради.

Қия тепаликдаги ҳосили йиғиб олинган далалар ортда чўзилган Беннетт чўққиси куёш нурида худди қалъадек бўй чўзиб турарди. Унинг этагида ҳам қатор қалъага ўхшаш қоятошлар ётарди. Тоғлар ҳам, қоятошлар ҳам Калифорния учун хос бўлган юмшоқ хира олтин рангида бўлса-да, яланғоч ва куёшда жизгинак эди.

– Агар ўнгга буриладиган бўлсанглар ҳам Глен-Элленга борасизлар, фақат у йўл узоқроқ ва айланмароқ. Бироқ сизнинг отларингиз учун бу кўрқинчли эмас.

– Қайси йўл чиройлироқ? – сўради Саксон.

– Албатта, ўнгдаги йўлдан юрадиган бўлсанглар Сонома тоғини кўрасизлар, йўл шу ердан айланиб ўтиб, Куперс-Гров орқали кетади.

У билан хайрлашишгач, Билл ва Саксон дарров йўлга тушишмади, Санта-Росага қараб югураётган Барбароссанинг кетидан узоқ қараб қолишди.

– Ажойиб! – деди Билл. – Мен баҳорда шу ерларда бўлишни хохлаб кетяпман!

Улар чорраҳага етиб келишганда, Билл Саксонга иккиланиб қараб қолди.

– Қисқа йўлни танлаб нима қилдик-а? – деди Саксон. – Қара, бу ерлар қандай чиройли экан, ҳамма ёқ ўрмон. Ва каньонларда секвойялар ўсиб ётганига менинг имоним комил. Ким билади, балки олтин водий айни шу яқин орададир. Ярим соат вақтли бориш учун бу жойни сезмай ўтиб кетиб қолиш тентаклик бўлади.

Шу гаплар билан улар ўнганга бурилишди. Йўл битта тик қияликдан иккинчи қияликка ўтиб кетарди. Токқа яқинлаша туриб, улар бу жойларда сув кўплигини сезишди. Йўл бўйлаб тоғдан тушаётган дарёчалар оқиб ётган бўлиб, тепаликдаги узумзорлар ёзги иссиқдан сарғайиб кетган бўлса ҳам, жарликдаги ва текисликдаги уйларнинг атрофи кўм-кўк дарахтлар билан ўралган эди.

– Гапим балки кулгили туюлса керак, – деди Саксон, – бироқ бу жойлар менга ёқиб кетяпти. Худди мен бу ерларни қаердадир кўргандекман. Шунақа яхши жойлар экан!

Улар кўприк устидан ўтиб бир оз юришгач, бирдан ўзларини сирлидек туюлаётган салкин нимқоронғи жойда кўришди. Атрофларида бақувват-бақувват секвойя дарахтлари қад кўтариб турарди. Бутун оёқларининг остига дарахтлардан тўкилган барглари гиламдек тўшалган эди. У ер-бу ерда дарахтларнинг шохлари орасидан тушаётган қуёш нурлари нимқо-ронғи ўрмонга жон киритаётгандек эди.

Улар қуюқ ўрмонзордан ўтиб Сонома тоғига олиб чиқадиган тикка йўллардан бири орқали тепага кўтарила бошлашди. Ҳамма ёқда дарахтлар қуюқ ўсган

бўлиб, ҳар ер-ҳар ерда булоқлар қайнаб чиқиб ётар, улардан чиққан сувлар йўлда кўлмак бўлиб ётарди.

– Бу тоғ – худди губка каби экан, – деди Билл. – Ҳозир айна куруқ ёзнинг охири, бу ерларда эса ҳамма ёқ зах.

– Мен бу ерларда ҳеч қачон бўлмаганимни аниқ биламан-ку, бироқ негадир бу ерлар ҳаммаси менга кадрдон туюляпти! – тинмай овозини чиқариб ўзича дерди Саксон. – Ёки мен бу ерларни тушимда кўрганманми? Мана бу ерларда ергут ўсиб ётибди. Бир талай. Яна мансанитлар! Билл, мен худди ўз уйимга қайтиб келаётганга ўхшайман... Чиндан ҳам бу биз кидираётган жойлар бўлса-чи?

– Мана бу тоғ қиялигига ёпишган жойларми? – кўлганча, ишонқирамай сўради Билл.

– Йўқ, балки у эмасдир. Бироқ биз ўз водийимизга яқинлашиб қолдик, чунки йўллар ҳам ажойиб – бу водийга олиб борадиган ҳамма йўллар чиройли бўлса керак. Кейин... мен бу жойларни илгари тушимда кўрган бўлсам керак.

– Ҳа, чиндан ҳам бу ерлар ажойиб экан, – хотинининг гапига қўшилди Билл. – Мен бундай ўрмоннинг чорак милини ҳам бутун ороллари-ю, унга қўшимча Миддл-ривери билан бутун Сакраменто водийсига алмашмасдим. Агар бу ерда кийиклар бўлмаса, ўлай агар! Булоқлар кўп бўлган жойда дарёлар бўлади, демак – форель ҳам бўлади.

Улар атрофи омборхона ва молхона билан ўралган уй олдида ўтиб, майсазорга чиқишди. Бу жой дарров Саксонни ўзига асир қилди. У ботаётган қуёш нурида олтиндек товланарди; ўтлоқнинг ўртасида шохлари бургут инидек қовжираб кетган ёлғиз секвойя турарди, ундан нарида эса ўрмон тоғнинг энг юқори чўққиси-

гача ям-яшил тусда эди. Бироқ улар нарироқ кетганларида Саксон ўзининг ўтлоғи деб атаган майсазорга қараб Сонома тоғининг чўққиси анча нарида кўтарилганини, унинг майсазори ортидаги тоғ эса фақат унча катта бўлмаган тоғ тармоғи эканлигини кўрди.

Улар олдинда ва ўнг томонда, ям-яшил бўлиб ётган жарликлар билан ажралиб, боғлар ва узумзорларга бурканган тепаликларга ўтиб кетган чуқур тоғ тизмаларининг нариги томонида биринчи бор Сонома водийсини ва уни шарқ томондан ўраб турган пурвиқор тоғ тизмаларини кўришди. Чап томондан эса унча баланд бўлмаган тепаликлар ва даралар шафақ нурига ғарқ бўлганди. Орқада, шимол томондан водийнинг бошқа қисми, унинг орқасида эса водий келиб тақалган тошли қоялар тизмаси кўриниб турарди. Шимолдан жануби-шарққа қараб кетган тоғ тизмасини ботаётган қуёшнинг охириги нурлари ёритиб турарди. Билл Саксонга қараб қўяр экан, унинг юзидаги ҳайратни кўриб отларини тўхтатди. Осмон кип-қизариб кетган, тоғлар ёқут тошларнинг турли хил ёғдуси билан ёнарди. Сонома водийси тепасини сиёҳранг соя боса бошлаган бўлиб, у борган сари юқорироқ кўтарилиб, ёшлар шу соялар тўлқини кучоғида қолишди. Саксон индамай Биллга ишора қилди — бу қуёш ботар маҳалдаги Сонома тоғининг сояси эди. Билл бошини силкиб, тилини чўлпиллатди ва фургон турли ажиб рангли қоронғилик қўйнида пастга туша бошлади.

Йўлнинг юқоридаги қисмида қирқ мил наридаги Тинч океанининг салқини келиб турарди; ҳар бир жарлик, ҳар бир чуқурдан эса қуёшда куйган ўтлар, тўкилган барглар ва сўлиган гулларнинг аралаш исига тўла кузнинг илиқ нафаси келиб турарди.

Улар гўё тоғнинг туб-тубига қараб кетган чуқур жарлик четига келишди. Билл яна Саксоннинг юзига қаради ва индамай отларни тўхтатди. Жарлик ўзининг ёввойи гўзаллиги билан одамни ҳайратда қолдирарди. Унинг ён атрофидаги қияликлар бўйлаб секвойялар ўсиб ётар, узоқда эса қарағай ва оққарағайлар қалин ўсган ўрмон билан қопланган учта тепалик кўриниб турарди. Бу ердан асосий жарликка қараб, бошқа бир унчалик чуқур бўлмаган, бироқ секвойялар ўсиб ётган жарлик чўзилиб кетган эди. Билл учта тепалик эстагидаги майсазорни кўрсатди.

– Мен ўз отларимни айна ана шундай ўтлоқда юрганини кўрардим, – деди у.

Улар шилдираб сув оқиб ётган дарёча бўйлаб кетган йўлдан жарликка туша бошлашди. Куз осмонида сузиб юрган булутларнинг акси урган шафақ нурлари каньонни тўққизил рангга бўяганди. Танаси вино рангидаги қизил бўлган ертут буталари ва пўстлоғи ғадир-будир бўлган мансанитлар гўё ҳавода ёнаётгандек эди. Лавр япроқларининг иси ҳамма ёқни тутганди. Ёввойи узум шохлари эса ариқчанинг икки тарафига ёйилиб, ҳавода кўприк ҳосил қилгандек эди гўё.

Сувнинг нариги томонида папоротник ва майда буталар қалин бўлиб ўсиб ётарди. Қаердандир қаптарнинг ғуғулагани эшитиларди. Йўл тепасида эллик фут баландликда олмахон шохдан-шоҳга чакмоқ тезлигида сакраб ўтди. Саксон ва Билл унинг орқасидан шохларнинг қимирлашига қараб қолишди.

– Менинг хаёлимга бир фикр келди, – деди Билл.

– Биринчи бўлиб мен ўз фикримни айтай, – деди Саксон.

Билл Саксоннинг атрофга ҳайрат билан тикилишига кўзини узмай қараб турарди.

– Биз ўз водийимизни топдик-а? – шивирлади қиз. –
Сен шуни айтмоқчимидинг?

Билл бошини ирғади, бироқ ҳеч қандай жавоб бермади: у йўлда сигирини ҳайдаб кетаётган болақайни кўриб қолган эди. Боланинг бир кўлида каттақон сочма ўқли ов милтиғи, иккинчи кўлида эса яна шунчалик катта қуён бор эди.

– Глен-Элленгача қанча бор? – сўради Билл.

– Бир ярим мил, – жавоб берди болақай.

– Бу кичик дарё қандай аталади? – сўради Саксон.

– Ёввойи деб аталади, у бу ердан ярим мил нарида Сонома дарёсига қуйилади.

– Бу ерда форель борми? – суҳбатга аралашди Билл.

– Агар тута олсангиз бор, – кулди болақай.

– Тоғда кийиклар-чи?

– Ҳозир ов қилиш ман қилинган, – тўғри жавобдан қочиб деди болақай.

– Сен ҳали бирор марта ҳам кийик овламаган бўлсанг керак-а? – унинг жиғига тегиб деди Билл ва гапига жавоб олди:

– Шохини кўрсатишим мумкин.

– Ахир кийиклар шох ташлашади-ку, – боланинг жиғига тегишда давом этди Билл. – Истаган одам уни топиб олиши мумкин.

– Мендаги шохларнинг гўшти ҳали қуримаган...

Болақай кўлга тушганини сезиб, жим бўлиб қолди.

– Ҳечқиси йўқ, болақай, кўркма, – кулди Билл ва отларини тортди. – Мен ўрмончи эмасман, мен комиссиянерман: от савдоси билан шуғулланаман.

Уларнинг тепаларида олмахонлар кўпайган, йўл бўйлаб бақувват қарағайлар ўсиб ётар, атрофда эса эртақнамо секвойялар сони ҳам ортиб борарди. Жилдираб оқаётган сув бўйлаб йўлда давом этишар

экан, шундай йўлнинг чеккасида уларнинг кўзлари эшикка тушди. Эшикка хатлар учун кутича маҳкамланган бўлиб, унда “Эдмунд Хэйл” деган ёзув бор эди. Оддийгина кишлоқ дарвозаси олдида унга суянганча ташқаридан ажойиб бўлиб кўринаётган эркак ва аёл туришарди. Бу жуфтликни кўриб Саксоннинг юраги орзикиб кетди. Улар ёнма-ён туришар, аёлнинг кўли эркакнинг фақат дуо қилиш учун яратилгандек кўли устида турарди. Бу таассурот эркакнинг юзига – чиройли пешона, катта кулранг меҳрибон кўзлари ва ялтираган оппоқ сочларига қараганда яна ҳам мустаҳкамланарди. Эркак йирикдан келган ва келишган бўлиб, ёнидаги аёл эса эркакнинг олдида нозик-нихол кўринарди. У корачадан келган бўлиб, оч-ҳаворанг кўзлари кулиб турарди. Эғнидаги бурмали қилиб ажойиб тикилган кўйлагида у Саксонга баҳорий гул каби туюлди.

Афтидан, ботаётган куннинг олтинранг ёруғида Саксон билан Билл ҳам чиройда бу жуфтликдан қолишмасди. Иккала жуфтлик бир-бирига тикилганча турарди. Кекса аёлнинг юзи қувонч билан чарақлаб турар, эркакнинг юзида эса меҳрибонлик барқ уриб турарди. Тоғ этагидаги майсазор ва тоғнинг ўзи Саксонга жуда таниш туюлгандек, бу ажойиб жуфтлик ҳам таниш туюлди. У бу эр-хотинни яхши кўриб қолишга улгурганди.

– Хайрли кеч, – саломлашди Билл.

– Сизларни яратганининг ўзи қўлласин, – жавоб берди қария. – Иккалангиз ёнма-ён бир-бирингизга қандай ярашиб турганингизни билсангиз эди.

Шу билан уларнинг суҳбатлари тугади. Фургон йўлга гиламдек сочилиб ётган заранг, ольха ва карағайларнинг барглари цитирлатиб босганча,

олдинга юриб кетди. Тез орада улар иккита кичкина дарё туташган жойга етиб келишди.

– Қандай ажойиб жойлар. Шундай жойларда яшасак эди! – Ёввойи дарёсининг нариги қирғоғини кўрсатиб, хитоб қилди Саксон. – Билл, кўряпсанми, ўтлоқ тепасида, анави айвонда.

– Бу ерда тупроқ ости ҳам, усти ҳам бой экан. Саксон, қарагин: дарахтлар қандай бақувват! У ерда албатта, булоқлар бўлса керак.

– Ўша ерга кетдик, – таклиф қилди Саксон.

Улар катта йўлдан қайрилиб, Ёввойи дарёси устидаги тор кўприкдан ўтиб, четига секвойя дарахтининг ёғочларидан қилиниб, ҳозир хароб ҳолга тушган девор кетган эски, ўнқир-чўнқир йўл бўйлаб кетишди. Йўлда улар ошиқ-мошиғидан чиқиб кетган очик дарвозани кўришди. Йўл дарвозадан ичкарига, айвонгача олиб борарди.

– Мана у, мен бу жойни танияпман, – ишонч билан деди Саксон. – Билли, кир.

Дарахтлар орасида дераза ойналари синиб кетган кичкина оқ уй бор эди.

– Вой баҳайбатлигини!

Билл уй олдида ўсган танасининг пастки қисми айланаси олти фугдан кам бўлмаган ертут дарахтини кўрсатди.

Улар шивирлашиб гаплашганча, баҳайбат эман дарахтлари соясидаги уйни айланиб чиқиб, унча катта бўлмаган омборхона олдида тўхташди. Вақтни кеткизмаслик учун улар отларини бўшатмай, шундай бойлаб кўя қолишди ва атрофни кузатишга тушиб кетишди. Ўтлоққа кетган тикка йўлда қалин бўлиб эман ва мансанитлар ўсиб ётарди. Буталар орасидан ўтишар экан, улар какликлар тўдасини чўчитиб юборишди.

– Ёввойи кушларга қалайсан? – сўради Саксон.

Билл кулиб қўйди ва ўтлоқ устида шилдираб чиқиб ётган зилол булоққа яхшилаб қарай бошлади. Бу ерда қуёш тафтидан тупроқ қуриб ётган бўлиб, тарам-тарам бўлиб ётарди.

Саксон буни кўриб ғамгин тортиб қолди, Бироқ Билл қўлига бир сиқим тупроқ олиб, бармоқлари билан эзиб кўрди.

– Тупроқ зўр, – деди у. – Энг яхши ва бой тупроқ; бу тупроқ минг йиллардан бери тоғдан ювилиб тушган. Бироқ...

Билл гапидан тўхтаб, атрофга қаради, ўтлоқнинг жойлапишига эътибор қилди, ўтлоқ атрофида ўсиб ётган секвойяларни қараб чикди ва жойига қайтиб келди.

– Ҳозирги туришида бу ўтлоқ ҳеч нарсага ярамайди, – хулоса қилди у. – Бироқ агар яхшилаб қараладиган бўлса, унинг баҳоси бўлмайди. Бунинг учун эса бир оз ақл ва кўплаб суғориш каналлари керак бўлади. Бу ўтлоқ табиий ҳовуз, фақат сув билан тўлдириш керак. Секвойяларнинг ортида, анави томонда, дарёга тушадиган жой бор. Кетдик, мен сенга кўрсатаман.

Улар секвойялар орасидан ўтиб Сонома дарёси қирғоғида пайдо бўлишди. Дарё бу ерда тез оқмаётганди, оқим жуда сокин эди. Қирғоқдаги мажнунтолларнинг шохлари сувга теккудек осилиб ётарди. Рўпарадаги қирғоқ атрофи тикка жарликдан иборат эди. Билл жарликнинг баландлигини кўзи билан, сувнинг чуқурлигини эса ёғоч билан ўлчади.

– Ўн беш фут, – деди у. – Бу ерда жарликдан сувга сакраш ва сузиш ҳам мумкин; олдинга ва орқага юз ярдча бўлади.

Улар кирғок бўйлаб кетишди. Бирдан сув тепасида форель кўриниб, шу заҳоти яна сув остида йўқ бўлди; сувнинг сокин юзасида борган сари катталашган айланмалар кўринди.

– Бу кишни Кармелда ўтказмайдиганга ўхшаймиз, – деди Билл. – Бу жой айна биз учун яралганга ўхшайди. Бу жойлар кимга тегишли эканлигини эрталаб суриштириб биламан.

Ярим соатдан сўнг отларга ем берар экан, Билл паровоз чинқирини эшитиб, Саксоннинг диққатини тортди.

– Мана сенга темир йўл, – деди Билл. – Бу поезд ва у бу ердан ниҳоятти бир мил наридаги Глен-Элленга олиб боради.

Саксоннинг кўзи кетар экан, Билл сўради:

– Ер эгаси бу ерларни сотишни хохламасачи?

– Бу тўғрисида хотиржам бўлавер, – ишонч билан деди Саксон. – Ер бизники. Мен буни аниқ биламан.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Уларни дарахт тепасида турганча пастга тушишни ва унинг оғзига киришни сира истамаётган олмахондан жаҳли чиқиб кетаётган Поссумнинг товуши уйғотиб юборди. Олмахон тепадан туриб шундай ўйинлар қилар эдики, Поссум дарахтга чиқиб учун кутургудек ҳаракат қиларди. Билл билан Саксон итнинг жаҳли чиқишига қараб ўзларини тута олмай маза қилиб хахолаб кулишди.

– Агар биз шу ерни сотиб оладиган бўлсак, у ҳолда ҳеч ким олмахонларга тегмайди, – деди Билл.

Саксон эрининг кўлини сиқиб қўйиб, ўтирди. Ўтлоқдан тўрғайнинг сайрагани эшитилди.

– Бу ерда ҳамма нарса бор, ортиқ ҳеч нарса керак эмас, – қувонч билан чуқур нафас олиб деди Саксон.

– Бу ерни аввал сотиб олишимиз кераклигидан ташқари, – хотинининг гапини тўғрилаб қўйди Билл.

Тезгина овқатланиб олиб, улар атрофни қарагани кетишди. Улар бир текис бўлмаган бутун майдонни кезиб чиқишди, бир неча марта у бошидан бу бошига бориб келишди. Яқин атрофда етгита булоқни санаб чиқишди.

– Бу ерда сув захираси етарли, – деди Билл. – Канал қазиймиз, ер ҳайдаймиз, ўғитлар ва мана бу сувлар ёрдамида бутун йил давомида кетма-кет ҳосил йиғиш мумкин. Бу ер ҳаммаси бўлиб беш акрча, холос. Бирок мен бу ерни миссис Мортимернинг бутун ерига адмашмаган бўлардим.

Улар айна пайтда илгари мевазор боғ бўлган жойда туришарди. Бу ерда йиғирма етгита мевали дарахт бўлиб, улар ўта бақувват ва серҳосил эди.

– Уйнинг орқасига эса мевали буталар экамиз.

Саксон жим бўлиб қолди: унинг хаёлига бир фикр келган эди.

– Қани энди миссис Мортимер бу ерга келиб маслаҳат беришга рози бўлса эди. Нима дейсан, Билл, келишга рози бўлармикан?

– Албатта, рози бўлади. Ахир бу ердан Сан-Хосегача ниҳоят тўрт соатлик йўл. Бироқ аввал бу ерга илиниб олайлик, кейин ёзсак ҳам бўлади.

Кичкина ферманинг энг узун бўлган бир томони Сонома дарёси билан, бошқа икки томони буталар билан тўсилган, тўртинчи томони эса Ёввойи дарёси билан чегараланган эди.

– Кечаги ажойиб одамлар билан қўшни бўлишимиз қандай яхши, – кечаги учрашувни эслаб, деди Саксон.

– Уларнинг ери биз билан фақат сув билан ажралиб турар экан.

– Бироқ ферма ҳали бизники эмас, – деб қўйди Билл. – Кетдик, Саксон, ўша қўшниларикига кириб чиқамиз. Улар бу жой ҳақида ҳамма нарсани билишса керак.

– Нима бўлса ҳам бу ер энди бизники, – қатъий қилиб деди Саксон. – Асосийси, шу жойни топаш эди. Эгаси кимлиги муҳим эмас. Бу ерда анчадан бери ҳеч ким яшамаётгани кўриниб турибди. Билл, сенга-чи, бу ер ёқдими?

– Ҳа, бу жойлар менга ҳам ёқиб кетяпти, – чин дилдан деди Билл. – Фақат муаммо шундаки, бу ер унчалик катта эмас экан.

Бироқ хотинининг юзидаги ифодадан хафа бўлиб қолганини кўриб, йигит шу заҳоти ўз орзусидан кечиб қўя қолди.

– Бўлди, шу ерни сотиб оламиз! – деди Билл. – Тўғри, ўтлоқ тугаши билан ўрмон бошланади, молларни боқадиган жой йўқ – фақат бир жуфт от билан биттагина сигир боқиш мумкин, – майли, бу катта муаммо эмас. Ҳамма нарсага бирдан эга бўлиб бўлмайди, шунинг бориға ҳам шукур.

– Бу энди бошланиши, деб ҳисоблаймиз, – эрини овутди Саксон. – Балки кейинчалик яна ер сотиб олишимиз мумкин бўлар; жуда бўлмаганда кеча кўрган жойимизни. Эсингдами, Ёввойи дарёсидан нарироқда эди?

– Мен ўз отларимни боқишни орзу қилган жойларми? – эсига тушиб, кўзлари чарақлаб деди Билл. – Нега энди бўлмас экан? Йўлга чиққанимиздан бери қанча орзуларимиз рўёбга чиқди. Бу ҳам амалга ошади.

– Билл, биз меҳнат қиламиз ва орзумиз албатта, амалга ошади.

– Қора терга ботгунча бўлса ҳам ишлаймиз, – қатъийлик билан деди Билл.

Улар кўча эшигини очиб, ўсиб кетган ўрмон ичидаги илонизи йўлдан кета бошлашди. Узоқдан уй кўринмаётган эди. Улар олдига етиб келганларидагина бирдан кўриб қолишди. Уй саккизбурчакли бўлиб, шунчалик ихчам қурилган эдики, икки қават эканлигига қарамай, унчалик баланд кўринмас эди. Уй атрофидаги кўринишга шунчалик мос эдики, худди атрофдаги дарахтлар шу тупроқдан қандай ўсиб чиққан бўлса, уй ҳам худди шу ердан униб чиққандек эди. Уй олдида на боғча, на майсазор бор бўлиб, ўрмон чангалзори уйнинг шундайгина эшигигача етиб келгандек эди. Уйга олиб кирадиган эшик тепасига ғаройиб харфлар билан “Сокин манзил” деган сўзлар ўйиб ёзилган эди.

– Келинлар, азизларим, тепага қараб юринлар, – Саксон эшикни тақиллатар экан, овоз эшитилди юқоридан.

Бир қадам орқага қайтиб тепага қараб, деразадан уларга қараб кулиб турган кечаги аёлни кўришди. Пушти рангдаги енгил кўйлақда у Саксонга яна гулни эслатди.

– Эшикни итаринлар, у ёпиқ эмас. Ичкарига киргач қаёққа юришни кўрасизлар, – деди уй бекаси.

Саксон олдинга қараб юрди. Билл унинг кетидан эргашди ва улар бирдан ўзларини ёп-ёруғ хонада кўришди. Йўнилмаган тошдан ясалган камин ичида қандайдир дарахтнинг бутун бир бўлаги чўт бўлиб ётарди. Камин тоқчасида куз гуллари солинган мексиканча кўза турарди. Уйнинг деворлари қорайти-

рилган, бироқ ялтиратилмаган ёғоч билан қопланган бўлиб, уй ичидан ўрмоннинг ҳиди анқирди. Бу саккизбурчакли уйнинг ҳамма бурчаклари ўтмас эди. Бурчаклардан бирида ёнғоқ дарахтидан ясалган мусиқа асбоби – фисгармония турарди. Бошқа бурчагида эса кўплаб китоблар терилган токча турарди. Тагида пастаккина каравот кўйилган деразадан кузги дарахтлар ва бу кичкинагина боғнинг ҳамма томонига олиб борадиган, сарғайган ўтлари босилиб кетган йўлкалар кўриниб турарди. Иккинчи қаватга айланма зина олиб чиқарди. Иккинчи қаватда уларни уй бекаси кутиб олиб, ўз хонасига олиб кирди. Хонанинг икки томонидаги девори деразалар билан банд эди. Деворларда шипдан полгача китоблар билан лик тўла токчалар бор эди. Китоблар ҳамма ёқда – иш столида, каравотда, ёзув столи устида ётарди. Уларнинг бетартиб ётиши бу китоблар доим ўқилишини кўрсатиб турарди. Очiq дераза олдида кузги барглар солинган кўза турар, у бамбукдан ясалган, қизил рангга бўялган кичкинагина тебранма курсида ўтирган қорачадан келган келингангина аёлнинг жозибасини бўрттириб кўрсатаётгандек эди.

– Ажойиб уй-а? – қувноқ кулиб, сўради миссис Хэйл. – Бироқ биз бу уйни жуда яхши кўрамыз. Эдмунд бу уйни ўз қўли билан қурган. Ҳамма нарсани, роса ишлашига тўғри келган бўлса ҳам ҳатто водопроводни ҳам ўзи қурган.

– Наҳотки, пастдаги паркетни ҳамми?.. Каминни ҳамми? – қизиқиб сўради Билл.

– Ҳамма, ҳамма нарсани! – гурур билан деди миссис Хэйл. – Мебелнинг ярмини ҳам ўзи ясаган. Ҳов анави кедр ёғочидан қилинган столни, анави столни ҳам – ҳаммасини ўз қўллари билан ясаган.

– Шундай ажойиб қўллар... – деб юборди Саксон ўзини тута олмай.

Миссис Хэйл тезгина қизга қараб олди: унинг юзларида миннатдорлик ифодаси бор эди.

– Ҳа, улар чиндан ҳам ажойиб, мен бундан ҳам кучлироқ қўлларни кўрмаганман, – юмшоқлик билан деди аёл. – Сиз ўзингиз ҳам ажойиб экансиз, ахир сиз уни кеча бир неча дақиқагина кўрдингиз-ку.

– Менинг кўзларим дарров унинг қўлларига тушган эди, – соддагина қилиб деди Саксон.

Саксоннинг назари олтиндек асаларилар гўжгон ўйнаётган мумкатаклар тасвирланган гулқоғозларга тушди. Деворда рамкага солинган бир нечта расм осилиб турарди.

– Сизда фақатгина портретлар бор экан, – Марк Холнинг хонасидаги ажойиб расмларни эслар экан, деди Саксон.

– Менинг деразаларим менинг пейзажларим учун рамка бўлиб хизмат қилади, – қўли билан дераза ортидаги манзарани кўрстар экан, деди миссис Хэйл. – Хонамда эса менга яқин бўлганлар ва мен доим бирга бўла олмайдиганларнинг расминигина кўришни хоҳлайман. Менинг баъзи дўстларим қачон қарама қаерлардадир тентираб юришади.

– Вой! – расмлардан бирига қараб хитоб қилди Саксон. – Сиз Клара Хастингсни танийсизми?

– Бўлмаса-чи! Мен Кларани боқиб катта қилмаганман, бироқ уни тарбиялаганман. Унинг онаси менинг синглим эди. Сиз унга қанчалик ўхшашингизни биласизми? Мен кеча буни Эдмундга айтган эдим. Унинг ўзи ҳам бу ўхшашликни пайқаган экан. Олдимиздан ўтиб кетаётганингизда икковингиз унга жуда ёқиб кетганингиз бежиз эмас, шекилли.

Демак, миссис Хэйл Кларанинг холаси бўлиб чикди — у ўз вақтида прерияни кесиб ўтган пионерлар қабиласидан экан. Саксон нега бу аёлни онасига ўхшатганини энди тушунди.

Билл кедр ёғочидан ишланган столнинг чиройли ишланишини томоша қилар экан, уларнинг суҳбатларига аралашмай, шунчаки кулоқ солди, холос. Саксон Клара ва Жек Хастингс билан учрашувлари, уларнинг яхтаси ва Орегонга борганлари ҳақида гапириб берди. Миссис Хэйлнинг айтишича, улар яна саёҳатда эканлар. Отларини Ванкувердан уйга жўнатиб юбориб, ўзлари Англияга борадиган кемага ўтириб кетишибди. Миссис Хэйл Саксоннинг онаси, тўғрироғи — унинг шеърлари билан таниш экан. “Ўтган кунлар архивидан” тўпламидан ташқари миссис Хэйлда катта альбом бўлиб, Саксон унинг ичида онасининг ўзи шу пайтгача билмаган яна анча шеърларини топди.

— Иқтидорли шоира, — деди миссис Хэйл, — ўша олтин даврларни куйлаган қанчадан-қанча шоирлар бўлган. Бироқ ҳозирга келиб уларнинг ўзлари ҳам, шеърлари ҳам унутулиб кетди. Ахир у пайтларда ҳозиргига ўхшаб кўплаб журналлар чоп этилмасди. Маҳаллий газеталарда босилган кўплаб шеърлар йўқолиб кетган.

— Жек Хастингс аввалига Кларани севиб қолганди, — ҳикоясини давом эттирди миссис Хэйл. — Бу ерга келгач эса Сонома водийсини ёқтириб қолди ва шу ерда ҳашаматли ранчо сотиб олди. Тўғри, бу жойдан кам фойдаланади, чунки йилнинг кўп қисмини дунё кезиб ўтказди.

Миссис Хэйл кичкина қизчалик даврида, эллингинчи йилларнинг охирида прерияни кесиб ўтишганини ҳануз эслашини айтиб берди. Миссис Мортимер каби у

хам Литл Мэдоу остонасидаги жангнинг ҳамма тафсилотларини ва кўчманчиларнинг фақат Биллнинг отасигина тирик қолган партиясининг қириб юборилиши тарихини жуда яхши билар экан.

– Шундай қилиб, – деди бир соатдан сўнг суҳбатларининг охирида Саксон, – биз ойдин водийимизни уч йил қидирдик ва мана, уни ниҳоят топдик.

– Ойдин водий? – ажабланди миссис Хэйл. – Сиз олдин бу ҳақда билганмидингиз? Нега шунча узок қидирдингиз?

– Йўк, биз ҳеч нарса билмагандик. Биз уни қидириш учун кўр-кўрона йўлга тушгандик. Марк Холл бизнинг бу юришимизни ҳижрат қилиш деб атаб, ҳазиллашиб кўлимизга асо тутиб олишимизни маслаҳат берганди. Унинг айтишича, биз ойдин водийни топсак, уни дарров танир эканмиз, чунки кўлимиздаги асо гуллашга бошлар эмиш. Марк Холл яна биз бу водийдан кутаётган нарсаларимиз устидан ҳам кулганди. Бир куни кечкурун у мени балконига таклиф қилиб, телескопидан ойни кўрсатди: “Бундай сеҳрли водийни фақат ойдагина топишинглар мумкин”, деди у. У бизнинг режаларимизни хаёлпарастлик деб айтганди, бироқ бизга “ойдин водий” деган сўз ёқиб қолди ва биз шундай жойни қидиришга бошладик.

– Қандай ажойиб тасодиф! – хитоб қилди миссис Хэйл. – Ахир бу ер чиндан ҳам Ойдин водий.

– Биладан, – ишонч билан деди Саксон. – Чунки биз бу ерда орзу қилган ҳамма нарсамизни топдик.

– Азизам, сиз мени тушунмадингиз. Бу ер чиндан ҳам Ойдин водий – Сонома водийси. Сонома сўзи ҳиндуча сўз бўлиб, маъноси “Ойдин водий”. Ҳиндулар бу ерларни ҳали оқ одамнинг қадами етмаган қадимги

даврларда шундай аташган. Ва бизлар, бу ерни яхши кўрадиганлар ҳам уни шундай атаймиз.

Сухбат шу ерга келганда Саксон Жек Хастингс ва хотинининг сирли имо-ишораларини эслади. Уларнинг суҳбатлари Билл сабри тугаганини билдирмагунча давом этди. У маъноли қилиб йўталиб қўйди ва гапга аралашди:

– Биз дарё бўйидаги ер тўғрисида сўрамоқчи эдик: эгаси ким, уйини сотадими, уни қаердан топсак бўлади?

– Миссис Хэйл ўрнидан турди.

– Юринглар, Эдмунднинг олдига борамиз, – деди у ва Саксоннинг қўлидан ушлаб олдинга юрди.

– Вой, Худойим! – тепадан туриб аёлга қараб хитоб қилди Билл. – Мен Саксонни кичкина дердим, у сиздан икки баробар баланд экан-ку.

– Бу сиз – паҳлавонсиз, – жилмайди уй бекаси. – Бироқ Эдмунд сиздан баландроқ ва елкаси ҳам кенгрок.

Улар сомон уюмлари олдидан ўтиб, аёлнинг келишган эрига дуч келишди: у катта кўхна тебранма курсида ўкиб ўтирарди. Бу тебранма курсининг ёнида бамбукдан ишланган яна бошқа бир ихчамгина болалар курсиси турарди; хўжайиннинг тиззасида каминда чўғ олиб ётган гўлага тумшугини қаратиб олиб жуда катта мушук чўзилиб ётарди. Саксон яна бир бор бу эркакнинг юзидан, кўзлари ва ўзини тута олмай, яна кўз қирини ташлаган унинг қўлларидан келаётган ўзига хос бир меҳрни ҳис қилди. Саксон бу қўлларнинг чиройидан яна бир бор ҳайратга тушди. Бу қўллар гўё муҳаббатини ифода этаётган каби эди. Бу қўллар ҳали одамзодга маълум бўлмаган бир гуруҳга оиддек эди гўё. Кувноқ Кармель компаниясидагиларнинг бирорта-

си ҳам бу одамга ўхшашмас эди: улар санъат одамлари эдилар. Бу ерда эса қизнинг олдида олим, файласуф турарди. У ёшларга хос бўлган ҳиссиётлар ва мулоҳазасиз галаёнлар ўрнига, бу ерда донишмандликни кўраётган эди. Саксон ўзининг у дўстларига бўлган кучли муҳаббатига қарамай улар, айниқса театр танқидчиси ва Темир Одам шу ёшга етганларида қандай бўлишлари мумкинлигини кўз олдига келтириб, сесканиб кетди.

– Эдмунд, тасаввур қиляпсанми, мана бу ажойиб ёш эр-хотин “Мадроньо” ранчосини сотиб олишмоқчи. Улар бу жойларни уч йил қидиришибди. Мен ўзимизнинг “Сокин манзил”имизни ўн йил қидирганимизни айтишни унутибман! Уларга бу ранчо тўғрисидаги ҳамма нарсани айтиб бер. Балки, мистер Нейсмит уни сотиш фикридан қайтмагандир.

Улар оддийгина креслоларга ўтиришди, миссис Хэйл ўзининг бамбукдан тўқилган кичкинагина креслосини эрининг тебранма курсисига яқин суриб, кўлларини эрининг кўли устига қўйди. Гапга кулоқ сола туриб, Саксон хонани ва сон-саноксиз китоблар тахланган токчаларни кўздан кечирди. У ёғоч ва тошдан қурилган оддийгина уй унинг режасини тузиб қурган одамнинг руҳини ифодалашини тушуна бошлаган эди. “Бу ердаги ҳамма нарсани, ҳатто жиҳозларни ҳам ана шу ажойиб кўллар яратган” – хонадаги ҳар бир нарсани яна бир қур кўздан кечириб, хулоса қилди Саксон.

“Мадроньо” ранчосига келинадиган бўлса, мистер Хэйлнинг гапи бўйича, бу жуда осон нарса экан. Нейсмит бу жойни жон деб сотади. У бу жойни беш йилдан бери – водийнинг пастки қисмида чиққан маъдандан фойдаланиш бўйича корхонага шерик

бўлганидан бери сотмоқчи бўлади. Билл билан Саксоннинг омадлари келибди, чунки ранчонинг эгаси айнан Нейсмит. Чунки бу ердаги ҳамма бошқа ерларнинг эгаси бу ерга биринчилардан бўлиб келган француз экан. У ерининг бир қаричини ҳам бермайди. У — дехқон, ерни дехқонга хос бўлган севги билан яхши кўради. Бу унда худди касалликдек бир гап. У ҳар бир бўлак ер устида титрайди, бироқ ўзи ишбилармон эмас. У қариб қолган, ўжар, ери эса чарчаган. Энди масала шундаки, у аввал вафот этадими ёки банкрот бўладими, номаълум.

“Мадроньо” ранчосига келсак, у Нейсмитга тегишли ва у ҳар бир акр учун эллик доллар сўраяпти. Бу минг долларни ташкил қилади, чунки у ерда йигирма акрча бор. Ерни қайта ишлашнинг эски усуллари билан бу фермани гуркиратиб бўлмайди. Лекин ишбилармонлик юзасидан уни сотиб олиш фойдали бўлади: бу водийнинг гўзаллиги ҳамма ёққа маълум ва дала ҳовли учун бундан бошқа яхшироқ ерни тасаввур қилиш қийин. Агар манзараси ва иқлимини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда бу жой сўралаётган нархдан минг баробар қиммат. Бундан ташқари, мистер Нейсмит пулни бўлиб-бўлиб беришларига ҳам рози бўлади. У истаган пайтда сотиб олиб ижара пулини ҳам қарз ҳисобига бериш шарти билан икки йилга ернини ижарага беришини ҳам таклиф қилганди. Нейсмит ранчосини ҳар ойда ўн доллар бериш шарти билан бир швецарияликка ижарага берган эди. Бироқ швецарияликнинг хотини вафот этиб қолиб, у жўнаб кетди.

Эдмунд тез орада Билл ўзининг қандайдир орзусидан кечаётганини тушунди, бироқ нималигига ақли етмади. Бироқ йигитга сездирмай усталик билан саволлар бериб, тез орада бу қандай орзу эканлигини —

Билл ўзининг аждодлари ҳам орзу қилишгани каби кенг майдонлари – камида бир юз олтмиш акр ери бўлишини, ўнлаб тепаликлар оша подалари ўтлаб юришини исташини билиб олди...

– Йигитча, сизга бунча ернинг ҳеч ҳам кераги йўқ, – юмшоклик билан деди Хэйл. – Сиз ерга интенсив ишлов бериш нималигини тушунишингиз кўриниб турибди. Сиз интенсив отбоқарлик тўғрисида ўйлаб кўрмаганмисиз?

Айтилган фикрнинг ажойиблигидан ҳайратда қолган Билл оғзини очиб қолди. У ҳар қанақасига бошини қотирса-да хўжаликнинг бу икки тармоғи ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик топа олмади.

– Бу нима деганини айтинг! – сўради у.

Қария кулиб қўйди.

– Мана, эшитинг: биринчидан, сизга бу йигирма акрнинг кераги йўқ. Ўтлоқ учун беш акр етади. Боғча қилиб, ўша ерда ўстирилган сабзавотлар ҳисобига яшаш учун сизларга икки акр ҳам етади. Аслида эса, сиз ва хотинингиз иккалангиз тун-кун ишлаган тақдирингизда ҳам шу икки акр ерга ҳам қотириб қарай олмайсизлар. Сизларда яна уч акр ер қолади. Ерингиздаги булоқлар сизга етарли сув беради. Бу ердаги фермерлар қиладигандек йилига бир марта ҳосил билан чегараланиб қолманглар. Ўтлоғингизга ҳам боғчангиздек ишлов беринг, йил бўйи ем-хашак экинлари экинлар, суғоринглар, ўғитни аяманглар ва экиш конун-қоидаларига эътибор беринглар. Ана шунда ҳеч нарса экилмаган ва ўғитланмаган кенг яйловда қанча от боқиш мумкин бўлса, сизларнинг уч акр ерингиз шунча отни боқа олади... Буни яхшилаб ўйлаб кўринглар. Мен сизларга китоблар бераман. Сизлар қанча ҳосил йиғиб оласизлар ва отларингиз

қанча ейди, мен билмайман. Бирок агар ўзингизни боғчада ишлашдан озод қилиб, у ерда ишлаш учун ишчи олсангиз ва ўзингизни бутунлай ўтлоқдаги иш учун бахш қилсангиз, у ҳолда уч акр ер сизлар бошида қанча от ола олсангиз, шунча отни боқа олади. Ана шундан кейингина сизлар яна ва яна ер ва отлар сотиб олиш ҳақида ўйлай бошлайсиз, умуман айтганда – шу билан ўзингизни бахтли деб ҳисоблайдиган бўлсангиз – бойиб кета бошлайсиз.

Бил қария нима демоқчи эканлигини тушунди. Хаяжон билан деди:

– Сиз чинакам ер эгаси экансиз!

Мистер Хэйл жилмайганча хотинига қараб, деди:

– Анетт, бу ҳақда ўз фикрингни айтгин.

– Қанақа ер эгаси! У ҳеч қачон қишлоқ хўжалиги билан шуғуланмаган, бирок ҳамма нарсани билади, – дея туриб аёл кўли билан девор бўйлаб осилган китоб тоқчаларини кўрсатди. – У ўзига нима тўғри, керакли кўринган ҳамма нарсани, дунёда яхши инсонлар томонидан ҳамма яхши нарсаларни ўрганadi. У завқланадиган нарса фақат ўқиш ва дурадгор станогли.

– Сен Дулсини ёдингдан чиқардинг, – жилмайиб, эътироз билдирди Хэйл.

– Ҳа, албатта, Дулси ҳам, – кулиб юборди аёл. – Дулси – бизнинг сигиримиз. Жек Хастингс доим ҳазиллашади: Эдмунд Дулсиними ёки Дулси Эдмунд-ними кўпроқ яхши кўради. Эрим Сан-Францискога кетганда Дулси ғамгин бўлиб қолади. Эдмунд ҳам Сан-Францискодан тезгина қайтишга ҳаракат қилади. Бу Дулси мени рапкиннинг ҳамма азобларини тортишга мажбур қилган. Бирок, бир нарсани тан олишим керак: Дулсининг тилини ҳеч ким эримчалик тушунмайди.

– Бу мен амалда ўрганганим хўжаликнинг ягона тармоғи, – хотинининг гапини маъқуллади Хэйл. – Мен энди жерсей сигирларига қараш бўйича нуфузли одамман. Истаган маҳалда маслахат олиш учун келишларинг мумкин.

Мистер Хэйл ўрнидан туриб китоб тоқчаси томон юрди; ана шундагина ёшлар унинг бўйи қанчалик баланд ва келишганлигини кўришди. Кўлида китобини ушлаб туриб у Саксоннинг саволларига жавоб берди: йўқ, бу ерда чақадиган чивинлар йўқ. Тўғри, бир пайтлар ёзда бўлган эди: бу ерларда аввал ҳеч ҳам бўлмагани ўн кун давомида жануб шамоли эсиб, Сан-Пабло бухтасидан бу ерларга чивинни ҳайдаб келганди. Туман масаласига келсак, ўзининг ҳосилдор ерлари учун водий айнан ундан миннатдор бўлиши керак. Шамол туманни қирқ мил наридаги океан соҳилларидан ҳайдаб келади, Сонома тоғи эса уларни ушлаб қолади ва туман тепага қараб сузади. Ва яна муҳим нарса шуки, мистер Эдмунд кўшимча қилди: унинг ранчоси ва “Мадроньо” ранчоси қишнинг совуқ тонгида ҳаво водийнинг бошқа жойларига кўра бир неча даража юқори бўладиган ернинг тор минтақасида жойлашган. Умуман, бу зонада қаттиқ совуқлар кам бўлади, бу нарса бу ерларда апельсин ва лимонларнинг бир қанча турлари етиштирилишидан ҳам кўриниб турибди.

Мистер Хэйл китобларнинг номларини ўқиб, танлашда давом этди: аллақачон бир тўп китоб йиғилиб қолган эди. У тўпламнинг энг устида турган Болтон Холлнинг “Уч акр ва озодлик” китобини олиб очди ва ёшларга йигирма акр ерига эски усулда ишлов бериш учун бир йилда олти юз эллик мил пиёда йўл босиб, шундан уч минг бушель бўлмағур картошка навидан

ҳосил олган одам ва яна бошқа, бор-йўғи беш акр ерга ишлов бериш учун ниҳоятти икки юз мил йўл босган ва эртаки энг яхши картошка навидан уч минг бушель ҳосил олган ва аввалги кишига кўра анча қимматта сотган одам тўғрисида ўқиб берди.

Саксон Хэйлдан китобларни олди ва бирин-кетин номларини ўқиб, Билга узата бошлади. Бу китоблар ичида Уиксоннинг “Калифорния мевалари” ва “Калифорния сабзавотлари”, Брукснинг “Ўғитлар”, Уотсоннинг “Уй қушлари”, Кингнинг “Суғориш ва қуритиш”, Кропоткиннинг “Дала, фабрика ва устахоналар” китоблари ва уй ҳайвонларини боқиш масалаларига бағишланган “Ерга ишлов бериш бюллетени, N 22” лар бор эди.

– Китоб керак бўлса, бемалол келаверинглар, – деди мистер Хэйл. – Менда ерга ишлов бериш бўйича юзлаб китоблар бор... Ва бўш вақтингиз бўлиши билан албатта, Дулси билан танишишингиз керак.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Уларни кўргани миссис Мортимер келди ва ўзи билан уруғлар каталоги ва ерга ишлов бериш учун қўлланмалар ҳам олиб келди. Саксон бу пайт Хэйлдан олган китобларни ўқиб-ўрганиш билан машғул эди. У мехмонга кўргонни кўрсатиб чиқди. Миссис Мортимер кўрганларидан ҳам, ижара шартномасининг шартларидан ҳам ҳайратга тушди.

– Энди эса, – деди у ҳамма нарса билан танишиб чиккач, – нимадан бошлашни кўриб чиқамиз. Иккалангиз ўтиринг-чи. Бу ҳарбий совет ва мен сизларга нима қилишни ўргатадиган одамман. Бўлмаса-чи! Агар одам катта шаҳар кутубхонасини қайтадан ташкил қилиб,

каталог тузган бўлса, у ҳолда истаган маҳалда иккита ёшни тўғри йўлга йўналтира олади. Демак, нимадан бошлаймиз?

Миссис Мортимер, фикрларини жамлаб олиш учун жим қолди.

– Биринчидан, сизлар “Мадроньо” ранчосини сувтекинга сотиб олибсизлар. Мен тупроқ масаласида ҳам, манзаралар ва иқлим масаласида ҳам кўп нарсани тушунаман. Бу ранчо – қайнар хумча. Ўтлоқларингиз – бугун бир бойлик. Қандай ишлов беришни кейин гаплашамиз. Асосийси – ер. Сизларда у бор. Иккинчиси – сиз бу ер билан нима қилмоқчисиз? Шу ердан келадиган фойдага яшамокчимисиз? Ҳа. Сабзавотлар экиш керакми? Албатта. Уларни ўстиргандан кейин нима қиласиз? Сотиладими? Қаерда? Мана, кулоқ солинглар. Сиз мен ўз вақтида қилган ишимни қилишинглар керак. Ҳеч қандай даллөлнинг кераги йўқ. Сабзавотларингизни тўғридан-тўғри харидорга сотинглар. Ўзингиз ўзингиз учун бозор барпо қилинг. Биласизларми, бу ердан бир неча милгина нарида вагон деразасидан нимани кўрдим? Мехмонхоналар, пансионлар, қишқи ва ёзги курортлар – хуллас, бу ерда ҳамма нарса бор: кўп аҳоли, харидорлар, бозор. Бу бозорга кимлар махсулот олиб келади? Мен бу ерга келадиганимда йўлда ҳеч бир полизни учратмадим. Билл, тушлиқдан кейин отларингизни эгарлаб, мен билан Саксонни бир айлангириб келинг. Бошқа ҳамма ишларингизни ташланг. Агар манзили бўлмаса бирор ерга боришдан нима наф? Бугун манзилни билиб оламиз. Ана ундан кейин нима қилишни ўйлаймиз... – Биллга жилмайиб қараб, деди миссис Мортимер.

Бироқ Саксон улар билан бирга бормади. Анчадан бери ташландиқ бўлиб ётган уйни йиғиштириши ва

меҳмон учун хона тайёрлаши керак эди. Билл ва миссис Мортимер қайтиб келишганда кечки овқат пайтидан анча ўтиб кетган эди.

– Болалар, роса омадингиз келибди, – фургондан тушар экан, гап бошлади миссис Мортимер. – Бу ерларда ҳаёт энди-энди бошланыпти. Мана сизга – бозор. Ҳозирча сизларнинг бирорта ҳам рақобатчингиз йўқ. Бу курортлар – Калиенте, Бойс Хот Спрингс, Эль Вераноларнинг яқиндагина пайдо бўлганини мен дарров тушундим. Бу курортларнинг эгалари ва бошқарувчилари билан гаплашиб чиқиб бўлдим.

– Саксон, миссис Мортимер – сеҳргар! – ҳайрат билан хитоб қилди Билл. – У тўғри яратганининг олдига ҳам таклиф билан бориши мумкин. Сен унинг ҳалиги одамлар билан гаплашаётганини кўрсанг эди!

Миссис Мортимер Биллнинг мақтовларига кулиб қўйиб, гапида давом этди.

– Нима деб ўйлайсиз, улар сабзавотларни қаердан олишар экан? Ўн икки-ўн беш мил узоқдан – Санта Роса ва Сономадан келтиришар экан. Булар энг яқин жойлар, бироқ улар доим ўсиб турган талабни қондириша олмаганда – мен эшитдим, кўпинча шундай бўлар экан, сабзавотлар учун Сан-Францискога боришар экан. Мен Биллни уларга таништирдим. Улар Билл билан ҳамкорлик қилишга рози бўлишди. Бундан ташқари, бу улар учун фойдали ҳам. Сизлар худди улар оладигандек ва ўша нарҳда сабзавот етказиб берасизлар. Маҳсулотларингиз доим яхши ва янги бўлиши учун ҳаракат қилинлар. Яна бир нарсани эсдан чиқарманг: етказиб бериш сизларга анча арзонга тушади, ахир у ерлар жуда яқин – қўл узатса етадиган жойда.

– Бундай хариддорларни бир кунлик тухумлар билан кизиктира олмайсиз. Мураббо ва жемлар билан ҳам. Бу ерда экин учун ариқ олиб бўлмайдиган жойларингиз етарли экан. Эртага эрталабдан мен сизларга жўжа ва бошқа қушлар учун тўсиклар ясашга ёрдам бераман. Сан-Францискога хўроз етказиб беришингларни маслаҳат бераман. Оз-оздан бошлаш керак. Майли, ҳозирча бу сизлар учун қўшимча маҳсулот бўлиб турсин. Мен бу ҳақда сизларга ҳамма нарсани кейин тушунтириб бераман ва бу тўғрида китоб ҳам юбораман. Бироқ, сизлар ўзингиз ҳам ўйлашингиз керак. Бошқалар ишласин. Шунинг эсдан чиқарманг! Бошқарувчиларга ишчилардан кўпроқ тўланади. Кирим-чиқим дафтари тутишингиз керак бўлади, ишингиз қандай аҳволда эканлигини, нима фойдали, нима йўқ, нима энг кўп фойда келтиришини доим билишингиз керак. Кирим-чиқим дафтарида бу дарров кўринади. Мен сизга бу дафтар қандай тутилишини албатта, ўргатиб қўяман.

– Қизик, булар ҳаммаси фақат икки акр устида! – деб қўйди Билл.

Миссис Мортимер йигитга қаттиқ қараб қўйди.

– Икки акр қаердан? – сўради у. – Беш акр. Бозорнинг талабини қондириш учун сизларнинг ўзингиз камлик қиласизлар. Ёмғирлар бошланиши билан йигитча, ўзингиз ҳам, отларингиз ҳам ўтлоқни қурита-вериб, ҳолдан тоясизлар. Эртага иш режасини тузиб чиқамиз. Энди резавор мевалар ҳақида. Мана бу майдон резавор мевалар ва узум ишкоми учун тўғри келади. Улар учун жуда катта нарх тўлашади. Биз қора смородина ва малина экамиз. Бироқ қулупнай ҳақида ўйламай қўя қолинглар. Бу алоҳида мавзу, қулупнай узум каби эмас. Мевазор боғни мен кўриб чикдим.

Умуман айтганда ёмон эмас. Тозалаш ва чатишти-ришни кечроқ бошлаймиз.

— Бироқ Билл уч акр ўтлоқни ўзига олмоқчи эди, — гапириш имкони туғилиши билан деди Саксон.

— Нега?

— У бу ерларга ўзи боқмоқчи бўлаётган отлари учун ем экмoқчи эди.

— Отлари учун емни полиздан келадиган фойдадан сотиб ола қолсин, — дарров ҳал қилиб қўя қолди миссис Мортимер.

Билл яна бир марта ўз орзусидан кечишига тўғри келди.

— Нима ҳам дердим, — ўзини қувноқ кўрсатишга ҳаракат қилиб деди Билл. — Қилаверинглар. Полизми — полизда.

Миссис Мортимер уларникида бир неча кун ушла-ниб қолди ва Билл ҳам иккала аёлга ҳамма нарсани ўзларича ҳал қилишларига йўл қўйиб берди. Бу пайтда Оклендда савдо-сотиқ пайти кучайган бўлиб, Биллдан тезлик билан яна отлар партиясини юборишини сўраб, хат келди. У эрталабдан кечгача атроф-теваракни айланиб ўзига тўғри келадиган отларни кидириш билан машғул эди. Бу юришлар натижасида у бутун водийни яхшилаб ўрганиб чиқди. Бошқа томондан, Окленддаги отхоналар бошқарувчиси шаҳар кўчаларида юраверга-нидан оёғи ишдан чиққан отлардан қутилиш йўлини излаётган ва Биллга жуда арзон нарҳда истаганини танлаб олишни таклиф қилган эди. Булар жуда яхши отлар эди. Оклендда улар билан олдин ишлагани учун Билл буни жуда яхши биларди. Юмшоқ қишлоқ ерларида бу отларнинг оёқлари жуда тез тузалиб кетиши мумкин эди. Фақат олдин уларнинг тақасини олиб ташлаш ва яйловда дам олдириш керак бўларди.

Улар энди шаҳарда иш бермас, бироқ дала ишларида ҳали кўп иш бериши мумкин эди. Бундан ташқари улар насл ундириш учун ҳам ярарди. Бироқ Билл уларни сотиб олишга иккиланиб қолди. Бу масала устида бир ўзи қийналиб, Саксонга бир оғиз ҳам сўз айтмади.

Кечқурунлари Билл одатда ошхонада чекиб, аёлларнинг кун давомида нима қилганлари ва энди нима қилмоқчи эканликлари тўғрисидаги гапларига кулоқ солиб ўтирарди. Яхши отларни топиш қийин бўлиб, ҳар бир фермерни отини сотишга кўндириш омбир билан сўғургандек бўлаётган эди. Борган сари автомобиль урфга кираётган бўлса-да, оғир юк ташувчи отларнинг нархи ўсиб бораётган эди. Билл эсини танигандан бери уларнинг нархи ўсишдан тўхтамаган эди. Ер қимирлашдан сўнг эса уларнинг нархи осмон бўлиб кетган ва ўша пайтдан бери тушмаган эди.

– Билл, сиз полизда ғимирлагандан кўра от сотишдан кўпроқ фойда қиласиз, тўғрими? – сўради миссис Мортимер. – Жуда яхши. Менимча, сиз ўтлоқни қуритишингиз ҳам, ер ҳайдашингиз ҳам, умуман ерга яқинлашишингизнинг кераги йўқ. Отларингизни сотиб олишда давом этаверинг. Бошингизни ишлатинг. Бироқ тушган фойдангиздан Саксоннинг полизида ишлайдиган ишчининг маошини сиз тўлайсиз. Бу дегани жамғармангизни кейин катта фоиз келтирадиган омонат кассага қўйилиши, демак.

– Тўғри, – миссис Мортимернинг гапини тасдиқлади Билл. – Уларнинг ҳисобига бойиш учун бошқаларни ишга олинади. Бироқ Саксон ва битта ишчи беш акр ерни қандай эплайди, мен шуни тушунмаяпман. Ахир мистер Хэйл биз иккимизни икки акрни ҳам эплай олмайсизлар, деган!

– Саксоннинг ишлашига ҳожат ҳам бўлмайди, – эътироз қилди миссис Мортимер. – Ахир сиз мен Сан-Хоседа ишлаганимни кўрганмисиз? Саксон ишни бошқаради. Сиз буни энди тушуниб етишингиз керак. Калласини ишлатишни билмайдиганлар кунига бир ярим доллар топишади; Саксонга эса кунига бир ярим доллар кам. Энди эшитинг. Мен бугун мистер Хэйл билан анча суҳбатлашдим. Унинг фикрича, бу ерда қишлоқ хўжалигини тушунадиган яхши ишчини топиш қийин.

– Буни биламан, – деди Билл. – Ҳамма яхши ишлайдиганлар шаҳарга кетиб, бу ерда фақат ёмонлари қолган. Агар яхшилари қолган бўлса, улар хизматкорликка боришмайди.

– Тўппа-тўғри. Демак, кулоқ солинглар. Мен буни билардим, шунинг учун мистер Хэйл билан бу тўғрида гаплашдим. У сизларга ёрдам бермоқчи. У нима қилишни билади ва турма бошлиғи билан яхши таниш. Хуллас, сиз икковингиз Сен-Квентиндан иккита маҳбусни кафилликка оласиз. Сизларга юмшоқтабиатли ва полиз ишларини яхши биладиганларни жўнатишади. У ерларда хитойликлар билан италияликлар тикилиб ётибди. Булар эса дунёда полиз ишларини энг яхши тушунадиган одамлардир. Бу билан сиз бир ўқ билан иккита куённи отасизлар: бечора маҳбусларга ёрдам берасиз ва яхши ишчига эга бўласизлар.

Саксон кўнгли хижил бўлиб иккиланиб қолди, бироқ Билл миссис Мортимернинг бу таклифига жиддий қаради.

– Сиз Жонни яхши биласиз-а? – гапида давом этди аёл. – мистер Хэйлнинг ишчиси. У сизларга ёкадими?

– Мен шу бугунгина ана шундай одамни топишни орзу қилгандим, – қизикқонлик билан деди Саксон. – У

шунақа очик кўнгил, вафодор инсон. Миссис Хэйл менга у ҳақда анча яхши гапларни гапирганди.

– Бироқ бир нарса тўғрисида оғиз очмаган, – жилмайиб, деди миссис Мортимер: – Улар Жонни кафилликка олишган. У йигирма саккиз йил бурун бир одам билан олтмиш беш центни деб уришиб қолиб, қизиқ устида уни ўлдириб қўйган. Мана, уч йилдан бери Хэйллар билан шу ерда яшайди. Менинг фермамдаги кекса француз Луини эслайсизларми? Мен ҳам уни турмадан олган эдим. Демак, келишдик. Ишчиларингиз бўлгач, албатта, уларга керагича ҳақ тўлайсизлар. Фақат, бир миллат одамлари бўлишини илтимос қилинглар – ёки хитойлик, ёки италияликлар... Улар етиб келишгач, мистер Хэйл бошчилигида, Жон ҳам албатта ёрдам беради, ўзларига кичкинагина бошпана қуриб олишади. Жойни биз ўзимиз танлаймиз. Ишларингизни тўлиқ йўлга қўйиб олганингиздан сўнг сизларга тапқаридан яна ёрдамчилар керак бўлади. Сиз, Билл, атроф-теварақда иш билан юрганингизда, бир йўла сизларга тўғри келадиган одам ҳам қараб юринг.

Эртаси куни кечқурун Билл уйга қайтмади, кеч соат тўққизда Глен-Элленлик болакай телеграмма олиб келди. Телеграммани Окленд отхоналари учун от қидириб борган қишлоғидан Билл юборган эди.

У учинчи куни кечаси тунда жуда чарчаган, бироқ қувончини ичига сиғдира олмаётган ҳолда уйга кириб келди.

– Шунча кун нималар қилдингиз? – сўради миссис Мортимер.

– Бошимни ишлатдим, – жавоб берди Билл. – Бир ўк билан иккита қуёنни уришга ҳаракат қилдим. Ва, ишонасизми, иккита эмас, бир тўда қуённи ўлдирдим!

Уф! Мен бу ҳақда Лондэйлда билдим. Бир нарсани сизларга айтишим керак, мен Хазл ва Хаттини Калистогда отхонада қолдириб, ўзим Санта-Эленга дилижансда кетишимдан олдин уларни ўлгудек чарчатдим. Мен у ерга вақтида етиб келибман, чунки тоғлик бир аравакашнинг саккизта оғир юк тортадиган отлари менга тегди. Отларнинг ҳаммаси ёш, бақувват: энг енгили ҳам бир ярим минг фунтдан кам эмас. Мен кеча кечкурун уларни Калистогдан Оклендга жўнатиб юбордим. Бироқ бу ҳаммаси эмас. Ҳали Лондэйлда эканлигимда бир йигит билан танишиб қолдим: у тош конидан кўприклар учун тош етказиб беришни байлашиб олган экан. У йигит от сотиш эмас, аксинча, от сотиб олмакчи экан: отлар унга жуда зарур экан. У ҳатто отларни ижарага олишга ҳам тайёр эканлигини айтди.

— Ва сен сотиб олган отларингни унга юбордингми? — эрининг гапини бўлиб сўради Саксон.

— Ҳеч ҳам топа олмадинг! Мен у саккизта отни Окленд пулига сотиб олгандим — Оклендга жўнатдим. Бироқ мен у йигит билан келажак тўғрисида келишиб олдим ва у ҳар бир от учун кунига ижарага ярим доллардан тўлашга рози бўлди. Унга эса олтита от керак. Шундан сўнг мен Окленддаги кекса хўжайинга телеграмма жўнатиб, менга оёғи ишдан чиққан олтита от жўнатишини сўрадим ва бу отларни менинг пулим ҳисобидан Бэд Стродзерс танлаб беришини илтимос қилдим. Менга нима кераклигини Бэд яхши билади. Отлар етиб келиши билан, тақасини олиб ташлаб, икки ҳафталарча эркинликда боқамиз, кейин эса мен уларни Лондэйлга юбораман. Улар бемалол иш қила олишади: қилишадиган иши станцияга тош ташиш, юмшоқ йўлдан юришади. Уларнинг ҳар бири менга кунига

ярим доллардан олиб келади – яъни ҳафтасига уч доллар! Мен уларни боқишим, тақалашимнинг ҳожати йўқ, фақат уларни қийнамасликларига қараб турсам бўлди. Кунига уч доллар – мана буни иш деса бўлади! Бу пулларга мен Саксонга ёрдам беришлари учун иккита одам топиб беришим мумкин. У бу ишчиларни дам олиш кунини ҳам ишлашга мажбур қилмаса бўлди. Ҳа, мана сенга Ойдин водий! Бу кетишда биз яқин кунларда тиллага беланиб яшаймиз! Жин урсин! Шаҳарда юз йил яшаш мумкин, бироқ омадинг келмаслиги тайин. Худди хитой лотереясининг ўзи!

Шу гапларни айтиб, Билл ўрнидан турди.

– Бориб Ҳазл ва Хаттига ем бериб, кечасига жойлаштириб келаман. Ҳаммасини қилиб бўлганимдан сўнг овқатланамиз.

Аёллар бир-бирларига чарақлаган кўзлари билан қараб олишиб, энди гапирмоқчи бўлганларида Билл қайтиб келиб эшикдан бошини сукди-да, деди:

– Мен нима деганимни сизлар жуда ҳам тушунмадинглар, шекилли? Мен бу отлардан ҳар кунини уч доллар ишлайман. Бироқ, асосийси – бу олтига от – меники. Улар ўз-ўзимники. Улар менга тегишли. Тушунарлими?

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

– Мен ҳали яна келаман, болаларим, – хайрлашаётган деди миссис Мортимер.

Бутун қиш давомида у бир неча марта келди ва Саксонга бозор учун қандай кўчатлар экишни, баҳорда сабзовотларга бўлган талабни қондириш учун ва ниҳоят ёзда, ҳамма нарса сотилиб кетадиган ва барибир етмайдиган пайтда нималар қилиш кераклигини ту-

шунтирди. Хазл ва Хатти ҳар бир бўш дақиқада Глен-Эллендан гўнг ташишди: у ердаги молхоналар ҳали бунчалик тозалаш ишларини кўришмаган эди. Бундан ташқари яна миссис Мортимернинг кўрсатмаси билан тинмай станциядан минерал ўғит ташишга ҳам тўғри келди.

Кафилликка олинганлар хитойликлар экан. Улар икковлари ҳам турмада узоқ йил хизмат қилишган бўлиб, кекса одамлар эди. Бироқ улар иккаласининг кун давомида қила оладиган ишлари миссис Мортимерни қониқтирди. Гоу Юм йигирма йил илгари Менло-паркдаги бой хонадонлардан бирида катта боғбон бўлиб хизмат қилган бўлиб, ҳалокатининг сабаби Редвуд-ситидаги хитой кварталда фан-тан ўйини устида бошланган муштлашиш бўлган экан. Унинг дўсти Чан Чи ҳали Сан-Францискода тонга — яширин хитой жамияти — бўлган пайтларда энг ашаддий кимсалардан саналган. Бироқ чорак асрли қатъий турма ҳаёти ва полизларда ишлаш уни анча совутиб, пичоқ ўрнига омоч ушлашга ўргатган эди. Саксоннинг бу иккала ёрдамчисини Глен-Элленга худди қимматбаҳо юкдек олиб келиб, маҳаллий шериф қўлига тилхат орқали топширишди. Шериф ҳар ой турма раҳбариятига бу иккала кимсанинг ўзини тутиши тўғрисида ёзма рапорт топшириши керак эди. Саксон ҳам ҳар ой улар тўғрисида хабар етказиб турадиган бўлди.

Булар мени сўйиб кетишади, деган кўркувдан Саксон тез орада халос бўлди: улар бир қадам бежо қадам тапласалар ёки бир култумгина вино ичсалар бўлди, адолатпарвар ҳукумат уларни шу заҳотиёқ қайтиб турма камерасига тикарди. Улар бемалол эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдилар. Кекса

Гоу Юм хитой консуллигида бир нечта хужжатга қўл қўйиш учун Сан-Францискога боришига тўғри келганда, у Сан-Квентинда у ёққа бориб келиш учун рухсат олишига тўғри келди. Бироқ асосийси – иккала хитойлик ҳам кўнгилчан одамлар экан. Аввалига бу иккала маҳбус устидан ҳукмронлик қиламанми, деган фикр Саксонни эзиб юборди, бироқ улар иш бошлаганда, улар билан бирга ишлаш завқли эканлигига тан берди. Нима иш қилиш кераклигини айтса бўлди – уларнинг ўзлари нима қилишни Саксондан ҳам яқши билишар экан. Саксон бу одамлардан деҳқончиликнинг ҳамма сир-асрорларини ўрганиб олди ва тез орада агар уларникида маҳаллий аҳолидан бирортаси ишлаган бўлганда, ўзи ўла қолса ҳам фермани юрита олмаган бўлишига амин бўлди.

Саксон ўз ёрдамчиларидан кўркмаётганининг сабабларидан яна бири – у ёлғиз эмас эди. Унинг калласи ишларди. Уй ишларини полиздаги ишлар билан биргаликда олиб боришнинг иложи йўқлигини у тез орада тушуниб етди. У Юкайода кўпчилари бўлган, кир ювувчи бўлиб ишлайдиган чакқон бир аёлга иш таклиф қилиб, хат ёзиб юборди ва аёл унинг таклифига дарров рози бўлди. Миссис Пауль қирқ ёшлар атрофидаги, паст бўйли, калтабақай аёл бўлиб, оғирлиги икки юз фунтлар атрофида эди. Бироқ семизлигига қарамай, чарчаш нима эканлигини билмас, ҳеч кимдан кўркмас ва Биллнинг фикрича, битта қўли билан иккала хитойликни ҳам жойига ўтқазиб қўя оларди. Миссис Пауль ўзи билан ўн олти ёшли ўғлини ҳам олиб келди. Йигитча отларга қарар, мистер Хэйлнинг текширувидан ўтиб олинган чиройли жерсей соғин сигири Хильдани соғар эди. Миссис Пауль уйдаги ҳамма ишларни бемалол бажарса-да, Саксон унга бир нарсани

ишонмас эди: ўзининг кашта тикилган ич кўйлакларини ўзи ювар эди.

– Агар мен шу оддий ишни ҳам қила олмайдиган бўлсам, белкурак олиб мени ҳов анави секвойянинг тагига кўмиб ташла, – эрига деди у. – Демак, мен бу ёруғ дунёда яшашимнинг ҳожати йўқ.

“Мадроньо” ранчосида яшаётганларининг биринчи кунларидан бирида, миссис Мортимер уларниқига иккинчи бор келган пайтда, Билл бир нечта водопровод қувурлари олиб келди. Булоқ олдига кўйиб қўйилган эски бақдан уйга, товукхона ва отхонага сув ўтказди.

– Уф-ф, калламни ишлатишга ўргандим шекилли! – деди у. – Мен бир неча марта водийнинг нарига томонидан бир аёл уйдан икки юз фут наридаги булоқдан сув ташиётганини кўргандим. Ва, ҳисоблаб чиқдим. Кунига уч марта, кир ювилганда эса бундан ҳам кўпроқ ташилар экан. Бир йилда қанча юради, тасаввур қиялпсизларми? Бир юз йигирма икки мил! Кўрдинларми? Бир юз йигирма икки мил! Мен ундан қачондан бери бу ерда яшашини сўрадим. Ўттиз бир йилдан бери экан. Энди кўпайтириб кўринг. Уч минг етти юз саксон икки мил чиқади. Ҳаммаси қандайдир икки юз футлик водопровод қувури йўғидан. Қандай бемаънигарчилик!

– Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Имкон туғилиши билан мен ванна ва ёғоч бочка олиб келаман. Саксон, Ёввойи дарёси Сономага қуйиладиган жойдаги кичкина майсазор эсингдами? Ери бир акрдан кўп эмас эди... Сенга айтиб кўяй: ўша майсазор энди меники! Тушундингми? Сендан илтимос, ўтнинг устидан юрма. У меники. Мен у ерга насос қўймоқчиман. Ишлатилган насос кўриб қўйдим, ўн долларга беришмоқчи. Бу насос билан қанча сув хоҳласанг, шунча чиқариш

мумкин. Ана ўшанда шунақанги беда ўстираманки, хайрон қоласан. Мен юришим учун менга яна от керак. Хазл ва Хатти сендан ортмаяпти, мен улардан фойдалана олмаяман. Сабзавотларни таший бошлаганингда эса мен уларни умуман кўрмасам керак. Умид қилманки, менинг бедам яна битта отни боқа олса керак.

Бироқ Билл вақтинча бедасини ташлаб, бошқа мухимроқ ишлар билан машғул бўлишига тўғри келди. Аввалига унга омадсизликлар хамроҳ бўлди. У ўзи билан Сонома водийсига олиб келган бир неча юз доллар ва шу ерда ишлаган пуллари ҳар хил майдачуйда ва яшашларига кетиб қолди. Лондэйлда ижарага берган отлари учун оладиган ўн саккиз доллар эса ишчиларга маош бериш учун кетиб қолди ва ўзига миниб юриш учун от олишга пули бўлмай қолди. Бироқ у бор ақлини ишлатиб, ҳамма қийинчиликларни енгиб, яна бир ўқ билан иккита куёни отди: у ёш отларни қўлга ўргатишни бошлаб, бирор жойга борадиган бўлса, улардан фойдаланадиган бўлди.

Бу томондан ҳаммаси жойига тушди. Бироқ кутилмаганда, Сан-Францискодаги янги шаҳар бошқармаси иктисодиётни жойига қўйишни ўйлаб қолиб, кўчаларга тош ётқизиш ишларини тўхтатиб қўйди. Бу нарса эса Сан-Францискога тош етказиб берадиган Лондэйл тош конининг ёпилишига олиб келиб, Биллнинг олтига оти ўзига қайтиб келди. Энди уларни боқиш керак эди. Миссис Пауль, Гоу Юм ва Чан Чига маошни нимадан бериш керак, Биллнинг боши қотиб қолди.

– Биз ниманидир нотўғри қилдикми, деб кўрқаман, – Саксонга очиғини айтди Билл.

Ўша куни кечкурун у уйга кеч қайтди, бироқ юзлари кулиб турарди. Саксоннинг ҳам кайфияти уникидан ёмонроқ эмасди.

– Ҳайтовур, ҳаммаси жойига тушди, – эри отларни жойлаштираётган отхонага унинг кетидан кириб, деди Саксон. – Мен одамларимизнинг учови билан гаплашдим. Улар бизнинг аҳволимизни жуда яхши тушуниб туришибди ва кутишга рози. Келаси ҳафта Ҳазл ва Хатти сабзаотларни таший бошлашади. Ўшанда ҳамма меҳмонхоналардан пул туша бошлайди ва ниҳоят, менинг дафтаримда фақат чиқим эмас, кирим ҳам ёзила бошлайди. Кейин, биласанми, Билли, мен ҳатто ҳаёлимга ҳам келтирмагандим – Гоу Юмимизнинг банкда ҳисоб рақами бор экан. Мен уларга бор гапни айтиб берганимдан кейин сал ўтиб, у олдимга келди. Афтидан, ўйлаб кўрган шекилли, ва менга ўзидан тўрт юз доллар қарз олиб туришни таклиф қилди. Бу гапга нима дейсан?

– Мен у қадар кибрли эмасман, у хитойлик бўлгани учун бу пуллардан воз кечмайман, дейман. Мен учун бу одам оқ танли билан тенг ва бу пуллар ҳозир жудажуда асқотади. Мен эрталабдан бери қанча иш қилиб келганимни тасаввур ҳам қила олмайсан. Шунчалик банд бўлдимки, оғзимга бир тишлам нон ҳам ололмадим.

– Қаллангни ишлатдингми? – кулиб юборди Саксон.

– Албатта-да, – кулганча хотинининг гапини тасдиқлади Билл, – ва бир талай пул ишлатдим.

– Бироқ пулинг йўқ эди-ку.

– Билиб кўй: бу водийда менга қарз беришга ишонишади, – деди Билл. – Ва бугун мен бундан жуда фойдаландим. Қани, нимагалигини топгин-чи!

– Отгами?

Билл шунчалик хахолаб кулиб юбордики, от кўрқиб кетиб, устида Билл билан осмонга сақради.

– Йўқ, сен яхшилаб ўйлагин, – от ҳали ҳам титраётган ва ўзига ўкрайгандек қараётган бўлса-да, сал ўзига келганда сўрашда давом этди Билл.

– Иккита миниладиган отми?

– Ҳеч нарсани тушунмайсан! Бўпти, ўзим айтаман. Сен Тиркрофтни биласан-а? Мана, нима гап. Мен унинг катта аравасини олтмиш долларга сотиб олдим. Кейин кенвудлик темирчидан ҳам қирқ беш долларга арава сотиб олдим. Жуда ҳам зўр эмас, бироқ бўлади. Пингнинг аравасини ҳам сотиб олдим – зўр, олтмиш беш долларга берди. Элликка ҳам кўнган бўларди, бироқ менга жуда кераклигини тушуниб қолди.

– Пули-чи? – секингина сўради Саксон. – Ахир ёнингда ҳатто юз доллар ҳам йўқ эди-ку?

– Ахир мен сенга қарзга деб айтмадимми? Иложи бор экан, фойдаланиб қолдим. Мен нақдига бир цент ҳам тўламадим, фақат иккита узун қамчи учун тўладим. Кейин тош конидан тош ташийдиган йигитдан ҳар бири йигирма доллардан уч сидра ишлатилган эгар-жабдуқ сотиб олдим. Яна ўша йигитнинг ўзидан ижарага ҳар бир арава учун кунига ярим доллардан тўртта арава ва ҳар бир от учун кунига ярим доллардан тўртта от олдим. Ҳаммаси бўлиб мен унга бир кунда олти доллар беришим керак бўлади. Уч сидра эҳтиёт эгар-жабдуқ – менинг отларим учун. Кейин... Шошма, эслаб олай... Ҳа! Кейин мен яна Глен-Элленда иккита отхонани ижарага олдим ва Кенвуддаги дўкончадан эллик тонна сомон, бир вагон кепак ва тарик учун буюртма қилдим: ахир мен ўн тўртта отни боқишим, тақалашим ва бошқа ишларни қилишим керак... Эҳ, бутунлай эсимдан чиқибди! Мен яна кунига икки доллардан еттига одамни ишга олдим ва... Вой! Жин урсин! Нима қиляпсан?

– Йўк, сен алаҳламаяпсан, – эрини чимчилаб, жиддийлик билан деди Саксон. У эрининг пешонасини ушлаб, пульсини санади. – Иссигинг ҳам йўк. Қани, бир пуфлагин-чи. Йўк, чекмагансан ҳам. Майли, давом эт.

– Сенга булар камми?

– Кам. Мен давомини эшитмоқчиман. Мен ҳамма нарсани билмоқчиман.

– Жуда яхши. Лекин битта нарсани ҳам билиб кўй: мен Окленддаги олдинги хўжайинимдан тентакрок эмасман. Агар биров сендан сўраб қоладиган бўлса, “менинг эрим – тадбиркор одам” деб айтавер. Нега Глен-Элленда ҳеч ким мендан олдин бу ипни қилмаганини тушуна олмаётган бўлсам-да, мен сенга ҳамма гапни айтиб бераман. Афтидан, шунчаки хаёлларига ҳам келмаган! Чинакам шаҳарда бундай нарсани кўлдан чиқаришмаган бўларди! Мана, иш қандай бўлганини ҳозир мен сенга айтиб бераман. Сен яқинда куриб битирилган, ички деворлар учун оловга чидамли ғишт чиқазадиган катта заводни биласан-а? Хуллас, мен яқинда қайтиб беришадигани олтига отни нима қиламан, деб бошим қотаётганди: энди улардан пул келмайди, уларга овқат топиш учун мен ҳаракат қилишим керак. Шу пайт ўша ғишт заводи эсимга тушиб қолди. Мен ўша ерга бориб, уларнинг миллати япон бўлган химиклари билан гаплашиб кўрдим. У лабораторияда ишлар экан. Қарасам, заводда ҳамма нарса тайёр: иш бошланса бўлди. Мен ҳамма нарсани яхшилаб кўздан кечирдим. Кейин улар лой олишадиган жойни бориб кўрдим. У ердан заводгача бир милча келади, йўл тоғ бўйлаб кетади. Бир жуфт от бемалол эплайди. Тўғри, бўш арава билан тепага кўтарилиш

кийинроқ бўлади. Ҳамма нарсани қараб чиқиб бўлгач, мен отни бойлаб қўйиб, ҳисоб-китоб қилиб чиқдим.

– Япон профессор завод директори ва бошқарув аъзолари эрталабки поезд билан келишларини айтганди. Мен ҳеч кимга ҳеч нарса демай, ёлғиз бир ўзим уларни кутиб олувчи комиссия ролини ўйнамоқчи бўлдим. Поезд келиши билан ўша ерда ҳозир бўлиб, уларни шаҳар аҳли номидан кутиб олдим. Уларга чўзилган қўл айна пайтда сен бир вақтлар Оклендда таниганинг учинчи даражали боксчи, оти нима эди... ҳа, эсимга тушди – Катта Билл Робертсники ҳам эди. У шу ном билан рингга чиқарди, энди эса, ҳазилакам эмас – у мистер Уильям Робертс, эсквайр эди.

Шундай қилиб, улар билан саломлашгач, мен бирга заводга жўнадим. Уларнинг суҳбатларидан шуни тушундимки, ишлари яхши кетяпти. Кейин, шароит туғилиши билан мен уларга ўз таклифимни айтдим. Бироқ ичимда роса кўркаётган эдим: улар лойни ташиш ишларини байлашиб қўйишган бўлса-чи? Бироқ улар мендан шартларимни сўрашганда, тушундимки, улар ҳали буни ҳал қилишмаган. Мен сметани ёддан билиб олгандим, шу заҳотиёқ ҳаммасини тушунтириб бердим. Уларнинг бошлиғи эса ҳамма рақамларни блокнотига ёзиб олди.

– Биз ишнинг бошиданок кенг кўламда бошлаймиз, – деди у ва менинг юзимга синчиклаб қаради. – Мистер Робертс, бизга қандай транспортни таклиф қиласиз? – Менда эса фақат Хазл ва Хатти бор, улар ҳам бундай оғир юк учун ҳали жуда ёш.

– Мен бирданига ўн тўртта от ва еттита аравани йўлга қўяман, – дедим. – Агар керак бўлса, яна топаман.

– Мистер Робертс, бизга ўйлаб кўриш учун чорак соат беринг, – деди бошлик.

– Албатта, бемалол, – дедим. Ичимда эса “Эй Худо, ўзинг кечир”, деяпман. Бироқ мен бир нарсани айтиб қўйишим керак. Биринчидан, мен шартнома икки йилга тузилишини истайман. Кейин, менинг сметам яна бир нарсани кўзда тутганки, бусиз иш юришмайди.

– Қандай шарт экан? – сўради бошлик.

– Йўл, – дедим мен. – Ваҳоланки, шу ерда экансизлар, мен сизларга ҳозир ҳаммасини кўрсатаман.

Мен унга ҳаммасини кўрсатиб, агар улар ўзларининг юкни бўшатадиган жойга тушиш ва чиқишни ҳисобга олган биринчи режалари бўйича иш қилишадиган бўлса, мен учун ҳеч қандай фойда йўқлигини тушунтирдим.

– У ҳолда сизлар бир ишни қилишингиз керак бўлади, – дедим мен. – Яъни тепалик атрофига йўл ўтказиш, эллик фут баландликда бункерлар қуриш ва узунлиги етмиш, саксон бўлган кўприк шохобчаси қуришингиз керак.

Биласанми, Саксон, менинг очикчасига гапиришим уларга таъсир қилди. Ахир мен тўғри айтаётгандим. Агар улар ғишт ҳақида қайғуришаётган бўлса, мен ўз отларим ҳақида қайғураётгандим.

Улар менимча, ярим соатча маслаҳатлашишди. Мен эса, бир пайтлар сен менга тегишга “ҳа” дейсанми, ёки “йўқ” деб ҳаяжонланганимдек ҳаяжонда эдим. Сметани қайта қараб чиқдим, агар талаб қилишадиган бўлса, қанча қискартириш мумкинлигини ҳам кўриб чиқдим. Мен уларга шаҳар нархини айтгандим, шунинг учун пасайтиришга тайёр эдим. Сўнг улар қайтиб келишди.

– Нархлар қишлоқда пастрок бўлиши керак, – деди уларнинг бошлиғи.

– Ҳеч-да, – дедим мен. – Бу ерда ҳамма ёк узумзор. Сомон ўзимизнинг отларга ҳам етмайди, уни Сан-Хоакин водийсидан олиб келишга тўғри келади. Сан-Францискода сомон келтириб бериш билан арзонроқ, бу ерда эса мен ўзим келтиришим керак бўлади.

Бу гапим уларга таъсир қилди. Ахир мен ҳақиқатни айтгандим ва улар буни тушунишди. Бироқ бу ерда бир ишқал томони бор эди. Агар улар аравакашларга маош ва отларни тақалаш учун нархлар ҳақида сўраб қилишса, мен сўраган нархимни камайтиришимга тўғри келарди: бу ерда – на аравакашлар уюшмаси, на темирчилар уюшмаси бўлмаган ва бино учун нарх шаҳардагидан арзонроқ бўлган қишлоқда булар ҳаммаси анча арзон, ўзинг буни яхши биласан. Мен почтанинг рўпарасида яшайдиган темирчи билан келишиб олгандим: у менинг отларимнинг ҳаммасини ҳар бир тақа учун йигирма беш фоиз арзонроқ қилиб тақалаб беришга рози бўлганди. Бироқ мен бу ҳақда уларга ҳеч нарса демадим. Аслида улар ишнинг бу томонлари ҳақида бош қотириш учун ўз ғиштлари билан жуда машғул эдилар.

Билл кўкрак чўнтагидан муҳр босилган қоғоз олиб Саксонга узатди.

– Мана бу ҳамма шартлар, нархлар ва жарималар кўрсатиб ўтилган шартнома, – деди у. – Мен шаҳарда мистер Хэйлни учратиб қолиб, унга шартномани кўрсатдим. У ҳаммаси жойида, деярли. Ана шундан сўнг мен югуриб қолдим. Бутун шаҳарни айланиб чиқдим, Кенвудга, Лондэйлга бориб келдим, ҳамма ёқда бўлдим, ҳамма билан гаплашдим, ҳамма нарсани муҳокама қилдим. Келаси ҳафтанинг чоршанбасидан бошлаб мен қурилиш учун ёғоч, печлар учун ғишт ва бошқа керак бўладиган нарсаларни таший бошлайман.

Ҳамма нарса тайёр бўлиб, лойни ташиш керак бўлганда мен ўша ерда бўламан.

Бирок сен ҳали асосийсини эшитмадинг! Мен Кенвуддан Лондэйлга кетаётганимда, йўл кесишадиган жойда кутиб қолиб, сметани қайтадан қараб чиқдим. Биласанми нима? Минг йил ўйласанг ҳам топа олмайсан. Мен қаердадир кўшишда хато қилиб; уларга фараз қилингандан ўн фоиз кўпроқ суммани айтиб юборган эканман. Мана, пул қандай қилиб топилади! Агар сенинг кўкатларинг учун кўшимча ишчи керак бўлса, бир оғиз сўз айтсанг бўлди... Бирок, аслида, яқин ойларда рўзгорда тежаб туриш керак бўлади. Ана энди бориб Гоу Юмдан бемалол тўрт юз долларини олавер. Унга саккиз фоиз кўшиб беришимизни ва пул бизга кўпи билан уч-тўрт ойга кераклигини айтиб қўй.

Билл Саксоннинг кучоғидан қутулиб, оти бироз совиб олиши учун уни айлантира бошлади. Сўнгра шунчалик қутилмаганда тўхтадики, оти тумшуги билан унинг орқасига урилди ва чўчиб кетганидан яна сакраб кетди. Билл яна уни тинчйтишга тушди. Саксон индамай кутиб турарди: у Биллнинг хаёлига яна янги бир фикр келганини тушунганди.

– Саксон, менга қара, сен банк ҳисоблари ва чеклар тўғрисида бирор нарса тушунасанми?

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Чарақлаган июнь тонгида Билл хотинига янги миниладиган отни синаб кўришга бориш учун махсус киядиган кийимини кийиб олишни айтди.

– Мен сабзавотларнинг иккинчи партиясини жўнатмагунча, яъни соат ўндан олдин бўшамайман, – деди Саксон.

Ишлар жуда тез кетаётганига қарамай, Саксоннинг кутилмаган қобилиятлари намоён бўлиб, у ишни жуда ақл билан тақсимлагани сабаб, бўш вақти бемалол эди. У миссис Хэйлникига тез-тез бориб турарди: Клара Хастингс қайтиб келган бўлиб, доим холасиникида эди ва улар билан бирга бўлиш Саксонга завқ бағишларди. Ёш аёл бу уйдаги дўстона шароитда очилиб кетаётганди. У китоблар ўқишни бошлаган ва ўқиган нарсаларини тушуниб етишга ҳаракат қиларди. Китоб учун, кашталар тикиш ва эри йўлдалигида у билан бирга бўлиш учун Биллга ҳам вақт ажратарди.

Билл эса Саксондан ҳам бандроқ эди, чунки иш юзасидан ҳали у ерга, ҳали бу ерга боришига тўғри келар, бироқ нима қилиб бўлса ҳам отхонаси ва хотинининг отларига қарашга вақт ажратар эди. Миссис Мортимернинг ўтқир кўзлари Биллнинг иш дафтаридаги чиқим графасида баъзи камчиликларни кўриб турган бўлса-да, йигит ҳақиқий тадбиркор бўлиб қолган эди. Миссис Мортимер Саксон ёрдамида йигитни ёзувларини эътиборлироқ бўлиб олиб боришга мажбур қилди. Энди Билл ва Саксон ҳар куни кечкурун овқатдан кейин ҳисоб-китобларини қилишарди. Ишларини тугатишгач эса, Билл ғишт заводи билан шартнома тузилиши биланок сотиб олишни талаб қилиб туриб олгани креслога жойлашиб ўтириб

оларди. Саксон ҳам укулелесини олиб келиб Биллнинг тиззасига ўтирганча, аста унинг торларини чертиб кўшигини бошларди. Улар баъзан ўз ишлари ҳақида узоқ суҳбатлашсалар, баъзан келажак учун режа тузишарди. Баъзан Билл жиддийлик билан гапириб қоларди:

– Саксон биласанми, мен сиёсат билан шуғулланишга қарор қилдим. Шуғуллансам арзийди. Чин сўзим, шуғулланишга арзийди. Агар келаси баҳор менинг ўнлаб араваларим йўллар қурилишида ишлаб, менга бутун шаҳардан фойда олиб келмаса, мен Оклендга қайтиб бориб, аввалги хўжайинимдан мени ишга қайтиб олишини сўрайман.

Саксон гоҳида янгиликларни гапириб қоларди.

– Билл, эшитдингми, Калиенте билан Элриж ўртасида ажойиб меҳмонхона очишаётган эмиш. Яна тоғда катта санаторий очилмоқчилигини ҳам айтишяпти.

Ёки Биллга қараб яна дерди:

– Мана, сен ўтлоғингга сув келтирдинг. Энди сабзавотлар экиш учун уни менга бергин; ижарага оламан. Ўша ерда қанча беда етиштириш мумкинлигини ҳисоблаб кўргин. Мен сенга ўстириш учун кетган чиқимларни чиқариб ташлаб, бозор нархида тўлайман.

– Майли, ола қол, – хўрсинигини зўрға босиб, деди Билл. – Мен шунчалик бандманки, бекорчи ишлар билан шуғулланишга ҳеч ҳам вақтим йўқ.

Бу кўриниб турган ёлғон эди: ахир у тўғон қуриб, сув ўтказишга вақт топди-ку.

– Билл, тўғриси шундай бўлгани яхшироқ, – эрининг айниқса, ҳозир кенгликларни истаб кетаётганини сезиб, Саксон уни овутишга ҳаракат қилди. – Арзимаган бир неча акр билан ўралашиб ўтиришининг нима кераги бор? Бир юз қирқ акр ер бўлса бошқа гап эди.

Қария Шэвон вафот этгандан кейин биз у ерни албатта, сотиб оламиз. Ахир бу ер чиндан ҳам “Мадраньо” ранчосига тегишли экан-ку: бир пайтлар бир бутун бўлган экан.

– Мен албатта, ҳеч кимга ўлим тиламайман, – минғирлаб, деди Билл, – бироқ унинг ери бекорга хароб бўляпти: мен бу ернинг ҳар бир дюймиди биламан. Бу ернинг қирқ акрча ери ўтлоқ, тоғда эса сув шунчалик кўпки, бутун водийни суғориш мумкин. Истаганингча ем ҳосили олиш мумкин. Бундан ташқари, у ерда менинг наслдор бияларимни боқиш учун камида эллик акр келадиган яйлов бор, ўтлоқлар, дарахтзор, тепаликлар... Яна ўрмон ўстирилган эллик акр ери ҳам бор, у ерда чиройли жойлар бор, ёввойи ҳайвонлар ҳам... Кейин лойдан қурилган эски отхонадан ҳам фойдаланиш мумкин: томиди қайтадан ёпиб, совуқ ҳавода бутун молларни ўша ерга ҳайдаш мумкин. Ахир отларимни боқиш учун ижарага олган яйловни ўзинг кўргин, қанчалик бечораҳол. Агар шу ер менга тегишли бўлганда отларим ана шу бир юз қирқ акр ерда ўтлаган бўларди. Қизиқ, Шэвон шу ерини ижарага бермасмикин?

Бошқа кунлари Билл орзуларга бунчалик берилиб кетмасди.

– Саксон, эртага Петалумуга боришим керак. Аткинсоннинг ранчосига аукцион бўлади. Балки бирор бир керак нарсани олишнинг иложи бўлиб қолар.

– Сен учун отларинг ҳали ҳам камми?

– Ахир менинг иккита аравам янги вино чиқарувчи завод учун ёғоч ташиётганини билмайсанми? Барнейнинг эса пайи чўзилибди. Тузалипига анча вақт кетади. Брижет эса анча ишдан чиқди. Буни кўриб турибман. Бўлмаса қанча даволадим. Бошқа отлар ҳам

бир оз дам олиб олса халал бермасди... Бўз отлар эса доим оғир ишда. Бурул от эса ёмон ўтдан еб қўйган, шекилли. Биз унинг тишларига нимадир бўлган деб ўйлагандик, йўқ, ундай эмас экан. Отларни асраб-авайлаб, вақтида даволаш – бу пулингни тежашнинг энг тўғри йўли. Агар пул йиға олсам, Колхозадан бир партия бакуват хачирлардан буюртираман. Уларнинг менга кераги йўқ, сотиш учун оламан. Бу ерда уларни иссиқ сомсадек талашиб олишади.

Баъзан, кайфияти жуда яхши бўлганда, Билл ҳазил қилишга бошларди:

– Айтганча, Саксон, ҳисоб-китоб ҳақида гаплашаётган эканмиз, сенингча Хазл ва Хаттининг нархи қанча экан-а? Бозор баҳоси?

– Сенга бу нега керак бўлиб қолди?

– Мен сендан сўраяпман.

– Сен улар учун қанча тўлаган бўлсанг, шунча.

– Хў-ўш... Улар албатта, қимматроқ туради. Бирок, майли, сен айтганча бўла қолсин. Энди ҳисоб-китобимизга қайтамиз: балки сен менга уч юз доллар учун тилхат берарсан, нима дейсан?

– Вой талончи!

– Ҳеч ҳам-да. Мен сенга ем ва сомонни арзонга берганимда, менга тилхат ёзиб берасан-ку, ахир. Сен ҳисоб-китобни қандай аниқлик билан олиб бораётганингни, ҳар бир пеннини ёзиб боришингни ҳамма билади, – хотинининг жиғига тегилшда давом этарди Билл. – Демак, сен шунчалик тадбиркор бўлсанг, бу отлар учун ҳам тўлашинг керак бўлади. Мен ўзим улардан қачондан бери фойдаланмаётганимни эсимдан ҳам чиқариб юборибман.

– Бирок сенга тойчалар қолади-ку, – эътироз қилди Саксон. – Менинг хўжалигимда менга наслдор биялар-

нинг кераги йўқ. Яқинда Хазл ва Хатти сабзавот ташишдан бўшашади. Умуман улар бундай турдаги иш учун увол. Менга уларнинг ўрнига бошқа от қараб қўй. Ҳов анави жуфтлик учун тилхат ёзиб беришим мумкин.

– Яхши, демак, мен Хазл ва Хаттини қайтиб оламан. Бироқ сен марҳамат қилиб, ижара учун пулини тўлаб қўй: ахир улардан анча вақт фойдаландинг-ку.

– Агар сен Хазл ва Хаттининг ижараси учун пул тўлашимни талаб қиладиган бўлсанг, мен сенга стол устига ҳисоб-китобни қўяман, – кўрқитди Саксон.

– Агар сен ҳисоб-китобни стол устига қўядиган бўлсанг, у ҳолда мен бу уй учун қўшган пулимдан фоиз талаб қиламан.

– Бундай қила олмайсан, – кулиб юборди Саксон, – бу бизнинг уйимиз, иккаламининг умумий нарсамиз.

– Билл жаҳл билан пишқириб, ўзини худди алам қилаётгандек тутди.

– Жуда ёмон жойидан олдинг! – деди у. – Гапимни йўқотиб қўйдим. Бироқ, жуда чиройли жаранглаяпти-а? Бизнинг уй... – У бу сўзларни ҳайрат билан қайтарди. – Иккаламиз турмуш қурганимизда орзуларимизнинг чўққиси доимий ишимиз бўлиши, бир оз латтапутта ва озгина жиҳозимиз бўлиши эди. Агар сен бўлмасанг, ҳеч қачон иккаламизнинг “умумий нарсамиз” бўлмасди.

– Бўлмаган гапларни гапирма! Мен сенсиз ўзим нима қила олардим? Буларнинг ҳаммаси учун пулни сен топганингни ўзинг жуда яхши биласан. Гоу Юмга ҳам, Чан Чига ҳам, кекса Юхи ва миссис Паульга ҳам сен маош тўлаяпсан ва бу нарсалар ҳаммаси сенинг ишинг.

Саксон меҳр билан эрининг елкасини ва бақувват кўлларини силаб кўйди.

– Мана булар ҳаммасини қилди, Билл.

– Бўлмаган гап! Ҳаммаси сенинг калланг билан бўлди. Агар менинг мушакларимни бошқариб турадиган калла бўлмаса улардан нима наф? Фақат штрейк-брехерларни калтаклаш, ижарадорларни савалаш ва барда туриб олиб ичиш. Менинг қилган биттагина ақлли ишим – сенга уйланиш бўлган. Саксон, чин сўзим, сенсиз мен адо бўлардим.

– Билл, бўлмаган гап! – эрининг гапини ўзига қайтариб, деди Саксон. – Агар сен мени кирхонадан кутқармаганинга нима бўларди? Мен у ердан чиқиб кета олмасдим. Ахир мен бир ҳимоясиз киз эдим. Агар сен бўлмаганинга, мен ҳали ҳам ўша ерда ишлаб ётган бўлардим. Миссис Мортимернинг беш минг доллари бўлган, менда эса – сен борсан.

Ҳаётда аёл кишига йўл топиш эркакдан кўра қийинроқ, – гапининг якунида деди Билл. – Мен сенга айтсам: биз иккаламиз бир-биримизга керак эдик. Иккаламиз кўш отдек ишладик. Ҳамма нарсани бирга қилдик. Агар иккаламиз учрашмаганимизда, сен ҳозир ҳам кирхонада букчайиб ишлаб ётган бўлардинг. Мен эса Окленддаги отхонада ишлаб, ракс клубларида тентираб юрган бўлардим.

Билл ипақдек туклари қуёшда олтиндек учқунлаётган биянинг жиловидан ушлаб ҳовлига кириб келганда, Саксон Хазл ва Хаттининг лик тўлдириб сабзавотлар ортилган аравани олиб чиқиб кетишини кузатиб турган эди.

– Зотдор, тўрт ёшда. Тўполончи, лекин ёмонлиги йўқ, – Саксоннинг ёнига келиб, отни мақтади Билл. – Териси худди хитой қоғозидек юпқа, юзлари атласдек

майин, бироқ бу от ҳар қандай мустангни ортда қолдиради. Бурун тешиқларини қара! Исми Рамона – испанча от, онасининг исми “Мореллита”.

– Уни сотишяптими? – хайратдан қўлларини маҳкам қисганча, бўғиқ овозда сўради Саксон.

– Шунинг учун ҳам сенга кўрсатгани олиб келдим.

– Бироқ унинг учун жуда кўп сўрашаётган бўлса керак? – сўрашда давом этди Саксон: унга ўзининг шундай ажойиб оти бўлиши мумкин эмасдек туюларди.

– Энди бу сенга тегишли эмас, – хотинининг гапини бўлди Билл. – У гишт заводидан келадиган пулга сотиб олинади, сенинг сабзавотларингдан тушган пулга эмас. Бир оғиз айтгин – Рамона сеники. Хўш?

– Ҳозир, бир дақиқа.

Саксон эгарга сакраб чиқмоқчи бўлди, бироқ от унинг остида асабий ҳаракат қила бошлади.

– Тўхтаб тур, у аёлларга ўрганган эмас, ҳамма гап шунда.

Саксон жиловни маҳкам қўлига қисиб, отнинг ёлини ушлаб олди, шпор тақилган этик кийган оёғини Биллнинг қўлига қўйиб, бир сакрашда эгарга чиқиб ўтирди.

– У шпорга ўрганган, – хотинининг орқасидан қичқирди Билл, – испан зотидан. Жиловни дарров тортма. Секинроқ муомала қил. У билан гаплаш. У қони тозалардан, ўзинг биласан-ку.

Саксон бошини силкиди ва дарвозадан ўқдек учиб чиқиб кетди. “Сокин Манзил” ёнидан ўта туриб, у Клара Хастингсга қўл силкиб қўйди ва Ёввойи дарасига қараб кетишда давом этди. У уйга қайтиб келганда оти терга ботиб кетган эди.

Саксон уйни айланиб ўтиб, паррандахоналарни, гулзор ва мевали буталарни орқада қолдириб, ер майдонларининг чегарасида папирос чекканча оти устида ўтирган Биллнинг олдига келиб тўхтади. Дарахтлар орасидан тушиб турган ёруғликда улар ўтлоққа қарашди. Бироқ бу энди ўтлоқ эмас эди: математик аниқлик билан турли хил тўртбурчакларга бўлиб ташланган эди. Хитойча сомон шляпа кийиб олган Гоу Юм ва Чан Чи пиёз экишаётган эди. Қария Юхи эса асосий суғориш ариғи олдида туриб олиб, бир ариқни беркитиб, иккинчисини очиш билан машғул эди.

Саройнинг орқасида, бостирма тагидан болғачанинг товуши эшитиларди. Афтидан Карлсен сабзавот солинган қутиларни сим билан ўраётган эди, шекилли. Ичкаридан дуо ўқиётган миссис Паульнинг ўткир товуши ва тухум оқини кўпиртирилаётган овоз эшитиларди. Поссумнинг жаҳл билан акиллаши эса у қаердадир олмахон билан урушаётганидан дарак берарди. Билл сигаретини тортиб, тутун чиқазганча, кўзини ўтлоқдан олмай қараб турарди. Саксон эри нимадандир хавотирдалигини сизди. Унинг жилов ушлаган қўли эгарда турар экан, Саксон майинлик билан қўлини эрининг қўли устига қўйди. Билл кўзини узоқлардан узиб, терлаб кетган отга қаради ва ҳеч нарсани сезмагандек, Саксонга тикилди.

– Ҳм-м, – уйқудан уйғонгандек деди у. – Интенсив боғдорчилик масаласида Сан-Леандролик португалияликларнинг энди мақтанадиган жойи ҳам қолмади. Қара, қанча сув. Биласанми, Саксон, бу сув менга шунчалик мазали, ширин туюладики, баъзан ётиб олиб ҳаммасини ичиб қўйгим келади.

– Ҳа-да! Шундай иқлимда сувга муҳтож бўлмаслик!
– хитоб қилди Саксон.

– Ва у тугаб қолади, деб кўркишнинг ҳожати йўк. Агар ёгингарчилик бўлмай қолса, у ҳолда Сонома ёнимизда ва у ҳеч қаёққа қочиб кетмайди. Керак бўлган нарса фақат – моторли насос қўйилса бўлди.

– Бироқ уни қўйишнинг ҳам ҳожати йўк, Билл. Мен бир куни бу ҳақда қария Томсондан сўраган эдим. У бу ерда эллик учинчи йилдан бери яшар экан. У менга бу водийда ҳали бирор марта қурғоқчилик сабаб ҳосил олинмаган пайт бўлмаганини айтди. Бизда ёмғир керак пайтда ёғади.

– Юр, айланиб келамиз, – бирдан сўради Билл. – Ҳозир бўшсан-ку, а?

– Жоним билан, бироқ менга аввал нима гаплигини айт-чи.

Йигит Саксонга тезгина қараб олди.

– Ҳеч нарса, – тўнғиллади у. – Лекин, алдадим. Бари бир эмасми. Эртами, кечми эшитгасан. Шэвонга қарашнинг ўзи етарли: ақлдан озгандек юрибди. Унинг олтин ёмбиси бўшаб қолибди.

– Қанақа олтин ёмби?

– Унинг лойи. Ёмбидек гап эди. У ғишт заводидан бир ярд учун йигирма центдан олар эди.

– Демак, лой етказиб бериш тўғрисидаги сенинг шартноманг ҳам тамом экан-да. – Саксон бошларига тушган фалокатнинг кўламини дарров тушуниб етди. – Заводда нималар дейишяпти?

– Ҳамма гапни сир сақлашаётган бўлса-да, улар ўзларини бутунлай йўқотиб қўйишган. Улар бир ҳафта давомида тоғда ҳамма ёқни кавлаб ташлашди, уларнинг химиклари эса кечаси билан унинг олдига олиб келинган аллақандай ахлатларнинг тепасида ўтирди. Ахир уларга лойнинг бошқа бир алоҳида тури керак. Унақаси ҳамма ёқда ҳам топилмади. Шэвоннинг

еридаги лойни текширган мутахассислар катта хато қилишган экан. Балки улар ер ишларини керагича бажариш учун дангасалик қилишгандир. Нима бўлганда ҳам улар бу лойнинг захирасини нотўғри ҳисоблашган. Сен қайгураверма. Бир амаллаб бу шароитдан чиқиб кетамиз. Бари бир ҳеч қандай ёрдам бера олмайсан.

– Йўқ, ёрдам бера оламан, – деди Саксон. – Биз Рамонани сотиб олмаймиз.

– Бу сенинг муаммонинг эмас. – Уни мен сотиб оламан ва мен олиб бораётган бу катта ўйинда бу нарх катта аҳамиятга эга эмас. Отларни сотишга мен ҳар доим улгураман. Бироқ улар менга яхшигина фойда келтиришди, ғишт заводи билан бўлган шартнома эса жуда ҳам фойда келтирди.

– Билл, отларни шахримиздаги йўл қурилишига ижарага берсак-чи? – таклиф қилди Саксон.

– Мен бу ҳақда ўйлагандим. Мен ҳақимни бериб қўймайман. Тош қонидаги ишларни давом эттиришади, деган гаплар бор, йўл қурилишидагиларга тош етказиб берадиган йигит эса Пюжет-Саундга кетиб қолган экан. Агар отларнинг кўпини сотсак ҳам ютқизмаймиз. Унда сенинг полизинг қолади: бу энг ишонарли иш. Шунчаки шу пайтгача қилганимиздек, кенг кўламда иш олиб бора олмаймиз. Мана, шунақа. Мен энди қишлоқдан қўркмайман. Бу ерларга етиб келаётганимизда, мен қанча ишлар қилишимиз кераклигини тушуниб етдим. Афтидан, йўлда ётган тош ҳам бизга керак бўлади. Энди айт-чи, қаерга борамиз?

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Улар отларини йўртгириб дарвозадан чиқишди ва Хэйлларнинг ранчоси ёнидан ўтиб, Ёввойи дарасига қараб кетишди: Саксон Сонома тоғи этагидаги “Ўзининг” ўтлоғини кўриб келмоқчи бўлди.

– Саксон, биласанми, мен бугун Рамонани олиб келгани борганимда, менга қизиқ бир янгиликни айтиб қолишди, – лой ҳақидаги ғамгин фикрлардан чалғиш учун гап бошлади Билл. – Гап анави бир юз қирқ акр ҳақида. Мен йўлда Шэвоннинг ўғлини кўриб қолдим. Неғалигини ўзим ҳам билмайман, бироқ ҳазиллашиб ундан отаси ерини ижарага бериш-бермаслигини сўрадим. Нима деб жавоб берди, биласанми? Бу бир юз қирқ акр ер унинг отасига тегишли эмас экан, ижарага олган экан, шунинг учун биз нуқул у ерда унинг молларини кўрар эканмиз. Бу ер қариянинг ерига суқилиб кириб қолган, атрофдаги ерларнинг бари уники экан.

– Шундан сўнг мен Пингни учратиб қолдим. Унинг айтишича, бу жой Хильярдга тегишли бўлиб, у ерини сотмоқчи, бироқ Шэвон унга керакли нархни бермаётган экан. Орқага қайтаётганимда мен Пэйн-никига кирдим. У темирчилик устахонасидан кетган: от тепиб олибди, орқаси оғриётган эмиш. Энди кўчмас мулк олди-соттиси билан шуғулланмоқчи экан. У Хильярд чиндан ҳам ерини сотмоқчилигини айтди. Шэвон яйловни ориқлатиб юборганмиш. Шунинг учун ҳам у энди Шэвон билан ижара шартномасини давом эттирмоқчи эмасмиш.

Ёшлар Ёввойи дарасидан чиқиб отларини унинг четида тўхтатишди ва ўзлари истаётган жой ўртаси-

даги ўрмон ўсиб ётган учта тепаликни томоша қила бошлашди.

– Биз бари бир бу жойларни кўлга киритамиз, – деди Саксон.

– Албатта оламиз, – ишонч билан хотинининг гапига қўшилди Билл. – Мен пахса девордан қурилган отхонани яна бир марта кўриб чиқдим: у ерда бутун бир уюрни сиғдирса бўлади, янги том қилиш эса мен ўйлагандан кўра ҳам анча арзон тушар экан. Бироқ лой масаласи билан бўлган ҳодисадан кейин на мен, на Шэвон бу ерни сотиб ололмасак керак.

Саксоннинг “ўтлоғи”га етиб боришгач – бу ерлар қария Томсонга тегишли экани энди уларга маълум эди, отларини бойлаб қўйиб, у ёғига яёв кетишди.

Томсон ўша ерда бўлиб, ёшларни баланд овозда саломлашиб кутиб олди. Ўтларни эндигина ўришган бўлиб, Томсон уларни йиғиб юрган экан. Кун очик, тик этган шамол йўқ эди. Улар салқин жой кидиришиб ўтлоқнинг нариги томонига – ўрмон ичкарасига кириб кетишди. Тез орада юриб-юриб зўрға кўриниб турган сўкмоққа чиқишди.

– Бу сигирлар юрадиган сўкмоқ, – деб қўйди Билл. – Шу яқин атрофда яйлов борлигига баҳс бойлашаман. Шу излар бўйлаб борамиз.

Улар қиялик бўйлаб тепага бир неча юз фут юришгач, ўн беш дақиқалардан сўнг тоғ ёнбағрида ўт ўсиб ётган далани кўришди. Бир юз қирқ акр майдоннинг деярли ҳамма ёғи ўтлоқ эди. Ўзлари хохлаётган жойларни маза қилиб томоша қилиш учун Билл тўхтади. Саксон унинг ёнига яқинлашди.

– Анави нима? – узоқни кўрсатди сўради у. – Ҳов анави кичкина дарада, узоқдаги тепаликнинг чап томонида, энгашиб ўсган арчанинг тагида?

Билл даранинг деворларида қандайдир оқ йўл-йўл чизикни кўрди.

– Ие, қизик, – ўша томонга қараб, деди Билл. – Мен бу ерни беш қўлимдек биламан, деб ўйлаётгандим, бироқ буни ҳеч кўрмагандим. Мен бу ерга қишнинг бошларида келгандим. У ерлар ўтиб бўлмайдиган чакалакзор.

– Бу нима ўзи? – Ер ўпирилганми?

– Балки кучли ёмғирлардан кейин... Агар кўзим мени алдамаётган бўлса... – Оқ йўл-йўл чизикни диққат билан кўздан кечирар экан, Билл жим бўлиб қолди. – Хильярд бир акрни ўттиздан сотмоқчи экан, – ҳозирги шароитга ҳеч қандай алоқаси йўқ гапни бошлади йигит. – Яхши, ёмон ерини – аралашига. Ҳаммаси бўлиб тўрт минг икки юз доллар бўлади. Пэйн кўчмас мулк соҳасида ҳали янги. Мен унга комиссия нарҳини мен билан бўлишишни таклиф қиламан ва бу ерни жуда арзонга сотиб оламан. Биз яна Гоу Юмдан тўрт юз доллар қарз олиб турамиз, мен от ва арвалар учун ҳам пул оламан.

– Нима, сен ерни бугун сотиб оляпсанми? – кулиб юборди Саксон.

Билл унинг гапини эшитмади. У гапирмоқчидек хотинига қаради, бироқ шу заҳоти уни унутди.

– Қаллани ишлатиш керак, – шивирлади у. – Қаллани ишлатиш керак, темирни қизиғида босиш керак...

Билл бирдан сўкмоқдан пастга қараб югуриб кетди, сўнг Саксон эсига тушиб, орқасига қараб қичқирди!

– Пастга югур! Тезроқ! Мен ўша ерга бориб, нима эканлигини билмоқчиман.

Билл шунчалик тез югуриб кетдики, Саксон нима гаплигини сўрашга ҳам улгурмади. У ҳам эридан орқада қолмасликка ҳаракат қилиб, кучи борича югурарди.

– Хўш, нима экан? – эри уни эгарга ўтқазиб кўяётганда сўради Саксон.

– Бўлмаган нарсадир. Кейин айтаман, – тўғри жавобдан қочиб, деди Билл.

Йўл текис бўлган жойларда улар отни чоптиришиб, кияликларда йўртгириб, Ёввойи дарасидаги тикка кияликка етиб келишгач, шошмасдан қадам ташлаб кетишди. Билл тинчиб қолгандек эди, бундан фойдаланиб Саксон анчадан бери хаёлида бўлган гапни айта бошлади.

– Кеча Клара Хастингс менга бизникига меҳмонлар келишмоқчи эканлигини айтди. Хэзардлар, Холлар ва Рой Бланшар...

Саксон эрига хавотир билан қараб кўйди. Бланшарнинг исми айтилганда Билл худди жанговар от горнчининг сигнали билан қиладигандек, бошини кўтарди. Унинг кўзлари хунук чакнаб кетди.

– Сен анчадан бери ҳеч кимга “Йўқол, мен сени ушлаб турганим йўқ...” демаган эдинг, – эҳтиёткорлик билан гап бошлади Саксон.

Билл мийиғида кулиб кўйди.

– Майли, нима қиламиз, марҳамат, – кесатик оҳанги билан деди у. – Рой Бланшар келса келаверсин. Мен қарши эмасман. Ҳаммаси ўтмишда қолган. Бундан ташқари бундай арзимаган нарсаларга бош қотириш учун мен жуда бандман.

Билл тезроқ юриши учун отини ниқтаб, текисроқ йўлга тушишгач, югуртириб кетди. Хэйлларнинг кўрғони олдида яна секинлашди.

– Овқатлангани уйга кириб кет, – “Мадроньо” ранчоси дарвозасига яқинлашганларида деди Саксон.

– Сен овқатланавер, менинг киргим йўқ.

– Бирок мен сен билан ўтиргим келяпти, – шикоятмуз охангда деди Саксон. – Нима гап, менга айтсангчи!

– Йўк, айтмайман. Уйга бориб, менсиз овқатланавер.

– Э, йўк! – хитоб қилди Саксон. – Мен энди албатта, сен билан бораман.

Улар шоссе бўйлаб ярим милча юришгач қайрилишди ва Билл ўрнатган дарвоза ёнидан ўтиб, далани кесиб ўтишди ва оппоқ чанг босган кўча бўйлаб кета бошлашди. Бу йўл Шэвоннинг забойига олиб борарди. Бу бир юз қирқ акрлик майдон жанубга қараб чўзилиб ётарди. Куюқ чанг орасида иккита арава бир-бирига қараб ҳаракат қилаётган эди.

– Қара, сенинг отларинг! – хитоб қилди Саксон. – Ажойиб! Яхшилаб ўйлаб кўргандинг – мана, сен мен билан айланиб юрганингда улар сенга пул келтиришяпти.

– Булар менга бир кунда қанча пул келтираётганини ҳатто ўйлаш ҳам ноқулай.

Улар бир юз қирқ акрлик майдонни тўсиб турган шлагбаумга қараб кетадиган йўлдан қайрилиб бўлишган эди, бироқ шу пайт олдинда кетаётган аравадаги одам уларни чақириб, кўлини силкиди. Билл отларини тўхтатди.

– Бурул нимадандир кўрқиб югуриб кетди, – улар билан бараварлашганда, деди аравакаш. – Бутунлай ақлдан озди – кишнайди, тишлайди, тепади. Абзаллари худди қоғоздек йиртилиб кетди. Тишлари билан Болдининг бир бўлак гўштини узиб олди! Ҳаммаси орқа оёғини синдириб олиш билан тугади. Мен отнинг ўн беш дақиқада шунча иш қилиб ташлаганини умримда биринчи кўришим.

– Оёғи чиндан ҳам синганми? – кескин сўради Билл.

– Аник.

– Майли, юкларни туширинглар, кейин отхонага бориб, Бенни топасизлар. У молхонада. Мэтьюзга айтинглар, бунга юмшоқроқ муомала қилсин. Винтовка топиб кўйинглар; Сэммида бор, олиб туринглар. Бурулга яхшилаб қараб туришингизга тўғри келади. Менинг ҳозир ҳеч вақтим йўқ. Нима учун Беннинг олдига сизлар билан Мэтьюзнинг ўзи бормади? Бу билан анча вақтни тежаган бўлардингиз.

– У ўша ерда қолиб, мени кутяпти, – жавоб берди аравақаш. – У мен бир ўзим ҳам Бенни топаман, деб ўйлаган эди.

– Унгача ҳеч нарса қилмай ўтирадимиз? Бўпти, тезроқ бўлинг.

– Мана, қанақа ишлашаётган экан, – Саксон билан йўлларида давом этишар экан, жаҳл билан деди Билл. – Топқир эмас, идроклари етишмайди. Биттаси кўлини ковуштириб, кутиб ўтиради, иккинчиси у бориши керак бўлган жойга унинг ўрнига кетади. Мана, бир кунда икки доллар оладиган одамларнинг нимаси ёмон.

– Уларнинг калласи ҳам икки долларлик, – эрининг гапига кўшилди Саксон. – Сен икки долларга нима олмоқчи эдинг?

– Гапинг тўғри, – хотинининг гапига кўшилди йигит. – Агар яхшироқ фикрлашганда бошқа идроклироқ одамлар каби шаҳарда яшашган бўларди. Бироқ бу идрокли одамлар ҳам ўлгудек тентак: улар қишлоқда қандай имкониятлар борлигини билишмайди, акс ҳолда уларни шаҳарда ушлаб туриб бўлмасди.

Билл отдан тушиб майдонга кириш йўлини тўсиб турган харини тушириб, отларни олиб ўтди ва харини яна илгаригидек қилиб қўйди.

– Мен бу майдонни қўлга киритганимдан сўнг бу ерга дарвоза ўрнатаман, – деди у. – У дарров ўзини оклайди. Бу, албатта, арзимаган нарса, бироқ ҳақиқий хўжалик ана шундай арзимаган нарсалардан ташкил топади. – Билл ўз-ўзидан хурсанд бўлиб, тин олди. – Мен илгари бу ҳақда ўйламас эдим, бироқ Окленддан кетганимиздан бери анча ақллироқ бўлиб қолдим. Биринчи бўлиб Сан-Леандродаги португалияликлар менинг кўзимни очишди. У пайтгача мен ухлаб ётган эканман.

Улар учта даладан ҳали ўти ўриб олинмаган пастрокдагисини айланиб ўтишди. Билл бир бало қилиб ясаб қўйилган тўсиқ ва мол янчиб ташлаган далани қўли билан кўрсатди.

– Мана, ҳамма гап нимада, – истехзо билан деди у. – Эскича ишлаш усули! Қара: ҳосил қанчалик кам ва ер ёмон ҳайдалган. Зотсиз моллар, ёмон уруғ, ёмон хўжалик. Шэвон бу ердан саккиз йилдан бери фойдаланади, бироқ бирор марта ҳам ерга дам бермаган, ҳосилни йиғиб олгандан кейин бу ёқларга молини қўйиб юборганини айтмаса, ердан олганининг ўрнига ҳеч нарса бермаган экан.

Улар узоқроққа юра туриб, ўтлаб юрган подани кўришди.

– Саксон, ҳов анави буқага қарагин. Уни энг паст зотли дейиш ҳам камлик қилади. Бундай ҳайвонларни ушлашни қонун билан тақиқлаб қўйиш керак. Шэвоннинг ҳеч ҳам кўкармаслиги ва еридаги лойдан топаётгани қарзининг фоизларини тўлашга кетиши бежиз эмас. У ерини фойда келтиришга мажбур қила олма-

япти. Масалан, мана шу майдонни олгин: акли бор одам бу ердан долларларни белкурак билан кураб олган бўларди... Мен уларга хўжаликни қандай юри-тиш кераклигини кўрсатиб қўяман.

Кета туриб улар узоқда катта пахса деворли отхонани кўришди.

– Агар у вақтида том учун бир неча долларни қизганмаганда эди, бир неча юз долларни тежаб қолган бўларди, – деб қўйди Билл. – Ҳа майли, жуда бўлмаганда мен сотиб олаётганимда ремонт учун тўлашим керак бўлмайди. Сента яна бир гап: бу ранчо сувга жуда бой; демак, агар Глен-Аллен катталашиб, шаҳарга сув керак бўлиб қолса, менга учрашишларига тўғри келади.

Билл бу ерларнинг ҳар бир бурчагини билиб олган эди ва ҳозир йўлни қисқартириб ўрмон орқали моллар юрган сўқмоқдан кетиб борарди. Бирдан у жиловни тортиб, икковлари тўхташди. Шундай уларнинг рўпараларида, ўн икки қадамча нарида кичкинагина тулки турарди. Ёввойи ҳайвон ярим дақиқача ўзининг дум-думалоқ кўзлари билан уларни кузатиб турди, тумшуғи билан номаълум нарсанинг иси келаётган ҳавони искади, сўнгра овоз чиқармай четга қочиб, дарахтлар орасида йўқолди.

– Эҳ, сен, қароқчи! – хитоб қилди Билл.

Улар Ёввойи дарага яқинлашишар экан, ўртасида ҳовуз йилтираб кўриниб турган узун ва тор ялангликни кўришди.

– Глен-Эллен сув билан қизиқишга бошлаганда керак бўладиган табиий сув омбори, – деди Билл. – Ҳовузнинг охирига қарагин – ўша ерга тўғон қуриш ҳеч қанча турмайди. Сувни хоҳлаган томонингга буриш мумкин. Сув бу водийда олтинга тенг бўладиган

пайтлар узоқ эмас. Бу тентак, анқов, уйқучиларнинг бари қар ва кўр бўлиб қолган, ҳеч нарса тушунишмайди, шекилли. Саксон, биласанми ҳозир инженерлар Сосалитодан Напа водийсига ҳам тармоғи кетган электричка ўтказиш учун бу водийни ўрганишгаётган экан.

Билл ва Саксон Ёввойи дарасининг четига етиб келишди. Улар отларини тикка қияликдан пастга қараб ҳайдашди ва игнабаргли дарахтлар қалин ўсган ўрмон орқали ўт босиб, йўқолиб кетай деган сўқмоққа чиқишди.

– Бу сўқмоқ элтигинчи йилларда ўтган, – деди Билл. – Мен уни тасодифан кўриб қолдим. Кеча эса Поппдан сўрадим – ахир у шу ерда, водийда туғилган-ку. У бу сўқмоқни Петалумадан келган олтин изловчилар ўтказишганини айтди. Биржада янги қонлар топилгани тўғрисида гап тарқатишиб, бу ерга минглаб алданган одамлар оқиб кела бошлаган экан. Кўряпсанми, ҳов ана тозаланган майдон ва эски тўнкалар бор. Бу ерда уларнинг лагери бўлган. Улар дарахтлар тагига нов қўйилган. Бу майдонча ўз вақтида катта бўлган, бироқ дарё суви ювиб кетган. Попп бу ерда бир неча қотилликлар бўлгани, ҳатто кимларнидир судсиз-сўроқсиз оломон қилишганини ҳам айтиб берди.

Улар отга ёпишиб олишганча, тор сўқмоқ орқали дарадан чиқиб олишди ва чакалакзор орқали тепаликка қараб кета бошлашди.

– Саксон, сен доим чиройли кўринишларни қидириб юрасан. Ҳозир мен сенга шундай бир жойни кўрсатаман, ўзингдан кетиб қоласан... Ҳозир, мана чакалакзордан чиқиб олайлик.

Улар чакалакзор ичидан чиқишлари билан шундай манзарага дуч келишдики, дарбадарликда юрган пайт-

ларидан бери улар ҳали бундай ажойиб жойни кўришмаган эди. Зўрға кўриниб турган сўкмоққа баҳайбат секвойя ва қайрағочларнинг сояси тушиб турарди. Бу маҳаллий турдаги барча дарахтлар ва ер бағирлаб ўсадиган ўсимликлар худди бир-бирлари билан келишиб олгандек, чирмашиб, ҳавода гумбаз ҳосил қилишган эди; заранг дарахтлари, мадроньо, лавр, баҳайбат эман дарахтлари – ҳаммаси бир-бирига чирмашиб, ёввойи узум новдалари уларни чирмо-вукдай ўраб олган эди. Саксон Биллнинг диққатини четида катта папоротниклар ўсиб ётган ариққа қаратди. Буни кўриб, табиат ўрмон ичкарисадаги бу баҳайбат айвон, бошпанани яратиб учун қияликлар атай жойидан сурилган, деб ўйлаш мумкин эди. Оёқ остида сув шалоп-шулуп қиларди. Катта-катта баргли папоротниклар орасида кўзга кўринмаётган булоқ жилдираб ётарди. Ҳамма томондан кўриниб ажойиб эди. Ёш секвойя дарахтлари йиқилган катта дарахтлар атрофида тикка бўлиб жимгина қад кўтариб туришар, уларнинг мох ўсиб ётган, уваланиб кетаётган таналари отларнинг бўйнигача келарди.

Улар ўн беш дақиқача давомида даранинг учта ўрмонзор тепаликка олиб борадиган тор четида отларини боғлаб қўйишди. Дарахт шохлари орасидан Билл Саксонга эгилиб турган қорақарағайнинг учини кўрсатди.

– Ҳов ўшанинг остида, – деди у. – Ариқ ўзани бўйлаб кўтарилишимизга тўғри келади. Бу ерда кўплаб ирмоқ орқали олиб борадиган кийикларнинг изини кўрсак-да, у ергача олиб борадиган ҳеч қандай сўкмоқ йўқ. Фақат оёғингни ҳўл қилиб қўясан, деб кўрқаман.

Саксон қувноқлик билан кулиб юборди. Биллга яқинроқ юришга ҳаракат қилиб, оёқ-қўллари билан нам

қояларга ёпишганча сувларни шалошлатиб кета бошлади.

– Сен бу ерда бутун тоғ бўйлаб сув ўзанини топа олмайсан, – деди Билл, – шунинг учун дарё борган сари чуқурлашиб, қирғоқлари тинмай сирпаниб кетаверади. Улар зўра турибди, сал ўтиши билан ўпирилиб тушади. Бундан нарироқда дара тор тирқишдек, бироқ жуда чуқур. Бемалол сакраб ўтиш мумкин, бироқ бўйнингни синдиришинг ҳам осон.

Тепага қараб чиқиш борган сари қийинлаша бошлаганди. Торгина дара олдига етиб боришганда, тўхташларига тўғри келди.

– Мени шу ерда кутиб тургин, – деб Билл буталар орасига кириб кетди.

Саксон тепада шохларнинг қисирлаши тингунча кутиб турди, кейин яна ўн дақиқача кутди-да, Биллнинг кетидан кетди. Ариқ ўзанидан юришнинг иложи бўлмай қолган жойларда Саксон кўм-кўк шохлар остида тикка қиялик бўйлаб чўзилган сўкмоққа кўтарилди: бу сўкмоқ кийиклар юрадиган сўкмоқ эканлигига унинг ишончи комил эди. У бошининг тепасида даранинг қарама-қарши томонида энгашиб ўсган қорақарағайни кўрди ва суви тип-тиник бўлган ҳавза олдидан чиқди. Бу сув ҳавзаси афтидан яқинда, ер ва дарахтлар чўкиши натижасида пайдо бўлган бўлса керак. Унинг тепасида қия кетган оқ девор кўтарилган эди. Саксон бу эри билан кўришгани ўша оқ йўл-йўл нарса эканлигини дарров тушунди ва атрофга қараб Биллни кидира бошлади. Билл ҳуштак чалиб, уни чақирди. Саксон бошини кўтариб қаради. Билл осилиб турган оқ деворнинг шундай четида, Саксондан икки юз футча юқорида, дарахт танасини ушлаб турарди. Эгилган қорақайрағоч унинг яқинида эди.

– Бу ердан сенинг майсазорингдаги яйлов кўриниб турибди, – кичқирди у. – Бу ерга шу пайтгача ҳеч ким чикмагани бежиз эмас. Бу деворни фақат ўша ерда кўриш мумкин. Ва уни сен биринчи бўлиб кўрдинг. Тўхтаб тур, мен ҳозир олдинга тушаман ва сенга бор гапни айтиб бераман. Олдин айтишга кўрқиб тургандим.

Гап нимадалигини тушуниш учун жуда ақлли бўлиш шарт эмас эди. Саксон бу нарса гишт заводи учун зарур бўлган ўша кимматбаҳо лой эканлигини дарров тушунди. Билл ўпирилган жойни айланиб ўтиб, худди зинапоялардан тушаётгандек, дарахтдан дарахтга сакраб пастга туша бошлади.

– Ахир бу мўъжиза эмасми? – ҳайрат билан деди у, Саксоннинг олдига сакраб тушиб. – Ўйлаб кўргин-а! Ҳазина тўрт фут қалинликдаги ер остида, ҳеч ким топа олмайдиган жойда биз иккаламиз Ойдин водийга келишимизни кутиб ётган экан. Энди биз уни кўра олишимиз учун бир қават терисини ташлади.

– Бу ўша лойми? – сўради Саксон.

– Бошим билан жавоб бераман. Мен охириги пайтларда бу билан шунчалик кўп банд бўлдимки, ҳатто қоронғида ҳам яхши танийман. Бир бўлагини бармоқларинг билан ишқалагин... мана бундай қилиб. Мен уни ҳатто мазасидан ҳам таний олган бўлардим – араваларнинг чангини тоза ютганман. Ҳечқиси йўқ, бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлади. Ойдин водийга келганимиздан бери қандай қилиб мушкул аҳволдан чиқиб кетишни ўйлаб ётган эдик, ана энди бир оз дам олсак ҳам бўлади.

– Бироқ бу майдон бизники эмас-ку, – эътироз билдирди Саксон.

– Мен уни сотиб олгунимча сен юзга чикиб улгурмайсан. Мен бу ердан тўғри Пэйнинг олдига учиб бораман ва сотиб олиш ҳукуки ҳақидаги шартномани ҳал қиламан. Улар олди-сотди қоғозларини тайёрлашгунча мен пул кидириб кўраман. Гоу Юмдан яна тўрт юз доллар қарз олиб турамиз, от ва аравалар учун, Хазл ва Хатти учун ва умуман, бир цент бўлса ҳам турадиган нарсадан пул оламан. Кейин ерга эгалик ҳақидаги расмий ҳужжатни ва гаров хатини олиб Хильярд билан ҳисоб-китоб қиламан. Кейин у ёғи осон – ғишт заводи билан ҳар ярд учун йигирма центдан шартнома тузаман; балки кўпроқ олиш ҳам мумкин бўлар: улар лойни кўришса эслари оғиб қолади. Бу ерда бурғулашнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак – лой шундай юзада. Кавласанг бўлди. Бу тепаликларнинг ҳаммаси лой, фақат устида ингича тупроқ қатлами бор.

– Бироқ лой олишни бошлашгандан кейин бу чиройли жойларнинг аҳволи нима бўлади? – ҳаяжонланиб хитоб қилди Саксон.

– Ҳечқиси йўқ, фақат тепаликка бир оз шикаст етади. Йўл нарийги томондан ўтади. У ердан Шэвоннинг забойигача ярим мил ҳам келмайди. Мен йўл ўтказиб, йўл ҳақини ошираман; ёки завод ўзи йўл курсин, мен эса ҳозиргидек ўша нархга уларга лой ташийман. Ва биринчи дақиқадан бошлабоқ ярдига йигирма центдан соф даромад оламан. Бироқ яна от сотиб олишга тўғри келади – бори етмайди.

Улар қўл ушлашиб бориб, ҳавза ёнига ўтиришди ва ўзлари очган янгиликни муҳокама қила бошлашди.

– Саксон, биласанми, – бир оз тин олиб сўради Билл, – менга “Ўрим тутаганда”ни айтиб бер, майлими?

Ашулани охиригача эшитиб, деди:

– Бу ашулани сен биринчи марта бирга айлангани чиққанимиздан сўнг уйга қайтаётганимизда поездда айтиб берган эдинг.

– Ҳа, танишган кунимиз эди. Ўшанда бу сенга қандай таъсир қилган эди?

– Қандай бўларди: худди ҳозиргидек – яъни сен мен учун яралгансан. Мен буни ўша вақтдаёқ, биринчи вальсдан кейинок сезгандим. Сен-чи?

– Мен эса ҳали биринчи вальсга тушмасимиздан туриб, бизни таништиришганда қўлимни сиқиб қўйганиндан бошлаб ўз-ўзимдан: Наҳотки бу ўша?” деб сўрай бошлаган эдим. Айни шу сўзлар: наҳотки бу ўша?

– Демак, мен сенга ёқиб қолган эканман-да? – сўради Билл.

– Ҳа, ёққансан, менинг кўзларим эса мени ҳеч қачон алдамаган.

– Менга қара, – Билл гапни бошқа ёққа бурди, – ҳамма ишни ҳал қилиб, йўлга қўйганимиздан кейин қишда Кармелга борсак-чи? Қишда сабзавот ишлари бўлмайди, мен ўрнимга ёрдамчимни қолдирсам ҳам бўлади.

Бироқ Саксон эрининг бу гапларидан ҳайратга тушмади. Билл бундан ҳайрон қолди.

– Сен хохламайсанми? – сўради у.

Саксон эридан кўзларини яшириб, жавоб берди:

– Билл, мен кеча сендан сўрамай бир иш қилгандим.

Билл индамай гапнинг давомини кутди.

– Мен Томга хат ёзиб юбордим, – қўшиб қўйди Саксон.

Нималигини ўзи ҳам билмай, Билл гапнинг давомини кутди.

– Мен ундан эски комодимни юборишини сўрадим, эсингдами, онамнинг комоди, Окленддан кетишдан олдин акамникига олиб бориб қўйгандик.

– Уф! – енгил тортиб хўрсинди Билл. – Нима экан, дебман. Комод бизга ҳар доим керак, тўғрими? Уни олиб келиш бизни хонавайрон қилмаса керак, тўғрими?

– Билл, менинг азиз тентаккинам. Ахир комоднинг ичида нима борлиги эсингда йўқми?

Билл бошини чайқади; Саксон секингина қўшиб қўйди:

– Кичкина болага керак нарсалар...

– Чинданми? – хитоб қилди Билл.

– Ҳа.

– Ишончинг комилми? – Саксон бошини қимирлатди: унинг юзлари ёнарди.

– Саксон, мен буни шунчалик хоҳлаётгандим! Дунёда ҳамма нарсадан кўра кўпроқ хоҳлаётгандим. Мен бу ерга келганимиздан бери бу ҳақда жуда кўп ўйладим, – овози тугилиб деди Билл. Саксон шунда биринчи марта эрининг кўзларида ёш кўрди. – Бирок мен ўзим қилган ҳамма номаъқулчиликлар ва кўнгилсизликлардан сўнг сендан буни сўрашга ҳақим йўқ эди... Бирок мен буни шунчалик хоҳлагандим... шунчалик хоҳлаётган эдим!.. Мен сени ҳозир шунчалик яхши кўриб кетяпман!..

Билл хотинини маҳкам кучоқлади, атрофга жимлик чўкди. Саксон эри бирдан унинг лабига бармоғини босганини сизди. Унинг нима демоқчилигини тушуниб, секин бошини ўтириб қаради ва икковлари узоқда, тоғ ёнбағрида куюқ барглар орасидан уларга қараб турган буғу ва холдор кийикни кўришди.

ТАМОМ!

Жек ЛОНДОН

ОЙДИН ВОДИЙ

Роман

Русчадан Муҳаббат Исмоилова таржимаси

Мухаррир: Адиба Ҳамро кизи

Бадий муҳаррир: Намоз Толипов

Техник муҳаррир: Мухриддин Ҳамроев

Дизайнер ва рассом: Аббос Турсунов

Мусаххих: Дилшодабону Аввалбоева

3507

Нашриёт лицензияси: AI № 221; 16.11.2012.

Теришга берилди: 16.09.2017.

Босишга рухсат этилди: 09.03.2018.

**Бичими: 84/108 1/16. Офсет босма. "Times" гарнитураси.
Шартли босма табоғи: 42,0. Нашриёт босма табоғи: 36,75.**

Адади: 3000 нусха. Буюртма: № 13-17.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Нашриёт манзили:

**"Yurist-media markazi" нашриёти,
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй
Тел.: 212-47-79, 230-04-74
E-mail: yurist_media@mail.ru**

Босмахона манзили:

**"Good group media" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор-14, 32-уй.**